

Ойлик
адабий-бадний,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Шарк қаламчиси

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи



50-йил чиқиши

Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

МУНДАРИЖА

С. Исҳоқов. Юлдуз кўкда сўнади. Қисса.	3
Р. Абдурашид. Буюклик. Шеърлар	48
Уйғун. Зебуннисо. Шеърӣ драма. Давоми.	56
Э. Умеров. Иккинчи келин. Қисса.	85

ҚИЗЛАР ШЕЪРИЯТИ

Н. Қулбекова. Баҳор; Р. Шокирова. Бул кеча; У. Асқарова. Шивирлайди ёмғир бетиним; З. Эгамбердиева. Юракда уйғотиб.; Г. Раҳимова. Қандай яхши, Қизғалдоқ, Соғиниб яшайман; Ҳ. Қорабоева. Янги барглар; Ҳ. Абдуҳакимова. Рошидон; Б. Турובה. Ота, ўзингизга ўхшайди дунё.; З. Рўзиева. Мактуб; М. Мирзаева. Ҳайрат. Шеърлар 137—144	
--	--

ПУБЛИЦИСТИКА

Э. Бобоева, К. Турдиалиев. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас»	145
--	-----

ОЧЕРКЛАР

Э. Усмонов. «Табиат китоби» туркумидан.	149
---	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Б. Норбоев. Икки шоир қаҳрамони.	156
М. Маҳмудов. Шаффоф нилуфарнинг сири.	160
А. Ҳайитметов. Матншунослик муаммолари.	167

ЮБИЛЯРЛАРМИЗ

О. Шарафиддинов. Ғабит Мусрепов.	172
--	-----

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

К. Турдиева. Болаларни севаман	177
Ғ. Саломов, О. Наҳанов. Эл назарига тушган адиб.	179

ТАҚРИЗЛАР

С. Мирвалиев. Замонага ҳамоҳанг ижод.	182
А. Ишаев, Р. Дониёров. Сўзлар хазинаси.	185
Н. Жумаев. Орзу, ҳаёт, кураш теран талқин топса...	190
Д. Тўраев. Ҳаётбахш момақалди роқ.	191
Б. Қосимов. Истеъдод жозибаси.	194
М. Жуманов. Қардошлик рисоласи.	195
М. Нишонев. Инқилоб тароналари.	196

ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

А. Абдуғафуров. Муқимийнинг насрий мактублари.	198
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Конвертларни қайчилаганда.	203
Ўртоқлик ҳазиллари.	204
Маданий ҳаёт.	206
«Звезда Востока» март сониди.	207

Сойим Исҳоқов

Юлдуз кўкда сўнади

ҲИССА

Отам Исҳоқ Ражаб ўглининг
ёрқин хотирасига бағишлайман.

1

Тиркашнинг олди пешайвонли, томи лойсувоқ уйини Қўрғонжардаги бошқа уйлардан фарқ қилиш қийин. Бир замонлар урилган тўрт пахсали қўрғон девори ҳар икки томондан шу уйга туташган. Вақт ўтиши билан бир пахсаси нурай бошлаган. Тагидан ҳам емирилиб, атрофини читир, чучмўма каби ўт-ўланлар босган. Ҳовлининг жануб томонидаги чоққина бир уй, бир даҳлизда Тиркашнинг катта ўғли Мамаражаб турарди. Ҳозир у бўш...

Уй ичи ғалвирдан ўтказилган қипиқ сомон билан сувалган. Ирғай ёғочидан йўнилган қоziқларга турли халталар, кийим-кечаклар илинган. Тўрда кўрпаёстиқ йиғилган тахмон. Ерга бир сидра олача, кигиз, унинг устидан айлантириб пўстак тўшалган. Ҳафсала билан бўялган оқ эчкининг терисидан тикилган пўстаклар бу хонадон соҳибасининг дидликина эканлигидан далолат беради.

Тиркаш анчадан буён касал. Тоғ томонга очиладиган дарча ёнига тўшак солдириб ётибди. Келини Хинагул билан кичик ўғли Бебит ишда. Неваралари Ҳожиникида. Марварид уларни атай қудасиникига ташлаб келган. Назарида чоли бугун ҳар кунгидан оғирлашиброқ қолгандай туюлганди. Касал ётган уй осойишта бўлгани маъқул. Ўзи, уйни ифлослантириб юбормаслик учун, пойгакка пўстакнинг ёрғоқ томонини тўшаб,



Сойим Исҳоқовнинг касби ўқитувчи; Чиноз районидаги 1-Май номли мактабда ишлайди. У бир неча йилдан бери насрда қалам тебратмоқда. Унинг илк йирик асари «Сиртдан тинч дарё» қиссаси «Шарқ юлдузи»да босилган. «Юлдуз кўкда сўнади» — ёш ёзувчининг иккинчи қиссаси.

урчуқ йигиради. Жуссаси кичик, чуваккина. Ажин из солган юмалоқ юзларидами, кўзларидами болаларча бир маъсумлик бор. Бу сифат ўта қаноатли, турмушнинг аччиқ-чучугига бирдай кўникадиган одамлардагина бўлади...

Тиркаш кечга яқин кўзини очди. Қаддини ростламоқчи бўлди-ю, дармони етмади. Тили ўқдай, бироқ томоқ чатоқ. Кунига бир-икки югом сутми, аталами тотинарди. Бугун у ҳам ўтмади.

— Мени турғизиб қўй,— деди кампирига.

Марварид уни суяб, дарча томонга қаратиб ўтқазди. Тахмондаги кўрпа-ёстиқлардан олиб, ён-верига қалаб қўйди. Кейин пойгакка ўтиб, яна ўз ишига тутинди...



Баҳорнинг яшил гилами шундоққина дарчанинг тагидан бошланади. Куёш увада булутлар орасидан ярқ этиб чиққан пайтларда турлитуман ўтларнинг сариқ, қизғиш, бинафша гуллари бодраб кўринади. Булутлар орасига яширинганида, майда гуллар хира тортади. Синчиклаброқ тикилмаган одам уларни пайқамаслиги мумкин.

Дала-тузнинг майсаларга бурканганига кўп бўлди. Куёшли кунларда ердан енгилгина ҳовур кўтарилади. Тез-тез қуйиб ўтадиган баҳор ёмғирлари ерга деярли сингмайди. Кўпчиб ётган тупроқда нам кўп.

Бундай пайтларда Тиркаш даштда бўлса — қоқи териб тузлаб ейишни, тоғда бўлса — равочнинг ўзагини чайнаб шимишни яхши кўрарди. У қоқи билан равочни ҳозир ҳам қўмсайди. Бироқ энди илгариги куч-қувват, ҳафсаласи қайда. Бировнинг териб келганини ҳам еёлмайди. Баъзи-баъзидагина дарчадан қулф ураётган майсаларга, бахмалдай товланаётган қирларга, вазмин мудраётган тоғларга суқланиб тикилади, соатлаб хомуш ўтиради.

Юрагини ўртаётган ўкинч ва армонлар сабаби ўзигагина аён. Лекин маълум мезонда фикрлашга ўрганган ақли қалб амрига бўйсунса қани!

Марварид жимгина урчуғини йигиради. Ора-чора чоли томонга нигоҳ ташлайди. Унинг ўйлар гирдобида эзилиб ўтирганини кўриб, бирор нарса демоқчи бўлади-ю, аммо журъат қилолмайди.

Тиркаш ёғи тугаётган чироқдай кундан-кунга сўниб бораётганини билади. Баъзи-баъзида яқинларини йиғиб, айтадиганини айтмоқчи ҳам бўлади. Эртароқ шундай қилмаса, фурсатни ўтказиб қўядигандай туюлади. Чиқмаган жондан умид, деб яна фикридан қайтади.

Кексалик етгач, ҳар қанча ўжар одам ҳам шахтидан қайтади. Айниқса, ўлими олдидан энг чўрткесарлар ҳам ипакдай мулойим тортиб, кечмишдаги яхши-ёмон ишларини сарҳисоб қилиб қолади. Тиркаш умрида бировга ёмонлик қилмаган. Нурулла дўм'ни ҳисобга олмаганда, ҳеч кимга озор етказгани йўқ. Баҳоли қудрат бировларни қўллаб-қувватлади. Ўзи ҳам бировдан ёмонлик кўрмади. Шу сабабданми, кунни тугаб бораётгандай туюлса-да, анча хотиржам кўринади. Ич-ичидан қайнаб чиқаётган туғённи ҳеч кимга, ҳатто кампирига ҳам сездирмасликка ҳаракат қилади.

Унинг бу дарди бошқача дард!

Кампиридан бир нарсани яшириб бўлармишми. Тиркашнинг дилидагини ҳеч ким Марваридчалик билмас. Турмуш қуришганига қирқ йилдан ошди. Шу давр ичида шодлигу ташвишлари ўртада бўлди...

Тиркаш азалдан қаттиққўлроқ эди. Баъзан қаттиққўлликни ҳаддидан оширса оширгандир. Болаларни тергаш, тўғри йўлга солиб туриш — ота-онанинг вазифаси. У нима қилган бўлса, ўз бурчини сидқидилдан бажариш учун қилди.

У яқин-яқинларгача шундай фикрда яшади. Аммо кейинги тўрт-

¹ Баъзи жойларда қишлоқ совети идорасини дўм дейишган. Шунданми, унда ишлайдиганлардан айримларига ҳам шу лақабни беришган.

беш кундан бери қўнглида шубҳа пайдо бўлди. Баъзи қилмишлари учун пушаймонликка ўхшаш бир туйғу юрагидан ачиган хамирдай тошиб чиқади. Лекин ўқтин-ўқтин юзага тепаётган бу туйғу ўжар ақлининг сарҳадини ҳануз ёриб ўтолмайди.

У яшил қирлар узра Қорақуш тоғига қаради. Чўққиси юксакларга бўй чўзган. Тепа қисми тумшукқа, ён томонлари текис таралиб тушган патга ўхшайди. Бу «тумшук» ва «патларнинг» ҳар бири камида уйдаи келадиган қора харсанглар эканлигини Тиркаш яхши билади. Қийқим дастларидан ана шундай майда ва бежирим кўринади улар.

Қиличмозор қишлоғидан Қорақушгача бўлган жойлардаги катта-кичик ўнга яқин қишлоқни Қийқим, унда яшовчиларни қийқимликлар дейишади. Айтишларича улар юз уруғига мансуб бўлиб, Субҳонқулихон замонларидами, ундан олдин ё кейинроқми, қаердандир — жануб томонлардан кўчиб келиб, ўрнашиб қолишган экан. Лекин Қийқимдан Нуротагача тоғ ёқалаб чўзилиб кетган кенг жойдаги юзлар ўзларини туркман уруғиданмиз деб юритишади. Туркман юз уруғининг бир қабиласи эканлигини бу ерда камдан-кам одам билади.

Қийқим туркман уруғига мансуб бўлса-да, шу уруғнинг турли аймоқларидан йиғилиб келиб ўрнашган қурама эл. Қийқим номи, балки, шундан келиб чиққандир. Колхоз тузилгунига қадар қўшни қирқ уруғининг одамлари билан ер-сув ва яйлов таллашиб, тез-тез жанжаллашиб туришарди. Қирқлар билан жанжал чиқмаган йилларда ўзаро ёқа бўғишиб туришган: тўқсон турон билан, турон ҳожи¹ билан ва ҳоказо. Баъзилар шунга нисбат бериб: «Қийқиллашиб уришаверганликдан Қийқим аталганмиз», дейишади.

Номи қандай келиб чиққанидан қатъи назар, Қийқим юз йиллар мобайнида яхлит бирликини ташкил қилган асов ва жангари эл. Унинг бутунлигига колхозлаштириш ҳам дахл қилмади: Ерлари ўзларига тегиб, қўшни хўжаликларга нисбатан катгароқ колхоз бўлишди. Илдизи тугатилгач, майда-чуйда жанжаллар ўз-ўзидан барҳам топиб кетди...

Емғирдан кейин, ҳаво намхуш кунларда, одам хаёл суришга мойил бўлиб қолади. Қирлар бағрида келинчакдай ишва қилаётган гуллар орасида чалқанча ётсанг-у, парқу булутларга тикилганча хаёлга эрк берсанг. Афсуски, Тиркаш бундай қилолмайди. Тўғри, у ҳам хаёл суради. Фақат уйда... Ётавериб жонига теккан беморлик тўшагида ўй ўйлайди. У ўлими яқинлигини сезяпти. Лекин, айнан ҳозир ўлгиси келмайди. Ақалли яна бир йилгина яшасайди. Эҳтимол, ўшанда вужудини ўртаётган айрим хатоларини тузатиб улгурармиди...

— Кампир,— у Марваридга ўғирилди.— Шундай... ўлиб кетарми-канман-а?

— Бундай гапларнинг нима кераги бор, отаси,— деди кампири бўшашиб.

— Нима, мен дунёга устун бўлармидим.

— Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришталар овмин дермиш. Сиз ҳали қулундайсиз, ўлимни тилга олманг.

— Қулун бўлиб гижинглаб турган жойим йўғу, шундай дейсан-да... Соғ-саломат гул фаслига етдим. Энди тош қизувга етсайдим, ўлмасдим. Бунга етказмай омонатини қистаб қолса, билмадим...

Марварид индамади. Тиркашнинг ўлим тўғрисидаги гапларини эшитгиси келмади. Кейинги кунларда унга бир гап бўлди: ўлимни тилга кўп оладиган бўлиб қолди.

Марвариднинг юраги увишди. Тиркаш чарчаб, тўшагига чўзилмоқчи бўлаётганди, туриб суяди. Устига кўрпа ёпди. Тиркаш кўрпани бошига тортиб, ўраниб олди...

Ҳозир мушукка ўхшаб мудрандан бошқасига ярамаса ҳам, бир пайтлари ўт-олов эди у. Исми ҳам шунчаки Тиркаш эмас, Тиркаш тен-так эди. Катталар шундай дейишарди. Аслида янгалари қўйган бу ла-

1. Тўқсон, турон, ҳожи — Қийқимдаги аймоқлар.

қабни. Тентак бола, дейишарди улар. Тентак сўзини янгалари жинни, овсар эмас, танги, чўрткесар маъносида ишлатишарди.

Лақабидан у на қувонарди, на хафа бўларди. Урганиб кетганди. Бора-бора баъзи ҳазилкашлари жўнгина Тиркаш дейишса, эриш туюладиган бўлиб қолди. Бу пайтда «Тентак боланинг» овози дўриллаб, янгалари аввалгидай чақиритилмай қолганини дафъатан ўзи сезмай қолибди. Кейин уйланди, бола-чақа орттирди. Улар катталашгани сари гарданидаги ташвишлар ҳам улғаяверди. Тўнғич ўғлини уйлантирди. Яккаю ягона қизи эса...

2

Наврўз оқшоми эди. Қийқимнинг ҳамма қишлоқларидаги ёшлар йиғилиб келишиб, Қўрғонжарнинг орқа тарафидаги Каттақир тепалигида ярим кечагача ўйин-кулги қилишди. Кейин уй-уйларига тарқалишди. Фақат Гулсара қайтмади. Дугоналаридан бирортасиникига киргандир, деган хаёлда Марварид уни анча кутди. Қелавермагач, юрагига ваҳима тушиб, қўни-қўшнилари киши билмас суриштира бошлади. Қўрдим деган одам топилмагач, Мамаражаб билан Бебитни оёққа турғизди. Аммо у йўқ эди. Эрталабга яқин эсарқишлоқлик Мамат деган йигит билан қочиб кетгани маълум бўлди.

Бу хабар Марваридни бепичоқ сўйди. Босган қадами орқага кетиб, болалари билан уйига қайтганида, чоли бомдод намозини ўқиб бўлганди. Тиркаш бир қарашдаёқ уларнинг жонсарақ туришганини пайқади. Унга ҳақиқатни айтишдан бошқа илож йўқ эди.

— Шарманда қилдиларинг, шарманда!!!— Тиркаш сакраб турди.— Юзимни ерга қаратиб, тупроққа кўмдиларинг мени!!!

Овози титраб, Марварид нимадир деди. Нима деганини ҳеч ким эшитмади. Афтидан, «туғсам ўзини туғибман, феълиниям туғибманми», деди шекилли. Тиркаш саратонда ёқилган ўтдек ловуларди.

— Эл ичида қандай бош кўтариб юраман! Шу пайтгача гапимни бировга бермагандим, бошимни ерга букдиларинг!!

Бақирганида Тиркашнинг кўзлари косасидан ирғиб чиққудай бўларди. Ғазабнинг кучлилигидан оғзи кўпикланиб, ранги бўзариб кетди. Марварид бўрининг ёнига қамалган қўзичоқдай сўзсиз-садосиз титраб, кўзларидан милт-милт ёш томчиларди. Бошқалар ҳам карахт. Лом деб оғиз очишга қўрқишарди.

Кутилмаганда Тиркаш кампирининг ёқасидан шаппа ушлаб, юзига тарсаки тортиб юборди. Марварид ердаги кўрпалар устига йиқилгач, бир-икки тепди. Мамаражаб билан Бебит баравар ташланишиб, зўрға ажратиб олишди.

У сўкинганича иккинчи хонага ўтиб кетди. Даҳлизда юрак ҳовучлаб турган Хинагул тезгина ичкарига кириб, қайнонасига дарча ёнидан жой қилди. У юзини ёстиққа босганича елкалари титраб, овозсиз йиғларди. Болалари тасалли берадиган гап топишолмай, эзилиб ўтиришарди. Хинагул сочилиб ётган ортиқча кўрпа-ёстиқларни тахмонга йиғди.

Иккинчи хонага киришга на Мамаражабнинг ва на Бебитнинг юраги бетлади. Оналари ёнида ер чизиб ўтириш ҳам оғир эди. Охири Бебит отаси ёнига чиқди. Баъзан ташқарига чиқиб келгани ёки онасидан хабар олиб турганини айтмаса, кун бўйи унинг ёнидан жилмади. Лекин Тиркашнинг ёстиқдан бош кўтарганини кўрмади. Бирор нима тамадди қилиш у ёқда турсин, кечгача ақалли сув ҳам ичмади. Яланғават кўрпачада кўксини ерга босганича мук тушиб ётди. Аҳён-аҳёнда оғир уф тортиб, бошини бир томондан иккинчи томонга ўғирарди. Бебит эсини таниб, унинг бу даражада қаттиқ қуйинганини кўрмаганди...

Тиркаш чуқур руҳий азобда ўз ёнига қоврилди. Баъзан хаёлида қизи билан Маматнинг ўловдами, пиёдами қочиб кетишаётгани гавдаланиб, дардли инграйди. Қўлларини мушт қилиб ерга тирагани-

ча, тишларини ғижирлатади. Унчалик узоққа ҳам кетишмагандир улар: Эсарқишлоқдами, Маматнинг шу атрофдаги қариндошларидан бири-никидами бекиниб ётишгандир. Изласа топади ҳам. Аммо бўлар иш бўлган. Қидиришдан нима фойда. Топганида қўлидан нима келарди? Қизини уйига қайтариб олиб келиш — қочиб кетганидан бадтар иснод. Бир умр қариқиз боқади!

У шунисига ҳам рози эди. Қилмиш — қидирмиш. Аммо исноди-чи?! Одамлар бусиз ҳам энди қўлини бигиз қилиб кўрсата бошлашади уни. Беш-олти ғийбатчига гап топилди. Анчагача шу тўғрисида жағ қайрашади!..

Ҳожи билан Синдор раис бошлиқ уч-тўрт қари-қартангнинг келиб-кетгани бўлмаса, ҳовлида кун бўйи ҳеч ким кўринмади. Баъзи-баъзида Хинагул чиқиб, молларнинг ўт-сувидан хабар олиб турди. Кечга яқин ҳовлидаги бостирманинг бир четида боғланиб турган ити Қорабойга овқат берди. Кун ботиб уй қоронғилашгач, ҳар икки хонага чироқ ёқди. Боласини бешиги билан кўтариб, қайнонаси ётган уйга олиб кирди. Чой қайнатиб, қайнотаси ёнига дастурхон ёзди. Бебитга отамни турғазинг, деган маънода имо қилди. Ўзи нариги хонага ўтиб кетди.

— Туриб, бир пиёла бўлсаям, чой ичинг, ота... — Бебит ботинмайгина овоз берди.

Тиркаш оғир кўзғолди. Юз-қўлини ювиб киргач, бир пиёла чой ичди. Дастурхондан у-бу тотинган бўлди. Кейин юзига фотиҳа тортиб, қайтадан мук тушиб ётиб олди.

3

Ўғлининг ўзидан беижозаг бемаъни иш қилиб қўйганидан Исмат таҳликага тушиб қолди. Бу ҳодиса бир замонлардагидек икки уруғ орасида ҳунук можаролар чиқармаслигини билса-да, Тиркашнинг қизқонлиги маълум эди. Ҳали замон болта-теша кўтариб, катта бир ғурбатни бошлаб келиши ҳам мумкин...

Мамат Исматнинг «тилаб олган» боласи. Емай едирди, мушугини «пишт» демай ўстирди. Вақти келиб уйлантирмоқчи бўлганида, боласи тушмагур: «Тиркашнинг қизини олмасам — ўламан», деб туриб олди. Ноилож совчи юборганди. Тиркаш: «Исматнинг боласига берадиган қизим йўқ», деб ўжарлик қилди. Оқибатда... Қочиб, қаердан бошпана топишгани Исматга қоронғи эди. Мамат бунга ҳаммадан сир тутганди.

Ҳарчанд таҳликага тушгани билан жўялироқ тадбир тополмагач, уйдан чиқмай ётаверди. Ана келади-мана келади билан Тиркашни тушгача кутди. Ундан дарак бўлмагани сари хавотири ортарди. Биқсиб ёнган оловдан кўрқ. Кечроқ алангаланани-ю, ловуллаб кўтарилади. Ҳўлу қуруқни баравар куйдиради...

Пешинга яқин шипга тикилиб ётаверишидан фойда йўқлигини англади. Уйлашиб-кенгашиш мақсадида қишлоғининг кексаларини уйига йиғди. Уларнинг маслаҳатига кўра Исмат Тиркашга сўзи ўтадиган кишиларни Қийқимнинг ўзидан танлади: Синдор раис ва Ҳожини олиб уйига борадиган бўлди. Ҳар ернинг кийгини ўз бўриси овласин...

Меҳмонлар эшикдан киришганида қош қорайиб қолган эди. Бебит наридан-бери тўшаган кўрпачаларга ўтиришгач, гоҳ бир-бирларига, гоҳ Тиркашга маъноли қарай бошлашди. Ҳеч кимнинг биринчи бўлиб гап бошлагиси келмасди.

Тиркаш ҳануз мук тушиб ётарди. Меҳмонларга ўгирилиб қаради-ю, саломларига алик олмади. Бу яхшилик аломати эмасди. Шунга қарамай, Ҳожи тилга кирди.

— Кўкракни ерга бериб ётаверма,— деди у.— Кундуз шундай ётгандинг, ҳали ётибсан. Улигингни кўтар мундай!

Тиркаш бу гапни эшитмагандай, ақалли қимирламади. Ҳозир ҳеч

кимга кўзи учиб турган йўқ эди. Синдор билан Ҳожининг Исматни етаклаб киришганидан эса жон-пони чиқиб кетаёзди. Бу ишда заррача иштироки йўқлигини била туриб ичиқоралик билан ўзича уни айбларди: «Боласига Гулсарани олиб қочишни шу ўргатган. Мени шарманда қилиш, юзимни ерга қаратиш учун шундай қилган,— деган фикр миясини тинимсиз бурғуларди.— Ҳожи-ку, қип-қизил тентак, Синдор раис ҳам аҳмоқ! Унинг кетига ўхшатиб тепиб жўнатиш ўрнига етаклаб келиб ўтиришипти!» Баъзан йигитлик пайтларидагидек «сўкишиб» юрадиган қадрдон жўраси — Ҳожининг «эркалиги» ҳам ботмади. Қаттиққурум гаплари билан юз берган ишни кишини кулфатга соладиган ишлардан эмас, демоқчи. Бу шармандаликнинг устидан мола босмоқчи! Шуми ошна-оғайни, қариндошлардан келадиган оқибат!

Синдор Тиркашнинг кўнглидан ўтаётган фикрларни билгандай, Ҳожини секингина туртди. Оғзингизга эҳтиётроқ бўлинг, деган маънода бош чайқаб ўзи гапирди:

— Бунчалик диққат бўлаверманг, Тиркаш ака,— деди босиқ оҳангда.— Бундай воқеалар бўлиб туради элда. Бурунгини айтма, сўнгини айт, кўнгири сигир соққанни айт, деган гап бор... Бу ишни бир ёқли қилиш йўлини ахтарайлик. Мана, Исмат аканинг ўзи қуллуқ қилиб келиб ўтирипти ёнингизга. Ҳар ҳолда бир тоғнинг кийигимиз, қадимдан ажриқнинг илдизидай чатишиб кетган элмиз... Бир ёқа-ю, битта энгмиз...

Сўзлаш навбати ўзига келганлигини пайқагач, Исмат оғир аҳволга тушиб қолди. Тиркашнинг бир ҳолатда ётганини кўриб, унга сидқи-дилдан ачинди.

— Икки ёш шундай аҳмоқлик қилипти, Тиркаш ака,— деди таваккалига.— Уларни кечиринг, гуноҳларидан ўтинг... Бир муросага келайлик энди...

Тиркаш бошини ёстиқдан шартта кўтарди. Исматга еб қўйгудек тикилаётган кўзлари қонталаш бўлиб кетганди. Овози кескин ва қаттиқ жаранглади:

— Сенларга берадиган қиз йўқ менда! Анови беномус менинг қизим эмас, билдингми, қирқнинг бефаросат эшшаги!! Оқ қилдим уни!! Думингни ликиллатиб олдимда супурги қилма-да, жўнаб қол! Қачондир қўлимга тушсанг, билиб қўй, сендан ёки болангдан қандай ўч олишимни ўзим биламан! Бундай пайт бўлмаса, икки қўлим ёқангда кетади!

Исматнинг тили танглайига ёпишиб, гапи бўғзида қолди. Тиркашдан аччиқ таъналар, ҳақоратлар кутганди. Лекин бу даражада арқон-узар ҳақорат бўлар деб ўйламаганди. Айниқса, унинг сўнги гаплари ёмон эди. Ўлганининг кунидан ер чизиб ўтирди. Лекин чиқиб кетмади. Назарида, Тиркаш ҳақли эди. Агар ўз қизини олиб қочишса, эҳтимол, куда томонни у ҳам шундай ҳақорат қилган бўларди.

Тиркаш бошини ёстиққа ташлаб, қайтадан ётиб олди. Бир лаҳза, атиги бир лаҳза ошириб юбормадиммикан, деган соғлом фикр миясидан йилт этиб ўтди. Лекин қайнаб-тошиб келаётган ҳудудсиз ғазаби онгида элас-элас милтиллаган бу чўғни сўндириб юборди.

Синдор билан Ҳожи уни инсофга чақириб кўришди. Жавоб бўлмагач, Ҳожининг жаҳли чиқиб кетди.

— Сени одам деб, оёғингга бош уриб келган бу киши. Оёғига чил-вир тушган ҳўкиздай юмаламай, тур ўрнингдан!— деди овозини кўтариб.

— Сени чақириб келганим йўқ,— Тиркаш ётган қўйи муроса оҳангида хушламайгина жавоб берди.— Келган бўлсанг, гапни чўзмай кет энди.

Бевит мўлтираб раисга қаради. Синдор оғир сўлиш олиб, индамай ўрнидан турди. Иззати битганлигини билгани учун Исмат ҳам қўзғалди. Ҳожининг эшикдан жимгина чиқиб кетгиси келмади. Тиркашнинг мум тишлаб ётиши, гапирган пайтидаги тўнг ва совуқ муомаласи иззатнафсига теккан эди.

— Эзгилайверсанг, ўликдан ҳам ел чиқади,— деди кетар жафосига кесатиб.— Сен ўликдан ҳам бадтар экансан!

Тиркаш чидаб ётолмади. Зардаси қайнаб бош кўтарди ва ёстиғини жон-жаҳди билан Ҳожига отди:

— Эркак тозидай фингшимай ўл, энағар!..

Ҳожи даҳлизга қочиб чиқди. Ёстиқ «пўп» этиб эшикка тегди.

4

Тиркаш тонгга қадар киприк қоқмади. Баъзан сал кўзи илингандай бўлади. Лекин бундан сира ором топмасди: алоқ-чалоқ тушлар кўриб уйғонади. Касалдай қулоқлари шангиллаб, мияси лўқиллайди. Баъзан уйнинг қайсидир бурчагида Ҳожи тиржайиб тургандай туюлади-ю, тинчи йўқолади. Унинг гаплари юрагига тош бўлиб чўккан эди. Тўғри, ўзи ҳам ҳақорат қилди уни. Шунга мажбур бўлди-да...

Дарча зийларидан тонг шафағи сизиб кирди. Қайдадир чўзиб хўроз қичқирди. Турли хаёллардан мияси говлаган Тиркаш ташқарига чиқиб келиш учун қўзғолди. Эшикдан чиқаётиб яна Ҳожининг гапларини эслади. У биринчи бўлиб устимдан очиқ кулди, деб ўйлади. Эртаниндин одамларга қўшилиш фикридан эти увишди. Улар орасида Ҳожи битта эмас. Ўзига айтолмагани билан орқадан калака қилишади. Балки ўзига ҳам айтишар: беномуснинг отаси, дейишар...

Беш-тўрт йилча илгари қўшни қишлоқдаги қирқлардан бир қиз қочганди. Отаси каттагина дов-жанжал кўтарди. Иш қишлоқ советига маълум бўлгач, қизнинг отасини жавобгар қилиб юборишларига сал қолди. Хотин-қизлар ҳуқуқини поймол қилувчи қулоқларнинг думисан, деб айблашди. Шўрлик ота «қулоқнинг думи» бўлишдан чўчиганми ё кимдир хатти-ҳаракатлари бефойдалигини тушунтирганми, жанжал ўз-ўзидан босилди. Одамлар анчагача орқаворатдан кулиб юришди.

Тиркаш бу ҳодисага кўп ҳам эътибор бермаганди. Уша кунлар энди ўзининг бошига тушди! Аламдан, юпун кийим билан аёзда қолгандай, тишлари такиллади. «Ўз болангга сўзингни ўтказолмасанг,— ўйларди ваража тутгандай қақшаб.— Номусингни ерга кўмса ҳам, қўл кўтаролмасанг. Бундай шармандаликдан кўра бош олиб кетмоқ керак! Иложи борица тезроқ ва узоқроққа кетмоқ керак!..»

Толиққан миясига бу фикр тўсатдан келди. Елкасидаги тоғ қулагандай енгил тортди. Гўё узоқроққа кўчиб кетса, баъзиларнинг маломатидан қутуладигандай, ўзи ҳақидаги фисқу фужурни эшитмаса басдек эди...



Енгилгина шабада ҳовлига баҳор исини уфуради. Бостирмадаги эчкилар курт-курт кавш қайтармоқда; сигир оғир пишиллади. Тиркаш атрофига синчиклаб назар ташлади. Айвон четида ётган Қорабой эринибгина фингшиди. Деворнинг тагида янги сопланган болта кўринди. Утган кун эговлаб, шу ерга ўзи қўйганди. Кетмонини бостирманинг шипига қистирганини эслади.

Эшагини турғизиб эгар ургач, ювиниб уйига кирди. Гугурт чақиб, иссиқроқ кийимларидан топди. Ҳар эҳтимолга қарши белбоғига иккита нон ураб, белига соғлади. Айвондан болта ва кетмонини олиб, эшагини ҳовлидан чиқарди...

У Кийик сўқмоғига етгунича қуёш кўтарилиб қолди. Нарвон тоғлари билан Қорақушни боғлаб турган ва беш-олти чақиримга чўзилган бу сўқмоқда, эҳтимол, дастлаб кийиклар юришгандир. Йил давомида унда одамлардан кўра турли ёввойи ҳайвонларнинг кўпроқ юриши шубҳасиз. Тиркаш шу сабабдан ҳам қишлоқларни оралаб ўтадиган тўғри йўлдан чиқиб, Қоратошнинг орқа тарафидаги Ражаббулоқ орқали шу томонга йўналганди.

Даштда майин ва илиққина эсаётган шабада юқорилашгани сари кучайиб, совиб борди. Терскайлардаги қорнинг салқиниданми, шабада захриданми, Тиркашнинг эти жунжикди. Чакмонига дурустроқ ўраниб, Қорақушга ёндош охири тепаликка етди.

Эшак устида қунишиб ўтирганича Қўрғонжарга қаради. Тонгда ўзи нафрат билан ташлаб чиққан қишлоқ кун тиғида жимирлашиб, кўзига иссиқ кўринди. Нигоҳи беихтиёр юқориқоқдаги Эсарқишлоққа тушгач, юзлари тундлашди. У томонга қарамасликка уриниб, бирпас Қийқим даштларига тикилди. Шунча йиллик умри кечган қадрдон жойларни ташлаб кетаётганидан юраги туз қўйгандай ачишди. Кечаги воқеадан лойқаланган онги уни узоқларга даъват қилса-да, кўнглида сира ҳам тоғдан ошиб кетгиси келмасди...

Эшаги Кичик Қорақушсойда ўтлаб юрарди. Болтаси билан кетмонини кўтариб пастга туша бошлади. Уч қадамда бир булоқ. Пастга тушгани сари сой суви кўпайиб борарди. Турли-туман бутасимон ва ёввойи дарахтлардан атрофга ёқимли бир ис таралади. Сўқмоқ ёқасида бодраб чиқаётган равочларнинг бужмайган қизғиш япроқлари, сойнинг ҳар икки юзида чамандай очилиб ётган аллақандай майда гуллар бирам чиройли кўринади. Тиркаш каттароқ бир равоч баргини суғуриб, бандини чайнаб кўрди. Ҳали тахир. Тез кунда етилиб қолади.

Совуқ шабада сой ичига киролмай баланддан ўтиб кетади. Шунинг учунми, Тиркаш исиб кетди. Эшагига етгач, чакмонини икки буклаб эгарга ташлади. Ҳайдаб, секин-аста пастга тушаверди. Маржонсойга етгач тўхтаб, атрофига разм солди.

Яқингина жойдан бошланишига қарамай, Маржонсойда бир тегирмонча сув кўпиклариб оқарди. Қўрғонжарнинг ёнидан айқириб ўтадиган Санглоқ шу ерлардан бошланади. Ёнида, шундоққина Кичик Қорақушнинг пойида бўйи етмиш-саксон, эни қирқ-эллик қадамча келадиган текисгина яланглик. Қачонлардир тоғдан юмалаб тушган қора харсанглар парча-парча бўлиб, сочилиб ётарди. Ҳафсалали одам бу ердан тузуккина жой қилса бўларкан, ўйлади Тиркаш. Тошлар тайёр ғишт, йирикроқларини мисранг билан суриб чиқса, девор бўлиб қолади. Ёввойи ҳайвонлар ҳовлига киролмайди. Тош етмаган жойларнинг четини кавлаб, сертикан буталардан иҳота қилса ҳам бўлади.

Сой лабидаги харсанглардан бирига ўтирди. Белбоғидаги нонни олиб сувга ботирди. Оғзи нон кавшаш билан банд бўлса-да, мияси шитоб ишларди: «Инсон ҳам бамисоли оқин сув,— ўйларди у.— Навбати билан оқиб ўтаверади. Урф-одатларимиз — сой қирғоқлари. Сув оқиб ўтаверади, қирғоқлар эса уни йўлга солиб, жойида мустаҳкам қолаверади...»

Қўлидаги ивиган нонни еб яримлатганида, сал нафси ором олиб, хотиржамроқ ўйлай бошлади. Бу ердан Юқори Қийқимгача, бўлса, икки чақирим йўл бордир. Парда сўфиники ундан ҳам яқин. Шунга қарамай, мол-ҳолини излаб келиб қолмаса, бу томонларга атайлаб келувчилар бўлмайди. Биттагина ёлғизоёқ сўқмоқдан ташқари ҳаммаёқ бутазор, чакалак. Элдан, ўзи ўрганган одамлардан қочиб қаерга ҳам борарди. Бўридек ит топмас кунжақда им курсинми? Бу унга маъқул бўлгани билан бола-чақаси бор, умид дунёсида неvara ўстиряпти. Улар одамга ўрганишган. Ёввойи ҳўкиздек овлоқдан-овлоқда яшашолмайди. Аввалгидай бўлмаса ҳам, элнинг бир четида аралашиб тургани маъқулов. Ҳеч бўлмаса, вақт-бевақт Парда сўфи билан дардлашиб туради. Эртани ҳам ўйлаши керак, ёши бир жойга борган. Улса ким кўмади?! Улигингни тепкилаб кўмувчи топилмаганидан алҳазар!..

Белбоғида қолган майда ушоқларни сой сувига силкиб ташлади. Ҳовучини тўлдириб-тўлдириб муздай сувдан ичди-да, ўрнидан турди. Узоққа кетиб қолмасин учун эшагига тушов солиб, ялангликни айлан-наб кўрди. Уй билан молхона тушадиган жойни чамалади. Тош юмалаш хавфи бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида Кичик Қорақушга чиқди. Бу томондан кўнгли хотиржам бўлгач, уй қуриладиган жойга майда тошларни ташиб, уя бошлади.

Кечгача терлаб-тепчиб тинимсиз ишлади. Қийқимдан узоқлаб кетмаганидан кўнглида чуқур бир қониқиш пайдо бўлган эса-да, буни очиқ тан олгиси келмасди: ёмон айтмай яхши йўқ. Ўзи ёки болаларидан бирортасининг касал бўлиши бор, қазои муаллақ бор — шу туфайли қолаётир бу жойларда. Бўлмасам, овлоқда бўри ермиди уни...

5

Тоғларда қуёш ботганидан кейин ҳам чўққиларнинг учлари ярқираб туради-ю, аста-секин қўнғир тус ола бошлайди. Қоронғилик бирдан тушади. Тиркаш роса қоронғи тушганга қадар ишлади. Терган тошлари уйилиб кетди. Ялангликнинг анчагина жойини очди. Оёқ остини кўрмай қоладиган бўлгач, Парда сўфиникига йўл олди...

Парда сўфи гурунглашиб ўтириб Тиркашнинг нимадандир хафалигини пайқади, юзига диққат билан разм сола бошлади. Буни у бошқача тушуниб тўнғиллади:

- Бетимда ой кўрдингми, бунча тикиласан?
- Нашъанг анча пастми, чирақай, тундсан?
- Тобим келишмайроқ турипти... ётсам...
- Ёт, чирақай, ёт. Кампир тўшак солиб беради.

Икки қария ёнма-ён ётишди. Кеча деярли ухламагани ва бугун қаттиқ ишлаганига қарамай, Тиркаш анчагача кўз юмолмади. Кундуз иш билан бўлиб бир оз унутилган дардлари оқшом сукунатида қайтадан хуруж қила бошлади. Ўзини қўлга олиб, ҳаммасидан этак силкимоқчи бўларди-ю, бироқ уринишларидан наф чиқмасди. Иккинчи томонига ағдарилаётганида беихтиёр ингради. Парда сўфи:

- Қаеринг оғрияпти ўзи?— деди соддадиллик билан.
- Юрагим!

— Арслонқулоқ қайнатиб берайми? Қайнатмани тоза бошлаб тайёрлайман.

- Ажалдан бошқа давоси йўғ-ов бу дарднинг...
- Сўзингни ел олсин-э, чирақай...

Қўрғонжардаги гаплар ҳали Парда сўфининг қулоғига етмаганини Тиркаш пайқади. Эшитсаям эшитмаганга оляптимикан? Ундайга ўхшамайди. У эшитганларини яшириб, муғомбирлик қиладиганлар хилданмас. Шундаям синаб кўриш учун талмовсирагандай сўради:

- Қўрғонжар томонлардан ҳеч гап эшитдингми?

— Эшитдим...— Тиркашнинг вужудидан ўт чиқиб кетаёзди.— Утган тунда наврўз бўпти... Болалар беш-тўртта бўлиб бориб, кеча чошгоҳда келса бўладими, чирақай. Ишданам қолишди. Тоза койидим... Ёшда, дунёнинг қандай айланаётгани билан ишлари йўқ. Сен-чи? Нима, бугун уйдан чиқмаганмидинг?

Ҳар кимнинг ҳар дарди бор, кал қизнинг эр дарди бор. Сўфи тушмагур нималарни валдираяпти-ю, Тиркаш нимадан хавфсираб юрипти!

Парда сўфининг устидан кулмаслигига, бировларга гуллаб юрмаслигига ишонганидан, воқеани қисқа қилиб ўзи айтиб берди. Шу йўл билан тўлиб кетган юрагини бир оз бўшатиб олди. Нима деркин деган андишада зимистон қоронғиликда Парда сўфи томонга қулоқ тутиб турди. Сўфи ҳам ўйланиб қолди. Яқин-яқинларда дўпписини дол қўндириб, гариллаб юрган Тиркашнинг ҳозирги ҳолига ачинди: жуда қовжираб, сўлиб қолганди у. Нимадир деб тасалли бергиси келди, бироқ, нима дейишини билмай анчагача жим ётди.

- Нега индамайсан?— Тиркаш тоқатсизланди.

— Менми?

— Уйда сендан бошқаям одам борми?!

— Нима десам экан...

— Бу кунингдан бадтар бўл де, ўл де!

— Йў-ўқ, чирақай, сен ундай одам эмассан. Яхши иш бўлмапти...

Текис йўлда юрганминан тўрт оёқли от ҳам мункийди-да... Ҳаммаси

яхши бўлиб кетади ҳали, чирақай. Сабрли бўл. Сабр билан бани одам хур бўлур, садафда қамалиб қатра дур бўлур...

«Балосан,— алам билан ўйлади Тиркаш,— ўзингни ҳоксор тутганинг билан шунақа улуғ ҳикматларни ҳам биласан». Аммо Парда сўфига:

— Чидаб бўлмаепти,— деди мунгайиб.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Маржонсойнинг устидаги ялангликни тозалаяпман. Кўчиб келиб, уй қураман.

— Кўчиб келсанг бошқа жой қуриптими, чирақай, мана, менинг ёнимга кел, бир уйни бўшатиб бераман.

— Қишлоқдан четроқда ўтирмоқчиман.

Бир нарсага қасд қилса, Тиркашни йўлдан қайтариш қийинлигини Парда сўфи биларди. Қайтариб овора бўлмади.

— Мақсадинг шу бўлса, аввал уй қур-да, сўнг кўчиб кел. Қурувли ўчоқ, осувли қозон бўлмаса, ўзингниям, бола-чақангниям қийнаб қўясан, чирақай. Ҳали савр билан жавзо ёмғирлари бор, унутма буни.

— Бугунни эртага қўймай кўчиб келаман, сўнг уй қураман. Отамдан қолган бир қора уй бор. Чанғароғу керагалари бус-бутун. Вақтинча шуни тикиб тураман.

— Ўзинг биласан, чирақай. Менда ёғоч кўп. Сойда бекоргаям чириб кетади. Керагича ол. Бозор кунлари болаларниям етаклаб бораман, ҳашарлашиб уёғини бир бало қилармиз. Энди ухла, чирақай.

Шу билан гап-сўз тугади. Иккаласи икки томонга қараб ётишди. Парда сўфининг гапи Тиркашни қувонтирди. Тўсин топиш масаласи ўйлантириб турганди. Уни Қўрғонжардан эшакда ташиб келиши амри маҳол. Аравани раисдан сўраб олиши керак. Бу ишни у икки дунёда ҳам қилмасди. Сўраганида, колхоздан кўчиб кетаётган одамга раиснинг арава бериши гумон. Йўқ деса, оғзининг елига арзимади...

Эрталабки чойдан кейин Тиркаш яна тош теришга кетди. Парда сўфи тушлик кўтариб борганида у анча-мунча иш қилиб қўйганди.

— Ол-а!— деди Парда сўфи ёқасини ушлаб.— Ҳалиям бир йигитникича қувватинг боракан-а, чирақай!

Тиркашнинг ҳазиллашгиси келди.

— Оёгингнинг остига қара, тезак босиб турибсан.

Парда сўфи ялт этиб оёгининг тагига қаради.

— Қани, чирақай, алдама ундай...

— Кўзинг тегмасин дедим, анди.

Иккаласи қотиб-қотиб кулишди. Тиркашнинг қулганидан Парда сўфининг оғзи қулоғида эди. Гурунглашиб ўтириб тушлик қилишди.

Тушдан кейин Парда сўфи уйига кетмади. Қизиқ-қизиқ ҳангома-лардан айтиб Тиркашга ёрдамлашиб юрди. Кечқурун ўзининг ҳам эшагини бериб, уни Қўрғонжарга жўнатди.

6

Уша тонгда боласи йиғлаб, Хинагул эрта уйғонди. Уни тебратиб қайта ухлатгач, ташқарига чиқди. Тонг қоронғисида қайнотасининг эшак ҳайдаб, кўча эшикдан чиқиб кетаётганини кўрди. Қўлида нима борлигини илғаёлмади. Эрини уйғотмоқчи бўлди-ю, йўқ нарсага ваҳима кўтармай, деган андишада фикридан қайтди. Кириб қайнонасида хабар олди. Кейин ҳовли супуриш, сигир соғиш, ўт ёқиб сут қайнатиш каби ўзининг одатдаги ишлари билан банд бўлиб кетди.

Анчадан сўнг Марварид ҳам ташқарига чиқди. Қелинининг ҳовлида гирдикапалак бўлиб юрганини кўриб севинди. Имлаб ёнига чаққирди.

— Мамажонни уйғотиб чиқ, чироғим, отасидан хабар олсин,— деди секингина.

«Шўрлик кампир, бир кун илгари калтагини еб, чўзилиб қолган

бўлсаям қайишади чолига, — ўйлади Хинагул.— Ҳозирги баъзи ёшлар эридан қаттиқроқ дакки эшитсаям «ҳуқуқи»ни пеш қилади.

— Отам йўқ, бир ёққа чиқиб кетди,— деди у.

Марвариднинг авзон ўзгарди.

— Тонг қоронғисиди қаёққа кетдйкин? Мамажонни чақир-чи, бу тентак чол бир балони бошлаб қўямасин яна...

Мамаражаб келганида, у Бебитни уйғотиб, Тиркаш ётган хонанинг дарчаларини очган ва кўрпа-тўшакларни йиғмоқда эди. Бебит иккаласи онасига тасалли берган бўлишди. Нонуштадан кейин ака-ука ишга кетишди.

Марварид кун бўйи жонини кадига қамаб ўтирди. Тиркашнинг даштга кетганига ишонмасди. Айниқса, болта билан кетмоннинг йўқлигини билгач, безовталаниб қолди. Даштга борадиган одамга уларнинг нима кераги бор?!

Бебошвоқ хаёллари ҳар томонга олиб қочарди. Гўё Тиркаш Гулсара билан Маматни болта билан чошиб, кетмон билан киши билмас кўмиб келадигандай туюларди. Болалари ишдан қайтганида ўзини қўярга жой тополмай ўтирарди. Мамаражаб ҳам отасининг ҳануз қайтмаганидан хавотирга тушди. Вақтни ўтказмай Эсарқишлоққа йўл олди. Тиркашнинг Исматникига келмаганини эшитиб ҳам қувонди, ҳам ҳайрон бўлди: қаёққа кетиши мумкин?! Ҳар эҳтимолга қарши унга таъинлади:

— Биласиз-ку, отамнинг жаҳли тезроқ...— деди тутилиб-тутилиб.— Эрталаб бир қўлида болта, бир қўлида кетмон... ҳовлидан чиқиб кетган экан. Ҳалигача дараги йўқ. Сизникига келмаган бўлса, энди келмас... Маматларга айтиб қўйсангиз, бир-икки кун эҳтиётроқ бўлиб юришса...

Мамаражаб кўнглидагини айтолмади. Аслида синглисининг қаердалигини сўрамоқчи эди. Сўраёлмади.

Исमत унинг дилидагини пайқади. Бор гапни яширмай айтиб қўя қолди.

— Кўп ҳунук иш бўлди, ука... Сизларни ташвишга солганимиздан жуда ҳижолатдамиз. Улар шу ерда, ука. Қорақудуқдаги тоғасиникида экан, ҳозиргина олиб келдим. Синдор раис билан Ҳожигаям одам юбордим. Утирсанг бўлармиди...

Мамаражаб Қўрғонжардан одам чақиришганидан, бугуноқ никоҳ ўқитмоқчи эканликларини пайқади. Қизнинг уругидан никоҳ ўқитиладиган куни куёвникига келиш одатдан эмас. На чора, илож йўқ жойда илон ҳам типратиконнинг инига бош тикади. Кимдир Гулсарага ота ўрнида оқ фотиҳа бериши керак. Бу ишни отасининг вакили сифатида Ҳожи ёки Синдор раис қилса ҳам бўларди.

Мамаражаб изига қайтди. Уйга келгач, Бебитни бир иш билан ташқарига чиқариб юбориб, билиб келганларини онасига айтиб берди. Уни бир қадар тинчлантирди-ю, ўзи эртасига ҳам ҳаловатини йўқотиб юрди. Бригадирдан сўраб, ишдан эртароқ қайтди. Отасининг ҳануз қайтмаганидан юрагига ғулгула тушди. Бунинг устига онаси зорлана бошлади.

— Чироғим!— деди Мамаражаб иккаласи ҳоли қолишганида.— Урмак тўқиган уйда ўлар, адорғи йўнган тузда ўлар... Отангга бир гап бўлмаса, бунчалик бедарак кетмасди. Худо кўрсатмасин, номус кучли, ўзини ўзи... Излаб кўр уни, тонг-азондан изла! Қиз туғмай мен ўлайин, бу ишни қилмай у...

Ҳар қанча тўлиб турса-да, қизни қарғашга тили бормади. У Тиркашнинг бедарак кетганидан нолиётганди холос. Бироқ, уни қидириб ўтиришга ҳожат қолмади: бир эшакни миниб, иккинчисини ҳайдаб, ҳовлига ўзи кириб келди.

□

Тиркашни соғ-саломат кўриб Марварид қаттиқ қувонди. Одатда, топилишидан умид узган бебаҳо нарсасини топиб олганда шундай

севинади киши. У эса лом-мим демай ўтирарди. Гуё орадан ҳеч гап ўтмагандай, шундай ишга бориб қайтгандай осойишта эди. Қорни очиқ-қан шекилли:

— Ейишга ҳеч нарсаларинг борми?— деди.

— Тур, Бебитжон, чечангга айт, овқатини қуйсин,— деди Марварид жонланиб.

Бебит чиқиб кетди. Тиркаш индамай ўтиргани учун на Марварид ва на Мамаражаб гап сўрай олди. Қайфияти ёмон эмасдек. Лекин ичидан нима борлигини билиб бўлмасди. Аслида, қотма жуссаси яна ҳам хипча тортганидан, юзлари чўяндан қуйганга ўхшаб кетарди. Кўзлари чўкиб, йилтиллаб қолган. Эти қочган бурни сўррайиб турарди. Бора-бора унинг миқ этмай ўтириши момақалдироқ олдидан бўладиган сукутдай, ўтирганларнинг диққатини ошира бошлади.

Бебит бирма-бир ташиб киритган шўрвани тўртталаси жимгина ўтириб ичишди. Хинагул қайнотаси ўтирган хонага шу пайтгача босиб киролмасди. Бир ўзи иккинчи хонада ўхлаётган боласи ёнида овқатланди. Авваллари Гулсара ёки қайноғаси у билан бирга овқатланишарди. Бугун Марварид ҳам чиқмади...

Тиркаш косасини ҳаммадан олдин бўшатиб, четроққа суриб қўйди. Бошқаларнинг бўлишини кутиб, чой ича бошлади. Дастурхон йиғиб олингачгина тилга кирди.

— Келин иккаланг кўрпаларингдан тўрт той қилиб туг,— деди Марваридга.— Сизларга Мамаражаб ёрдам беради. Бебит Ҳожининг эшагини келтирсин. Унга қора уйнинг қақир-қуқурларини ортамыз. Қолган нарсаларни кейин бирма-бир ташийверамиз.

Тиркашнинг кўчиш учун жой излаб кетгани маълум бўлди. Лекин қаердан топганлиги номаълум. Бу савол ҳаммани қизиқтирарди-ю, ботиниб биров сўраёлмади. Мамаражабга эса кўчиш фикри ёқмади. Лаб-лунжи осилиб кетганидан буни Тиркаш ҳам пайқади.

— Гапим ёқмади-ёв, чакка томирларинг тортишиб қолди,— деди совуқ тикилиб.

— Иссиқ жойимизни совутиб нима қилардик...

— Сенда номус-ор борми?!

— ...

— Кўчмасанг, уйингга бору, кўзимга кўринмай ўтир!

Мамаражаб индамай ўрнидан турди ва бир сўз демай хонадан чиқиб кетди. Тиркашнинг кўзлари ёниб, юзига қон тепди. Қатта ўғли бундай қилишини ўйламаган эди.

— Ҳожи бованинг эшагини олиб келайми? — журъатсизлик билан сўради Бебит.

— Энди керак эмас!!

Мудҳиш бир нарсани сезганиданми, Марварид ўзини йўқотиб ўтирарди. Тиркашга-ку, бирор гап айтолмасди, Мамаражабни қайтаришга ҳам гап тополмади. Чолининг ғазабли қичқиригидан ўзига келди.

— Бунча тош қотдинг, нима дегандим сенга!

У шошиб турди ва келини ўтирган хонага кириб кетди. Тиркаш бу хонадаги ҳамма нарсани бирпасдаёқ ўртага уйди. Эски-янгисига қарамай қўлига илинган буюмни катгароқ бир наमतга ўраб-чирмаб тугди. Қолганларни дуч келган томонга тепиб-тепиб юбориб, оғзини очиб турган Бебитга ўшқирди:

— Даҳлиздаги қора уйни чиқар!

У ўтов анжомларини чиқариб бўлгунига қадар Тиркаш бир эшакка лойиқ юкни ҳовлидан ташқарига чиқариб, тенг қилиб боғлади. Кейин ўтов кигизлари ва ёғочларини боғлаб, иккинчи тенгни тайёрлади. Ўзининг эшагига биринчи тенгни юклаб, устига кўрпа-кўрпачалардан қалин қилиб тўшади ва Марваридни миндирди. Ўтов анжомлари билан қозон-товоқ, қақир-қуқурларни Парда сўфининг эшагига юклашгач:

— Қоратошнинг йўлидан юрманглар. Санглоқдан ўтиш қийин, деди Бебитга.— Оришлининг йўли билан Парда сўпиникига боравер. Молларни ҳайдаб, менам ортингдан етаман.

Қамбағалман десанг кўчиб кўр. Икки эшакда Тиркашнинг ўзига тегишли юкларнинг ўндан бири ҳам кетмади. Бироқ, у буни ўйламасди. Хаёли кўзига ёмон кўришиб қолган шу лаънати ҳовлидан, шу қишлоқдан тезроқ кетиб олишда. Латта-путталар одамга битмайдиган нарсам! Бойлик — қўлнинг кири.

Тиркаш молларини ҳайдаб чиқишга кетгач, бу кўчиш гўё ўзининг айби билан бўлаётгандек, Марварид мўлтираб келинига қаради. Узоқ бир юртга кетаётгандай, энди қайтиб уларни кўриши маҳолдай юраги эзилиб хайрлашди.

— Омон бўлинглар, болам, яхши кунларда дийдор кўришайлик, — деди синиқ оҳангда.

У кўздан сизиб чиққан ёшни чорси рўмолининг бурчагига артди. Қайнонасининг бир ҳолатда жўнаб кетаётгани Хинагулнинг кўнглини бузиб юборди. Кўзларидан ёш чиқиб кетди. Марварид қоронғида буни кўрмаётган бўлса-да, энтикишидан унинг ҳам йиғлаётганини пайқади ва юпата бошлади:

— Йиғлама, болам, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Бу кунлар ҳам ўтар! — астагина шивирлади. — Мамажонга айт, эртага тоққа борсин...

Оғзи кўкка тегиб, жон эниб қолган эшаклар йўрғалаб йўлга тушди...

□

«Ғазаб умри қисқа ақлсизликдир», деган экан бир донишманд. Азбаройи жаҳли чиққанидан Тиркаш ақлини йўқотаёзган эди. Кўчни жўнатгач ҳовлига қайтиб, эчкиларини арқондан бўшатди.

Сигир-бузоқларни ечмоқчи бўлаётганида, эшиги ёнида турган Мамаражабнинг қорасини кўрди. Бўғилиб чақирди:

— Бери кел, ҳей!!

Мамаражаб шошилмай келди. Айб иш қилиб қўйган боладай, отасининг рўпарасида елкасини қисиб тўхтади. Унинг туриши Тиркашнинг зардасини бадтар қайнатиб юборди. Вужуди қалтираб:

— Сенда номус-ор борми?! — деди яна ҳалиги гапини такрорлаб.

— Нима бўпти, шунчалик... — Мамаражаб вазмин эди.

— Нима бўлганини билмайсанми?! Энди бу қишлоқда қандай бош кўтариб юрмоқчисан?! Гапир!

— ...

— Гапир!!

— Бунчалик элдан чиқадиган айбимиз йўқ эди-ку, нега қизишасиз, ота? Нима бўпти...

— Нима бўпти, нима бўпти... Ул бўпти, эшак! Бетингга куя суркаб кетди-ку анови оқпадар! Бу камми сенга?!

— Унинг кўнглига ҳам қарашимиз керак эди-да!..

— Шунақами!? — Тиркашнинг тишлари ғижирлаб кетди. — Мен унинг «кўнглига» қарашим керак эдими? Сиз ҳамма нарсани биласиз. Кеча синглингизнинг кўнглига қараб қирқнинг бир сапчабошига қўшиб юбордингиз. Эртага хотинингиз, бириси куни энангизнинг ҳам кўнглига қараб қоласиз! Шарманда!!

Тиркашнинг «сиз»лаганидан қўрққулик эди. Шунга қарамай кейинги гаплари Мамаражабнинг суяк-суякларини тешиб ўтди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, ота! — деб юборганини билмай қолди.

Охирги томчи тошни тешади. Тиркашнинг сабр косаси тўлиб кетди. Қўлидаги арқонни бор кучи билан айлантириб, Мамаражабнинг боши аралаш елкасига қўйиб-қўйиб юборди. Қаршилиқ кўрмагач, нафасини ростлаб қайтадан урмоқчи эди, у арқоннинг бир учидан ушлаб тортиб юборди. Аччиқ устида қаттиқроқ тортиптими, Тиркаш мувозанатини йўқотиб, эт-бети билан қулаб тушди.

— Сени ҳам оқ қилдим, оқпадар!!! — аламига чидолмай ётган

жойида наъра тортди у.— Умрингдан ялчимагин!! Улигинг бега қолсин!!

Қайнонаси ва Бебитнинг ортидан хомуш қараб туриб, худди шу пайтда ҳовлига кирган Хинагул қайнотасининг ер бағирлаб қарғанаётганини кўриб тахтадай қотиб қолди. Унинг эри билан жанжаллашганини сезгач, ёнларига чопиб борди. Мамаражабни уриб қулатган деган фикрга борди шекилли, қўлтиғидан суяб, Тиркашнинг туришига ёрдам берди. Тортинишни ҳам унутиб, унинг тепасида ғалати тарзда гўдайиб турган эрини қойиб берди.

— Нима қилиб қўйдингиз! Кириб уйга!

Унинг қайнотаси ва эри олдида биринчи марта овозини кўтариб гапириши эди. Мамаражаб бир сўз демай кетди. Тиркаш ҳам айтадиганини айтиб бўлди шекилли, қайта оғиз очмади. Сигир-бузоқларини бир-бирига матаб бўлгунига қадар Хинагул ҳовлига ёйилиб кетган эчки-улоқларни йиғиб келди. Кўчага ҳайдаб чиқишгач, журъатсизлик билан:

— Хайр, ота!— деди бўшашиб.— Уғлингизни кечиринг... қарғаманг!..

Тиркаш индамади. Келинига бурилиб ҳам қарамади. Дунё унинг кўзларига жуда ҳам тор кўриниб кетаётганди.

7

Мамаражабга қолганида, отасига жаҳл қилиб, ўн-ўн беш кун Юқори Қийқимга чиқмай юрмоқчи эди. Хинагул қўймади. Туни билан «эговлаб» чиқди. Аввалига ўжарлик қилди, аммо хотинининг гаплари ўринли туюлди. Уйлаб қараса, ўзидан ҳам ўтган экан, арқонни илкис тортиб яхши қилмапти. Кекса одам, балки ёмон йиқилгандир. Турғизиб қўйиш ўрнига, тепасида хода ютган хўкиздай гўдайиб тургани ортиқча. Бу ишни аёл боши билан Хинагул қилди. Нима дегандаям ота-да у. Бенихтиёр йиқитди нима-ю, уриб йиқитди нима! Кўган билан бир-икки урганида, бир жойи камайиб қолмовди. Ё кетиб бўлгунига қадар уйдан чиқмай турса бўларди. У эса, мени кўрдингми, дегандай ҳовлида турди. Йиқитгани ёнаётган ёққа сув қуйди.

Отасига бирон-бир қўполлик қилиш хаёлида йўқ эди. Жони оғриганиданми, арқонни тортиб юборганини билмай қолди. Иш бир чаппа кетса шунақа бўлади ўзи: ножўя ишлардан ўзингни олиб қочмоқчи бўласану, олиб қочолмайсан. Отаси анча вақтларгача терс қараб юрадиган бўлди энди...

У қичитқи ўт устида ётгандай туни билан беҳаловат ухлади. Эрта тонгда қайнотасининг эчмагини келтириб, қолган юклардан икки тойини боғлаб ортди. Устига турли қақир-қуқурлардан ташлаб, физиллатиб ҳайдаганича тоққа кетди.

Уйда билинмаган экан, Парда сўфиникига яқинлашгани сари юраги пўкиллаш бошлади. Отасига рўпара келишдан безилларди у. Хайриятки, Тиркаш йўқ экан. Бебит иккаласи эрта туриб Маржонсойга кетишипти. Бундан Мамаражаб севинди. Жаҳли чиқса, отаси худониям танимай қолади. Уй бировники деб ўтирмай, обрўсини тўкиб юбориши мумкин эди. Ортидан Маржонсойга боради. Нима бўлсаям, одамлар кўзидан йироқроқда бўлгани маъқул. Сўкадами, урадами — ҳам-масига чидайди. Ярашишса бўлгани.

Парда сўфи: «Эрталабки насибадан подшо ҳам бош тортмайди», деб уни қўярда-қўймай уйига олиб кирди. Дастурхон ёзиб чой-пой қилди. Мамаражаб номигагина нон тишлади. Томоғидан сув ҳам ўтмасди ҳозир.

— Кетасанми?— деди Марварид унга синчков тикилиб.

— Отамга бораман.

— Бормай турганинг маъқулмиди...

— Нега?— ажабланган Парда сўфи гапини бўлди.— Отасини кў

риб кетгани тузук-да, чирақай. Шу ердан қайтиб кетса, Тиркаш эшитиб хафа бўлмайдими? Хафа бўлади. Борсин, чирақай.

Марварид ноилож кечаги воқеаларнинг ўзи кўрган қисмини айтиб берди. Кейинги «от ўйин»дан беҳабар эди у.

— Э-э, шуниям гапириб ўтирибсанми?— Парда сўфи қўл силтади.— Кўчиб келмаса келмапти-да, қайтага Қўрғонжардаги уй-жойларинг эгали бўлиб туради. Бир қўниши икки бўлганига қувонсин у тентак! Бошқа гапларни қўй, чирақай!

Гапни чуватмаслик учун Мамаражаб ўрнидан турди. Чой-пой қилиб бераман деган баҳонада Марварид унга эргашди. Жияклариди ҳар хил буталар чакалак бўлиб ўсаётган ёлғизоёқ йўлдан кетаётганларида, Мамаражаб онасига кейинги воқеаларни ётиги билан айтди.

У ҳар қанча силлиқлаб гапирмасин, Тиркашнинг «оқ қилдим» деганини эшитганида Марвариднинг ҳуши учди. Гулсаранинг шунча ташвиш орттириб бергани камлик қилувдими? Энди Мамаражабнинг қилмишига қуйиши бормиди! Ота соқоли иягига битганида ҳам ақл тиши чиқмапти бу тентакнинг.

— Ташқарига чиқиб нима қилардинг, болам, отанг кетиб бўлгунича сабр қилиб, уйингда ўтирақолсанг бўлмасмиди!— деди юраги эзилиб.— Улганнинг устига чиқиб тепган қилибсан-да. Энди унинг кўзига кўриниб нима қиласан? Қайт орқага!

— Темирни қизигида бос деганлар, энажон, ҳозир бормасам бўлмайди. Нима бўлсаям элдидан бир ўтиб қўйишим керак. Аччиқ гапларини айтиб олса, янаги келишимга ҳовридан тушиб қолармиди...

Бу гап Марваридга жўялидай туюлди. Ҳар иккаласи энг оғир зарбаларга тайёрланиб боришди-ю, ўйлаганларидек бўлиб чиқмади: Тиркаш Мамаражабга ақалли қайрилиб қарамади. Саломига хушламайгина Бебит жавоб берди. Кейинги гаплардан хабари бўлмаса-да, акасининг кўчиб келмаганидан у ҳам норози эди.

Мамаражаб уларга ёрдамлашмоқ учун ўзича ишга тушмоқчи бўлаётганидагина Тиркаш тилга кирди:

— Сенга бу ерда қиладиган иш йўқ!— деди кўзлари ёниб.— Қай йўл билан келган бўлсанг, ўша йўл билан кет!

— Кечиринг, отажон!..

— Йўқол!!

Оилада баъзан Тиркашга гап қайтара оладиган, у билан эркин мунозара қила оладиган одам фақат Мамаражаб эди. Тўнғичининг айрим бетгачопарликларини Тиркаш кўтарарди. Баъзи феъллари ўзиникига ўхшаб кетишидан дилида пинҳона қувонарди ҳам. Лекин ҳозир уни кўришга кўзи-ю, отишга ўқи йўқ эди. Бунини Мамаражаб ҳам пайқади. Ноилож изига қайтди.

Унинг бошини ҳам қилиб кетаётганига Бебитнинг ичи ачиди. Аммо худо қаргаганни пайғамбар ҳассаси билан туртади. Юзини ўгириб, тошини тераверди. Отасига қўйинг дейишга ярамади.

Марвариднинг юраги увишди. У ҳам оғиз очолмади. Ўзича Тиркашнинг оқларди ҳам. Оқламай-чи! Чакана юзи қоралик бўлдимми?! Тагин ҳам бу чол фил экан — ўлиб қолмади. Бир марта маст тундай оламни танг қилди-ю, тинчиди қўйди. Ҳар кимда худо берган феъл бўлади-да! Бақироқ туянинг бори яхши, бақиргани яна яхши. Мамаражаб ҳали бола, болалик қилган!..



Дам олиш кунини Юқори Қийқимнинг ёшу қариси йиғилиб, ҳашар билан Тиркашнинг икки хона бир даҳлизли уйини тиклашиб, устини ёпиб қўйишди. Тош бебилиска, бута-ёғоч сероб, тупроқ етарли кўпчиликка иш туруш берармиди. Иккинчи ҳафтасига кенг-мўлгина оғил билан ҳовли деворининг асосий қисмини кўтариб кетишди. Қолганини Бебит иккаласи шошилмай битираверишди. Фақат ёғингарчиликлар бошланганида ёввойи чўчқалар бир оз бесаранжом қилди. Илгари ўз-

лари «шоҳмола» қилиб юрадиган қўриқда уй пайдо бўлиб қолганига қарамай, ҳар тонгда тўдалашиб ҳовлига келаверишди. Аввалига ҳурк-са даф бўлар деган умидда ота-бола челагу лаганларни данғиллатиб, ҳайдаб кўришди. Бўлмагач, Тиркаш Бебитни Қўрғонжарга юбориб, Қорабойни олдириб келди ва ҳовлининг қолган қисмига одам баравар тош қалаб чиқиб қутулди...

Ҳовли деворларини баландроқ кўтариб суваш, қишда бўри-қашқир ошиб ўтавермасин учун устига тиконли буталардан қадаб чиқиш, личан, ўтин дегандай ташвишлар билан ёз ўтиб кетди. Бу орада Мамаражаб бир-икки келиб кетди-ю, отаси рўйхуш бермагач, қайтиб қадам босмай қўйди. Уларни яраштириш мақсадида, бир марта юз кўрмас бўлиб кетганига қарамай, Қўрғонжарнинг кексалари билан Ҳожиди келди. Бари бир бўлмади. Хинагулнинг «ўқиши» зўр бўлган эканми, бу гал Ҳожиди ўзини анча сипо тутди. Бир-икки марта тили қичишиб, Тиркашни бошлаб сўкмоқчи ҳам бўлди-ю, ўзини босди: юмган оғзини очолмай, дами ичида кетди.

Исмат томонидан юборилган воситачилар Тиркашнинг жонини ҳалқумига келтирди. Уларни аввалгидан бадтарроқ изза қилиб жўнатди. Шу билан бу уйдан одамларнинг оёғи узилди. Биров келмасди, у ҳам ҳеч қаёққа бормасди. Кун бўйи тоғда молларини боқиб келарди-да, ётиб ухларди. Эртасига яна одатдаги тирикчилик. Баъзи-баъзидагина кўнгли одам тусаб, Парда сўфиникига борарди. Тиркашникига ҳам фақат Парда сўфи келарди.

Марвариднинг назарида, чолининг бу қилиғи нонкўрлик эди. Ёшқариси қолмай йиғилишиб келиб, оғирини енгил қилиб кетган уруғдошларига билдирган миннатдорчилиғими бу! Тўйига бормаса, маъракасига бормаса. Одамники — бормоқ-келмоқ. Шу бўлмаса, туғишганинг туфлаб кетади бетингга. Хайриятки, Бебит иккаласи аралашиб туришади элга. Уни сўраганларида турли важлар кўрсатишади. Чол бўлганида Тиркаш тентакни уй чўрисига айлантирибсанми, балосан, деб қулишади тенгдошлари. Аммо унинг нега одамларга аралашмай қўйгани ҳеч кимга сир эмас.

Тиркаш уй қурилишига ҳеч кимни чақириб келмаганди. Одамларни ҳашарга айтиш нияти умуман бўлмаган. Шунга қарамай, уруғдошлари валломатлик қилишди, икки кунлик хизматини аяшмади. Бир йилда чала битадиган иши бир ҳафтадан ошиқроқ муддатда битди. Бунинг учун Тиркаш улардан чин дилдан миннатдор эди. Аммо бети куйиб ўтирганидан тўй-маъракаларида қатнашолмасди. Ортидан кимдир қўлини бигиз қилиб тиржайишини истамасди. Назарида, кимдир, албатта, шундай қиладигандек эди. Қолаверса, якка мохор бўлиб юриш ўзига ҳам осон бўлмаётганди. Ҳалиям бўлса Бебит бор: элдаги янгиликларни топиб келиб туради. Бу пайтда у Етгисойдаги маъдан конида ишларди...

8

Кўкиш шуъла сочаётган юлдузлар бирин-кетин сўнди. Осмоннинг дарчадан кўринаётган бўлағи хира тортиди. Унда қизғиш, бир оздан сўнг оқиш, кейин сарғиш шуълалар ўйнай бошлади. Марварид уйғониб, тўшагини йиғишга тутинди.

— Дарча томонга қараб ўтирасизми? — деди у.

Тиркаш бош чайқади. Аъзойи бадани сирқираб, қулоқлари ғувилларди. Қасалликданми, уйқусизлик асоратими бу — билмасди.

Кун чиқар маҳали Бебит келди. Одатдагидай отасидан ҳол-аҳвол сўрагач овқатланди. Қолхознинг олдинги бухгалтери урушга кетгани сабабли, уни яқиндагина Синдор раис олиб келганди. Ўзиям кон бошлиғига қатнайвериб, Етгисойнинг йўлини «чуқур» қилиб юборди. Ҳар қалай уни «эритиш» йўлини топди.

Бебит шошиларди. У кечаю кундуз идорада қолиб, қўшни колхознинг бухгалтери ёрдамида Қийқимнинг чалкашиб кетган ҳисоб-китоб-

ларини тўғриларди. Уйига ҳар куни бир-икки марта, отасини кўриб кетиш учунгина кирарди. Туриб кетмоқчи бўлаётганида Тиркаш тўхтатди.

— Бирпас ўтир,— ёнига имлади у.— Далада ишлар қалай? Қийналмаяпсиларми ишқилиб?

— Одам етишмайди,— деди Бебит отаси кўрсатган жойга ноилож тиз чўкиб.— Болалару хотин-қизлар тариқ билан зиғирни ўташяпти. Эркакларнинг бир қисми қўриқда пичан ўришяпти, бир қисми бошқа ишларда.

— Одамларнинг кайфияти қалай?

— Ёмонмас. Берлин олинганидан буён енгил нафас олиб қолишди. Ишнинг оғирлиги эсларигаям келмайди.

— Кайфият яхши бўлса, шунақа бўлади. Далда бериб туриш керак уларга... Уруш бутунлай тугадими энди?

— Тугади ҳисоб. Фашистларнинг ҳар жой-ҳар жойда қолиб кетган тўдалари қаршилиқ қиляпти экану бу ҳеч гапмас. Қорақуртдай ўз тўрига ўраб, янчиб ташлашади уларни.

Тиркаш бунини эшитганди: ўзини кўргани келиб-келиб турганларнинг гурунгларида билиб олганди. Бебитни бошқа мақсадда тўхтатганди. Сўрайман деган нарсасини сўраёлмай гапни айлантириб, ўзини бадтар қийнади. Томоғидан овқат ўтмаётгани етмагандай гапириши ҳам тобора қийинлашиб бормоқда. Ким билади дейсиз, кечгача нима гапу нима сўз. Қазойи муаллақ вақт кутиб турмайди. Билиши лозим бўлган нарсани пайсалга солишнинг ўлим тўшагида ётганлар учун кўпда хосияти йўқ.

— Менинг зарур ишларим бор эди, ота,— деди Бебит.— Кечқурун эртарақ келарман...

Бебитга жавоб берганидан кейин Тиркаш осмонга қараб анча ётди. Ниҳоят ётавериш жонига тегиб кетди.

— Турғазиб қўй,— деди одатдагидай пойгакда жун титаётган Марваридга.

Илгарилари бир соат-ярим соат дам олгани бўлмаса, кундуз куни бекор ётолмасди. Яқин икки-уч кунларгача кампирига суяниб бўлса-да, ташқарига кириб-чиқиб турарди. Энди у ёнбошидан бунисига ағдарилиш малол келади. Биров турғазиб қўймаса, ўрнидан туриб ўтиролмайди ҳам. Бошга тушса кўз кўраркан!

О-о дунё! У қандай одам эди-ю, қандай бўлиб қолди! Баҳор селларидек тўғри келса тепани ағдариб кетадиган асов ва чапдаст эди. Энди ўша шиддатидан нима қолди?! Саксовулдай қовжираган танаси-ю, дилгир ўйларидан бошқа ҳеч нима! Адашган йўловчидек дунё уйининг у эшигидан кириб, бунисидан чиқиб кетяпти. Наҳот шундай ўтиб кетаверса? Ҳали битмаган ишлари бор. Жуда-жуда зарур ишлар. Битиролмай ўтса, армонда кетади. Бир армонки, суягида қолади!

Марварид дарча ёнига ўтқазиб қўйганидан кейин яшил кенгликларга, тоғларга узоқ тикилди. Бу тоғларни болалигидан билади. Неча йиллар унинг бағрида бойларнинг қўйини боқди. Колхоз тузилганидан кейин чўпонликни ташлаб, деҳқончилик қилиш учун даштга чиқди. Кейин яна борди... Шунга қарамай, бу улугвор тоғларга ҳеч қачон ҳозиргидек суқланиб тикилмаган экан. Тоққа ўхшаган тоғ-да, деб юраверибди. Инсон сабр-бардошининг қиёси-ку улар!

Кексаларнинг: «Ота юртнинг азизлигини она тупроқдан оёғинг узилганида биласан», деганлари шумикан? Инсон ота юртнинг азизлигини ота-онасини таниган кундан билиши керак! Тиркаш шу муқаддас тўйғудан хабардорлигини пайқамай яшайверипти. Уйқуда яшагандай яшапти!..

Танадан чивиндек жон чиққунига қадар, ҳеч бўлмаса, кўз билан қулоқдан айирмасин экан. Оламнинг сирли сасини тинглаб, унинг мавжудлигига имон келтириб, боқий ва безавол қолаётганини кўриб ўлмоқнинг ҳам лаззати бор! Тиркашнинг нигоҳи ҳали ўткир. Увадасимон булутларни тилимлаётган чўққиларни аниқ кўраётир. Хаёлида Қора-

қуш ҳақида тўқилган афсонадаги бир қўшиқ чарх уради. Унинг сўзларини унутган. Илгари ҳам бир эсламоқчи бўлиб эслолмаган. Қариликда, унутибди...

Бу афсона — кўп қадимий афсона. Эҳтимол, ёв сиқувига бардош беролмай Қорақуш тоғларини паноҳ тортиб чекинган сўғд суворийлари тўқишгандир. Эҳтимол, Қутайбанингми, Чингизнингми голиб келишига кўмаклашган қайсидир хоинга лаънат тамғаси сифатида қадимги туркий қабилалар томонидан тўқилгандир. Ҳар ҳолда хиёнаткор ота ва жасур ўғил ҳақидаги афсона эди у.

Қадим замонларда Қийқим даштлари-ю, атрофдаги тоғлар ота-бола Қорақушларнинг мулки экан. Кунлардан бир кун бу юртга ёв бостириб кирипти. Аскарларининг мўрмалахдай босиб келаётганидан қўрққан Катта Қорақуш ёв ҳукмронлигини тан олиб, сулҳ тузипти. Лекин мағрур ва эркесвар ўғли — Кичик Қорақуш бу сулҳни тан олмай уришаверипти. Ваҳимага тушган ота сездирмай ортидан бориб, ўғлининг бир қанотини синдирипти. У юсаклардан ўзи тухум ёриб чиққан рўйи заминга чархпалак бўлиб қулаб, хоин отасининг ишидан ҳайратга тушганича тош қотипти. Қўрқоқ ва фарзандкуш ота ҳам тепасига оғир қўнипти-ю, қанотларини тузукроқ йиғишга улгурмай тош қотипти. Юртни эса ёв олипти...

Тиркаш болалигида бу афсонани кўп эшитган. Ушанда шундай воқеаларнинг бўлганлигига чиппа-чин ишониб, кўп йиллар Катта Қорақушга нафрат билан қараб юрган.

Қийқимлик қумқулоқ сўзамоллар оҳангини келтириб, эзилиб куйлашганида, болалар қолиб, соч-соқоли қордай оқарган кўнгли бўш кексаларнинг кўзларидан милт-милт ёш оққанини кўриб ҳам бу воқеаларнинг чиндан бўлганига ишонмасинми?! Афсона мазмуни кексалар тақдирига даҳлдорлигини, кўзёшлар ўзларининг ўтган умри ва аждодлар тақдирига ачинишдан эканлигини ўн-ўн беш яшар бола қайдан билсин!..



Расмларни А. КРЮКОВ чизган.

Тиркаш қўшиқ сўзларини эслай олмагач:

— Кампир,— деди Марваридга.— Бир қўшиқ бўларди... Қорақуш ҳақида... Эсингдами?

-- Қаёқда,— у жун титишдан тўхтамай жавоб берди.— Эшитганману эсимда қолмапти.

Марварид қўшиқ сўзларини жуда яхши эсларди. Бироқ, уни чолига айтмади. Бундан дарди бадтар ортади, деб ўйлади. У кампирига ишонди. Уша қўшиқни унутиб юборганидан дилида севинди ҳам.

Тиркаш беихтиёр инграб юборди. Танаси понаси бўшаган тешадай лиқиллаб қолди. Марварид ёшига номуносиб бир чаққонлик билан сакраб турди.

— Нима бўлди, Бебитжон?!— деди у.

Тиркаш ҳеч нарса бўлгани йўқ маъносида бош чайқади. Сарғайиб кетган, аммо деярли бутун тишларини бир-бирига босганча, кўзларини ҳорғин юмди. Оппоқ соқоли билинар-билимас титрарди.

— Етқизиб қўяйми?

Тасдиқ ишорасини билдиргач, кампири уни юмшоқ тўшакка авайлаб ётқизди. Устини кўрпа билан ўради. Жойига қайтаётганида очик дарча орқали Қорақуш тоғларига қаради. Тутунсимон палахса-палахса булутлар унинг устидан ошиб ўтиб кетишмоқда эди...

Қорақуш ҳақидаги қўшиқ Тиркашнинг эски дардларини янгилаб, юрагини сирқиратиб юборди. Тунд бир кайфиятда аламли хотираларга берилди: кейинги йилларда рўй берган кўпгина ҳодисалар кўз олдидан ўта бошлади.

9

Ёзнинг бошлари. Тиркашнинг Маржонсойга кўчиб борганига бир йилдан ошиброқ қолганди. Бир куни Бебитнинг ишдан кайфияти бузилиброқ қайтди. Буни Тиркаш дарҳол пайқади. Уғлини саволга тутди:



— Нега нашъанг сушт?
— Уруш бошланипти,— деди у.
— Шунга пайтаванг сувга кетиб юриптими?— Бебитдан садо чиқмагач, яна сўради.— Ким экан ўша урушқоқ?
— Германия... Гитлер...— деди у тутила-тутила.
— Бу урушқоқ Жирмониями, бошқами — қўлидан ҳеч иш келмайди. Босмачига ўхшаган бебошвоқ бир нарсадир-да. Аскарларимиз бир ойдаёқ чиққан жойларига обориб қўйишади уларни.

Тиркаш бу гапга эътибор бермади. Кечки овқатдан кейин молларидан хабар олиб келди-да, одатдагидек, тўшагига бепарво чўзилди.

Кўп ўтмай умумий сафарбарлик бошланди. Энди изга тушиб, тўла қувват билан ишлаётган шахта ва фабрикаларда иш орқага кетди. Айни ўрим яқинлашган пайтда умумий сафарбарлик эълон қилиниши, колхозларга ҳам кучли зарба бўлди. Тиркаш буларни Бебитдан эшитди. Эшитди-ю, парво қилмади. Аммо урушнинг кўпроқ чўзилишини ҳис қилди: «Икки ойгами, уч ойгами боради-ёв...»

Тиркаш ҳар куни эрталаб ё Қорақушсойга, ё Қаримсойга чиқиб кетади. Кўпинча тушда ҳам уйига келмайди. Молларини серўт сойларда ўтлатиб юради. Кечқурун бамайлихотир қайтади. Ўша куни негандир уйига эртароқ қайтгиси келиб қолди. Ҳовлида сигирларини боғлаётганида уйдан Марварид чиқди. Тиркаш одатдагидай улоқларини ажратди. Уларни алоҳида қўрага қамагач, майда-чуйда ишларга андарман бўлиб кетди.

— Ичкарига кириб,— деди соғин эчкиларнинг лачагини ечиб бўлган Марварид.— Мамаражаб келган...

— Бу ерда нима бор экан унга?— тўнғиллади Тиркаш.

Марварид индамади. Қўлидаги лачакларни уй деворидаги қозиққа илиб, ичкарига кириб кетди. Тиркаш ҳовлидаги ишларни баҳона қилиб, анчагача куйманиб юрди. Унинг уйга киргиси йўқ эди. Бунини Марварид пайқади. Мамаражаб ташқарига чиқмоқчи эди, қўймади. Яна ўзи чиқди.

— Қирмайсизми!— деди кўзларида ёш ҳалқаланиб.— Мамаражаб эртадан кейин ҳарбийга кетаркан. Яхши гап билан жўнатиб юборинг, беш пулингиз кетсаям...

«Яхши гапмиш-а, яхши гапмиш,— ўйлади Тиркаш кўзлари қислиб.— Яхши гап керак бўлқоптими! Ҳўкиздай савалаб жўнатиш керак уни». Лекин кампирга аччиқ гап айтишдан ўзини тийди. Ип боғлаб бўйнидан судрашаётгандай бир кепатада эшикка йўналди.

У эшикда пайдо бўлгач, Мамаражаб ўрнидан сакраб туриб қўл чўзди.

— Ассаломалайкум, ота!

Тиркаш унга қўлини бермади. Саломига алик ҳам олмади. Тўғри уй тўрига ўтиб, без бўлиб ўтираверди. Орага жуда ҳам ноқулай бир жимлик чўкди. Бир оздан сўнг жимликни Мамаражаб бузди.

— Мендан ўтган бўлса кечиринг, ота, ўшанда арқонни беихтиёр тортиб юборибман...— Тиркашдан садо чиқмагач, овози товланиб давом этди.— Индинга жўнаб кетяпман... Шунга... келинингизни олиб келиб қўйсамми девдим...

— Менинг келин-пелиним йўқ ҳали!— Тиркаш ғазабдан чатнади.— Келинмиш-а! Топган гапини қаранг!

— Шайтонга ҳай беринг, отаси!— Марварид зорланди.— Шайтонга ҳай беринг! Бунчалик куфрга кетманг!

Орага яна узоқ, юракни сиқадиган жимлик чўкди. Марвариднинг ҳам, Мамаражабнинг ҳам уни бузишга юраклари бетламасди. Тиркаш эса миқ этмасди.

Ўша воқеадан буён ўтган вақт Мамаражабга бутун бир асрдан ҳам кўпга чўзилгандек туюлганди. Онаси билан укаси-ку, ҳар замонда бориб-келиб туришарди. Лекин отасини соғинганди. Бу томонга келаётганида унинг хуш-хушон кутиб олмаслигини биларди. Аммо бунчалик

бўлар деб ҳам ўйламагани. Тиркашнинг ақалли бетига қарамаганлиги уни ўкситмоқда эди.

Бундай ўтираверишдан маъни йўқлигига Мамаражабнинг кўзи етди. Кетиш учун қўзғолаётганида онаси тўхтатди.

— Отангдан оқ фотиҳа олиб кет, болам! — деди ва Тиркашга қаради. — Фотиҳа беринг ўғлингизга, ой бориб омон келсин! Боши тошдан бўлсин!..

Тиркаш, ҳеч ким кутмаганда, кафтларини ёзди:

— Овми-ин!! Борсин-у қайтмасин, облоҳу акбар!

Мамаражаб фотиҳага очилган қўлини секингина туширди. Марварид қўлини туширишни ҳам унутиб, Тиркашга бақрайганича қараб қолди. Кейин ҳушини йиғиб, она бўридек ув тортиб юборди.

— Тошбағир! Уввв!! Тошбағир!

Онасининг икки кўзи тепасига битиб қолгандек эди. Нидоси Мамаражабнинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Қўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетганини пайқамай қолди.

— Қўйинг, энажон, йиғламанг! — деди ўқиб. — Насиб қиса, соғ-саломат қайтаман. Мана кўрасиз... Қайтиб келаман!

Овозидаги шикасталик диққатини тортди, Тиркаш оқ қилиб келганидан буён биринчи марта Мамаражабнинг юзига тикилиб қаради. «Қўрқоқ!» деди ичида ғижиниб. — Ҳўкиздай йигит йиғлаб ўтирипти. Сен боргунча уруш қоладими-йўқми. Душманнинг ўлигиниям кўролмай изғиб-улоқиб келасан ҳали! Сасиб-бижғимасин деб ўликлариниям кўмиб, ўрнини супуриб қўйишади.

У ўрнидан туриб, эғнидаги мовут чакмонининг этагини силкиди-да, ташқарига чиқиб кетди. Ишдан чарчаб келаётган Бебитга рўпара бўлиб, «сен ҳам қўрқоқнинг биттасисан-да» дегандай итқараш қилди-ю, ўтиб кетаверди...

Отасининг «фотиҳаси» Мамаражабнинг қалбига оғир тош бўлиб чўкса-да, эламасликка олди. Аммо Марвариднинг бўладигани бўлиб, тепасидан яшин урган кекса дарахтдай шалпайиб қолди.

— Энди мен борай, энажон, — деди Мамаражаб ўзини зўрлаб кулимсираб. — Отамнинг гапидан хафа бўлманг. Кекса одам, нима деяётганини унчалик ўйлаб ҳам ўтирмаса керак...

Марвариднинг ундан ажралгиси келмасди. Ажралса, бир умр кўрмай қоладигандек, ўламан саттор кетмайсан деб туриб олди. Мамаражабни олиб қолиб ҳам бўлмасди. Қўрғонжарда Хинагул ёш боласи билан ёлғиз қолганди. Шунинг учун Бебит:

— Сиз ҳам акам билан кета қолинг, — деди онасига. — Мен ҳам борардим, шахтада одам кам, ишга чиқмасам бўлмайди. Ўрнимга одам топилса, эртага кечқурун бораман.

Бу маслаҳат ҳаммага маъқул тушди. Жўнаб кетишаётганларида Мамаражаб Бебитни четроққа тортиб тайинлади:

— Эртага кечқурун Қўрғонжарга бормаёқ қўй, — деди ярим товушда. — Отам уйда ёлғиз қолмасин. Иложини топсанг, нариги куни эрталаб бор, кечгача қайтиб келасизлар.

Бебит сменадан кейин бориб, нариги куни иложи борица ишга етиб келмоқчи эди. Акасининг гапидан кейин ўйланиб қолди. Буни Мамаражаб бошқача тушунди:

— Мобода боролмасанг, омон бўл, ука! — деди.

— Индинга бориб қоларман, соғ-саломат қайтинг, ака! — деди.

— Буни уруш дейдилар, ҳаёт-мамот уруши. Бир гап бўлиб қолса, уканг ...ларга эгалик қилгин ўзинг...

— Акажон!! — Бебитнинг кўнгли бузилди.

— Хўп, бўлмаса...

Улар қучоқлашиб хайрлашишди. Индинга ўрнига, одам топиб, Бебит Қўрғонжарга ҳам борди. Акасини жўнатгач, йиғлайвериш жигархун бўлиб кетган онасини олиб қайтди. Хинагул вақтинча (Тиркаш жаҳлдан тушгунча) отасиникида турадиган бўлди. Бу ақл Ҳожининг ўзидан чиқди. Қизининг ҳозир Юқори Қийқимга бориб, кўпам иззат

топмаслигини пайқаган бўлса керак. Тиркашнинг ўғлини фронтга кузатиб қўйиш учун келмаганлигининг ўзи ҳам унинг шу фикрга боришига сабаб бўлганди. Келин билан невара керак бўлса, Тиркаш тентакнинг ўзи келиб олиб кетади, деб ўйлади у. Аммо Тиркашга келин билан невара анчагача керак бўлмади.

10

Кон ишчиларидан яна бир гуруҳига чақириқ қоғози келди. Улар орасида Бебит ҳам бор эди. Тиркаш уни қандай кузатиш лозим бўлса, шундай кузатди. Бироқ, конда ишлар тўхтаб қолиши хавфини ҳисобга олиб, шахтёрлар ва фабрика ишчиларини район ҳарбий комиссариатидан қайтаришди.

— Еттисой кони ҳам иккинчи фронт,— деди жағларида гўшт қолмаган ўрта ёшлардаги капитан.— У фронт учун ишлайди. Сизлар ҳозирча ишлаб турасизлар. Буйруқ бўлса, яна чақирамиз.

Буйруқ бўлмади. Бир ойлардан кейин кондаги малакали ишчиларнинг ҳаммасини ишда қолдиришди.

Бебитнинг қайтиб келганидан Марварид ўзида йўқ севинди. Тиркашнинг қувонганини ҳам, хафа бўлганини ҳам билиб бўлмади. У, одатдагидай бир зайлда юрарди. Уруш тўғрисида Бебитдан ҳеч нарсани сўрамасди...

Қишлоқларда «фалончидан қорахат келипти», «писмадончига қорахат келипти» деган совуқ хабарлар ўрмалаб қолди. Тиркаш бунга ҳам эътибор бермай юрди. Уруш — ўлимнинг онаси. Уруш бўлгач, қурбон ҳам бўлади-да!

Кузнинг ўрталарида Парда сўфининг ўғлидан қорахат келди. Шундан кейингина Тиркашнинг юрагига ғалаён тушиб қолди. Қўшинининг ғами — ўзини билган одамга ўзиники. Бир томони қариндош-уруғчилик. Шу туфайли биринчи марта эл йиғилган жойга бориб Парда сўфига таъзия билдириб келди. Кечқурун Бебитни Марвариддан узоқроққа тортиб, жиддий сўради:

— Нима гап?! Нима бўляпти ўзи?!

— Душман биз ўйлагандан кучлироқ шекилли, Украина, Белорусияга ўхшаган ерларимизни босиб олипти...

— Нега босиб олади?!— бунга Бебит айбдордай уни силталади.— Нега! Сталин нима қиляпти у ерда?

— Ҳукумат душманни ҳайдаш чорасини кўряпти!

Тиркаш асабийлашиб, ҳаддидан ошириброқ юборганини пайқади. Аммо босиқ ва ишонч билан сўзлаётгани учун ўғлидан хурсанд бўлди. Бебит одамлар ичида юрипти. Одамлар душманни енгишимизга ишонар экан. Ишонч яхши нарса: ишонч — тирикликнинг ўқ илдизи. Ўқ илдизи қирқилган ўсимлик икки дунёдаям ўнгмайди...

Кунлар ўтиб борарди. Ғалабадан дарак берувчи биронта белги сезилмасди. Қайтага кун санаб Тиркашнинг ичи пишиб кетди. Дардлашадиган одам йўқ. Ўғлидан қорахат келганидан буён Парда сўфи уйдан чиқмай қўйди. Мотамдаги одам ҳар кимларникига бориб юрмаслиги маълум. Ўзи бир-икки марта бориб келди-ю, уруш тўғрисида гап очолмади. Кампири Тиркашдан бадтар: кечасию кундузи худодан душманнинг ер билан яксон бўлишини тилайди. Бу ишни, негадир, худодам ҳам орқага судрамоқда эди. Бебит ишдан чарчаб келади. Бунинг устига, кейинги пайтларда фронт тўғрисида гап очмай қўйди. Сўраган пайтларида қисқа ва дудмал жавоб беради: иложи борица «ҳа» ёки «йўқ»дан нарига ўтгиси келмайди...

Қиличини қайраб қиш келди. Тиркаш эрталабдан кечгача уйида. Яхши ҳамки, у тиниб-тинчиб ўтиролмасди, бўлмаса пуфакдай ёрилиб кетармиди. Азонда туриб молларидан хабар олади. Кейин таҳорат қилиб намозини ўқийди. Бебитни уйғотади, биргалашиб чой ичишади. У

ишига кетгач, шошилмай оғилни тозалайди. Қор устига тўрттагина пичан сочиб, оёғини ёзиб олиши учун эчкиларини ҳовлига ҳайдайди. Қўрасини тозалаб қуруқлик солади. Сигирларга қарайди — сув, емиш беради. Ора-сира уйига кириб, бир соат-ярим соат нафас ростлайди ва ҳаммасини бошқатдан бошлайди. Бекор қолса зерикади. Кампири билан уёқ-буёқдан гурунглашмоқчи бўлади-ю, сира гап тополмайди. Кеч-қурунлари Бебитдан фронт янгиликларидан сўрамоқчи бўлади. Авзоига қараб, индамай қўя қолади. Ноилож ётиб ухлайди...

Қиш изғиринлари билан Тиркаш зориқиб кутаётган илиқ хабарлар ҳам кела бошлади: душман Москва бўсағаларида мажақлаб ташланганди. Қолганларини ўғри итдай қувлаш давом этмоқда эди. Бебит ҳам сергапроқ бўлиб борарди. Оқшомлари анча-анча гурунглашади — билиб келган янгиликларини битта қўймай айтиб беради. Баъзан ўзидан жиндай-жиндай қўшиб, бўрттиради ҳам. Тиркаш ҳаммасини жон қулоғи билан эшитди...

Қишнинг охирларида Ҳожининг кичик ўғли Қўрғонжардан суюнчи сўраб келиб, Марвариднинг бошини осмонга етказди. Унинг битта невараси иккита бўлганди. Қувонганидан чолидан сўраб ҳам ўтирмай бир серкани ўнгартириб юборди. Тиркаш ўзини билмаганга олди. Кампири бу хушxabарни оғзи қулоғига етиб айтганида ҳам миқ этмади.

Марварид кичик неварасини кўриб келмаса бўлмасди. Эртасига бир оз ун, бир халта қурут, икки-уч пишим ёғ ва Бебитнинг карточкасига теккан уч кило шакарнинг ҳаммасини олиб, Қўрғонжарга жўнади. Келганидан кейин невараларини сўраб қолармикан, деб чолининг оғзини пойлади-ю, фойдаси бўлмади. Бу қиш, олти ой ёз ўтиб, яна қиш келди ҳамки, сўрамади. Марварид ундан ўпкалаб ўтирмади. Ўзининг бир оёғи Юқори Қийқимда бўлса, бир оёғи Қўрғонжарда бўлиб қолди. Шунга қарши турмаганига ҳам шукр қиларди.

Бебит ҳар куни бир ярим килоча нон олиб келади. Тегадигани шу: шахтада ишлагани учун ўзига бир кило, ота-онасига икки юз граммдан. Онаси кўпроғини унга едирмоқчи бўлади. Лекин у «буханка нон меъдамни ғижиллатади» деб кўпроқ маккай бодроқ ейди. Мақтаб-мақтаб онаси пиширган жўхори гўжадан ичади. Нонни ота-онасига илинади. Уйда ҳар тўрт-беш ҳафтада битта серка сўйилади. Марварид бир сонини кўтариб, у-бу нарсалар билан невараларига жўнайди. Тиркаш аёлининг ишига ҳеч қачон аралашмаган. Гўштнинг ҳаммасини олиб кетганида «қаёққа обординг» демасди. Эрнинг иши топиш-тутиш, аёлнинг иши саришта қилиш, деб ҳисобларди у.

Қишлоқларда нон авлиё-ю, бир кафт дон арзанда бўлиб қолди. Одамлар топса еб, топмаса қараб қоладиган бўлишди. Еттисойда аҳвол бирмунча дуруст. Карточкалар билан бонларга¹, оз бўлса-да, тиш босар озиқ бериб туришарди. Шунинг учунми, аҳволнинг жуда ҳам оғир бўлиб кетганидан Тиркаш деярли беҳабар эди. Ўзи, аввалгидек бўлмаса ҳам, бир нави тўқ эди. Олдида қирқ-эллик эчкиси, сигирлари, тана-тўлпилари бор. Урушнинг шафқатсиз қонунлари ҳозирча уни четлаб ўтмоқдайди...

Хилватда узоқ яшаганидан Тиркаш одамовиликка кўникиб қолиши керак эди. Лекин вақт ўтгани сари ниманидир қўмсар, нимагадир кучли эҳтиёж сезар, кўнгли ярим одамдай ўксир эди. Юраги зардобга тўлиб бораётгандай. Буни ғалаба кунининг чўзилиб, орқага кетаётганига йўярди. Шу ҳолига бояги-боягидай боқи-беғам кўриниб, кампири билан ўғлини чалғитмоқчи бўларди. У муғомбирликни ўлгудай ёмон кўрарди. Аммо қилаётган иши муғомбирликдан бошқа нарса эмасди. Буни ўзи ҳам сезарди! Шунинг учун баъзан ўзидан-ўзи ғижиниб юрарди.

¹ Бон — пул ўрнида вақтинча муомалага чиқарилган қоғоз. Уни «тилла пули» ҳам дейишган.

Осмон оқиш туман билан қопланган. Кун ботишдан эсаётган совуқ изгирин қор учириб турарди. Тиркаш уйда ўтирса тарс ёрилиб кетадигандай бўлаверди. Молхона томига чиқиб, уч-тўрт боғ пичан туширди. Уйига кириб, чопони устидан жун чакмонини кийди. Салласини қулоғи устидан бостириб ўради. Кампирига: «Пичан тушириб қўйдим, молларга солиб тур»,— деди-да, яқиндагина бориб келганига қарамай, Парда сўфиникига йўл олди.

Парда сўфи анча қариб, чўкиб қолганди. Улган ўғлининг умрини қолганларига тилаб, уйдан чиқмай ўтирарди. Яна бир ўғли фронтда, кичиги тош майдалаш фабрикасида ишларди. Қасалмандликдан мол-ҳолига ҳам қараёлмасди. Бу ишларни кампири билан келини қиларди.

Зерикиб ўтирган экан, эшикда Тиркашчи кўриб, севиниб кетди. — Бормисан, чирақай, жуда дарагинг бўлмай кетди,— деди тўрдан жой кўрсатиб. — Баъзан сеникига борсамми дейману йўллар гуртук, бирон жойда тиқилиб қоламанми деб қўрқаман.

У ҳар келганида «дарагинг бўлмай кетди» деб Тиркашдан ўпкалайди. Кампирининг юзига тикилиб ўтираверишдан зерикса керак-да. Балки, кўргани келувчиларнинг ҳаммасига айтар бу гапни.

Иккаласи Ленинград қамали, Сталинград учун бораётган жанглар, қишлоқлардаги оғир аҳвол ҳақида анча гурунглашиб ўтиришди. Тиркаш қишлоқларда аҳвол оғирлашиб кетганини эшитганди. Парда сўфининг айтганларини ўша узук-юлуқ эшитиб юрганларининг такрори деб билди. Фикри-зикри қўшинларимизнинг илгарига силжиши билан банд эди. Бу толиққан асабларига таскин бериб, кўнглини кўтарди. Халқ тортаётган қийинчиликлар тўғрисида эшитганларини шу қувонч соясида қолдириб юборарди. Усма кетса қош қолади. Одамлар бугун озиб-тўзиётган бўлишса, елкасига офтоб тегиб қоладиган кунлар узок эмас, деб ўйларди...

Тиркаш энди кетмоқчи бўлиб турганида, Ёмонтошдаги чакалакни қийратиб қирқаётган одамларни кўриб қолди. Улар катта-катта дарахтларни ҳам аямай ағдариб ташлашмоқда эди. Бир қисми ағдарилган дарахт ва буталарни эшак-эшак ташиб кетишаётир. Келаётганида ҳам у ерда одамлар ғимирлаб юришганини кўргандай бўлувди, эътибор бермаган экан.

— Улар нима қилишяпти ўзи?— сўради Парда сўфидан.

— Кўряпсан-ку, чирақай,— деди у афсус оҳангида.— Чакалакнинг офатини беришяпти. Пастни шип-шийдам қилишди. Энди шу ерга келган жойлари.

— Қўй дегани хўжаси, қўрқитгани бўжиси йўқмикан буларнинг?!

— Начайликлари «қирқавер» деб бутун бир артелни шу ишга қўйганмиш. Ёз-қиш ташишади.

— Бунақада яна бир-икки йилда бутун тоғни шип-шийдам қилишади-ку!

— Билмадим, чирақай, билмадим...

Тиркашнинг томирларидаги анчадан буён сўнганга ўхшаб юрган қайноқ қон қайтадан гупура бошлади. Чакалак ва ёввойи дарахтлар тоғнинг зийнати. Бағрида қор тутиб, нам сақлайди. Мевалари — ёш-қарининг эрмаги. Тоғни шип-шийдам қилиб қўйиш — тиниқ сувли чашмаларни, сой тўла сувни, гуркираб ўсадиган пичанзорларни қуритиш дегани-ку! Ёввойи ҳайвонлару паррандаларни йўқ қилиш дегани-ку! Қор-ёмғирларга тупроқни ювдириб юбориб, ҳаммаёқни тошлоққа айлантириш-ку, бу! Бутаб олишса ёки саралаб қирқишса, бир нави эди. Бу тарзда ёппасига қирқиш — ўзимизга нон-неъмат бераётган табиатга нисбатан вахшийлик-ку! Тоғлар бу вахшийликни кўтармайди. Бунақаси кетмайди!

Ғазаби қўзиб кетганидан охириги фикрини овоз чиқариб айтиб юборди:

— Бунақаси кетмайди!..

Парда сўфининг ҳай-ҳайлаганига қарамай, сапчиб уйдан чиқди. Остонадан ўтгач, ўчоқбошида занглаб ётган болтага кўзи тушди. Негадир уни ҳам кўтариб олди. Буни кўриб Парда сўфининг жон-пони чиқиб кетди. Ортидан ҳайҳайлади:

— Қайт, чирақай, қайт! Қайт, тентак!! Қариганингда қамоқда ўлгинг келяптими, қайт!

Тиркаш гапга қулоқ соладиган ҳолатдан чиққанди. Кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоқлари том битгандай эшитмас эди. Ҳаллослаб Суюндиксойдан маҳсиси билан кечиб ўтди. Товонидаги йиртиқдан маҳсисига сув ўтганини пайқади. «Тош» калиши сувга тўлиб, билчиллаб қолди. Бунга эътибор бермай олдинга, тепага интилди. Тик ёнбағирликдан кўтарилишда оёғи тийганиб йиқилар, совуқ қорни чангаллаб юқорига тирмашар, негадир, қорнинг совуқлигини сезмас эди.

— Нима қияпсилар, кўрнамаклар! Йўқол ҳамманг, йўқол! Битангниям қолдирмай чопиб ташлайман худди... Йўқол!

Ҳе йўқ-бе йўқ, кутилмаганда айиқдай ўкириб келаётган чолнинг вазоҳати ўтинчиларни чўчитиб қўйди. Унга яқинроқ турганлар болтасига ҳам қарамай бир четга қочиб ўтишди. Тиркаш эса гандираклаб бориб, улар қолдирган ўткир болталарни бирин-кетин сойга улоқтирди.

Ўтинчилар ҳар жойдан йигилиб, конга юборилган ишчи батальонлардан эди. Ҳеч бири Тиркашни танимасди. Тиркаш ҳам уларни биринчи марта кўраётганди. Кўпчилигининг бошида эски телпак, эгниларида яғир пахталик, баъзилари қирқ ямоқ чопон кийиб олишган. Оёқларидаги тоштовонлари ямалаверганидан, аслида қанақа рангда бўлганлигини аниқлаш қийин эди. Совуқдан юзлари сур тортган, кўзлари йилтираб кўринади. Тиркашга хавотирланиб тикилишарди.

Сал ўзига келгач, ўтинчиларнинг туришлари унинг шахтини кесиб қўйди. Негадир уларга раҳми келиб, насиҳатомуз гап айтди:

— Чакалакни бунақа аёвсиз қирқиб бўлмайди, укалар. Боринглар, энди бундай қилманглар.

Афтидан бригадири бўлса керак, ёши элликларга борган киши олдинга чиқди. Бошида ярғоқ телпак. Нафасидан чиққан буғ мўйловининг устини терчитиб юборган.

— Начайнук буюрган, ўтун ташимасаг бўлмайду, бово,— деди тожикча талаффузда.— Ўзиз биласуз, аҳвол ағур...

Тиркашнинг кўнгли бир хил бўлиб, гап уқтирмоққа чоғланди:

— Тоғларни яланғоч қилиб бўлмайди, ука!

— Начайнук буюргон-до, бово,— бояги киши унинг гапини бўлди.

— Начайлик-пачайлигингни билмайман,— Тиркашнинг овози ўзгара бошлади.— Бориб айт ўша янги тўрага, Тиркаш деган чол ҳайдаб юборди, де. Ўзи чакалакнинг ўртасида ўтирсаям, қирқишдан озорланиб, тезак билан таппи тутатиб ўтираркан, де. Ўтиндан қийналсак, бир бостирма чолмаси бормиш, шуни лиллойига берармиш, де...

У билан пачакилашиб ўтириш фойдасизлигини ўтинчилар тушунишди. Иккитаси сойга тушиб, қорнинг орасидан улоқтирилган болталарини топиб чиқишди. Кейин ортларига қараб-қараб, мўйлови терчиган киши етакчилигида жўнаб кетишди.

Ўтинчилар кўздан ғойиб бўлгунларига қадар Тиркаш қийратилган чакалакзорда қимирламай турди. Шундагина товонининг сув кирган жойи совқотгандай бўлди. Сув — сув-да, қор кирмай юрувди. Сойга тушаётганида, нариги бетда бир-икки кишининг ўзи томонга қараб турганини кўрди. Уларни Парда сўфи чақиртирганини сизди. Бир ишқал чиқармасин, деб чақиртирган бўлса керак. Ишқал чиқмайдиган бўлгач, сойга тушиб ўтиришмаган.

Келаётганида паст-баландига қарамай сув кечиб кетаверган экан. Қайтишида пайтавасини бадтар ҳўл қилмаслик учун сойнинг торроқ жойидан сакраб ўтмоқчи бўлди. Назарида қулайроқ кўринган жойдан

сакраганди, яна сувга тушди. Тепадагилар қараб турипти деб ўйлади-ми, афсус оҳангида.

— Ҳай ёшлигим!— деди баланд товушда ва кулимсираб юқорига қаради. У ерда ҳеч ким қолмаганини кўргач, норози оҳангда тўнғиллади.— Ёшлигингда гўр ҳам эмас эдинг! Ушандаям ўлгудек ландовир ва латтачайнар эдинг...

Соидан чиққач, ивиган пайтавасини қуритиб олиш учун Парда сўфиникига кирди.

12

Тиркашнинг болта кўтариб кетгани Парда сўфини чинакамига кўрқитиб юборганди. Иш тинчлик билан ҳал бўлди-ю, аммо жанжал бу билан тугамаслигини сезиб турарди у. Шу сабабдан бирор соатлардан кейин Тиркашни излаб келишганидан ажабланмади. Уни оғирроқ бўлишга ундаб қолди.

Бошлиқнинг идорасига етганида Тиркаш ҳайратга тушиб, кўчанинг ўртасида туриб қолди: идора рўпарасидаги ошхонадан чиқиб келаётган ишчиларнинг деярли ҳаммаси тоғни урса талқон қиладиган йигитлар эди. Бебитга ўхшаган беш-тўрттаси қолмаса, ёшларнинг ҳаммаси фронтда деб ўйлаганди. Душманни мамлакатимиздан қувлаб чиқаришнинг чўзилаётгани сабаби ойдинлашгандай бўлди унга. Ҳовлисида қароқчи турганини билиб ҳам болалари ён эшикдан ўтинга чиқиб кетган отадай ижирганди. Енидан ўтиб кетаётган йигирма-йигирма беш ёшлардаги йигитни тўхтатиб, дабдурустан сўради:

— Қаерда ишлаяпсан?

— Драбилькада...

— Нега урушга бормаяпсан?

— Юборишмаяпти.

— Нега юборишмайди?!

— Билмасам...— йигит аввалига елка қисди-ю, сабабини ўзи айтди.— Душманни қуруқ қўл билан енгиб бўлмайди шекилли. Қурол-аслаҳа учун маъдан керак. Уни биз етказиб беряпмиз.

— Аҳа...

Тиркаш кўнглида йигитнинг ҳақ гапни айтганлигини тан олди. Бир оз юмшаб, бош-оёғига кўз югуртирди. Оёғидаги қалин пайтава билан кийилган таги ёғоч брезент ботинкани кўриб ажабланди. Пайтаваси қалин бўлганидаям қиш чилласида оёқни совуқдан асраёлмайди, деган фикрга борди.

— Оёгингдаги нима?— сўради «этигинг йўқми?» деган оҳангда.

— Муллатақиллоқ,— йигит кўзларини пирпиратди.

— Нима?!

— Америкаликларнингми, инглизларнингми «совғаси». Юрганда тақиллайвериб жонга теккани учун ўзимизча «муллатақиллоқ» деб от қўйиб олганмиз.

— Совға қилса, кўн патинка қуриптими?

— Бизнинг қирилиб кетганимиз билан капиталистларнинг неча пуллик иши бор?

— Аҳа!

Жавоб Тиркашга маъқул тушди. Америка билан Англия қийинчилик тортаётганларга жони ачийдиганлар бошқараётган давлат эмаслигини у босмачиларга қарши кураш йилларидаёқ билиб олганди. Аммо йигит совуқда нега бу тасқарани кияди? Ота-боболаримиз қийналиб қолган пайтларда чориқ киярди-ку. «Муллатақиллоқ»миш! Уни ёзда кийса, бир нави...

— Қонда сенга ўхшаб «муллатақиллоқ» кийиб юрганлар кўпми?— сўради у.

— Топилади...

Йигит кетмоқчи бўлаётганди, Тиркаш яна саволга тутди:

— Чориқ кийсаларинг бўлмайдами? Оёқларинг иссиққина юрарди...

— Нима у чориқ?

— Ота-бованг хон ўтганмиди-ки, чориқни билмайсан?!

Йигитнинг у билан айтишиб ўтиргиси келмадими, жўнаб қолди. Бундан Тиркашнинг бадтарроқ жаҳли чиқиб ортидан бақирди.

— Бизлар чориқ кийишдан уялмаганмиз, ҳой тўрача! Оёғинг тарашадай қотганида биласан унинг қадрини. Вой ҳўкиз, аҳмоқ қилмоқчи-я!

Бошқарма идорасидан ўзини бошлаб келган киши билан эллик ёшлар чамасидаги тўрвага ўхшатиб соқол қўйган, чарчагандан бўлса керак, кўзлари киртайibroқ қолган чуваккина бир киши чиқди.

— Нима гап?— деди у ажабланиб.— Нима шовқин?

— Анови нодонга оёғинг тарашадай қотишидан аввал чориқ кий десам, «нима у чориқ» деб кишини мазах қилади!— деди Тиркаш фигони чиқиб.— Вой ярамас!

Нотаниш кишининг қулоғига ёнидаги киши нимадир деб, терс қараб кулди. У эса чаққон келиб Тиркашнинг қўлини олди. Ўзини Тўра Алиевич деб таништирди. Кўринишидан кон бошлиқларидан бирига ўхшарди. Уни ичкарига таклиф қилди.

Ҳамон жаҳлдан тушмаган бўлса-да, кабинетга киргач Тиркаш ўзини қўлга олишга интилди. Кенг-мўлгина хонанинг ўртароқ бир еридаги стулларга ёнма-ён ўтиришаётганида:

— Бу болалардан ўпкалаб ҳам бўлмайди,— деди нолигансимон.— Улар биз тотган уқубатларнинг ўндан бирини тотмаган, қорни очиқиб нон еб кўрмаган.

Тўра Алиевич эътироз билдирди:

— Сиз хафа бўлаётган ўша йигит анчадан буён қорни тўйиб нон егани йўқ. Шундай бўсаям чидаб ишляпти...

— Эҳтимол шундайдир,— Тиркаш унинг гапини бўлди.— Ҳар ҳолда, бизларчалик куюк кулчага зор бўлгани йўқ. Шунинг учун бебош бўлиб ўсишган. Биз кўрган кунлар бошларига тушса, билмадим, нима қилишарди.

Тўра Алиевич Тиркашни танимасди. У уруш тўғрисида ҳеч нима билмайдигандек, гўё қирқинчи йилдан кейин «лўп» этиб қирқ учинчи йилдан бош чиқаргандек, ё қандайдир осмондан тушгандек таассурот уйғотди. Шунга қарамай, ётиғи билан гапирди:

— Ҳамма даврларда ҳам ўз ечимини кутиб ётган қандайдир масалалар бўлган, отахон. Бу масалани ўша давр одамлари ечишган: ўтмишдаги ёки келажакдагилар эмас. Тарих ҳозирги ёшлар зиммасигаям оғир вазифа юклаб қўйди. Сиз билан биз ҳал қилган вазифалардан оғир бўлса оғирдирки, энгил эмас. Бунинг назарга олмаслик яхши эмас.

Тиркаш унинг гапини бўлмай эшитди. На маъқуллади, на эътироз билдирди. Бошини қуйи солиб ўтирди-ўтирди-да, бирдан кўтарди. Лоқайдроқ оҳангда сўради:

— Начайликда ишим бориди, айтолмайсизми, қаердан топсам бўлади уни?

— Ўша начальник мен бўламан,— Тўра Алиевич жилмайди.— Қулоғим сизда.

Тиркаш фалсафа сўқаётган бу тўрвасоқолнинг бечиз одам эмаслигини фаҳмлаганди-ю, энг катта бошлиқ шудир деб ўйламаганди. Назарида, катта бошлиқ соқол-мўйловини тухумнинг пўчоғидай қиртишлаган басавлат ва жаҳлдор одам бўлиши керакдай эди. У билан роса ёғиллашмоқчи бўлиб, тишини қайраб келганди. Афтидан, бу тўрвасоқолга бақириб ҳам бўлмайди, одамни кулиб энгадиган писмиқ хилданга ўхшайди.

— Тоғдаги чакалакзорларни қирқинчи буюрган сизмисиз?— деди

овозини бир парда кўтариб ва унинг катта бошлиқ бўлиб чиққанидан ажабланаётганини яширмай.

— Ҳа, менман.

— Нега бундай қиялсиз? Душманликку бу!

— Душманлик эмас, отахон. Шундай қилишимиз керак...

— Оқибатини ўйлайсизми?! Бу тоғлар ҳали бизга керак бўлади.

Биздан кейингиларга керак!

— Тушунаман...

— Тушуниб туриб тузликқа тупуриясизми?!

Аллақандай тажанг чол ҳайдаб юборганини эшитганида, Тўра Алиевич ўтинчиларнинг бригадирини чақиртириб, воқеани батафсил суриштирганди. Дилида ўша чолни чин кўнгилдан қувватлаганди. Болалиги Тошкентнинг четдаги шовиллаган дарахтзорлар орасида ўтганлигидан, чакалак ва дарахтзорларнинг қадрига етарди у. На чора! Шароит фидойиликни талаб қилади. Одамлар орасидаги қирғин-барот уруш табиатнинг ўзига ҳам қирон келтираётганини тасодифан тушуниб қолганди у. Аммо, на чора! Мақсадга етиш учун бутун мамлакат кўпгина кўз қиймас нарсаларини қурбон қилиб юбормоқда эди. Ана шуни тушунтириш мақсадида чақиртирганди. Ҳаммасини батафсил тушунтирди эди. Лекин Тиркашнинг гапга қулоқ солиши душвор бўлиб турарди: али деса бали деб, ёқасидан олиб кетгудек қизишарди.

Тўра Алиевич Тиркашни ҳовридан тўшириш учун гапни узоқроқдан бошлади.

— Оилада неча киши турасизлар?

— Уч киши,— бу савол нимага керак бўлиб қолди дегандай тўнғиллади у.— Мен, ўғлим, кампирим...

— Еттисойда қанча одам яшашини биласизми?

— Билмайман.

— Мингдан ортиқроқ!

— Йўғ-э...

— Улар ҳар куни нон емаса бўлмайди,— Тўра Алиевич Тиркашнинг ҳайратланганини пайқамасини давом этди.— Лекин нонвойхонада ўтин йўқ. Ишчиларни бир маҳал бўлсаям дурустроқ овқатлантириш керак, ишчи батальондагилар ётадиган баракларни иситиш керак, болалари урушга кетиб, ўтин ташувчиси қолмаган оилалар бор... Ҳаммасига ўтин керак. Қиш эса, кўриб турибсиз, забтига оляпти. Айтинчи, сиз бермоқчи бўлаётган чолма шу эҳтиёжлар учун бир кунга етадимми? Боринги, икки кунга етсин. Кейин-чи? Кейин бутимизни ўчоққа қаласак ёнадимми?

Тиркашнинг у билан пачакилашиб ўтиргиси келмай қолди. У ё «ҳа», ё «йўқ»қа ўрганган одам. Шу туфайли бусиз ҳам чўзилиб кетаётган ҳангомага хотима ясамоқчи бўлди.

— Ўтин керак бўлса,— деди дона-дона қилиб,— уни бошқа ёқдан олиб келинлар. Кўмир ёқинлар. Ҳадеб тоққа болта кўтариб чопавериш яхши эмас!

— Буни ўзимиз ҳам биламиз, аммо қани транспорт?! Флотациядан чиққан маъданни ҳам темир йўлгача туяларда ташиймиз. Қайтишда озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсаларни юклаб келамиз...

— Атиги икки-уч йил илгари изғиб ётган мошинларнинг қани?!

— Урушда, бутун техника фронтда. Бу ерда урушга жўнатишнинг сираям иложи бўлмаганларигина қолдирилган. Улар бу гуртуқларда қаерга борарди. Қолаверса, темир йўлларда ҳам кўмир ташилаётгани йўқ. Ташийдиган бошқа зарур нарсалар бор...

Тиркаш бир зумгина ўйланиб қолди. Тўра Алиевичга қаттиқ тикилди.

— Аҳволимиз шунчалик оғирми?!— деди кўзини узмай.

— Енгил эмас.

— Биз бари бир енгимиз керак...

— Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас! Фашистларнинг тумшуғини Москвада қорға ишқалагандик, Сталинградда музга ишқалаямиз. Сталинград улар учун жудаям катта мозорга айланади ҳали!

— Оғзингга мой, иним!— Тиркаш ўзи фаҳмламай сенсиради. Таранг тортилиб турган асаблари қандайдир бўшашди.— Биз албатта енгамиз! Тоғларни эса асрашимиз керак...

— Тоғларга тегмасликнинг иложи йўқлигини тушундингиз-ку, ота-хон,— Тўра Алиевич ён бергандай гапирди.— Биз учун энг катта бойлик — одамлар! Уларни сақлаб қолишимиз керак. Кесилган ҳар бир дарахт ўрнига урушдан сўнг юзлаб кўчатлар ўтқазамиз. Ушанда тоғларимиз ҳозиргисидан ҳам чиройли бўлиб кетади.

— Ҳозиргисидек бўй кўрсатгунича неча тут пишиғи ўтиб кетади. Эҳ-ҳе-е...

Тиркашнинг кўзлари киртайиб, шашти пасайиб қолди. Юрагини интиҳосиз бир дард ўртарди. Бу дард чакалақзорни қирқтирмасликнинг иложи йўқлигини тушунганидан пайдо бўлганини Тўра Алиевич ҳам пайқади. Унинг фикрини бошқа томонга чалғитиш ва ўзини қизиқтириб қўйган бир нарсани аниқлаш мақсадида кулимсираб сўради:

— Энди чориқ масаласига қайтайлик...

Тиркаш хўмрайди.

— Чориқнинг нимасини гапириб ўтириш керак яна?

— Тажриба — зўр нарса. Ота-боболаримиз бекорга кийишмагандир уни. Тикилиши осон, ҳам арзон, оёқни иссиқ тутади...

— Бу-ку тўғри-я!— Тиркашнинг яна қони қайнай бошлади.— Кимга кийдирасиз уни? Бояғи ҳўкизгами? Киймайди у!

Бошлиқнинг ҳам жаҳли чиқди. Кўзларини Тиркашга ўқдай қадади.

— Ҳай-ҳай-ҳай!— деди таассуф оҳангида бош чайқаб.— Сиз билан биз кўпни кўрган одамлармиз. Бировларни бекорга ҳақорат қилиш ярашмайди бизга. Ҳозирги йигитлар эсини танишганида ҳеч ким чориқ киймаган ахир! Шунинг учун кўплари бу сўзнинг маъносини ҳам билмайди. Уни ҳатто мен ҳам билмасдим... ёшлигимда кийиб кўрмаганим-да...

Тўра Алиевич отаси мардикорликка кетган йили қишда оёқ кийим олиб беришга қурби етмай, онаси бир жуфт чориқ тиктириб берганини айтиб ўтирмади. Униям терисини қўшнисининг ўлиб қолган эшагидан олишганди.

— Чориқ шаҳарлардаям бўлганми?— деди Тиркаш қизиқсиниб.

Негадир у Тўра Алиевични шаҳарлик деб ўйлаганди. Шунинг учун бу савол оғзидан беихтиёр чиқиб кетди-ю, хижолат тортди.

— Шаҳарликларнинг худоси бошқа деб ўйлайсиз, чоғи,— Тўра Алиевич уни хижолатдан қутқариш учун ҳазиллашди.— Менимча, худонинг бу неъматидан шаҳарликларгинамас, дунёдаги ҳеч бир халқ бенасиб қолмагандир. Тикиш қўлингиздан келадими уни?

...Илгарилари амиркўн маҳси-калишлар, қўнжигга гул туширилган қала-пойафзал этикларни бойларгина киярди. Оддийгина тоштовон билан қизил мўкилар ҳам ўзига дурустроқларда бўларди. Кўпчилик хом теридан тикилган жўнгина чориқда юрарди. Инқилобдан кейин беш-ўн йил ичида чориқлар ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Урнини қўнжи узун кўн ботинкалар, бежирим калишлар, кирза этиклар эгаллади. Буни Тиркаш ҳам пайқамай қолмади. Шунда яна бир нарсани англади: чориқ — йўқчилик белгиси экан. Бугун унга яна ишимиз тушяптими, алам билан ўйлади у, демак, аҳвол чиндан оғир экан-да...

— Неча жуфт тикай?— деди у.

— Намуна учун бир жуфт. Бошқасини ўшаларга қараб ўзимизнинг усталар тикаверишади. Қонда яхши этикдўзлар ҳам бор. Йиртилган пойафзалларни ямаб бериб туришипти. Бироқ, кўн йўқ. Чориқ тиктириш ҳеч кимнинг эсига келмапти.

— Яхши. Эрталаб уйимдаги ҳамма териларни йиғиштириб келаман. Усталарингиз билан бирга тикамиз. «Муллатақиллоғи» америкаликларнинг ўзига сийлов.

— Ёзда у ҳам керак бўлади,— деди Тўра Алиевич кетиш учун қўзғалган Тиркашга ҳар иккала қўлини узатиб хайрлашаркан.— Керакли тошнинг оғири йўқ...

Келишидан кўзлаган мақсади амалга олмаган бўлса-да, Тиркаш бошлиқнинг кабинетидан аллақандай енгиллашиб чиқди. Нимадан енгил тортганини билмасди. Ваъдасига биноан эртасига яна келди. Шу билан Еттисойга ҳар куни бир келиб кетмаса, уйда туролмайдиган бўлиб қолди. Бебитнинг карточкасига тегадиган нарсаларни ҳам ўзи оларди.

13

...Изғиринли кечада уч отлиқ Қоратош қишлоғидан чиқиб, тоғ томонга йўл олишди. Эғни-бошлари қалин, иккитасининг елкасида ов милтиғи. Қишлоқларни четлаб, Михлибойсой орқали Қовғолига чиқишди. Мақсадлари тоғ белидан ошиб, Устихон қишлоғига тушиш, кимнидир талаб, бирор нарсасини ўмариш эди. Бундай пайтларда қишлоқлардан четроқдаги уйлар яхши ўлжа бўларди. Қишлоқларда эса, йўқчилик бўлишига қарамай, одамлар уюшқоқ, бир-бирини қаттиқ ҳимоя қилишди.

Отлиқлардан бири — ёшгина йигит. Иккинчисининг ёғочдан йўнилгандай чўзиқ ва рангсиз юзини соқол-мўйлов қоплаган, бу атрофларнинг одами эмаслиги яққол билиниб турарди. Тўдани бошлаб бораётган учинчи киши тўладан келган, бақувват. Хатти-ҳаракатларидан унинг ҳеч тап тортмаслиги ва бу жойларнинг ҳар бир қаричини мукамал билиши кўриниб турарди.

Улар Қовғолига кўтарилишган маҳалда ён томонда аланга липиллаётганини пайқаб қолишди. Кейин одам шарпаси кўринди. Гира-шира итнинг ҳургани эшитилди.

— Бемехелде тоғ оролоғидо сонғиб, немене қилиб юрген одам бул,— деди отлиқлардан бири «и» товушига кучли ургу бериб.

— Қорақушнинг этагида Тиркаш деган туради,— деди тўдабоши хотиржам товушда.— Афтидан ўша. Қашқирга йўлиққан-ов...

— Ундоқ бўлсо, йўливиждан қолмойлиқ.

— Шошманг-чи, буёғи нима бўларкан.

Отларини аланга липиллаётган томонга буришиб, анча кутишди. Энди итнинг ҳуриши, одам товушлари аниқроқ эшитила бошлади. От қўйишса, ёрдамга улгуришлари ҳам мумкин эди. Бироқ тўдабоши буни истамасди. Тиркашни эски ғаними билганликдан, уни бўрига ем қилиб аламдан чиқмоқчи эди. Аланга ўчганидан кейин ҳам элас-элас одам товушлари эшитилавергач, иш ўзи ўйлаганидай бўлмаганини сизди.

— Қутулди, қари шайтон!— деди тишлари орасидан.— Бўри қилолмаган ишни биз битирсак-чи?

— Теке бўлсин сут берсин,— деди соқолдор киши.— Кетдик.

— Унинг йиққан-тергани кўп бўлиши керак... Сой томондан бориш хавфли, тепадан айланиб тушамиз.

Қаршилиқ билдирувчи бўлмагач, секин илгарилашди. Бир оздан сўнг отдан тушиб, тизгинидан етаклашди. Қор босган қияликлардан юқорига чиқиш хавфли — ёнбағирлар анча тик ва сертош. Айланиб юриб, ниҳоят, тоғ белига чиқишди. Ҳали эртароқ бўлганидан, бир унгурда фурсат кута бошлашди...

Осмону заминни қоплаган оқиш ғубор яна ҳам паст тушиб, ун элагандай майда қор — бурчоқ ёға бошлади. Вақт бўлди деб ҳисоблашди шекилли, тўда унгурдан чиқди. Белни айланиб, Маржонсойга Қорақуш томондан тушмоқчи бўлишди. Шу пайт ўнг томондаги тоғ усти бўйлаб кетган сўқмоқдан икки эшакни ҳайдаб, олдинма-кетин келаётган одамларнинг қораси кўринди. Йўловчиларнинг кимлигини билиб бўлмасди. Тўда уларнинг кўзича йўлни давом эттираверишга журъат қилолмади. Боз устига, тайёр ўлжа ўз оёғи билан келмоқда эди.

— Тиркашни бошқа кунга қолдирмасак бўлмайди,— деди тўдабоши соқолдорга шивирлаб.

— Мейлингиз,— деди униси шеригининг ниятини тушуниб.

Иккаласи отларидан тушиб, тизгинни учинчи шерикларига ушлат-

гапларидагина сўқмоқдагилар уларни пайқашди. Хавотирланиб, ёнма-ён тўхташди. Эшаклар тўхтамай отларга яқинлашаверди. Утиб кетадиган бўлгач, тўдабоши уларни ўзлари томонга қайтариб олди ва бир-бирга матаб, ишнинг учини отлардан бирининг эгарқошига боғлади. Баландроқ товушда шерикларига буюрди:

Ўқ отилмасин!

Сўқмоқдагиларнинг бири овозидан уни таниб қолди «Сизмисиз, фалончи ака! деди опшкора қувонч билан. Мен Шобўтаман. Танидингизми?»

Шобўтаман деган киши тўдабошининг номини тилга олиш билан ўзларига ўлим ҳукмини чиқариб қўйганини пайқамади. Йўлтўсарга учрадик, деган фикр хаёлига келмади. Аксинча, овлоқ тоғ орасида танишини учратиб қолганидан севиниб кетди.

Тўдабоши ҳам уни таниди. Ёши ўзиникидан анча катталигини билса ҳам, билмасликка олиб, дағал товушда сўради:

Қаёқдан келяпсан?

Бола-чақа ташвиши... Бир ғунажин бадалига Устихондан уч пуд галла олудим, шуни опкеляпман.

Ешингдаги ким?

Муаллим бола бор-ку. Тиловерди деган. ўша. Буям озроқ жўхори олудим...

Берироқ келинлар!

Тўдабоши билан соқолли қароқчи милтиқларини ҳам эгарқошига олди. Қиндан пичоқларини сугуриб, енгилари ичига бекитишди ва сўқмоқдан келаётганларни бамайлихотир кутиб туришди. Улар негадир яқинроқ келишдан хавфсираб, нарироқда тўхташди. Энди йўлтўсарлар юрди.

Нега юришларингиз бежой?— деди Шобўта уларнинг юришларидаги нотабийликни фахмлаб.— Мақсадларингиз нима ўзи!?

Жойингдан қимирлама!— тўдабоши дўқ қилди.— Бўлмаса ит-дек отиб ташлайман!

Йўловчилар жой-жойларида қотишди. Йўлтўсарлар ёнларига етиб келишди. Тўдабоши ҳар иккаласига бир зум тикилиб тургач, соқолдорга совуқ оҳангда буюрди:

Сиз унисини тинчитинг, мен мана бу маҳмадонани!

Масалаларни ҳал бўлганини Шобўта тўсатдан пайқади. Тўдабошининг оёғига йиқилиб ялина бошлади:

— Бизга раҳм қилинлар, ойнам! Бир жойнинг одамимиз... Болаларим ёш, менсиз очдан ўлиб кетишади ҳаммаси. Мана бу болагаям раҳм қилинлар! Биттагина қари онаси бор...

Шобўтанинг ялиниши асар қилдими, соқолли йўлтўсар тўдабошига қаради. Бундан унинг жаҳли чиқиб ўдағайлади:

Нега оғзингиз очилиб қолди!

Буниси энче яшқу, қондоқ вўлади...

Ёшини тирик қолдириб энангизга эр қиласизми?! Турмада чиримоқчимасмисиз ўзи!

Энг нозик пайтда шеригининг бўшанглик қилаётганидан тўдабоши чинакамига газабланди. Йигитча ўз қисматини англаб етмагандай карахтланиб турарди. Таниш йўлтўсарнинг ҳазил қилмаётганини биллиб, қорда ётган Шобўта чинакамига ялинишга тушди:

Ундай қилманлар, ойнам, раҳм қилинлар! Бир жойнинг одамимиз! Бу гапларни тишимизнинг чизигидан чиқарсак, моҳов-пес бўлаймиш! Худо урсин...

Унинг илтижолари тўдабошига чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Шеригини мазахлаб:

Қўлингиз қалтираса, бунисига ўтақолинг, — деди.

Бу дағдага ю. қошириқлар соқолдорнинг юрагига тош бўлиб ботди. Аламини шу билан чиқармоқчидай қорда юмалаб шафқат тилаётган Шобўтанинг бош томонига сакраб ўтди. Ниягидан қайириб ушлаб, яшини тезлигида бўғзига пичоқ тортиб юборди. Қатл сониясини бунчалик тў-

сатдан бўлар деб ўйламаганми, Шобўта изғиринли ҳавони титратиб бир мартагина нола қилди-ю, хириллаб қотилининг қўлларига ёпишди. Бўғзидан отилиб чиққан иссиқ қон оппоқ қорнинг устига сачраб, зумдаёқ атрофни қорайтиб юборди...

Шеригининг аниқ ва чаққон ҳаракатларидан ҳайратга тушган тўдабоши бир зумгина унга тикилиб қолди. Даҳшатдан ўзини йўқотар даражага етган Тиловберди ура қочганидагина хушини тўплаб, ортидан қувлади. У бутун кучини тўплаб чопар, Тиловберди ҳам жон талвасасида қочарди. Рўпарадан бурчоқ уриб турган изғиринли кечада қор босган сертош қияликларда тез чопиш осон эмасди. Шунинг учун ҳар иккаласи нимагадир қоқилишиб тез-тез йиқилишар, сакраб туриб яна қувлашар эди.

Тиловберди тез чопаетганига қарамай ваҳима ичида гангиб, қадамини пала-партиш ташларди. Онгида биргина нарса — ортидан қувлаб келаётган ажалдан қочиб қутулиш истагигина қотиб турарди. Бошқа ҳеч нимани ҳис қилмас, ҳеч нимани англамас эди. Тўдабоши аниқроқ ҳаракат қилаётганидан, камроқ йиқилаётганди. Ораликдаги масофа эса тобора қисқариб бораётганди.

Қаердадир, қуйидан итнинг ҳураётгани эшитилди. Буни Тиловберди ҳам аниқ эшитгач, кўз олдида қорайиб турган оламга шуъла ингандай бўлди. Қалбини эзиб юборар даражада сиқиб турган ваҳима ва умидсизликка бир зарра умид аралашди: ит бор жойда одам бор! Бутун қувватини тўплаб, шамолдай елиб бораётганида яна суриниб йиқилди. Тош қиррасига урилган тиззасида қаттиқ оғриқ сезди. Инграб бир муддат ўрnidан туролмай қолди.

Тиловберди сўнгги йиқилганида таъқибчиси устидан босиб тушди. Шу ондаёқ биқинига «ғирч» эткизиб пичоқ санчди. Қурбонини теслик билан ағдарганида, у сўнгги кучларини йиғиб қичқариб юборди. Тоғлар орасида «Онажо-о-о...» деган синиқ бир овоз янгради. Одам боласининг сўнгсиз азоб ва умидсизлигини акс эттирган бу сўниқ фарёд қотилнинг ҳам юрагини зирқиратди шекилли, дарҳол оғзини бекитди. Пичоғни зарб билан йигитнинг юрагига урди. Шу ҳолда бир сония ҳаракатсиз туриб, оғзидан секингина қўлини олди. Тиловберди кучсизгина ингради. Юрагига санчилган тиг уни тамом қилаётганди.

Тўдабоши қаердадир бир одамқушдан: «Сўйган одамининг қонидан яламасанг, ўша жойга айланиб бораверасан», деган гапни эшитганини эслади. Пичоғини суғуриб олиб, тигини салгина ялади. Оғзида илиқ қоннинг чучмал таъмини сезиб, жирканганидан дарҳол туфлаб ташлади. У жуда мадордан кетганди. Шунга қарамай, пичоғини қинига жойлагач, икки букилиб Тиловбердининг ҳаёт асари сўнаётган танасини зов томонга сургай бошлади. Уни зовдан итқитиб юборган пайтда пастдан Тиркашнинг ғазабнок товушини эшитди ва ортига қарамай қочди. Тезроқ тошлар панасига ўтиш, отлари ёнига етиб олишни ўйларди у...

Йиқилиб-суриниб шериклари ёнига етди. Ҳарсиллаб нафас олиб, бир зум ўзини ростламоқчи бўлди. Ичи куйиб кетаётганини ҳис қилиб, тезроқ отга миниши лозимлигини англади-ю, чамаси етмади. Шериклари қўлтиғидан суяб зўрға миндиришди. Эгарда ҳам қоматини тўғри тутолмай, от ёлига энгашиб олди (ётиб олишига баланд эгарқош халақит берарди). Кўп югурганидан кўз олди қора тортиб, қулоқлари шанғилларди. Томоғи қақраб, аъзои баданидан сув-сув тер чиқарди. Шериклари тоғ усти бўйлаб Савур довонига қараб юришганида ҳам ортда қолиб, ўзини зўрға эплаб келарди. Юк ортилган эшакларни икки томондан қамаб, соқолдор билан учинчи йўлтўсар ҳайдашди.

Қорақушдан ошиб ўтгачгина, ўпкаси куюшаётганига қарамай, тўдабоши сал ўзига келди. Оёқлари билан отнинг биқинига ниқтаб, шерикларига етиб олди.

-- Тиркаш сезиб қолди,— деди соқолдорга.

Тонидими? тўнғиллади у.

— Танимади-ю, лекин боягиларни ўлдирган одам эканлигини билгани аниқ.

— Билсе немене, тонимосо бизни ушловолоди деп қўрқмоёқ қўйинг.

— Билмагани яхши эди. Эрталабгача бўрилар суякларигача тоза-лаб кетишарди. Унда... уларни бўри еган деб ўйлашарди.

— Тонимосо баривир бизден кўрмейдиқу.

— Бундан қўрқаётганим йўқ! Тиркаш хушёр бўлиб юради энди. Эҳтимол қидир-қидир бошланиб, узоқ давом этар... Шубҳа туғдирмаслик учун мен уйга қайтаман. Буларни укам икковингиз олиб кетаверинглар. Лекин уни иложи борица эртароқ қайтаринг. Ўзингиз бир ярим-икки ойлардан кейин хабар олинг...

Тўдабоши шериклари билан хайрлашмай ҳам ортига бурилди. Шобўта сўйилган жойдан яна ўтгиси келмай Қорақушни орқа тарафдан айланиб, Қийик сўқмоғига тушиб олди. Бу пайтда майдалаб ураётган бурчоқ ростмана қорга айлана бошлаган эди. Тўдабоши бундан хурсанд бўлди. Қор қанчалик қалин ёғса, унга шунчалик яхши эди.

14

Тиркашлар ётиш тараддудини кўра бошлаганларида Қорабой яна хурди. Тоққа қараб ҳураётганидан, яна бўри келгандир деб ўйлашди. У тобора бўғила бошлагач, Тиркаш чопони устидан чакмонини елгагай ташлаб, ташқарига чиқди. Ит ер бағирлаб ҳураётган томонда қувлашиб келаётган иккита қорани кўрди. Улар анча баландликда бўлганидан, бурчоқ уриб турган изғиринда нималигини ажратолмади. Бўрига ҳам, бошқа бирор ҳайвонга ҳам ўхшашмасди.

Олдиндагиси йиқилдим, орқадан келаётгани босиб тушди. Тоғлар орасида кучсизгина, юракни титратадиган бир фарёд таралди. Бироқ, бу ҳам одам товушига унчалик ўхшамади. Устидагиси букчайиб, йиқилганини берироққа судради. Кейин зовдан итқитиб юборди.

Одам! Энди унинг одамлигига Тиркашнинг заррача гумони қолмади. Жони борица қичқириб юборди:

— Ҳе-е-йй!! Тўхта, падарлаънати!!! Тўхта-а!!

Уйдан Бебит, ортидан Марварид югуриб чиқишди.

— Нима гап, ота, нима бўлди!?

— Тез кийиниб чиқ!

Тошлар орасига ўтиб кетаётган одамни Бебит элас-элас кўриб қолди. Топароқда яна бир қора кўрингандай бўлди. Қоронғида йўқолган молини излаб юрганларданмикан, деб ўйлади. Отасининг ваҳима билан қичқириши сабабини билолмай турганида, у яна бақириб берди:

— Бўлмайсанми тезроқ!

— Нима бўлди, отаси, намунча бақирасиз?— деди Марварид ажабланиб.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ! Биз келгуниimizча дарвозани ичидан қулфлаб ўтир, молларга итқуш оралаб кетмасин.

Қўлларида биттадан пишиқ гаврон, Қорабойга эргашиб Тиркаш билан Бебит етиб келишганида, пастга ирғитилган киши қалин гуртукнинг орасида ёнбош бўлиб ётарди. Уни тортиб олиб, чалқанчасига ётқизишди. Улик-тиригини билиш учун Тиркаш қўйнига қўл суқиб кўрганди, қўлига илиқ ва шилимшиқ бир нарса илашди.

— Бу шўрлик худога нима ёзган экан? — деди қўлини қорга ишқалаб.

— Улиптими, ота?!

— Тамом бўпти. Қани, бош томонидан кўтар, мен оёғидан оламан.

— Уйга олиб кетамизми?

— Бўлмаса итқушга ем қилиб ташлаб кетасанми?!

Бебит қандайдир талвасада турганидан, оғзидан беихтиёр чиқиб кетди бу гап. Мулзам бўлиб, ўликни авайлаб кўтарди...

Чоли билан ўглининг одам кўтариб келаётганини кўриб, Марвариднинг капалаги учиб кетди.

— Қашқир талапти,— Тиркаш уни тинчлантириш учун ёлғон гапирди.— Катта уйга жой қил.

Жасадни қор устига авайлаб ётқизиб, Тиркаш ҳам уйга кирди. Қон тегиб расво қилмасин деганми, кампири уй бурчагига эски-тускилардан жой қилмоқда эди. Бундан унинг жаҳли чиқиб кетди. Марваридни уришиб юбормаслик учун:

— Сен нариги уйга боравер,— деди тўнг оҳангда.— Буёғини ўзимиз эплаштирамиз.

Марварид чиқиб кетгач, тўрдаги кигизнинг бир четини ўликнинг устига ёпадиган қилиб, уч буклаб тўшади. Тагидан тескари қилиб ёстиқ қўйди. Кейин жасадни олиб кириб ётқизишди... Қорачироқнинг ним ёруғида унинг ранги бўздай оқариб кўринарди. Юз-кўзларида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бир ҳайронлик ва даҳшат муҳрланиб қолганди.

Уни биринчи бўлиб Бебит таниди.

— Бу... Эсардаги Тиловберди-ку!— деди у.— Уйига хабар берамизми?

— Ҳозир у томонга бориб бўлмайди. Ҳаммаёқда икки оёқ, тўрт оёқли қашқирлар изғиб юрганга ўхшайди. Тонг отганидан кейин хабар қиларсан...

15

Уч-тўрт қари-қартанг Маржонсойга тушга яқин етиб келишди. Тиркаш билан Бебит баҳоли қудрат хизматларида бўлишди. Марҳумнинг яқинлари орасида Исматнинг борлигига эътибор беришмади. Гинакудуратлар ўз йўлига, уларнинг бошларига иш тушиб турипти. Жасад тепасида қотган тезакни ивитиб ўтириш мардларнинг иши эмас. Ҳовлидан пастроқдан — шундоққина йўл ёқасидан ёлғизгина лаҳад қовлашиб, жасадни жанозасиз, ғуслсиз (шаҳид ўлганга булар шарт эмас) кийими билан қўйишди.

Суяк эгаларининг гап-сўзларидан Тиркаш ўз тахминларининг тўғри чиққанини фаҳмлади. Жасадни кўмиб бўлишгач, суяк эгалари Бебит етакчилигида чўкич ва мисранг кўтариб, тоққа чиқиб кетишди. Юқоридан Шобўтанинг бўрилардан қолган суяк-саёқларинигина топишди. Тўплаб кийимларининг қолдиқларига ўрашиб, тошлар орасидан қовланган кичкинагина чуқурчага кўмишди. Устидан ясси тошлардан териб, тизза баравар кўтаришди...

Улар қайтгунларига қадар Тиркаш серкаларидан бирини сўйиб, гўштининг ярмини қозонга тиқди. Марварид бисотида бор қовурмочларини дастурхонга тўқди. Ҳориб-чарчаган, очликдан тинкалари қуриган қариялар иссиқ шўрвадан ичиб, ўзларига келиб олишди. Қайтишларида Тиркашнинг норозилигига қарамай Тиловбердининг жасади ўралган кигизни ўзлари билан олиб кетишди. «Қатрон қилиб берамиз» дейишди. Эртасига бошқа, янги кигиз келтириб, миннатдорчилик билдириб кетишди.

Кейинги кунларда ҳам уникага одам келиб турди. Энг аввал тулки теридан туюқ кийган қандайдир терговчини эргаштириб, Малик кўр деган милиционер келди.

— Тиловбердининг қотилини кўрган экансиз,— деди у «қотилликда сен ҳам қатнашгансан», дегандай «гул» тушган кўзларини Тиркашга қадаб.— Бу ўртоқ ана шу масала юзасидан келган.

Малик кўр қирқларда эди. Тиркаш уни илгаридан танирди. Яқинларда бурнини енгига артиб юрган бола эди. Уруш бошлангач (кўзи туфайли армияга олинмаган) милиционер бўлиб олганди. Унинг гап оҳангидаги расмият ва шубҳаланиб тикилиши Тиркашнинг иззат-наф-

сига қаттиқ тегди. Қирқ бўлгани учун менга осияпти, деган фикрда терговчига ҳам қараб ўтирмай қўрс жавоб берди:

— Мендан шубҳаланаман деб шубҳали йўлга тушиб қолма, бола. Жўна, қамайдиган бўлсанг айбим очилганидан кейин келиб олиб кетарсан. Ейилмаган филминдига товон тўла, дейдиганларни жиним суймайди.

Тулки теридан тумоқ кийган терговчи анча муомалали, кўпни кўрган одам экан. Малик кўрни койиб ташлаб, Тиркашни шахтидан туширди.

— Сиздан заррачаюм шубҳамиз йўқ, - деди у.— Аксинча, ўша тунда қилган одамгарчилигингиз учун раҳмат айтамыз. Бироқ... биласиз-ку, қотилни топиш керак.

— Бурчоқ ёғаётган изғиринли тун эди. Шунинг учун қотилнинг одам эканлигини ҳам зўрға ажратдим.

— Уғлингиз «тепадаям бир қора кўрингандай бўлди» деди. Уни сиз сезмадингизми?

— Сезмапман. Менимчаюм улар камида икки киши бўлишгандир.

— Бу атрофларда илгариям кечалари одам юрармиди?

Қашқирдан бошқасини кўрмовдим.

— Икки оёқлиларидан қутулиш қийинроқ бўлади, — деди терговчи кулимсираб. — Мол-қолингиз кўпга ўхшайди. Эҳтиёт яхши...

Терговчининг илтимосига кўра Тиркаш билганларини айтиб берди. Жасад ётган жой, улоқтирилган зов, қотил қочган томонларни бирма-бир кўрсатди. Тоққа чиқолмади. У томонларни ўзлари синчиклаб текшириб қайтишди. Бироқ, қотилларнинг изини топишолмади. Уша тунда ёғиб чиққан қор ҳамма изларни йўқотиб юборганди...

Терговчининг шунчаки кулиб айтган гапи Тиркашни ўйлантириб қўйди. Қандайдир ўн-ўн беш кило дон учун икки одамни сўйиб кетган қароқчиларнинг диққатини унинг моллари тортмаслиги мумкин эмасди. Бинобарин, уларни йўқотиш керак. Тегмасанг, эчки деган жониворнинг тўрт-бештаси бир йилдаёқ бир кўра бўлади. Сигири ҳам иккита. Бултурги бузоқлари, бир ҳўкизи бор. Олди баҳор. Эчкилари камида яна икки баравар кўпаяди. Сигирлари туғади. Ўзи эса илгаригидай эмас. Қариб қоляпти. Сотса, бир қоп пулнинг эгаси бўлади. Лекин, мол-дунёга ёшлигида ҳирс қўймаган одам, қариганида нима қилади уни? Гўрига орқалаб кетадими!

Ўйлаб кўриб, серкаларини кон ишчиларига, ҳўкизини колхозга бермоқчи бўлди. Ҳар ҳолда уни тузганлардан бири — ўзи. Яқин-яқинларгача ўрни, ўзига яраша иззати бор эди. Той бўлмасаям тойчоқ деган оти бўларди. Айтишларича, колхоз чўкиб, орқага кетиб қолганмиш. Арғамчига қил қувват — қўшда, дон янчишда ишлатишар.

Эчкиларини нима қилишини билмай боши қотди. Янги келганларга шундай тарқатиб чиқса, боқишолмайди. Кон бошлиғи билан гаплашиб, пичанларини ҳам тарқатдирсамикан? Қор кетгунча сақлаёлсайди, кимга берса боқиб оларди. Ўзиям одамлардан четлашиб, сал бўлмаса қулоқ бўлиб қолай деган экан. Буни сезмаптиям.

Кон бошлиғи билан маслаҳатлашиб кўришни дилига тугиб юрганида елкасига ов милтиғини осиб, Тўра Алиевичнинг ўзи келиб қолди. Тиркашнинг фикрини эшитиб, хурсанд бўлди. Лекин етти ухлаб тушига кирмаган бошқа маслаҳатни айтди.

— Ишчилар билан янги келганларнинг таъминотини амаллаб турибмиз, отахон, — деди елкасига қоқиб. — Сиз бизга берадиганингизни фронтга беринг. Ҳўкизни, майли, колхозга беринг. Қолганларини ҳозирча боқиб туринг.

Бошлиқнинг фикрини яхши англаёлмай, Тиркаш хафа бўлди.

Мен шу ерда қийналаётганларга ёрдам берсак девдим...

— Тўғри, бу ерда одамлар қийналишяпти. Аммо биз ўз уйимизда, ўлан тўшагимиздамыз. Солдатларимиз шу совуқда кечасию кундузи

фашист билан жанг қияпти. Уларга иссиқ кийим, тўйимли овқат кўпроқ бўлгани яхши.

— Унда маъқул, мен розиман.

Тиркашнинг розилигини олгач, Тўра Алиевич унга яна тайинлади:

— Ҳозирча боқиб тулинг. Мен военкомат билан гаплашиб, нима қилиш кераклигини аниқлайман.

— Тўғриси айтсам... қароқчилардан қўрқиб қолдим, ука. Эрта-роқ, эсон-омон топширсайдим...

— Уғрининг жазосини мана бу ўйинчоқ беради. Сизга ташлаб кетаман, ишлатоларсиз уни.

Тиркаш умри бино бўлиб қизил аскарлар билан юрганида бир қайси йили ҳам бўри овлаш учун келган овчилар уйда тунаганида бир — ҳаммаси бўлиб икки марта милтиқ ушлаганди. Шунини эслаб, маъюс кулимсиради. Буни яшириб ўтирмади.

— Отиб бирор нарсани қулагини қўлимдан келмайди.

— Уғри деганлари, аксари, соясидан қўрқиб юрадиган одамлар бўлишади. Кечалари бир-икки марта пақиллатиб турсангиз бўлди, қуролингиз борлигини билгач, уйингизга бетлаб келишолмайди.

□

Уйда милтиқ бўлса-да, Тиркаш бари бир анчагача ҳадиксираб, яхши ухлаёлмай юрди. Алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқарди. Баъзан уйқисида кимлар биландир ёқа бўғишиб, босинқираб сўкинарди ҳам. Ҳар гал ўз овозидан ўзи уйғониб кетарди. Бир гал уйқи ғолиб келиб уйғонмади. Босинқираб тош деворни мушти билаң қаттиқ урди. Жони оғриганидан кейингина уйғонди. Атрофига аланглаб, кампири томонга мушт тушириб юбормаганидан севинди. Тўшагини четроққа олиб ётди. Кечаси билан лат еган панжалари лўқиллаб оғриб ухлаёлмади. Эртасига азонда ҳўкизини етаклатиб, Бебитни Қўрғонжарга юборди.

— Қайтишингда болалари билан чечангни олиб кел,— деб тайинлади.

Марвариднинг боши кўкка етди. Қувонганидан «ҳўкизни кимга берясан?» деб сўрамади. Унинг аллазамонлардан буён зориқиб кутаётган кунлари келмоқда эди. Тиркашнинг кутилмаганда келини билан невараларини қўмсаб қолганини эзуликнинг бошланишига йўйди. Бироқ, Бебит Қўрғонжардан яхши хабар олиб қайтмади. Хинагул онаси бетоблиги туфайли ёнидан жилолмаслигини айтиб, қайнотасидан узр сўраб юборипти. «Ҳозирча шунини олиб кета тулинг» деб, қайнисига катта ўғли Маъмурни қўшиб юборипти. Отаси ҳам уйда йўқ экан. Бисотидаги сўнгги ғунажинини сотиб, пулига озроқ бўлса ҳам дон топиб келиш мақсадида бозорга тушиб кетганмиш. Кетганига бир-икки кун бўлипти-ю, қачон қайтиши номаълуммиш.

Бу гапларни эшитгач, Тиркаш баданига эшак еми тошгандай беҳаловат бўлиб қолди. Хаёлига негадир Тиловберди билан Шобўта келаверди. Оғир тин олиб, кампирига қаради. Унинг бутун эътибори озибтўзиб, бир ҳолатга келиб қолган Маъмурни овқатлантиришда эди. Уни бултур куздан буён кўрмаганди. Кейинги икки-уч ой ичида шу кепатага келиб қолганидан эзилиб, кимларнидир секингина қарғарди. Бебитнинг гапларини ё эшитмади, ё эътибор бермади.

— Қарғишинг пошисга урсин, болага бирданига бунчалик кўп овқат едирма!— койди Тиркаш.

Марварид унинг фикрини тушундими-йўқми, ҳар қалай Маъмурга бошқа овқат бермади. Қўлидаги озгина булка нонни еб бўлгунича эти қочган юзларига, бобосиникига ўхшаб аллақандай ғалати чақнаб турган кўзларига тикилиб ўтирди. Кейин айлангириб келиш мақсадида ҳовлига етаклаб чиқиб кетди.

У кетгач, Тиркаш Бебитни саволга тутди:

— Улғай кампирнинг касали оғирми?

— Гап-сўзлари дурустдай, лекин сал шишганроқми...

Очлик! Маъмурнинг аҳволини кўрибоқ буни фаҳмлаганди у. Пи-
гирманчи йиллардаги очарчилик пайтларида бунақа ҳодисаларни кўп
кўрган.

— Уйларида тиш босар егуликлари бормикан ўзи?!

— Йўғ-ов. Қўни-қўшниларидан бир пиёла-ярим пиёла ун-пун олиб
туришармиш. Ҳозир уларнинг ҳам аҳволи танг чоғи... Менинг олдим-
гаям ярим коса атала қўйишди. Тузини тотигандай бўлдим-у, кичкина-
ларга ичирдим...

Тиркаш туни билан тиконга ағанагандай бўлиб чиқди. Эрталаб
хуржунининг бир кўзини қурутга, бир кўзини бошқа майда-чуйдалар-
га тўлдириб, уйдаги ярим қопча оқ жўхорини ҳам олиб — ҳаммаси-
ни эшакка юклади-да, Қўрғонжарнинг йўлига тушди. Қачонлардир уни
Қийқимнинг бир чеккасига — тоғлар орасига келтириб қўйган сабаб-
лар эсига келмади. Ҳам қариндош, ҳам қуда, ҳам болалик дўсти —
Ҳожининг оч қолганини эшитиб, уйда бамайлихотир ётолмасди. Қо-
лаверса, унинг қўлида неваралари билан келини бор. Орадан нима ўт-
ган бўлмасин — тирноқ уники. Ҳожи топиб келадиган беш-ўн кило дон
нима бўларди. Яримдан кўпи олган қарзига кетади. Ҳали топса уни.
Шу замонда бозорга дон тушармишми...

Ҳожи уйига келган экану лекин Тиркашни яхши кутиб олмади.
Сабаби аён эди: унинг Қўрғонжардан кетганига тўрт йил бўлипти-ю,
бирор марта «ҳолинг қалай?» деб сўрашга ярамади. Иккинчи невараси
туғилганида Ҳожи йўлига жудаям кўз тутганди. Бурун келмасаям эн-
ди келар деб умид қилганди. Аммо Тиркаш келмади! Ўзи сўраб борган
кезларда иззати билан қайтмаган. Ҳар гал уйдан қутурган кучукдай
қувлаб чиқарган.

Тиркашнинг ҳам ундан нолиса нолийдигандай бир қучоқ ўпкаси
бор эди. Ади-бади айтишиб ўтиришга вақти қолмаганди. Қишнинг ку-
ни бир тутам. Ҳадемай қоронғи тушади. Қоронғида юришдан бир
марта юрак олдирган. Шунинг учун Ҳожи билан совуққина хайрлашиб,
йўлга тушди. Хаёлида: «Одамнинг ғурурини очлик ҳам буколмас экан-
да, деган фикр айланарди. — Ҳожи тушмагурнинг эти устихонига
ёпишиб, қулоғидан офтоб кўриниб қолипти-ю, ғурурини йўқотмаган».

Молларини бир ёқли қилгач кампири иккаласи келиб, у билан бир
ўпкалашишни дилига тугиб қўйди. Аммо бу нияти ниятлигича қолиб
кетди...

16

Военкоматда молларни сотиб, пулини самолёт қурилиши учун
мудофаа фондига топширилса, деган фикрни билдиришди. Бундай қи-
лишнинг иложи бўлмаса, сўйиб гўштини жўнатиш ҳам мумкин экан.
Шунча молни қаҳратон қишда бирор каттароқ бозорга чиқариб сотиш-
нинг иложи йўқ эди. Шу туфайли Тўра Алиевич Тиркашга тузукроқ
маслаҳат айтолмади. Энг яхши маслаҳат — уларни ҳозирча боқиб ту-
риш эди. Конда транспорт кам. Тоғ йўлларини қор босиб ётганликдан,
борлари ҳам ҳаракатсиз. Яқиндаги бозорларда кўп молнинг ўтиши
гумон. Сўйиб гўштини жўнатишга Тиркаш уволсинарди. Бу фикр бош-
лиққа ҳам маъқул түшди. Мол туёғи камайиб кетган бир пайтда бу-
гун-эрта туғай деб турганларини қассобга топшириш қип-қизил зар-
рақунданалик бўлиб кўринарди унга...

Сездирмайгина баҳор яқинлашди. Бўриларнинг улуши эшитилмай
қолди. Қушлар илиб, баъзан осмонга паға-паға оқиниш булутлар ёйила-
ди. Дов-дарахтлардан, тоғ бағрини қоплаган чакалакзорлардан киши-
нинг бошини айлантириб юборадиган, дилини қитиқлайдиган бир ҳид,
кўклам ҳиди анқий бошлади. Ҳалиям тоғ бағрини қоплаб ётган қалин
қорларнинг тагидан нимжонгина чакиллаган, шилдираган овозлар эши-
тилади. Баҳор билдириб-билдирмай ўз ишини бажармоқда эди.

Тулки тумоқли терговчининг сирли гапидан кейин Тиркаш анча

гача беҳаловат бўлиб юрди. Таҳликага солиб қўймаслик учун уйдаги-ларга айтмади-ю, лекин қулоғини динг қилиб ухларди. Тик этган бего-на товуш эшитилса ҳам, ити ҳурса ҳам милтиқ кўтариб ҳовлига чиқар, атрофни синчиклаб кўздан кечириб қулоқ тутар, бирон бир хавф сез-магачгина хотиржам тортиб уйига кирарди. Қорабойга аввалгидек ишонмай қўйганди. Уғрига ит нима ё тиғ, ё ўқ билан тинчитади қўяди. Ит зотини бир парча хом тери билан алдаш ҳам мумкин...

Бора-бора қароқчилардан хавфсираб жонсарак юриш унинг жони-га тегди. Бор қароқчими у ўзи, ё йўқми? Тегса, шу пайтгача тегарди. Балки, тоғ ортидаги узоқ қишлоқларнинг биридан чиққан бир-икки бебош адашиб-улоқиб келиб қолгандир ўшанда. Қилғиликни қилишга-ну жуфтакни ростлашган. Нима бўлгандаям, қўлга тушиб қолишдан қўрқиб, бу тарафларга улар энди яқинлашмайди...

Эчкилари қўзилай бошлагач, иши кўпайиб кетди. Қимир-қимир билан куннинг қаёқдан чиқиб-қаёққа ботаётганини билмай қоладиган бўлди. Оқшомлари ёш боладай донг қотиб ухлайди. Қарточкасига те-гадиган нарсаларни яна Бебитнинг ўзи олиб кела бошлади. Тиркаш-нинг Еттисойга тушиб келишга вақти йўқ эди...

Ёмғирлар мавсуми бошланди. Аввалига қор аралаш ёғиб, ҳамма-ёқни сирпанчиқ қилиб юборди. Кейин илиқ ёмғирлар қуйди. Қорнинг чўғи тобора пасайиб, кунгай бетлардаги тошлоқ ёнбағирлар очила бошлади. Сойдаги сув кундан-кунга кўпайиб, кўпиклиниб оқа бошлади.

Ҳаво очиқ кунларда Тиркаш, ҳар эҳтимолга қарши милтиғини елка-сига осиб, қори кетган беткайларда бир соат-ярим соат эчкиларини боқиб келади. Ҳали оғизга илинадиган кўк бўлмаса-да, эчкилар бул-тургидан қолган намхуш хас-хазонларни иштаҳа билан ейишади. Улоқ-лари оналари ёнида дикиллаб ўйнашади. Энг муҳими — ушоқ молнинг юриб тургани. Донмий қамоққа ҳайвонда ҳам тоқат йўқ.

Шундай кунларнинг бирида эчкиларини Тиловберди кўмилган бет-кайга ҳайдаб, юқориқоқдаги ясси тошлардан бирига ўтирди. Салдан кейин Марварид сигирларини ҳайдаб чиқди. Тиркаш уларга деярли қарамасди. Уз ҳолича ўтлаб, вақтида уйга қайтишади. Ҳовлидан унча-лик узоқлаб ҳам кетишмасди. Эчки — шайтон. Кўз-қулоқ бўлиб тур-масанг улоқиб кетади. Шамолни юзига олса, саккиз-ўн чақирим нари-дан топасан. Тиркаш эса аввалгидек товонидан ўт чақнаган йигит эмаски, қидириб юрса...

Осмон эрталабданоқ тиниқ ярқиради. Ҳаво мулойим, танни яйра-тади. Тушликдан майингина шабада елади. Чакалакзорларда кўклам қушлари чирқиллашади. Қорақуш чўққиларидаги қор адл қоматли ке-линчакка ёпилган заррин пардадай товланади. Баҳор бу келинчакнинг юзини эртароқ кўришга шошилаётган сулув қайинсингилдай, чўққи-ларнинг этагига уриб турган қор — заррин пардани тобора юқориқоқ суриб бормоқда эди. Гўё Маржонсойни тўлдириб жимирлашаётган ол-мос ёғдулар қуёшдан эмас. Қорақуш чўққиларидан оқиб тушаётгандай.

Тиркашнинг эсига Қорақуш ҳақидаги қадимги бир қўшиқ тушди.

Кетсам узоқ йўлларга, дармонимсан, Қорақуш,
Қолсам сахро-чўлларда, армонимсан, Қорақуш.
Сенга тонгда кўз тикиб, кўкси ўсмас шер бўлмас,
Сендан бир бор сув ичиб, қайтиб келмас эр
бўлмас.

Сен кўксимда энг буюк хаёлимсан, Қорақуш,
Хаёлимдан тонган кун заволимсан, Қорақуш...

Табиатнинг навозиши Тиркашнинг қалбида илиқ ҳислар уйғотиб, уни хаёл суришга мойил қилиб қўйганди. Нурулла халақит бериб қолмаганида, албатта шундай қилган бўларди.

— Ҳорманг, ўтағаси,— деди у рўпарасида отининг тизгинидан тортиб.

— Бор бўл... Нурулламисан? — Тиркаш Қорақуш томондан тик ту-шиб кўзини қамаштираётган офтоб шуъласини тўсиш учун кафтини пе-шонасига соябон қилиб сўради.

— Нурулла дўмман,— ҳазилга олмоқчи бўлди у.

— Дўм бўлсанг ҳам отдан тушиб, шаҳиднинг мозори ёнида тиловат қил, кейин буёққа чиқ.

У отдан тушди. Сувлиғини чиқариб эгарқошга илди. Нўхтадаги ипнинг бир учини ирғай бутоғига боғлади. Оқсоқлана-оқсоқлана тепасидаги ёғочга турли ранг ва катталиқдаги латта-путталар илинган (уни марҳумга қариндош бўлган аёллар илиб кетишганди) қабрга яқинлашди. Мингиллаб қисқа бир оятни ўқиган бўлди. Юзига фотиҳа тортгач, тезгина ўрнидан турди ва тепага кўтарила бошлади.

Тиркаш уни синчиклаб кузатиб ўтирди. «Ярамас,— деди дилида унинг қабр тепасида ўзини тўтишидан кўнгли тўлмай.— Кечагина дўм-да молия бўпти-ю, бугун худониям унутган, бурнига хода етмай қопти».

Тиркаш унчалик баландда ҳам эмасди. Нурулла бари бир бор оғирлигини ҳассага ташлаб, қийналиб чиқди. Ранги оқарган, пешонасидан тер қуярди. Бусиз ҳам танқа бўлган бурув парраклари кенгайиб, қисинқироқ тортиб қолган кўзларининг ич-ичида изтиробгами, мазахгами, нописандликками ўхшаган учкун милтилларди. Тиркаш бу қоришнинг аломатларга ўзинча маъно берди: майиб одамга юқорига чиқиш осонми? Шўрликни қийнамай ўзи туша қолганида бўларкан. Отдан тушиб қолмасди. Тоғ орасидан чиқмай, бўридек бераҳм бўлиб кетипти ўзиям.

— Кел, ука, ўтир,— бир оз сурилиб, ёнидаги ясси тошдан жой кўрсатди.— Уйга борсак бўларкан ўзи,— деди юмшаб.

Тиркаш кўрсатган жойга ўтиргач:

— Уйишгизга янаги келишда борамиз,— деди у.— Иш бор...

— Иш бўлса қочмас.

Нурулла унинг тиззасидаги милтиққа қўл чўзди.

— Отадимми?

— Отмаса кўтариб юраманми.

У милтиқнинг нилдан тортиб сумбаси-ю, тепкиларигача синчиклаб қараб чиқди. Негадир ёғочини кафти билан уриб-уриб қўйди.

— Уқи йўқ-ку,— деди жойига қўятуриб.

— Чўнтагимда.

— Оқшом ўқлайсизми?

— Уйда ёш бола бор... Неварам. Бир каср қимасин, деб ўқламай қўяман.

Сухбат мавзун дарров ўзгариб, жиддий тус ола бошлади. Нурулла аллақандай қогозларни тиззасига ёзиб, келишдан мақсадини айтди. Тиркашдан мол-ҳолининг сони ва турини суриштирди.

— Мол меникмас,— унинг авзои ўзгарди.— Давлатники!

— Кимни алдамоқчисиз?

— Ҳеч кимни... Айтгандай, бир болали сигир билан иккита эчкини олиб қоламан. Узимники — шу!

— Ҳаммасига налог тўлашингиз керак. Келишсак... бир оз камроқ тўласангиз ҳам бўлади.

— Тўламайман, чўпчагингни бошқага айт!

— Мелиса олиб келаман!

— Дағдаға қилма, терговчиям бўлган меникида!

— Нимага келганди у?!

— Бир аблаҳ Тиловберди билан Шобўтани сўйиб кетганди...

— Кўргандингиз... қотилни?..

— Кўришга кўрдим, қоронғида таний олмадим. Терговчиям тополмадиёв, косанг оқармагурларни.

— Ажаллари етганакан-да...

— Ажал, тақдир, қисмат — бечорага тасалли, қаллобга ниқоб!

— Налогни тўлайсиз.

— Тўламайман! Мол давлатники... Айтгандай, бу ерлар сенинг дўмингга қарамайдми-ку, нега бошимни айлантирасан?

— Ер ҳукуматники.

— Ҳукуматни сенлар тиклаган эмассан!

— Николайни ўзингиз қулатгандай гапирасиз!

— Уни қулатмасам ҳам, бошданоқ Шўро томонда бўлганман, бировларга ўхшаб ғанимлик қилмаганман унга.

Бу қочириқдан Нурулланнинг ранги бўзариб, кўзларида ғазаб чақнади. Отасининг қулоқ сифатида сургун қилинганини эслади...

Яхши ҳамки, шамолнинг қаёқдан эсаётганини эртaroқ пайқаб қолишди ўшанда. Отаси уни қўш ҳўкизу тўртта тиррақи қўй билан ажратиб: «Менга қарши гапириб юравер, ҳозирча қийинчиликларга чида», — деди. Бир оз ўтгач «oқ» қилди. Шу ҳийла жонига оро кириб, артелга қўшилди.

Отасини қулоқ қилаётганлар орасида Тиркаш ҳам бор эди. Лекин умумий мажлисда ҳаммадан қаттиқроқ томоқ йиртган Нурулланнинг ўзи бўлди. Бундан фойда кўрди: шубҳа билан қараб юрган кишиларда ўзига нисбатан ишонч туғдирди. Қолаверса, унинг «беҳурматлиги» отасига бериладиган жазони бир қадар юмшатди. Одамларда ачиниш ҳиссини кўзғади. Ҳатто Тиркашнинг ўзи уни койиб ташлаганди ўшанда.

Шуларни эслаб, Нурулла кескин oҳангда, чертиб-чертиб гапирди:

— Ҳукуматнинг ғаними мен эмас, отам бўлган. Қонунда «ота учун бола жавоб бермайди» дейилган. Вақтида унга сиздан кўра кўпроқ қарши эдим. Шунинг учун oқ қилинганман. Бахтимга колхоз чиқиб қолди. Ҳалол ишлаб, яшаб кетдим. Сиз бу кунжакда мол тўплаб ётганингизда, мен конда — ҳукуматнинг ишида oёғимни синдирдим! Ҳалиям бўлса ҳукуматга раҳмат, ўтмишимни юзимга солаётгани йўқ!

— Ундай қилдим-бундай қилдим деб кўкрагингга ураверма! Мақтанчоқлар мунофиқ бўлишади. Лекин мол тўғрисида яна жанжал чиқарадиган бўлсанг, тўғри начайликка бораман! Молларни давлатга топшириш фикрини ўша айтган. Бу томонини ўзи ҳал қилади. Билдингми, жўна!

Бу таҳдид Нурулланнинг попугини пасайтириб қўйди. Қорақуш тоғларининг бағри кон ихтиёрида, қишлоқ советига қарамасди. Мишмишлардан Тиркашнинг бойлигини эшитгач, налог ундириш баҳонасида кўриб кетиш учун келганди. Тиркаш айтганини қилса, ишга кон бошлиғи аралашини турган гап. Oқибати яхши бўлмаслиги маълум. Қолаверса, ўзининг қишлоқ советига жойлашувида Тўра Алиевичнинг тавсияси катта мадад бўлган. Иссиқ жойидан учириб юбориш ҳам бу одамнинг қўлидан келади. Эси борида этагини ёпиб қўяқолишни маъқул кўрди у.

Уруш бошланган кезларда Нурулла шахтада ишларди. Бир кунини маъ ҳам бўлиб, oёғини тош босиб қолди. Жароҳатини медпунктдагилар хавfli эмас деб топишди. Дори-дармонини қилиб, уйига обориб ташлашди. Эртасига хабар олиш учун бориб, вэй-войлаб ётганини кўришди. Синчиклаб текшириб, тўпиғидан чиққанини аниқлашди ва буни медпунктда сезишмаганидан ажабланишди. Жойига солиб ёғоч боғлашди. Орадани йигирма кунлар ўтганида ёғочни олишди-ю, у oқсаб қолди. Шу бўйича ишга бормай, ҳассага суяниб юраверди. Қишлоқ советида бўш ўрин борлигини эшитиб раисга учрашди. Раис тавсиянома сўраганди, Тўра Алиевичга келди. Конда ёмон ишламаганини ҳисобга олганми, майиблигиними, кон бошлиғи, ҳар қалай, тавсияномани ёзиб берди...

Нурулла кўнглида: «Шошмай тур, тентак чол» — деди-ю, индамай жўнаб кетди.

17

Кўкимтир осмонда танҳо сузаётган тўлин ой тоғлар бағрига мўлкўл ёғду сочади. Беғубор ойдинда Қорақушнинг қорли чўққилари сокин мудрайди. Қор фақат тоғ камарлари ва чўққиларда қолган. Атроф-

дан турли-туман гулларнинг хушбўй ҳиди анқийди. Пастда тун суку-
натини бузгиси келмагандай секингина, бир маромда Маржонсой шо-
виллайди.

Кийик сўқмоғидан Қаримсойнинг усти билан тушиб келган уч отлиқ
пастдаги ҳовли кўринадиган тепаликда тўхташди. Уларнинг шарпаси-
ни сезиб, Қорабой ҳура бошлади. Аммо ичкаридан ҳеч ким чиқмади.
Тиркаш итнинг бунақа ҳуришларига эътибор бермай қўйганди. Ҳовли
атрофида бўрими, тулкими, жайра ёки ёввойи чўчқами — нима пайдо
бўлса ҳураверарди у.

Отлиқлар бирпас ҳовлини жимгина кузатишди.

— Сиз,— деди тўдабоши соқолдорига паст овозда,— итни тинчи-
тасиз. Кейин ҳаялламай уйга кирамиз. Чол билан ўглини боғлагани-
миздан сўнг молларни ҳайдайверинг. Мен сандиқларни шамоллатаман.

— Сизни т... таниб қолишлари мум... мумкин!— деди ёшроғи.

— Мени бунақа юришда кўришмаган, хаёлларигаям келмасам ке-
рак. Сен отларнинг ёнида йўлга кўз-қулоқ бўлиб тур.

Уччаласи эҳтиёткорлик билан қабр ёнидан ўтаётганларида соқол-
дор биринчи марта овоз чиқариб сўради.

— Монови немене қилгон мозор?— деди.

— Қишдагилардан бири...— деди тўдабоши хушламайгина.— Эн-
ди гаплашмайлик. Ҳовлидаям овоз чиқарилмасин.

Гаплашмасликнинг иложи бўлмади. Ғов ёнида тўдабоши билан
соқолдор отларидан сакраб тушишиб, ўзларини дарвозага уришди. У
ичдан қулфланганди. Қўл билан очолмасликларига соқолдорнинг кўзи
етиб:

— Ғовдоғи оғочлордон бирини олиб пишонг верамиз. Турумидон
кўтерилсе керек,— деди.

Дарвозанинг олдига йигирма метрлар чамаси узунликда ғов солин-
ганди. Тўсиқ қилиб қўйилган ёғочлардан ингичкароғини олиб, эшик-
нинг тагига тиқишди. Икки кишилашиб ҳарчанд кўтаришди-ю, уни ту-
румидан чиқаришолмади. Соқолдор қоматини ростлаб, жаҳл билан ер-
га туфлади.

— Темир дорвозолорниём очқонмен, бу лентининг ошиқ-мошиғи-
доғи мих қойрилгонми, немене... Яна бир уриниб кўрели-чи...

Отлиқлар дарвоза ёнида пайдо бўлишганидаёқ Қорабой ер бағир-
лаб ҳура бошлаганди. Пишангни ташлашгач, ҳуришдан тўхтади. Чўқ-
қайганича думи билан ер супуриб, тирқишдан ташқаридагиларнинг
хатти-ҳаракатини зийраклик билан кузатиб турди.

Ит дастлаб ҳура бошлаганидаёқ Марварид уйғонганди. Бебит кел-
яптимиқан, деган хаёлда қулоқ тутиб ётди. Ҳуриши зўрайгач, бошқа
нарсадир деган фикрга борди. Бебит бўлса овоз берарди. Ит ҳам буна-
қа хурмасди.

Қорабойнинг овози бир тиниб яна зўрайгач, Тиркаш ҳам бошини
кўтарди.

— Чиқиб қара-чи, нимага ҳуряптийкин,— деди ўзи туришга эри-
ниб.

Марварид жинчироқнинг ёруғида неварасининг устини дурустроқ
ёпиб, кўйлакчан ташқарига чиқди. Ерга тўш уриб ҳураётган итни ёни-
га чақирди. Дарвоза эшигининг тагида қимирлаб турган ёғочни кўриб
ажабланди ва яқинроқ бориб сўради:

— Кимсизлар?

Индамай туриш жавоб беришдан кўра хавфлироқ эканлигини ту-
шуниб:

— Бизмиз, эмме,— деди соқолдор мулойим товушда.— Немене,
тонимой қолдингизми?

— Тун ичида нима қилиб юрибсизлар?

— Гаштак қилаётувдик, озроқ ёғ етмай қолди,— деди тўдабоши
овозини ўзгартириб ва индама маъносида шеригининг биқинига тур-
тиб.— Аммамиз берар деган умидда келдик. Дарвоза берк экан, ит-
дан қўрқиб тоёқ суқиб ўтириппиз.

— Бебит ҳам гаштакдайди-ку,— деди у ҳайрон бўлиб.— Узи кела қолмадими?

Тўдабоши Бебитнинг гаштакка кетганини эшитиб севинди. Марваридни шеригининг талаффузидан шубҳаланиб қоладими деб қўрққанди. Қирқ ва туркман уруғи одамларининг талаффузи соқолдорниқидан анчагина фарқ қиларди. Марварид негадир бунга эътибор бермади.

— Ишда чарчаган экан,— деди бир қадар ўзини тутиб.— Ухлаб қолди.

— Шошмай туринглар бўлмаса, итни боғлай...

Марварид асли Юқори Қийқимнинг қизи. Бу ерликларнинг ҳаммаси уни амма дейишади. Соқолдорнинг шошганда лаббай топилмас қабилда «амма» деб юборгани уни ажаблантирмади. «Гаштакка бораман, кеч қолсам хавотирланманглар»,— деб кетгани учун Бебитнинг чарчаб, ухлаб қолганига ҳам чиппа-чин ишонди. Итни бўйнидан етаклаб бориб, маҳкамлаб боғлади. Уй деворига илиб қўйилган калитни олиб келди. Дарвозани очишдан олдин негадир эшик тирқишидан ташқаридагиларга назар ташлади. Юзларига нимадир тутиб олганликларини кўриб шубҳаланди. Очсамми-очмасамми, деган ўйда бир зум тарраддуланди. Кимлигини дурустроқ билиб олайчи, деган хаёлда дарвоза ёнидаги шотидан деворнинг устига кўтарилди.

Ойдинда рўмоли-ю кийимларидан тортиб, юзларигача оппоқ бўлиб товланиб турган Марварид, девор устида кўк тоқидан тушган фариштага ўхшаб кўринарди. Пастдагиларнинг унга ногаҳон кўзлари тушиб, довдираб қолишди.

— Кимсизлар ўзи?— уларнинг ҳолатини фаҳмламай сўради Марварид.

— Бизмиз, эмме,— шериги жавоб айтолмагач, яна соқолдор гапирди.

Бу гал Марварид унинг талаффузига эътибор берди. Нега у чайналиб гапиради, деган фикрга борди-ю, бошқа нарсани сўради:

— Нега юзларингни бекитиб олдиларинг?

— Ушундоқ... ушу...

Соқолдорнинг хаёлига ажойиб фикр келиб қолди. Тезлик билан бориб, отини миниб қайтди. Марварид унинг нима қилмоқчи эканлигини пайқамай, аввалига жимгина қараб турди. Жуда яқин келиб қолганидагина мақсадини фаҳмлаб, шошиб ҳовлига тушмоқчи эди улгуролмади. Соқолдор отини деворга тақаб келиб, узангига оёқ тираганича эгардан турди. Уни шаппа ушлаб, отининг устига тортиб олди. Қўлидан дарвоза калитини юлиб олгач, ўзини шеригига узатди ва эгар орқали сакраб деворга чиқди. Шотидан маймундай чаққоқлик билан ҳовлига тушиб, дарвозани очиб юборди.

Бу ишлар шундай тезлик билан қилиндики, Марварид бир мартагина «вой!» дейишга зўрға улгурди. Дарҳол рўмолми, латтами — глланима-балони оғзига тиқиб, овозини ўчиришди. Кейин, келишилганидек, ўзларини ҳовлига уришди...

Тиркаш кўрпага ўраниб олганига қарамай, Марвариднинг овозини эшитди. Нима деб қичқирганини ажратолмади. Балки итни койиётгандир, деб ўйлади. Ит бу пайтда яна бўғилиб ҳура бошлаганди.

У тўшақда ётолмади. Вужудини сирли бир хавотирлик қамраб келарди. Ўрнидан туриб чопонини елкасига елвагай ташлаганида, даҳлизда тапир-тупур овозлар эшитилди. У икки ҳатлаб уй эшигига етди-ю, кучли бир зарбдан гандираклаб кетди. Ўзига келганида қандайдир ниқобли кишилар қорни билан ётқизиб, оёқ-қўлларини чирмаб боғлашмоқда эди. Кейин бири ҳовлига чиқиб кетди. Қўп ўтмай итнинг овозига эчки-улоқлар, сигир-бузоқларнинг овози қўшилди.

Тиркаш ҳовлида нима бўлаётганини тушунди. Неварасини уйғотиб юбормаслик учун, тишини-тишига босиб жим турарди: ёш бола уйдаги қароқчини кўрса чўчиши мумкин, деб ўйлади. Уғри эса бамай-лихотир сандиқларни титкиларди: нималарнидир чўнтақларига тиқар, нималарнидир ерга улоқтирарди...

Молларнинг овози дарвозанинг нарёғидан эшитила бошлади. Даҳ-лиздан қадам товуши келди. Зум ўтмай эшик ғийқиллаб очилди. Жинчироқнинг ёруғида Тиркашга бировнинг ниқобланган боши кўринди. У эшикни очди-ю, ичкарига кирмади. Кесакига суяниб, қимирламай тураверди.

Уйдаги қароқчи ишини тугатди. Сандиқларнинг қопқоқларини очиқлигича қолдириб, эшик томонга юрди. Тиркашга қарамай чиқиб кетмоқчи эди:

— Ҳой маълун! — деди у тишларини ғижирлатиб. — Кампирни нима қилдинг?!

Қароқчи тўхтаб, унга қаради. Миқ этиб овоз чиқармади. Бу Тиркашни бадтар ғазаблантирди.

— Гапирсам таниб қолади деб кўрқяпсанми, ҳароми?! Жавоб бер!

Ўғри елкасидаги милтиқни шошилмай қўлига олди. Тепкисини тутганича мўлжалга ола бошлади. Тиркашнинг асаблари тараг тортилди-ю, лекин бақрайиб тураверди. Кўзларида нафрат алангаланарди. Ғазабининг кучлилигиданми, кўрқувни тамом унутганди.

— Ак-ак...ка от! От! — деди даҳлиздагиси.

У отмади. Тиркашнинг кўзларини пойлаб, милтиқнинг сумбаси билан қаттиқ урди-да, ортига қарамай чиқиб кетди.

Тиркаш бошини сал кўтариб қолди. Сумба бурнининг ўнг томонига зарб билан урилди. Кўзларидан ўт чиқиб кетгандай бўлди. Сумбанинг учи қирқиб юборган тангадай жойдан айланиб қон сизғиди.

У қонни кўрпа-тўшакка оқизмаслик учун юмалаб, хона бурчагига бориб олди. Тиши билан ердаги шолчанинг бурчагини қайирган маҳалда невараси уйғонди. Юзини унга кўрсатмаслик учун мук тушиб олди. Маъмур уйқусираб бобосини пайқамади. Очиқ эшиклардан гандирақлаб ҳовлига чиқиб, яна қайтиб кирди.

Уйга кирганида, Маъмурнинг уйқуси анча ўчганди. Тўшакда бувисини кўрмагач, атрофга аланглади. Бобосига кўзи тушиб, ёнига борди.

— Нега бундай ётибсиз, катта ота?

— Тишим қонаб кетди, ўғлим, — хотиржам жавоб берди у. — Шуни туфляяпман. Сен ётавер, болам.

— Қўлингиз боғланган-ку.

— Ёт, болам, ухла...

— Ечайми?

— Қўявер... Айтгандай, ёсғигимнинг тагини қара, белбоғимдаги қинда пичоқ бор. Шуни олиб кел-чи...

Маъмур пичоқни келтириб, бобосининг топшириғига кўра қўлидаги чилвирни кеса бошлади. Бундай ишни қилиб кўрмаганиданми, кучи етмаганиданми — ҳадеганда чилвир кесилавермади. Ип борган сари оёқ-қўлларини қияр, Тиркаш тоқат қилиб, мук тушганича ётарди. Аламдан жароҳатининг оғриғи ҳам билинмаётганди унга.

Ниҳоят қўлидаги чилвир қирқилди. Пичоқни олиб, оёғидаги ипларни ўзи шартта-шартта кесиб юборди. Маъмурни уйда ёлғиз қолдирмай, қўлидан судраганича ҳовлига шошилди. Қорабой Қорақуинсой томонга қараб тинимсиз ҳурарди. Молхона-ю, кўранинг эшиклари очиқ. Ҳайдовдан қолиб кетган иккита улоқ очиқ дарвоза олдида у ёқдан-бу ёққа чопиб маърарди.

Тиркаш Марвариднинг ҳовлида эмаслигини сезгач, неварасини ҳам унутиб, ташқарига отилди. Шундай дарвоза ёнида онасини суяб келаётган Бебитга кўзи тушди.

— Жароҳатланмаптимми?

— Соппа-соғман, отаси, — Марвариднинг ўзи жавоб берди. — Қора босиб деворнинг устига чиқарманми... Уйингга ўт тушмагурлар сиқиброқ боғланган эканми, оёқ-қўлларимни ип қийипти...

— Овоз берсанг ўлармидинг бундоқ!

— Одам-ку дедим... Бундай қилишини небилай...

Аччиқ данак чайнагандай Тиркашнинг чакаклари тиришиб кетди.

Шундагина юзидаги жароҳати оғриётганлигини сизди. Отасининг бир юзи бўялиб кетганини кўриб, Бебитнинг капалаги учди.

— Нима бўлди,— сўради нафаси тиқилиб.— Юзингиз қон-ку?!

— Милтиқни бер-да, қишлоққа чоп. Одамларни йиғиб келгунингча амаллаб тўхтатиб тураман уларни. Ҳе... гаштагингни ит есин!

— Иккаламиз бас келолмаймизми?

— Қийин. Милтиқлари бор. Чоп тез!

Бошқа гапга ўрин қолмади. Бебит милтиқ билан ўқдонни отасига топширди-ю, Юқори Қийқимга елиб кетди.

— Узинг юроласанми?— деди Тиркаш Марваридга.

— Юролмай нима бўпти менга.

— Унда дарвозани бекит-да, итни қўйиб юбор. Неваранг иккаланг уйда ётавер, ташқарига чиқма!

Тиркаш шошиларди. Марвариддан айрим нарсаларни сўраб ўтиришга ҳам сабри чидамай ўқдонни белига боғлаб, милтиқни елкасига осди-да, ҳаллослаб жўнаб қолди.



Мол аччиғи — жон аччиғи. Неча йиллик меҳнати бадалига тўпланган ва фронтга бераман деб ўтирган бойлигини қараб туриб ўғрига олдиргани Тиркашнинг вужудини қақшатмоқда эди.

У тошма-тош паналаб Кичик Қорақушга чиқиб бораркан, аламдан ҳар балоларни ўйларди. Кўп ўтмай бемаъни фикрлардан кўра зарурроқ нарсаларни ўйлаши кераклигига фаҳми етди: молини ажратиб олиши керак! Улоқларнинг оёғига қараб, тез юришолмайди улар. Олдиларидан кесиб чиқиши мумкин. Улгурса — яхши. Бу жойлар отишмага қулай. Ўзи тошлар панасида, ўғрилар сойдаги атрофи яйдоқ йўлда туради. Битта тиррақи улоқни ҳам олиб кетишолмайди. Улгуролмаса, Катта Қорақушга кўтарилишига тўғри келади. Унда қароқчиларга бас келиши қийин: улар ҳам тошларни паналайди.

Тез юрганидан тепага чиққунича ўпкаси шишиб, бўғзига тиқилиб қолди. Бу орада ўғрилардан бирини элас-элас кўрди. Кўзини йўсинлардан тозалаб, нонушта қилгани ўша булоққа яқинлашиб келарди.

Вақтни йўқотиш — молни йўқотиш. У ҳарсиллаб нафас олаётганига қарамай олдинга интилди. Пастга тушиши юқорига чиқишга нисбатан қанчалар энгил! Лекин азбаройи чарчаганидан мадори қуриб, гандираклаб кетмоқда эди. Бу ҳолатда ўнгу сўлга қарамай тушиш — ўлим демек. Оёқ салгина нотўғри босилса, сойга учиб кетиши ҳеч гапмас. Шунинг учун диққатини тўплаб, иложи борича эҳтиёткорлик билан, ammo тез илгарилай бошлади. Беихтиёр қандайдир тиконли буталарни ушлаб, қўллари қонаб кетди. Аъзон баданидан тер қўйилиб, чопонининг елкаларигача ивиди. Баъзан пешонасидан оқиб тушаётган тер кўзларига кириб, туз қўйгандай қаттиқ ачиштиради. Бунга эътибор бермайди. Ҳеч нарсани кўрмай қолганидагина кўзини энгига артиб олади.

Тошлар орасидан чиқди. Бу томон қуёшга тескари бўлганликдан, ҳали қори эрмаган. Тиркаш милтиғини чопонига ўраб қучоғига босди-ю, қорнинг устига ётиб олди. Ўттиз-қирқ метрча пастга сирпаниб тушди. Ўрнидан тургач, юришга дармони қолмаганини сизди. Юзларини қорга ишқалади. Танглайи қуриб қолганди, оғзига каппа-каппа қор тиқди. Тишлари совуқдан зирқираганидагина ўзига келди. Эртароқ Катта Қорақушнинг тошлари орасига кириб олиши керак эди. Акс ҳолда, ҳадемай қароқчилар кўриб қолишади. Унда ҳам моли, ҳам жони кетади. Энди қўлларига тушса, уни сираям аяшмаса керак.

Мажбуран олдинга қадам ташлаб, ҳарсиллаганича иккинчи тоққа тирмашди. Бу томон сутдек ёруғ. Шу сабабдан шошилиб ўзини ҳаддан ташқари қийнаб юборди: илонга ўхшаб гоҳ учқат, гоҳ ёввойи наматаклар, гоҳ аллақандай тиконли буталар орасида судраларди. Тошлар орасига етганидагина кўкиш товланаётган осмонга қараб, бир зумгина

ётиб олди. Қулоқлари шанғиллаб, боши айланади. Осмон кўзига жуда-жуда узоқ кўринди. Ер эса юшоқ, майингина бир ҳовур кўтарилади. Кўзларингни юмсангу ётсанг...

Шу пайт Катта Қорақуш бошланган жойда иккита сой борлигини эслаб қолди. Бу тарафдан ўқ отса, ўғрилар ҳеч қандай талафот кўрмай наригисига тушиб кетиши мумкин. Унда яна аллақанча юриб, Катта Қорақушдан ошишига тўғри келади. Бу энди қўлидан келмаслигини сизди. Уларни у сойга ҳам, бунисига ҳам ўтказмаслик учун ёнламасига яна элик метрлар чамаси юриш керак. Бунга ҳоли етармикан?! Оҳ қарилик. Қачонлардир бу тоғларга дам олмай чопиб чиқиши мумкин эди. Энди у кунлар ўтмиш...

Тиркаш мўлжалидаги жойга қараб эмаклади. Тошларга ишқала-навериб, шимининг тиззалари йиртилиб, терисидан қон сиза бошлади. Ёлкасига осиб олган милтиғи зил-замбил бўлиб кетди. Ташлаб юборишнинг сира иложи йўқ. Ўғрилар эса тобора яқинлашарди.

Амаллаб кўнглидаги жойга етди. Тошлар орасига қулайроқ жойлашиб, милтиғини текширди. Уқланган. Тошлар орасидан мўралаб, шубҳаланмай келаётган ўғрилардан бирини мўлжалга олди.

Бирортасини қулатолса-ку, нур устига аъло нур бўларди-я! Бошқалари юрак ютиб у турган жойга чиқишолмасди. Балки қочишар.

Қутилмаганда Тиркашнинг этлари жимирлади: у одам отяпти-ку! Ўғри бўлса ҳам, бари бир одам-да! Падарига минг лаънат ўша одамнинг! Ҳозир ўрнидан туриб: «Молларимни бериб кетинглар», деб қўл қовуштира берадимиз?! Уйлаб ўтиришмай кўксига ярим мисқол кўрғошин жойлаб кетишади. Нега энди у аяб ўтириши керак?! Умри турмада ўтиб кетса ҳам отиши керак. Отгандаям, мўлжаллаб отиши керак. Бошқа йўл йўқ!

Кеча сукунатини бузиб ўқ овози варанглади. Сурувнинг олдида келаётган ўғрининг оти аянчли кишнаб юборди. Тиркаш кўзини очиб, сийрақкина тутун орасидан ўзи мўлжалга олган ўғрининг от-поти билан ағдарилиб тушганини кўрди.

У... ў... ўлдим, ак-ка! — деган аччиқ товушни аннқ эшитди.

Ўқи ўғрига эмас, отига теккан эди. Лекин ағдарилган от пастга юмалаётиб, устидан эзиб ўтди. Ўғри бир туриб қайта қулади.

Шериклари паналаб ўқ уза бошлагач, Тиркаш бошини тошлар орқасига тортди. Улар отаётган ўқлар баланддаги харсангларда учқун чақнатарди-да, қайларгадир учиб кетарди. Бу ҳам хавфли эди. У «қайтаётган» ўқлардан эҳтиёт бўлиб, ерга қапишиб олди. Йиқилган ўғрининг товушини аллакимникига ўхшатди. Кимлигини сира эслай олмади. Бу овозни уйда ҳам эшитганди. Сандиқларни титкилаган ўғрига «ака от» деганди дудуқланиб.

Ўқ овози тингач, у бошини кўтариб пастга мўралади. Ўғрилар йиқилган шерикларини кўтариб бораётганини кўриб, роса мўлжаллаб ўқ узди. Бўлмади. Милтиғини қайта ўқлаб яна отди. Бу ҳам тегмади. Ёрдамга келаётганларнинг қийқириқларини эшитгачгина, ўғриларнинг талвасага тушиб қолиши сабабини англади. Севинганидан эҳтиёткорликни унутди. Ўрнидан озод кўтарилиб, тошлар панасига ўтиб кетган ўғриларнинг чиқишларини кутди. Бир оздан сўнг қиялаб Каримсой томонга ошиб кетаётган икки отликни кўрди. Бири йиқилган шеригини эгарга ўликдек ортиб олган. Ўқи тегмаслигини билса ҳам, Тиркаш орқадаги отликни мўлжалга олиб отди. Бу гал пастдаги шовқин-сурон, қийқириқлар анча яқиндан эшитилди.

Отлиқлар ғойиб бўлгач, бўшашиб, тош устига ўтириб қолди. Қаттиқ толиққаниданми, асаблари қақшарди. Моллари эсига тушиб, пастга қаради. Олдинда сигир-бузоқлар, орқада эчки-улоқлар — тизилишиб ҳовлиси томон тушиб борарди. Қувончдан энтикиб ерга чўзилди.

Қанча ётганини билмайди. Бир маҳал шанғиллаётган қулоқларига Бебитнинг овози чалинди. Ўзини чақираётганликларини билиб туриб «ҳа» дейишга мадори етмади. Бошини базўр кўтариб, пастга қаради.

(Давоми келгуси сонда).

Раззоқ Абдурашид



БУЮКЛИК

Буюклик, деганда, негадир,
Кўз олдимга тоғлар келади...
Тоғларки,
Чўққилари кўкка туташган,
Қучоғида булут тунаб,
Шамол адашган.
Минг йилларга гувоҳ,
Минг сирдан огоҳ.
Тунни бедор кузатгану
Кунни бедор қаршилаган...
Хоҳ қиш бўлсин,

хоҳ кўклам

Узича бир олам —
Тоғлар келади...
Тубсиз даралари,
Югурик сойлари,
Туя ўркачи янглиғ қоялари,
Кунгаю соялари,
Оёқ етмас чўққилари,
Охулари, тўқлилари
Сирли-сирли сўқмоқлари,
Булоқлари, ирмоқлари,
Довонлари, даралари,
Турли-турли манзаралари,
Катта-кичик жонзотлари,
Хуллас, ҳамма бисотлари
Билан тоғлар кўз олдимга келади,
Тасаввур ўз ишини қилади...
Шу улкан,
Шу қадим,
Шу сарбаланд тоғлари-ку, асли,
Табиатнинг энг юксак қасри!
Уларга қараб тураман-у, бироқ,
Уйлайман буюкликнинг ўзгача маънисини.
Ҳаёт ҳам, назаримда, мислсиз улкан тоғ.
Бордир унияма юксак-юксак зирвалари,
Яхши-ёмон тўқфалари...
Илон изи сўқмоқлари,
Ҳам шаффоф булоқлари,

Гоҳида туриб,
 Гоҳ эса у ён-бу ёнга юриб,
 Қилгандек бўлибди чуқур тафаккур...
 Сўнг дадил юзланибди ҳукмдор сари,
 Унинг патак иягига қарабди ошқор.
 Сўнг дебди:
 — Шоҳим, бу самовот юлдузлари
 Соқолингиз соничалик бор...
 — Соқолим қанчадир, қани,
 Санаб бер...
 Донишманд ҳолатин бузмасдан мутлоқ:
 — Соқолингиз юлдузлар сонича-да! — дер...
 Ёзнинг сокин кечалари
 Юлдуз санаб ётиб,
 Шу қизиқ ҳангомани эслаб куламан,
 Елғон тахминлардан
 Чин ҳазилни афзал билган
 Уша донишмандни юлдузлар аро
 Кўргандек бўламан.
 Юлдузлар одамларга айлангандай гўё —
 Миллион-миллион кўзга ўхшарлар...
 Наздимда олдин-кейин ўтган
 Инсонлар
 Тупроқ бағридамас,
 Юлдузга айланиб
 Кўкда яшарлар.
 Юлдуз санаш илгаритдан
 Севган машғулотим эди,
 Юлдуз санаш билан ўтган
 Не-не оқшомлару
 Не-не саҳарлар.
 Таниш юлдузларни йўқотганим бўлган,
 Ўзгасин топганман ўзга сафарлар.
 Болаликда кўрқардим
 Қора кечалардан,
 Сирли кечалардан,
 Сокин кечалардан.
 Юлдуз учишидан жуда кўрқардим,
 Улибди, деб яна бир одам,
 Эшитганман турфа-турфа ривоят
 Юлдуз борасида неча-нечадан,
 Балки, шу боисдан юлдузларга мафтун қалбим
 Чўчиб-чўчиб қўймиш сиёҳ кечадан...
 Эр етганим сари юлдузларга
 Ошно бўла бердим,
 Таниб олдим уларнинг
 Кичигу каттасини,
 Хираю ёруғини,
 Оддию улуғини.
 Биламан энди —
 Миррихниям, Зуҳрониям,
 Етти қароқчию, Сурайёниям,
 Олтин қозиқнию, Мўштарийниям,
 Чўлпонниям, Зуҳалниям,
 Яна қанча-қанча беномларин ҳам биламан,
 Мисоли кўк гумбазида еламан,
 Сомон йўли гўё орзуларим чамани —
 Олов капалакдек учар
 Юлдузлари ёнимда маним
 Вужудимга солиб бир ёниқ ҳавас...
 Бас,

Нечун биз —

Бу ёруғ жаҳоннинг

Ҳали барҳаёт инсонлари

Юлдузларга ошуфтамиз,

Нега бу қадар?..

Қанақа ришта бор,

Муштараклик бор

Инсону юлдузнинг, ҳу, орасида?!

Эҳтимол, юлдузлар сирасида

Энг комил,

Энг мумтоз аجدодларимиз яшар,

Тарихнинг неча минг йиллик тўзони босган

Масофалардан оша

Йўлимиз ёритар,

Бизга зиё тўшар?!

Бор-ку, ўз қаққашони

Башариятнинг ҳам,

Шундан жой олади ҳар ўтган одам —

Тирик чоғи қилган хизмати,

Тирик чоғи қилган ҳиммати,

Адолати, меҳри, журъати

Инсофию, азми, қудрати

Яна инсонликка хос турфа-турфа

Фазилатлари эвазига...

Ҳам шу фазилатлар кўмагида топган

Яхшилик ёғдуси ила замонларни ёритар,

Замонларни!

Бу не ҳолки, юлдузларга боқиб

Инсонларни ўйлагим келадир,

Инсонларни.

Бўлгандек юлдузларнинг

каттаси, кичиги,

маълуми, мубҳами,

хираси, ёруғи —

Бордир кишиларнинг ҳам

буюги, резгиси,

Зуккоси, қуруғи.

Замоннинг шарафи,

ёруғ юзи,

даҳоси бўлганлар ҳам бор,

Бир ишни қотирмасдан —

даъво билан туғилиб,

даъво билан ўлганлар ҳам бор.

Бир эзгу мақсад йўлида

оддий чироқ ишин бажариб,

юлдузлигин пеш қилмас ҳам бор.

Ўзи хира, шунчаки бир шам-у

Юлдузман, деб ёқа йиртиб,

Жар солган кас ҳам бор...

Манглайига юлдуз қўниб

Кўз очган жон ҳам бор,

Ҳали юлдузлиги кашф этилмасдан, —

Қалб ҳарорати,

Зако ёғдуси

Бировларга бориб етмай

Кўз юмган инсон ҳам бор...

Бари-бари қаққашондан жой оладир

Ўз қилмиши,

Ўз кўрмиши,

Хизмати, иқтидорига яраша...

Бу дунёда чинор — чинор бўлганидек,



Тараша — тараша.
 Ҳамма ерда ҳисоб-китоб бор ахир
 Ўзига яраша.
 Ким имкони борлигида,
 Ақли, қалби ўзига ҳамкорлигида
 Шуури,
 Кўз нури
 Ҳам бутун куч, заковатини
 Башар бахти йўлига,
 Эзгулик йўлига,
 Адолат йўлига,
 Ҳақиқат йўлига,
 Эрку озодлик йўлига
 Қанча кўп хизмат қилдирса,
 Юрагида офтоб борлигини билдирса,
 Шу ёруғ юлдуз бўлиб яшайди
 Авлодлар хотироти, жонида —
 Яъни башарият қаҳқашонида.



Бахт қуши


«...Кимга қўнса бахт қуши,
 Унгланиб кетар иши!»
 Шу гап қолмиш қулоғимда
 Бувимнинг эртагидан...
 Бувимнинг эртаклари,
 Ёруғ кун тилаклари!
 Осмоннинг юлдузидан,
 Дарахтнинг қуртагидан
 Кўпроқ эди, билсангиз —
 Бувимнинг эртаклари.
 Бувимнинг эртаклари
 Шунчаки эртақлармас, —
 Минг-минг аср нақлидир,
 Минг-минг насл ақлидир,
 Ҳам ўтмишнинг кўзгуси.
 Не-не эллар орзуси
 Уларда жам этилган,
 Армон қўшиб битилган...
 Бувимнинг эртаклари
 Кўнгилни ёритарди
 Мисли бир маёқ,
 Вужудимизга солиб,
 Изтиробу иштиёқ —
 Яхши-ёмонни танитарди.
 Ёруғ кунга етақларди —
 Бувимнинг эртаклари!

Қизиқ дунё экан болалик, —
 Ишонувчан, соддадил,
 Ўзидек покиза тасаввури ҳам...
 Ҳар нарсага чиппа-чин
 Иноардик, энди ўйлаб кўрсам...
 Жодугарга иноардик,
 Дев, аждарга иноардик,
 Париларнинг тушига иноардик,
 Бахт қушига иноардик.
 Болалик-да, талай замон

Кутибман денг,
Кўҳиқофдан учиб
Келадиган бахт қушини,
Гўё у «пар» этиб бошимга қўнадию,
Олам гулистон,
Ўз-ўзидан «беш» бўлиб кетади
Баҳоларим,
Менга тўрт амалдек
Жўнгина бош эгади
Турмушнинг жумбоқлари...
Қайга қўл узатсам етади қўлим,
Равонгина, осонгина бўлар йўлим...
Олим бўламан десам, —
Табиат бутун яширин сирини очар-у,
Танла, деб қила қолади кўз-кўз.
Шоир бўламан десам:
Саф тортиб хизматимда тургай сўз!
Севги десам,
Дунёнинг энг гўзал қизи
Бош эгиб, рўмол ҳимариб
қаршимга келар,
Рўёбга чиқа беради деб ўйлабман,
Бахт қуши қўнса агар,
Орзулар, орзулар...
Шу орзуларга етиш учун
Бахт қушини кутардим.
Алоҳида ерда унга бир кафтгина дон
асрашимни, ҳатто бувимдан сир тутардим!
Шу соддаликдандир балки,
эртакка меҳр қўйдим,
Унга инондим.
Эртакда оқланганларни оқладим,
Эртакда ёқланганларни ёқладим.
Эртакдаги ёмонларни ёмон кўрдим,
Эртакда куйсалар куйиб,
Ёнсалар ёндим.
Барча-барчасига инондим!
Назаримда ўзим яшаб турган ҳаёт ҳам
Эртак мисол эди,
Эртакларда эшитганим,
Эртакларда кўрганим —
Ҳамма-ҳаммаси
Гўё теварагимда юрар,
Ёнгинамда худди бор эди.
Ҳа, ростдан ҳам
Шу кўҳна дунё,
Шу соҳир ҳаёт жилвалари,
Жумбоқлари
Худди эртак мисол эди.
Курашлардан чайқалиб
Турарди олам ҳамон,
Эртаклардагисимон.
Яхшилик бир томону
Ёвузлик бир томон,
Эртаклардагисимон.
Ёруғликка панд бериш ўйида
Зулмат ҳалиям изларди имкон,
Эртаклардагисимон.
Дарёларда сувмас, қон оқарди, қон,
Эртаклардагисимон.
Шу қон туфайли кимдир

Нон топарди, нон,
 Эртақлардагисимон.
 Гоҳ ишонч ғолиб келса,
 Гоҳ ютарди гумон,
 Эртақлардагисимон...
 Хуллас адолат билан
 Қабоҳат ўртасида
 Жанг борар эди ҳамон
 Эртақлардагисимон!
 Бироқ, қуёш боқий эди,
 Мангу эди осмон,
 Эртақлардагисимон.
 Шу боқий қуёшу
 Шу мангу осмондан
 Умид ҳамда куч оларди инсон,
 Эртақлардагисимон.
 Шу инсониятнинг бир жигарбанди,
 Фарзанди эдим мен ҳам,
 Дунё кўринарди сирли,
 Дунё кўринарди кўркам,
 Яшардим орзу-армон қанотида
 Гоҳ кўкларда учиб,
 Гоҳ ерга тушиб,
 Бир кун бўлмаса-бир кун
 Қифтимга қўнмагига ишониб
 Бахт қуши!
 Бироқ, эртақларда айтишларича,
 Бахт қушига шунчаки
 Етиб бўлмас экан,
 Ора йироқ эмиш, йироқ...
 Ҳар хил ғовлар тўсаркан йўлларни,
 Ҳар хил ёвлар тўсаркан йўлларни.
 Чиқиш керак эмиш
 Етти қават осмон устига,
 Тушиш керак эмиш
 Етти қават Ернинг остига.
 Кўҳиқофдан ўтиш керак эмиш.
 Инсон бахтин тўсиб ётган
 Ушал дев борми,
 Ушал Аждар борми,
 Ушал Жодугар борми,
 Хуллас, ҳамма ёвуз кучларни
 Қиргин-барот урушида ютиш керак эмиш!
 Улар кишанидан
 Инсониятнинг жилвагар туши,
 Яъни, бахт қушини озод этиш керак эмиш!
 Бу курашда ўткир яроқ фақат —
 Ҳалоллик,
 Мардлик,
 Тўғрилиқ,
 Яна диёнат экан!
 Бахт қуши йўлини боғлаб ётган,
 Бахт қушин қаноту қўлини боғлаб ётган,
 Шу билан башарни зулматда қолдириб,
 Доғлаб ётган —
 Хиёнат экан!
 Шу боисдан неча замонларким
 Қурашармиш диёнат-у хиёнат!
 Булар башар каби боқий эмиш,
 Оқин сувдек ўтаркан умр бироқ,

Ўтиб кетмиш неки омонат...
 Бахт қушига етолмай
 Не-не инсонлар.
 Нурга, ҳақиқатга орзуманд
 Не-не жонлар ўтиб кетибди.
 Ҳаёт ўз оқимида
 Асов аргумоқдек йўртибди...
 Бахт қушини излабди энди
 Ўзга бир авлод,
 Ўтганлар орзуси, армони,
 Жасоратини қилиб ёд...
 Инсоният шу тарзда минг йиллардан ўтибди,
 Ниҳоят у ўзига
 Еруғ кун яратибди.
 Бекорга кетмабди асрлар бўйи оққан
 Дарё-дарё хун.
 Етти қават кўк устига чиқиб,
 Етти қават Ер остига тушиб,
 Бахт қушини тутқунликдан
 Озод қилган экан бус-бутун.
 Ана шу ёруғ кунда
 Туғилибман мен ҳам!
 Шу боис нурли кўринибди
 Кўзимга олам!
 Аста ўсиб,
 Аста дунё таниб,
 Аста йиғиб эсу ҳушимни
 Кута бошладим мен ҳам
 Эртактаги қаҳрамонлар каби
 Бахт қушимни...
 Кута-кута,
 Излай-излай,
 Тер тўка-тўка тушундимки,
 Бахт қуши — асли бор экан,
 У энг заҳматкаш,
 Энг одил,
 Энг комил,
 Ҳамда энг ҳалол одамларга ёр экан!
 Ғойибдан учиб келмас экан бироқ.
 Қим ғойибдан кутса,
 Унга етмас экан мутлоқ.
 У қўнган элда
 Диёнат,
 Тўғрилиқ,
 Ростгўйлик пойдор-у,
 Инсон бахти, толеи бўларкан барқарор!
 Дўстлар, бизга эртақ бўлиб келган,
 Ушал аждодларимиз умри,
 Яъни, бутун бир тарихни варақладим
 Гоҳ ўйчан-у,
 Гоҳ жўшиб
 Ва шу қарорга келдимки,
 Инсоният орзусида,
 Инсоният қароғида,
 Инсоният юрагида,
 Ҳам қўлининг қадоғида яшар экан
 Бахт қуши!



ЗЕБУННИСО

ШЕЪРИЙ ДРАМА¹

Бешинчи кўриниш

Зебуннисонинг чиройли хосхонаси.
Зебуннисо, Зийнатуннисо, Жоҳоноро бегимлар суҳбатлашиб ўти-
рибдилар.

Зийнатуннисо

(қўлидаги китобни очиб)

Қаранг, тўқсон ёшга кирган Лутфий нима ёзибди!

Жоҳоноро

Қани ўқи, эштайлик.

Зебуннисо

Тезроқ ўқинг, опагон.

Зийнатуннисо

(ўқийди)

«Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма!
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ҳижрон кечаси чархи фалакка етур, э моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ҳаттоки қилич келса бошимга, эшикиндин
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ой юзинга кўз солғали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма».

Жоҳоноро

Мисраларда тугён урар қалби ҳассос шоирнинг.

Зебуннисо

Ҳар сўзида қанча фарёд, ҳар сўзида қанча дард.

Жоҳоноро

Йўқ, бу тўқсон ёшга кирган мўйсафиднинг сўзимас,
Ҳар мисрада уриб турар бўз боланинг юраги!

Зебуннисо

Ҳа, шоирлар қалби тўқсон ёшида ҳам ёш бўлур.
Шеър, севги опа-сингил, туғилади юракда

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

Ва юракда яшар доим қариликни билмасдин..
Қаранг, қанча самимият, қанча оташ, аланга
Мисраларда жўш уради ларза солиб юракка!..
Ҳаяжони тўлиб-тошар мисраларга сиғмасдин,
Муҳаббатни улуғловчи, хассос, буюк Лутфийнинг..

Ж о ҳ о н о р о

Доҳийликнинг белгиси бу... Доҳийларга хос ғазал.

З и й н а т у н н и с о

Шоир Лутфий шакар гуфтор Саъдий, Ҳофиз сингари.

З е б у н н и с о

Ҳа, шоирнинг ғазалида қанча фарёд, қанча дод!..
Наҳотки, ишқ ўзи билан олиб келур жафони?
Кошки ҳижрон, айрилиқ, дард юзланмаса ошиққа!..

З и й н а т у н н и с о

Нима бўлди, азиз бекам?

З е б у н н и с о

Шаҳаншоҳнинг сўзлари
Юрагимга ғулғулалар солиб қўйди... Шубҳалар
Юрагимни босиб ётур оғир, совуқ тош бўлиб..
Ҳа, мен шундай бўлишини билар эдим олдиндин.

Ж о ҳ о н о р о

Нима бўлди, гапир, бекам?

З е б у н н и с о

О, сўраманг, аммажон.
Сад бўлмоқда отам менинг муҳаббатим, бахтимга...

З и й н а т у н н и с о

Севишингни билибдими?

З е б у н н и с о

Билар экан...

Ж о ҳ о н о р о

Қаёқдин?

З е б у н н и с о

Э, аммажон, қуртдай қайнар айғоқчилар саройда!..
Билишади ер тагида илон қимирласа ҳам...

З и й н а т у н н и с о

Нима деди?

З е б у н н и с о

Улдирамен деди шоир Розийни...

Ж о ҳ о н о р о

Э, худойим!! Уни дарҳол бирор ёққа жўнатиб,
Ҳалокатдин қутқарайлик!

З е б у н н и с о

Мумкин эмас, аммажон,
Топишади ер остига кириб кетган бўлса ҳам.

З и й н а т у н н и с о

Энди нима қилдик, амма?

Ж о ҳ о н о р о

Мен ҳам жуда ҳайронмен.

З е б у н н и с о

Йўқ, мен унинг ўлимга йўл қўймаймен ҳеч қачон,
Агар Розий ўлдирилса, мен ҳам бирга ўламен,
Дедим шоҳга... Шоҳ шахтидин қайтди чоғи...

З и й н а т у н н и с о

Хайрият.

З е б у н н и с о
Биласизми, мени кимга узатмоқчи отамиз?
Амирхонга!..

Ж о ҳ о н о р о
Э, худойим!

З и й н а т у н н и с о
Уша разил чолга-я?!
Уша расво, ўша ҳўкиз сенинг тенгинг эканми?
Ким у билан бир тўшакда ёта олур... Чўл бақа
Ундан кўра минг мартаба чиройликроқ, яхшироқ...

Ж о ҳ о н о р о
Нима бало, шоҳ ақлдин адашганми?

З е б у н н и с о
Шоҳимиз
Фирибгарнинг тузоғига илинганга ўхшайди.
Шоҳ тушса ҳам, мен тушмаймен доғулининг домига!

Ж о ҳ о н о р о
Жуда тўғри!
З и й н а т у н н и с о
Жуда ҳақ гап!

З е б у н н и с о
Аммо, кўнглим жуда гаш..
Бирор офат юз бермасин деб, қўрқамен...

Ж о ҳ о н о р о
Илоҳим
Ногоҳоний бало-қазо, офатлардин сақласин!

З е б у н н и с о
Душман ёвуз... Осонликча жон бермайди рақиблар,
Ҳийла-найранг, фирибларни ишга солур, шубҳасиз..

З и й н а т у н н и с о
Э, худойим, инсоф деган нарса борми дунёда!
Наргис киради. У хафа кўринади.

З е б у н н и с о
Қайда қолдинг, Наргис?
Н а р г и с
Бир иш чиқиб қолди..

З е б у н н и с о
Нима гап?
Жуда хафа кўринасен, биров хафа қилдимми?

Н а р г и с
Қариндошлар келиб эди... шум хабарлар эшитдим,
Янги фармон асосида Удайпурда, Читорда
Икки юзга яқин эҳром бузилибди..

Ж о ҳ о н о р о
Ё раббий!
Қандай даҳшат!

З и й н а т у н н и с о
Қандай ваҳшат! Тангри бизни кечирсин.
Н а р г и с
Яна исён, яна қирғин бошланибди шу важдин...

З е б у н н и с о
Шоҳимизни шайтон яна ёмон йўлга бошлабди.
Зулм устига зулм, ҳайҳот, авжга қикди жиноят!
Яна юртни қуршаб олур уруш, қирғин... можаро...

Ҳарбий кийимда, қилич, ханжар таққан Розий кириб келади.

У хурсанд. Қизлар ҳайрон.

Жоҳоноро

Келинг, шоир, тинчликми? Хўш?

Зийнатуннисо

Ҳарбий либос муборак!

Наргис

Ҳарбий либос шоирга ҳам ярашибди, вожаб!

Зебуннисо

(Ўзига келиб, ҳаяжонини бир оз босиб)

Тушунтиринг, хўш, нима гап?

Розий

(кулиб)

Гап, қаламни қиличга

Алмаштирдим... вақтинча... Ҳа, эгнимдаги либослар
Шаҳаншоҳнинг туҳфалари... Шоҳнинг фармони билан
Мен ҳам жангга борадиган бўлдим... бугун жўнаймиз...

Зебуннисо

Кутилмаган ҳодиса!..

Розий

Ҳа, мен ҳам кутмаган эдим.

Шоҳ тўсатдин чақиртириб, мендин илтимос қилди.

Зебуннисо

(ҳайрон)

Шоҳ илтимос қилди?

Розий

(кулиб)

Ҳа, ҳа! Гапларимга ишонинг!

Удайпурда Ражпутлар бош кўтармишлар, исёни
Бостиришга қўшин бугун ўша ерга жўнайди.
Не сабабдин, билолмадим, шоҳим сарой олдида
Менга ҳурмат ва мурувват кўрсатдилар...

Зебуннисо

(ҳайрон)

Таажжуб...

Жоҳоноро

(хурсанд)

Бекам, бахтинг очилибди! Бу бахтингдин нишона!
Модомики, халқ олдида ҳурмат қилса Розийни,
Ҳазратимнинг тўйларингга, сўзсиз, рози бўлгани!

Зийнатуннисо

Адолатнинг нури тушиб шаҳаншоҳнинг қалбига,
Эритмишдир қаҳру ғазаб, шафқатсизлик музини!

Розий

Омон-эсон, зафар билан қайтиб келсанг, етти кун
Элу-юртга ош берурмен тўйларингни ўтказиб,
Дея шоҳим халқ олдида пешонамни силади.
Бошим кўкка етди шу он! Ишонмасдин бахтимга,
Кўзларимдин ёш тирқираб оқиб кетди! Артмадим!
Кўз ёшларим бахт юлдузи бўлиб ерга сочилди...

Наргис

(Зебуннисони қучоқлаб)

Оҳ, қандай бахт! Табригимни қабул қилинг, маликам!

Розий

Мен шоҳимнинг юрагида бунча шафқат, мурувват
Борлигини билмас эдим, фикрим тамом ўзгарди!

З е б у н н и с о

(шодлик ёшларини артиб, ҳаяжон билан)

Гоҳ ишонгим келади-ю, гоҳ ишонгим келмайди...
О, худойим, бизларга бахт юзлангани рост бўлсин!

Ҳарбий кийимдаги, Акбар билан Рожа Рам киришади.

А к б а р

Салом!

Ж о ҳ о н о р о

Салом! Хуш келибсиз!

З е б у н н и с о

Келинг, оға, марҳамат.

А к б а р

Эҳе, шоир, биздин олдин келибсиз-да, кўп яхши.
Ҳаммамиз ҳам хурсанд бўлдик шоҳнинг сизга кўрсатган
Муруввати, ҳурматига! Ниҳоятда хурсандмиз.

З е б у н н и с о

(Акбарни қучоқлаб)

Хабарингиз борми, оға?.. Шу гап ростми, оғажон?!

А к б а р

Рост, азизим! Агар ўзим кўрмаганда, бу гапга
Ишонмаган бўлур эдим. Шоҳим барча аёнлар,
Саркардалар ҳузурида иззат қилди Розийни,
Шоҳнинг ўзи ханжар тақиб қўйди шоир белига!

Р о ж а Р а м

Бахтингиздин бахтиёрмен, гўзал бекам, маликам!
Шоир Розий энг бахтиёр йигит экан дунёда.
Яширмаймен, сизга, дўстим, жуда ҳавасим келур.
Аммо, бекам, сизга бўлган муҳаббатим, ҳурматим
Ҳамон яшнаб турмоқдадир юрагимнинг тўрида.
Аминманки, ўлгунимча шундай бўлиб қолади...

З е б у н н и с о

Раҳмат... Менинг ҳурматим ҳам сўнгсиз сизга нисбатан.

Р о ж а Р а м

Менинг севгим илоҳийдир, бекам, сизга нисбатан,
Кришнани ё тангрини қандай севсам, сизни ҳам
Худди шундай севамен!.. Ҳа, бу муқаддас муҳаббат!

Р о з и й

Олижанобликда сиздин ўтолмайди ҳеч киши!
Қадрдоним, меҳрибоним, дўстим, азиз Рожа Рам!

З е б у н н и с о

Назаримда пайти келди, айтмоқчимен бир сирни...

Н а р г и с

(безовта)

Бекам!

З е б у н н и с о

Рожам, боққанмисиз Наргисхоннинг кўзига!

Рожа Рам ялт этиб Наргисга қарайди, Наргис ҳаяжонда, уялиб,
ерга тикилади.

Унда чексиз муҳаббатнинг учқунлари ўйнайди...
У учқунлар фақат сизни кўрганида чақнайди...

Н а р г и с

(қаттиқ ҳаяжонда)

Бекам... Ахир...

З е б у н н и с о

Улуғ гуноҳ муҳаббатни яширмоқ!

Майли, билсин севганингни жанг олдидан Рожа Рам!
Рожа сени севадими, севмайдими, бошқа гап.

Р о ж а Р а м

(ҳаяжонда)

Кутилмаган ҳодиса бу... Тўғри, Наргис гўзал қиз,
Гўзалларнинг маликаси дейилса ҳам бўлади...
Аммо, қуёш чиққанида ғойиб бўлур юлдузлар...

Наргис, қўллари билан юзини бекитиб, чопганича чиқиб кетади.

З е б у н н и с о

Жуда қаттиқ тегдингиз-ку!.. Айтиб хато қилибмен...

Р о ж а Р а м

Дилимдаги гапни айтдим... Мунофиқлик менга ёт...

Р о з и й

Қиз боланинг кўнгли шиша, бир тош билан синади.

Р о ж а Р а м

Сизга ўхшаб шоир бўлсам, бошқачароқ сўзлардим,
Қандоқ қилай, дағал гапга ўрганганмен... жангчимен.

А к б а р

Бўлди, бўлди! Хафалашиш ёмон сафар олдидан.
Хўб, маликам, кўп ўтмасдин яна жангга кетурмиз,
Оқ йўл тила, яна дийдор кўришайлик, соғ, омон.

З е б у н н и с о

Азизларим, сизга соғлиқ, оқ йўл тилаб қоламиз...
Бахтимизга омон бўлинг!.. Оға, Розий, Рожа Рам,
Ўзингизни ўтга, сувга уриб юрманг, илтимос!..
Ҳа, эҳтиёт бўлинг ҳар чоқ ўзингизга... Биз эса,
Шому саҳар дуо қилиб, умрингизни тилаймиз...

А к б а р

(кулиб)

Хотиржам бўл, азиз бекам, ҳеч шубҳасиз, Розийни
Омон-эсон олиб келиб топширамиз қўлингга!

З е б у н н и с о

Айтганингиз келсин, оға!.. Ой бориб, омон келинг!

А к б а р

Хайр!

Р о з и й

Хайр!

Р о ж а Р а м

Хайр, бекам!

З е б у н н и с о

Тангри мададкор бўлсин!

Музыка янграйди. Акбар, Розий, Рожа Рам чиқиб кетишади. Қиз-
лар кузатиб қолишади.

П А Р Д А.

Олтинчи кўриниш

Яна Зебуннисонинг хос хонаси. Зебуннисо билан Муҳаммад Саид
шеърхонлик қилиб ўтирибдилар.

М у ҳ а м м а д С а и д

Арабча шеър, ҳиндуча шеър, туркий шеър ҳам ёздингиз,
Бир-биридин чиройлигу бир-биридин самимий.
Худди шундай форсий тилда битган ғазалларингиз

Ниҳоятда нафис, аъло, ниҳоятда дилрабо!
Янгилари бўлса, ўқинг!

З е б у н н и с о
Хўб бўлади, мавлоно.
(ўқий бошлайди)

Гарчи ман Лайли асосам дил чу Мажнун дар ҳавост,
Сар ба саҳро мезанам, лекин ҳаё занжири пост.
Булбул аз шогирдиям шуд ҳамнишини гул ва боғ,
Дар муҳаббат комилам, парвона ҳам шогирди мост.

М у ҳ а м м а д С а и д
(бошини тебратиб, кўзларини юмиб, завқ билан
тинглайди)

Офарин, офарин!

З е б у н н и с о
(ўқишда давом этади)

Дар ниҳон хунам, ба зоҳир гарчи рангги ғозаям,
Рангги ман дар ман ниҳон чун рангги сурх андар
ҳиност.

М у ҳ а м м а д С а и д
Боракалло! Офарин!

З е б у н н и с о
(ўқийди)

Баски бори ғам бурун андохтам бар рўзгор,
Жома нилий кард инак бин, ки пушти у дугост.
Духтари шоҳам ва лекин рў ба фақр овардаам,
Зебу зийнат бас ҳаминам: номи ман Зебуннисоост.

М у ҳ а м м а д С а и д
Юз офарин! Минг офарин! Бекам, сизга тасанно!
Ниҳоятда гўзал, ширин ва маънодор бу ғазал!
Яна ўқинг, эшитайин, шеърятнинг покиза
Чашмасидин қона-қона шеърят парисидан!

З е б у н н и с о
(ўнғайсизланиб)

Жуда мақтаб юбордингиз, устоз, унчалик эмас...

М у ҳ а м м а д С а и д
Камтарликнинг ҳожати йўқ, ўрни эмас, сўзим рост!
Бу ғазални агар Хисрав ўқиганда, тиз чўкиб,
Пойингизни ўпар эди!.. Қани, ўқинг, тўхтатманг!

З е б у н н и с о
(ўқийди)

Булбул аз гул бугзарад гар дар чаман бинад маро,
Бутпарастни кай кунад гар барҳаман бинад маро?
Дар суҳан пинҳон шудам монанди бў дар барги гул,
Майли дидан ҳарки дорад дар суҳан бинад маро.

М у ҳ а м м а д С а и д
О, тасанно! Бу рубоий ғоят ажиб битилмиш.
Яна, ўқинг!

З е б у н н и с о
Узр, устоз, бир оз тобим қочгандай...
Мумкин бўлса, қолганини кейинчароқ ўқисак.

М у ҳ а м м а д С а и д
Майли, майли.. тушунарли... Хабар йўқми Розийдин?

З е б у н н и с о
(хўрсиниб)

Ҳа, хабар йўқ...

Муҳаммад Саид

Хат ёзишга қўли тегмаса керак,
Жанг жуда ҳам қаттиқ эмиш, қирғинларнинг чеки йўқ.

Зебуннисо

(*йиғламсираб*)

Оҳ, не учун тангрим ҳижрон азобини яратган!..

Муҳаммад Саид

Сабр қилинг, азиз бекам, хат-хабари бўлмаса,
Балки ўзи келиб қолур...

Зебуннисо

Қошки эди!.. О, тангрим,
Мени сабру тоқатимдин жудо қилма!.. Э, фалак,
Яна қандай ғам тошини ёғдирасен бошимга!

Муҳаммад Саид

Сабр, фақат сабр қилинг, омон бўлса келади.
Хўп, мен борай, сиз дам олинг, зинҳор, зинҳор

тинчланинг!

Муҳаммад Саид чиқиб кетади. Зебуннисо ғамгин шеър ўқийди.

Зебуннисо

Истар эрдим доимо бўлсам сенинг ёнингда мен.
Қуш бўлиб ёнингга учгум йўқлаган онингда мен.
Иккимиз бир жону бир тан, ажратиб бўлмас сира,
Сен менинг жонимдасен, мен ҳам сенинг қонингда мен.
Сен узоқ йиллар саодат гулшанида яйра, кул!
Бирга яйраб, бирга кулсам нурли бўстонингда мен.
Истагинг, амринг, азизим, мен учун қонун эрур,
Сен буюр не истасанг, мен амру фармонингда мен.
Мен тирикмен, жонгинам, севгинг билан, васлинг билан,
Нола чекмай бир нафас ҳам дарди ҳижронингда мен.

Наргис аста кириб, қулоқ солади. Зебуннисо ўқишни тугатади.

Наргис

«Нола чекмай бир нафас ҳам дарди ҳижронингда мен..»
Оҳ, на қадар ширин ғазал, ошиқларнинг дардини,
Умидини, орзусини бу ғазалга жойлабсиз...
Бу ғазални менга беринг, ёдлаб олай, бу ғазал
Худди менинг тилим билан айтилганга ўхшайди.
Иккимиз ҳам икковининг ҳижронида ўртандик...
Фақат висол айёмлари келур албат сиз учун;
Мени эса ҳижрон туни қуршаб олур умрбод.

Зебуннисо

Қўй, умидсиз бўлма, балки...

Наргис

Ишонмаймен, маликам,

Зебуннисо

Қани, сизни қўлингга ол, тасалли бер кўнглимга!
Оз бўлса ҳам унутайлик дардимизни куй тинглаб.

Наргис

(*бир чеккадан рубоб олиб, созлайди*)

Хўш, ўзингиз басталаган куйларданми?

Зебуннисо

Бари бир...

Наргис рубобда жуда майин, жуда нозик, жуда ғамгин бир куйни
чалади. Зебуннисо маҳлиё бўлиб куйни тинглайди. Шу топда Жо-
ҳоноро бегим билан Зийнатуннисолар киришади.

Келинг, амма, келинг, опа, қаёқларда қолдингиз?
Хўш, янгилик борми, амма?

Жоҳоноро

Ҳар хил гаплар... миш-мишлар...

Бир-биридин совуқ хабар... бири-биридин машъум гап...
Шаҳар бўйлаб тарқалмоқда: гўё душман қўшинга
Зарба бериб турган эмиш... беҳад эмиш талофат.
Янги фармон жуда хунук натижалар берибди,
Ёшу қари бош кўтармиш: «золимларга ўлим!» деб.

Зебуннисо

Ҳа, ўзгани шер бил, дейди, гар ўзингни эр билсанг.
Нега энди ўт қўймасин ўт қўйсалар уйига?
Нега қилич кўтармасин, қилич солса бошига?!

Жоҳоноро

Бекам, нега олмоқдасиз ёвузларнинг ёнини?

Зебуннисо

Йўқ, аммажон, улар эмас, биз ёвузмиз аслида.
Улар эмас, биз бошладик қон тўкишни, қирғинни!
Улар мачит бузгани йўқ, эҳромларни биз буздик.
Ахир, ёвуз қурол олиб юриш қилса устига,
Ўз жонини, ўз шонини, ўз юртини қўрмамай,
Жим ётсинми, зулму жафо, хўрликларни кўп тортган,
Адолатни, озодликни севадиган ҳинд халқи?!

Зийнатуннисо

Синглим, сен ҳам худди оғанг каби фикр юритдинг.

Зебуннисо

Оған ҳақли! Ҳа, шаҳзода Акбар тинчлик, адолат
Тарафдори! Ноҳақликка, жабру жафо, зўрликка,
Хўрликларга қарши чиқса минг мартаба ҳақлидир!

Жоҳоноро

Оғангни кўп мақтай берма! Оғанг хоин!

Зебуннисо

(хайрон)

Нима гап?

Зийнатуннисо

Оғанг исёнчилар томонига ўтиб кетмиш...

Зебуннисо

Вожаб!

Жоҳоноро

Отасига тиф кўтарган оқпадарни ёқлама!

Зебуннисо

(ўйчан)

Отасидин ўрناق олмиш... Даҳшат такрорланибди...

Жоҳоноро

Ҳа, ўзининг илдизига болта урган кўрнамак,
Ҳурматларга лойиқ эмас!..

Зебуннисо

(ҳамон ўйчан)

Бу инқироз... инқироз...

Кутилмаганда Аврангзеб билан Амирхон киришади. Турганлар
бош эгиб, шоҳга таъзим қиладилар.

Аврангзеб

(қовоғини солиб)

Бизни ҳоли қолдиринглар!

Зебуннисодан бўлак ҳамма чиқиб кетади.

Амирхон
(жилпонглаб, ясама табассум билан)
Омонмисиз, маликам?

Зебуннисо
(Ғазаб билан)
Отам майли, сиз не учун сўрамасдин кирдингиз!
Чиқиб кетинг! Тоқатим йўқ афтингизни кўришга!

Аврангзеб
Унда айб йўқ, у мен билан бирга келди... сўрадим.
(йиғламсираб, кўзёшини артган бўлиб)
Қизим, мени худо урди! Бахти қаро эканмен...
Ҳам бўлажак куёвимдин, ҳам ўғлимдин айрилдим.

Зебуннисо
(ҳаяжонда)
Оғам Акбар?..

Аврангзеб
Тилга олма у малъуннинг номини!
У оқпадар! Жиноятчи! Менинг ундай ўғлим йўқ!
Оёқ ости қилди менинг шуҳратимни, шонимни!
Душман унинг қўли билан менга қилич кўтарди!
Парвардигор, нима гуноҳ қилган эдим! Во дариг!

Зебуннисо
(қалтираб)
Розий... Розий нима бўлди?..

Аврангзеб
(тескари қараб, кўзёшини артиб)
Анов айтсин...

Амирхон
Маликам,
Тангримизнинг иродаси, хоҳишига бўйсуниш
Ҳар бандан мўмин учун ҳам фарз, ҳам қарз...

Зебуннисо
(бетоқат)
Тезроқ айт!
Нима бўлди! Қай ерда у?!

Амирхон
Шаҳид бўлди урушда...

Зебуннисо
(фарёд қилади)
Э, худойим, олгунингча у ғарибнинг жонини,
Яхши бўлмасмиди олсанг мен бахтсизнинг жонини?!
Дод дастингдин, зolim фалак! Мени тирик ўлдирдинг!
Энди менга керак эмас омонатинг, ола қол!

Аврангзеб
Қизим, бўлди юрагимни эзма, ўзи эзилган.
Ахир, бошқа чора борми тақдирга тан беришдин?

Амирхон
Тангримизнинг хоҳишига қарши бориш гуноҳдир.
Ҳар мушкулга бора-бора кўниб кетар бандаси.
Фахрланиш керак ахир, дини ислом йўлида
У ҳам ғозий ҳамда шаҳид бўлди!.. Жойи жаннатда!

Зебуннисо
(йиғлаб)
Қиблагоҳим мумкин бўлса мени холи қолдиринг!

А в р а н г з е б

(қўрқиб)

Яна бирор ножўя иш қилиб юрма!

З е б у н н и с о

(бетоқат)

Илтимо!

А м и р х о н

Биз тайёрмиз дардингизга даво топиб беришга...

З е б у н н и с о

(қичқиради)

Иўқол! Иўқол, қари иблис!

А в р а н г з е б

(шошиб)

Узингни бос, маликам!

Авраңгзеб билан Амирхон чиқиб кетади. Зебуннисо ёлғиз қолиб,
ийглайди.

З е б у н н и с о

Пешонамнинг шўрлигини билар эдим... билардим...
Юрагимни доим босиб ётар эди бир даҳшат...
Бир ваҳима менга тинчлик бермас эди туну кун...
Мана, энди аён бўлди ўша даҳшат, ўша ваҳим.
Мени сендин жудо қилди... жудо бўлдим, во дариф!
Менинг учун шаҳзодадин азиз бўлган ғарибим,
Энди сенсиз якка қолдим, бу серғавғо жаҳонда...
Бу бевафо, бу бебақо, бу фирибгар оламдин,
Ҳижронингни торта-торта, мотам тутиб ўтурмен...
Оҳ, очилмай хазон бўлган муҳаббатим, толеим...
Парвардигор, нега мени бадбахт қилиб яратдинг?!
Туғилмасам яхши эди бу кунларни кўргунча...

Секин-аста босиб, кўзёшларини артиб, ғамгин Наргис киради.

Н а р г и с

Бўлди, бекам... Қўйинг энди...

З е б у н н и с о

Оҳ, юрагим қон бўлиб,

Жигаргинам зардоб бўлиб оқмоқдадир, азизим...

Ичкарига ғамгин Рожа Рам кириб келади.

Р о ж а Р а м

(анча кутиб тургач)

Кечирасиз, сўрамасдин...

З е б у н н и с о

(Рожа Рамнинг кўксига ташланиб)

О, Рожа Рам! Рожа Рам!

Айтиб беринг, нима бўлди, ҳаммасини бирма-бир!

Р о ж а Р а м

Шоир Розий кўп мард эди... Мардонавор жанг қилди...
Тез орада қиличбозлик ҳунарини ўрганиб,
Тажрибакор жангчиларга бўла олди намуна...
Дўстим Розий ёвга қарши ташланарди беомон,
Худди чумчуқ галасига теккан каби бўз лочин,
Қайда Розий пайдо бўлса ёв тирқираб қочарди...
Назаримда, унга қувват берар эди севгингиз.
Назаримда, висол чоғи тушганида ёдига,
Бир кучига минг куч қўшиб, бамисоли шер бўлиб,
Улимдин ҳам ҳайиқмасдин жангга кириб кетарди...
Аммо, ажал баҳодирнинг зафарига чек қўйди...

З е б у н н и с о

(йиғлаб)

Висолимга етолмасдин ҳалок бўлган ғарибим...

Р о ж а Р а м

Яқин дўстим, биродарим ўз қўлимда жон берди.
Ўзим кўмдим, адо этиб барча расму русумни...
Улар чоғда номингизни такрор қилди неча бор...

Зебуннисо билан Наргис овозсиз йиғлашади.

З е б у н н и с о

Оҳ, азизим, керак бўлса жонингга жон берардим!
Сени қўйиб, мени олса бўлмасмиди, кўр ажал!

Рожа Рам ҳаяжон билан у ёқдан бу ёққа юра бошлайди.

Р о ж а Р а м

Йўқ, йўқ, агар ҳақиқатни сизга айтиб бермасам,
Ўзим қора бўлур эди ва дўстимга хиёнат
Қилган бўлур эдим!.. Ҳайҳот, ёриларди юрагим!

З е б у н н и с о

(Рожа Рамга тикилиб)

Айтинг! Энди барчасига тоб берурмен, Рожа Рам!
Ҳа, жаҳонда ҳеч бир нарса сирлигича қолмасин!

Р о ж а Р а м

(қаттиқ ҳаяжонда)

Йўқ, йўқ! Розий ўлгани йўқ, ўлдирилди!..

З е б у н н и с о

Ё раббий!

Р о ж а Р а м

Отангизнинг жосуслари орқасидин ўқ узиб,
У шўрликни ўлдирдилар!.. Мен гувоҳмен! Мен гувоҳ!

Зебуннисо ҳушсиз йиқилади, уни Наргис суяб қолади. Рожа Рам
сув келтириб, унинг юзига сепади, Зебуннисо ўзига келиб,
кўзларини очади.

З е б у н н и с о

(қаттиқ қичқиради)

Дод дастингдин, фалак! Нега ерга ағдарилмайсен!
Нега бутун оғирлигинг билан мени янчмайсен!..
Бобо! Бобо! Азиз бобо, ёнингга ол мени ҳам!
Бу дунёдин тўйиб кетдим! Дунё зиндон менга ҳам!

Зебуннисо телбаларча югуриб чиқиб кетади.

Р о ж а Р а м

Югур, Наргис, орқасидин! Уни ёлғиз қолдирма!

Н а р г и с

Бекам! Бекам! Азиз бекам! Шошманг! Шошманг!
Қаёққа!

Наргис Зебуннисонинг орқасидан чопиб чиқиб кетади.

Р о ж а Р а м

Э, худойим, шифо бергил Зебуннисо дардига!

П А Р Д А.

Тўртинчи парда

Еттинчи кўриниш

Агра. Шоҳ Жаҳон банди зиндон қилинган қалъа. Зиндон. Зиндон темир панжара билан ўралган.

Орқа томонда, узоқда Тожмаҳал мақбараси ва Жамна дарёси кўриниб туради.

Зиндонда қариб қолган, соч-соқоли ўсган шоҳ Жаҳон ўтирибди. Панжаранинг бу тарафида кекса зиндонбон қуролига таяниб хомуш ўтирибди. Ғамгин музика янграйди.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Айт, биродар, дунё тинчми?

З и н д о н б о н

Тинчирмиди бу дунё?

Ҳа, ўзингиз бошлаб кетган ғавғо ҳали тинганмас.
Ҳамон уруш... Ҳамон қирғин... Аввалгидай, шаҳаншоҳ.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Сендин бўлак ҳеч ким мени шаҳаншоҳ деб атамас
Сенга раҳмат... Аммо, энди мен шаҳаншоҳ эмасмен?
Банди зиндон... Ҳа, қария, энди банди зиндонмен.
Менга қара!..

З и н д о н б о н

Кўп гаплашманг... Гаплашиш маън қилинган.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Майли қулоқ солма, аммо, ҳалал берма сўзимга.
Майли, майли гапларимга жавоб бермай қўяқол,
Лекин, мени тақиқлама... гапирмасам бўлмайди.
Гапирмасам ёриламен... Ётабериб зиндонда
Гапиришни унутай деб қўйдим.. Ахир, яккамен!..
О, биродар, юрагимда қанча дард бор, қанча ғам...
Ахир, очиб гапирмасам юрагимни кимгадир,
Жинни бўлиб қоламен-ку!..

З и н д о н б о н

Тақиқланган гаплашиш.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Мен гапирсам ўз-ўзимга гапирамен... Ҳар қалай
Бу мумкиндир?..

З и н д о н б о н

Мумкин эмас! Мен балога қоламен!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Ҳеч қанақа бало энди меникича бўлолмас...
Ҳа, қария, ҳеч ким мендай йўлиқмасин балога!
Мен йўлиққан бало—даҳшат, балоларнинг балоси!
Мендин кўра кўча-куйда тентираган ит яхши.
Қайга борса, ихтиёрий... Нима қилса, хоҳиши...
Мен бир қадам жилолмаймен бу лаънати зиндондин.
Шу зиндонда ириб-чириб ўтар қолган ҳаётим...
Бу дунёда мендин бўлак бахти қаро бормикин?!.

З и н д о н б о н

Кўп гапирманг.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Сенга эмас, ўз-ўзимга гапирдим.

Ўз-ўзимга гапиришга ҳаққим бордир!.. Ё йўқми?..

З и н д о н б о н

Ҳаққингиз йўқ... Буйруқ шундай... Овозингиз зиндондин
Ташқарига чиқса агар, менинг бошим кетади!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Бу жаҳаннам, бу зиндондин овоз эмас, ҳаттоки,
Тўп отсанг ҳам ташқарига чиқмас унинг садоси...

З и н д о н б о н

Мен шоҳимнинг буйруғини бажаришга мажбурмен.
Ахир, менинг бола-чақам, авлодим бор, қўрқамен.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Бола-чақа қилиб сен ҳам йўл қўйибсен хатога!
Мана, мен ҳам бола-чақа қилиб, хато қилганмен.
Эндиликда азобини тортмоқдамен уларнинг;
Бири ўлиб азоб берса, бири тирик, бошимга
Ит кунини солмоқдадир!.. Қани, айтчи, жаҳонда
Отасини банди зиндон қилган ўғил, оқпадар,
Қотил, баттол, разил, беор, имони йўқ бормикин?!

З и н д о н б о н

Тинчланинг, шоҳ.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

(инграб)

Қандай қилиб тинчланамен, биродар?!
Ҳа, шубҳасиз, бу хўрликка чидар фақат шоҳ Жаҳон!
Биров келиб аҳволимдин хабар олай демаса.
У бағритош яқинимга йўлатмайди ҳеч кимни.
Кенжам Мурод нима бўлди?.. Зебуннисо набирам
Қай аҳволда? Омонмикин?.. Билгим келур жуда ҳам...

З и н д о н б о н

Бирор нарса деёлмаймен... Бас қилайлик гапни, шоҳ.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Ана, қара Тожмаҳалга! Савлат тўкиб турибди!
Уша менга мадад берур... нур тўкади кўзимга...
Уша ерда тинч уйқуда Мумтоз бегим, маликам,
Мен бу ерга қоровулмен унинг руҳи покига...
Мумтоз Маҳалбону бегим ниҳоятда самимий,
Ниҳоятда садоқатли, ниҳоятда гўзал, пок,
Жондин севган ёрим эди... Худо уни кўп кўрди.
У сирдошим ва маслаҳатдошим эди ҳамма вақт,
Муҳрим ҳар чоқ сақланарди у парининг қўлида,
У мен билан сафарда ҳам доим бирга бўларди...
Ана энди, у оламнинг ғавғосидин йироқда,
Мен тенги йўқ азоб билан қовриламен фироқда...
У туғолмай ҳалок бўлди ўттиз тўққиз ёшида.
Унга чуқур аза тутди икки йилча пойтахт,
Икки йилча кўзёш тўкди сарой менга қўшилиб...
Улар чоғи: «Менга шундай бир мақбара қурингим,
Жаҳонда ҳеч тимсоли йўқ бўлсин» деди, маликам.
Рафиқамнинг васияти бажарилди, ана, боқ!
Дунёда ҳеч ўхшаши йўқ кошона бу Тожмаҳал!
Рафиқамнинг оқ юзидин, оқ кўнглидин ҳикоя
Сўзлаб турар азал-абад жило бериб оқ мрамар!..

З и н д о н б о н

Бу гапни кўп гапиргансиз.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Гапирамен қайтадин!

Унинг ёди ва тавсифи тушмас сира тилимдин...
Йигирма минг ишчи, уста, ўттиз олти меъморнинг
Маҳорати, меҳнатидин бино бўлди Тожмаҳал.
Самарқанддин, Бухородин, Бадахшондин, Шероздин,
Арабистон, Эрон, Бағдод, Лоҳур, Руму Сурия,
Ҳиндистоннинг барча шаҳар, барча бурчакларидин

Усталарни чақиртирдим, меъморларни тўпладим,
Ўзим доим тепасида турдим барча юмушнинг.
Меъморчилик севган соҳам, ошиқимен санъатнинг,
Очиб қўйдим меъморларга хазинанинг оғзини,
Ҳеч нарсани аямадим — олтин, кумуш, жавоҳир
Оқиб ётди қурилишга сад билмасдин ҳамма вақт,
Ҳа, сарф бўлди Тожмаҳалга ҳисоби йўқ рупия,
Натижада бу мўъжиза пайдо бўлди Аграда!
Бойлигимни сарф қилдим рафиқамнинг қабрига
Оқ мраммардин гултож қўйдим, мангу яшнаб турсин

деб...

Ҳа, қабрга ўрнатилган машҳур гавҳар «Кўҳи нур»
Юрагимдай ёниб турар севгилимнинг бошида!..
У қирғоқда оқ мраммардин қурган бўлсам мақбара,
Бу қирғоқда ўзим учун нуқул қора мраммардин
Яна битта шоҳ мақбара қуриш эди мақсадим,
Мақсадимга етолмадим... Етказмади оқпадар!..

Зиндонбон

Бўлди, шоҳим, чарчадингиз, энди пича дам олинг.

Шоҳ Жаҳон

Ҳа, чарчадим... Парвардигор ола қолса жонимни,
Азоблардин қутулардим... Бир савоб иш қилсангчи?..

Зиндонбон

Қанақа иш?

Шоҳ Жаҳон

Менга заҳар келтириб бер.

Зиндонбон

Ё раббий!

Шоҳим, қотил эмасман-ку! Заҳар бериб бировнинг
Ўлимига зомин бўлиш гуноҳ тангри олдида!

Шоҳ Жаҳон

Гуноҳи йўқ... Савоби кўп... Агар гуноҳ саналса,
Ўз бўйнимга оламен! Ҳа, хотиржам бўл, биродар!

Зиндонбон

Бўлди, қўйинг, кўп гапирманг, гапириш ман қилинган.

Кутилмаганда узоқдан Зебуннисонинг «Бобо! Бобо, қаердасиз?
Қаердасиз, бобожон?!» деган фарёди эшитлади, кимлардир ич-

карига киришга монелик қилишади.

Кўп ўтмай, сочлари паришон, Зебуннисо кириб келади, орқасидан
Наргис.

Зиндонбон

Мумкин эмас! Қайтинг! Қайтинг!

Зебуннисо

Қаердасиз, бобожон?

Зиндонбон

Тўхтанг! Қимсиз?

Наргис

Зебуннисо!

Зиндонбон

(Зебуннисонинг оёғига ташланиб)

Кечирасиз, маликам.

Отангизнинг буйруғига бўйсунушга мажбурмен.
Бекам, менга шафқат қилинг, агар билса отангиз,
Мени дарҳол қатл этурлар... Ёлворамен, маликам...

Зебуннисо Шоҳ Жаҳоннинг ёнига боради, Шоҳ Жаҳон темир пан-
жаранинг ичкарасида, Зебуннисо эса ташқарисида. Шоҳ Жаҳон
хайратда, дафъатан кўзларига ишонгиси келмайди.

З е б у н н и с о
(панжарага ташланиб)

Бобо! Бобо! Омонмисиз? Омонмисиз, бобожон?!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н
(Зебуннисони таниб, йиғлаб)

Нури дийдам, жигарбандим, Зебуннисо, набирам!
Оҳ, бағримга босар эдим, манов тўсиқ бўлмаса!
Худога минг қатла шукр, сени кўрдим, азизим.
Энди ўлсам армоним йўқ! Қўлингни чўз! Қўлингни!

Зебуннисо панжара орасидан қўлини ичкарига чўзади. Шоҳ Жаҳон
Зебуннисонинг қўлини қўллари орасига олиб ўпади, силайди, кўз-
ларига суртади, йиғлайди.

З е б у н н и с о

Ёнингга ол, азиз бобо, тўйиб кетдим жонимдин!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Йўқ, йўқ, бекам, ундай дема!

З е б у н н и с о
Яшаш тегди жонимга!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Бу ер дўзах! Ҳавас қилма!

З е б у н н и с о
Дўзах, бобо, бу ёқда!

Отам мени тириклайин шу дўзахга ташлади!
Тортаётган азобимга дош беролмас дўзах ҳам!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Нима бўлди, азиз бекам?

З е б у н н и с о
(йиғлаб)

Муҳаббатим, толеим,
Иззатимни шафқат қилмай топтадилар, янчдилар...
Хорладилар, хўрладилар!.. Ёнингга ол, бобожон!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Иложи йўқ, азиз бекам, бу дўзахга кириш ҳам
Мумкин эмас... Мумкин эмас бу дўзахдин чиқиш ҳам.
Манов темир панжаралар мени тамом дунёдин
Ажратмишдир... Қолган умрим шу дўзахда ўтади...
Ҳавас қилма бу дўзахга кириш бору чиқиш йўқ!

З е б у н н и с о

Агар кирсам, хоҳламасдим яна қайтиб чиқишни!
Тоқатим йўқ кўришга бу нокас, телба дунёни!
Путур кетган бу дунёдин, адолатдин асар йўқ,
Зулму зулмат эгаллади мурувватнинг ўрнини,
Кўз ёшларга ва қонларга фарқ бўлмоқда бу дунё!
Уруш, қиргин авжидадир, тинчлик тамом йўқолган!
Агар бирор тинч жой бўлса бу қутурган дунёда,
У ҳам сенинг зиндонингдир!.. Ёнингга ол, бобожон!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Тинчлан, бекам! Ҳали ёшсен, бахтинг ҳали олдинда...

З е б у н н и с о

Бахтим тамом хазон бўлган, яна қайтиб кўкармас!

Ташқарида яна шовқин бошланади, кўп ўтмай ҳарбий кийимда нав-
карлар, соқчилар, бирга Аврангзеб кириб келади, ёнида Амирхон.

А в р а н г з е б

Ҳа, ҳа, мана, ношукр қиз! Бейтоат! Беҳаё!

(зиндонбонни тепиб)

Сен, қари ит, нега менинг буйруғимни бажармай,
Телба маҳбус ҳузурига бегонани киргиздинг!

Зиндонбон

(Аврангзебнинг оёғини қучоқлаб йиғлайди)

Менда гуноҳ йўқ, шаҳаншоҳ, шафқат қилинг...

Аврангзеб

Шафқат йўқ!

Олиб чиқиб дорга осинг!

Зебуннисо

Шўрлик чолда гуноҳ йўқ!

Қиблагоҳим, уни эмас, мени осинг! Менда айб!

Аврангзеб

Кўп шошилма! Ҳадемасдин навбат келур сенга ҳам!

Аврангзеб ишора қилади, навкарлар зиндонбонни судраб олиб
чиқиб кетадилар.

Шоҳ Жаҳон

Ҳа, оқпадар, жаллод эдинг, жаллодликча қолибсен!

Аврангзеб

Жаллодликни ўргатган сен! Менга таъна қилишга
Ҳаққинг йўқ!

Шоҳ Жаҳон

Ҳа, рост айтасен, энди менинг ҳаққим йўқ...

Мен бир ғариб банди зиндон, ҳеч нарсага ҳаққим йўқ...

Агар ҳаққим бўлганида, сени дорга осардим!

Сен иблисни майда қилиб қирқар эдим жодуда!

Зебуннисо

(қўрқиб)

Оҳ, бобожон, эракишманг!

Аврангзеб

(кулиб)

Қўрқма, қўрқма!.. Бу тулки,

Атайинлаб ғазабимни қўзғатмоқчи! Ғазабим

Қўзғолсаю, жодугарни дарҳол чолиб ташласам!

Йўқ, мен сени ўлдирмаймен! Йўқ, мен сени осмаймен!

Сен танҳолик гирдобида, зах, қоронғи зиндонда,

Маҳрум бўлиб бу дунёнинг барча лаззатларидин,

Қариб, чириб, ит азоби билан ўзинг ўласен!

Зебуннисо

Шоҳим, қаҳру ғазабнинг ҳам чегараси бўлади!

Нима гуноҳ қилган эди бобом сизга, бунчалик

Азоб бериб, ҳақоратлаб бечорани қийнайсиз!

Аврангзеб

Э, бобонгнинг гуноҳи кўп... Сен билмайсен, ёш эдинг,

У неча бор мени қувган пойтахтдин овлоққа!

Мен неча бор қочиб юрдим, дайдиб юрдим, бобонгнинг

Ғазабига учрамай деб, ўша пайтда дуч келсам,

Ўлдиришдин тоймас эди!..

Шоҳ Жаҳон

(бақариб)

Елғон! Елғон!

Аврангзеб

Қувганинг

Елғонмиди?

Шоҳ Жаҳон

Қувганим рост! Шалоқ, фирибгар эдинг!
Шуҳратпараст эдинг, уста эдинг фитна-фасодга!
А в р а н г з е б

Улмай туриб тожу тахтни катта ўғлинг Дорога
Топширишга қарор қилдинг, маҳрум этиб бизларни
Тожу тахтдин, молу мулкдин, шону шуҳрат, иззатдин!
Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Сен иззатга арзимасдинг! Тожу тахтга нолойиқ!
Битган бало бўлур эдинг мамлакатнинг бошига!
Худди шундай бўлиб чиқди!

А в р а н г з е б

Бу сўзларинг ҳасаддин!
Мамлакатни ўн баробар кенгайтирдим, бойитдим,
Сен имонсиз елга сочган олтин, кумуш, жавоҳир,
Бойликларни тўплаб олдим хазинага қайтадин!

З е б у н н и с о

Бу бойликлар ғарибларнинг кўзёшидин яралган.

А в р а н г з е б

Мен буларни бобонг каби кераги йўқ, бемаъни
Иморатлар қуриш учун эмас, худо йўлига,
Дини ислом ривожига сарф қилмоқдамен!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Қара!
Ана, мендин ёдгор бўлиб тимсоли йўқ Тожмаҳал,
Волидангнинг олтин қасри, мрамар қабри қолади!
Сендин нима қолур, бадбахт, вайронами?!.

З е б у н н и с о

(даҳшатда)

Бобожон!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Йўқ, йўқ, айтсин! Эҳромларни бузган ваҳший, таловчи,
Ҳинд халқининг бисотини ўғирлаган киссабур!

А в р а н г з е б

(дарғазаб)

Бўлди! Бўлди! Оғзингни юм! Гапиришга ҳаққинг йўқ!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Ҳа, ҳаққим йўқ... Ҳаққим бўлса нималарни қилмасдим...
Ҳа, умримда кўп хатога йўл қўйганмен... каттаси
Сен бадбахтни туғилганда бўғиб ўлдирмаганмен!
Онанг шўрлик қилмишингни билса агар, гўрида
Тинч ётолмай, олов бўлиб ёнар эди...

А в р а н г з е б

Бўлди! Бас!

(Зебуннисога)

Хўш, сен нега бу иблиснинг ҳузурига йўл олдинг?
Арз қилмоқчи бўлганмидинг унга менинг зулмимдин?
Ҳа, ҳа, энди яширмаймен: ошиғингни ўлдирган,
Наслимизни шармандалик, маломатдин қутқарган
Мен ўзиммен! Мана, айтсин, садоқатли Амирхон!

А м и р х о н

(таъзим билан)

Худди шундай...

А в р а н г з е б

Ўзинг ўйла, Аврангзебнинг қизига
Қаёқдаги гадо лойиқ бўлурмиди?..

А м и р х о н

(илжайиб)

Тенг тенгию тезак қопи билан, деган донолар.

А в р а н г з е б

Юр, ҳозироқ Амирхонга никоҳ қилгум сени, юр!

Ҳа, ўшандагина сенинг гуноҳингдин ўтармен.

З е б у н н и с о

Дидингизга қойилмен, шоҳ, менинг тенгим тезакми?!

Тегсам агар тезаккамас, қора ерга тегурмен!

А в р а н г з е б

(дарғазаб)

Мен отангмен! Гап қайтарма! Икки қилма сўзимни!

З е б у н н и с о

Бировга ҳеч ота бўлмас отасини хўрлаган!

А в р а н г з е б

(тутоқиб)

Шунақами?

З е б у н н и с о

Ҳа, шунақа! Менинг учун Шоҳ Жаҳон
Ҳам бободир, ҳам отадир! Мен у билан қоламен!

А в р а н г з е б

(киноя билан)

Ҳавас қилиб қолибсиз-да, бекам, сиз ҳам зиндонни!..

З е б у н н и с о

Яширмаймен, менинг учун зиндон афзал саройдин.

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

Ахир, золим, ўз қизингни нега бунча хўрлайсен?

У расвога қиз эмас, йўқ, ҳатто ит ҳам тегмайди!

А в р а н г з е б

Амирхон!

А м и р х о н

Мен шу ердамен.

А в р а н г з е б

(расмий оҳангда)

Зебуннисо бегимни

Олиб бориб Салигархга, қамаб қўйинг қалъага!

Тавбасига таянгунча ўша ерда яшасин!

З е б у н н и с о

(ёлвориб)

Қиблагоҳим, жудо қилманг мени энди бобомдин!

Бирга қаманг бобом билан, бирга бўлай у билан!

Ахир, унга қарайдиган бирор одам керак-ку!

Ёшим билан Шоҳ Жаҳоннинг зиндонига сув сепиб,

Сочим билан супурайн, токи умрим борича!..

Бир мартаба шафқат қилинг, агар падар бўлсангиз!

Бир мартаба қулоқ солинг фиғонимга, додимга!

А в р а н г з е б

(чиқиб кетаётиб)

Махбусларнинг фарёдига ҳеч ким қулоқ солмасин!

Сиз, Амирхон, зудлик билан буйруғимни бажаринг!

Аврангзёб шитоб билан чиқиб кетади. Зебуннисо йиғлаб, Шоҳ
Жаҳонга ташланади.

З е б у н н и с о

Хайр, бобо, шум тақдирга чора топа олмадим!

Ш о ҳ Ж а ҳ о н

(Яна Зебуннисонинг панжара орқали узатилган
қўлларини ўпиб, кўзларига суртиб, йиғлаб)

Хайр, бекам, Зебуннисо, қайда бўлсанг, омон бўл!
Менинг умрим яқинлашиб қолди, қайта кўришиш
Насиб бўлармикин бизга?.. Яшолмаган умримни
Сенга қўшиб берсин танграм! Оқ йўл, бекам, набирам.
Вақти келиб қазо қилсам, жанозамга келурсен!

З е б у н н и с о

Ундай деманг, азиз бобо, узоқ яшанг бахтимга...
Сиздин бўлак таянчим йўқ бу бегона дунёда...

А м и р х о н

Қани, бекам, вақт ўтмасин, тезроқ йўлга тушайлик!

Амирхон бошлиқ қуролланган соқчилар Зебуннисо билан Наргисни
олдиларига солиб, чиқиб кетадилар. Шоҳ Жаҳоннинг ноласи эшити-
лади. Музика янграйди.

ПАРДА.

Саккизинчи кўриниш

Орадан анча вақт ўтган. Салигарх қалъаси — тош қалъа. Уртача
безатилган бир хона. Ерга гилам, кўрпачалар тўшалган. Уртада
хонтахта. Хонтахтада устида, тоқчаларда ҳар хил китоблар.

Хонада Зебуннисо билан Наргис ўтирибди, иккаласи ҳам хийла
кексайиб қолган.

Наргис ҳинд рубобида қандайдир ёқимли, ҳазин ҳиндча бир куйни
чалмоқда.

Зебуннисо маъюс, ўйчан, музикага қулоқ солмоқда.
Наргис чалишдан тўхтаб, рубобни бир чеккага қўяди.

Н а р г и с

Куй ёқдими?

З е б у н н и с о

Ниҳоятда... Сеҳрловчи мусиқа...

Ҳа, азизим, ёқмайдиган мусиқа йўқ дунёда.

Шу жумладин, ҳиндларнинг ҳам мусиқаси дилрабо, —

Агар уни тинглай билсанг... маънисига тушунсанг.

Н а р г и с

Ҳа, менга сиз басталаган мусиқалар ёқади...

Ҳа, уларда янграб турган нола, фарёд дилимга

Жуда-жуда яқин, бекам...

З е б у н н и с о

Улар ҳижрон, ёлғизлик,

Ғамларимнинг ифодаси бўлиб янграр, азизим

Ҳа, ғамларим гоҳо қўшиқ бўлиб учса ҳавога,

Гоҳо мунгли ғазал бўлиб тўкилади қоғозга...

Н а р г и с

Қачон тугар экан, бекам, бу танҳолик, бу ҳижрон?!

Бу тош қалъа, бу зиндондин қутулар кун бормикин?..

З е б у н н и с о

Шу бугуноқ қутулишинг мумкин, агар истасанг,

Сени эмас, мени бунда банди зиндон қилган шоҳ.

Н а р г и с

Йўқ, йўқ, бекам, сизни ташлаб кетолмаймен...

кетмаймен...

Агар бирга кетсак...

З е б у н н и с о

Йўқ, йўқ... мен бу ердин кетмаймен...

Бу дунёнинг ғалвасидин, жафосидин, жабридин,

Озоридин халос бўлиб, бу қалъада яшамоқ

Менга мақбул... Қулоқларим тишда тиним билмаган

Нолаларни, фарёдларни эшитишдан қутулган...
Ташқарида юз бермоқда бўлган даҳшат, фожиа,
Ҳисоби йўқ мурдаларни кўрмаганим яхшироқ!..

Н а р г и с

Баъзан юрак зерикашдин ёрилгудек бўлади...
Фурсат жуда тез ўтмоқда... Ун йил бўлди чамаси
Бунда келганимизга...

З е б у н н и с о
Ҳа, ўн йил бўлди...

Н а р г и с

Худойим!

Умр ўтиб бормоқдадир, кексаймоқда ёшимиз...
Шу даврда не ҳодиса юз бердикин дунёда?
Қайда экан?.. Тирикмикин таниш-билиш, аҳбоблар?..

З е б у н н и с о

Рожа Рамни соғиндингми?

Н а р г и с

Соғинганим йўқку-я...

Аммо, баъзан, баъзан эсга тушиб турар... Шўрликнинг
Сизга бўлган муҳаббати, ихлоси кўп зўр эди.
Балки, энди сиз ҳам унга кўрсатурсиз мурувват?

З е б у н н и с о

Рожа Рамни мен ҳали ҳам жуда ҳурмат қиламен,
Аммо, севги тўғрисида сўз бўлиши мумкинмас.
Юрагимда ҳамон ўша шоир Розий севгиси,
Уша севги борлиғимнинг, юрагимнинг ҳокими...
Қулоғимда янграб турар ҳамон унинг овози,
Кўз олдимдин нари кетмас унинг ғамгин чехраси...
Ҳа, мен ўша муҳаббатнинг асиримен... Юрагим
Ўша соҳир муҳаббатнинг чангалида, домида.
Фақат ўлим жудо қилур мени бу пок севгинин,
У бор экан, юрагимга йўл тополмас бошқа ишқ...

Н а р г и с

Қани энди ҳар кимга ҳам шундай севги муяссар
Бўлса агар, ер юзида жаннат пайдо бўларди!
Аммо, бекам, менинг севгим сизникига ўхшамас,
Менинг севгим, минг афсуски, хазон бўлди очилмай...
Балки, шўрлик Розий каби у ҳам жангда ўлгандир...
Тирик бўлса, ҳеч шубҳасиз, келар эди кўргали...

Кутилмаганда ичкарига Муҳаммад Саид кириб келади.

М у ҳ а м м а д С а и д

Салом, бекам!

З е б у н н и с о

(хурсанд)

Салом, устоз! Хўш келибсиз! Хурсандмен.

М у ҳ а м м а д С а и д

Зўрға рухсат беришдилар ёнингизга киришга.

З е б у н н и с о

Шаҳаншоҳнинг қаҳри қаттиқ... қаттиқ унинг буйруғи...
Нақадар бахт! Келинг, устоз!

М у ҳ а м м а д С а и д

(кулиб)

Энди сиз ҳам устозсиз!

Устозларнинг пири бўлиб танилдингиз жаҳонга!

З е б у н н и с о

Ҳазиллашманг, азиз устоз... кўрганимдин хурсандмен.

Муҳаммад Саид
Омонмисиз? Яхшимисиз?

Зебуннисо
Шукр, устоз, бир нави.

Муҳаммад Саид
Ниҳоятда миннатдормен, бекам, менга юборган
Барча шеърларингизни ўқиб чиқдим, тасанно!
Ниҳоятда мақбул бўлди, бир-биридан чиройли,
Бир-биридин ўткир, нафис, бир-биридин мазмундор!
Бошқа қўлёмаларни ҳам мароқ билан ўқидим.
Қўлёмалар, ғазаллардин кўп нарсалар ўргандим,
Ҳа, азизим, энди шогирд дарс бермоқда устозга!..

Зебуннисо
(кулиб)

Унчаликмас, азиз устоз!

Муҳаммад Саид
Сўзим муболағасиз.

Зебуннисо
Сиз мен учун ҳамма вақт ҳам устоз бўлиб қоласиз!

Муҳаммад Саид
Қани, янги ғазаллардин бўлса ўқинг ташнамен.

Зебуннисо
(хонтахта устида сочилиб ётган қоғозлардан
бирини олиб ўқийди).

Дур бод аз тан саре к-оройиши доре нашуд.
Бишканад дасте, ки ҳам бар гардани ёри нашуд.
Дар қиёмат сар чи сон берун кунад аз жайби хок?
Синайи он кас, ки доғи лола рухсори нашуд.
Дар назар шоҳид надори дийда аз олам бипўш,
Кўр беҳ чашме, ки лаззатгири дидоре нашуд.
Сад баҳор охир шуду ҳар гул ба фарқе жо гирифт,
Ғунчаи доғи дили мо зеби дасторе нашуд.
Хайф бар аммомаи зоҳид ба чандин печу тоб,
Риштаи тасбеҳ гашту тори зунноре нашуд.
Ҳар матоеро харидорест дар бозорҳо,
Пир шуд Зебуннисо ўро харидоре нашуд.

Муҳаммад Саид
Бай! Бай! Бекам, бу шоҳ ғазал! Минг офарин!
Тасанно!..

Зебуннисо
Сизга ёққан бўлса, устоз, ҳаммага ҳам ёқади.

Муҳаммад Саид
Ҳеч шубҳасиз, ҳаммага ҳам манзур бўлуру бу ғазал!

Зебуннисо
Не хабарлар келтирдингиз, эшитайлик.

Муҳаммад Саид
Хабар кўп...
Хабарларнинг энг янгиси, уч кун бўлди, Амирхон
Ўз уйида ўлдирилди... Кимдир сўйиб кетибди.

Наргис
(қўрқиб)

Парвардигор!

Зебуннисо
Қилмишига лойиқ жазо олибди.

Муҳаммад Саид

Ҳа, дунёда яна битга ифлос, маккор одам кам.
Шаҳар нотинч, алғов-далғов, излашмоқда қотилни
Аммо қотил ҳанузгача топилгани йўқ.

Зебуннисо

У одам,

Ким бўлмасин, жуда савоб иш қилибди... Отамни
Ёмон йўлга бошлаганни йўлдин олиб ташлабди.

Муҳаммад Саид

Битга ёмон ўлган билан замон тузалармиди?
Тамом зулмат қоплаб олган бу кунларда саройни.
Сарой тамом мутаассиб, жоҳилларнинг қўлида.
Шайхулислом, қозикалон, имони йўқ муллолар,
Олимларни, фозилларни, шу жумладин мени ҳам,
Қарматий деб ва шаккок деб қувладилар саройдин.
Бинобарин, энди менга ўрин йўқдир Деҳлида.
Энди улар кеткизурлар мени зўрлаб бўлса ҳам...
Эрта-индин ўз шаҳримга — Самарқандга жўнаймен.
Хайрлашиш учун келдим, бекам, ҳузурингизга.
Менга оқ йўл тиланг, бекам, яна дийдор кўришмоқ
Амри маҳол...

Зебуннисо

Қандай даҳшат! Қандай оғир замона!
Энди сиз ҳам мени ташлаб кетасизми, устозим?

Муҳаммад Саид

Тақдир экан, не қилурмиз? Қўлимиздин не келур?..
Бу дунёнинг барча ташвиш, ғамларини унутиб,
Бардош бериб барча жабру жафосига, зулмига,
Тўхтамасдин ижод билан шуғулланинг, маликам.
Ҳамма нарса ўтиб кетур, фақат ижод қолади.
Авлодларга мерос бўлиб сиздин ғазал қолади.
Хайр, бекам!

Зебуннисо

Хайр, устоз, оқ йўл тилаб қоламиз.
Соғ-саломат бўлинг, азиз устоз, қайда бўлсангиз.
Хат кутамен, хат орқали хабарлашиб турайлик.

Муҳаммад Саид

Жоним билан, омон бўлсам, хат ёзурмен, албатта.

Кўзёшини артиб, таъзим билан чиқиб кетади.

Зебуннисо

(кўзёшини артиб)

Ҳа, замона, назаримда, тамом нураб бормоқда,
Ёлғизликнинг гирдобига ташлаб бизни, азизим...
Таниш-билиш ёнимиздин узоқлашиб кетмоқда,
Мана, энди устоздин ҳам жудо бўлдик... Во дариг...
Мулозим кириб, Зебуннисога таъзим қилади.

Мулозим

Узр, бекам, қандайдир бир дарвиш ҳузурингизга
Кирмоқ учун рухсат сўрар...

Зебуннисо

(ўйланиб)

Майли, кирсин.

Наргис

(қўрқиб)

Ким экан?..



Расми Л. САЛИМЖОНОВА чизган.

Мулозим таъзим билан чиқиб кетади. Кўп ўтмай «дарвиш» кир-
ди, у дарвиш кийимини кийган, соқол-мўйлови ўсиқ, бошида кулоҳ
Рожа Рам. Дафъатан уни таниш қийин.

Рожа Рам

Салом!

Зебуннисо

Салом...

Наргис

(қўрқиб)

Кимсиз?..

Рожа Рам

Менмен... Нима, таниш қийинми?

Зебуннисо

(Рожа Рамни овозидан таниб, севиниб)

О, Рожа Рам! Сизмисиз?

Рожа Рам

(бошидан кулоҳини олиб)

Ҳа!

Зебуннисо

Хуш келибсиз, Рожа Рам!

Бу қиёфа, бу кийимда сизни дарҳол танимоқ
Жуда мушкул.

Рожа Рам

Эҳтиёт шарт.

Наргис

Омонмисиз, Рожа Рам!

Рожа Рам

Мана, кўриб турибсиз-ку, соппа-соғмен!

Наргис

Хайрият.

Зебуннисо

Хўш, Рожа Рам, энди сизни қаерлардин сўраймиз?

Рожа Рам

Оғангизнинг ҳузуридин келдим сизни кўргали.

Ҳа, шаҳзода Акбар сизга салом айтди кўпдин-кўп.

Зебуннисо

Шўрлик оғам омонмилар?

Рожа Рам

Нега шўрлик бўлади?

Шаҳзоданинг кундин-кунга ортмоқдадир шуҳрати,

Кундин-кунга кўпаймоқда, кучаймоқда қўшини,

Шаҳзоданинг қўли баланд доим жангу жадалда.

Тарафдори, дўстлари кўп, иши йирик Акбарнинг,

Сиз бўлсангиз шўрлик дейсиз, шўрлик эмас оғангиз!

Зебуннисо

(хурсанд)

Тангрига минг қатла шукр!

Рожа Рам

Ҳа, шаҳзода бахтиёр.

У урушлар, қирғинларга барҳам бериш пайида,

Ҳинд, мусулмон баробардир дейди, одил оғангиз.

Шунинг учун тарафдори тез кўпайб бормоқда.

Бу ўлкада тинчлик бўлсин, боғу роғлар яшнасин,

Ҳароб бўлган шаҳру қишлоқ, вайроналар тиклансин,

Мамлакатда ривож топсин зироату тижорат,

Илму урфон, шеър у санъат гулласин, дер шаҳзода!

З е б у н н и с о

(мамнун)

Ҳа, оғамнинг фикри бизнинг фикримизга вобаста!
Бу муқаддас йўлда унга тангри мададкор бўлсин!

Р о ж а Р а м

Шаҳзоданинг вазиримен, ўнг қўлимен Акбарнинг.
Сизни кўриш ва бир муҳим вазифани бажариш
Учун келдим Деҳлига, ҳа, вазифани бажардим.
Ва муяссар бўлдим, бекам, сизни кўриш бахтига!

З е б у н н и с о

Айтинг, қандай вазифани бажардингиз?

Р о ж а Р а м

Мақсадим,

Дўстим Розий ўлимига сабаб бўлган қотилдин
Қасос олиш эди...

Н а р г и с

Ераб! Амирхонни?..

Р о ж а Р а м

Ҳа, ўша,

Имони йўқ, хоин, фосиқ, инглиз жосусини
Гумдон қилдим, шод бўлсин деб руҳи шоир Розийнинг!

Н а р г и с

(ҳайратда)

Омон бўлинг! Баҳодирлар баҳодири Рожа Рам!

З е б у н н и с о

Миннатдормен, азиз Рожа, ҳақ қарорин топибди.

Р о ж а Р а м

Фурсатим оз, азиз бекам, менга рухсат берсангиз,
Амирхоннинг қотилини ахтармоқда жосуслар.
Шаҳар така-пука бўлган, тезроқ жўнаб қолайин...
Балки, энди фурсат ўтиб...

З е б у н н и с о

Эски гапни қўзғаманг,

Мен Розийнинг севгисига содиқ бўлиб қоламен.

Р о ж а Р а м

Афв этасиз, ноўрин гап айтганимга, маликам.

З е б у н н и с о

Ҳечқиси йўқ... Рожа, сиздин миннатдормен умрбод.

Р о ж а Р а м

Наргис бекам, сиз мен билан кетмайсизми?..

Н а р г и с

Ташаккур.

Мен бекамни ёлғиз ташлаб ҳеч қайёққа бормаймен...
Ҳа, Рожа Рам, совигандек узоқ туриб қолса ош,
Муҳаббат ҳам совур экан висол они чўзилса...

Р о ж а Р а м

(маънос)

Тушунарли... Ҳа, нима ҳам дедим... Майли, тақдирга
Тан беришдин бошқа чора тополмаймиз, шекилли...
Менга рухсат, мен борайин, жондин азиз кўрганим,
Сингилларим, тонг юлдузи каби ҳамон чарақлаб,
Ҳаёлимни, юрагимни доим тортиб турасиз...

Вақти келиб чорласангиз, дарҳол етиб келурмен.
Умидимни узганим йўқ, ҳа, ноумид шайтон... Хайр.

З е б у н н и с о

Оқ йўл, сизга! Омон бўлинг. Салом айтинг оғамга.
Биз доимо унга омад, зафар тилаб қолурмиз.

Р о ж а Р а м

Кўришгунча омон бўлинг, умидимнинг юлдузи...

Рожа Рам кулоҳини бостириб кийиб, таъзим билан чиқиб кетади.

З е б у н н и с о

Муҳаббатнинг чашмасидин бир қултум сув ичолмай,
Бу ҳам энди ўтса керак бу бевафо жаҳондин...

Н а р г и с

(ўйчан)

Нега бундай бўлди?.. Ажаб... Севгими ё яқинлик,
Ҳамжиҳатлик, қариндошлик туйғусими?.. Ҳар ҳолда
У кетдию юрагимнинг бир чеккаси узилди...

З е б у н н и с о

Баъзи севги ёниб-ўчиб, давом этар умрбод...

Кутилмаганда, оддий кийимда Аврангзеб кириб келади.

А в р а н г з е б

(Зебуннисога ташланиб)

Қизим! Бекам! Жигаргўшам, омонмисен, соғмисен?
Мени кечир, сенга ҳадсиз озор бердим, хўрладим.
Ҳа, менда айб! Мендаги айб ҳеч инсонда топилмас!
Менинг қаҳрим, менинг заҳрим аждаҳода ҳам бўлмас!
Азиз бекам, кеч бўлса ҳам ўз айбимга иқрормен.
Ҳузурингга узр сўраб, ярашгани келдим...

З е б у н н и с о

Кеч!

Ҳа, бўлар иш бўлиб ўтди, энди оҳ, воҳ фойдасиз.
Умидларим парчаланди, муҳаббатим топталди,
Жаннатимни жаҳаннамга айлантирди замона...
Қиблагоҳим, энди минг бор афсус чекинг, фойдасиз...

А в р а н г з е б

Сен озодсен! Энди очиқ қопқалари қалъанинг!

З е б у н н и с о

Бузрукворим, бу қалъадин мени озод қилгунча,
Улуғ бобом Шоҳ Жаҳонни озод қилинг зиндондин.

А в р а н г з е б

(ерга қараб, хўрсиниб)

Бекам, бобонг аллақачон озод бўлган...

З е б у н н и с о

(ҳаяжонда)

Наҳотки?!

А в р а н г з е б

Азобларга дош беролмай бу дунёдин кўз юмди.

З е б у н н и с о

(даҳшатда)

Эй худойим!.. Қачон? Қачон?!

А в р а н г з е б

Анча бўлди...

Н а р г и с

Ё раббий!

З е б у н н и с о

Нега хабар қилмадингиз?

А в р а н г з е б
Сенга озор беришни

Истамадим...

З е б у н н и с о

Бу шум хабар энди азоб беради!
Бу жудолик жаҳаннамнинг ўтларига ташлайди!
Во дариго!.. Бобом билан хайрлаша олмадим!
Бўлолмадим у руҳи пок ҳазратимнинг дафнида!
Сочларимни ёзиб фарёд кўтарардим, йиғлардим,
У олий зот, шаҳаншоҳнинг қабри узра бош қўйиб...

А в р а н г з е б
(ғамгин)

Бас қил, қизим, фақат сенмас, мен ҳам унинг дафнида
Бўлолмадим...

З е б у н н и с о
(бақриб)
Нега?! Нега?!

А в р а н г з е б
(ёшини артиб)

Сабабини сўрама.

З е б у н н и с о

Сабабини билмоқчимен!

А в р а н г з е б
Бобонг ўлар чоғида:

«Аврангзебни йўлатманглар... Жанозамга келмасин»,
Деб васият қилган экан... Мени йўлатишмади...
Ҳа, мен, қизим, юзи қора оқпадармен, оқпадар!..

З е б у н н и с о
Қандай даҳшат!.. Қандай даҳшат!..

А в р а н г з е б
Ҳа, пешонам шўр экан...

З е б у н н и с о
(ҳавотирланиб)
Хўш, шаҳзода Мурод қани? Нима бўлди амаким?

Улдирилди...

З е б у н н и с о
Парвардигор! Қандай қилиб? Не учун?

А в р а н г з е б
У қочмоқчи бўлган экан ҳийла билан зиндондин,
Қўлга тушди... жаҳл устида уни ўзим ўлдирдим...

З е б у н н и с о
Ахир... Ахир бу даҳшат-ку!

А в р а н г з е б
Ҳа, бу даҳшат...

З е б у н н и с о

Э, худо!

Шум хабарлар келтирибсиз ҳузуримга, шаҳаншоҳ!
Нега осмон ағдарилиб бошимизга тушмади?!
Не учун ер ёрилмади, нега бизни ютмади?!
Қўлингизнинг қонларини энди қандай ювасиз?..

А в р а н г з е б
Ҳа, азалдин пешонага ёзилгани шу бўлса,
Илож борми бандасида?.. Тақдир тақозоси шу!..

З е б у н н и с о

Жиноятни оқлаш учун баҳонадир бу гаплар.

А в р а н г з е б

(гапни буриб)

Қизим, умринг ўтиб қолди, бу ёғини ўйлагил,
Опаларинг бола-чақа қилиб кетди... Сен қолдинг,
Ҳа, ҳаётнинг талабига, ҳукмига бўйсунмасдин
Бошқа илож борми?.. Тан бер тақдирингга.

З е б у н н и с о

Тақдирим,

Ҳам хоҳишим, ҳам қарорим, бу дунёдин тоқ ўтиш!

А в р а н г з е б

Жазосини тортди малъун — ўлдирилди Амирхон,
Уша эди, ўша жосус мени йўлдин оздирган.
Энди сарой осойишта... Саройга қайт, маликам.

З е б у н н и с о

Йўқ, шаҳаншоҳ, мен саройга қайтолмаймен... Гап фақат
Амирхонда эмас эди...

А в р а н г з е б

Ўтган ишга саловат.

З е б у н н и с о

Мумкин эмас! Мумкин эмас ўтган ишни унутиш!
Ахир буюк жиноят-ку ўтганларни унутмоқ!

А в р а н г з е б

Якка қолдим, сендин бўлак таянчим йўқ дунёда.
Оғанг Акбар менга қарши бош кўтарган, тахтимни
Тортиб олиш муддаоси, ёвларимга қўшилиб.
Аммо, унга ўлганда ҳам топширмаймен тахтимни!
Саройга қайт, тожу тахтни сенга топширмоқчимен.
Авлодимда сендин бўлак тахт соҳиби қолмади...


З е б у н н и с о

Ҳа, бу қулаб бораётган тахтни тикламоқ учун
Яна битта Бобир Мирзо ёки Акбар шоҳ керак!
Мени асло қизиқтирган эмас давлат, тожу тахт.
Менинг тожим—илму урфон! Менинг тожим—шеърият!
Чиқа олсам, чиққум фақат шеъриятнинг тахтига!..
Умрингизда бир савоб иш қилинг,—мени тинч қўйинг!
Илму фанга, шеъриятга берай қолган умримни!

Аврангзеб маъюс, бошини қуйи солиб, аста юриб чиқиб кетади.
Зебуннисо хаёл оғушида. Мунгли музика янграйди. Узоқдан бир
аёлнинг ҳазин кўшиғи эшитилади, аёл Зебуннисонинг «Биёки зулфи
кажу, чашми сурмасо инжост» ғазалига басталанган кўшиқни куй-
лайди.

П А Р Д А.

2 март — 20 май, 1981 йил.
Тошкент.



ИККИНЧИ КЕЛИН

ҲИССА

Хонадонимизнинг бир оқшоми

Мен мактабдан чиққанимда со-
ат иккидан ошганди. Султа-
ние мактабда бўлиши керак. У иккинчи
сменада ўқийди. Тамадди қилиб кетган-
микин? Уйда нон тугаганди. Эрталаб
онам ташлаб кетган бир бўлак гўшт, пи-
ёз ва картошкани пишириб ейишнинг уд-
дасидан чиққан бўлса яхшику-я, лекин
эринган ҳам бўлиши мумкин. Йўқ, йўқ,
эринмайди, у эринадиган қиз эмас, ле-
кин шўрвани бузиб қўйишдан қўрқиб
ўчоққа яқин бормаслиги мумкин. Яқин-
лашмаган бўлса, демак оч, оқшомгача
шўри қурийди боёқишнинг. Ўзим ҳам ўл-
гудай очман, бориб то шўрвани пишир-
гунча — кўзинг тиниб кетади. Энвер ҳам
кутаётгандир...

Мен Султаниенинг синфи ойнасини
секин тақирлатдим. Орадан бир оз вақт
ўтгандан кейин қаршимда бир қизнинг
қоп-қора юзи кўринди.

— Шоҳиста, Султаниени чақириб бер.

— Ҳозир, Саломат ака.

Пастга тушиб, кута бошладим. Очиқ
деразадан Наум Ефимович Грицайнинг
овози эшитиларди. Математика... Бечора
Султаниенинг энг «севимли» дарси. Ово-
зи чиқмаяпти, ухлаб қолган бўлса керак.

Мактаб ҳовлисида Ўдед пайдо бўл-
ди, узоқдан қўл силкиди. «Юр, уйга кет-
дик, бу ерда нима қилиб турибсан?» Мен
бош қимирлатиб, бармоғим билан имлаб
деразани кўрсатдим. «Йўқ, мен кетмай-
ман. Менинг ишим битмади». Ўдед елка-
сини қисди, жилдини елкасига ташлади.
«Бўпти, мен кетдим. Сен ўзинг борарсан.
Сенинг ҳеч қачон ишинг битмаган».

Шу орада очиқ деразадан мен то-
монга букланган қоғоз отилиб чиқди.

— Таймазова, сиз мактабга ўқиш
учун келасизми ё тош отишгами?

Эрвин Умеров Москва-
да «Детская литература»
нашриётида катта му-
ҳаррир вазифасида иш-
лайди. Унинг «Ҳар донм
булсин қуёш», «Кўнтол
йули», «Икки ўт ораси-
да», «Кўзларинг нури»
каби китоблари татар,
ўзбек, рус тилларида
нашр этилган.

Таржимон сифатида
ўзбек ёзувчиларининг
асарлари билан рус ки-
тобхонларини таништи-
ришда Эрвин Умеров
ибратли ишлар қилмоқ-
да. Жумладан, Мирмуҳ-
син, Суннатилла Анор-
боев, Худойберди Тўхта-
боев, Латиф Маҳмудов
каби таниқли ёзувчилар-
нинг ҳисса ва ҳикояла-
рини рус тилига таржи-
ма қилган.

Ҳурматли журналхон-
лар эътиборига муал-
лифнинг «Иккинчи ке-
лин» ҳиссасидан айрим
обларни ҳавола этаё-
тирмиз.

Қоғозни чангаллаб, ўзимни панага олдим. Кўзойнакли шумшук Наум энди бечора Султаниенинг миясини қоқиб қўлига беради, яхши-си мени кўрмай қўя қолсин, кўрса: «Ўзининг ёмон ўқигани етмагандай, синглисини ҳам йўлдан уради», деб бутун мактабни бошига кўта-ради. Газабнок кўзига кўринмаганинг маъқул.

Синглим отган қоғозни очдим. Унда қинғир-қийишқ ҳарфлар билан (Султание жуда шошган бўлса керак) қуйидаги гаплар ёзилган эди: «Ака! Уйга борганингиздан кейин шўрвани озроқ қайнатинг, менимча, картошкаси яхши пишмади; мен сувидан озгина ичиб, мактабга югурдим. Қўшнимиз Зарифа холадан қарзга битта кулча олдим, нон олганингиздан сўнг қайтариб беринг. Энвер ухлаб қолганди, ҳеч нарса егизолмадим. Иса эрталабданоқ йўқолиб қолди, қаёққа кетганини билолмадим. Ўзингиз қидирарсиз. Ойим билса уришади. Охирги дарсиниз физкультура, иложини қилсам бунга қатнашмай, ортингиздан етиб бораман.

СУЛТАНИЕ»

Шунақа...

Жилдимни елкамга ташладим-да, аста-секин юра бошладим. Бу ўйинқароқ болалар оёғингдан жудо қилади. Биринчи детдом болалари тутволиб урса («Чақимчилик қилди уканг биласанми, чақимчилик!»), бошқаси математикадан икки олади ё бўлмаса мактабга бутунлай бормай қўяди, қисқаси, ҳаммасига сен айбдорсан, ёнғоқ сенинг бошингда чақилади. Чунки сен хочадоннинг тўнғичисан, акасан, отанинг ўрнига қолгансан! Бу масъулиятдан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Начора, мана энди Исанинг бебошлиги сабабларини текширишим керак. Мактаб биносини айланиб ўтдим, ўртадаги очиқ деразага кичик бир тош отдим. Шу он дераза ортида Ёстиқбош Коля пайдо бўлди (болалар унга «Планёр» деб ҳам лақаб қўйгандилар. Дарҳақиқат, қулоқлари планёрнинг қанотларига ўхшайди, назаримда, бу болани самолётдан ташласанг, қулоқлари туфайли секингина ерга қўниши мумкин. Ўзи жуда шўх, Исанинг энг яқин дўсти, ўла қолса ҳам уни сотмайди). Коля мени кўриб жилмайди, ялпоқ бошини эгиб, белидан юқорисини деразадан чиқарди. Мен шиддат билан унинг бесўнақай қулоғига ёпишдим-да, пастга тортдим. Ёстиқбош ўзидан-ўзи сирғалиб ташқарига тушди. Мен шарт оёғидан ушладим-у, майда тут дарахлари тагига судрадим.

— Айт, бандит, Иса қаерда? У бугун мактабга келмадимми?

— Худо урсин агар, кўрмадим!

— Онт ичганинг билан бари бир мендан осонликча қутулмайсан.

Айт, у қаёққа кетди?

— Агар кўрган бўлсам, кўзим ситилсин!

— Ўзим сенинг кўзингни ситиб оламан. Гапир, қаёққа кетди? Эрталаб икковинг бирга эдинг, волейбол майдонида кўргандим-ку?

— Э-э, бўлмаган гап! Улай агар, Исани кўрмаганимга бир йил бўлди.

— Уласан, ҳа, ўласан! Мен ўзим сени тирик қўймайман. Мана сенга, мана!... Кўрдингми? Гапир тез, қаерда у?

— Акажон, билмайман, мен қаёқдан билай ахир...

— Тур, эшак, йўқол кўзимдан! Ҳайвон! Сен, ўзингча дўстимга яхшилик қиляпман, деб ўйлайсан-да! Борди-ю, у бир балага гирифтор бўлса, мен унга ёрдамга чопиш ўрнига сен билан бу ерда вақирлашиб ўтирсан, э, шу ҳам дўстлик бўлди-ю! Йўқол, даф бўл, аблаҳ!

— Иса бекатга кетди. Ҳеч кимга айтма, деди.

— Нега у ёққа кетди?

— Вагон бўшатишга. Кунига ўттиз сўм¹ беришар экан...

— Шундай демайсанми... Бор энди, боравер, сен бўшсан.

¹ Бу ерда ва бундан кейин 1961 йилгача бўлган пул ҳисобида.

— Энди қаёққа бораман, синфга кирсам, муаллимамиз қулоқларимни узиб олади.

— Тўғри, Естиқбош, қулоқларингга эҳтиёт бўл. Парашютга ўхшаш шалпанг қулоғингдан ажралиб қолма. Энди эсингда бўлсин: Исага бир нарса бўлса сен жавобгарсан. Тушундингми?

— Тушундим.

— Қаерда нима қилаётганини менга айтиб тур. Бўлмаса абжанигни чиқараман. Раҳм қилмайман. Улгунингча ураман. Тушундингми? Бор жўна.

Нон дўкони энди очилган, узундан-узун навбатнинг охири катта йўлгага чиққан. Жилдимни ерга, девор тагига қўйиб, навбатга турдим, олдимдаги чолдан:

— Кўпдан бери турибсизми, ота?— дея сўрадим.

— Дўкон тушликка чиқмасидан бурун навбат олган эдим, болам. Нон тугаб қолди, лекин сотувчиси тагин олиб келишади, деяпти.

Тушунарли. Нон машинаси келгунча бир-икки соат вақт ўтса, нонни олишга ҳам бир-икки соат вақт кетади. Демак уйга кеч соат беш-олтиларда етиб бораман. Энвер очдан ўлиб қолмаса эди... Султание унга бир косагина шўрванинг сувидан қолдирган бўлса яхши, лекин бу унинг хаёлига келдимикин?

Велосипедли болалардан бирортаси йўқмикин? Мен теварак-атрофга назар ташладим. Керагида бўлармиди? Йўлда биронта ит ҳам кўринмайди. Қизиқ, анави нима экан? Фургон! Нон ортилган фургон келяпти. Бундоқ қарасам, бугун ишларим юришадиганга ўхшайди!

Фургон келиб орқасини дўкон эшигига тўғрилади. Мен секингина олдимдаги чолнинг тирсагидан тортдим:

— Отахон, биров сўраб қолса, мен сиздан кейин навбатда турганимни айтарсиз, хўпми? Мен ҳозир келаман...

— Хўп, болам, хўп...

Шофёр моторни ўчириб, кабинадан чиқди.

— Амаки, ташишга ёрдамлашайми?

Шофёр менга вазмин назар ташлади, лекин жавоб бермади, қўлидаги қоғозларга қараганча дўкон ичкарисига кириб кетди. Навбатдагилар унга йўл бердилар. Мен эшик олдида қолдим.

Орадан беш-ўн дақиқа ўтгач ичкаридан шофёр билан оқ халат кийган дўкончи, баланд бўйли Дуся хола чиқди. Шофёр машинанинг орқасига ўтиб эшигини очди-да, тепага кўтарилди. Икки буханка нон олиб Дуся холага узатди. Дўкончи қўлидаги дафтарчага «2» рақамини ёзиб, мен томонга ўгирилди-да, асабийлашиб ўшқирди:

— Нега оғзингни очиб турибсан, нонни ол-у, ичкарига югур!

Мен буйруқнинг такрорланишини кутиб ўтирмай, нонни олиб ичкарига отилдим. Бир зумда орқамга қайтиб чиқдим — шофёр галдаги буханкаларни ҳали қўлига олиб ҳам улгурмаган эди. Шу пайт менга бир одам — корейс чол қўшилди.

Ун дақиқа ичида машина бўшатилади. Дуся хола шофёрнинг қоғозларига имзо чеқди, сўнг мен томонга ўгирилди:

— Юр, нонингни ол.

Мен унинг орқасидан эргашиб дўконга кирдим. Ён чўнтагимдан юз сўмлик пул чиқариб узатдим. Дуся хола пулни олиб, совундан бўшанган қутига ташлади.

— Ол.

Мен бир буханка нонни олиб, қайтими қани, дегандек Дуся холага термилдим.

— «Ол» дедим-ку, сенга, нега бақрайиб турибсан!— жеркиди Дуся хола.

— Олдим-ку!

Дуся хола менга шундай бир қаҳр билан назар ташладики, ўзимни дунёда энг бахтсиз боладай ҳис қилдим.

Дуся хола қўлимга иккинчи буханкани тутқазди-да, алланималар дея минғирлаётган навбатчилар томон ўгирилди:

— У ишлади, кўрдиларинг-ку! Қора терга ботди, боёқиш... Ҳой, корейс, кел, энди сен ол, бобой...

Буханкаларни бағримга босиб, одамлар ичидан сирғалиб аранг чиқиб олдим. Энди уйга югуриш керак. Икки буханка нон! Катта бойлик бу! Икки кунга етади. Демак, эртага мактабдан тўғри уйга қайтман ёки озгина волейбол ўйнашга ҳам вақт ортираман. Нақадар гўзал иш бўлди бу! Яшасин Дуся хола, бир оз қўпол, лекин кўнгли тоза одам-да!

Чиқсам, девор тагида қолдирган жилдим йўқ. Ана сенга шудгордаги қуйруқ! Қаёққа йўқолди экан? Қимга керак экан менинг чувринди жилдим, эски-туски китобларим?!

— Ҳой бола, жилдингни қидиряпсанми? Мана у, бу ерда.

Орқамга ўгирилдим: боя навбатда, менинг олдимда турган бобо. Жилдим қўлида, ушлаб турибди.

— Сен ғойиб бўлганингдан кейин қўлимга олдим, ким билади, шайтон болалар тагин олиб кетишмасин, дедим...— Бобо қўлимдаги буханкаларни кўрди, ранги ўчиб кетди.— Вой болам, нонни олиб улгурибсан-ку?

— Ташишга ёрдамлашдим, навбатсиз беришди.

— Ҳа-а. Қўп туширишдими? Бизга ҳам етадимми?

— Юз эллик буханкача туширдик. Оз эмас. Лекин навбатда турган одамлар икки юздан ортиқроқ эди. Билмадим, кўзимга шундай кўриндими, ё аслида ҳам шундаймиди, ҳар ҳолда, назаримда ота беҳуда кутадиганга ўхшарди...

Мен қўлимдаги бир буханкани отага узатдим.

— Манг, биттаси сизга.

— Во-ой, болам, мен... сен...

Бобо кўзларига ишонмай, қўлимга беш дона ўнталик тутқазди. Пулни чўнтагимга тиқиб, жилдимни елкамга осдим-да, бобойнинг миннатдорлигини тинглаб ўтирмасдан оёғимни қўлимга олдим. Ягона мақсадим — тезда уйга бориб Энвернинг қорини тўйғазиш эди. Тўғриси-ни айтсам, ўзимнинг қорним ҳам сурнай чалаётган эди.

Учоқда қозон қайнарди. Шўрвадан икки коса ичилган экан, сув қўшишга мажбур бўлдим. Мазаси бузилса ҳам, қоринни қаппайтирадиму. Қартошкамиз тугаёган экан, озроғини эртага қолдириб, ўрнига иккита шолғом тўғрадим. Бундай шўрвани ўзбеклар «пиёва» дейдилар. Қўпроқ пиёз солинса кифоя. Пиёз эса бор, шукрлар бўлсин, ҳовлимизда ўсади. Қўк пиёздан аямай тўғрадим. Кейин дастурхонга ўзимизга ҳам олиб келдим. Мана, Энвер иккимиз тузга ботириб ғижирлатиб еб ўтирибмиз. Нон янги, ҳаттоки совиб улгурмаган. Энвер ҳаддан зиёд очиққан экан.

— Исани кўрмадингизми, уйга қачон келар экан? — деб сўради Энвер. Мен саволни эшитмаганга олдим.

— Қалай, оғримаяптими? — дедим Энвернинг оёқларига ишора қилиб. У бош чайқади, оғзидаги нонни ютди, сўнгра:

— Оғримаяпти,— деди.— Ҳеч оғримаяпти, мен энди уларнинг борлигини ҳам сезмаяпман. Бамисоли икки ёғоч.

— Дарсларингни қилдингми?

— Қилдим, лекин... Яرمىсини. Уқишни... Ёзувни эса... Султание қоз билан ручка қолдирипти-ю, сиёҳни унуттипти. Дарсларимни ёдлашга ҳаракат қилдим, билмадим қай даражада эслаб қолдим экан.

— Шошма. Мен сенга ҳозир сиёҳ келтириб бераман. Сен шошилмасдан масалаларингни еч. Мен шўрвага қарай, яқин орада ҳамма тўп-ланиб қолса ҳам ажабмас.

— Ака...

— Энвер, нима дейсан? — Мен энди эшикни очиб чиқиб кетаётган эдим, тўхтаб орқамга ўгирилдим.

— Ака...— деди Энвер тортинибгина.— Ака... Исага яна бир нарса бўлаётир... Нималигини билмайман... Лекин у яна жуда галати бўлиб мунгайиб қолди.

— Ростданми? — дедим таажжублангандек. Нимага унақа бўлиб қолди экан? Мен ҳеч нарса сезмадим.

Энвер бир неча сония кўзимга тикилиб турди. Сўнгра чуқур хўрсинди.

— Ака, у энди бола эмас... Ўз ўтмишини англаб қолди, ўзини ўзи бир бало қилиб қўйиши ҳам мумкин...

Бошимдан қайноқ сув тўкилгандай бўлди.

— Қандай ўтмиши бор экан унинг? — деб бақирдим. — Нима, биз уни айиқ каби арқон бойлаб ўйнатяпмизми? Ё ўзимиз икки бурда нон еб, унга бир бурда беряпмизми?

— Шошмай туринг, ака... Кўрдингизми, ўзингиз ҳам ўзимизни «биз» дейсиз-у, унга келганда «уни» дейсиз... Ака, мен уззу-кун шифтга тикилиб ётаман, бутун ўтган-кетган кунларимизни хаёлимдан кечириман, мағзини чақаман. Ўн марталаб... юз марталаб... Хоҳлайсизми, айтишинми? Султание ҳали бола, лекин мен... Ака, менга қаранг, кўзларимга қаранг, сўзларимга қулоқ солмасангиз ишлар чатоқ... Менинг тушунишимча, Иса уйдан қочиб кетмоқчи...

— Ҳей бола, нималар деб валдираяпсан ўзинг?

— Ака. Ўзингизни гўлликка солманг! Иса ўзининг ҳақиқий исм-шарифини, миллатини яхши билади, онам уни қандай қилиб жонини сақлаб қолганини ҳам билади...

— Хўш-хўш? Сен...

— Ака, жон ака... Менга қаранг, анави тентакқушга ўхшамайлик-да... биласиз-ку, унинг нима қилишини. Таҳликага тушса, бошини қум остига тикади-да, мени ҳеч ким кўрмайди, деб тураверади... Ис-таса — бўри еб кетсин, истаса — овчи келиб отсин: таппа-тайёр!

— Бас қил, сен ҳам Шерлок Холмс бўлиб қолибсан... Ол китобингни ўқи, ади-бади айтишга вақтим йўқ, қозондаги шўрва қайнаб тамом бўлгандир... Паррандашунос бўлган сени қара-ю, профессор акам-эй... Қаҳрли-қаҳрли минғирлаб ҳовлига, ўчоқ бошига ошиқдим. Тағин нима қилай, қўлимдан нима келарди? Энвер топқир — бизнинг Исамиз — асранди бола. Бизнинг оиламизга қандай келиб тушганини ўзи ҳам хотирлайди, албатта. У қадар кичик бола эмас эди. Ундан ташқари, ҳозир ҳам кимдир эсига солган бўлиши мумкин. Таажжубланадиган ери йўқ: бундай ярамас ишлар бўлиб туради — ҳар хил одам бор дунёда. Исанинг ўзи ҳам аҳмоқ эмас, лекин нима учун у ўз ёнида ўзи қоврилади, агар қандайдир бир шак-шубҳага борган бўлса?! Демак шу пайтгача ҳам бизларни қондошларим деб ҳисобламас экан-да? Демак бутун яхшилигимизни ёмонликка ўгириб кетмоқчи экан-да? Худо сақласин, онамга бундан кўра оғир зарба бўлмайди...

Ёғоч чўмич билан шўрвани бир оз қориштирдим, оловни озгина пасайтириб, қайтиб уйга кирдим. Энвер чалқанча тушиб ётарди. Кўзлари юмуқ.

— Хўш, математикани тайёрладингми?

— Тайёрладим, — жавоб берди Энвер кўзларини очмасдан. — Ёддан бўлса ҳам, тўғри ечган эканман. Нима, текшириб кўрасизми?

— Албатта. Қани, географиядан бошлайлик. Назаримда, жуда ақлли бўлиб кетгани а ўхшаяпсан... Тентакқуш бошини қаерга тикишини жуда яхши ўргангансан...

— Сўранг, бўлмаса...

— СССРда энг катта дарёлар қанча? Отларни нима? Урта Осиёда дарёлар борми? Тоғларининг номи-чи? СССРнинг қаерларида қуриқ ерларни ўзлаштира бошладилар?

Сўнгни саволни эшитганда Энвер жиддийлашди, чуқур хўрсиниб, кўзларимга тикилди.

— Ҳозир Совет Иттифоқидаги Олтой, Қозоғистон чўлларидаги қуриқ ва бўз ерларни ўзлаштира бошладилар. Газеталарда ёзилишига қараганда, Марказий Фарғона водийсида ҳам, Мирзачўлда ҳам ўзлаштиришлар бошланади. Ҳаттоки олимлар ҳозир янги қуриладиган шаҳарларнинг планини чизаётган эмишлар... Масалан, Мирзачўлда «Янгиер» шаҳри бунёд бўлади.

— Яхши. Бундан қандай иқтисодий фойда келади?
— Шуюм савол бўлди-ю! Мингларча, юз мингларча гектар ер тозаланади, демак, Олтой, Қозоғистон миллионларча тонна арпа, бугдой бера бошласа, Ўзбекистон пахтани беришни кўпайтиради — бу кўриниб турган гап-ку! Юртимизда дон кўпайгандан кейин сиз ҳам бир буханка нон учун навбатларда туриб қийналмайдиган бўласиз:

— Бизда ҳозир ҳам ғалла етарли. Бу навбатларнинг сабаби баъзи одамлар ўз вазифасини вақтида адо этолмаганидир. Албатта, адо этолмайди-да, эски новвойхона кунига юз, икки юз буханка нон пиширади. Районда эса аҳоли сони ортди, янги ишхона, муассасалар очилди, янги новвойхона қурилиши эса ўлда-жўлда ётипти. Мамлакатимизнинг турли районларидан ишчи-хизматчилар кўчиб келтириляпти.

— Ундай бўлса бунга масъул одамларни шошириш керак.

— Ука, бу дейман, сенинг фикрингча, у одамлар кунда чойхонада гап сотиб юришади шекилли. Уларнинг новвойхона масаласидан бошқа ҳам қиладиган ишлари кўп. Мана, пахтани олайлик...

— Биладан, кўп ерларни дўл урган. Оғир масала, жуда оғир. Лекин новвойхона қурилиши ҳам тез ҳал қилиниши лозим бўлган оғир масала. Биринчидан, тўқ одам тез ишлайди. Иккинчидан, ишчиларнинг навбатларга сарфлаётган вақти ҳам бизга қимматга тушаётган бўлса керак.

— Ҳой, Энвер бола, иқтисодий масалалар бўйича менга лекция ўқи, деганим йўқ. Мен бекорчи эмасман... Сен ўзинг ёзувчи бўладан, дейсан, қўлингдан келса ўтириб ёз, мана, материал бор.

— Ҳали қараб туринг, ёзаман ҳам.

— Шу кунларда ул-бул қоралагандирсан? Ўқи-чи.

— Албатта, қораладим, мана тингланг:

Хўрозим бор сермомиқ,
Бели ингичка, ориқ,
Овози кескин, ўткир,
Оёқларида педикюр.

Энвер шеърини ўқиб бўлиб, ҳаяжон билан менга қаради.

— Тузукми?

— Тузук, ука, тузук... Лекин педикюринг нимаси?

— Педикюр... маникюрга ўхшаган нарса-да. Қўл тирноқларингни бўятсанг, — маникюр қилдирдим дейсан, оёқ тирноқларингни бўятсанг...

— Педикюр дейсан. Демак, бизнинг сермомиқ хўрозимиз сартарошхонага ҳам борар экан-да...

— Сиз қулманг. Бу — образ. Оёқлари қизил демай, педикюр дедим.

— Э-ҳа. Ундай бўлса «Бели ингичка, ориқ» деганинг нимаси? Умримда ингичка белли хўроз тугул, товуқни ҳам кўрмаганман. Ҳа, дарвоқе, қуш наслининг белида эти бўлмаса — бир чақа у, ҳа, шундай, болакай. Дарвоқе, тўхта, қозонга қараб келай, қайнаб қуриб қолмасин...

Шўрва ҳақиқатан пишаёзган, ўчоқдаги оловини пасайтириб, тузига қарадим, сўнгра орқамга қайтдим.

— Хў-ўп, тагин нима демоқчисиз? — Энвер бутун кўриниши билан саволга айланган эди.

— «Овози кескин, ўткир» дегансан. Ахир «кескин» билан «ўткир» бир маънони англатмайдими? «Педикюр» ҳам «ўткир»га қофия учун келтирилгани шундоқ кўриниб турибди.

Энвер шақиллаб кулиб юборди.

— Ана шу ерда тутдингиз мени, қойилман. Лекин болалар адабиётда юморнинг, кулгили ҳолатларнинг аҳамияти катта-да.

— Шундайликка шундайку-я, лекин юмор ҳам аҳмоқона бўлмаслиги керак. Қари одамнинг сирғанчиқ йўлда тойиб йиқилганини кўрган бир одам ачинади, иккинчиси эса кулади. Аҳмоқ кулса — буни тушу-

ниш мумкин, лекин унга қўшилиб ёзувчи ҳам кулса — бу энди фожиа.

— Педикюрли хўрознинг ориқлиги у қадар фожиа бўлмаса керак...

— Шундай. Лекин энди гап — шоир нима ҳақда фикр юритиши хусусида. Сенинг шеърингда эса шу нарса арзимасдан кўринади, аммо мутлоқ керакли нарса — фикр йўқ. Демак, асар ҳам йўқ, болакай. Ҳамма нарса бор: «ингичка беллар, момиқлар, «педикюр-маникюр», лекин шеър йўқ.

— Яхшики, ака, сиз адабиётшунос эмассиз. Танқидчи бўлсангиз борми, мендақаларнинг тоза шўри қурир экан-да...

— Йўқ, мен адабиётчи бўлмайман, қўрқма, лекин сенда адабиётга ҳавас бор экан, эсингда бўлсин: инженернинг ишига бурун тикмоқ ҳар кимнинг қўлидан келавермайди, лекин адабиётчи билан санъаткорнинг ишини ҳамма ҳам тушунаман, деб ўйлайди, танқид қила бошлайди. Бу табиий. Одамларнинг онги, савияси кундан-кун ўсиб борапти, эстетик туйғулари бойияпти. Демак, бора-бора ҳар ким ҳам ўсиб адабиёт ва санъатни сендан яхши биладиган бўлади, бора-бора сенинг маҳоратинг ўсишини талаб қилади...

— Тўхтанг, мана, иккинчи «шоир» ҳам келди.— Энвер кўча эшиги томонга ишора қилди.— У билан гаплашиб кўринг-чи... Лекин эҳтиёт бўлинг, тагин ёнида пичоғи бўлса...

— Овозингни ўчир. Бу дунёда ягона душмани бўладиган бўлса, ўша мен бўла қолай, олсин пичоғини, тиксин қовургаларим орасига. Лекин мен унинг акасиман. АҚАСИМАН, тушундингми?.. Ҳой йигитча! Ҳой Иса!

Иса эшикдан бошини тикиб кулимсиради, қўл силкиди.

— Э-э, салом! Нима қиялпсиз? Ака, мен ҳозир келаман, ташқарига чиқиб келай...

Шундай деб у жилдини ичкарига ирғитди.

— Ҳа -а, яхши, яхши,— дедим мен. Сўнг Энвер томонга ўгирилдим. У юзини четга ўгириб ётар эди. Гўё: «Мен бу ўйинга аралашмайман, нима қилсанглар — ўзларинг қилаверинглар, менинг ишим йўқ», деганга ўхшарди. Бирдан асабийлаша бошладим.

— Энвер,— дедим оҳиста шивирлаб,— агар чирик фалсафий гаплар тўқий бошласанг — миянгни эзиб ташлайман. Исанинг нима учун бундай қилганини мен яхши биламан. Ақлинг етмаса, жойингда ётавергин-у, миқ этма, йўқса...

— Нима «йўқса», нима «йўқса»?! Туриб ураман, демоқчимисиз? Албатта, мендай шол, ташқарига ҳам чиқа олмайдиган одамни нима қилса ҳам бўлаверади — шундай демоқчимисиз?!

— Учир, аҳмоқ! Сен хастасан. Буни ҳар ким билади, лекин ҳеч ким сени «хастасан» деб айбламайди. Сенга айтиб қўяй, қулоғингга қўрғошиндай қуйиб ол; Иса ҳам хусусан шунинг учун, сенинг хасталигинг туфайли мактабга бормай, қўналдиққа қочиб бориб ишлаб юрибди. Ёрдам бермоқчи онамизга...

— Ётқизинг мени касалхонага! Нимага керак бунақа қийналиш?! Ётқизинг — ҳаммангизга ҳам осон бўлади...

— Учир деяпман.

— Ака, мен келдим,— эшик олдида Иса пайдо бўлди — қўнғироқ сочли, йирик қора кўзли, қалин қошли бир бола — ғирт лўлининг ўзи. Афтидан кўриниб турибди: гапларимизнинг ҳаммасини эшитган, лекин юраги така-пука бўлса ҳам ўзини гўлликка солиб индамай кулиб турипти.

— Шундай қилиб қайтдингми энди? — дедим мен хунук тиржайиб.

— Қайтдим.

— Дарслар яхши ўтдимми?

— Бир нави, ака.

— Бугун неча тонна бўшатдинглар? Қанча пул ишладинг?

— Қандай тонна, қандай пул?

Мен сакраб ўрнимдан турдим, Исанинг елкасидан тутдим, юзини юзимга тўғрилаб, аста пичирладим:

— Ўзинг аҳмоқ бўлсанг, бошқаларни ҳам аҳмоқ деб ўйлама. Сен бугун қаерда эдинг?

Иса яна ёлғон гапирди:

— Мактабда эдим.

Мен ортиқ чидаб туrolмадим, нақ оғзига шапалоқ тортиб юбордим.

— Яна бир такрорла-чи, мен эшитай, қаерда эдинг? Мактабдами?

Иса бир сония кўзимга тикилиб турди, сўнг бошини эгди.

— Қўналдиқда эдим. Кўмир бўшатдик.

— Қани, қанча пул ишладинг?

Иса чўнтагидан бир тўп уч ва беш сўмлик пул чиқарди.

— Қанча?

— Ўттиз сўм.

— «Ўттиз сўм». Жуда гўзал. Жуда ажойиб. Кўп пул ишлабсан. Ўттиз сўм, қойил, Иса, жигарим. Қо-йил!

Мен бир оз ўзимни босиб олиш учун «уҳ» тортдим, Иса берган пулни санаб чиқдим. Тўғри, ўттиз сўм экан.

Сен, Иса, онамизни уйда қачон кўрдинг, хотирла-чи?

Иса бир оз хаёлга чўмди, сўнгра деди:

— Бир ҳафта бўлди — онамизни кўрганам йўқ. Мен ўрнимдан турганимда у аллақачон ишга кетган бўлади, кечқурун эса биз ётиб қолганимизда у ҳали ишдан келмаган бўлади... Шундай қилиб, уни кўролмайдиман.

— У ғарибга қийин, дарвоқе, шу тўғрими?

— Тўғри, ака... — Иса бошини баттар осилтирди. — У бечора бизни деб... Биз учун...

— Тўхта, шумшук. Дарров обидийда қилма. Йиғлаш — осон иш. Сен миянгнинг қатигини чайқат: нима учун у шўрлик кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлайди, ҳам медпунктда ҳамширалик, ҳам мактабда фаррошлик қилади, нима учун?

— Етар, ака, буни ҳаммамиз биламиз. Мен ҳам шунинг учун қўналдиққа кўмир ташиш учун кетдим...

— Шундай дегин. Онамизга ёрдам бермоқчи бўлдинг, демак? Унинг бутун уринишлари, тиришишлари нима учун экан-а, ажабо? Балки, у болаларим ўқисин, билим олсин, бошқалардан кам бўлмасин, деб тиришаётгандир. Сенинг ақлли бошинга бундай фикр келмадими?

— Биламан. Лекин оймизнинг бир ўзи тўрт болани оёққа турғизиши осонмас... Оғир бўлади... Унга ёрдам қилиш керак...

— Раҳмат. Лекин сениз ҳам ёрдам кўрсатувчилар бор. Масалан, мен, Энвер... Сен эса...

— Ака! Мен сиздан икки-уч ёш кичик бўлсам оиламизга ёрдам бериш тўғрисида ўйлашганим керакми-а? Ундан ташқари, сиз ўнинчи синфдасиз, давлат имтиҳонлари беришингиз керак...

— Шундай дегин! Сен ахир биласанми, аҳмоқ, агар сен... Сен мактабни ташласанг — оймиз жинни бўлиб қолади! Бутун тоат-ибодатлари, бутун кўрган-кечирган қийинчиликлари ҳавога соврилган деб ҳисоблайди... Қўналдиғинг билан, ўттиз сўминг билан сен унга ёрдам этолмайсан — ўлдирасан. Тушундингми?

— Тушундим. Лекин, тушунсам-да, мен бундай қараб ўтиролмайман. Уйга фойдам тегиши керак. Йўқса мен ўзимни қўярга жой тополмайман.

— Яхши, афандим. Етар, бир қарорга келайлик. Уйга ҳаммамиз бирон фойда келтиришга уринайлик. Лекин нима қилсак ҳам бу бизнинг ўқишимизга халал бермаслиги керак. Ёз келса, мактабни тугатган заҳотимиз яна бориб колхозга баравар ёпирилайлик. Тўрт-беш юз ишласак, уст-бошимизга етса — оймизга бундан яхши ёрдам бўлмайди.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозирми? Ҳозир бор, қўлларингни ювгин-да, ўтириб овқатлан. Нон анов ерда. Мен ҳозир шўрвани сузиб келаман. Бу масалага эса

бошқа қайтмайлик. Агар қайтишга мажбур этсанг — пушаймон қилиб юрма. Абжағингни чиқараман.

— Бу пулни...

— Менда турсин. Ойимизга кейинроқ бераман. Албатта бир ёлгон ёки уйдирма ишлатиш керак бўлади. Сен эса мактабдан келдинг, яхшими?

— Султание оғзидан гуллаб қўймаса...— деди четдан Энвер.

— Мен уни пишиқлаб қўяман. Қани, кетдик, мен бориб шўрвани келтирай. Сен, Иса, қошиқларни ол, нонни кес.

...Оқшом тушди. Султание мактабдан қайтди, онам эса ишдан келди. Уччовимиз бориб мактабнинг полларини ювдик. Иса ўтириб дарсларини тайёрлади. Мана энди бутун машмашалар унутулиб, лампа ёруғида ўтирибмиз. Энвер тўшакда, блокнотини ёстиғи устига қўйиб, бир нарсалар қоралаяпти. Яна шеър туғаётгандир-да, тагин; «Хўрозим бор сермоиқ, бели ингичка, ориқ», демоқчимикин?! Ҳа, топиб айтган, кулгисини қистатади кишининг! Нима бўлганда ҳам, ўзига иш топгани яхши, эрмаги, машғулоти бор. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса, сиқилиб қон бўлиб кетарди. Туғилгандан буён юролмайди, ахир ҳазил гапми бу! Уруш бошланган йили туғилишнинг фожиаси, ҳа. Полиомиелит. Онам уни вақтида врачга ҳам кўрсата олмаган. Врач қаёқда дейсиз? Жон омон қолганига ҳам шукр, жангчининг оиласи деб отиб ташлашса нима бўларди? Кейинчалик эса кеч бўлди. Оёқлари қуриб қолди. Бир инсон энди бир умр бахтсиз. Ўзи, бечора, жуда иродали бола, эртаю кеч, ахйри оёққа тураман деб, умид қилади. Кунда гимнастика билан шуғулланади. Тинмай китоб ўқийди, дарс тайёрлайди, ўқув йилининг охирида икки-уч ўқитувчи келиб ундан имтиҳон олмоқчи. Бунинг учун улар ҳеч ҳам ҳақ талаб қилмайдилар, инсонийлик бурчларини адо этадилар. Директоримиз Сайфихўжаев: «Мен соғ бўлсам-у, ўлмасам, директорликдан кетмасам албатта шу болага «шаҳодатнома» олиб бераман, дейди. Шундай қилади ҳам. Бир сўзли киши у.

Султание китоб ўқияпти. Гоҳо-гоҳо пиқир-пиқир кулиб қўяди; ба-рон Мюнхаузеннинг уйдирмалари таъсир қилаётган бўлса керак. Онам кўзойнагини бурнига қўндириб, йиртилган пайпоқларимизни ямаб ўтирибди. Иса ерга тўшалган кигизда ётибди, кўзларини юмиб олган, лекин уйғоқ, ҳар замонда ним очиқ киприклари орасидан онамга хафа қараб қўяди. Хафа. Чунки онамдан яхши койиш эшитди. Биз яширсак ҳам кимдир унга Исанинг темир йўл қўналдиғида ишлашга борганини айтипти. Эсиз-эсиз пул. Онам ўттиз сўмни майда-майда қилиб йиртиб ташлади... «Мен сени деб ўлимдан қўрқмаган эдим, бундай қилиб миннатдорчилик билдирарсан, деб ўйламовдим. Раҳмат, яша, ўғлим. Мени уялтирдинг одамлар орасида!» Сўзини тугатолмай, ҳўнграб юборди. Ялиниб-ёлбориб аранг тинчлантирдик.

Исанинг тарихи — узоқ тарих. Уруш йиллари тун яримдан оққанда кимдир деразамизни қоқади. Онам шошиб ўрнидан туради. Қаердадир милтиқ отилади, итлар вовуллай бошлайди. Онам чироқни ёқмасдан деразага яқинлашади. Қараса, умрида кўрмаган-билмаган бир одам турган бўлади.

— Ким бу? — дейди онам.

— Эшикни очинг, опажон. Ялиниб-ёлбораман, очинг! — дейди дераза ортидаги одам дир-дир қалтираб. «Бу кишининг бошига бахтсизлик тушганга ўхшайди». — деб ўйлайди онам, лекин эшикни очмайди. Қўрқади. Ёлғиз аёл, офатли жанг йиллари, бўлар-бўлмагга эшик очиб бўлармиди?! У одам буни тушунади. Сапчиб деразага чиқади, форточкага бошини суқади.

«Мен Табла қишлоғида яшаган Қуртнезир Берекетли бўламан. Миллатим лўли. Тикувчилик қилар эдим. Гестапочилар бугун бизни босиб олиб кетишга келдилар. Онамни, қизимни, етмиш ёшли отамни тутиб, машинага отдилар. Ташқарига чиқдим, соқчининг бошига курак билан урдим, бешикда ётган боламни олдим-у, қочдим. Мана, ич кийим-даман, елкамга пальтомни ташлаб чиққан эдим. Шундайгина қочдим.

Лекин энди қочиб қайга ҳам борардим, бари бир тутиб оладилар. Би-
ламан. Лекин ҳеч бўлмаса мана бу гўдакни — ўғлимни қутқариб қо-
ларман, деб умид қилдим. Елбораман, опажон, олинг боламни. Оти
Иса. Ўзи ҳам унча лўлига ўхшамайди. Ўғлим десангиз, балки ишони-
шар». Бу сўзларни эшитган онам эшикни очишга журъат этади, лекин
Берекетли уни тўхтатади. «Очмай қўя қолинг, кимдир кўриши мумкин.
Мен болани эшик тагига ташлаб кетайин, бир оздан кейин олар-
сиз...».

«Мен бу болани ўғлим дерман, аммо ҳамқишлоқларингиздан би-
рон-бир хоин чиқиб сирни ошкор қилса нима қиламан? Ўзимнинг ҳам
уч болам бор...» — дейди онам саросимага тушиб.

«Биламан, опажон, сизнинг бошингизга бахтсизлик келтираман,
лекин нима қилай, бошқа чорам йўқ... Агар тутсалар — на илож, кўча-
га олиб чиқиб ташлайсиз болани... Қарасам, эшик тагига ташлаб кети-
шипти, кимнинг боласи эканини мен қаёқдан билай, дерсиз...».

«Майли, қолсин, — дейди шундан сўнг онам. — Ажалимиз шундан
бўлса — ўлиб қўя қолармиз».

«Раҳмат, олло яхшилигингизни қайтарсин! Мен узоққа қочиб
улгурмасам керак. Мени отсалар-да, бошимни кессалар-да, болани ол-
ганимни, сизга ташлаганимни айтмайман. Ҳеч бўлмаса шу мурғак Иса
соғ қолсайди, ё раббий! Лекин мен қандай бўлмасин сизнинг қишло-
қингиздан узоққа қочишга ҳаракат қиламан. Сизга шубҳа тушмасин
учун. Ана, милтиқ отишяпти, итлар вовуллашяпти, мотоцикллар патир-
лаяпти, демак тезда бу ерга ҳам етиб келишади. Мен кетдим!..»

«Югуринг, тез ғойиб бўлинг!».

Берекетли сакраб ерга тушди, ёнидан пичоқ чиқаради.

«Мен бу иблисларнинг қўлига тирик тушмайман. Хонадоним учун,
отам учун интиқом олиб, сўнг ўламан. Ўз-ўзимни ўлдираман. Сизни
эса, опажон, олло паноҳида сақласин. Болаларингизнинг бахтини кў-
ринг!»

«Тўхтанг, яна бир сония! Бу боланинг яна кими бор? Жигарла-
рингиздан қолмадими?»

«Бир оғам бор эди, — ўликми, тирикми билмайман. Қизил Армия
сафида, сержант Илимдар Берекетли. Уруш бошланган пайтда Маз-
докда хизмат қилар эди.»

«Мен уни насиб этса урушдан кейин қидириб топаман!...»

«Раҳмат. Соғ бўлинг. Олло сизга бахт берсин!..».

Шундан кейин Берекетли кўздан ғойиб бўлади. Тагин уч-тўрт дақи-
қадан сўнг йўлда мотоцикллар, моторлар гуриллаши-ю, нотаниш овоз-
лар эшитилади, итлар вовуллайди, сўнгра кетма-кет ўқ узилади. Де-
мак, ҳаммаси тугади, ўйлайди онам. У шу кеча бошқа ухламайди. Тонг-
ни кутади, гестапочилар ана-мана тинтув бошлашади, деб таҳликага
тушади. Аммо улар тинтув қилмайдилар. Берекетлининг мурдасини
мактаб ёнидаги телеграф ёғочига осиб, кўкрагидаги тахтачага эса
«Партизан. Улуғ рейх аскарларига қўл кўтарганларнинг ҳаммасини
шундай ўлим кутади!» деб ёзиб қўядилар.

Онам ўйлай-ўйлай ўзи туғилган қишлоғига кетишни ният қилиб
қўяди. У ерда унинг опаси яшайди. Қишлоққа бориб келганига эса ик-
ки-уч йил бўлган, яна бола кўрган-кўрмаганини ҳеч ким билмайди,
демак, Исани ўз болам деса, ҳеч ким шубҳаланиб ўтирмайди, деган
фикрга боради онам. Опаси кўп йиллар қишлоқ советида котиблик
қилган, уруш бошланиб, Қримга бегона тилли кишилар кириб келганда
муҳри справка бланкаларини яшириб қўйган экан, Исанинг гувоҳно-
маларини ҳам тўғрилайди. Шу-шу у Иса Таймазов бўлади. Бу тарих
ўзининг ҳам хотирасида сақланган, ахир бундай фожиалар унутилди-
ми, биродарлар?! Ҳозир Иса шунинг учун ҳам ўзини етим ҳисоблайди.
Нима, биз ўзимиз етим эмасмизми? Шундай экан, нима учун ҳамжи-
ҳат бўлиб, бутун қийинчиликларга қарши курашмаслигимиз керак?!

— Ярим соат ўтириб қолсам дарров белим оғрийди, нима бало
бўлган, билмайман, — деб кутилмаганда бошини кўтарди Султание.

— Э, болам, ревматизм, — хўрсинди онам. — Бу ярамас касаллик ҳаммамизда бор. Анов йили қишда ерда ётган эдик, ўшанинг оқибати...

— Мен ахир бир каравот ясайлик деб тахта келтирдим, ўзингиз қувиб чиқардингиз-ку, — деди четдан Иса ўкинчли овоз билан. — Тағин ўн дона тахтача келтирганимизда, полга ҳам етар эди, бизга ҳам бу мараз касаллик ёпишмас эди.

— Ўғирлаб келтирилган тахтачаларингни бошимга ураманми? Улсам ҳам олмайман бунақасини. Сувда ётсам ётаман-у, аммо сизларга ўғирлик қилдирмайман. Тушундингми, болам?

— Тушундим, тушундим. Аллақачон тушунганман...

— Бундай қилғиликни бир қилдинг, иккинчи қилсанг, бошингга ит кунингни соламан!

Иса қайтиб бир нарса демади: Биз ҳам нафасимизни чиқармай ўтирардик. Онам алламаҳалгача чурқ этмай ўтирди, бизнинг гап қайтаришимизни кутаётганга ўхшарди. Биз индамагандан кейин бир уф тортиди-да, давом этди:

— Биласизми, болалар, агар отангиз ёнингизда бўлганда у аллақачон уй қуришни кўзлаб қолган бўлар эди. Мана, ўзингиз кўринг. Кенг ҳовлимиз бор. Шу ўтирган уйимизнинг ускунаси ҳам оз эмас: ўзбек уйларининг девори ичида ёғоч синч бўлар экан. Агар уйни гиштдан қурсак бутун ёғочларини ишлатиш мумкин бўлади. Албатта, чириган-пириганга ҳам чиқар... билмадим, қанча ускуна сотиб олиш керак бўларкин. Ё янги уйсиз ўтамизми? Одамларнинг айтишига қараганда, уй қурмоқчи бўлганга ижроня комитети пул қарз берармиш, ускуна топишга ҳам ёрдам қилармиш.

— Э, она, шу ерда уй солиб бўларканми? — тўнғиллади Иса. — Ёнгинамиздан оққан ариқ биздан уч метр қуйида. Бундай жойга ақсиз одамгина уй қуради.

— Ақлингга балли, ўғлим! — Онам қўққисдан шарақлаб кулди ва бу билан мени таажжублантирди. Мен унинг яна кўнгли оғришини кутган эдим... Чунки Исанинг ўртага ўринсиз луқма ташлаш одати бор эди. Буни эса ҳар қандай шахс ёқтиравермайди.

— Балли ақлингга, ўғлим! — такрорлади онам. — Вақти келиб менга ажойиб ёрдамчи бўласан, бунга ишонаман. Лекин мени бекорга аҳмоқча чиқардинг. Агар мен бир нарсани орқа-олдига қараб ўйлаб кўрмаган бўлсам — бу гапни айтмас эдим. Ариқ жуда ноқулай жойда эканини ҳам, кучимиз, пулимиз йўқлигини ҳам назарда тутдим. Лекин ҳар қалай, бир-икки хонали уйча қуришга қурбимиз етар, деб ўйлайман. Шундайми, Энвер?

Энвер ётган жойида бош силкиди.

— Мен буни аллақачон ҳисоблаб чиққанман, — деди онам ғурур билан. — Лекин бу иш ҳаммамиздан зарур нарсани талаб қилади, ҳамжиҳат бўлишимизни. Бу мақсадни амалга оширишни ҳаммамиз астойдил истасак айни муддао бўлади.

— Она! Сиз менга бу ҳақда нега индамаган эдингиз? — дедим мен кўнглим чўкиб.

— Мен буни ҳеч кимга ҳам айтганим йўқ. Баъзида уйда ёлғиз қолганда Энвер билан гаплашдим, баъзан маслаҳатлашдим. У эса ётган ерида танҳоликда, керакли режаларни чизган, керакли ҳисобларни қилган. Ўғлим Энвер, қани, ҳовлимизнинг ҳозирги кўриниши тасвирланган расмингни кўрсат-чи.

Энвер ёнидаги токчадан қоғозларни титкилаб бирини олди, бизга узатди. Бундай «миллиметровка»ларни мен унга ўқитувчимиз Наум Ефимовичдан сўраб олиб келар эдим, чизмачилик дарсларини ўрганиши учун. Демак, бекорга гадойлик қилиб юрмаган эканман, Энвер бу қоғозлардан, дарсларидан ташқари, бошқа нарсалар учун ҳам фойдаланган.

Хона ичи жимжит. Ҳеч кимса индамайди. Ҳаммамиз уйимизнинг режасига кўз тикиб ўтирибмиз, фақат бир чироқнинг оҳистагина чирсиллаётгани эшитилади.

— Бошлапти,— деди ниҳоят Иса.

— Сен нима деб ўйловдинг?! — деди онам ғурур билан.

Тўғри, Энвернинг чизган плани жуда гўзал, ҳақиқатга жуда яқин эди. Планининг тагида тушунтириш жадвали тузилган. Мана у:

«Ҳовлининг умумий кўриниши. Селкелди йўли, номери йўқ уй. Унинг ёқасида эски ташландиқ мачит. Биз турган уй унинг воқиф ери бўлган. Лекин тупроғи қумли ва тузли, уни қиш ойларида яхшилаб ювиш керак! Бу эса асло мумкин эмас — сув йўқ. Ҳовлида икки дарахт ўсади, бири тут, иккинчиси ўрик. Кичкина полизимиз ҳам бор, ариқча яқин ерда. У ерда сабзи, пиёз ўсади. Уларни суғориш учун сувни челақлаб ташиймиз. Ариқнинг ёнидан йўл ўтади. Ҳовлининг йўл тарафидаги деворни маккажўхори поясидан қилдик.

ИЛОВА. Икки хонали уй қуриш учун ўн икки-ўн беш минг донга ғишт керак. Шунча ғишт қуйиш иши 3 босқичга бўлиниши лозим. Бунинг учун ҳовли уч қисмга бўлинади. (Штрихларга диққат қилинг). Биринчи галда ҳовлининг орқа томони, сўнгра ўртаси ишлатилади. Бу ерлардан олинган тупроқдан уйга керакли ғишт ҳам чиқади, ҳовлини ўраб олган девор учун ҳам етади. Янги уй ҳовлининг иккинчи қисмида қурилади. Учинчи қисмининг тупроғи лойга керак бўлади. Сўнг бу ерларда товуқлар учун каталак қуриш имкони бор. Уй икки навбатда битирилади. Аввало икки хонанинг деворлари қурилади. Бу орада эски уйга тегилмайди. Сўнгра иккинчи хонанинг томини ёпишда эски уй бузилади, ускуналари ишлатилади. Иккинчи хонага уйнинг синчи ишлатилади. Уй тайёр бўлгач, ёнига тақаб айвон, ошхона солиш кўзда тутилади. Бу ишларни адо этиш муддати ўрта ҳисобда беш йил. Албатта, эртaroқ бўлса яна яхши».

Янги уй планини, тушунтириш қоғозини ўқиб чиққандан кейин биз талай вақтгача чурқ этмай ўтирдик. Ҳаммамизнинг кўзимизда ҳаяжон, ўй-хаёл. Инсон умид, орзу билан яшайди, деганлари тўғри экан. Қоронғи, кўримсиз хона ичида керосин чироғи ёруғида ўтириб ўзимизни янги уйга кўчиб киргандек ҳис этдик. Ҳаттоки менинг тиришларим тарқала бошлади — қани энди ҳозирнинг ўзида кетмонни олиб чиқсам-у, ҳовлининг орқа тарафига ўтиб, ғишт учун лой бошласам! Лекин бунга ҳали эрта — иссиқ кунлар бошланиши керак, камида ўттиз даража иссиқ керак. Йўқса қилинган меҳнат зое кетади. Кўпи билан бир ойдан сўнг ишни бошлаш мумкин. Шундайку-я, аммо менинг орзуим нима бўлади? Уй қуриш учун мен ҳам шу ерда қолишим шарт. Менсиз иш бўлмайди. Модомики, шундай экан, бутун истакларинг билан хайрлашиш керак десанг-чи?!

— Нега мунгайиб қолдинг, болам? — деди онам фикрларимни бўлиб.— Сен буни тагин онам атайлаб ўйлаб топган, деб юрмагин. Йўқ, болам, мен сенинг, ҳатто ҳеч бирингизнинг йўлингизни тўсмайман. Сен Олтой ёки Қозоғистон қўриқларига кетиб ишлашни орзу қиласан. Бирингиз ўқишни истарсиз, бирингиз турмушга чиқишни,— онам бизга кўз қисиб Султаниега назар ташлади.

— Э, она, қўйсангиз-чи, шуюм гап бўлди-ю! — деди у қип-қизариб.— Улсам ҳам эрга тегмайман, бошимга урамани эрни!

— Ҳазиллашдим,— давом этди онам.— Нимаики истасангиз — йўлингиз очик. Лекин инсоннинг туғилган уйи, туғилган бўсағаси бўлмоғи шарт, унинг юрагини бир ерга боғлаган, уни доимо кутадиган жойи бўлмоғи қонун. Бу эса: ота-она уйдир. Бундай уйни мен билан раҳматли отангиз қуриб сизларга қолдиrolмадик. Демак, уни ўзингиз қура-расизлар. Қимнинг қўлидан нима келса — ўшани қилар. Қимирлаган қир сшар, дейдилар. Аста-секин бошласак, сўнг иш ўз-ўзидан уланиб кетаверади. Кўз қўрқoқ, қўл ботир. Нима дединг, ўғлим?

— Мен розиман, она.

— Жуда яхши. Мактабни битириб, қўриқ ерга йўлланма олгунингча ярим йил бор. Бу вақт ичида биз ғишт қуйиб битказамиз. Сен кетсанг — қолганини ўзимиз қураимиз...

Шу аснода онамнинг овози озгина бўғилиб қалтирагандай туюлди менга. Узимнинг ҳам томоғимга алланима келиб тиқилгандай бўлди. Аммо нима ҳам дердим! Бошимни эгдим, индамадим...

Катта орзум

Дўстим Удед билан мақсадимиз, оорзумиз бир бўлгани учун бўз ерларни ўзлаштиришга бирга кетмоққа қарор бердик. Олтойга. Қозоғистон бизни ўзига кўпда жалб этмас эди: ораси яқин, демак, романтикаси ҳам оз. Биз шоша-пиша ўзимизни келажакка ҳозирлай бошладик: турникка осилар, штанга ва икки пудлик тош кўтарар эдик — Сибирда кучли ва матонатли одамлар керак бўлади. Ҳозирликларимиздан яна бири — Удед билан қўшилиб гитара сотиб олдик. Гитарасиз романтикани ким кўрган? Икковимиз ҳам чалишни билмаймиз, ўрганишга ҳам шошилмаймиз: Сибирда ҳали вақтимиз кўп бўлади. Узун тунлари чўлда ётиб қолганда, атрофимизга йигит-қизларни ўтқазиб, бир чалайликки, ҳайрон-ҳайрон қолишсин. Кўкда юлдузлар йилтиллайди, уфқда ой, гитаранинг мунгли саси юксак-юксакларга таралади, уйқуга толган чек-чегарасиз буғдойзорлар узра тўлқинланади, тоза, шифобахш ҳавога сингади, юракларни жўштиради, бахт келажакка ишонтиради.

Орзуларимизда тракторларнинг гулдуросини тинглар, ўзимиз очган гектар-гектар ерларни кўрар эдик. Мен онамга ҳар ой кўп-кўп пул юбораман, чунки пул топишим ёмон эмас. Узимга қизил рангли мотоцикл оламан. Бўз ерларни ўзлаштириш тарихини абадийлаштириш учун «Зенит» фотоаппарати ҳам оламан. Удед эса ўзига «Победа» машинаси сотиб олишни режалаштириб қўйди. Бу — унинг энг катта, энг улуғ, энг муҳим орзуси. Баъзан-баъзан орзуларга жуда берилиб кетганда портретларимизни «Комсомольская правда» газетасининг биринчи саҳифасида кўражагимизга ишонар, ҳаттоки, ўзимизни тарғибот қилган мақоланинг сарлавҳасини ҳам тасаввур қилар эдик. «Кечаги ўқувчилар бугунги бўз ерларнинг лочинлари...»

Учирма бўлган лочинлар ота-онасидан ҳам тез ва узоқ учишга тиришар экан. Ҳозирги замон болалари ҳам шундайдириллар. Тез-тез ота-она қаноти остидан чиқиб, янги маконларга учишга интиладилар, янги ерларни кўришни ҳавас қиладилар. Бу табиий ҳолдир, бунда ота-оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам ҳиссаси бор. Эндиликда ҳамма нарса ни тушуниб етган ота-оналар ўз болаларини бир қозикқа боғлаб қўймайдилар, умр бўйи ўз қаноти остида асрашга тиришмайдилар. Ҳамма болалар узоқларга кетишса, бунда аввалги пайтлардаги фожиа йўқ. Чунки минг-ўн минг километрлик масофа эндиликда чўт эмас. Бор йўғи бу тўрт соатлик йўлдир. Эллик сўмлик йўлдир. Нонуштани уйда қилиб, тушликкача Москвага етиб олиш мумкин. Аксари одамлар ўз умрларини шундай қурадилар ҳам. Лекин менинг шароитим у пайтларда бутунлай бошқача эди. Юрагимнинг бир чеккаси, орзуларим мени узоқларга, уфқларга, Олтой осмони остига даъват этса, иккинчи чеккаси: «Онанг, укаларинг бу ерда ёлғиз қолишади, сен бўлсанг уларни ташлаб кетаверасанми?»

Ундан ташқари улар уй қурмоқчи. Қўлидан иш келадиган одам кетса, бу тирмизаклар ниманинг ҳам уддасидан чиқарди? Шундай пайтда уларни ташлаб кетишга уялмайсанми?» — дер эди.

Шундай хаёллар ўз исканжасига олиб, ҳар куни юракни сиқа бошлар эди. Мактабга бораман, уйга келаман, дўконларда навбатда турман, дўстлар билан кўришаман, укаларим билан уришаман, аммо бу масала асло миямдан чиқмайди. Қанийди энди бир иложини қилиб бундан қутулсам.

Кунлар обдан исиб кетди. Уқишимиз давом этарди. Бир куни йўлакда дарс жадвали тепасида янги эълон пайдо бўлди. Катта-катта ҳарфлар билан «ИМТИҲОНГА... КҮН ҚОЛДИ», — деб ёзилган эди.

Бўш жойга навабатчи ўқувчилар ҳар куни янги рақам ёзилган ғозозни ёпиштириб қўярди. Рақам борган сари кичрайиб борарди: 10, 9, 8... 5, 3...

Уйда қурилиш ишларига ҳозирлик катта. Ҳовлимизнинг ҳар та- рафини текислаб, кетмон билан шиббалаб чиқдик. Тағин ҳам қотсин, деб, Иса ҳар куни кечқурун дўстларини тўплаб олиб келар — югури- шар, курашишар, турли ўйинлар — «Эшак минди», «гаров-гаров», «даста» ўйнардилар. Мен дўқондан икки яшик сотиб олдим, қолип яса- дим. Ўзимга тўрт кўзлигини, Исага эса уч кўзлигини. Онам тўрт кўз- лиги билан ишлайман, деди. Султание роса минғирлади. «Менга-чи, менга қолип қани?». «Сен бизга чой ташийсан, овқат пиширасан,— де- дим мен.— Жуда зарур бўлса ғиштларни «солдат» қилиб тахлашга ёр- дамлашарсан. Ғишт қуйиш, лойга беланиш қиз боланинг иши эмас!» «Энвер-чи? У ётаверадими уйда бир ўзи,— деди Султание.— Сиз бил- майсиз, ака, у жуда сиқилади. Гўё менинг сира фойдам тегмаяпти, де- гандек». «Ўзим ҳам кўриб турибман,— дедим мен.— Майли, бир нарса ўйлаб топармиз. Ўлимдан бошқа ҳар нарсанинг иложини қилиш мум- кин». Шундан сўнг биз Иса билан икковлашиб бир неча маротаба Каб- ловская бекатига бордик. У ерда катта нефть ишлаш заводи бор. За- воднинг орқаси турли темир-терсак макони. Қидира-қидира уч темир гупчак топдик. Мен улардан Энверга аравача ясай бошладим. Қўлига икки таёқ олиб, чанғида кетгандай итарса истаган тарафига кета ола- ди. Демак, михлангандай уйда ўтирмайди. Ҳавода кўп юрса, балки фойдаси бўлар. Энвер шундай бола — ишсиз ўтирмайди, фойда келти- ришга тиришади. Мана бугун мактабдан келсам — юзи қуёшдай пор- лаб турибди, кўзларида қувонч, шодлик.

— Ака, бир нарса айтсам суюнчи берасизми?

— Хушхабар бўлса албатта бераман. Лекин нима берсам бўлар- кин? Молим йўқ, пулим йўқ.

— Менга ҳеч нарса керакмас. Сиз қувонсангиз — бундан яхши суюнчи борми!

— Қувонадиган нарса бўлса нега энди қувонмас эканман?

Энвер ёстиғи тагидан тўрт букланган газета чиқарди. Қарасам, «Ферганская правда». Менга узатди.

— Уқинг. Тўртинчи бетда.

Газетани қўлимга олиб, керакли саҳифани очдим, қай бирини ўқишни билмай, сарлавҳаларга тез-тез кўз югуртирдим. «Колхоз клу- би», «Икки механик депутат», «Бизнинг почтамыз», «Фарғона шаҳар клублари, театр ва кинотеатрларида». Ажаб, буларнинг мени қувонти- радиган нимаси бор экан? Шу Энвер ҳам қизиқ бола-да!

— «Бизнинг почтамыз»ни ўқинг. Топдингизми?

Оббо шайтон-эй, гап буёқда экан-да! Ахир бу Э. Таймазовнинг ма- қоласи-ку! Қани, қани, бир кўриб қўяйлик-чи... Қани, авторнинг ўзи ҳам эшитиб қўйсин-чи. Ўзи минг марталаб ўқиган бўлса ҳам, менинг ўқиб берганим унга хуш ёқаверади...

АВТОР!

«Фарғона областининг Пахтакор районидаги Каттайўл қишлоғи райондаги қишлоқларнинг энг каттаси ҳисобланади. Қишлоқдаги «Ле- нин йўли» номли колхознинг ўзидаёқ бир минг икки юзта колхозчи иш- лайди. Хўжаликдаги беш минг гектардан кўпроқ ердан яхшигина пах- та ҳосили олинади. Қишлоқда МТС, районлараро қурилиш, сув хўжа- лиги ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари хизмат қилишади. Сўнгги йиллар мобайнида қишлоқ аҳолисининг сони икки-уч марта кўпайди. Бундан кейин ҳам кўпаяди, бунга шак-шубҳа йўқ. Қишлоқда ишлаб турган иккита ўрта ва учта бошланғич мактаб бу гапнинг далили бўла олади. Қишлоқ аҳолиси колхоз далаларида, МТС ва бошқа муассаса- ларда, ҳаттоки Кабловская қўналдиғига қатнаб, нефть заводида сама- рали меҳнат қилмоқда, урушдан кейинги хўжалигимизни тиклашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шунга қарамай, бу ерда аҳолини озиқ-овқат, айниқса нон билан таъминлаш масаласи жуда ёмон аҳволда-

дир. Қишлоқ тандири эскирган, замон талабларига жавоб бермайди, меҳнаткашларнинг эҳтиёжини қондиролмапти. Каттайўлда тонг отмасдан нон дўкони олдида навбати келишини кутиб турган кишилар тўдасини кўриш мумкин. Тўрт-беш соат вақтни йўқотиш ҳисобига бир буханка нонга эга бўладилар. Ҳолбуки, мамлакатимизда галла етиштриш масаласи аллақачон ҳал бўлган. Ҳар ким ўзига етадиган миқдорда нон сотиб олиши мумкин. Лекин масала қишлоқда аҳоли таъминотиқ ишига яхши аҳамият берилмаётганида. Бундай вазиятга чек қўйиш учун район ижроия комитети, район савдо бўлими ва бошқа ташкилотлар янги новвойхона қуришни кўзда тутмоқлари даркор. Бу ишни бошламоқ вақти етди, чунки аҳолини ўз вақтида нон билан таъминлаш ишчи ва колхозчиларнинг вақтини тежаш деган сўздир. Уларнинг ҳар соати эса олтинга тенгдир. Юзларча кишиларнинг навбат кутиб йўқотган ҳар соати давлатимизнинг ҳайдалмай қолган ўнларча гектар еридир, ясалмай қолган ўнларча станок ёхуд машинасидир. Биз меҳнаткашларимизнинг вақтларини тежашимиз лозим.

**Э. ТАЙМАЗОВ,
штатсиз мухбир».**

— Хўш, ака, энди нима дейсиз? Ишни қойиллатибманми, йўқми?— деди ғурур билан «Э. Таймазов».

— Қойил, йигит, мен сенга қойил қолдим! Наҳотки ҳаммасини ўзинг ёзган бўласанг?

— Бўлмаса-чи. Тағинам анча қисқартиришипти. Мен қишлоқ манзараларини ҳам тасвирлаган эдим. Ана ўша жойларини олиб ташлашипти. Лекин гап унда ҳам эмас. Сиз давомини ўқинг.

— Ҳали давоми ҳам борми? Қани... А-а! Мана... «Редакциядан. Биз телефон орқали Фарғона область Пахтакор район партия ва ижроия комитетининг раҳбарлари билан гаплашдик, уларни штатсиз мухбир Э. Таймазовнинг хабари билан таништирдик. Қамбаров билан Асқаров ўртоқлар хатда кўрсатилган масала актуал эканини айтдилар ва Каттайўлда тез орада янги новвойхона қурилиши планлаштирилганини билдирдилар. Новвойхона яқин ойлар ичида ишга тушади». Ҳой, Энвер, демак, тез кунларда навбат кутишдан қутулар эканмиз-да, шунақами?

— Ҳа, ака, шунақа.

— Яша, Таймазов, ҳақиқий ота ўғил экансан. Узоққа борасан. Оиламизнинг ишонч-ифтихори бўласан. Улсам ҳам, қолсам ҳам сени ўқитаман. Онт ичиб айтаманки, сени албатта ўқитаман! Кел, шу ишинг учун кўзларингдан бир ўпай.

Энверга ўпишиш бачканалик бўлиб кўринарди, шунинг учун ҳам дарҳол бошини кўрпа ичига олди.

— Упиб қўйишимни истамасанг суюнчи сифатида шўрвага солинадиган гўштнинг бир қисмини, ўзимнинг улушимни сенга кабоб қилиб бераман. Бир маза қиласан.

— Ҳа-а, мана бу бошқа гап!— деди кулиб мухбир «Э. Таймазов».— Мақоламнинг гонорари келса ҳаммасига гўшт сотиб олиб кабоб қиламиз, умр бўйи эсда қолади.

— Ҳали шу ёзганингга пул ҳам беришадими?

— Бўлмасам-чи! Юз эллик — икки юз сўм беришса керак. Қўшнимиз Жамол ака хабари «Қоммуна»да босилган эди. Ҳажми меникидан бир озгина, йигирма сатрча катта эди. Уша мақоласига уч юз ўттиз сўм олди.

— Ҳой, Энвер, сен билан энди ҳазиллашиб бўлмас экан? Ё газетада уриб чиқасан ёки бир чўнтак пул билан урасан!

— Бизни чакана деб ўйлабмидингиз?!— деб кулди, Э. Таймазов.— Мухбир жамиятнинг кўзи ва юрагидир.

— Тўғри айтасан, ука. Борди-ю ёзган хабарингдан озгина фойда чиқса ҳам одамлар сени олқишлайдилар, шунга биласанми?

— Ният фақат олқиш эмас, ака. Қамчиликлар билан бир гражданини сифатида курашмоқ керак. Фақатгина ўз қорнини тўйғазиш учун, илиқ-иссиқ ўрин учун эмас — энг катта, энг юксак, олижаноб ҳис-туйғулар учун курашмоқ керак. Ана шундагина жамиятимиз ўз муроди-мақсадига етиши мумкин.

— Ахир ҳаммамизнинг ҳам орзу-умидимиз ана шу! Жамиятимиз фаровон ҳаётга эришсин, одамларимиз тўқ, бахтли, узоқ умр кўрадиган бўлишсин...

— Шунақа бўлади, ака, бугунми-эртагами, албатта, шундай бўлади. Мана ҳозир биз бир буханка нон ола билсак ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Эгнимиз юпун, уйимиз қоқ ер — қора шифт. Шунга қарамай, эртанги кунга умид билан қараймиз, яхши ният қиламиз. Иморат қуриш ҳаракатидаммиз...

— Парво қилма, Энвер, насиб қилса биз ҳам бир кун оёққа туриб олармиз. Ҳадемай мен ишга кириб олсам, анча енгил бўлиб қолади...

Энвер чуқур нафас олиб, бошини ғамгин-ғамгин силкиди.

— Эҳ, бахтимизга дадам омон қайтгандайди, сиз шу пайтда ишга эмас, ўқишни давом эттириш учун институтга кириш ҳаракатида бўлардингиз. Ишчи кучи ҳақда ҳамма ерда зарур, албатта, бироқ ҳукуматимиз энг қийин вазиятда ҳам ўқиш масаласига қаттиқ эътибор бергани бежиз эмас-да. Эсингиздами, уйда ейишга нон қолмаганда сиз мактабдан тўйиб қайтардингиз, ҳаттоки менинг улушимни ҳам уйга бериб юборишарди.

— Укажон, шунақа ишларни унутиб бўлармиди. Ёзда яримтадан ёпган нон, бир бош узум, ~~ё~~ бир ҳовуч ўрик, ёки бўлмаса бир тилим қовун, тарвузми беришарди. Байрам кунлари бўлса колхоз қўй сўйиб шўрва қилиб берарди. О-о, у шўрва шундай мазали бўлардики!..

— Ака, унақа нарсалардан гапирманг, эшитсам оғзимнинг суви келади.

— Қорнинг очган-да. Майли, бўлмаса, мен бориб сенга суюнчи кабобингни пишира қолай.

— Тўхтанг, ака! Менга ҳеч қандай кабобнинг кераги йўқ. Сизни гўштдан маҳрум қилишни истамайман. Ундан кўра шўрва пиширишни тезлаштиринг, ҳаммамизнинг ҳам қорнимиз очиб қолган.

Энвер билан тортишгандан фойда йўқ. У ушлаган жойини чўрт кесади. «Сен айтгандай бўла қолсин»,— дедим-да, овқат пиширгани чиқиб кетдим.

Иса — маҳбус

Учоқнинг кулини қисқа сопли куракчага тўлдириб олдим-да, пиёзнинг ариғига сепаиб ташладим. Сўнгра ўтин ёра бошладим. Эндигина битта ғўлани майдалагандим, қаердандир Иса пайдо бўлди. У қора терга ботган, зўрға нафас оларди.

— Ака! — деб бақирди у узоқдан.— Тез бўлинг, менга қаердан бўлса ҳам битта пақир топиб беринг!

— Пақир? — болтамни бир четга ташлаб Исага қарадим.

— Пақир борми-йўқми? — деди Иса.— Тез бўлинг, вақт кетяпти.

— Мундоқ одамга ўхшаб нима гаплигини тушунтирсанг-чи! Ҳовлиқиб келиб «олтин сопли пичоқ топиб беринг!» деб қисталанг қилиб бўларканми?

— У-уф, ўлгудай эзма экансиз-да. Водилдан Кабловскаяга келаётган нефть қузури ёрилиб кетипти. Узун ҳовуз ёнига вишиллаб оқиб ётипти. Нефть қанақа қимматли ёқилғи эканини биласизми?! Тез бўлинг, пақир топинг. Мабодо иккитасини топсангиз янада яхши бўлади. Мен келгунимча сиз битта ўра қазиб кўйинг. Ушанга қуйиб кўямиз.

Уйда бор-йўғи иккита пақиримиз бор. Унинг ҳам биттаси тешик, тешигини латта-путта тиқиб беркитганмиз. Шунга қарамай уни сув та-

шишга ишлатиб бўлмасди. Исага ўшани берса бўлади. Лекин битта пақир нима бўлади? Қўшнилардан сўраш керак. Битта-яримтадан шунга ўхшаш эски пақир топилса яхши бўларди..

— Иса, сен кетмон олиб ўра кавлайвер. Уйдан нарироқда, девор тагидан кавла. Ёз иссиғида тут шохлари пана қилиб туради. Мен ҳозир чиқиб Аҳмадларникидан суриштириб келаман, бирон эски пақир топилса зора...

— Яхши, лекин тезроқ қимирланг. Тағин бошқалар илиб кетмасин...

Кўнглимдагидек бўлди. Аҳмадларникидан бир эмас, иккита пақир ҳамда битта тоғора топдик. Ер тортиб кетмаслиги учун тоғорани ўранинг тагига жойлаштирдим. Уйга киришим билан Иса пақирларни олиб зинғиллаб чопиб кетди. Мен тезгина ўчоққа ўт ёқдим. Қозонга сув қўйиб ичига гўшт ташладим-да, ўра қазишга тушиб кетдим. Ўранинг чуқурлиги эндигина белимга етганда икки пақир нефть кўтариб Иса етиб келиб қолди.

— Яна битта пақир тополсангиз ўзингиз ҳам боринг,— деди Иса.— Икки кишилашиб ташисак яхши бўларди. Бутун қишга етарли ёқилғи ғамлаб олган бўлардик.

— Сен бориб пақирларни тўлатиб тур. Мен яна битта пақир топишга ҳаракат қилиб кўраман. Яна битта пақиринг қани?

— Тўлатиб, ўша ерга ташлаб келдим. Хўп бўлмаса, мен кетдим.

— Майли, бора қол. Кетингдан мен ҳам етиб бораман.

Ўчоқнинг оловини пасаптириб ичкари кирдим. Энвер ухлаб ётар, пешонасида маржон-маржон тер томчилари йилтирарди. «Ферганская правда» газетасини ёстиғининг тагига тиқиб қўйипти. Мен укамга бир сония қараб қолдим, сўнгра ишим ёдимга тушиб, пақир қидиргани чиқиб кетдим. Тўрт-беш қўшниникига чиқиб биронта идиш топа олмадим. «Ўзимизнинг сув пақиримизни олсаммикин-а? Бироқ у қоп-қора бўлиб қолади-да, кейин керосин билан ювса ҳиди кетармикин? Йўқ, у пақирга тегмаганим маъқул. Тағин биттагина сув пақирдан ҳам ажралиб қолмайлик». Шу фикрлар билан ҳовлимизга қайтиб кирдим. Иса эндигина келиб, қўлидаги нефтни ўрага ағдармоқда эди.

— Ака, пақир топа олмадингизми?

Мен бошимни чайқатдим.

— Ҳамма қўшниларникига бош суқиб чиқдим. Лекин ҳеч вақо топа олмадим.

— Эсизгина-я. Фурсатдан фойдаланиб бир-иккита ўрани тўлғазиб қўйганимизда ёмон бўлмас эди.

— Қўявер, уч пақирлаб ташисак ҳам бўлаверади. Қани кетдик. Шу пайт уйдан Энвернинг:

— Ака, ака, Селямет ака! — деган овози эшитилди.

Мен уйга кирдим. Энвер энди уйғонган. Тўшакда ўтирар эди.

— Ака, Иса келдими? Ҳой, нега уйга кирмай турибсан? — деб сўради у орқамда турган Исадан.— Сенга мен бир нарсани кўрсатмоқчи эдим...

Иса ичкари кирмасдан қўлини силтади.

— Кейин, Энвер, кейин кўрсатарсан. Ҳозир бизнинг зарур ишимиз чиқиб қолди. Сен ёта тур, биз ҳам ҳадемай ишимиздан қутуламиз. Истасанг китоб ўқи.

— Ака, сиз қаерга кетяпсиз?

— Ҳеч қаёққа. Узун ҳовуз ёнида нефть қувури ёрилиб кетипти. Нефть ерга оқиб ётган эмиш. Қишда ёқиш учун биз оқиб ётган нефтни ташиб, ўраларга тўлдириб олмақчимиз.

— Хабар қилмадингизми? — деб сўради ҳаяжон билан Энвер. Унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Қимга хабар беришимиз керак экан? — таажжубланди Иса. Мен ҳам ҳеч гапга тушунмай укамга тикилдим.

— Қимга деганингиз нимаси! Заводга телефон қилиш керак эди. Ахир ўзингиз нефть оқиб ётипти деяпсиз-ку!

Биз Иса билан бир-биримизга қараб анграйиб қолдик. Ҳақиқатан ҳам шундай иш қилиш ҳеч биримизнинг эсимизга келмаган эди.

— Сизлар кўпи билан ўн беш пақир нефтни оларсизлар. Ёрилган жойдан оқиб кетаётган нефть қанчалигини биласизларми? Тонналаб ерга сингиб кетади. Ёрилган жой бўлса, борган сари кенгайиши мумкин. Бунинг натижасида Қабловская нефть заводи ишининг тўхтаб қолишини ўйламадингларми? Э-эҳ, сизлар-эй!..

— Шошма, шошма, бизнинг бу ерда нима гуноҳимиз бор? Қувурни тешганимиз йўқ. Ниҳоят ерга оқиб кетаётган нарсани оляпмиз, холос. Биз олмасак исроф бўлади-қўяди.

— Мен сизларни айбдор қилаётганим йўқ. Лекин зир югуриб пақир излагандан аввалроқ пахта пунктига кириб телефон қилиш керак эди. Ахир бу сизнинг гражданлик бурчингиз-ку!

Иса иккимиз бир зум сўз топа олмай серрайиб турдик. Сўнгра мен Иса томонга кескин бурилдим.

— Энвер ҳақ гапни айтди. Сен пақирларни олиб кетавер. Мен телефон қилиб бўлгандан кейин етиб бораман. Хўпми?

— Яхши, мен кетдим бўлмаса,— деди Иса, лекин чиқиб кетишидан олдин Энверга кўз ташлаб, тили билан танглайни «тиқ-тиқ» тақиллатиб қўйди ва бошини сарак-сарак қилиб:— Умримда сенчалик чуқур фикрли болани кўрган эмасман. Ақлингга қойилман, йигит, офарин! Катта бўлсанг қишлоқ Советига раис бўладиганга ўхшайсан. Бизнинг бўлса, калламиз тўла мия эмас, қатиқ бўлса керак,— деди.

Мен индамадим. Лекин ичимда Энвернинг ақлига, узоқни кўра билишига ҳайрон қолган эдим. Энвер ҳам ортиқ гапириб ўтирмай, орқасидаги токчага қўлини чўзиб, қандайдир китобларни олди ва улардан бирини очиб ўқишга тушиб кетди. Гўё шу билан: «Сўзимиз тугади, сиёсий-тарбиявий ишларимиз ниҳоясига етди!»— дегандай бўлди. Мен тезлик билан қўлимнинг нефтини артдим-да, чопиб кўчага чиқдим. Тўрт-беш қадам босмасдан орқамдан велосипед қўнғироғининг овози эшитилди. Қайрилиб қарасам қўшнимиз Жамол аканинг ўғли Искандар келаётган экан. Бўйи паст бўлганлиги сабабли оёғини велосипед рамаси орасига киргазиб олган, баҳорда шудгор қилиб қўйилган ерлар узра сакраб-сакраб, аравасини ҳайдаб келмоқда эди.

— Ҳа, Саломат ака, йўл бўлсин? — деди у менга яқинлашгач.

— Искандар, ука, сенга иш бўлмаса, мени пахта тайёрлов пунктига ташлаб кетгин.

— Жоним билан, Саломат ака. Ўзим ҳам ўша тарафга кетяпман. Озроқ гўшт керак эди. Лекин велосипедни ўзингиз ҳайдайсиз. Сиз ҳам катта, ҳам оғирсиз. Шунинг учун сизни олиб юролмайман.

Шу ерда десангиз бир парча лой бўлиб қолдим. Ешим шунчага етиб ҳанузгача велосипед миниб кўрмаган эканман. На чора? Ҳижолатимни яшириш учун кулиб қўйдим. «Сен ўзинг кетавергин, ука, ўйлаб қарасам, ишим унча шошилиш эмас экан. Секин-секин юриб борсам ҳам бўлади. Сен аравангни ҳайдаб кетавер, йўлингдан қолмай қўя қол». Искандар менга ажабланиб қаради, сўнг индамай йўлида давом этиб кетаверди. Мен Фарғона — Қўқон йўли бўйига жойлашган пахта тайёрлов пункти томон жадалладим. Йўлда гоҳ юриб, гоҳ югуриб кетяпман-у, кўнглимнинг бир чети ғаш, қанақадир оғир бир хаёл қалбимни кемирмоқда. «Мана, ўнинчи синфни битирдим. Ешим ҳам ўн еттига тўлди. «Етуклик аттестатини олай деяпман. Лекин менда «етуклик»дан асар борми? Нефть исроф бўлиб кетяпти-ку, бунинг оқибати нима бўлишига ақлим етмайди! Энвер мenden кичкина, лекин у масалани тўғри ҳал қила билади. Искандар бўлса муштумдай келадиган бола, ўша ҳам тиришиб, рамалар орасига оёғини суқиб, велосипедни балодек ҳайдаб кетмоқда. Томганни ялайди. Мен-чи? Шошганимдан ёлғон гапиришга мажбур бўлдим. Шундан кейин ким бўлдим ўзи? Ё мен қобилиятсиз, бутун умримни «қорним тўйганига ҳам шукр!» деб ўтказадиган кимсаманми, бир кун менинг ҳам қўлимдан бирон иш келармикин? Онам менга ҳар доим: «Ўғлим, уйнинг каттасисан. Шунинг учун ҳам

укаларингга оталик қилишинг керак. Агар улар ўлмай соғ-саломат катта бўлишса, ўқиб одам бўлишса, бу — ҳаётингда қилган энг катта ишинг бўлади!» — деб айтгандилар. Лекин мен улар учун нима ҳам қилиб бера оламан? Нон олиб келаман, қўлимдан келганича овқат қилиб бераман, дарсларини тайёрлашдими-йўқми, шуни текшираман. Эң-вернинг ўқишига ёрдам қиламан. Лекин шуларни иш деб бўладими? Ахир мен катта-катта қаҳрамонликлар, буюк ишларни орзу қиламан-ку! Шунинг учун ҳам икки йилдан бери Олтой ўлкасига қўриқ ер очиш учун бормоқчиман-да. Ҳаётда шу катта орзумга ета олармикинман?!»

Пахта тайёрлов пункти олдида бир тўда кишилар турарди. Улар орасидан пункт мудир Мухтор акани танидим. Унинг диққатини ўзимга қандай жалб қилсам экан? Дўстлари билан ниманидир гаплашиб шарақлаб кулишяпти. Олдига бориб: «Менга телефон керак», — деб айтиш ҳам ноқулай. Эҳтимол идорада бирон кимса бордир? Унга тушунтириб телефон қила қолсам бўлмасмикин?

Идора деразасига яқинлашдим, оёқ учига кўтарилиб, ичкарига назар ташладим. Ҳеч зоғ йўқ. «Э, бор-эй, бўлганча бўлар, ўзим кирман-у, шартта телефон қиламан!» Шу фикр билан тўсиқдан ўтиб беш-ўн қадам юргач ҳаворанг эшикни очдим. Ана, стол устида қора телефон турипти. Дастакни кўтаришим билан аёл кишининг мулойим овози янгради: «Алло, сизга ким керак?» Бироқ мен жавоб беришга улгура олмадим. Кимнингдир темирдай қаттиқ қўллари елкамга епишди.

— Ҳа-а, ярамас, айт-чи, бу ерда нима қилиб юрибсан?!

Мундоқ қарасам тепамда Мухтор ака турипти. Юзи ҳаддан ташқари жиддий. Ег босган кўзлари аччиғидан қисилиб боряпти. Оғзидан бўлса ароқ ҳиди келарди.

Дастакни жойига қўйдим-да, мақсадимни тушунтира бошладим. Пункт мудир даставвал гапимга тушуниб етмади. Тушунгандан кейин бўлса:

— Бор энди, тошингни тер, — деди. — Мен ўзим телефон қилиб қўяман. Иккинчи бундай қилмагин. Аввал руҳсат сўраш керак...

— Тушундим. Яхши қолинг, — дедим мен ва эшик томон йўналдим.

— Ҳой бола! Сен ўзинг кимнинг ўғлисан? — шундай савол билан Мухтор ака мени кутилмаганда тўхтатди.

— Ойша Таймазованинг...

— Э-э, анави дўхтир опанинг ўғлимисан? Энг бошида шунақа демайсанми, ўғлим, мен сени танимабман. Қандайдир бир кисавур деб ўйлабман. Ҳўш, укаларинг омон-эсонми? Анави оёғи шол уканг ҳали ҳам юриб кетгани йўқми?

— Йўқ, юриб кетгани йўқ, — дедим мен секингина. — Ётипти. Бошқалари ўқиб юришипти.

— Ҳа, майли, ишқилиб танларинг соғ бўлсин, — деди пункт мудир ва қўлига дастакни олиши билан бақира кетди: — «Алё, алё, менга Кабловская керак! Заводнинг идораси, ҳа-ҳа, заводнинг идораси! Кимни бўлар эди, яхши қиз, заводнинг идорасини-да!»

Мен гапнинг охирини кутиб ўтирмай хонадан чиқиб кетдим. Бояги гаплашиб турган кишилар тўдаси ёнидан ўтиб, Водил йўлига чиқдим ва қадамимни тезлаштириб, Узун ҳовуз томонга жўнаб кетдим. Бу ёғига тезроқ етиб бормасам, Исадан балога қоламан. Суриштириб ўтирмай ишдан қочгансан, деб масхара қилади.

Ана, Узун Ҳовуз бўйидаги толлар ҳам кўриниб қолди. Демак, Исанинг ёқилғи копчи ҳам шу яқин орада бўлса керак. Лекин ўзи кўринмайди. Пақирларни кўтариб уйга югуриб кетган бўлса керак. А, ана, йўлларга қора мой тўкилиб ётипти. Ўзи ҳам шу ердадир. Вой, бу қанақаси? Бизнинг иккала пақиримизнинг ҳам пачоғи чиқиб ариқда ётипти. Ҳамма ёққа қора мой тўкилиб-сочилиб ётипти. Худди бу ерда қонли жанг бўлган-у, жангчиларнинг танидан қон ўрнига нефть оққандай эди. Демак, қандайдир кўнгилсиз воқеа юз берган! Қувурдан эса ҳамон нефть вишиллаб оқмоқда.

— Иса-а! Ҳой Иса! — деб бақирдим овозимнинг борича.— Иса-а!
Менга ҳеч ким жавоб бермади. Нефть қувури устидан сакраб ўтиб ўтлар орасига кирдим. Нефть тўлдирилган учинчи пақиримиз шу ерда турарди. Демак, Иса бир балога йўлиққан. Ё тавба, унга нима қилганикин? Шу болага ҳеч бир ишни ишониб бўлмайди-да. Албатта, бир ишқал чиқаради.

Шу пайтда:

— Саломат ака сиз бўласизми? — деган овоз эшитилди. Сакраб йўлга ўтдим. У ерда етти-саккиз ёшлар чамасидаги бир бола турарди. Юзи танишдай кўринди, у кимнинг ўғли эканини эслай олмадим.

— Саломат ака,— деди бола.— Исажон акамни иккита маст киши ушлаб олишди-да, «Сен шпионсан» деб қишлоқ Советига судраб кетишди. Пақирларни бўлса тепиб-тепиб пачоқлаб ташлашди.

— Укажон, улар ким экан, танимадингми мабодо?

— Билмайман, ака, гандираклаб қўшиқ айтиб келишди. Биз Исажон акам билан пақирларни тўлдираётган эдик. Бизни кўриб тўхташди. Менга индаганлари йўқ. Лекин Исажон акамга маҳкам ёпишиб олишди. Йиққан мойларимизни тўкиб ташлашди, пақирларни тепишди. Ундан кейин Исажон акани қишлоқ советига судраганча олиб кетишди. Исажон акам: «Турсун, чопиб боргин-да, бўлган гапни акамга айтгин» деб бақирдилар. Яна сизнинг қаергадир кетганингизни айтган эдилар, лекин мен тушуна олмадим. Уйингизга югуриб борган эдим, ҳеч кимни топа олмадим. Энвер аканинг олдига кириб ўтирмадим. Безовта қилмай қўя қолай дедим. Кетимга қайтаётиб овозингизни эшитдим-да, дарров танидим. Тўғри қилибманми, Саломат ака?

— Тўғри қилибсан, Турсунжон, тўғри қилибсан, ука. Лекин...

Орқамда велосипед қўнғироғининг овози янгради. Қайрилиб қарасам, мен велосипедига минишни истамаган Искандар турипти.

— Ҳа, Саломат ака,— деди у ҳарсиллаб,— бу ёққа келар экансиз-ку, менга пахта тайёрлов пунктига бораман, деб юрибсиз...

— Эй-й, Искандаржон, мен у ёққа ҳам бордим, бу ёққа келишга ҳам улгурдим,— дедим. Сўнгра: — Агар Турсун икковингизнинг вақтингиз бўлса,— дедим асосан Искандарга мурожаат этиб,— велосипедда медпунктга бориб келсангиз яхши бўларди. Нима гап ўтганини онамга Турсунжон тушунтириб айтади. Мен қишлоқ Советига бориб келар эдим.

— Хўп бўлади,— дейишди болалар. Турсун велосипед ҳайдашни билар экан, Искандарни орқасидаги ўриндиққа ўтқазди-ю, бир сония ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Мен йўлда ётган пақирларни олиб ўтлар орасига ташладим, қувурдан вишиллаб чиқаётган мойга бир назар ташладим-да, (ундан оққан нефть теварақдаги чуқурликларни тўлдириб қўйган эди) қишлоқ совети томонга чопиб кетдим. «Тезлик билан бориб «шпион» Исани қутқариб олиш керак. У ипирикчи мастлар ким бўлди экан? Қани энди унақа аблаҳларни тутиб олиб яшилаб, жиғини эзсанг!»

Қишлоқ советининг деразалари ланг очиб қўйилган экан. Секингина оёқ учиде бўйнимни чўзиб ичкарига қарадим. Бурчакда Иса турипти. Унинг ёнида кенг елкали, кўзлари қоп-қора, сочлари кепкаси тагидан чиқиб, кўзларини тўсиб қўйган йигит турарди. Канадек Исанинг елкасига қўллари билан ёпишиб олипти. Укам бечора бу зилдай оғир, ифлос қўлдан қутулмоқчи бўлгандай, ҳар замонда елкасини қимирлатиб қўярди. Лекин йигит унга борган сари қаттиқроқ ёпишиб бормоқда эди.

— Давом этинг! — деган овоз эшитилди. Мен бу овозни дарҳол танидим. Бу, қишлоқ совети ранси Бойматовнинг овози эди.

— Яна қанақа давоми керак сизга?— дея мингиллади бошқа овоз. Бу анави паншаха панжали киши шеригининг овози эди. Демак, иккинчи «контрразведкачи». Ажабо, буниси ким бўлди экан?— Ҳали ҳам тушунмадингизми ёхуд тушунишни истамаяпсизми?

— Тушунмадим,— дея чўрт кесди Бойматов.— Сизнинг сўзларин-

гизга қараганда, мана бу болакай атайлаб нефть қувурини ёрган, кейин оққан нефтни уйига таший бошлаган, шунақами?

— Ҳа, шундай... жиноят бу! — дея бақирди паншаха панжали киши.

— Яхши, ўртоқ Оғаев. Демак, бу жинойи иш... Энди биз бунини тегишли органларга ҳавола қиламиз. Лекин огоҳлантириб қўяй, агар айтганларингиз тўғри чиқмаса, ўзларингизни жинойи жавобгарликка тортишлари мумкин. Болани уришга сизнинг нима ҳаққингиз бор? Иккингиз ҳам ўлғудай ичибсизлар, уят эмасми?

— Нега энди бизга уят бўлиши керак? Ичган бўлсак, ўз пулимизга ичганмиз, — дея ўшқирди паншаха панжали киши.

— Нега энди биз жинойи жавобгарликка тортилар эканмиз? — дея бақирди унинг шериги. — Биз шпионлик қилдикми ёки?

— Яхши. — Қишлоқ совети раисининг овози асабий янгради. — Бу бола тешган нефть қувури ўша ерда ер остидан ўтганмиди ёки ер устидан ўтганми?

Жавоб эшитилмади.

— Сиз билмасангиз мен билдириб қўяй, — давом этди Бойматов. — Узун ҳовуз ёнида у қувур бир метр чуқурликка кўмилган. Уни тешмоқ учун энг аввал ерни ковлаш керак. Ҳўш, қувурнинг атрофи ковлаб ташланган эдимми?

— Йўқ, билмайман... қараганимиз йўқ... — деди паншаха панжали киши.

— Ёки сиз кўрдингизми, ўртоқ Есин?

— А? Мен... Мен нимани кўришим керак экан?... Ҳеч нарса кўрганам йўқ. Ҳамма ғавғони кўтарган мана бу ифлос... Ҳамма айб ўшанда!

— Қимда, мендами? — паншаха панжали киши шеригига чанг солди. Иса бўлса, худди мана шундай қулай фурсатни қутиб турган экан шекилли, ўзини эшикка урди. Уқдай отилиб чиқди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Бойматов бўлса тезлик билан икки хўрознинг ўртасига туриб олди.

— Қаллаварамлар, тўхтанг ҳозир! Сизлар ҳали давлат идорасида ҳам жанжал чиқармоқчи бўляпсизларми?!

Шу орада телефон жиринглаб қолди. Раис дастакни олди.

— Алло, ҳа-ҳа, мен Бойматов бўламан. А-а, Мухторжон, бу сизмисиз, ука, қалай, аҳволларингиз яхшими? Нима янгиликлар бор? Пахта пункти жойида туриптими? Бизда ҳам тинчлик. Фақат, икки безори... — Бойматов «контрразведкачиларга» кўз ташлаб қўйди. — Шу десангиз, икки ичиб олган безори... А-а, шошманг, демак акаси пунктга борди денг, ўзи телефон қилмоқчи бўлиптими? Қаранг-а, оббо азаматлар-эй. Ҳозир Кабловскаядан пайвандчилар келишди, деяпсизми? Келишган бўлса, яхши бўлипти! Лекин, ...а-а, сиз энди эшитдингизми? Ҳа-ҳа, шунақа, икковлашиб болапақирни оёғини ерга теккизмай бу ерга олиб келишипти. Ҳа, кўзларини қизартириб туришипти. Албатта, бўлмаса, шундай аҳмоқгарчилик қилишармиди?! Нима дейсиз? Милициягами? Йўқ, уларнинг таъзирини ўзим бериб қўярман. Иккинчи бундай номаъқулчиликни ўйлаб қиладиган бўлишади. Етимчага, мусофирга озор берганлар кўр бўлади. Алло, Мухторжон, тушунмадим, нима дедингиз? Онаси кетди деяпсизми? Ўзи келса яна ҳам яхши бўлади, мана булар билан ўзи ҳам гаплашиб қўяр. Бир келсин, урушда ҳалок бўлган кишининг есирини уриш қанақа бўлишини буларга кўрсатиб қўяди!..

Онамнинг бу ерга келишларининг дарагини эшитишим билан, олиб турган жойимдан пастга тушдим-да, жуфтакни ростлаб қолдим. Яхшиси ҳозир оймнинг кўзларига кўринмаслик. «Ўз ташвишим ўзимга етиб-ортиб турганда, сиз ҳам менга қаёқдаги ғалваларни топиб юрасиз!» — деб йиғлаб-сиқташи турган гап. Ундан кўра бориб Исани топиш керак. Тағин бир ишқал чиқариб ўтирмасин!»

Уйга келсам, ўра тепасида Иса билан Султанне бир тўда болаларни атрофига йиғиб туришипти. Уларнинг ичида Турсун билан Искандар ҳам бор. Улар пақир бўшатиш билан банд эдилар. Бир эмас,

уч эмас, бирваракайига етти пақир нефть! Иккита ўрани тўлатиб қўйишти. Уларга баланд бўйли киши бошчилик қиларди. Мен яқин борганимда у киши бошини кўтариб менга қаради ва кулиб:

— А-а, мана, бош қахрамон ҳам келиб қолди! — деди. — Барака топ, ука, ўз вақтида хабар берганинг учун раҳмат. Биз заводда ўтириб, ҳайрон бўлаётган эдик. Маҳсулот босими кескин камайди. Нима бўлдикин, бирон жойда авария бўлдими, деб турган эдик. Шу пайтда телефон қилиб қолишди. Махсус машина билан келиб, қувурнинг ёрилган жойини ямадик. Шу орада қамоқдан қутулган уканг Иса ҳам етиб келди. — У киши кулиб қўйди. — Нима бўлганини айтиб берди. Майли, дедим мен. Бойматов ановиларнинг ўхшатиб таъзирини бериб қўяр, ҳозир бўлса, бизлар тўкилган нефтни уйларингизга ташиб қўяйлик. Бўлмаса тез фурсатда ерга сингиб кетади. Кўряпсанми, бу ишга ҳаммамиз киришдик. Учта ўрани тўлдириб берсак сизларга бутун қиш етиб ортади. Фақат устини яхшилаб беркитиб қўйинглар, хўпми, ука? Бўлмаса ёнғин чиқиб кетиши мумкин.

— Хўп бўлади, — дедим мен у кишининг гапларидан таажжубланганимни яширишга ҳаракат қилиб.

— Кел, бир танишиб қўяйлик-чи, — давом этди бояги киши. — Мен Кабловская нефть ишлаб чиқариш заводининг бош инженери бўламан. Фамилиям — Страдовский. Эрик Семёнович Страдовский. Бундан кейин ҳам бирон иш чиқиб қолгудек бўлса, тўғри олдимга боравер, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман.

— Эрик Семёнович, бизнинг ташвишимизни тортганингиз учун раҳмат. Лекин ерда бекорга...

— Э-й, ўғлим, кўп гап эшакка юк, дейдилар ўзбеклар, шуни биласанми? Модомики ёнғинангда қимматбаҳо ёқилғи ётган экан, ундан албатта фойдаланиш керак. Мен ёқилғи масаласининг қийинлигини биламан. Беш-ўн йилдан кейин газ келтирамиз. Ана шунда ойингга газ печка қуриб берасан. Ортиқча ташвишдан бира тўла қутулиб оладилар. Тушундингми?

— Тушундим.

— Тушунган бўлсанг пақирни кўтар. Гвардиячилар, кетдик!

Кичик воқеанинг катта оқибати

Биз қайтиб келганимизда ҳовлимизга бир тўда кишилар йиғилишган экан. Кўча эшигимизнинг рўпарасида «Виллис» автомобили турарди. Қарасам, қишлоқ советининг раиси Бойматов, колхоз раиси Мўлдўкматов ва қандайдир мен танимаган икки киши туришарди. Иккаласи ҳам похол шляпа кийиб олишти. Райондан келишган бўлса керак. Уларнинг ёнида онам ҳам бор. Меҳмонларга гоҳ уйимизни, гоҳ ҳовлимизни кўрсатиб алланималарнидир тушунтиряпти. Мен онамнинг Иса туфайли асаблари бузилгандир, деб ўйлаган эдим. Йўқ, кайфиятлари жойида экан. Ҳатто баъзан кулиб-кулиб ҳам қўярдилар. Ажабо, бу кишилар ҳовлимизга нега келишди экан? Ёки Исанинг «киши» давом этяптими? Иса ҳам шундай деб ўйлаган бўлса керак, эҳтиётти шарт, қадамини секинлатиб ҳаммадан орқада қолди.

Тўпланганлар, бизнинг Эрик Семёнович бошчилигидаги нефть топарлар отрядимизни кўриб, қаршимизга чиқишди. Олдин заводнинг бош инженери билан, сўнгра катта-кичик деб ўтирмай барчамиз билан қўл беришиб кўришишди. Ҳаммалари ҳам Исанинг елкасига қоқиб, бошини силаб қўйишди. Демак, ишлар мен ўйлаганчалик пачава эмас.

— Ҳа, ўртоқ Асқаров, сизни бу ерларга қайси шамол учириб келтирди? Бу дейман, қувур масаласи сизгача ҳам етиб бордимми? — деб кулди Страдовский.

— Йўқ, Эрик Семёнович, бу уйда ўзимизнинг ҳам ишимиз бор эди. Қелаётиб қишлоқ совети раисининг идорасида кўрсатилаётган ях-

шигина интермедиянинг устидан чиқиб қолдик. Ойша опа анави иккита пиянистанинг танобини тортиб қўяётган экан. Бир оз томоша қилиб турдик. Сўнгра: «Икковингиз милиция бўлимига бориб бир оз дам олиб келинглар»,— деб жўнатиб юбордик. Шу орада Мўлдўкматов ҳам етиб келиб қолдилар. Ойша опанинг уй солиш учун қарз сўраб ёзган аризаси идорамизда ётган эди. Мана, комиссия бўлиб кела қолдик. Шароитлари билан танишиб чиқмоқчимиз.

— Жуда яхши қилибсиз. Мен бўлсам қувурни ямаганимиздан кейин, ерга оқиб қолган нефть бекорга исроф бўлмасин, деб болаларнинг уйига ташиб қўйишни ташкил қилдим. Гўдакларга қишда ёқилғи бўлар.

— Сиз ҳам яхши ишни ўйлабсиз. Албатта. Қўналдиқда завод хизматчилари келиб,— шу сўзларни айтар экан, Асқаров колхоз раисига кўз ташлаб қўйди,— ёқилғи масаласида кўп болали, фронтда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам қўлини чўзмасалар, бу ерда бундай савоб иш билан шуғулланадиган йўққа ўхшайди.

Мўлдўкматов ўзига тегадиган сўзни эшитиб елкасини қисиб қўйди.

— Кўп болалиларга қўлимиздан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз, Саид ака. Таймазоваларга бултур икки арава ғўзапоя, бир кубометр ўрик ўтин, бир тонна кўмир берган эдик...

— Барака топишсин, ўртоқ Асқаров, колхозимизнинг бизга кўмаги катта...— колхоз раисининг ёнини олди онам.

— Аслида ҳам шунақа бўлиши керак-да. Болалар ватанимизнинг келажаги эканини унутмаслик керак. Аризада: «Қасал болам бор», деб ёзган экансиз. Қизми, ўғилми? Унга нима қилган?

— Уғил. Исман Энвер, Туғилганидан бери икасал. Бола бўлиб ҳали оёққа босиб тургани йўқ. Полиомиелит касали билан оғриган. Оёқлари ишламайди.

Асқаров бошини чайқаб қўйди.

— Бола бечора...— деб минғирлади.— Энвер... Энвер Таймазов...

Э-й-й, тўхтанг, мабодо бу анави, хабарчи Э. Таймазов эмасми?

Онам ҳайрон бўлиб ижроия комитети раисига тикилди.

— Қанақа хабарчи? Мен гапингизга тушунмадим, бу билан нима демоқчисиз?

— Бугунги «Ферганская правда» газетасида мақоласи босилган Э. Таймазовни айтяпман. Бу хабар шаҳар новвойхонаси ҳақида ёзилган эди.

— Бу ишдан менинг хабарим йўқ. Бироқ Энверим ёзув-чизув ишларига жуда қизиқади. Шуни биламан.

— Мақола Энверники,— дедим мен гапга қўшилиб.— Бугун босилиб чиқди. Мен кўрдим. Ўзи бўлса газетани ёстиғи тагига тиқиб қўйганича ухлаб қолди.

— Ана, Мўлдўкматов хўжалигингиздан мухбирлар ҳам чиқаётган экан. Офарин! Мен мақолани ёзган катта киши бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Буни қарангки, ёшгина бола экан. Демак, истеъдодли экан. Шундай боланинг ўқий олмаслиги ачинарли бир ҳол!

Нега ўқий олмайди! — деди онам.— У ўқийди. Ётган ерида ўқиб ётипти. Уқитувчилар бўлса, уйга келиб имтиҳон олишяпти.

— Қаранг-а! Бу жуда ажойиб иш-ку! Опа, ниҳоятда ажойиб оилангиз бор экан.

— Шукр, болаларимдан нолийдиган ерим йўқ.

— Биз ҳам қўлимиздан келганча сизга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Қани бўлмаса, уйингизни ҳам, ҳовлингизни ҳам бизга кўрсатиб юборинг-чи. Қурилиш плани билан ҳам таништиринг.

Меҳмонлар ҳовлини айланиб чиқишди, гишт қўйилаётган майдонни кўришди.

— Демак, сиз ҳовлини ариқ билан тенг қўламга келтириш учун ҳовлидан бир-икки метр тупроқ олмоқчисиз, шундайми? — деди шу пайтгача гапга қўшилмай турган Асқаровнинг похол шляпали дўсти.

— Албатта, агар шундай қилмасак бу ерга сув чиқмайди,— деди

онам.— Боғи-боғчаси бўлмайдиган ерга иморат қуриш, кетмон сопини қуруқ ерга кўмиш билан баробардир.

— Гапингиз жуда тўғри,— деди яна бояги шляпали киши.— Лекин сиз бу тупроқни гиштга ишлатсангиз, икки метр чуқурликда боғ ўстириш учун ўн-ўн беш йил керак бўлади...

Ҳамма таажжубланиб шляпали кишига тикилди.

— Бу киши ижроия комитетимизнинг агрономия ишлари бўйича биринчи маслаҳатчиси бўладилар. Танишиб қўйинглар, ўртоқ Усмон Булғақли. Ўз ишини ниҳоятда чуқур биладиган одам,— илова қилди Асқаров.

— Ўн-ўн беш йил ўтгандан кейин ҳам сиз бу ердан дурустгина ҳосил ололмайсиз,— давом этди Булғақли.— Чунки икки метр чуқурликдаги ер ўлик ер бўлади. У қуёшга тўйиб, турли чириндилар билан бойиб олгунича кўп йил ўтади. Жуда кўп меҳнатингиз, кучингиз кетади. Шунинг учун мен сизга бир маслаҳат бермоқчиман: бу ҳовлидан ярим метр ёки етмиш сантиметр чуқурликдаги тупроқни олиб, четга уйиб қўйинглар. У бир чеккада тураверсин, чунки у сизнинг олтин хазинангиздир. Ҳовлини истаганингизча пастга туширганингиздан кейин устига уюлган тупроқни ётқизинглар. Экиннгиз ҳам, кўчатларингиз ҳам икки йилда гуркираб кетади. Бунинг учун сувни етказиб бериш керак, албатта.

— Ҳовли пастга тушса, сув албатта бўлади, ахир ариқ ёнгинамизда-ку,— деди онам.— Ота-боболаримизда: «Тош устида яшасанг ҳам кўчат ўстир!» — деган гап бор. Агар бу ерга сув чиқаролсак, албатта боғ яратамиз.

— Тўғри айтдингиз, опа. Сиз бу ерни обод қилсангиз,— деди Мўлдўкматов,— қишлоғимизнинг равнақига катта ҳисса қўшган бўласиз.

— Раисимиз шоир экан-ку, билмай юрган эканмиз,— ҳазиллашди кулиб Асқаров.

— Бизнинг давримизда ҳар бир раҳбар шоир бўлмоғи керак,— деди Эрик Семёнович.

— Тўғри айтдингиз,— деди Асқаров.— Опа, энди бизга жавоб. Масала равшан. Ижроия комитети сизга қарзга пул беради. Қолхоз раиси ҳам, мана, ёрдам берамиз, деб турипти. Қерак бўлиб қолсам, тўғри ўзимга мурожаат қиларсиз.

— Айше, иморат ишидан қутулганингиздан кейин менга бир учранг. Яхши кўчатларим бор: анор, олма, хурмо, узум дегандай. Нимаики керак бўлса топиб бераман..

— Раҳмат, Усмон оға. Бундан буён сизни тез-тез безовта қилиб турсак керак дейман,— онам рўмолча билан кўзларини артди...— Агар ўртоқлар бир қарорга келиб бизга ёрдам қила олсалар...

— Ёрдам қилмаслигимиз ҳам бор эканми...— чўрт кесди Бойматов.— Мен энг бошидаёқ бу оилага қилинадиган кўмак жуда савоб иш, деб айтганман. Онда-сонда бўлса ҳам қишлоқни ташлаб қочадиган одамлар учраб турипти. Шундай экан, бу ерда қолиб уй қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига имкони борича ёрдам беришимиз керак. Ундан ташқари ўртада инсонлик бурчи деган нарса ҳам бор-ку!

— Барака топинглар,— онам рўмолчаси билан кўзларини артди. Атрофдагилардан ёшини яшириш учун ерга қараб олди.

— Бўлмаса биз кетайлик,— такрорлади Асқаров.— Қош қорая бошлади, ҳали анча-мунча борадиган жойларимиз бор. Ҳа, дарвоқе, Ойша опа, Энверингиз район газетасининг редактори билан ҳам алоқа боғласин. Ўзим ҳам унга тайинлаб қўярман. Бадий жиҳатдан ишланиши лозим бўлган материаллардан бериб туради. Истеъдод билан амалий иш бирлашса ёмон бўлмайди. Беш-ўн танга пул ишлаб туради. Хўп, хайр бўлмаса, биз кетдик!

— Бирпас дам олиб кетсанглар бўларди, ана, шўрва ҳам пишяпти, Султание, қизим, меҳмонларни овқатга таклиф қилмайсанми?

— Йўқ, йўқ, опа. Ҳашар қилган кунимиз ўтирармиз. Катта зиёфатни бўлса уйни қуриб, ичига кўчиб чиққаннгизда еймиз.

— Омин! — деди меҳмонларнинг бари, ҳаттоки Эрик Семёнович ҳам фотиҳага қўшилди. Чунки бу сўз бу ерда — коммунистлар ичида диний маънода эмас, «бўпти», «нуқта», «иш битди» маъносида айтилади.

Нефть ташишда бизга ёрдам бериб, меҳмонлар келиши билан четга чиқиб турган болалар ҳам қўшилдилар, шовқин-сурон кўтаришиб, кўллари билан юзларини силаб «омин!» қилишди.

— Қани, кетдик бўлмаса, — деди Асқаров. — Опа, сиз керак бўлганда Булғақлига мурожаат этаверинг, ҳеч уялиб-нетиб ўтирманг. У сизнинг ишларингиздан мени хабардор қилиб туради. Биз бу киши билан тез-тез учрашиб турамыз.

— Мен ўзим ҳам кўз-қулоқ бўлиб тураман, — деди Усмон оға, — Қўлимдан келганича ёрдам бераман.

— Жуда соз-да. Болалар кетдик!

Меҳмонлар бир тўда бўлиб кўчага чиқди. «Виллис»га ўтиришди-да, кўчани чанг-тўзонга тўлдириб, қишлоқ совети тарафга жўнашди. Қўшни болалар ҳам тарқаб кетишди. Онам менинг елкамдан қучиб, уйимиз томонга олиб кетди.

— Мунгайма, ўғлим. Мен йўлингни ҳеч қачон тўсиб қўймайман. Хотирингни паришон қилма. Дунёда шундай одамлар бор экан, орзумид албатта ушалади. Қани юр-чи, Суҳрабие хоним ошпазликни удаладими-йўқми, кўриб қўяйлик.

Яни уй учун қўйилган биринчи ғишт

Эрта тонг. Зангори осмон тип-тиниқ, узоқдаги тоғлар ортидан чўгдай қуёшнинг эндигина ярми кўринди. Дарахтлар, япроқлар, ҳаттоки кетмон сопи ҳам шудрингдан намланган. Ҳаво ниҳоятда тоза. Айтганимизга кўнмай, почалари тиззадан кесиб ташланган иштонда чиққан Иса ҳамон товукдай жунжикиб турибди. Шунда ҳам тилини бермайди. «Ишни бошласам, исиб кетаман. Қолипим қани?!» — деди. Лекин онам бу жонкуярни тўхтатди.

— Ҳовлиқма, Иса. Қани, келинглар, бир сония ўтирайлик. Узоқ сафар олдиан ҳам, катта иш бошлашдан олдин ҳам ўтириб нафас ростлаш керак...

Учовимиз ерга чўккаладик. Иса қолми устига, онам яшикка, мен бўлсам ерга ўтирдик. Орага сукунат чўкди. Ҳаммамиз, усти қуёш нури остида йилтираб турган катта лой уюмига тикилиб қолдик. Биз уни кеча қорган эдик, «пишисин» деб бир-икки соат ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Сўнгра соат ўн бирларда келиб, чироқ ёруғида чуқурдан олиб чиқиб майдонга уюб қўйдик. Лой уюми ёнида қум, икки дона кетмон, битта пақирда сув турарди...

— Хўп бўлмаса, болажонларим, ишимиз ўнгидан келсин. Яратганининг ўзи қўлласин! Қани, Селямет ўғлим, бошла!..

Мен аста ўрнимдан турдим, бориб қолипимни олдим, ичига қум сешиб қум билан чайдим. Сўнгра лой уюми олдига чўккалаб, икки қўлим билан тойнинг калласидай келадиган лойни «кесиб» олдим, қумнинг устида яхшилаб юмалатиб, силлиқлаб қолипнинг ўнг кўзига шапатилаб урдим, устидан босиб-босиб текисладим, сўнг бошқа кўзларини ҳам тўлдирдим, қолипни олиб бориб майдоннинг энг четига ағдардим-да, секин кўтардим. Ерда қумга булғаланган чиройликкина тўртта ғишт пайдо бўлди. Фақат иккитасининг чети бир оз кемтик эди холос. Қолипни яхшилаб тўлатмаган бўлсам керак-да. Лекин бунинг зарари йўқ. Аста-секин илмини оламиз, ҳадемай юқори сифатли ғишларни қуйиб ташлабмиз.

— Иса, энди сенинг галинг.

У ўрнимдан турди. Бироқ ўзининг икки кўзли қолипига эмас, онам учун қилинган тўрт кўзли қолипга ёпишди.

— Үзингникини ол!— дедим мен унга акамлигимни ўтқазмоқчи бўлиб. Үзини эшитмаганга солди-да, бориб лой уюми олдига чўккалади.

— Ҳғлим, бу қолип сенга оғирлик қилади... Үзингникини олгин, болам.

Иса бўлса бир бўлак лойни олиб қолипга шундай урдик, чор-атрофга минг томчи лой сачраб кетди, сўнгра биз томонга ўгирилди.

— Худди мана шу қолипнинг ўзгинаси меники бўлади. Икки кўз-лиги эса, сизга ойи, бусиз ҳам елкангизда оғир юк кўтариб юрасиз. Мен энди кичкина бола эмасман. Сизга оғир нарсани кўтартириб қўймайман...

— Вой болагинам-эй, оҳ ўзимнинг жигарпорам-эй! — деб онам чолиб бориб Исани қучоқлади, муздек юзларидан ўлиб, жингалак сочларини силаб-сийпай бошлади.— Шундай ўғилларим бўлгандан кейин менинг юким оғир бўлармиди?!

Онам ени билан кўзларини артаркан, ёшларини кўрсатмаслик учун кулимсираб қўйди.

— Ҳамманинг уйида битта бўлса, меникида иккита эркак бор. Шундай экан, айтинг-чи, дунёда бой одам ким экан, менга кўрсатинг-чи!

Исадан кейин онам ҳам қолипларни тўлдириб оборди-да, ғиштларни ағдарди. Сўнгра биз уни нонушта тайёрлаш учун уйга юбордик-да, ўзимиз қолдик.

— Ака, мен билан мусобақа ўйнашни истайсизми? — деди Иса. — Келинг, нонушта тайёр бўлгунига қадар ким кўп ғишт қуяр экан?

— Албатта, мен кўп қуяман-да. Лекин жуда ўйнагинг келса мен тайёрман.

— Бўпти бўлмаса.

— Кетдик!

Лой уюми. Қум. Қолип. Тойнинг бошидай келадиган лой. Қум. Қолипга шапатилаб уриш! Яна бир марта. Яна ҳа-айт! Қолип кўтарилди. Майдонга! Беш қадам, саккиз, ўн, ўн беш, ўн саккиз! Мана шунақа, қолипнинг четини ерга теккизамиз-да, тайёр ғиштларга тегиб кетмасин учун эҳтиётлик билан ағдарамиз. Яхши. Энди қолипни аста кўтарамиз. Жуда яхши! Жуда яхши! Ғиштлар-худди ҳозир заводдан чиққандай текис. Нақ еб қўйгиси келади кишининг! Энди лой уюмига қараб юриш керак. Қум. Қолип... Тойчоқнинг калласидай келадиган лой. Қум. Қолипга уриш. Яна бир марта. Яна бир марта. Яна. Ҳай-йт!

— Ҳа, ақавой, аҳволлар қалай?

— Михдай! Үзингники-чи? Ҳали ҳам товуққа ўхшаб жунжикиб юрибсанми?

— Ҳеч ҳам-да! Худди ҳаммомдан чиққандайман!

— Хўш, мени енга оласанми?

— Енгаман. Қараб туринг. Албатта енгаман!

— Қани, бир кўриб қўяйлик-чи?

Лой уюми. Қум. Қолип. Тойчоқнинг калласидай келадиган лой. Қум. Қолипга уриш!

— Ҳой болалар, овқатга келинглар!

Яна бир марта. Яна бир марта. Яна, ҳай-йт!

— Ойимнинг чақираёганларини эшитяпсизми?

— Қулоғим кар эмас. Үзинг-чи?

— Менинг қулоғим кар. Мана шу қаторни ғишт билан тўлатмагунча трактор билан ҳам ҳеч ким ўрнимдан қўзғата олмайди.

Қум. Қолип. Тойчоқнинг калласидай келадиган лой. Шало-оп! Бир! Икки, уч! Тезроқ, тезроқ! Беш қадам, ўн қадам, ўн бир қадам!

— Ҳой болалар, овқат совиб қолади, тўхтатинглар!

— Ҳозир, ойи! Беш минут тўхтаг!

— Йўқ, ўн минутга! Хоҳласа акамнинг ўзи бораверсин, мен то унга етиб олмагунимча қўймайман!

— Етасан-а, етасан!

— Етаман!

Бир қўли билан кўзларини ишқалаб, иккинчи қўлида чойнак кўтарган Султание олдимизга келди.

— Вой-бў-й! Қачон турдинглар ўзи? Шунча ғиштни ким қўйди?— Султание чойнакни совун яшиги устига қўйди.— Чанқаб қолгандирсизлар, келиб чой ичинглар.

Султание фартуғининг чўнтагидан иккита пиёла олиб чой қўйди.

— Ойимлар, «гапимни қулоққа олишмаяпти», дедилар. Қартошка қовурган эдилар. «Совиб қоляпти», дедилар.

— Бориб айтгин, биз ҳозир, ўн минутдан кейин борамиз.

— Ўн минутдан кейин, тушундингми? Ўн минутдан кейин! — деди Иса.

— Тушундим.

Султание уйга қайтиб кетди.

— Иса, ҳеч бўлмаса бир пиёла чойдан ичиб олайлик.

— Ўзингиз ичаверинг, ака, мен кейинроқ ичарман. Яна икки, уч марта бориб келай...

Мен қолипларни тўлатиб четга қўйдим-да, яшик олдига келдим. Ерга оёқларимни узатиб ўтирдим ва чой ҳўплай-ҳўплай Исанинг ҳаракатларини кузата бошладим. Укам бечора роса тез ишлар, қўли ҳам ишга келишиб турарди. Бўйи мендан ярим бош паст, енгил ҳаракат қилаётган елкалари кенг, ўзи бўлалик, менимча, тез орада менга етиб олиши, ҳатто ўзиб кетиши ҳам мумкин. Ҳозир ҳам кураш тушсак, гоҳида енгилиб қоламан. Жуда иродали, лекин ўлгудай ўжар. Ҳозир мен ундан юз эллик-икки юзта ғишт ортиқ қўйдим. Шундай экан, Иса полвон то менга етиб олмагунича ётиб уйқуси келмайди. Овқат ҳам емайди, чой ҳам ичмайди.

— Ҳой Иса, кел, бир оз дамнингни ол. Кун узоқ. Мен ишни тўхтатганимдан кейин ҳам етиб олаверасан.

— Сиз бемалол ўтираверинг, ака, мен ҳозир, ўн минутлардан кейин.

Шу пайт орқамдан кимнингдир «Ҳорманглар!» деган овози эшитилди. Ўгирилиб қарасам маҳалламиздаги оқсоқоллардан бири, оппоқ соқолли Омон бува туриптилар.

— Келинг, бува, келинг,-- дедим мен пешвоз чиқиб.

— Ишингларни ривожини берсин, болаларим! — дедилар Омон бува яна.

— Раҳмат, бува.-- Мен мўйсафиднинг қадоқли кафтини икки қўлим орасига олдим, сўнгра ўнг қўлимни кўксимга босиб:— Утиринг, ота, юқорига ўтиб бир пиёла чойимизни баҳам кўринг,— дедим.

Бува бошини сарак-сарак қилганича елкасидаги чопонини ерга ташлади.

— Тўхтанг, бува, тўхтаб туринг, мен ҳозир бориб шолча олиб келаман,-- деганимга қарамай, бува чопонини ёзди ва оёқларини буклаб ўтириб, фотиҳа ўқиди. Мен бувага чой узатдим. Бува чойдан бир ҳўп-лаб, укам томонга ўгирилди.— Иса полвон, келинг энди, бир оз дамнингизни олинг.

— Ҳозир бува, ҳозир бораман.

— Иса полвон планим бажармаса ишни ташламайди,— кулдим мен. Омон бува ҳам кулимсираб қўйди. Сўнгра:

— Болаларим, ғоят катта ишни бошлаб юборибсиз. Қутлуғ иш. Савоб иш. Бутун қишлоқ шундай деяпти. Ердам ҳам қилишмоқчи. Биз кексалар бўлса, ўзаро маслаҳатлашиб бу вазифани маҳалла бажармоғи лозим, деган қарорга келдик. Ҳарна бўлса ҳам сен уйнинг каттаси-сан. Еш бўлсанг ҳам эркак кишисан, ўғлим. Шунинг учун маслаҳатга олдингга келдим. Қароримизни энг аввал сенга билдирмоқни лозим топдик.

— Яхши гапларингиз учун раҳмат, буважон. Ҳамқишлоқларимизга ҳам раҳмат...

— Қўятур болам, ташаккурингни иш битгандан кейин айтарсан. Ҳозирча ишдан келайлик.

— Қулоғим сизда, буважон.

— Эшитишимга қараганда, сизлар уй учун ҳам, ҳовлини қўрғон қилиш учун ҳам ғишт қуйишни мўлжаллабсизлар. Тўғри, бу ҳовлини пастга сув чиқадиган даражага етказиш учун жуда кўп тупроқни олиш керак бўлади. Лекин сиз ҳамма тупроқдан ғишт қуймоқчи бўлсангиз жуда кўп куч-қувватингиз кетиб қолади. Ғишт қуйиш эзма иш. У бир неча ойга, ҳатто бир йилга чўзилиб кетиши мумкин. Узинг ўйлаб кўр, ўғлим. Қўлидан иш келадиган фақатгина Иса билан сен экансан. Боринг ана, бир йил ёзда ўн-ўн беш минг ғишт қуйдинглар, дейлик. Бу ғиштарингиз зўрғагина уйнинг деворларига етиб беради. Қолгани-чи? Қолганига бўлса, яна икки-уч ой, тагин ёз ойлари керак бўлади. Лой ишидан оғир иш йўқ, болам. Тагин касал орттириб олманглар, деб қўрқяпмиз.

— Бува, албатта, қийин бўлади. Буни биз ҳам биламиз. Лекин илож қанча? Секин-секин битириб оламиз-да. Асосан мана шу уйнинг деворларини тиклаб олсак деяпмиз...

— Тўғри. Энг муҳими уй. Лекин сизларнинг бу ҳолингизда тупроқ билан олишув ҳам осон иш эмас-да. Биз, шу маҳалла, шу қишлоқ халқи сизнинг қийналганингизни четдан томоша қилиб тура олмаймиз. Бизнинг расмимизда ҳашар деган гаплар бўлади...

— Биладан. Бизда ҳам бор бу иш, талақа дейдилар...

— Бор бўлса бордир. Халқларимиз қон-қариндош халқ. Тилимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам бир-бирига жуда яқин туради. Лекин гап фақатгина шунда эмас. Миллати ким бўлишидан қатъи назар, инсон инсонга ёрдам бериши керак. Бу бизнинг ҳаётимиздаги мақсадимиздир. Шунинг учун ҳам бизлар озгина бўлса ҳам оғирингизни енгил қилмоқчимиз.

— Раҳмат, буважон, бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмаймиз.

— Лекин, биз кексалар, планингизга бир оз ўзгариш киритмоқчимиз. Фикримизча, бунинг сизга фойдаси тегиши керак...

Омон бува бир зум сўзлашдан тўхтади, совиб қолган чойни ичиб тамомлади-да, бўшаган пиёланинг четини енги билан артиб, менга узатди.

— Биз, ўзбеклар, шу пайтгача уй қуришда гуваладан фойдаланар эдик. Эндиликда айрим кишилар уйларини ғиштан ҳам солишяпти. Айтишларига қараганда, бу усулдаги қурилишга ёғоч кам кетар экан. Эҳтимол шундайдир, мен бу ёгини билмайман. Урушдан кейинги вақтларда ёғоч топиш масаласи анча қийинлашиб қолди. Шунинг учун ҳам уйнинг деворини ғиштан қилаётганингиз бизга маъқул бўлди. Энди қўрғон масаласига келсак, бу ерда таклиф бор. Бизда қўрғонни пахсадан қилишади. Энини кенг қилиб урилса, мустаҳкам девор ҳосил бўлади. Пахса қилмай, гувала ишлатса ҳам яхши бўлади. Қаттиқ ер қимирлашларига чидаб беради. Гувала ясаш эса ғишт қуйишдан икки баравар осон бўлади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, борди-ю, кучлироқ одам гувала ясайман, деса, сенинг ғиштарингга икки ҳисса каттасини ясай олади. Минг карра шукрки, маҳалламизда тошни сиқса сувини чиқарадиган одамларимиз бор. Гувалани катта ясаш, бу тупроқни кўпроқ кетказиш демакдир. Натижада ҳовлингиз жуда пастга тушади ва қўрғон девори ҳам кўтарилади.

Бу орада Иса ўз нормасини бажариб бўлди шекилли, қўлларини қум билан тозалаб биз томонга кела бошлади. Мен, эгнингга бирон нарса кийиб, кейин олдимизга кел, деб имо-ишора қилдим. Омон бува ишорамни дарҳол сездди ва қулиб қўйди.

— Уни қўявер, ўғлим, ҳар ким ўзини қандай кийимда эркин ҳис қилса шу кийимини кияди,— деди Омон бува.— Масалан, мен қишин-ёзин чопон кийиб ишлайман. Чопон совуқдан ҳам, иссиқдан ҳам бирдай асрайди.— Омон бува Иса билан қўл беришиб кўришди.— Ўтир, болам, чой ич. Ўзи ҳам роса ҳушбўй чой бўлибди,— бува қўлидаги пиёлани Исага узатди. Иса ерга чўк тушиб ўтирди-да, пиёлани олди. Омон бува бўлса сўзида давом этди:

— Лекин гувала қуйишдан олдин, ҳовлининг атрофини бир пахса девор билан айлантириб олинса ишингиз яққол кўзга кўриниб қолар эди. Ундан кейин пахсанинг устига синчни ўрнатса бўлади. Ана шунда яна бир марта ҳашар қиламиз: биринчи гувала қуйишга, иккинчи марта эса синчни ўрнатишга...

— Бу иш-ку жуда яхши бўлади-я, буважон... лекин... одамларни кетма-кет уч марта ҳашарга таклиф қилиш...

— У ёғи билан ишинг бўлмасин. Ҳаммасини биз, кексалар, уюштирамиз. Сиз ҳеч безовта бўлиб ўтирмайсиз. Фақатгина ҳашарчиларга пешинда битта қозонда шўрва-ю, кечқурунга битта қозонда ош дамлаб бериш одат тусига кириб қолган...

— Албатта, ош-овқатсиз бўлармиди?! Бироқ биз онам билан ҳам маслаҳатлашиб олсак, деган хаёлга келиб турибман... Онам нима деркинлар?

— Онам рози бўладилар, нега энди рози бўлмасинлар?! — деди Иса ишонч билан.— Лекин-чи, бува, акамнинг сиз билан бу хилда қўрқа-писа гаплашганларининг сабаби бор. Айтиб берайинми?

Мен таажжубланиб укамга тикилдим. Омон бува ҳам соқолини силкитиб «айт, айт» деган ишора қилди.

— Одам ўлганда, қабрга қўйилгандан кейин: «Биродарлар, бу одамнинг ҳеч кимдан қарзи йўқми?» — деб сўралар экан. Шундай экан, сиздан қарздор бўлиб қолсак, тўлай оламизми, йўқми?

— Э-эй, ўғлим, сен ҳали ёшсан, ўлим ҳақида ўйлагандан кўра, яшаш ҳақида ўйлагин,— деди Омон бува. — Лекин гапингда ҳам жон бор. Офарин сенга, Исажон. Танингиз соғ бўлиб маҳалламизнинг маъракаларидан — тўйидан, йиғин ва ҳашарларидан четда қолмай, ҳамма билан бирга бўлсанглар, маҳалла, қишлоқ халқининг ғам-ташвишини, қувонч-шодлигини баҳам кўрсанглар, ўз қарзингизни тўлаган бўласиз. Энди, Иса ўғлим, бориб онангни айтиб келгин. Омон бувамнинг айтадиган гаплари бор экан дегин. Гапнинг бир четини унга ҳам айтиб қўяйлик.

Тўрт-беш минутдан кейин Иса қайтиб келди. Унинг бир қўлида катта лаганда усти ёғланган лочира, иккинчи қўлидаги лаганда эса устига тўғралган кўк пиёз сепилган қоврилган картошка бор эди. Унинг кетидан катта қизил чойнакда чой кўтариб Султание келди. Иса қўлидагиларни яшиқ устига қўяркан, Омон бувага ўгирилиб:

— Онам сизнинг келганингизни кўрган экан. Лекин шу орада Шоқосим аканинг ўғли чопиб келипти-да: «Тезлик билан бизникига борар экансиз, ойимнинг жуда мазалари қочиб қолди», — депти. Онам асбобларини кўтариб уларникига чопиб кетдилар,

— Худо сақласин, қайси Шоқосим? Нима қипти?...

— Катта кўчалик Шоқосим аканинг...

— А-а... уники бўлса тушунарли... Хотини... Демак, яна битта бола кўрар экан-да... Оғироёқ бўлганини эшитган эдим. Яхши, жуда яхши, ҳар ким ўзидан кўпайсин... — Омон бува бирдан шарақлаб кулди-да, Исанинг елкасини қоқиб қўйди. — Кўрдингми, полвон: онанг бечора чақирешлари билан, ишим, болаларим, уйим демасдан, ҳамма нарсани ташлаб, касал олдига чопиб кетипти. Қани айт-чи, мана шу ишнинг ўзи халқ олдидаги қарзни тўлаган ҳисобланмайдими?!

— Тўғри, — дея кулди Иса ҳам. — Лекин-чи, бува, шахсан менинг маҳалла аҳолиси устидан шикоятим бор... Айтайми?

«Бу тентак яна нима демоқчи? Ўтирган жойида одамнинг кўнглини оғритмасайди!..» деб хавотирландим мен.

— А? Қанақа шикоят экан, айт, айта қол,— деди Омон бува.

— Маҳалланинг тўйига борсам, мени орқаси тугилган болалар қатори қозон тепасига ўтқазиб ош беришади. Мен бўлсам ёшим ҳам, ўзим ҳам аллақачон катта бўлиб қолганман. Фақат бўйим кичкина холос...

Бу «шикоят»ни эшитган бува хаҳолаб кулди-да, Исанинг елкасини қучиб:

— Шикоятинг ўринли, ўғлим,— деди.— Бундан буён сенга ал-

батта катталар қаторидан жой беришади. Мен тўйбошиларга тайинлаб қўяман. Бир-икки йилдан кейин, nasib қилса, куёв жўра бўлиб келинникига ҳам борадиган бўласан.

— Э-й, бува, сиз шунинг валдирашларига қулоқ солиб ўтирманг,— дея сўз бошладим мен.— Бу шунақанги шўх-шайтонки, ерга урсангиз, резинка коптокдай осмонга сакрайди...

Кўп ўтмай Омон бува ўрнидан турди.

— Шунақа бўлгани яхши, оч қолмайди.

— Ўтиринг, бува, биз билан нонушта қилиб кетинг.

— Йўқ, болаларим, мен нонуштани аллақачон қилганман. Кексаликда, эрта турганингдан кейин, қорнинг ҳам эрта очаркан. Узингиз еяверинг. Қаллайи саҳарлаб бир талай ишни қилиб қўйибсизлар, қорниларинг ҳам очгандир.

— Йўқ, йўқ, бува, биз билан ўтирасиз! — Иса буванинг енгидан тортиб дастурхон томонга торта бошлади. — Овқат емасангиз, ҳеч қаёққа юбормаймиз.

— Ҳа, кўп. Жуда кўнглингиз тўлмаётган бўлса, нондан бир бурда еганим бўлсин. Овқатни рад этмоқ гуноҳдир.

Омон бува яна чопони устига ўтирди. Бир бурда лочира билан бир пиёла чой ичди. Омон бува туриб кетаётиб оёғи тагига тушиб қолган нон бўлагини олиб манглайига теккизиб, уч марта ўпди ва оғзига солди...

Финиш

Ҳамма нарсанинг охири бўлади, деганларини эшитган эдим. Қиш келиб кетади. Ёз келади, у ҳам ўтиб кетади. Одам туғилади, ўлади. Демак, мен ҳам бир кун бориб ўламанми? Ишонмайман! Йўқ, йўқ. Мен бу дунёда абадий яшамоқ учун келганман. Буни менинг ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди, лекин мен абадий яшайман. Асло ўлмайман! Албатта, чор-атрофимда ўзгарिशлар бўлиб туради. Эҳтимол кимлардир ўлар, кимлардир туғилар, лекин мен-чи?.. Наҳотки, менинг ҳам ўлишим шарт бўлса?! Бўлмаган гап! Мана кўринг, соппа-соғман, икки пудлик тошни ўн икки марта кўтара оламан, турникка бир қўллаб чиқа оламан. Шунақа экан, қандай қилиб ўлишим мумкин? Ёлғон. Бўлмаган гап!

Мундоқ ўйлаб қарасам, ҳар бир одам ўз вақтида худди шундай деб ўйлар экан. Баъзи калтафаҳмлар бўлса ҳақиқатни мутлақо тан олгилари келмайди. «Мен ўлмайман, мен яхшиман. Шунинг учун жамият мени катта пул, яхши кийим, лаззатли таом, юксак унвон билан таъминлаши керак!» — деб ўйлайдилар улар. Агар кўнглидаги иш амалга ошмаса, теварак-атрофдагиларни осиб-кесиб, босиб-янчиб ўз истакларига эришмоққа интиладилар. Ундайлар на ота-онанинг, на дўст-биродарнинг қадрини билади. Бироқ бир кун келиб унинг ҳам даври ўтади. Бундайларнинг даври тез ўтади. Оти унутилади.

Ҳа, ҳамма нарсанинг охири бўлади. Ота-бувалардан қолган бу ҳикматли сўз бугун яна ўзини эслатди. Ахир бир кун бориб мактабдаги ўқиш ҳам тугайди, деб асло тасаввур қила олмасдим. Мактабимизнинг йўлагига осиглиқ турган: «ИМТИҲОНЛАРГА ...КУН ҚОЛДИ» деган эълоннинг олиб ташланганлигига ҳам йигирма кундан ошиб кетди. Йигирма кундан бери, ўтган ўн йил давомида эшитган, деярли ҳар кунни, ҳар соат «Э-эй, овозинг ўчгурлар-эй!» деб қаргаган жоннинг овози ҳам биз учун абадий ўчди. Мактаб биниси бамисоли жони суғуриб ташланган улкан махлуқдай сас-садо чиқармай қўйди. Иштихонлар бошланди. Синфда пичир-пичирлар...

БИРИНЧИ ОВОЗ. Ҳой, сенга нечанчи билет тушди? Қаллада бирон нарса борми?

ИККИНЧИ ОВОЗ. Э-э, ўлсин, мана бу иккита саволни биз ўтма-

ган эдик шекилли. Биттаям эсимда йўқ. Шпаргалканг қани? Менга ҳам узатиб юбор. Билетимнинг номери ўн саккизинчи.

УЎҚИТУВЧИ. Фалончиев, сени ҳозир синфдан чиқариб юбораман! Қани, шпаргалкангни чўзиб қўй-чи! Тугунчиев, сен бўлсанг анави ёқ-қа ўтиб ўтир-чи. Ҳа-ҳа, ана ўша жойга.

Имтиҳондан олдин бизга ҳамма саволларни ёздириб қўйишган эди. Биз деярли ҳаммасини ёдлаб олган эдик. Шунга қарамай жавобларни ингичка қоғозларга ёзиб-ёзиб қўйдик. Аслида кераксиз нарса. Лекин фойдаси теккан пайтлари ҳам бўлди.

Битта имтиҳондан қутулдик. Энди гап-сўз баҳо ҳақида боради.

БИРИНЧИ ОВОЗ. Ҳой, фалончи, неччи олдинг? Мен «беш» олдим!

ИККИНЧИ ОВОЗ. Табриклайман! Анави шумшук комиссия аъзоси ўлгудек эзма экан. Савол беравериб, тинкамни қуритди... Шунда ҳам бир амаллаб «тўрт» олиб чиқдим.

БИРИНЧИ ОВОЗ. Яхши бўлипти... Юр, уйга кетайлик. Энди озод-миз!

Шуниси қизиқки, умримизнинг сўнгидаги... Туф-а, доводиришимни кўринг, мактабда ўтган ўн йиллик умримизнинг сўнгидаги шу имтиҳонларни топшириб чиққанда, ҳаттоки, ҳамма дарслардан «икки» олиб юрган ўртоқларимиз ҳам: «Э-эй, нимасини айтасиз, «беш» олардим, лекин менга кўп қийин саволлар бердилар-да!»— деб айтишарди. Мен бу суҳбатларда ортиқча қатнаша олмадим. Имтиҳондан қутулган заҳотим «шукр, яна биттасидан қутулдим!»— дердим-да, уйга қараб «опар эдим. Чунки уйда ишлар қалашиб ётарди... Фишт қуйиш, Энверни имтиҳонга тайёрлаш, Султание билан Исага овқат пишириб бериш..

— Айтмоқчиманки, ҳар нарсанинг охири бўлар экан. Мана, шу бугун синфимизнинг охири йиғини бўлди. Синф раҳбари Татьяна Яковлевна охири марта бизни сиқув остига оляпти:

а) яхши одам бўлинглар;

б) яхши мутахассис бўлиб етишинглар;

в) ўқишни давом эттириш яхши, лекин бирор корхона ёки муассасага кириб ишлаш ҳам айб эмас, аксинча, олижаноблик бўлади;

г) ўсиб-улғайиб профессор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур ёзувчи ёки бўлмаса маданият ва санъат арбоблари бўлиб кетганингизда жонажон мактабингизни унутиб юборманглар;

г) Селямет Таймазов, синфимизда сенинг «Етуклик аттестат»ингдек яхши аттестат олган бола йўқ: бошидан-оёғигача «уч». Фақат «ҳулқингга» беш қўйдик. Бундай муваффақиятни қандай қилиб қўлга киритдинг, айтиб бера олмайсанми?

Мен шолғомдай қизариб, ўрнимдан турдим. Нима десам бўларкин? Қўлимдан келгани шу, десаммикин? Имтиҳонларга тайёрланишда, баъзиларга ўхшаб ётиб ўқишга мутлақо имкониятим бўлмаганини айтмайинми? Ёки бўлмаса, баъзиларга ўхшаб шпаргалка ишлатмай, ўз билимим билан «уч» баҳо олганимни, бу «уч» тайёр қоғозни ўқиб бериб олган «беш»дан юқори эканини айтмайинми? Ёки бўлмаса: «Мендан ўнинчи синф программаси бўйича эмас, еттинчи синф программаси бўйича талаб қилишларинг керак эди», дейми? Бутун вақтимни Энвернинг ўқишига ёрдам беришга сарфлаганимни айтмайинми? Кеч соат ўн-ўн бирларгача керосин чирогининг ёруғида Иса ва онам билан биргаликда лой қорганимизни, тонг отмасдан туриб фишт қуя бошлаганимизни айтмайинми?!

— Уч, — дедим мен ниҳоят, — бир билан бешнинг ўртасида туради. Демак мен мактабни аълога ҳам эмас, ёмонга ҳам эмас, яхшига биттирибман.

Болалар хаҳолаб кулишди.

— Тилинг жуда узун, буни биламиз,— деди Татьяна Яковлевна ва баттар жиддийлашиб лабини бурди. Хафа бўлди чоғи. Менга осилганидан нима фойда чиқаркин? Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Бу гаплардан «уч»лар «беш»га айланиб қолмайди. Мени «ёмон ўқийди» деб намуна сифатида ҳаммага кўрсатганнинг ҳам энди фойдаси йўқ. Синфдошла-

рим бўлса оладиганларини олиб бўлдилар. Мени бир оз камситадиган бўлса соғлиғига фойда қиладигандир-да. Камситаверсин!

— Узун тилинг бирон институтга киришга ёрдам берадими, йўқми, кўрамиз,— давом этди Татьяна Яковлевна менсимаган оҳангда.

— Ёрдам қилса, эҳтимол, қилар ҳам, лекин мен ўқишга киришни ўйлаётганим ҳам йўқ.

— Нима-а-а?! Пода боқасанми?

— Боқсам боқавераман. Нима, сиз гўшт емайсизми, ёки сут ичмайсизми? — дедим мен. — Чўпонликнинг уяладиган нимаси бор?

— У доярка бўлмоқчи! — деди кимдир орқадан. Болалар яна кулги кўтаришди. Мен секингина ўдед томонга қарадим. У ҳам завқланиб кулмоқда эди. Сут соғувчилик жуда кулгили ишмикин-а?! Районимизда иккита сут соғувчига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилганидан буларнинг ҳали хабарлари йўқдир-да. Лекин ўдед-чи? Энг яқин дўстинг ҳам бошқаларга қўшилиб сенинг устингдан кулса, кўнглингга оғир ботар экан. У ўрнидан туриб: «Сиз, ҳурматли Татьяна Яковлевна, Селяметга ҳадеб ёпишаверманг, у билан икковимизнинг ниҳоятда улуғ орзуларимиз бор. Олтойга, қўриқ ерларни ўзлаштиришга кетамиз. «Аттестат»ларимизни олганимиздан кейин икки ойни ўтказиб йўлга чиқамиз», демайдими?! У бўлса масхара қилиб кулиб ўтирибди.

— Мен энди ишга кираман,— дея ўқитувчимизнинг кўзларига тик қараб сўзини чўрт кесдим мен.— Қаерда бўлса ҳам ишлайвераман, чунки укаларимни боқшим, ўқитишим керак.

Татьяна Яковлевна дош беролмай кўзини четга олди.

— Ўрнингга ўтир,— деди. Сўнгра қолган гапларни хайрлашув оқшомида айтажагини қўшиб қўйди.

— Бугун ўттиз сўмдан пул йиғинглар. Директоримиз стол ясашишга рухсат берди. Озгина-озгинадан шароб, «Шампанское», мева олинади. Қизларимиз яхшилаб салат тайёрлашади. Пул йиғишни ўдед Қайрақовга юклаймиз. Энди кетишингиз мумкин, сизлар озодсизлар.

Болалар чувиллашиб, парталарнинг қопқоғини тақиллатиб ўринларидан туришди. Қизлар бўлса дарҳол Татьяна Яковлевнанинг атрофини ўраб олишди. Баъзи болалар, одат бўйича, папиросни беркитиб чекиш учун ҳожатхона томонга йўл олишади.

— Селямет, юр биз билан! — даъват этди ҳамманинг олдида кетаётган ўдед.— Икки шиша «Портвейн»имиз бор. Имтиҳонлар тамом бўлганини ювамиз.

— Йўқ, мен уйга боришим керак.

— Ярим соат кеч қайтарсан. Ҳеч нарса қилмайди.

Ярим соат мен учун яримта қўйдан қиммат туради. Мен ҳали нон учун икки соат навбатда туришим керак.

— Ҳа, бўпти, бўпти, оила бошлиғи! Бўлмаса пулни бугун берасанми, эртага берасанми?

— Мен кечага кела олмайман,— бошимни силкитдим мен.— Келишга имконим йўқ.

Нималар деяпсан ўзинг, аҳмоқ! Ун йилда бир марта тантанали маросим бўляпти. Шундай маросимга бормай бўладими?

— Билмайман, кўрармиз,— дедим-да, катта-катта қадам ташлаб, уйимизга кетдим. Нима қилсам-у, бу қорни тўқ, юзи баркашдай, қийинчилик нима эканини тушида ҳам кўрмаган болаларга уйимизда қирқ сўм, яъни тўрт буханка нонга етарли пул қолганини тушунтирсам?! Онамнинг иш ҳақи олишига эса ҳали беш кун бор. Йўқ, бир кечада ўттиз сўмни елга созуриш учун менинг имконим йўқ. Тантанали кечасиз ҳам куним ўтар. Улиб қолмасман.

Онам уйда экан. Бир оз мазаси қочган экан, бош врач уйга эрта қайтишга рухсат берибди. Енига икки уюм китобни қўйиб олган Энвер ухлаб қолипти. Эртага у бир йўла икки фандан: математика ва тарихдан имтиҳон топшириши керак. Унинг «беш» олишига ишончим комил. Менга ўхшаб «уч»ларни қаторлаштириб ташламайди. Ақли ўткир

бола. Очигини айтсам, шундай укам борлигидан фахрланаман. Умуман укаларимнинг ҳаммасини яхши кўраман.

Ховли эшиги олдида велосипед қўнғироғининг овози эшитилди.

— Селямет, чиқиб қарагин-чи, болам, биров келганга ўхшайди,— деди онам.

Чиқдим. Удед келган экан. У яп-янги, зангори, никели ярақ-ярақ қилиб турган, бутун районимизда ягона бўлмиш, Чехословакияда ясалган «Стадион» велосипедига елкаси билан суялиб турарди.

— Э, хуш келибсан, Мирзам. Нега киравермайсан ёки кучугимиздан кўрқасанми?

Удед ҳазилга тушунадиганлардан эмас.

— Яхшиям кирмаганим! Нима, кучук боқяпсизларми?

— Кучукни бойлар боқади, дўстим,— кулдим мен.— Тагин бойлигимизни ўғри уриб кетмасин, деб кўрқишади-да. Бизда ўғрига олдиргудек нимамиз бор? Ёки тешик пақиримиз билан синиқ болтамизни оладими?

— Ҳа, бўпти, етар. Боя биз билан бекорга бормадинг-да, кабоб едик, икки стакандан вино ичдик. — Удед яхшигина қаппайиб қолган қорнини силаб қўйди.— Жуда яхши ўтди.

— Сизлар кабоб чайнаб турганларингда мен нон дўкони олдида навбат кутиб турган эдим...

Шу пайт онамнинг овози эшитилди:

— Селяме-ет, ким экан?

— Мен, бу менман, — деди Удед.

— Удед! Нега ичкарига кирмайсан, ўғлим?

— Юр,— дедим мен кўча томонга ўгирилиб.— Велосипедингни етакла.

Удед орқамдан юрди. Уйга кириб ўтирдик. Онам ўзига фамилчой дамлаган экан, бизга ҳам қўйиб берди.

— Болаларим, сиз учун бугун энг қутлуғ кун,— деди у ёнимизга омонатгина ўтираркан. Шу билан гўё: «Мен ҳозир сизларни холи қолдириб чиқиб кетаман,— дегандай қилди.— Сиз энди катта ҳаётга қадам қўйдингиз. Ҳадемай турли касб эгалари бўласиз. Лекин шуни яхши билингларки, одамни одам қилган касб-кор эмас, одамни одам қилган нарса, бу инсонийликдир. Болаларим, бундан кейин ҳам дўстлигингиз бузилмасин, оға-инидай иноқ бўлиб юринглар.

Удед бошини эгиб, пишиллаганча чой ичарди. Бу кўринишидан худди: «Э-эй, қўйсангиз-чи, шу гаплардан тўйиб кетдик! Яъни бир-иккита сўз айтсангиз бояги ичган винонинг охирги кайфи ҳам учиб кетади. Ундан кўра жимгина чойимизни ичайлик!» — демоқчидай эди.

— Ҳа, майли, сизларнинг гапингизга халал бермай қўя қолай,— деб онам омонатгина ўтирган жойидан турди, бошини рўмол билан танғиб боғлади, отамдан қолган эски пальтони олди-да, чиқиб кетди. Қайсидир дарахт тагига бориб, танҳогина чўзилиб ётмоқчи шекилли.

— Хўш, пул топдингми? — деди онам чиқиб кетиши билан мен томонга ўгирилиб Удед.

— Қанақа пул?

— Туф-э, жуда аломат боласан-да, Селямет, хайрлашув кечаси учун бериладиган пулни-да. Тагин қанақа пул деб сўраб ҳам қўясан-а?

— Мен сенга очиқ-ойдин, бормаيمان, деб айтмадимми?! Ўттиз сўм билан биз уч кун яшаймиз...

Уйнинг бурчагида шитирлаган овоз эшитилди. Қайрилиб ҳам улгурмасимдан, Энвернинг овози эшитилди:

— Ака, Удед акам келдиларми? Удед ака, яхши юрибсизми, олдинига уйқуираб танимабман...

— А-а, Энвер, ўзинг яхшимисан? Ҳалиям ётибсанми? Мен бўлсам сен аллақачон қизларнинг кетидан югуриб юргандирсан, деб ўйлабман. Сен бўлсанг ҳалиям ё-ётибсан!

Удедга ўзининг ҳазили нашъа қилиб кетди шекилли, хаҳолаб кулди.

— Э-эй, Удед ака, бу ишни сиздан бошқа ҳеч ким қилмаса керак, деб ўйлайман... — деб жавоб берди Энвер.

Удеднинг аччиғи чиққандай бўлди, бироқ ўзини тутди, яна шовқинлаб кулди. Лекин Энвернинг гапи унга ёқмагани кўриниб турар эди. — Бу иш, Энвер, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мана, сен бечора ҳам узумга етиша олмаган тулқиға ўхшайсан. Хоҳласанг бошқа келганимда сенга бир қўғирчоққа ўхшаганидан келтирай...

— Ўзингизга буюрсин, Удед ака. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор...

— А-а, шунақа дегин... Айтганинг келсин ишқилиб... — Удеднинг бу сўзларидан: «Сен аҳмоқ, ўлганимда ҳам ёр висолиға етолмайсан!» — деган маъно янгради...

Пиёламни столга қўйдим.

— Удед, дўстим, масала равшан шекилли. Мабодо сўраб қолишса, Селяметнинг мазаси қочибди, кечага келолмас экан, дерсан.

Энвернинг илмоқли гаплари тинчлик билан тамом бўлганидан қувонган Удед сакраб ўрнидан турди.

— Албатта шундай дейман, модомики иложинг йўқ экан...

— Ака, — дея сўзимни бўлди ётган еридан Энвер.

— Нима дейсан?

— Яқинроқ келинг, айтадиган гапим бор.

— Айтавер, қулоғим сенда, — дедим укамнинг ўрни олдиға чўк тушиб.

— Ака, мен уйғоқ эдим, ҳамма гапларингизни эшитдим... Нега сиз хайрлашув кечасига боришдан бош тортяпсиз?

— Ахир, ўзинг ҳамма гапни эшитдим, деяпсан-ку! Сабабини ҳам эшитгандирсан...

— Эшитдим, ака, — Энвер қўлини ёстиғи тагига тиқиб, қанақадири битта сарғиш қоғоз олди. — Манави нарса бугун келиб қолди. Боринг, пулни олинг-да, тантанали кечада қатнашинг, ака!

Мен Энвер узатган қоғозни олиб қарадим. «Э. Таймазовга. Адреси... 360 сўм 47 т.».

— Бу нимаси?

«Ферганская правда» газетасида босилиб чиққан хабаримга келган гонорар. Анави, новвойхона ҳақидаги хабарим-чи, ўшанга. Ўзингиз: «Пул келса кабоб қилиб еймиз», деган эдингиз...

— Айтганимдай қиламиз... Бир кило гўшт олсак ҳаммамиз тўямиз.

— Йўқ, ака, ўзингизни ҳаддан ташқари гўлликка солманг. Биз бугун гўшт емасак ҳам кунимиз ўтади. Ўлиб қолмасмиз. Лекин Удед ака чақирган кеча, умрингизда фақат бир мартагина бўладиган кеча, унга бормасангиз ҳеч ҳам бўлмайди. Кейин ўзингиз афсус қилиб юрасиз...

— Намунча пичир-пичирларинг чўзилиб кетди? — деб гапга аралашди Удед.

— Удед ака, — деди Энвер қатъий, — акам билан бирга бориб манави пулни олсанглар-у, оқшом масаласини ҳал қилсанглар...

— Қанақа пул экан?

— Ҳа, шундай, битта қариндошимиз писта олиб чақишсин, деб пул юборган экан. Барака топкур, роса вақтида юборипти-да.

— Ҳо, ундоқ бўлса, ишлар жуда зўр-ку! Қани, Селямет, кетдик!

— Борсак бора қолайлик, бўлмаса! — дедим мен ортиқча нозла-нишга асос тополмай.

— Яхши боринглар! — деб қичқирди кетимиздан Энвер.

Мен камалакдай товланиб турган «Стадион»нинг орқа ўриндиғига ўтирдим, Удед педални босди-ю, биз почта тарафга қараб учиб кетдик. Ишқилиб мана шу кечада иштирок этиш менга насиб қилган экан...

Алвидо, жонажон мактабим!

Бир-бирига тақаб қўйилган столларга газета ёзиб қўйилган. Дастурхонда помидор, бодринг, пиёз, пейнир, колбаса, салат, тўрт-беш шиша «Шампанское», тўрт-беш шиша «Портвейн» ва ўқитувчилар учун икки шиша ароқ турарди. Ҳаммамиз қўлимизга вино тўлдирилган қадаҳ кўтариб тик турибмиз. Директоримиз нутқ сўзляпти. Мен у кишининг гапларини зўр бериб тингламоқчи бўламан, лекин қулоғимга ҳеч бало кирмайди. Бошим ғувиллайди. Юрагимда қандайдир оғриқ сезаман. Ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришни мен энди яққол ҳис этияпман. Мактаб билан, ўқитувчилар билан, ўн йил ёнма-ён ўтирган, бирга ўйнаб-кулган, баъзан ёқалашган синфдорларимиз билан хайрлашяпмиз. Ҳар кимнинг ўз йўли, ўз толен бор: бири институтга кирмоқчи, бири техникумга. Бири Тошкентга, яна бири Андижонга кетмоқчи... Синфина шунақа жамоат-жам бўлиб бир ерга тўплана олмасмиз. Бу кун, миз ҳар ёққа сочилиб кетади. Эҳтимол, биз ҳаммамиз яна қайтиб масъунгги йигин. Раҳмат сенга, Удед! Судраб бўлса ҳам мени олиб келдинг. Яхши қилдинг. Бўлмаса ғирт аҳмоқлик қилаётган эканман... Сенга ҳам раҳмат, укажоним Энвер!..

Мен секингина теварак-атрофимга назар ташладим. Баркаш юзли Удед аллақачон стаканни бўшатган, ҳеч ким эътибор бермаётганидан фойдаланиб иккинчисини тўлдириш билан машғул эди. Куляптилар, аканг қарағай. Дунёни сел олса тўпигига чиқмайди. Ҳеч қаерда оч қолмайди. Келажагининг порлоқ бўлишига ишонади. Илдизи бақувват: отаси район молия бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Елғиз фарзанд учун жонини ҳам аямайди. Анави колбаса, пейнирларни ҳам ўша киши топиб: «Мендан совға», деб юборипти.

Синфкомимиз, кўзойнакли Вера Арепина, қадаҳ эмас, помидор бўлаги илинган санчқични ушлаб ўтирипти, қўллари қалтирайди. Ниҳоятда ҳаяжонланаётган бўлса керак. Эҳтимол директорнинг сўзлари таъсир қилгандир. Ҳар қалай йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб турипти.

Зение Адилованинг қўлида ҳеч нарса йўқ, тирноқларини шундай диққат билан кўздан кечиряптики, бамисоли уларнинг устига ажойиб сўзлар битилгандай...

Бўлат, Лена, Геннадий... Бошларини ерга эгиб олишган...

Татьяна Яковлеванинг оғзи тўла тилла тиш экан. Буни қаранг-а мен бўлсам энди билибман. Оғзи прожектордай нур сочиб турибди...

Директоримиз ҳалиям гапиряпти. Диққат қилсам, жуда самимий, оталик меҳри билан қорилган гапларни гапирётган экан. Сизга ҳам раҳмат, азиз директоримиз! Биз сизни ҳамиша ҳурмат қилиб келдик. Лекин сиздан ёмон қўрқардик. Шунинг учун ҳам «Аракчеев» лақабини қўйган эдик. Сиз бебошликни асло ёқтирмасдингиз. Энди тушундим: аслида биз учун жон куйдираётган экансиз. Уқисин, одам бўлсин, деб ҳаракат қилган экансиз. Менимча, бугун биз билан хайрлашмоқ сизга ҳам энгил бўлмаса керак. Чунки синфимизда сизнинг ҳам ўғлингиз ўқир эди. Қарим бечора саккизинчи синфда ўқиётганимизда ҳалок бўлди. Бизни пахта теримига олиб кетаётган машина ағдарилиб тушди. Ҳеч кимга жиддий зарар етмади (чақа бўлган, шилинган жойларини назарга олмаганда). Қаримни бўлса ҳатто касалхонага олиб боришга улгуришмади. Йўлда жони узилди... У менинг яқин дўстим эди. Қарим, Қарим, дўстим, мен тирик қолганим учун афв эт! Сен тирик қолиб, иккаламиз яримта бўлсак ҳам рози бўлардим... Энверга ўхшаб... Даданг Энверга жуда кўп яхшилиқ қилди. Буни ўла-ўлгуниimizча унутмаймиз... Умри узоқ бўлсин, раҳмат...

Ната директоримизнинг ёнгинасида ўтирипти. Иккинчи ёнида отаси, район халқ маориф бўлимининг мудиринг Аристрах Петрович... Ната отасига кулимсираб нималарнидир тушунтиряпти. Унга жавобан отаси

ҳам кулиб қўйди. Ната... Ната... У бугун узун, ёқаси очиқ оқ кўйлак кийиб олган. Урилмаган сочлари елкасида ёйилган. Электр чироғи ёруғида олтин рангга кириб товлянапти... Ната... Синфимизда... Йўқ... мактабимизда сенга етгулик гўзал қиз йўқ. Мактаб нимамиш, районда, областда, мамлакатда, ҳаттоки бутун дунёда сенга тенг келадиган чиройли қиз топилмаса керак! Ната... Исминг жисмингга монанд... Ната... Сени нақадар севганимни билсанг эди! Ажабо, нима қилган бўлардинг? Таажжубланиб кулармидинг?! Нима қилар эдинг, буни мен билмайман, лекин сиримни очмаганим ўзимга фойда, шуни биламан. Сен мени кулги қилмайсан, олдингга солиб қувмайсан. Шунчаки бир дўст деб қабул қиласан. Шунисига ҳам шукр...

Ната менинг тикилиб турганимни ҳис қилди шекилли, юзини мен томонга ўгирди. Кўзларини катта-катта очиб (унинг шунақа одати бор эди) бошини бир силкиб, кўзига тушиб турган сочларини орқага иргитди. Мен дарҳол кўзимни олдим... Ната... Унинг тилларанг сочларидан ҳамниша муаттар ис келиб турарди... Узидан бўлса қишин-ёзин олма, қандил олманинг ҳиди келарди...

Билишимча, мен Натани ҳам охирги мартаба кўряпман: эртага у Тошкентга, медицина институтига кириш учун кетаркан. Августгача ўша ерда туриб имтиҳонларга ҳозирлик кўрармиш. Эҳ, дунё... дунё... Мана шу қизга бугун ҳеч бўлмаса бир неча оғиз гап айтсам ўзимни энг бахтли одам деб ҳисоблаган бўлардим! Лекин қандай қилиб?! Унинг атрофида ўралашиб юрганлар сон минг. Дўстлари, Удед сингари олғирлар-у, яна аллакимлар! Бунинг устига отаси ҳам шу ерда. Йўқ, йўқ, бу ерга келмаганимда яхши бўларди. Шу тахлит азобланиб ўтирмасдан, тинчгина ётиб ухлаган бўлардим.

— Сиз бугун ҳаётингизда катта бир довон ошдингиз. Лекин бу довонга чиққан одамнинг: «Менинг энди интиладиган нарсам йўқ!» — дейишга ҳечам ҳаққи йўқ. Аксинча, бу довон сизнинг олдингизга янги чўққиларни эгаллаш вазифасини кўяди. Яъни ҳаётга старт оласиз. Буни ким гапиряпти ўзи? Қанақа довон? Қанақа старт? Шошиб теварак-атрофимга қарадим. Ҳа-а, мен қаерда ўтирганимни бутунлай унутганимдан директоримизнинг сўзи тамом бўлганини ҳам сезмай қолибман. Болалар «Ур-ра!» — деб юборишди. Радиола марш чала бошлади. Бир-бирига урилган қадаҳларнинг жўранги эшитилди.

— Таймазов, табриклайман энди!

Татьяна Яковлевна менга гапиряпти. Оғзидаги тилла тишлари бир қаторга тизилган майда қуёшчалардай порлайди. Қўлида шампань тўлдирилган қадаҳ...

— Раҳмат.— Шолғомдай қизариб қадаҳимни қўлимга олдим. Уқитувчимиз кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, менга силкитиб бир нарсалар айтди ва кулимсиради. Мен ҳам бошимни қимирлатиб жилмайдим, лекин қулоғимга ҳеч нарса кирмади. Ниҳоят, ўқитувчимиз ёнимдан кетди. Худога шукр! Мен чуқур нафас олдим. Ёнимдан рўмолчамни олиб, юз-кўзларимни артдим. Қўйлагимнинг орқаси жиққа ҳўл бўлган экан. Қизиқ, нимага шундай бўлдийкин?

Радиолада вальс янгради. Йигит-қизлар жуфт-жуфт бўлиб айлана бошладилар. Менинг ҳам қўлимдан кимдир торга бошлади. Вальс деганини кўргани кўзим йўқ, шундай бўлса ҳам ўртага тушдим. Нима қилай, ўртада симёғочдай қаққайиб тураверайми?! Олдимдан айланиб Удед ўтди. Қизарган пешонасини тер босиб кетипти. Тирсаги билан атайлаб биқинимга туртиб ўтди. Яна кўз ҳам қисиб қўяди. Негадир шу пайт қўлим қичиб кетди. Етиб олиб жағига туширгим келди. Лекин ўзимни тутдим...

— Ҳой Таймазов, сенга нима бўляпти ўзи?

Ҳа-а, бу мен билан давра айланаётган Зениехоним Адилова эканда!

— Ассалому алайкум, яхшимисиз? Нима дедингиз? Кечирасиз, тушунмай қолибман.

— Ҳой, сенга гапиряпман, нима бало, гаранг бўлиб қолганмисан?

Гаранг эмас, кўр бўлганимда яхши бўларди. Удед юнг босган қўллари билан Натанинг нозик белини қучиб турганини кўрганимдан кўра кўз олдим бир текис қоронғилик бўлгани афзал эди. У-у аблаҳ! Яна кўз қисади-я! Кўз қисатуриб тасодифан бўлгандай Натани бағрига босади.

— Сенга нима бўлди?

— Уйқум келиб кетди, Зениехоним, тунингиз хайрли бўлсин!

Осмон қоп-қоронғи. Юлдузлар сон-саноқсиз. Олтин парчаларидай порлайди. «Мана мен, ҳушингга келса, қўлингни узатиб узиб ола қол», деётгандай. Ҳаво топ-тоза. Қаердадир булбуллар сайрайди, қаердадир қурбақалар вақиллайди. Ҳали вақт эрта экан. Кинотеатр томонидан сеансдан олдин чалинадиган куй эшитилипти. Менга бўлса бу кеча, синфдошларим билан хайрлашув кечасининг икки соати, тамом бўлмайдиган узун туюлди. Хайр, мактабим, алвидо, севимли Ната!..

Алвидо, севилим, алвидо, орзум!

Соат ўн бирдан ошди. Мен ҳамон почта олдида турибман. Удедни кутяпман. У билан ўн яримда, шу ерда учрашамиз, деб гаплашган эдик. Ярим соат ўтипти-ю, у аблаҳдан ҳанузгача дарак йўқ. Тайини йўқ, мактабга ҳам, учрашувларга ҳам, туй-ҳашамга ҳам доим кечикиб келади. Дунёни сел олса тўпиғига чиқмайди. Улгудек беғам. Шунинг учун бўлса керак, тикмачоқдек семиз. Афти меникига иккита келади, осилиб тушган лунжи ҳатто орқадан ҳам кўриниб туради. Ҳадемай кўксига тегади шекилли. Оғирлиги тўқсон килодан кам эмас. Ун етти яшар йигит ҳам шунақа бўладими?! Беш-ўн йилдан кейин ҳали нима бўлади? Ҳозирнинг ўзидаёқ футбол ўйинларида унга ҳеч кимнинг рўпара бўлгиси келмайди, чунки у югурса паровозга ўхшаб югуради. Муштлири ҳам нақ чақалоқнинг калласидай келади. Бир зарб билан катта одамни ҳам ерпарчин қилиши мумкин. Бир куни у билан жанжалнинг устидан чиқиб қолдик. Удеднинг рангдор велосипедини миниб, Кабловскаядаги клубга, рақс майдончасига бордик. Рақслар бошланмасдан олдин дўстим мени қўналдиқ қошидаги яшил рангга бўялган тахта уйчага етаклаб борди. «Юр, йигит, танцага озгина кўтаринки руҳда бориш чиройли бўлади».

Бу менинг танцага биринчи марта борувим эди. Ҳийла уялар, ажабланар эдим. Удед бўлса бу ерга минг карра келиб кетган бўлса керак. Айтишига кўра бу ерда битта жонон топиб олган, бир қанча вақт уйига қатнаб юриб, сўнгида ташлаб кетган эмиш. «Мана кўрасан, бугун ҳам битта олмани узиб оламан. Биттаси анчадан бери қошини қоқиб, кўзини сузиб юрипти...»

Ҳа, айтганимдай, бояги яшил уйчага кирдик. Удед бу ернинг ўз кишиси экан: ҳатто велосипедини ҳам ичкарига судраб кирди. Қўналдиқда ҳар хил одамлар изғиб юришипти. «Битта-яримтаси илиб кетса, тамом, ажралиб қоласан!» Уйчада, эгнига узун майка кийиб олган армани киши баллонларда мусаллас сотиб ўтирар экан.

— Эҳ-а, бизнинг Удед полвонимиз келиптилар-у! Хуш келдингиз, ўғлим,— деб бақирди армани бизни кўриши билан.

— Келдик, Саркисьян, келдик,— жавоб берди Удед.— Қани, дўстим, битта графинни тўлдир-чи! Газаги билан бўлсин.

— Жоним билан, Удеджон. Сиздай азиз меҳмонларга атаб янги узилган бодринг, помидор олиб қўйибман. Пейнир ҳам бор. «Қора чанах» деган туридан, қулинг ўргилсин, армани бринзаси.

— Баракалла, Саркисьян. «Қора чанах»га қора нон ҳам керак бўлади-а, шунақами?

— У ҳам бор, бир минут сабр қилинг, ўғлим.

Дарҳақиқат, бир минут ўтар-ўтмас столимиз устида чарос узумдан қилинган бир графин мусаллас, бир ликопга тўғралган бодринг,

помидор, арман пейнири муҳайё бўлди. Винони Саркисьяннинг ўзи қуйди.

— Столга марҳамат қилинглар, сизларнинг соғлигингиз учун мен ҳам эллик граммгина кўтараман.

— Нега энди эллик грамм бўларкан? Стаканни тўлатавер, пули мендан.

— Йўқ, Удед жон ўғлим, вино билан савдо қиладиган одам эллик граммдан ортиқ ичмаслиги керак. Бўлмаса унинг ҳолига вой бўлади. Унақаларни тез кунда вино бочкасидан топиб олишади. Пул масаласига келсак, ташвиш тортмай қўя қолинглар, мен сизларни меҳмон қилмоқчиман. Олинг, еб-ичиб кўнглингизни хушланг...

— Яша, Саркисьян, одамгарчилигинг борлигига энди ишондим. Қойил қилдинг.

Сотувчи юм-юмалоқ башарасини буриштириб кула бошлади. Ха-ҳолаб куларкан, ҳадеб қўлларини шартиллатиб сонига урарди. Узини худди Удед кулгили гап айтган-у, кулмаса ўлиб қоладигандай кўрсатар эди. Лекин Саркисьяннинг ўзи кулса ҳам, кўзи кулмасди... Мен буни кейинроқ сездим.

Удед мени шунча зўрласа ҳам, минғирлаб сўкинса ҳам, бир стакандан ортиқ ичмадим. Дўстим бир графин мусалласни деярли ўзи тамомлади. Қайтишда Саркисьянга пул ҳам бермади. Миннатдорчилик билдириб арманининг бошини силаб-сийпаб: «Улма, Саркисьян, узоқ умр кўр,— дея рухсат берди. Сўнгра: — Биз омон бўлсак ўлишингга йўл қўймаймиз!» — деб илова қилди. «Шундай, ўғлим, шундай!» — деб бошини силкитди Саркисьян. Биз чиқиб кетдик. Вужудимда нималар рўй берганини гапириб ўтирмасам ҳам бўлади, деб ўйлайман. Кайфи ошган Удед ҳар кимга бир ёпишиб ўтди. Пировардида «оладиган олмаси» бўлмиш Римма деган қизни рақс майдончасидан ташқарига судради. У бормайман, деб туриб олди. Бундан аччиқланган Удед унинг юзига бир тарсаки туширди. Бир-иккита шу маҳалланинг йигитлари, «Нима қиляпсан ўзинг?» — дегандай қилишган эди, биттасининг қорнига тепки тушди, иккинчисининг бурнини уриб қонатди. Велосипедини (мен уни ҳозиргина арманининг будкасидан олиб келган эдим) битта танишнинг қўлига тутқаздим-да, Удедни зўрлаб ташқарига олиб чиқдим. Бир оз юрганимиздан кейин, бояги танишим орқамиздан етиб келиб қолди. «Тезроқ жўнаб қолинглар, сизларни уришмоқчи!» — деди у. Лекин Удедни бу ҳолда қандай олиб кетиб бўлади? У на оёқда тура олади, на велосипедда юра олади. Шунга қарамай албатта кетиш керак. Чап қўлим билан велосипедни, ўнг қўлим билан Удедни етаклаб олдим. Мана, Катта Фарғона каналининг кўпригидан ўтиб олдик. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, кўприкдан ўтганимизга икки-уч минут ҳам бўлмай, рўпарамизда бир тўда қора кўланка пайдо бўлди. Улар овоз чиқармай яқинлашувимизни кутардилар. Энди нима қиламан? Удедни туртиб кўрдим. Писанд қилмади. Тик оёқда ухлаётган отга ўхшаб пишиллайди. Ора-чора ўз ҳолича нималарнидир гўлдираб қўяди.

— Э, — деди рўпарамиздаги кўланкалардан бири, — эй, гердайганининг дўсти, четга чиқиб тур, сенга тегмаймиз. Лекин анави қилмишига яраша ҳақ олиши керак. Сен эса қорангни ўчир!

У гапини тугатгунича мен велосипеднинг рамасидан насосни олиб улгурдим. Сўнгра велосипедни анавилар тарафга итариб юбордим-да, Удеднинг кетига қаттиқ бир тепиб қўйдим.

— Вой! — деди у шунда ҳам ўзига келмай. Лекин менинг унга гапиришга вақтим қолмаган эди. Олдимга келганинг бошига насос билан туширавердим. Мени ўраб олишди, лекин мен уришда давом этавердим. Бошимга бир-иккита оғир мушт келиб тушди, икки-уч марта тепки ҳам едим. Қарасам, иш чатоқ, ҳадемай бир ёқлик қилиб қўйишадиган. Энди ҳолдан тоя бошлаган эдим, Удед пайдо бўлди. Тепки зарбидан кейин кайфи тарқалган шекилли. «Их! Их!» — деб у ўнгу сўлига мушт тушира кетди.

— Ҳой, тирикмисан? Менга суяниб ол! — деб кенг елкасини тутди.

Қараб тур, тагин орқамдан бир нарса билан уришмасин! Их! Жонинг кирдими?! Кел, келавер, тагин киминг қолди?!

Мушт еганлардан бири ерга ағанаб тушди. Унинг орқасидан яна бири келган эди, мен бошига насос билан туширдим.

— Вой ойиним! — деди у. Овозидан, бояги менга, дўстингни ташлаб, жонингни сақла, деб маслаҳат берган қаҳрамонни танидим. Қўлида тоши бор экан, пешонамга солиб қолди. Жон-жаҳдим билан унга ташландим-да, қора қўланканинг оёқлари орасига тепиб юбордим, лекин шу ондаёқ кўз ўнгимни қоронғилик чулғаб олди...

Кейинчалик билсам, Удед қасаба болаларини менинг олдимга йўлатмапти. Ҳеч ким эс-ҳушини йиғиб олишига имкон бермай, отасидан олган ҳарбий камар билан тушираверипти. Лекин шубҳасиз унинг бир ўзи кўпчиликка узоқ дош беролмасди. Бахтимизга Каттайўл томонидан битта машина келиб қолибди. Унда Удедни танийдиган кишилар бор экан. Вазиятнинг ўзгарганини билган болалар жуфтакни ростлаб қолишибди. Шундай қилиб, ҳеч еримиз синмай, майиб бўлмай уйга етиб олдик.

Бу уришда мен катта қаҳрамонлик кўрсатганим йўқ, ниҳоятти бир-иккитасини урдим, бир-иккитасидан калтак едим. Аниқроқ қилиб айтганда безориликда қатнашдим, безорилик қилган дўстимни ҳимоя қилдим. Шунақа. Лекин менинг ўрнимда сиз нима қилган бўлардингиз? «Ут, четга ўтиб, дўстингни урганимизни томоша қилиб тур», — дейишса, нима дер эдингиз? Удеднинг ўрнида бошқа одам бўлса, «Ҳимоя қилганинг учун раҳмат, дўстим», дер эди. Лекин у: «Сен бекорга уриш бошлабсан. Уларнинг менга қўл кўтаришга юраклари дов бермаган бўларди», деб айтди. Бу кеча ҳақида бошқа гап-сўз бўлмади. Бўлган иш ўтди-кетди. Лекин менинг қалбимда қандайдир бир алам қолди. Нимага шундай эканини узоқ вақт бйлолмай юрдим...

Соат ўн икки. Удедбойдан ҳануз дарак йўқ. Диққатим оша бошлади. Шунчалик ҳам одамни менсимаслик, бир ярим соат куттириб қўйиш?! Шартта почтага кирдим-да, телефонистка қиздан мени Удедларнинг уйи билан боғлаб беришни илтимос қилдим. Дастакни онаси олди.

— Аллэ, ким бу? А-а, Селямет, сенмисан? Салом, салом... Нима демоқчи эдинг? Нега уни почтанинг олдида кутасан? Болам, сен ўғлимни йўлдан урмагин. Унга Олтой-полтойингнинг ҳеч кераги йўқ! Қўриқ ерларни ҳукумат усиз ҳам ўзлаштириб олади. Удед ўз келажаги ҳақида бош қотириши керак. Отасининг даврида ўқиб, олим бўлиши керак. Кеча, кечки поезд билан Тошкентга кетди. САГУнинг юридик факультетига кирмоқчи. Шунақа. Осилсанг баланд дорга осил, деганлар бурунгилар. Бировга йўл-йўриқ кўрсатишни ёмон кўраман. Қўй ҳам, эчки ҳам ўз оёғидан осилади. Шундай бўлса-да, сенга айтиб қўяй, вақт ганиматда эс-ҳушингни йиғиб ол. Олтой-полтойингни йиғиштириб қўйиб ўз келажагинг ҳақида қайғургин.

— Мени кечиринг-у, келажагим ҳақида қайғурганим учун ҳам Олтойга бормоқчиман-да. Мен сўзимда туришни яхши кўраман. Ҳали шахсий манфаатим учун дуч келган чакалакзорга ўзимни уришга ўрганганим йўқ.

— Ҳой бола, бу билан нима демоқчисан?

— Ҳеч нарса! — телефон дастасини жойига илиб қўйдим-да, ташқарига чиқдим. Тепамдаги кўзни қамаштирадиган қуёш кўзимга қопқора кўриниб кетди... Демак, дўстим Удед орзу-истакларимизга хиёнат қилипти, онт ичганини унутпти, дўстини алдапти. Дўстини! Аслида бирон марта ҳам у мени ўзининг дўсти деб билганмикин? Ҳар қадамда, ҳар бир ҳатти-ҳаракатида мени камситишга ҳаракат қилмасмиди? Оғзи билан айтмаса ҳам ичида мени ҳеч қачон ўзига тенг ўртоқ, чин дўст деб билмаган. Мен буни энди тушундим. Ундай кишининг исмини ҳам юрагимдан, ҳам миямдан юлиб ташлайман! Алвидо, дўст бўлмаган дўстим!

Райком комсомол секретарининг хонасида мендан бошқа яна уч

киши ўтирипти. Мен ҳам дераза олдига қўйилган ғирчиллайдиган скамейкада навбат кутиб ўтирибман. Ҳовлида, эски «Москвич» машинасининг соясида чўпдай озғин ит ётипти. У, ўзидан беш-олти қадам нарида ғивирлаб юрган товуқларни кузатиб ётарди. Кун бир оз салқин бўлса-ю, уларни бир тирқиратарди-я... Лекин офтоб нурлари борлиқни қовжиратиб борарди. Шунинг учун ҳам қимирламай ётгани маъқул. Ит оғзини катта очиб эснади, сўнгра бошини икки оёқларига қўйиб пинакка кетди. Ахир оч қорним, тинч қулоғим, деганлар-ку!

— Сиз секретарни кутяпсизми?

— Ҳа... Албатта... Секретарни...

— Қира қолинг. Бўлмаса ҳозир кетиб қолишлари мумкин.

Кабинетда яшил мовут ёпилган стол ортида баланд бўйли, қотмадан келган секретарь қиз ўтирарди. Хонада ундан бошқа яна икки киши бор эди. Ёрдамчилари бўлса керак.

— Утиринг.

Ўтирдим. Ўша заҳоти ичимда қандайдир оғриқ сездим. Ана бўлмаса! Фақат шуниси етмай турган эди. Секретарнинг юзига тикилдим. Унинг пешонаси, кўзларининг таги сарғиш, даҳани эса кўм-кўк эди. «Бу қиз бўйаб қўйилганини, нима бало?»

— Эшитаман,— деди секретарь.— Нима ишингиз бор?

— Мен ўрта мактабни тамомладим. Энди Олтойдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда қатнашмоқ ниятидаман. Йўлланма берсангиз, деб келдим.

Секретарь бирмунча вақт менга қизиқсиниб тикилди. Сўнгра кулимсираб ингичка бармоқлари билан олдида турган папкани четга торта бошлади.

— Яхши ният қилибсиз,— деди у.— Лекин бизда Олтойга йўлланма йўқ. Фақатгина Янгиер шаҳари қурилишига, Мирзачўлгагина бор...

— Йўқ, мен фақат Олтойга боришни истайман. Неча йилдан бери орзу қилиб юрибман.

— Кетишга шунчалик ишқибоз экансиз, Янгиерга кетавермайсизми? У ҳам чўл-да, қўриқ ерда-ку. Романтикаси ҳам етарли, топиш-тутишингиз ҳам ёмон бўлмайди, — деб сўзга қўшилди ўтирганлардан бири.— Ундан ташқари жуда узоқ ҳам эмас. Истаган пайтингизда уйингизга келиб-кетаверасиз.

Мен индамадим.

— Учта уканг бор, шундайми? — сўради секретарь бармоғи билан олдидаги папкани чертишда давом этиб. Мен «ҳа» дегандай бошимни қимирлатиб қўйдим-у, ўзимдан-ўзим ҳайрон бўлдим. «Булар қаердан билди экан?» Лекин шу пайт унинг бармоғи остидаги папканинг четидаги: «Ал. Серг. Пушкин номли ўрта мактабнинг ўқувчиси Таймазов С.» деган ёзувга кўзим тушди.

— Сен уйдан кетсанг, онанга қийин бўлади,— сўзида давом этди секретарь.— Минг қилганда ҳам уч бола бор. Унинг устига уларнинг бири ногирон экан.

— Кетиб қолсанг унинг ўқишига ким ёрдам беради? — деди иккинчи ёрдамчиси.

— Иморат ҳам бошлаб қўйган экансизлар. «Қолган ишга қор ёғар», деганларидек, сен кетсанг бу иш ҳам чала-ярим қолиб кетади,— қўшиб қўйди ёрдамчиларидан биринчиси.

— Агар сенинг ўрнингда бўлганимда,— деди секретарь қиз,— шу ернинг ўзида иш топган бўлардим. Мана, олдимизда завод ҳам бор. Нефть заводига йўлланма беришимизни истайсанми?

Э-эҳ, бу ёғига нима дейсан энди? Олтой, қўриқ ер романтикаси ўрнига ёнимиздаги заводни рўпара қилиб ўтиришипти. Худди ўз қайлигим, ёрим ўрнига бошқасини рўпара қилгандай бўляпти. Севгилимнинг ўрнига дуч келган чиройли, яхши, аммо мен танимаган, кўрмаган, севмаган бир қизга уйланишимни таклиф қилишяпти. Ол-да, яшайвер, эҳтимол, вақти келиб уни ҳам севиб қоларсан, дейишяпти.

— Ҳўш, розимисан?

— Рози бўлмади нима қиламан? Иложим қанча?

Райком биносидан чиқдим. Қўлимда ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган йўлланма. Дунё кўзимга тор кўриниб кетяпти. Узимни кайфи ошгандай ҳис қиламан. Ўтган-кетганларга туртилиб, кўз ёшимни аранг тўхтатиб бораман. Севикли қайлигимни йўқотдим. Ўрнига бошқасини олдим. Бу ёғи нима бўлса бўлар. Орзусиз, қанотсиз қуш бўлганимдан кейин...

Уйга қайтгач, Удеддан сотиб олган гитарамни ҳовлига олиб чиқдим-да, дуч келган дарахтга бор кучим билан урдим. Гитара акс-садо чиқаришга улгурмай майда-майда бўлиб кетди. Синиқларини йиғиштириб ўчоққа ташладим. Устидан керосин қуйиб, ёқиб юбордим. Алвидо, севгилим! Алвидо, орзум! Алвидо, сотқин дўстим Удед!

Яна талабалик

Бошга тушганини кўз кўради, деган эканлар. Мана, қараб туриб яна талаба бўлиб қолдим. Шогирд, чилангар шогирдиман. Умримнинг охиригача талабаликдан қутулмайман шекилли. Район комсомол комитетининг йўлланмасини кўрсатишим билан, кадрлар бўлимнинг бошлиғи: «Аризанг қани?» — деб сўради. Шу ернинг ўзидаёқ ўтириб ариза ёзиб бердим. Сўнгра: «Эртага соат саккизда цехда бўл, — деди у. — Темир-механика цехида ишлайсан. Хайр, оқ йўл сенга. Сен энди ишчилар синфига қўшилдинг». Мен жавоб қайтармай, орқамга ўгирилиб чиқиб кетдим.

Мана, бугун илк карра завод гудогидан уйғондим. Соат етти. Онам ўчоқ бошида нонушта тайёрлаш билан овора.

— Тезроқ еб ола қол, болам. Вақтни ўтказмай, Марғилон йўлига чиққин. Уша ерда ишчилар махсус машинани кутиб туришади. Машина ишчиларни эрта билан олиб кетиб, кечқурун олиб келади, — деди онам.

Соат етти яримга чойхонанинг олдига етиб бордим. Еттидан қирқ минут ўтганда, тепаси брезент билан ёпилган ГАЗ-51 машинаси етиб келди.

Мана энди темир-механика цехининг ҳовлисида турибман. Цехнинг мастери (исмини билганимча йўқ) ишчиларга бугун қиладиган ишларини тушунтириб берапти. «Менга нима иш қилдиришаркин?» — деб бир чеккада турибман.

— Бу ёққа кел, — деди уста ниҳоят ва мени каттакон юмалоқ бир плита олдига олиб борди. — Мана шу темир бўлағи, — сўзида давом этди у, — холодильникнинг бир бўлагидир. Бунга икки юз саксон дона кичкина-кичкина қувурчалар жойлаштирилган. Ҳозир мана шу қувурчалар эскириб, яроқсиз бўлиб қолди, демак, уларни олиб ташлаш керак. Сенинг вазифанг болға ва зубило билан шу темир бўлакчаларини кесиб чиқаришдир. Асбоблар цехига бор, сенга керакли ускуналарни беришин. Ишни бошлайвер. Кам-кам чилангарликни ҳам ўрганиб оласан...

Шундай деб уста чиқиб кетди. Мен ишга киришдим. Уйда у-бу ишларни қилиб ўрганган эдим. Белкурак, кетмон билан ер чопиб, болға билан миҳ қоқиб кўрганман. Шундай экан, мана шу эски темир бўлагидан чириган қувурча қолдиқларини кесиб ташлаш нима бўпти. Шу ҳам иш бўлдию! Қўлингга болғани олгин-у, уравер! Оҳ!.. Болға зубилонинг устига тушмай, бармоғимга тушди... Тирноғим шу заҳоти кўкариб кетди. Анави бўлмағур тешикчаларни эса атиги еттитасини тозаладим. Иш шу хилда кетаверди. Кунига бир бурда нонга етгулик пулни ҳам ишлай олмайман-ку?! Онам мени бекорга ўқитиб овора бўляпти. Аслида ўн ёшимдан шу ишга берганида яхши бўларди. Ана шунда эҳтимол бирон нарсага яраб қолардим.

— Салом, демак, бирга ишлар эканмиз-да?

Бошимни кўтарсам, рўпарамда ўрта бўйли, келишган бир йигит турипти. Унинг сочлари ҳам, қошлари ҳам қоп-қора, кўзлари кўм-кўк

эди. Уҳ-ў, ҳали бу олифта менга устоз бўлар эканми? Мендан атиги уч-тўрт ёш катта бола-я?

— Кела қол, бу тешиқлар иккимизга ҳам етади. Болгани олиб то-залайвер,— дедим унга.

— Қара-я,— деди йигит,— гапга жуда чечан экансан. Кел, тани-шиб қўяйлик. Исмин Шокир, фамилиям Бекиров

— Жуда яхши, танишганимдан ниҳоятда бахтиёрман,— дедим зир-қираб оғриётган қўлимни устозимга узатарканман. Шокир хиёл кулим-сиради, лекин индамади. Сўнгра токарлар цехига чопиб кетди. Беш-ўн минут ўтар-ўтмас эндигина ясалган, четлари ярақ-ярақ қилиб турган оғир темирни кўтариб келди. У худди икки чети кесилган колба-сага ўхшарди. Юмалоқлиги ҳам анави, мен тозалаган темирнинг те-шиқчалари ҳажмида эди. Шокир жимгина ерга чўккалади, зубилони қиялатиб сварка ямоғига тиради-да, болга билан тақиллатиб ура бош-лади. Бир-икки минут ўтмасдан ямоқни кесиб туширди, сўнгра «колба-са»ни тешиқка тўғрилаб болга билан бир урган эди, трубанинг бўлаги «тақ» этиб ерга тушди.

— Мана, йигит, ишни мана шунақа қилиш керак,— деди Шокир мақтангандай қилиб.— Кўр, ўрган. Мана шунақа ишларни қилмаган чилангар чилангар эмас. Тўғрими, афандим?

— Ҳа, гапнинг тўғрига ўхшаяпти.

Мундоқ ўйлаб қарасам, Шокир дегани дурустгина болага ўхшаб қолди. Дидимга тўғри келди. У олдимда пайдо бўлганидан бери, ҳат-то бармоғимнинг оғригани ҳам пасайгандай бўлди.

Бармоғимни боғлаб, қўлимга болгани олишим билан, Шокир чўн-тагидан брезент қўлқоп чиқариб, менга ирғитди:

— Мана буларни кийиб ишлагин. Бўлмаса заводда сал ишламай инвалид бўлиб пенсияга чиқиб қолсан. Ишламай оладиган пенсиянг ҳам ўшанга яраша ойига ўттиз тийин бўлади.

— Раҳмат, Шокир,— дедим. Ростини айтсам мана шу иккита сўзни чин қалбимдан чиқариб айтдим. Мен энди шунга билардимки, ишонил-ган ишни ўлсам ҳам, қолсам ҳам чала қолдирмай ниҳоясига етказишим керак экан. Заводда ўзимга дўст-биродар ва устоз орттириб олишимга ҳам ақлим етди. Эҳтимол, ўзимнинг ҳам бошқаларга фойдам тегар...

Кундалик дафтаримдан

Қонимизга синиб кетган нефть

Иккинчи июль. Термо-кренинг иншоотида ишладик. Бунда нефть печкаларда қайнаб, ундан турли хил кимёвий моддалар ажралиб чи-қади. Қувурларга жойлаштирилган лўкидонларни, яъни нефтнинг йў-лини очиб-ёпадиган махсус аппаратларни тозаладик. Бу иншоотда про-пан, бутан ва бошқа турли хил газлар бор экан. Ҳиди жуда ёмон, худ-ди ачиган карам шўрванинг ёки палағда бўлган тухумнинг ҳидига ўх-шар экан. Пешинда овқатимни ҳам ея олмадим. Кўнглим айниб, қайт қилиб юборишимга озгина қолди. Шокир бўлса ҳазиллашиб:

— Диққатинг ошмасин, қўзичоғим. Ҳали ўрганиб ҳам қоларсан. Ҳавойиликни йиғиштириб, ишчилар сафига қўшилганларнинг ҳоли олди-нига шунақа қийин бўлади. Буни фалсафий тилда: «Психологиянинг ай-наши» дейдилар. «Ўзинг қаерда чиниқа қолдинг?» — дерсан. Мен ҳам қишлоқданман, лекин имтиҳонларни топширганимга анча бўлди,— деди.

Демак, мен ҳам кўникиб кетаман. Албатта кўникаман. Нима, Шо-кирнинг мендан ортиқ жойи борми?

Унинчи июль. Мен Семён Михайлович Кариков деган кекса чи-лангарга шогирд тушдим. У, еттинчи разряд эгаси, яъни ўз ишининг профессори эди. Мен у кишини «Семён амаки» деб чақираман. Менинг исминини айтиш у кишига ноқулай келган экан: «Мен ҳам сени «Сёма» деб чақиравераман, иккаламиз адаш бўламиз», деди. «Адаш бўлгани-

миз яхшику-я, лекин мен отам қўйган исмиمنى йўқотишни истамайман-да», — жавоб бердим мен. «А-а, бўлмаса нима қилсак бўларкин? — ўйланди кекса устам. — Сели... Салие...» — Устанинг бари бир тили келишмади. «Селямет» такрорладим мен. «А-а, шунақа дегин, демак Селамет», кулди Семён амаки.

Уша куни устам раҳбарлигида уч дюймлик лўкидонни тузатдим. Прессга қўйган эдик, қирқ беш атмосфералик босимни кўтарди. «Баракалла, Сёма!» — деди устам. «Селямет», деб қўйдим мен. «Баракалла, Селемет! — деб такрорлади Сёма амаки, — бугун қўйдим мен. «Баракалла, лўкидонни энг муҳим жойга — термо-крекингнинг машиналар бўлимига ўрнаштиришимиз керак». «Раҳмат, — дедим мен. — Сиз менга бугунгидай йўл-йўриқ кўрсатиб тургансиз, мен ҳам астойдиил ишлайман ва ҳамма қилган ишларим пишиқ-пухта бўлади, деб ўйлайман. Сизни ерга қаратмайман», дедим.

Иигирма тўққизинчи июль. Бугун махсус ишчи кийими беришди. Брезент комбинезон ва ботинкани кийиб чиққанымда ҳамма менга: «Салом, янги бола!» — дея ҳазиллаша бошлади. Бу сўзлар гашимга тегди. Нима, мен «янги» бўлиб завод конвейеридан тушган мотоцикл ёки бир алюмин қозонманми?! Дунёга келганимга неча йил, неча замонлар бўлди-ку. Заводга келганимга ҳам ҳадемай, бир ой бўлади. Анча нарса ўргандим... Одам бир нарсани билмаса, тушунмаса ўша нарса даҳшатли туюлаверар, кишининг юрагини сиқар экан. Қадимги вақтда инсон қуёш ва яшининг олов эканини билмасдан уларни худонинг қудратидан деб ўйлаган, дуо ўқиб уларга сиғинган. Завод бўлса инсон ақл-заковати ва қўли билан яратилган-ку! Шундай экан, унинг битта пехигагина тиқилиб олиб, бошқа пехида нималар қилинаётганини билмаслик уятдир. Мен чилангарлик касбига оид китоблар билан бирга завод кутубхонасидан умумий химия, нефтчилик ва хусусан нефть ишлаб чиқариш заводлари ҳақида ёзилган бир қанча китобларни олдим. Озоддан ўқиб, ҳам разряд имтиҳонларига тайёрлана бошладим, ҳам бу соҳада билим орттираведим.

Ўттизинчи июль. Бугун термик иншоотида форсункаларни (улардан буғ билан бирга қатрон пишқириб чиқади-да, печкаларда ёнади) ремонт қилдик. Бу асбобларни салкам бир бармоқ бўйи қурум босган экан. Биз уларни тозалаб, солидол билан графитнинг қотишмасидан тайёрланган мойни суртдик, бошқатдан жой-жойига қўйдик. Кечгача Қариков бобой билан иккаламиз негрлардай қоп-қора бўлиб кетдик. Янги комбенизонининг Сёма амакиникидан фарқи бўлмай қолди. Халлимда энди мени биров «янги» демаслиги керак. Қайтиш олдидан душга кирдик. Мочалка билан баданимни зўр бериб ишқалаётганимни кўрган Сёма амаки кулиб қўйди-да:

— Э-э, Селямет, жуда ҳам зўр бераверма, ўғлим. Бу қора ранг биз нефтчиларнинг танига ҳам, қонига ҳам сингиб кетган. Сингмаса бўлмайди ҳам. Шахтёрлардагидек, бизнинг ҳам бу нарса касб тамғамиздир. Бу қоракуядан уялиш эмас, фахрланиш керак, — деди.

Иккинчи август. (Дам олиш куни). Бугун ҳам Иса иккаламиз гувала қилдик. Омон буванинг айтганлари бўлди. Ховлининг қўрғони учун ҳар бири иккита ғиштдай келадиган гувала қилипмиз. Демак, кам меҳнат билан кўп тупроқ ишлатилляпти. Бизга ана шуниси керак-да, Иса ҳам энди мендан қолишмаяпти. Мен ишга кетган кунларимда бир ўзи эрта саҳардан ишни бошлайди. Иккаламизнинг нормамазни ҳам бажаради. Унга ўзим ҳам қойил қоламан. Жуда ҳам тиришқоқ, иродали, сабр-тоқатли бола чиқди. Иш жойимда бир нарсани эплай олмай қийналиб, кўнглим чўкадиган бўлса, дарҳол укамни эслайман: «Қизиқ, ҳозир Иса нима қилган бўларди. Албатта ташлаб қочмасди, тиришиб қийинчиликни енгиб чиққан бўларди. Демак, мен ҳам шундай қилишим лозим!» — дердим ўзимга ўзим.

Бир ярим ойда анча-мунча гувала қуйиб ташладик. Ун минггача бўлса керак. Келаси бозор куни ҳашар чақиришга қарор қилдик. Ҳашарни онам иккимизнинг маошимиз тегадиган кунга мўлжалладик.

Омон буванинг айтганидай, ёғли қўй гўштидан шўрва қиладиган, хоҳлаганларга уч-тўрт шиша ароқ, тўрт-беш юмалоқ чой, ўттиз-қирқта нон оладиган бўлди. Нонни қўшниларимизнинг ўзлари ёпиб берадиган бўлишди. Онам топиб келган ўн беш кило буғдойни бугун тегирмонга олиб бориб ун қилиб келамиз. Уй қурилиши бошлангандан бери Иса шўхлигини йиғиштириб қўйди. У ишга шундай ёпишдики, кўрган одам ҳайрон қоларди. Кичкинагина оила бошлиғи. Э-э, нимасини айтасиз! Бизнинг вақтимизда ўсмирлар ўз ёшининг гаштини суришмади. Болаликдан тўғри катталikka ўтиб кетишди. Оталарининг ўрнига ота бўлишди. Ҳатто ҳазил-ҳузил, ўйни-кулги нима эканини унутиб, бир бурда нон топганда, ўзи қолиб укаларининг, кекса бувасининг ва бувасининг қорнини тўйғазиш керак, деган ташвиш билан яшайдиган вақтлар бўлди. Иса ҳам худди ана шунақа болалардан эди. Мен ҳам уйимдагиларнинг ғамини ер эдим.

Шу кун кечқурун.

Қишлоқ йўлида эшакка мингашиб олган иккита бола кетяпти. Буларнинг олдингиси мен, орқадагиси укам Иса. Эндигина кун ботган, лекин ҳали қоронғилик тушиб улгурмаган вақт. Шу йўлдаги суҳбат менга қаттиқ таъсир қилди. Шунинг учун бутун тафсилоти билан ёзишга қарор қилдим.

Иса (минғирлаб қўшиқ айтмоқда. Ўзининг ўйлаб чиқарганими, Энверникими, билмайман. Лекин жуда қизиқ).

Мен: **Келса келсин, кетмасин,
Кетса-кетсин, келмасин,
Кетган келар келганда,
Кетмаган кетар кетганда.**

**Тинган тинар тинганда,
Оғзи толиб тўйганда.**

Иса: Қўшиқ айтмай нима қилайлик? Йўл узоқ, қиладиган ишимиз йўқ. Мотор (у товони билан эшакнинг биқинига секин-секин туртиб қўяди) яхши ишлаб турипти. Шундай экан, ё гаплашиб, ёки қўшиқ айтиб вақт ўтказиш керак. Кечанинг ажойиблигини қаранг!

Мен: Э-э, шоир бўлиб қолибсан. Мен бўлсам сени ё физик, ёки бўлмаса математик бўлади, деб юрибман-а!

Иса: Нима, физикларга лириканинг кераги йўқми? Физиклар ҳам инсон фарзанди...

Мен: Ким инсон фарзанди эмас, деяпти? Лекин бу соҳа мутахассисларининг ҳис-туйғулари ҳам ўзларига ўхшаган бўлади. Улар ҳеч маҳал ой ёки юлдузларга қараб шеър ўқимасалар керак. Чунки улар осмонга қараб, ойнинг тупроғи, ҳавоси қанақа, улар қандай моддадан ташкил топган, қачон пайдо бўлган, тоғларнинг, водий ва адирларнинг номлари у ёқда турсин, ҳажмини, узунлигини сантиметрлаб, ҳаттоки миллиметрлаб ҳисоблаб юришади. Шунақа одамнинг: «Оҳ, севгилим, кел, шу бугунги яхши ҳавода учрашайлик!» — деб айтишига ҳеч ақлим етмайди.

Иса: Эҳтимол шундайдир. Лекин касб-корининг нима эканлигидан қатъи назар, инсон ҳамиша инсонлигича қолади. Демак, барча инсоний ҳис-туйғулар, фикр-мулоҳаза, орзу-истаклар ҳам унга хосдир. Ака, мен шу кунларда одамлар ҳақида жуда кўп ўйлаяпман. Баъзан миямга қизиқ фикрлар келади...

Мен: Наҳотки? Одамларнинг нимаси сенга қизиқ туюлади?

Иса: Мана, қаранг. Сизнинг эгарга боғлаб қўйилган ҳалтангизда ўн беш кило буғдой бор. Шу буғдой ё Ўзбекистонда етиштирилган, ёки бўлмаса Украинадан келтирилган. Уни ўша ёқда кимлардир ерга сепган, суғорган, ҳосилини йиғиштириб олган. Ана шу ҳосилнинг бир бўлаги, яъни ўн беш килоси бизнинг қўлимизгача етиб келипти. Биз ҳозир шуни тегирмонда ун қилдирамиз, сўнгра нон ёптирамиз. Шу нонни бўлса ҳашарга келганлар ейди-да, бизга девор уришда ёрдам беради. Демак, авани буғдой ўстирган одамларнинг, биз уларнинг отини билма-

сак ҳам меҳнатининг ҳосили, бошқа бир одамларнинг ҳаётига таъсир қилган, узоқроқ умр қўришига ҳисса қўшган. Шундай экан, дунёдаги ҳар бир инсон бир-бири билан боғланган экан-да. Яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам бошқаларга таъсири бўлаверар экан. Мен бировларнинг ёмонлиги менга таъсир этишини истамайман.

Мен: Э-э, укажон, буни ким хоҳлайди, дейсан?

Иса: Менимча, ҳар кимнинг ҳам нияти шу. Ҳамма ҳам бирон яхшилик, биронта олижаноблик қилишга интилоғи керак. Ана шунда одамларга кўпроқ яхшилик теккан бўлар эди.

Мен: Яхшиликнинг нима эканини ҳамма ҳам тушуниб етавермас керак, деб ўйлайман. Мана, ўзинг биласанки, дунёга Гитлер исмли битта ярамас келди. У ўзига ўхшаган маҳлуқларни тўплаб партия тузди. Немис халқининг бошини айлантирди, босқинчиликка даъват этди. Турли мамлакатларни босиб олди, халқига қирғин келтирди. Сўнгра келиб бизга ёпишди. Унинг касофати неча миллион халққа тегди: неча миллион одамнинг ёстиғини қурипти. Мана, ўзимиз ҳам ҳанузгача ўша ёмонликнинг жабрини тортиб ётибмиз. Халтамыздаги буғдойнинг икки пуд эмас, уч пуд эмас, атиги ўн беш кило бўлиши ҳам шу урушнинг асоратидандир. Сен, менинг эски пальтомни кийиб юрганинг ҳам, Энвернинг касали ҳам, онамнинг икки жойда ишлаши ҳам, озиб, бевақт қариб қолаётгани ҳам, отамизнинг дийдорига зор бўлганимиз ҳам ана шу касофатнинг касридан. Эҳ-ҳе, бу қийинчиликлардан қутулишимизга кўп йил керак бўлади. Яраларнинг оғриғи узоқ давом этади, қалбимизни қақшатади, лекин начора.

Иса: Ака, мен бу дунё ишларининг телба-тескарилигига жуда ҳайрон қоламан. Ўзимга ўзим, қани энди шундай бир иш қилолсамки, одамларга дурустроқ ёрдамим тегса, ҳамма халқни бахтли қилсам дейман... Лекин қўлимдан нима ҳам келарди дейсиз...

Мен: Бир мартаба бутун бир халқ у ёқда турсин, бир ўзингни ҳам бахтли қилолмайсан, ука. Бунинг учун олдинга улуғ мақсад қўйиб, шу мақсадга ҳар соат, ҳар куни, бутун умр интилишинг керак. Ана шунда ҳамманинг равнақига ўз улушингни қўшган бўласан. Инсон, боя айтганингдек, биров учун ҳеч бўлмаса ўн беш кило буғдой ўстириб бериши керак.

Иса: Мен маҳсулот ишлаб чиқарадиган соҳада ишламасам нима қилай?

Мен: Жамиятда яшаган ҳар бир киши ҳам маҳсулот ишлаб чиқариши шарт эмас. Биров ёзади, биров машина ясайди, биров уй қуради, биров дўконда нарса сотади... Гап унда эмас, ҳар ким ўз ишини чин кўнгилдан, виждонан, истак ва меҳр билан қилса, вассалом...

Иса: Хўп, мана сизни олайлик. Ҳозир заводга кириб ишляпсиз. Лекин ниятингиз бу эмас, Олтойга бориб қўриқ ерлар очиш эди-ку!? Шундай юксак орзу қилганингизга қарамай заводга юборишди. Шундай бўлгандан кейин, ўзингиз айтганингиздек — ўз вазифангизни қандай қилиб чин кўнгилдан, меҳр ва муҳаббат билан бажара оласиз?

Мен: Нега энди бажара олмайман?

Иса: Чунки сизнинг муҳаббатингиз бошқа нарсада эди. Ҳозир сиз, ўз севгисига хоинлик қилган одамга ўхшаб қолгансиз.

Мен: Жуда қаттиқ урдинг-ку... Лекин ноҳақ урдинг. Нима учун дейсанми? Шунинг учунки, меҳнаткаш одам учун ишнинг яхши-ёмони бўлмайди. Виждонли одам қандай ишни бошламасин, уни яхшилаб тамомлашга ҳаракат қилади. Шошма-шошма, мен унақанги бенуқсон шахслардан эмасман. Мақтанчоқлик бўлмасин-ку, лекин умримнинг охиригача ота-буваларимизнинг: «Ишни қилсанг пухта қил», деган сўзларини доим эсимда тутаман. Ҳозир мен химия асрининг инсон ва жамият фаолиятида тугтан ўрнини ўрганиш билан машғулман. Бир вақти келиб ўқиган, билганим билан сени таништириб қўяман... Ана, тегирмон ҳам кўриниб қолди. Келиб қолипмиз.

Узоқдан тегирмоннинг қораси кўринди.

Эллигинчи йилларда тегирмон қай ҳолда бўлганини кўрган-бил-

ганларга таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта. Лекин кўрмаганлар ҳам айниқса ёшлар ичида топилса керак, деб ўйлайман.

Уша вақтлари тегирмонларда навбат кутиш масаласи навбат кутиб ўтирувчиларнинг соф юракли, инсофли бўлишини тақозо қиларди. Агар вақтингиз бўлмаса қопингизни навбат кутиб турган қоплар қаторига қўйиб, ишингизга кетаверардингиз. Бу ерда ўтирганлар қадам-бақадам қопингизни илгарига силжитиб қўйишаверар, мабодо навбатингиз етиб келгунича ҳам келмасангиз, қопингиздаги донни тегирмонга ағдариб, унинг қопга солар, тегирмончининг ҳақини, яъни бир тоғорача унни тегирмончига бериб, қопингизни четга олиб қўяр, шундан кейингина ўз ишига кетар эди...

— Ака,— деди хаёлимни бўлиб Иса.— Қаранг, роса одам кўп экан. Агар пойлайдиган бўлсак, эрталабгача ўтирамиз... Мен бир йўлини топдим...

— Қанақа йўл топдинг?

— Тегирмонга сув келадиган қувурга хашак-хушак тўпланиб қолипти. Агар уларни йиғиштириб қувурга тиқиб қўйсак...

— Тегирмон тўхтаб қолади. Хўш, кейин-чи?

— Кейин... Ё сиз, ёки мен бориб: «Истасангиз тузатиб беришимиз мумкин. Лекин бизнинг буғдойимизни биринчи навбатда тортиб бера-сизлар», деб айтаман.

Менинг ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Инсонларнинг қисматини енгиллаштиришни ўйлаб юрган укамнинг хаёлига инсонларни лақиллатиш фикри келиб ўтирса-я?! Ўзим унга жавоб беришга улгурмай қўлим югуриб кетди. Исанинг оғзи-бурнини суриштирмай мушт туширдим... Унинг юз-кўзи қора қонга беланиб кетди. Ариқ бўйига етаклаб тушиб, юзини ювдим-да, осмонга қаратиб ётқизиб қўйдим.

— Иккинчи бундай ишлардан гап очмассан. Бунақа хийлагарликни хаёлингга келтирмассан...

— Ҳа, бўпти,— минғирлади Иса.— Муштингизни ишга солмай, тилингиз билан айтганингизда ҳам тушунардим...

— Баъзи бир ишларни қилиш эмас, хаёлга келтиришнинг ўзиёқ жиноят ҳисобланади. Шуни эсингда тут...

Биз у куни бу воқеа ҳақида бошқа гапиришмадик. Эрталабга яқин тегирмондан чиқдик. Тагин йўлда ухлаб-нетиб қолмайлик, деб эшакка минмай пиёда кетдик. Уйга келганимизда соат олтидан ошган эди...

Учинчи август. Соат иккида термо-крекинг бўлимида авария бўлипти. Печка ичидаги бир нечта юксак термик хусусиятли қисмлар ёрилиб кетипти. Цехнинг иши тўхтаб қолган экан. Биз у вақтда куб бўлимида (бу ерда қайнайдиған маҳсулот душ воситасида совитилди) ишлаётган эдик. Бу ер баланд, ёруғ, топ-тоза, салқин бир жой эди. Насослар бир меъёрада гупиллайди. Сёма амаки шоти устида, бошини шифтга тираганча монометрларни шилиб оляпти. Мен бўлсам унга керакли асбобларни етказиб турибман. Яқиндагина овқатланиб қайтганимиз учунми, ёки кеча уйқудан қолганим сабаблими, кўзларим ўз-ўзидан юмилиб кетяпти. Ўзимдан ўзим аччиқланаман. Четроқда тур, болғани узат, гайкаларни четга олиб қўй. Графит билан мойла. Шу ҳам иш бўлди-ю... Қачон бир кўз кўргудай иш қиламан, билмайман...

Шу пайт олдимизда Шокир пайдо бўлди. Қўлида бир ўрам ип, узун симли кўчма чироқ ушлаб олган. Ўзи қора терга ботиб кетипти.

— Селямет, мана буларни олгин-да, термо-крекингга бор. Федоренкога бериб қўйгин. Улар буни кутиб туришипти. Мен ўзим ҳозир асбоблар цехига боришим керак. Семён Михайлович ҳозирча бир ўзи ҳам ишлай олади...

— Бугун асосий иш ўша ерда. Бу ерда бўлса иш оз қолди. Яна учта монометрни ўзгартирсам бўлди...— деди устам.

— Федоренкони қаердан топаман? — дедим қўлимга ип ўрами билан лампани олиб.

— Печкаларнинг олдидан топасан. Боравер, ўша ерда кўрарсан...

Мен ташқарига отилдим. Чиқишим билан нафасим қайтиб кетди. Қуёш атрофни шундай иситиб юборган эдики, ичингга олаётганинг ҳаво эмас, худди қайноқ буғга ўхшайди. Ҳарорат қирқ даражага етган бўлса керак. Темир-терсакка тегишнинг имкони йўқ, нақ куйдириб олади. Лекин иссиқдан қочишга ҳам, салқин жой қидиришга ҳам на вақт бор, на имкон бор. Тезда югуриб, Федоренкога керакли нарсаларни етказиб бериш керак.

Федоренкони мен сал-пал танийман. У қурувчилар бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Бўйи нақ икки метрча келади, панжалари ҳам паншахадай. Мен уни афсонавий қаҳрамонларга ўхшатаман. Бригада аъзолари ҳам Федоренконинг ўзига ўхшайди. Ҳаммаси келишган, гавдали, кўп гапни ёқтирмайдиган, тошни сиқса сувини чиқарадиган йигитлар. Мен ҳам шундай одамлар билан ишламоқчиман. Лекин бу мен учун ҳали орзу холос.

Крекинг печкаси олдида уч киши турипти. Уларнинг кўзлари печканинг деворидаги тешикда. Четда юксак ҳароратдан оппоқ бўлиб кетган ғишт уюми турипти. Одамлардан биттаси Федоренко эди. Мен унинг ёнига бориб тўхтадим.

— Мана буни олиб келдим. Шокир бериб юборди. Ўзи асбоблар цехига кетди,— дедим. Федоренко бошини кўтариб менга қаради, сўнг-ра:— Сен олиб келган бўлсанг яхши қилибсан. Лекин бақирининг нима кераги бор? — деди. Мен шошиб қолдим. Мана эшитган гапим... Улиб, чопиб иш қилсам-у, ҳеч ким раҳмат айтмаса!..

— Қани, ипни бу ёққа бер-чи, йигитлар, турдик,— деб Федоренко ўрнидан турди, ипни белига боғлади, сўнгра кўчма чироқни штепселга тикди-да,— ёруғни тешикка тўғрилади!— деб буюрди.— Ипнинг учини қўлингга ушлаб тур. Уч марта тортишгандан кейин ўзингга торт, бир минут ҳам кутмай, бор кучингни ишга солиб тортган, тушундингми?

Мен бошимни силкитиб қўйдим.

— Қани, болалар, кетдик.

Утирганларнинг иккаласи ҳам ўрнидан турди. Федоренконинг орқасидан юриб боришди-да, печка деворидаги тешикка кириб кўздан ғойиб бўлишди. Лекин мен дарҳол чироқни ёқдим ва тешик олдига чўкка тушдим. Боя ташқарида, ҳарорат қирқ даражага етган бўлса керак, деган эдим. Энди қарасам у ҳам ҳолва экан. Печканинг ичидаги иссиқ камида етмиш-саксон даражага етади. Тешикка етганимда бошим айланиб кетди. Шу пайт ичкаридан йўғон овоз эшитилди:

— Ҳой, ёруғни бизга тутяпсанми, ёки қуёшгами?

Начора, энтикиб печканинг ичига кирдим. Вой-бўй-й, бу печканинг ичидаги қувурларни бир кўрсангиз эди! Минг, ўн мингта қувур бордиров! Ҳарорати пасайиб, ҳали ўз табиий рангига қайтиб улгурмаган, оппоқ оқариб ётипти. Тегиб кетсанг нақ қовуриб қўяди. Нафас олишнинг иложи йўқ. Узоқда, қувурлар олдида учта тирсак кўринди, темирнинг тақиллагани эшитилиб турипти. Мен қўлимни баланд кўтариб, ёруғ бера бошладим. Ишқилиб етарлича бераётганмикинман? Бир-икки одим юриб кўрдим. Фойдаси бўлмаётгандир, деб ҳамон олға интиламан. Энди ўйлаб қарасам, шу пайтгача бажариб келган ишларим иш эмас экан. Иш дегани мана бунақа бўлади. Лекин мен бунга чидай оларми-канман? Чидашим керак. Ана, Федоренколар чидаб юришпти-ку, ёки улар оддий одамлардан эмасми? Бугун улар қатта қаҳрамонлик қилишяпти. Лекин ўлганда ҳам «Биз бугун қаҳрамонлик қилдик!» деб айтишмайди. Бу ердан чиқиб душга боришади. Тоза кийимларини кийиб уйларига кетишади. Борди-ю, йўлда учраб қолса, бирор кружкадек муздек пиво ичишлари мумкин. Эртага яна авария содир бўлгудек бўлса, яна бошқатдан совуб улгурмаган печка ичига кириб иш бошлайверадилар.

— Ҳой бола, бўлди, энди чиқавер. Ишни тамомладик,— ичкаридан бояги йўғон овоз эшитилди яна.

Мен секингина орқага қайтиб, печка ичидан чиқдим. У ердан чи-

қишим билан юзимга салқин шабада урилди, нчимга тоза ҳаво кирди. Қуёшнинг иссиғи энди баҳор елидай хўш ёқиб кетди. Орқамдан чилангарлар ҳам етиб келишди. Улар худди ҳаммомдан чиққандай, бетлари қип-қизариб, чаккаларидан шариллаб тер оқиб турипти. Пигитлар ас-бобларини ерга ташлаб (улар ҳам қора терга ботган эдилар) ерга чўккаладилар. Федоренко чўнтагидан «Прибой» папиросини олди. У ҳам хўл бўлиб кетган экан. Бир амаллаб биттадан тутатишди. Федоренко менга қараб:

— Тортасанми, йигитча? — деб сўради. Мен бошимни чайқадим.— Отинг нима эди?— сўради у.— Ишга янги кирганингни билан-у отингни эсимдан чиқариб қўйибман-да...

— Селямет...

— Мактабни тамомлаб заводга келдим, дегин. «Аттестат»ни дегорга қоқиб қўйдингми? Бошқаларга ўхшаб институтга чопмадингми?

— Вақти келиб чопарман. Ҳозир кириб чиққан печкамиз ҳам яхшигина институт бўлса керак, деб ўйлайман.

— Тўғри айтдинг, йигит,— деди Геннадий Крилов деган чилангар.— Сен печканинг ичига киришга қўрқмадинг. Бизда шундай «чилангарлар» ҳам борки, энг оғир ишга дуч келиб қолса, дарров юраги санчиб қолади.

— Шокир одам топиб юборипти,— деди бошқа чилангар.— Бу бўлмаганда, печкани ҳали ҳам тузатиб улгурмаган бўлардик.

Федоренко бошини қимирлатиб қўйди.

— Селямет, бизга яхшигина ёрдам берди. Яна ўзи бригадамиз аъзоси ҳам эмас. Лекин иродали бола экан. Яша, азамат. Мана шу йўсинда кетавер. Сал куч-қувватга тўлсанг, бригадамизга оламин. Нима дединг, Гена?

Гена елкасини қисди, лекин бир оғиз сўз айтмади. Менимча, қаёқдан билай, куч-қувватга тўлаверсин-чи, у ёғи бир гап бўлар, деб ўйлади, шекилли...

— Майли, бўлмаса, мен кетдим,— дея ўрнимдан турдим,— бизнинг бригаданинг иши ҳали тугагани йўқ. Сёма амаки пойлаб қолмасин тагин. Бугунги «институт»ингиз учун раҳмат. Қабул қилсангиз, бригадангизга жон деб ўтаман. Юзингизни ерга қаратмасликка ҳаракат қилман.

— Хўп, Селямет, хўп бўлади, сен ишингга боравер,— деди Федоренко ва елкамга секингина уриб қўйди.— Бу ҳақда мен ўйлаб кўраман.

Бу сўзлардан менинг бошим кўкка етди.

Яна учинчи август куни. Кечқурун ишдан кейин

Завод ичидаги дўконда бугун оқ нон сотилди. Одам ҳам унча кўп эмас, яна унинг устига иккитадан олса ҳам бўларди. Мен ҳам нондан олдим. Демак, уйимизда бугун байрам бўлади. Бунақа нон кўрмаганимизга анча вақт бўлди. Олиб устидан боссанг пасаяди, қўлингни олишинг билан яна аслига қайтади. Нонни сеткага жойлаштириб, душга йўл олдим. Соат бешдан йигирма тўрт минут ўтипти. Душда қизиқ бир ҳангоманинг устидан чиқиб қолдим. Жуда ҳаяжонланиб кетдим, чунки мен Федоренконинг олижаноб, софдил инсон эканини яна бир бор кўриш имконига эга бўлдим. Бошқаларнинг ҳам...

Душимизнинг биноси даставвал махсус ремонт-механика цехи учун қурилган экан. Лекин бошқа цехлар, айниқса аппаратчилар, лаборантларнинг ҳам ишдан кейин ювиниб олишлари керак бўлганлиги туфайли душни бўлиб, бир қисмини уларга беришган экан. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уларнинг аксарияти хотин-қизлар экан. Душни ўртадан

бўлиш жуда осонликча бўлган экан. Ўртадан тахта девор олиб қўйишипти. Тахта оралиқларида эса кичкина тешикчалар қолиб кетаверипти. Бизнинг цехда ишлайдиган Коралл деган кимсага ўхшаш юзсизлар ўша тешикчалар олдини томоша кўрадиган жой қилиб олишипти. Пешиндами, бошқадами, ишқилиб, беш минут бўш вақтлари бўлди дегунча душга чопишар ва тешикчаларга қадалиб олишар экан. Бугун ҳам шундай бўлипти. Ҳали ечиниб бўлгунимча ҳам бўлмай ана шу тахта девор олдида футбол репортажи олиб бораётган журналистнинг овозига ўхшаган овоз эшитилди.

— Диққат, диққат! Ҳурматли ўртоқлар, бугун биз микрофонимизни Кабловская нефть ишлаб чиқариш заводининг душига, янада аниқроқ қилиб айтсак, икки дунё, яъни плюс-минус дунёси жойлашган ерга ўрнатишдик. Бу икки дунё физика қонунларига биноан бир-бирига ҳам интилади, ҳам бир-бирдан узоқлашмоққа ҳаракат қилади. Минг афсуски, ҳозир мен кўриб ўтирган картинани бор тафсилоти билан сўзлаб беришга ожизлик қиламан.

Ечиб улгурган костюмимни, кўйлак ва майкамни курсига ташлаб, овоз чиққан томонга қараб юрдим. Коралл, ҳамон оғзига алюмин кружкани тутиб, «репортаж»ини давом эттирмоқда эди:

— Лекин, дўстлар, сўзимга ишонишингизни илтимос қиламан. Бояги лаборант деб аталган бир нарса, мана ҳозир кўз ўнгимда кийимларини ечиб ташлаб, «яланғоч аёл»га айланиб қолди... Оҳ-оҳ, бу фариштани ўзингиз кўрганингизда эс-ҳушингиздан айрилиб қолардингиз... Ана кўкраклару, ана...

Шу пайт ёнгинамдан кимдир яшиндай отилиб кетди. Кўз очиб юмгунча ҳам вақт ўтмай Коралл дегани учиб бориб кимнингдир кийими илиғлиқ турган шкафага тиқилиб қолди.

— Йўқол, даф бўл, ҳайвондан тарқалган ҳайвон, бўлмаса бир ёқлик қилиб қўяман!

— Шошмай туринг, гапимга қулоқ солинг...— деди Коралл инграб туриб.— Нима, мен сизнинг хотинингизнинг яланғочлигини томоша қилдимми?

— Нима-а?!

Эшитишимга кўра Коралл футболчи бўлмоқчи экан, уддасидан чиқа олмапти, техникумда ўқиб турган экан, қандайдир бир сабаб билан ҳайдашипти, хулласи калом, гап сотишдан бошқага ярамайдиган бир кимса экан. Лекин у ҳозир шундай чаққонлик билан жуфтакни ростладики, агар доим шу хилда чопадиган бўлса, онт ичиб айтаманки, у албатта жаҳон биринчилиги ўрнини олиб ном чиқарарди. Қани, чопмай ҳам кўрсин-чи, Федоренконинг чақалоқнинг калласидай келадиган мушти бошига тушса борми, минг жонидан бир жони ҳам қолмайди...

Биз ҳаммамиз ювиниб-тараниб уйга кетишга отланганимизда, Федоренконинг бригадаси ҳамон душда юрарди. Етти кишидан иборат бригада, душни иккига ажратиб турган тахта деворни бузиб ташлаб, ўрнига ғиш девор кўтаришар эди. Уларнинг бир-бирига ўхшаб кетадиган жиддий юзларига, юксак қоядай бўйларига, салмоқли хатти-ҳаракатларига қараб ҳавасим келади. Ўз-ўзидан «Мен ҳам шу йигитлардай бўла оламанми-йўқми?» деб такрор-такрор сўрайман.

Уша куни уйга келишим билан ҳовлидаги ўтлар орасида занг босиб ётган тарози тошларини олиб тозаладим. Эртадан бошлаб яна тош кўтаришни бошлайман. Инсон учун куч-қувват фақатгина қаҳрамонлик қилинадиган жойда, жангда ёки бўлмаса қўриқ ер очишдагина керак бўлмай, ҳар куни, ҳар ерда керак бўлар экан. Меҳнатда ҳам, ҳақиқатни, покликни ҳимоя қилишда ҳам керак бўлар экан. Бугун мен шуни англаб етдим. Яшасин бугуним! Яшасин ҳаётнинг ҳар бир сонияси, дақиқаси, соати! Чунки мен соат сайин, ҳаётга, ажойиб ҳодисаларга дуч келяпман, ўрганиб, ўсиб боряпман...

«Ната! Севгилим, азизим Ната!

Хатимни олиб эҳтимол куларсан... мана бу аҳмоқни кўриб қўйинглар, дерсан, эҳтимол бир оз қувонарсан.. Агар шундай бўлса бошим кўкка етган бўларди. Ната, агар бунинг устига сендан икки-уч сатр хат келса, менимча дунёда мендай бахтли одам бўлмас эди. Эҳ, Ната, Ната! Менинг ҳис-туйғуларимни, сенга бўлган муҳаббатимни хаёлингга ҳам келтира олмайсан. Начора, мен ҳеч қачон юрагимни сенга очганим йўқ. Аслида бўлса сени кўпдан бери севаман. Йиллар давомида, илк бор кўрганимдан бери севаман. Лекин буни ҳеч ким, дўстларим ҳам, сен ҳам билмас эдинглар. Чунки мен ҳис-туйғуларимни юрагимнинг энг теран жойида асраб келдим. Уни ҳаммадан, ҳатто ўзимдан ҳам яшириб келдим. Лекин энди тоқатим тоқ бўлди. Авваллари сени ҳар куни кўриб турар, ана шунда илҳомланиб кетар эдим. Мана ҳозир сени охирги марта кўрганимга ҳам икки ойдан ошди. Сўнгги марта... сени синфимизнинг хайрлашув кечасида кўрганман. Ўша кечага даданг билан келган эдинг. Вальсга тушдинг. Удед лўттибоз сен билан ўйнаб туриб бўлмагур қилиқлар қила бошлади. Мен бунга чидаб тура олмадим. Чиқиб кетдим. Қоп-қора осмонда юлдузлар милтиларди. Булбуллар сайрар, мусаффо кечада ҳаяжонли музика садоси янграр эди. Ўз кўнглимда сен билан видолашиб, уйимга йўл олдим. Лекин кета олмадим. Сени яна бир марта кўриб олишни истадим. Орқамга қайтдим. Икки соатча мактабнинг рўпарасидаги чакалакзорда ўтирдим. Тамаки чекадиган ода- тим йўқ. Лекин ўша кеча чўнтагимга бир қути «Спорт» сигаретасини солиб олган эдим, шунинг ярмини тугатиб, энди совуқ қота бошлаганимда даданг билан чиқиб қолдинг. Кетингиздан Удед ҳам чиққандай бўлди. Лекин у дарҳол кетига қайтиб кетди. Сен машинага ўтирдинг. Шофёр машина ичидаги чироқни ёқди. Юзингни очиқ-ойдин, яқиндан яна бир карра кўрдим. Юзинг гўё мрамрдан ясалгандай оппоқ, осуда ва беташвиш эди. «Наҳотки унинг ўзи ҳам тош каби совуқ бўлса?» — деган фикр келди шу он хаёлимга. Лекин мен бу фикрни шу ондаёқ миямдан чиқариб ташладим. Ҳаттоки қадимги юнонлар ясаган тош ҳайкаллар ҳам совуқ эмас. Наҳотки, Ната каби гўзал, нозик қиз эҳтироссиз бўлса? Йўқ-йўқ, Ната унақа эмас. У оғир, ғурурли қиз, лекин ҳис-туйғусиз, совуқ қиз эмас... Вақти билан у бировни севишга ҳам, кимнидир бахтли қилишга ҳам қодир... Шофёр қўлини калит томонга узатди, бир нарса «чиқ» этди, чироқча ўчди ва шу ондаёқ сенинг ўзинг ҳам ғойиб бўлдинг, Ната, қоронғиликка шўнғиб кетдинг. Буларнинг ҳаммаси менинг хаёлимда эртаклардаги воқеалардай бўлиб ўтди. Калит «чиқ» этди-ю, сен ғойиб бўлдинг. Кўз ўнгимдан ҳам, ҳаётимдан ҳам кетиб қолдинг. Шунинг таъсири бўлса керак, мен ҳозир ҳам сени афсонавий гўзалдай тасаввур қилиб турибман. Сенинг ўзинг ҳам афсонасан. Кўзларинг, олтин рангли сочларинг, узун ва нозик бармоқларинг, текис ва совуқ баданинг — буларнинг барчаси афсонавийдир. Ната... Гўзалим, жоним, севгилим Ната...

Сени йўқотганимга кўп вақт бўлмай, дўстимдан ҳам айрилдим. Эҳ, Удед, Удед, у жуда катта номардлик қилди. Мен унинг ёлғончилигига эмас, юзимга тупуриб кетганига куяман. Бу ҳолни эса мен ҳеч қачон кечира олмайман. Одам эмас экан, мен бўлсам уни дўстим деб юрибман. Эҳтимол, сен уни кўриб тургандирсан. Хат олганингни сўраса ҳам, айтмагин, ҳеч кераги йўқ...

Ната! Мен ҳозир ишляпман. Заводда, чилангарга шогирд тушганман. Уч ой ўтгандан кейин разрядга имтиҳон беришим керак бўлади. Бу ерда менга даставвал қийиндай туюлди; лекин ҳозир анча ўрганиб қолдим, ишим ҳам ўзимга ёқяпти, коллективимиз ҳам жуда яхши. Бу ерда ҳам номаъқулчиликлар учраб турипти, албатта, лекин яхшиликлар кўпроқ...

Эҳтимол, сен, заводга кириб ишлашдан осон нарса бор эканми,

дерсан. Тўғри, шундай дейиш ҳам мумкин. Бизнинг мамлакатимизда иш топиш қийин эмас. Қўлидан уч пуллик иш келмайдиган баъзи «ишбилармонлар» ҳам баъзан катта кресло эгаси бўлиб олишади. Мана шунақа, лекин гап бунда ҳам эмас. Энг муҳими, киши ҳаётда ўз ўрнини топа билиши керак. Ўз жойини топиб, одамларга, жамиятга фойда келтиришга интилиши керак. Фақат ўзини, ўз қорни-ю, бола-чақасини ўйлаб иш тутадиган одам замонамизда узоққа бора олмайди. Албатта янглишади, лекин охири бориб пушаймон бўлади. Кўнглингга оғир олмагин, Ната, лекин сен касб танлаётганингда янглишаётганинг йўқмикин, деб кўп ўйлайман. Чунки битта воқеа менга жуда таъсир қилган эди. Эсингда бўлса, саккизинчи синфда ўқиб юрган вақтимизда Раҳим Устақулов деган бола танаффусда турникдан йиқилиб қўлини синдирган эди. Унинг тирсак суяги, гўштини тешиб чиққанини кўриб, ҳаммамиз ҳам ачиниб кетганмиз. Сен бўлсанг эс-ҳушингни йўқотиб қўйгансан, бир ҳафта касал бўлиб ётгансан. На ош ўтган ўшанда сендан, на сув, фақат қайт қилавергансан. Шундай одамлар бўладики, уларнинг азоби-га, изтиробига лоқайд қараб тура олмайдилар. Қон кўргудек бўлсалар бир ҳолатда бўлиб қоладилар. Менимча, сен ана шундай одамлар тоифасидансан. Шундай экан, сенинг қандай қилиб хирург бўла олишингга ақлим етмайди. Даданг шундай ақлли, тушунган бўла туриб бу ҳақда ўйлаб кўрмайдими? Еки сенинг бахтли бўлишингни истамасмикин? Демак, сени медицина институтига киритиш имкониятига молик экани устун чиқпти-да? Агар шундай бўлса, афсус, минг карра афсус. Сенга ачинаман, жонгинам, сенга...

Айтиб ўтганимдек, мен ҳозир ишлаб турибман. Бошқа иложим ҳам йўқ, онамга ёрдам қилишим керак. Уч укамни оёққа турғазим керак. Тўғри, агар менда бирон соҳага қаттиқ интилиш бўлганда эди, бориб бахтимни синаб кўришимга онам қаршилиқ қилмаган бўларди. Лекин менда унақа интилув йўқ. Ким бўлишимни ҳали ўзим ҳам билмайман. Мен миллионларнинг бириман. Дон ўстирган, пахта эккан, темир-терсакка умрини бағишлаган кичкина миллионларнинг бириман. Менимча бу ҳам кичкина иш эмас. Мана шунақа «кичкина» одамлар бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмайди.

Бизнинг заводимизда Светлана Горчакова ҳам ишляпти. Лаборант бўлиб ишлайди. Ҳар замонда бўлса ҳам кўриб тураман. Уни кўришим билан сени эслайман, чунки иккинги доим бирга юрардингиз. Мана ҳозир ҳам кўз ўнгимда пайдо бўлдинг, жоним, кўзимнинг нури, бир кўрсам эди, узоқдан бўлса ҳам, бир секунд қўлларингдан тутсам... Ана шунда яшаш мен учун анча енгил бўларди. Лекин бу умид ҳам афсонадай гап...

Хайр, гўзалим, жавоб хати ёз. Кутаман.

СЕЛЯМЕТ».

«Салом сенга, Ната!

Бугун ишдан кечроқ чиққан эдим. Қўналдиқ ёнига келганимда «Москва — Андижон» поезди келиб тўхтади. Зора бирор таниш тушиб қолса, деб қараб турдим. Ҳақиқатан ҳам бир эмас, уч танишим тушди. Учови ҳам синфдошларимиздан, Ленур Зейтуллаев, Нина Паценко ва Вера Арепиналар эди. Учовлари ҳам биринчи имтиҳондан йиқилишган экан, вақт кетказиб ўтирмай уйга қайтаверишипти. Улар ҳам энди ишга киришмоқчи. Менимча, заводга кириб ишлаш ниятида бўлишса керак. Вазиятни суриштиришган эди, тушунтириб бердим. Келаверишсин, бу ерга жуда кўп одам керак. Келишса ёмон бўлмас, деб ўйлайман.

Ната! Жонгинам, о, севгилим! Институтга кирганингни ҳам ўшалардан эшитдим. Сени чин қалбимдан табриклайман. Бахтиёрдирсан, деган умиддаман. Агар сенинг вақтинг хуш бўлса, бошим осмонга етган бўларди. Эҳтимол, мен янглишгандирман, эҳтимол, истеъдодинг шу медицинада билинар. Борди-ю, шундай бўлса, мен ичимдан севинаяман. Лекин мени бир нарса ташвишлантиряпти. Ўдед билан тез-тез учрашиб турар эмишсан. Сен унинг қанақа одам эканлигини билмайсан. Эҳти-

ёт бўл, жигарим, у песга ишониб бўлмайти. Сувга олиб бориб, суғормай қайтариб олиб келади.

Узимнинг ишларим бир меъёрда кетяпти. Иккита сменада — заводда ва уйда ишляпман. Энвер билан дарс тайёрлаймиз, ундан кейин химия, чилангарлик, нефть ишлаб чиқариш соҳасидаги китобларни ўқияпман. Бу ерда ёз охирлаб қолди. Лекин бизда Тошкентдагидан кўра ҳали ҳам кун иссиқ бўлиб турипти. Уттиз етти-қирқ даражагача етяпти. Шундан фойдаланиб қурмоқчи бўлган уйимизга (сенга бу ҳақда ёздими-йўқми, эсимда йўқ) етарли миқдорда ғишт қўйиб бўлдик. Унинг орасида қўрғонимизнинг бир пахсасини ҳашарчилар ёрдамида уриб олдик. Ҳашар дегани яхши нарса эканини билардим, лекин шу даражада ажойиб иш эканини билмас эканман. Бу ишдан кейин бир ёшимга ўн ёш қўшилгандай бўлди. Дунёда одамларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлдим. Эҳ, афсуски, ўша кунни бутун тафсилоти билан ёзишга ожизлик қиламан-да. Энвер газетага юбораман, деб қоғоз қоралаб қўйган экан, лекин мен: «Тўхтаб тур, мен ўқиб чиққандан кейин юборасан» деб айтдим. Бироқ ўқишга қўлим тегмай турипти. Агар арзигудек чиққан бўлса, сенга ҳам юбораман. Менимча, бунақа ишга билиб қўйиш ҳам ҳеч қачон зое кетмаса керак. Бундай воқеалар кишининг дунёқарашини кенгайтиришга, одамлар орасида қандай яшамоқ кераклигини ўрганишга ҳисса қўшар экан.

Азизим Ната! Сенга катта-катта муваффақиятлар тилайман, сени кўришни орзу қиламан. Узун ва нозик бармоқларингни ўпиб қоламан.

СЕЛЯМЕТ.»



Бу хатларнинг битгаси ҳам тегишли одамга юборилгани йўқ. Иккаласи ҳам менинг ҳужжатларим турадиган қутида ётипти. Мундоқ ўйлаб қарасам, мен ҳамини ўз севгилим билан сўзлашмоқ, ўз ҳис-туйғуларимни баён этмоқ имкониятидан маҳрум эканман. Ундан ташқари мен бу хатларни юборсам, Ната ва бошқалар олдида аҳмоқлигимни намоён қилиб қўймасмикинман? Бундай бўлишини ҳеч истамайман. Шунинг учун ҳам хатларни юбормай қўя қолдим.

Татар тилидан
Сиддиқа ва Миразиз Аъзам таржимаси.



Насиба Қулбекова

Баҳор

Б у кун олам энтикмоқда беихтиёр,
Бир муаттар ҳаволарни
Туюб-туюб сўзлаётир:
— Баҳор, баҳор!

Эътибордан четда бу кун бечора қор,
Бир чеккада қовоғини
Уюб-уюб сўзлаётир:
— Баҳор, баҳор!

Уфқни кўринг, севгисига бу кун иқроп,
Қуёшига соғинчини
Ениб-ёниб сўзлаётир:
— Баҳор, баҳор!


Бу кун шодон шов-шувлардан сархуш диёр,
Қалблар унинг эртасини
Суйиб-суйиб сўзлаётир:
— Баҳор, баҳор!!!

□

Бурилдинг-да кетдинг. У қўлларини
Илтижолни чўзди титраб сен томон,
Олиб кетмоқчийдинг нималарини?

Сен аста ортингга боққанинг
Зорланди кўзида умидвор бир
Нималардир сўраб пичирлади лаб...

Айт, унинг кафтига нималар
Қўлларин кўксига босди авайлаб?



Жиззах.

Бул кеча

Т. Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари»ни ўқиб

Қатра шабнам инди кўзга, мен паришон бул кеча,
Кулмагай хандон лабим, кўнгилда афғон бул кеча.

Давридин дод айлаб ўтган ул Увайсий, Нодира
Камтарин кулбам ичинда бўлди меҳмон бул кеча.

Тақдира лаънат тошин отган ғариб Маҳзуна ҳам
Қора ўтмиш кулфатидин айтди дoston бул кеча.

Мен бахту давлатим ҳам севгилим шеърдир дебон,
Танҳо ўтган Зебуннисо ҳам намоён бул кеча.

Тингладим фарёдларин, кўзда ёш, кўнгилда ғам,
Лек ўзимнинг ҳурлигимдан бошим осмон бул кеча.

Отди тонг, кетди улар сингиб қаро тун бағрига,
Этдилар бир нурли тонгни менга эҳсон бул кеча.



Наманган.

*Умринисо Асқарова**Шивирлайди ёмғир бетиним*

Шивирлайди ёмғир бетиним,
Шивирлайди ювиб япроқни.
Япроқларда гард қолмас буткул,
Гуллар ҳиди тутар ҳар ёқни.

Ҳамма ёқда поклик ҳукмрон,
Эркалайди шамол япроқни.

Япроқдайин нафис бир юрак
Унутади шу дам фироқни.

Сени ширин хаёл-ла эслаб,
Япроқларга номингни сўйлар.
Сенинг ҳам шу ёмғирдай куйлаб
Келишингни завқ билан ўйлар.

Оққўрғон.

Замира Эгамбердиева

Юракда уйғотиб беғубор ҳислар,
Ёмғир ёғар эди бетин, оҳиста...
Ювилиб борарди ердаги излар,
Камалак товланиб олис-олисда.

Бу қандай қудратдир, қандай мўъжиза?
Борлиқни ғубордан қилмоқда халос.
У шундай тозаки, шундай покиза,
Шу боис мен унга қўйганман ихлос.

Хаёл дарёсида сузиб гоҳ масрур,
Дейман: шундай бир ёмғир бўлсайди:
Она ерни суйган ул ажиб ёмғир
Юрак дардларин ҳам ердек ювсайди!

Андижон.

Гулчеҳра Раҳимова

Қандай яхши

Бедор-бедор юракларда ечилар тугун,
Сен қувонсанг — коинот кулса!
Биз албатта коммунизм қурамиз бир кун,
Йўлдошимиз пок ният бўлса.

Қулоч ёзар чўл саҳнида гулу гулзорлар,
Йўлбошчимиз шонли коммунист.
Ўзбекларнинг гулзоридир бу пахтазорлар,
Бир қалб меҳрин минглар қилди ҳис.

Бир қалб учун кўплик қилар бу бахтнинг бари,
Пайдо бўлди бир хил тушунча.
Қандай яхши, тинчлик юрти бўлса Ер шари,
Ҳамма-ҳамма сени тушунса!

* * *

Қийин, юрак, «Мен борман!» деб айласа хитоб,
Ким ўзига ва ўзгага бўлса ноодил —
Уятданми, севинчданми қизарар офтоб —
Кўзларингнинг кўрганини баён қилса тил.

Бор ҳаётнинг шундай инжиқ, дилхун дамлари,
Жўшқин руҳга бир оғиз сўз бахтдек арзанда.
Сен қалбингга яқин олсанг барча ғамларни,
Яшай олмас эдинг ерда, қуёш фарзанди.

Майли ўзни қўйиб бергил бор озорларга,
Қуйиб кул бўл ҳамдардингни ҳис қилмоқ учун.
Нафратингни қўйиб юбор лолазорларга,
Юрак фақат берилганмас севилмоқ учун.

Курашчанлик руҳи бордир сенинг қонингда,
Бахтга илҳақ бу дунёда сен тинчликка жўр.
Ҳам зўр бўлсанг ташвишга кон қўҳна Заминда,
Қулгуларни кўпайтириш имконини кўр!

Қизғалдоқ

Янгра митти қизғалдоқ,
Кўчсин тоғдаги жимлик.
Дарахтлар тақди балдоқ,
Кетди қишдан ҳокимлик.
Босмасин сени мудроқ
Тоғ шамоли елганда.
Далалар эди уйғоқ
Сен дунёга келганда!



Юпанч бўлиб кўринар тоғлар,
Ўз ўқида айланади ер.
Кўз олдимда яшнайти боғлар,
Сизни бор деб қилсам тасаввур.
Қушлар кўкда баландроқ учса,
Деса биров: «Кел, қўлингни бер!»
...Йўқлигингиз ёдимга тушса,
Ўз ўқида тўхтаб қолар ер.

Соғиниб яшайман



Аччиқ ҳақиқатга берсам ҳамки тан,
Бир зум юрагимга тутаман қулоқ.
Бу ғайир сочларга ҳеч қўл тегмаган,
Наздимда, мен унинг эгаси мутлоқ.
Йўқ, сиз жон койитманг, бари бефойда.
Уғринча лутфга зор этмас шафқат.
...Ҳеч кимнинг хаёли етмаган жойда
Мен сизни соғиниб яшайман фақат.

Нукус.

Ҳалима Қорабоева

Янги барглар

Бағрим бутун айлагайсиз, янги барглар.
Шамол бўлиб куйлагайсиз, янги барглар,
Баландлардан бўйлагайсиз, янги барглар, янги барглар.
Не ҳақда сиз ўйлагайсиз, янги барглар, янги барглар.
Меҳрим тошиб, пойингизда булоқ бўлиб кетгим келар,
Кечалари бошингизда чироқ бўлиб кетгим келар.
Кушандангиз бўлса агар, тузоқ бўлиб кетгим келар,
Не ҳақда сиз ўйлагайсиз, янги барглар, янги барглар.

Оппоқ сурхдай новдаларга камол бўлиб туғилдингиз,
Ер юзига ҳар бирингиз иқбол бўлиб туғилдингиз.
Ҳаёт учун яна янги савол бўлиб туғилдингиз,
Не ҳақда сиз ўйлағайсиз, янги барглар, янги барглар.

Пайти келиб бағрингизга қандай қушлар макон
қураар?!
Шохдан-шоҳга сакраб, балки саъва юрар, булбул
юрар?

Сиз кимларни хоҳласангиз, шулар бунда даврон сураар,
Не ҳақда сиз ўйлағайсиз, янги барглар, янги барглар.

Яшил осмон, кенгликлардан беинтиҳо ҳайратдасиз,
Дунёларга тўлиб кетсам, деган гўзал фурсатдасиз.
Юракларга айланасиз бу дунёда, албатта, сиз!
Не ҳақда сиз ўйлағайсиз, янги барглар, янги барглар.

Сизга қандай яшаш йўлин кўрсатишга ҳайронаман,
Кеча-кундуз сизни ўйлаб минг тўлғаниб, минг ёнаман.
Ёғду бўлиб, ёмғир бўлиб бошингизда парвонаман,
Не ҳақда сиз ўйлағайсиз, янги барглар, янги барглар.

Минг эҳтиёт қилмоғим шарт сизни қора совуқлардан,
Ҳар хил обу ҳаволардан, ҳар хил ҳўлу қуруқлардан.
Ўзига йўл тополмаган кимса айтган йўриқлардан,
Не ҳақда сиз ўйлағайсиз, янги барглар, янги барглар.

Куюқ тортиб бораётир юзингизда яна ранглар,
Кулгу бўлиб таралмоқда бағрингиздан шўх жаранглар.
Қалбингизда неки бўлса, буюк она Замин англар,
Не ҳақда сиз ўйлағайсиз, янги барглар, янги барглар!
Бағрим бутун айлағайсиз, янги барглар, янги
барглар...

Андижон.

Ҳабиба Абдуҳакимова

Рошидон

Аммо назарда Рошидон —
Фирдавс боғидан нишон.

МУҚИМИЙ.


Бугун унинг осмонин тўлдириб турар офтоб,
Ҳатто ой ҳам онамдай пешонамни силаган.
Ташна қалбим тўлғанар, айрилмоққа бермас тоб,
Онам алласин айтиб эзгу нияг тилаган.

Боғига кирдим наҳор жаннатимни топгандай,
Болалик кунларимни эслатди боғ-кўчалар.
Боқди хушҳол жилмайиб, армонимни олгандай,
Қантак ўрик бол тутар, жилғалари куй чалар.

Боболардан меросдир лойдан яратмоқ дoston,
Ва нафис кўзалардан қуёшга тутмоқлик май.
Кулол қиз бармоғининг қўшиғи кезар жаҳон,
Косасига ҳайратим атиргул қилиб чизай.

Мунаввар оғушидан онам ҳидларин туйиб,
Онам қўшиғи инган тупроғини ўпаман.
Рошидоним севгиси тураркан қалбда жўшиб,
Ватанимни онамдай бошимга кўтараман.

Қўқон.



Бибисора Туробова

□
Ота, ўзингизга ўхшайди дунё:
Қайғуси бир бўлса, шодлиги
эгиз.

Ёши бир ерда-ю юмуши тиғиз...
Бугунги ташвишидан эртаси бунёд.
Сизу Сиз, дунёдан қарздормиз биз ҳам,
Ота, ўзингизга ўхшайди дунё.

Қуёшни кузатиб қўйиб ётоққа,
Қўлга фонус олиб режа тузасиз.
Бўлиқ пахтазорда ҳорғин кезасиз:
Ғўзалар ҳалитдан кўк маржон таққан.
Орзу денгизида мағрур сузасиз,
Қуёшни кузатиб қўйиб ётоққа...

Қўсақлар вазнини салмоқлар экан,
Бу йил сув камлиги ўйга толдирар:
«Тек турган чавандоз улоқ олдилар,
Шу палла ҳордиқни олармидим тан,
Озгина лоқайдлик доғда қолдирар!...».
Ҳа, Сиз курашларда обдан чиниққан!

Фақат тонгда бир зум мизғиб оласиз,
Косада совийди мен элтган ширчай.
Бу тонг ҳам шиддатли, ҳам рангларга
бой.

Қўшиқ куйлаб қолар шу палла бир қиз,
Сочлар бошда чамбар, қадамлари тез.
Булар ҳам шеърга ўч қалбимга чирой.

Ота, ўзингизга ўхшайди дунё:
Кузатувчанлиги, қаттиққўллиги,
Бағрида шодлигу ташвиш мўллиги,
Қудратини Сиздан олгандай гўё!



Соғиниб-соғиниб кўришган яхши,
 Ботинмай ийманиб туриш ҳам яхши.
 Талпинган юраклар бунга кўнмаса,
 Не ҳам бор, бир суҳбат қуришдан яхши.

Сўнг хайр демоқнинг лаззати бошқа,
 Еқтирган кишининг иззати бошқа.
 Шарт эмас қўл сиқиб йўлга солмоқлик,
 Вақт тиғиз, бу ишлар фурсати бошқа.

Шу дийдор олдида узоқ йўл нима,
 Кўк майса чорлайди, тақир чўл нима.
 Меҳр қанот бўлса яна дучма-дуч,
 Нигоҳлар занжирдир, тилу қўл нима.

Соғиниб-соғиниб кўришган яхши...

Замира Рўзиева

Мактуб

Бу юрт осмонининг ёмғири, қори,
 Иқболда тенги йўқ қизларнинг
 Сочларини ўпиб яйрайди.
 Ташриф буюрсами баҳори,
 Қуёш майсаларнинг, хуш ялпизларнинг
 Бўйларидан сармаст, кокил тарайди.
 Бу юртнинг сувлари шу қадар зилол,
 Жонбахш, деб атайди — ичган бир ҳовуч.
 Бу юртда дағдаға солмайди шамол,
 Тунлари ўғринча сайр этмас қилич.
 Бу юртда...
 Бари бир нўноқлик қиляпман, ахир,
 Тавсиф тополмасдан буюк меҳрга.
 Кўнгил ўзича, сўз ўзича ҳақдир,
 Бу Ватан сиғмайди мактубга, шеърга...



Энди тонгни қуюқ-қуюқ туманлармас,
 Қучоқлайди кўз қувончи — яшилликнинг
 Хуш ҳидини қониб-қониб шимган ҳаво.
 Борлиқ шундай сулув, шундай соз бу нафас,
 Мана мен, деб дилга кирар, қай бир тунлар,
 Хуноб бўлиб топмаганинг дилгир наво.
 Тўлғоқдан сўнг кўкка боқиб ётар замин,
 Дунёга кўз очган гўдак — яшил майса.
 Юзларидан ўпаман мен суйиб-суйиб,
 Завқ ҳиссимни қондиради ҳамма нарса.

Уйларимда чаппор урган истаклар мўл,
Учгим келар олис, азиз гўшам сари.
Соғинганман, эҳ, мени ҳам соғингандур
Андижоннинг кўкхам қўнган адирлари.

Андижон.

Малика Мирзаева

Ҳайрат


Денгизга сочилди бир шода юлдуз,
Тўлқинлар бўйнига осилдилар шўх.
Юлдузлар рақсидан юрагимда чўғ,
Оппоқ юлдузчалар...
Ишонмайди кўз.
Балки япроқлардир...
Бир даста япроқ
Тўлқинлар бўйнидан қучарлар шодон,
Кумуш япроқларга талпинади жон,
Япроқлар кўк сари учарлар бироқ...
На юлдуз, на япроқ...
Танидим сизни!
Табиатга таъзим қилайлик бу он.
Ҳей, сиз, чағалайлар, — ушоққина жон —
Тизгинлаб олибсиз буюк денгизни.

Фарғона.



Ижодий суҳбат. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ва Москвалик таниқли шоира Римма Казакова.

М. Тўйчиева фотоси.



Элеонора Бобоева,
Козимжон Турдиалиев

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС

Илдан-йилга яшариб, ҳуснига ҳусн қўшилиб бораётган ўлкамиз жамолини хориждан келаётган меҳмонларга кўз-кўз қилиш кишига доим ҳузур бахш этади. Улар Тошкент кўчаларидан юриб янги уйлар, чиройли бинолар, кенг кўчалар, сўлим истироҳат боғларига ҳавас билан тикилганда, Хива ва Самарқанддаги асрлар гувоҳи тарихий обидаларга боқиб кўзларида ҳайрат ифода этганда, Фарғона водийси боғ-роғлари-ю, пахтазорларига мафтун бўлганда кишини ғурур, фахр ҳиссиёти қамраб олади.

Серкүёш Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар билан бўлган суҳбатлардан республикамизнинг халқаро ҳаётда обрўси тобора ортиб бораётганини яққол кўриш мумкин. Зероки, социализм йўлидан дадил бораётган Совет шарқи халқлари эришган иқтисодий, ижтимоий, маданий ютуқлар уни қўшни хорижий шарқ халқлари олдида тараққиёт ва фаровонлик намунасига айлантириши, табиий бир ҳол. Аммо кишини доимо бир нарса — юртимизга қадам қўяётган аксарият меҳмонларнинг Ватанимиз ва хусусан жонажон Ўзбекистониимиз ҳақида нотўғри тасаввур билан кириб келиши таажжублантиради.

Советлар диёрига ва шу жумладан, Совет Ўрта Осиёсига зиёрат қилган Париждаги мусулмонлар масжиди қошидаги ислом институти ректори Абу Бакр Ҳамзанинг сўзлари фикримизга далил бўла олади: «Мен Совет Иттифоқига кичиккина чамадонга жойласа бўладиган бу мамлакатнинг иқтисоди, тарихи ва географиясига оид маълумотлар билан қадам қўйган эдим,— деган эди у,— аммо шу пайтнинг ўзида шубҳа ва нотўғри тасаввурларимни иккита катта чамадонга жойлаб бўлмасди».

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима учун ҳозирги космос ва техника тараққиёти асрида, оммавий ахборот воситалари гуллаётган Парижда истиқомат қилувчи бу меҳмоннинг фикрлари бунчалик чалкаш?

Жавоб ҳам ўз-ўзидан маълум: бу бизнинг ғоявий муҳолифларимизнинг уринишлари самарасидир.

Оддий бир мисол. Ғарбу шарқда миллионлар қалбига коммунизмга қарши нафрат, социалистик лагер ҳамда учинчи дунё тараққийпарвар мамлакатларига қарши душманлик туйғусини ўрнатишда Ай-Си-Эй (аввал ЮСИА) Америка Қўшма Штатлари Халқаро алоқалар агентлигига етадигани бўлмаса керак. Ахир бир йилда 3 миллиард нусхадан ортқ китоб ва брошюралар, газета ва журналлар чиқариш, 105 давлатда 111 ваколатхонаю 230 информацион марказ фаолиятини таъминлашнинг ўзи бўладими?! Бу агентликнинг 170 телевизион станцияси ва 200 га яқин кутубхонаси уйдирма ва бўҳтонлар тўфонини ёғдириш билан овора. Уларга бошқа ғарб давлатларидаги синфий ва ғоявий муҳолифларимиз, хорижий шарқдаги реакция кучлар толмас ёрдамчилардир.

Халқимизнинг ҳар бир зафари, қўлга киритаётган ютуқлари уларнинг асабига тегиб, ғазаблантириб, бизга бўлган нафратини оширмоқда. «Советшунослик» деб ном олган ғарб фанидаги тармоқ «тирноқ остидан кир қидириб», жамиятимиздаги баъзи камчиликларни дастак қилиб олган катта бир гуруҳ олимларни, журналистлар ва сиёсатчиларни ўз ичига олади. «Советшунослар» ўз олдиларига фақатгина бизнинг турмуш тарзимизни танқид қилибгина қолмай, балки совет жамиятини заифлаштириш ва кўпориб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар.

«Замонавий тарғиботнинг барча воситаларию, психологик уруш услубларидан унумли фойдаланилган ҳолда, биз ўз ахлоқимизни, идеологиямизни коммунистик мамлакатлар аҳолиси онгига сингдиришимиз зарур,— деган эди таниқли америкалик советшунос Аллард Шак,— миллатчилик ҳиссиёти, диний тушунчалар, инсоний заифлик, ҳасад, аёллар такаббурлиги, маишатга интилиш каби барча ҳиссиётларни ишга

солиб, коммунистик давлат ғояларига нисбатан бифарқлик туйғуларини уйғотиш керак». Унинг бу мақсадини америкадаги «сиёсий информация комитетининг» раиси генерал Жексон янада очиқроқ баён қилган эди: «Биз ҳақиқатга муҳтож эмасмиз, биз учун кўпорувчилик ҳаракатлари афзалроқдир».

Уларнинг бу мақсадларини амалга ошириш борасида қилаётган ҳаракатларининг йўналишларидан бири «миллатчиликни» кучайтиришдир. Маълумки, советлар юрти катта мамлакат. Совет халқи кўп миллатли ягона оиладир. Халқларимиз дўстлиги метиндек мустақамлиги туфайли биз жаҳон урушида ғалаба қозондик, дунёда энг ривожланган ва ҳар томонлама тараққий этган фарвон турмушли давлат барпо этдик. Совет халқларининг буюк дўстлиги ҳориждаги дўстларимизни қувонтирса, душманларимизни ғашини келтиради. Бу дўстликнинг қудратли кучи совет халқларини коммунизм сари олиб бораётганлигини улар кўролмайдилар.

Шунинг учун ҳам «советшунослар» миллатчилик руҳини сингдиришни фаолиятларнинг асосий вазифаси деб биладилар. Бу борада советшунос Е. Майоника «миллатчилик коммунистик бирликка хавф соладиган портловчи моддадир», деган бўлса, унинг бельгиялик ҳамкасби М. Кис «миллатчиликни имкони борича қувватлаш керак, чунки у русларга қарши ишлатиш мумкин бўлган энг қулай курулдор»,¹ деб маъқуллаган эди. Албатта, бу «курулдор»ни ишлатиш ҳақидаги куруқ таклифнинг ўзи бўлмайди. «Советшунослар» уни самарадор қилиш учун ҳар хил кашфётлар ўйлаб топишади. Уларнинг фикрлари қаерда пайдо бўлмасин бир-бирини тўлдирди, бўхтон ва риё даражасида ким ўзар ўйнайди. Масалан, профессор М. Ривкин бу соҳада Советлар юртидаги ирқий ва диний ҳўрланишни кашф этиб «...Арманистонга ўхшаш республика, Туркменистонга нисбатан кўпроқ автономияга эга бўлди... «Осиёликлар» христиан тоифасига кирмаганликлари учун оқ танли христиан халқларга нисбатан камроқ озодликка эга бўлдилар»² деб хулоса қилади.

Ҳозирги кунда республикаимизда деярли 16 миллион киши яшайди. Она диёримизда 121 миллат ва этник тоифалар вакиллари истиқомат қиладилар. Уларнинг дўстлигига, турмуш ва меҳнатдаги ҳамжиҳатлигига қараб ҳавасинг келади. Энг оддий мисол, Москванинг марказий районларидан бирида жойлашган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси меҳмонхонаси ва аспирантлари ётоқхонасида юзлаб кишилар яшайди. Улардан қайси биридан сўраманг, москвалик илмий раҳбари ёки ҳамкасблари ҳақида фақат илиқ гапларни эшитасиз. Ёхуд республикаимиз меҳнаткашлари ютуқлари, маданий ва ижтимоий ҳаёти даражаси она Ватанимизнинг ҳеч қайси районидан кам эмас. Бу ҳақда юзлаб факт ва рақамлар келтириш мумкин ва улар «бизни ўрганувчи» советшуносларга ҳам беш қўлдек маълум. Аммо улар буни тан олгиси келмайди. Америкалик советшунослардан бири Ричард Пирс, бу фактларни қайд қилар экан, ўзича хулоса қилади: «Урта Осиё 1917 йилда мустақил давлат ёки бошқа бир давлат таъсири остида бўлганда ҳам ҳозирги ютуқларига эришган бўлар эди, албатта»³,— деб ўйлайди у. Хўш, ундай бўлса нега қўшни Покистон ёки Саудия Арабистони, ёки бошқа ҳар қандай шарқ мамлакатига шундай катта ўзгаришлар содир бўлмади? Ҳозирги пайтда «учинчи дунё» мамлакатлари орасида энг бой-бадавлат деб ҳисобланадиган Саудия Арабистони аҳолисининг олтмиш фоизи нечун саводсиз?! Бизнинг республикаимиз аҳолиси орасида эса саводсиз одамнинг ўзини топиш қийин. Утган йилнинг ўзида беш миллион етти юз олтмиш тўққиз минг олти юз киши ўқувнинг барча турларида машғул эди. Ҳозирги кунда ўттиз уч минг илмий ходим республикаимиз фани ривожига астойдил меҳнат қилмоқда.

Бизга «меҳрибон» советшуносларнинг яна бир дастаги советлар юртидаги «камситилаётган инсон ҳуқуқлари» ва шу жумладан совет шарқидаги мусулмонларнинг «ҳуқуқлари» ҳақида кўз ёшларини оқизиб қайғуришдир. Бу борада ўтмишда Ватан бошига оғир кун тушганда душман томонга қочиб ўтган, ҳозирги кунда эса Ғарбий Германияда социология фанлари доктори Боймирза Ҳайитнинг 1978 йилнинг охирида халқаро мусулмон ташкилотларидан бирининг минбарида туриб айтган сўзларини эслаш кифоя. У руслар «зулми» остида инграётган Туркистон ҳақида «тирик шоҳид» сифатида сўзлар экан, бу ўлкада илмий, маданий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт бўғиб қўйилганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. У ўз нутқида СССР билан яхши алоқада бўлган мусулмон давлатларининг Совет ҳукуматидан ўз мусулмонларига яхши муомалада бўлишини талаб қилиши зарурлигини ўқтиради. Бундай даъватлар хорижий шарқдаги реакция доиралар томонидан кўр-кўрона тарғиб қилинса-да, ҳақгўйлик назари билан нигоҳ ташлаган кишилар унинг аксини кўрмоқдалар. «Совет мусулмонларининг ҳаётини бузиб кўрсатувчи далилларга жиддий эътибор беришнинг ҳождати йўқ,— деган эди Иордания вақф ва ислом ишлари бўйича министри Комил Шариф.— Бу далиллар ўз манфаатларини кўзлаган кишилар томонидан бир зумда тўқиб чиқариллади». Ёки ислом оламидаги энг йирик диний университет «Ал-Азхар»нинг ректори Муҳаммад ал-Фахамининг сўзларини келтириш кифоя (у бизнинг диёримиз бўйлаб қилган сафарини тугаллар экан) «мусулмонларнинг озодликдан маҳрум эканлиги ҳақидаги Совет Иттифоқи муҳолифлари тарқатаётган барча гаплар бекор экан,— деган эди у,— чунки совет мусулмонлари ўз диний урф-одатларига амал қилишлари учун барча шарт-шароитларга эга эканликларини ўз кўзим билан кўриб қайтпман».

¹ Королев Б. И. «Антисоветизм в глобальной стратегии империализма» М., 1974. 145-бет.

² М. Ривкин. «Москва против национальных меньшинств Направления в новом десятилетии». Мюнхен, том 18. Октябрь № 10, 20—21-бет (инглиз тилида).

³ Ричард К. Пирс «Русская Центральная Азия. 1867—1917 гг. Изучение колониального управления», Лос-анжелос, 1960, 305-бет (инглиз тилида).

Совет Иттифоқи коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг эътиқод эркинлиги ҳақидаги маъқеи ҳаммага маълум. Бизнинг мафкурамиз диний ақидаларнинг реакцион моҳиятини очиб ташлаб, унинг шу вақтгача жамиятда мазлум омма учун сабуру тоқатдан, золимлар учун эса меҳнаткашларни эъши қуролидан ўзга нарса эмаслигини исботлайди. Шу билан бирга, дин давлатдан ажратилган ва унга ишонувчиларнинг ўз хоҳишларига кўра маросим ва урф-одатларни бажо келтиришлари-га ҳеч ким ҳалақит бермайди.

Совет мусулмонларининг «бўғилаётган» ҳуқуқларини тарғиб қилиш билан овра бўлган советшунослар ўз оёқлари остидагини сезмаганга олиши кишини ҳайратга солади. «Озод дунё» мамлакатларидан бири бўлган Швециядан яқиндагина Тошкентга келган олима Сигне Ландгрэн Бёкстрём: «Мен худога мутлақо ишонмайман. Черковга ҳам қатнамайман. Аммо оладиган маошимнинг катта бир қисмини черков солиғи сифатида тўлашга мажбурман», деган эди дин ва давлат ҳамкорлиги борасида сўхбат кетганда.

Совет кишилари бу борада мутлақо озод эканлиги ойнадек равшан.

Ҳозирги кунда Бухородаги диний мадраса, Тошкентдаги ислом Академияси, Урта Осиё ва Қозоғистон дин нazorати бошқармаси ташкил этаётган бутуниттифоқ ва халқаро кенгашлар ватанфуруш Боймирза Ҳайитнинг сўзларида зарра мантиқ ва ҳақиқат уруғи йўқлигини кўрсатмайдими?

У ўз нутқида Совет Иттифоқида барча ислом йиғилишларини ўтказиш ман қилинган, Урта Осиёда атиги саккизта масжид бор, холос ва бу масжидларда йигирмадан ортқ одам тўпланиши мумкин эмас, деб жар солади. Лондонда нашр этиладиган «Экономист» газетаси (22.01. 1977) ғоявий жиҳатдан коммунизмга хайрихоҳ бўлмаса-да, Совет Урта Осиёсининг ўзида мингта масжид бор деб эълон қилган эди. Бу мисол, қатрада қуёш акс этганидек, Совет ҳукуматининг эътиқод қилувчи мусулмонларга муносабатини яққол кўрсатади.

Урта Осиёга тарих тақозоси билан келиб қолган «Мусхафи Усмон» — қуръоннинг илк нусхаларидан бирининг воқеаси бунга яққол далилдир. Бу китоб 1904 йилда Самарқанддан Петербургда чор генерали томонидан олиб кетилган эди. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг мусулмон аскарларидан бир гуруҳининг уни қайтаришга бўлган уринишлари муваффақиятсиз тугади. Октябрь инқилобидан сўнг мусулмонларнинг илтимосига мувофиқ доҳий Ленин фармони билан бу китоб ўша пайтдаги мусулмонларнинг ягона расмий бошқармасига — Уфага жўнатилган эди. 1923 йилда эса бу китоб Тошкентга қайтарилган.

Антисоветизм ва антикоммунизм ғояларини дастак қилиб олган ғоявий муҳолифларимиз социализм тузумини танқид қилишдан ўзга нарса билан сира ҳам ишлари йўқ. Тинч ҳаёт қураётган, катта зафарларга, юксак маданиятга эришаётган совет шарқи халқлари тақдирига «қайғуриб, кўзёш тўкаётган» бу ҳуқуқшунослар Яқин Шарқда ғарб империализми яратган фожиа — бутун бир Фаластин халқининг бошпанасиз, очлик ва ночорликда, ирқий зулм остида йилдан-йилга камайиб бораётганини, Ливандаги реакцион кучларнинг ўқлари, исроил бомбалари остида ҳалок бўлаётган арабларни кўрармиди? Ахир улар эркин дунё тарафдорлари-ку?! Ёки тўғри йўлдан бораётган Миср ҳукуматининг сиёсатини «очиқ эшиклар» томонга бурдирган Америка ва ғарб империализмининг бу малайлари нечун қашшоқлашиб бораётган Миср халқига ғамхўрлик қилмайдилар?!

Утган халқаро киноанжуман кунларида, мисрлик таниқли киноактриса Лайло Тоҳир билан Тошкент кўчаларини сайр қилиб юрар эканмиз, унинг шаҳар гўзаллиги, яшиллиги ва озодалигига мафтун эканлигини сезиш қийин эмасди. Аммо, унга Қоҳирани эслатиш — қувонч балқиб турган чеҳрасига соя солди.

У мамлакат аҳолисининг бешдан бири, яъни, саккиз миллиони уч миллион кишига мўлжалланган шаҳарда яшashi, оқибатда чексиз мушкулотлар туғилганлигини эсладимиз ёки Қоҳира четидаги машҳур қабристондаги сағаналар минглаб оилалар учун ягона бошпана бўлиб, «тирик мурдалар» шаҳри деб машҳур ном олганлиги хаёлидан ўтдимиз?!.. Ҳар ҳолда у анча маҳалгача сукут сақлаб қолди.

Расмий маълумотларга кўра, Қоҳирадаги уйларнинг олтмиш фойизи яшашга яроқсиз. Миср кундалик газеталарида балкони узилиб тушган, ёки томи босиб қолган, ё ўзи қулаб тушган кўп қаватли уйлар ва қурбонлар ҳақида ёзиш оддий нарса бўлиб қолган.

Утган йилнинг ўзида эса Ўзбекистонимизда беш миллион олти юз минг квадрат метр уй-жой қурилиб, тўққиз юз эллик бир минг оила барча зарурий шaroитлар ва қулайликларга эга бўлган квартираларга кўчиб кирди. Республикаимизда саксон иккита шаҳар мавжуд бўлса, улардан қирқ олтитаси кейинги ўн йил ичида бунёд этилди.

Бизнинг «ғамхўрларимиз» эса ҳамон кўзёши тўкмоқдалар. Бизнинг ҳуқуқларимиз ва турмушимиз ҳақида бош қотирмоқдалар. Уларнинг бизга «садоқати» чексиз. Енг шимариб биз учун «курашга» киришганлари ҳам бор. АҚШдаги Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) ва ғарбнинг бошқа махсус жосуслик маҳкамалари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган ташкилотлар бунга яққол гувоҳ. Америкадаги «Нью-Йорк мусулмонлари уюшмаси» ўзининг антисоветизм тарғиботи билан машҳур. Албатта, совет халқига катта жиноятлар қилиб, Ватанни сотган Максудбекдек киши унга бошчилик қилар экан, ундан яна нима кутиш мумкин. Худди шу сингари МРБ агенти Эргаш Шерматов бошқараётган «Урта Осиё мусулмонлари уюшмаси ташкилоти» ва Мюнхендаги «Мусулмонлар комитети» ёки Жакартадаги МРБ тузган «Туркистон Либерейшн» (Туркистонни озод қилиш ҳаракати) ташкилоти ҳаҳдон жамоатчилиги олдида совет шарқидаги халқларнинг «аянчли» аҳволини тарғиб қилиб, риёкорлик денгизиде сузмоқда.

Бизнинг «меҳрибонларимиз» фойдаланаётган кутубхоналарда Совет Ўзбекистон ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилувчи нашрларни ҳам бемалол топса бўлади. Зероки, Совет Ўзбекистони деярли барча капиталистик мамлакатлар билан маданий алоқаларни амалга оширмакда. Англиянинг Оксфорд, Кембриж университетлари, Буюк Британия музейи, АҚШдаги «Конгресс», «Бетезу» кутубхоналари, Калифорния, Кентукки университетлари, Голландиядаги «Делота», «Лейден» кутубхоналари ва ҳоказо ва ҳоказолар Совет Ўзбекистонидан нашр этилган ўзбеклар ҳаёти, маданиятини ҳикоя қилувчи китобларни мунтазам олиб турибди. Утган йигирма йил ичида экспорт қилинган китобларнинг сони юз эллик мингдан ортиқ эди. Наҳотки бизнинг «садоқатли» ва «меҳрибон дўстларимизнинг» нигоҳи уларга тушмаган бўлса?!


Аҳолиси атиги 16 миллион кишига яқин бўлган республикамизнинг ўзида қирқ тўрт мингдан ортиқ врач борлиги, касалхонадаги ўринлар сони юз саксон минг атрофидалиги уларга ҳаёлотдек туюлади. Албатта, Октябрь инқилоби арафасида атиги ўн саккиз врач ва қирқ чаласавод мамадоярлар ишлаган Туркистонда, олтмиш йилдан зиёдроқ давр ичидаги бундай ўзгаришлар уларни тасаввурига сиғиши ҳам қийин.

Ғарб оламида энг бою бадавлат ҳисобланган Америка Қўшма Штатларига назар ташлаб кўрайлик. «Канадиэн трибюн» газетаси хабар беришича, 10 миллион америкалик болалар ва ўсмирлар доимий тиббий ёрдамдан маҳрум, йигирма миллион умрида тиш докторига учрамаганлар. Она диёримизга ташриф буюраётган ғарблик меҳмонлар ҳақиқатдан ҳам ўз юртларида тиббий ёрдам эвазига катта пул тўлаш лозимлигини афсус ва надоматлар билан эслашади.

Ёки маориф соҳасига назар ташлайлик. Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатига жойлашган Станфорд университетига таълим олиш ҳар бир йили ўн минг долларга тушаётган пайтда, бизнинг Ўзбекистонимиздаги олий ўқув юртларида таълим олаётган икки юз йигирма минг беш юз илм толибларидан қайси бири давлатга қанча пул тўлабди?! Аксинча, уларнинг мутлақо аксарияти давлат стипендиялари олиб, талабалар ётоқхоналарида истиқомат қилишади. Уларнинг хизматиға минглаб спорт тўғарақлари, саёҳатчилик лагерлари ва дам олиш уйлари, санаторий, профилактарийлар доимо шай. Минглаб катта-кичик кутубхоналарнинг эшиги доимо очиқ. Совет Ўзбекистонига меҳмон бўлиб келган Ироқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши давлат бошқармаси бошлиғи Афтан Ар-Раби: «Биз кўпгина институт ва муассасаларда бўлдик. Ўзбекистондаги фан ва техника тараққиёти даражасини кўриб ҳайратга тушдик», деб бежиз айтмаган эди.

Ёки яна бир меҳмон, мисрлик сайёҳ Муҳаммад Али Абу Вафо ўз зиёрати ниҳоясида айтган сўзларини яна кўпгина меҳмонлардан эшитиш мумкин. «Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасига қадар Ўзбекистонда мавжуд бўлган муаммолар, қийинчилик ва тангликлар хозирги кунда хорижий шарқ халқлари ҳаётига мос тушар эди. Инқилоб қуёши бу ўлканинг жамолини бутунлай очиб юборди», деган эди у.

Дарҳақиқат, Совет Шарқининг қисқа муддат ичида эришган ютуқлари турмуш фаровонлиги, бахт ва саодати хорижий Шарқдаги миллионлар қалбида умид учқунларини алангага айлантириб, мустақиллик ва бахтли келажак йўлида ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт курашида ҳақиқий маёқ бўлиб қолмоқда. Энди бизнинг «садоқатли дўстларимиз» ёки «меҳрибонларимиз»нинг «ғамхўрлигига» келсак, уларнинг фаолиятларига ҳазрати Навоийнинг «заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг...» деган сўзлари ёки ўзбек халқининг «Ойни этак билан ёпиб бўлмас» деган ҳикматли ибораси билангина жавоб бериш мумкин. Зотан, ғоявий муҳолифларимиз ўз мақсадларига эриша олмаслиги ҳам ойнадек равшандир.



Эмин Усмонов

«ТАБИАТ КИТОБИ» ТУРКУМИДАН

Ҳайқириқ

Тошқўрғон қишлоғи бир ҳафтадаёқ хувуллаб қолди. Неча авлоддан буён тоғ-тошларда муқим яшаётган одамлар бўлакча бир ғайрат, шошқалоқлик билан кўч-кўронини машиналарга ортишиб, пастга энишди. Қишлоқда совхознинг чорвасини боқадиган ўнтагина хонадон, ҳамда кўриқхона ходимлари қолишди, холос.

Дунёдаги ҳамма нарсанинг ўз ярашиғи бор. Тоғлар турли хил жониворлару дов-дарахтлар билан гўзал. Балиқлар ўйноқламаган дарёнинг суви беҳосият ҳисобланади. Уй-жой ҳам одам билан обод. Одамнинг тафтини сезиб турмаса деворлар ҳам ўз-ўзидан нурайверади. Қизилсув кўриқхонасининг директори Салимжон қишлоқ кўчаларидан отда ўтиб бораркан, бу нарсани айниқса чуқурроқ ҳис этди. Одам яшамаган гўшага ҳағто қушлар ҳам ин қўймас экан. Ҳар бир муюлишдан худди биров чиқиб келадигандек, синч деворлар панасида кимдир мўралаб тургандек туюлади-ю, яқинлашгач сезгинг элдамчи бўлиб чиқади. Вужудингдан совуқ тер чиқиб кетади. Қўрқувнинг совуқ панжаси юрагингни қисимлайди. Беихтиёр: «Бирор тирик жонзот борми бу ерда?» деб бақириб юборгинг келади. Шундай бақирсангни, қўлоқларинг қоматга келса. Гўнг бўлиб ётган қишлоқ зир титраб кетса.

Салимжоннинг Зикрилла Эгамбердиев деган доктор таниши бор. Жуда ғаройиб одам. Ёши етмишга яқинлашиб қолгану худди ёш боладек қувноқ, руҳи тетик. Бунинг сабабини сўрашса, одам кулиб, бақириб-чақириб тез-тез юрагини бўшатиб туриши керак. Биз жуда тезоб, асабий асрда яшаяпмиз, дейди у киши. Буниси ҳам етмагандек одамлар ўта одобли бўлиб кетишган. Ўз уйингда бақириб-чақиролмайсан, болаларнинг олдида уят. Кўча-кўйда ашула айтсанг одамлар маломат қилишади. Ишхонада сал овозингни баландлатсанг, дарров танбеҳ беришади. Кўпчиликнинг эътиборини жалб этмаслик учун жамоат жойларида жим юришинг керак. Меҳмонга борганда кўп гапирсанг айб саналади. Мана шуларнинг ҳаммаси — ўта одобли бўлиш — одамларни хафақонлик — юрак сиқилиши, қон босимининг ошиши деган дардга мубтало қиляпти. Бундан қутулиш учун ҳар замон, ҳар замонда синмайдиган елим идиш-товоқлардан олиб ҳеч ким кўрмайдиган панароқ жойга ўтиш керак-да, идишларни ерга уриб, тепкилиб то энгил тортгунингча роса бақириб-чақириб, озгина сўқиниб ҳам олиш керак. Бу усул камида етмиш фоиз фойда беради.

У кишининг гапида жон бор. Лекин Салимжон мана шу хувиллаб ётган қишлоқда ҳам ҳайқиришдан ийманяпти. Нимадан тортинибганини ўзи ҳам аниқ билмайди. Қизиқ, нега бундай бўляпти?

Бу ўйлардан Салимжоннинг юраги баттар сиқилди. Жаҳл билан отга қамчи босди. Беҳосдан тушган зарбадан сесканган саман ола-тасир чопиб кетди. Туёқ товуши сокин қишлоқда даҳшатли гўмбурлаб эшитилди. Салимжон мана шу жимликдан, эгасиз ўйлардан қочиб кетаётганга ўхшарди. Бироқ қочиб қаёққа боради? У ғайришуурий тарзда жиловни тортди. Саман бошини сарак-сарак қилганча тўхтади. Турган жойида безовта типирчилаб юлқиниб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ қаттиққўл эгаси бунга изн бермади.

Дунё қизиқ яратилган. Ер юзидаги мавжудодларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Бирининг изми иккинчисининг илкида.

Салимжон ҳорғин нигоҳ билан чор-атрофни кузатди. Олисдаги тигдек ўткир чўққиларни қор босган. Тоғ эчкилари, кийиклар ҳозир ўша қорли чўққиларга чиқиб кетишган. Кийик жуда нозиктаъб жонивор. У пашша бор жойда турмайди. Уша қорли чўққиларда қор қоплонлари ҳам макон тутган. Ундан пастроққа тушилса суғур тепа бор. Тонг пайтида пойлаб ётилса, тепалик қирмизи ранг бўлиб кетади. Қизғиш рангли суғурлар зир югуришиб ўйнашади. Ундан ҳам пастроқда, дарёга яқин

жойда кийиклар бор. Қизил дарёнинг бошланиши мана шу даранинг охирида. У ерда ҳар бири уйнинг саҳнича келадиған бешта чашма бор. Сувнинг қайнаб чиқишини кузатиб улгуролмайди киши. Ёнғоқдек келадиған пуфакчаларнинг юқорига қўтарилиб сув юзида ёрилишини бемалол кузатиш мумкин. Сон-саноксиз пуфакчаларнинг тинимсиз ёрилишидан сув биқирлаб қайнаётганга ўхшайди. Мана шу ердан то қишлоққача ўн етти жойда кийикларнинг емхонаси бор. Қўриқхона ходимлари ёзи билан шувурға ўриб, ғарам қилиб босишади. Тоққа қор тушганда кийиклар пастга эниб мана шу ғарамлар атрофида қишлашади.

Орқадан туёқ товуши эшитилди. Муюлишда жийрон отда ёнбош ўтирган бўлим бошлиғи Назаров кўринди. Тоғ шамолида қорайган, қотма одам. Ўрмончилар кийими, айниқса шапкаси атай шу киши учун тикилганга ўхшайди. Унинг лунжи ичига тортиб кетганидан ёноқ суяклари туртиб чиққан юзида, тийрак боққан кўзларида ўйчанлик бор. Ўзи қотма, эти енгил бўлса-да, ҳаракатлари вазмин. Кўп гапиришни ёқтирмайди, аммо минғаймасларни ҳам жини суймайди.

— Ҳа, Салимжон, индамай жўнаворибсиз,— ажабланиб сўради бўлим бошлиғи.
— Ёлғиз айлангим келди,— пастда гувиллаб оқаётган тошқин дарёдан кўз узмай жавоб берди Салимжон.— Илгари ўзимизда ишлаган Ражабдан шубҳаланиб қолдим. Совхозларнинг қўйларини бекитиқча қўриқхонада боқишга рухсат берганини эшитган эдим. Назаримда ҳозир ҳам шу ишини давом эттиряпти.

— Қизикмисиз, у қўриқхонада ишламайди-ку.
— Лекин шу ердаа яшайди-да,— эътироз билдирди Салимжон.— Уч кундан бери кузатаман. Тонг қоронғисида дарё ёқалаб пастга кетади. Кечқурун қайтиб келади. Нима иш қилади, деб ўйлайсиз?

Назаров анчагача индамайди. Отнинг ёлига бармоқларини ботириб тураркан: «Унинг шубҳасида жон бор,— дея хаёлидан кечирди.— У ҳам кеча пайқаган эди. Бироқ айб устида қўлга туширмай туриб маломат қилиш яхши эмас. Ражаб ишдан бўшатиладиган буён бировга қўшилолмаёй ёлғиз сўппайиб қолган. Қишлоқдаги ўн чоғли хонадоннинг бирови билан ҳам муомала қилмайди. Уларни назари илмайди чоғи. Аммо ҳеч ким уни бери кел деб қаватига чорламайпти».

— Эскичасига ҳам, янғичасига ҳам гумон гуноҳ саналади, Салимжон,— деди Назаров ўйчан.— Қани отни чуқ денг. Изидан бориб кўрайлик...

Қизил дарё уларни тошдан-тошга урилганча шовқин солиб кутиб олди.
Отлар ёғочлари кўчиб, у ер бу ери ўпирилиб қолган омонат кўприқдан жуда ҳам эҳтиёткорлик билан тайсаллаб ўтишгач, дарё ёқалаб йўртиб кетишди. Чап томондаги ёнбағрида жўжаларни эргаштириб донлаб юрган какиллар туёқ товушидан пориллаб кўкка кўтарилишди. Ора-сира айиқларнинг тезағи, қобонлар қовлаб, титиб ташлаган чуқурчалар кўзга чалинарди. Тоғдаги ҳамма жониворлар фақат тонг пайти ёки кечқурун хўрак излаб чиқишади.

Қалъасойга бурилиши билан отларнинг қадами секинлашди. Димоққа гуп этиб заҳ ҳиди аралаш салқин урилди. Пишқириб оқаётган сой бўйлаб ўтган йўл жуда қалтис. Оёқ тойиб кетса бас, майда тошлар шувуллаб тўкилганча пастга тортиб кетади. Бу ерда киши инон-ихтиёрини отга топшириб, ўзи зирк, наъматакнинг тиконли шоҳларидан юзини пана қилиб туриши керак. Икки йўловчи Қалъасойдан чиқишгунча чурқ этишмади. Тепага кўтарилгач, илон изи сўқмоқдан юриб кетишди. Улар қўриқхонанинг Боботоғ билан чегарадош қисмини мўлжал қилиб боришарди. Бу томонларда арча қалин, инсон қўлидан сал бўлса-да, омон қолгани учун ҳатто қулоқ етмайдиганлари учрайди. Ҳавони арчанинг кишини сархуш қиладиған хушбўй исси тутиб кетган.

Салимжон тўсатдан отнинг жиловини тортди. Назаров эса аксинча олдинга ўтиб кетди-да, узангига оёқ тираб, қаддини ростлади. Қўлини пешонасига соябон қилганича ён-верига аланглади. Тоғ ёнбағрида ҳад-ҳисобсиз қўй-қўзилар ўтлаб юрарди. Назаров директорга юзланди. Салимжон чуваккина жуссасига ярашмаган вазоҳат билан чирпиниб ўтирарди.

— Мен сизга айтмовдимми! Айтмовдимми!— деди у ғазабдан қалт-қалт титраб.— Бу ҳаммаси Ражабнинг иши. Мен кечагина ботаника институтидагиларга бемалол келаверинглар, истаганча доривор гиёҳлар териб кетишинглар мумкин, деб ўтирибман-а.

Салимжон отни ниқтади. Саман пишқириб, ҳарс-ҳарс нафас органича тепага ўрлай бошлади. Ўт чимдид юрган қўй-қўзилар ҳуркиб, ҳар томонга тум-тарақай қочибди. Арча панасида ёнбошлаб ётган чўпонлар «Қайт, қайт!» дейишганча ўринларидан ирғиб туришди. Аммо шу томонга от солиб келаётган нотаниш кишиларни кўргач, турган жойида серрайиб қолишди. Бири аста тисарилиб арчанинг панасига яширинди.

— Қайси совхоздансизлар?— сўради Салимжон.
Чўпонлар унга сўзсиз тикилиб тураверишди. Бу рангпар йигитнинг таҳдид солишини писанд ҳам қилишмади.
— Узлари ким бўладилар?— хушламайгина сўради мўйловли чўпон.
— Бу киши қўриқхонанинг янги директори,— Салимжон учун Назаров жавоб берди.

Чўпонлар бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Мўйлов қўлидаги гавронга ияқ тираганча нописандлик билан гапирди.

— Биз ҳаммасини Ражаббой билан келишганмиз.
— Нимани келишгансиз?— Салимжон деярли бақиргудек бўлиб.
— Сизга айтмабдимми... ахир ўн беш кунгина...— бу сафар мўйловнинг овози бўшашиброқ чиқди.— Ҳови анови қоядан нарига ўтмайдиган бўлганмиз.
— Жўнанг, жўнанг ҳозир бу ердан!— деди Салимжон имкони борича ўзини

босишга уруниб. У чўпонни бўралаб сўкиб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди.— Иккинчи қўриқхонага қадам босганингизни кўрмай.

— Нега бақирасиз, директор бова,— деди мўйлов энсаси қотиб.— Тегиши- нгизни олгандан кейин ўз ҳолимизга қўйинг-да.

Салимжоннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Худди ҳаво етишмаётгандек бўғзини, кўксини пайпаслади.

— Сен... Сен...— Салимжон бошини асабий чайқади. Бўғиқ овоз билан хирил- лади.— Мен сени... қаматаман, ярама! Қонун олдида жавоб берасан ҳали... Йўқол!

Салимжон отнинг бошини орқага бурди-да, қулочкашлаб қамчи урди. Саман от безовта кишнади. Қулоқларини чимирганича тик ёнбағирдан шиддат билан юриб кетди. Салимжон юзига тарс-турс урилаётган арча шохларидан юзини пана қилиб улгуролмай қолди. Саман ҳар қадам ташлаганида майда тошлар шувиллаб паства оқиб тушарди. Салимжон энг қалтис жойлардан ҳам мана шу зайлда отни қичаб ўтди. Фақат Қалъасойдан чиқаверишдагина жиловни тортди. Намхуш ҳаводан ютоқиб нафас олди. Шу пайт қаердадир, орқада, тоғ тепасида милтиқ отилди. Уқ овози су- кунатда жуда ҳам хунук, ваҳимали гумбурлади. Уша томондан безовта бўлган қушлар галаси осмонга кўтарилди. Салимжон шундагина Назаров тепада ёлғиз қолганини эс- лади. «Наҳотки, чўпонлар шунчаликка боришса? Йўғ-э...»

У дарадан чиққач, отни ўтга қўйди-да, муздек сувда бет-қўлини чайди. Мисдек қизиб кетган пешонасига кафтини босди. Лопиллаб ураётган чакка томирларини бар- моқ учлари билан силади. Сувга тикилганича ҳаракатсиз қотди. Шу алфозда узоқ ўтирди. Кўп воқеаларни хаёлидан кечирди... У ижрокюда ишлаётганида бу қишлоқ- дагиларни чўлга кўчирма қилишга бош-қош бўлган. Қаршига салкам беш юз хона- дон кетди. Ҳозир яхши яшашяпти. Фақат чўлнинг иссиғига ўрганолмай қийналишяпти, холос. Тоғда уларга иш топиб бериш маҳол эди. Совхознинг чорвасини боқишга қол- ган ўнтагина хўжалик ҳам кўплик қилади. Шу боис уч-тўрттаси қўриқхонада ишлайди. Аммо Ражаб... Ишдан бўшатилгандан буён аламзада бўлиб юрибди. Бугунги қилган иши ҳам аламданми? Йў-ўқ, бу аламзадалик эмас, очкўзлик, баднафслик. Узининг қанча мол-ҳоли бор. Илгари қўриқхонадаги пичанни ўриб чўпонларга сотаркан. Тавба. Яхшиямки, одамнинг умри қисқа, ўрта ҳисобда олтмиш-етмиш йил яшайди. Агар одамзод икки-уч юз йил яшаса ер куррасини кемтиб ташлар экан, шекилли.

Салимжоннинг хаёли бўлинди. Рўпарасидаги бир текис қилиб кесиб қайтадан тахлангандек туюлувчи тошлардан иборат тоғдан икки отлиқ тушиб келарди. Са- лимжон уларни олисданоқ таниди. Бири қўриқхона ходими, мана шу ерларнинг на- зоратчиси. Иккинчиси Ражаб.

Салимжон аста ўрнидан турди. Тоғдан тушиб келаётганлардан кўз узмаган қўйи отини ечиб, минди. Отликлар уни кўриб тўхташди. Қўлларини пахса қилганча қиз- гин баҳслашишди, кейин Ражаб отини елдирганича йўл бошлади. Ҳамроҳи анчагача қардамхаёл бўлиб турди. Аммо бари бир бу ерда қолиб кетолмаслигига ақли етди ше- килли отни ўз майлига қўйиб берди. Йўл юриб ҳориган от эгасининг истагини тушун- гандек бошини саланглатганича эринчоқлик билан қадам ташлай бошлади.

Салимжон отга минишга минди-ю, бироқ нима қилишини билмай туриб қолди. «Хўш, нима қилади ҳозир? Ражабни сўкадимми? Албатта сўкади. Қилмишларини шарт- та-шартта юзига айтди. Акт ёзмоқчилигини ҳам яширмайди. Хўш кейин-чи?»

Бирданига Салимжоннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Рангидан қон қоч- ди. Юлқа лабларини қаттиқ қимтиганича гарангсиб туриб қолди. Ражабнинг оти ор- қасига ўнгарилган кийикни, эгар қошига илинган милтиқни кўрганди.

Ниҳоят Ражаб етиб келди. Унинг гўштдор, кепчик юзида масҳараомуз табассум йўнар, бироқ кўзлари совуқ йилтирарди.

— Ҳа, директор бова, қалайсиз?— деди у ишшайганича менсимаган бир оҳанг- да.— Томошалаб юрибсизми?

Салимжон бу андишасиз одамга аччиқ-тизиқ гап айтаман, деб чоғланиб турган бўлса-да, дабдурустдан нима дейишини билмай қолди. Гапиришга оғиз жуфтлади-ю, бироқ қандай гап айтиши зарурлигини ўйлаб тополмади. Узининг ноҳор аҳволдан ғижинди. Худди эрталабкидек бақириб-чақириш истаги яна пайдо бўлди. Бу сафар ўзини қарахтликдан, журъатсизликдан уйғотиш, мана бу одамни эса очкўзликдан, шафқатсизликдан қайтариш учун бор овози билан бақиргиси келди. Аммо бу ўрин- сиз иш билан рўпарасида тиржайиб турган одамга кулги бўлаганини ўйлаб яна ўзи- ни тийди. Аммо нимадир дейиши керак. Бу безбет одамга муносиб жавоб қайтармаса бўлмайди.

— Йўқ, сизнинг қилишларингизни кўриб завқ-шавққа тўлиб юрибман,— деди Салимжон овозидан заҳар томиб.

— Қалай, сизни ранжитадиган иш қилмабманми?— Ражабнинг юзидаги ифода ҳамон ўзгармади.

— Менга қаранг, одам деган ҳам шунчалик имонсиз бўладими?— ўзини тўтол- май ўшқирди Салимжон.— Милтиқ билан кийикни топширинг.

Ражаб отни ниқтаб яқин келди. Шаппа Салимжоннинг ёқасидан олиб ўзига тортди. Салимжон унинг бакуват эканини, олишса бас келолмаслигини билса-да, бўш келмаслик учун бари бир икки қўллаб ёпишди.

— Кимга? Сенгами?— деди Ражаб пишқириб. Ундан ароқ билан саримсоқпёз ҳиди келарди. Салимжон жаҳл билан юлқиниб ёқасини бўшатди. Бироқ Ражаб от- нинг жиловидан ушлаб олди.— Оласан-а, оласан. Қўлингдан келса кесиб ол, бил- дингми?

Шу пайт Қалъасойдан Назаров чиқиб келди. У қамчи ўйнатганича узоқданоқ ҳай-ҳай сурон солиб бақира бошлади.

— Аҳмоқлик қилма, Ражаб. Ражаб дейман! Яхшиликча қўйвор!

Ражаб от чоптириб келаётган Назаровга ўйгирилиб қаради. Салимжонга юзланиб совуқ ишшайди-да, этгининг кўнжини пайғаслади. Салимжон пайтдан фойдаланиб унинг отига устма-уст қамчи урди. Бўз от ҳуркиб осмонга сапчиди. Ражаб чалқанчасига афдарилиб тушди. Аммо ирғиб ўрнидан турдида, қўлидан учиб кетган пичоқни топиб олди. Унинг юзидаги бояги масхараомуз табассумдан, от устидаги кибру ҳавосидан асар ҳам қолмаган, кўзлари қонга тўлган, дам Салимжонга, дам Назаровга қараб пишилларди.

— Ҳе, гўрсўхта, бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми,— деди Назаров унинг тепасига келиб.— Қани, пичоқни узат бу ёққа.

Ражаб орқасига тисарилди. Худди ҳамлага шайланган бўридек букчайиб олди. — Яқинлашма, иккалангни ҳам чавоқлаб ташлайман.

— Шунақами?— Назаров унинг устига от солди. Ражаб отнинг жиловидан ушлаб олмоқчи бўлиб интилди. Назаров унинг юз-кўзи аралаш қамчи тортиб юборди.— Мана сенга пичоқ ўқталиш. Мана сенга кийик отиш. Мана сенга пора олиш. Мана! Мана!..

— Назаров!— Салимжон жон-жаҳди билан бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. У шу қадар қаттиқ бақирдики, ҳатто тоғлар зириллаб кетгандек туюлди. Назаровнинг қўли ҳавода муаллақ қолди. Ҳатто ғужанак бўлиб олган Ражаб ҳам бошини кўтариб қаради.

Салимжон бошқа чурқ этмади. Ражабнинг отини етаклаганича йўлга тушди. Бирданига руҳида энгиллик туйди. Гўё кўксига тошдек қадалиб, табиатини хира қилиб ётган нарса бир ҳайқириқ билан чиқиб кетганга ўхшарди. У ўз овози билан гунг бўлиб ётган тоғларни, сукунат чўккан қишлоқни, ўзидаги, бошқалардаги аллақандай мудроқ туйғуларни ҳам уйғотиб юборган эди.

Кўрк

Қуёш уфқ орқасига думалаб кетди. Осмоннинг тенг ярми қирмизи рангга бўялиб қолди. Паст-баланд қирлардаги, тоғ ёнбағриларидаги майса, гиёҳларнинг ранги бирданига тиниқ тортиди. Астойдил кузатган одамга улар аввалига яшил, бир оздан кейин эса кўкимтир бўлиб кўринади. Қуёшнинг нури ўчгани сайин қирларнинг терскай томонлари оч жигарранг, қорамтир тус ола бошлайди. Қовжираб ётган ўт-ўланлар, ҳали ўроқ тегмаган лалми буғдойзорлар хира тортади.

Иланг-биланг йўл гоҳ пастга энади, гоҳ тепага ўрлайди. Юк машинаси дам кучаниб юқорига тирмашса, дам худди қайсар улоқдек тисарила-тисарила пастликка тушади. Сийқаси чиқиб кетган филдираклар сув ялаб худди пичоқ ярасидек очилиб қолган ариқчалардан қийналиб ўтади. Олисдан кўриниб турган тоғлар машинани хушламагандек қовоқ уяди.

Соч-соқолига анчадан буён устара тегмаган ёшгина шофёр Нормаматнинг кўриниши тунд. Унинг ўзига қолса-ку худди пўла бўлган қовундек ичини алғов-далғов қилиб бу йўлларда машина ҳайдаб юрмасди. Район марказигами, шаҳаргами кетарди. Бироқ отаси... Йўқ, отасидан қўрққанидан эмас, ҳурмат қилганидан ташлаб кетолмайди бу ерларни. Отаси Шамсиддин Оллоёров Яккабоғ ўрмон хўжалигида ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. Ойига ўттиз сўмдан олиб қанча вақтлар ишлади. Яқинда олтамиш сўм бўлди маоши. Ваҳоланки, ўша вақтларда пахтада, чўлда, заводда ишлаётганлар ундан икки-уч баробар кўп пул топишарди. Аммо Оллоёров бирон марта фалон нарсадан камлик қўрқаман, рўзгорим бут эмас деб нолимади. Нормамат отасининг бу тоғ-тошларга қанчалик меҳр қўйганини сўз билан тушунтириб беролмайди. Инсоф билан айтганда отаси шунча йил ишлаб меҳнатига яраша қадр топгани ҳам йўқ. Яқин-яқинларгача биров. ҳой сен кимсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан, дегани йўқ. Ишкентдан Чўянлигача шундай тик энишлар борки, одам тугул ҳатто от-улов ҳам тушиб чиқолмайди. Ишкентдан йўлга чиққан машина икки соатдан ошиқроқ вақтда Чўянлига базўр етиб келади. Тоғ оралаб, қир оралаб ўтган бу йўлдан отасидан бўлак ҳеч ким яёв юрмайди. Унинг пиёдалаб юрганини кўрган ҳамқишлоқлари қанча кулги қилишди. «Ҳа, ўртоқ Оллоёров пиёда қопсиз. Ўрмон хўжалигининг от-уловига қирон келганми? Шунча йил ишлаб лоақал битта эшаклик ҳам бўлмаб-сиз-да», дейишади. Лекин отаси унақаларга сўз берадиганлардан эмас. «Менинг юриш-туришимни кимга оғирлиги тушди. Эшаклик бўлмасам ҳам, эшакдек бўлмайин», деб ўз йўлига кетаверади.

Бир воқеа Нормаматнинг сира эсидан чиқмайди. Отасининг тоби қочиб даволанишга кетган эди. Ўрмон хўжалиги не ҳасратда кўкартирган ерларни «Авангард» совхози қайтариб олди. Отасининг ўрнига унинг муовини Турсун Холбоев бўлим бошлиғи бўлиб қолган эди. На ботиниб бир оғиз гап айтди, на ҳақ-хўқуқини ҳимоя қилди. Совхоз бошлиқлари Чўянлида товўқхона қуришди. Бу орада отаси қайтиб келди. Бўлган воқеани эшитиб тепа сочи тикка бўлиб кетди.

— Нега тортиб оларкан ерларни?— деди у қизишиб.— Товўқхона қураман деса, совхозга ер қаҳат эканми?

Муовини елкасини қисганича ер қизиб тураверди. Унинг ночор аҳволини кўриб Оллоёровнинг баттар хуноби ошди.

— Директор бованинг хабари борми бу гапдан?— зарда билан сўради Оллоёров. Унинг ҳамиша тийрак боқувчи кўзлари ёнаётганга ўхшарди. Думалоққа мойил юзига ярашиб тушган шоп мўйлови ҳозир хунук диккайган эди.

Муовин бош ирғади:— Район катталари билан гаплашиб кўрамиз деяптилар.

Оллоёров ишга киришиб кетди. То бу масала район катталарининг муҳокамасига тушиб, ажрим бўлгунча талай вақт ўтди. Буни зудлик билан ҳал этиш керак. Хат ёзади. Область ижроия комитетига. Ёзганда ҳам раиснинг ўзига ёзади. У киши билан бир марта ҳамсуҳбат бўлган. Одил одам. Унинг арзига албатта қулоқ тутлади.

Оллоёров ўзига хос содда, унча қовушимсиз, лекин ўтинчга тўла хат ёзиб жўнатди. Раиснинг ўрмон хўжалигига бир келиб кетишини сўради. Бу ерда бўлаётган ишларни, захматкаш одамларнинг меҳнатини ўз кўзи билан кўриб кетишини илтимос қилди.

Орадан уч кун ўтгач, Чўянли қишлоғига иккита «Волга» келиб тўхтади. Ундан Оллоёров кутган меҳмонлар тушиб келишди. Область ижрокомининг раиси билан бирга райком секретари, совхоз ва ўрмон хўжалигининг директори ҳам бор эди. Соцлари бевақт оқарган, кўзларида мулоийм меҳр ёлқинланиб турган раисни кўргач, Оллоёров довдираб қолди. У кишининг салобати босдиме ёки ўйламай-нетмай қилган ишидан хижолат бўлдиме, ишқилиб, меҳмонлар билан кўришишни ҳам, кўришмаслигини ҳам билмай меровсираб тураверди. Ижроком раиси оппоқ дастрўмол билан юз-кўзидаги терларни, бўйинни артаркан, кўришгани қўл узатди.

— Янглишмасам, сиз Оллоёров бўлсангиз керак-а?— деди у жилмайиб.— Мана таклифингизга биноач меҳмон бўлиб келдик. Галабулоқнинг сувини ичиб ошқозоннинг хилтларини тозалайдиган бўлдик. Қани, ишни нимадан бошлаймиз? Сув ичшиданми ё...— раис ҳамроҳларини ҳайратга солиб гапни дарров асосий мавзуга бурди. У ўйдим-чўйдим тоғ йўлида юриб чарчаганини ҳам унутган эди.— Хўш, ўртоқ Оллоёров бизга сой бўйидаги қишлоқларни, совхознинг товукхонасини кўрсатинг.

— Мана, директор бова борлар...— Оллоёров ўрмон хўжалигининг директори Эргаш Эшевга юзланди.— Узлари бир нарса десинлар...

— Бизга директор бова эмас, сиз хат ёзгансиз,— ижроком раиси гапни чўрт кесди.— Агар тезроқ дардингизни айтиб бизни ишонтирмасангиз совхоз директори сизни айбдор қилиши мумкин.

Оллоёров дара ўртасидаги худди оролчага ўхшаб турган ерни ҳам, сой бўйидаги яккам-дуккам хонадонларни ҳам кўрсатди. Оролчадаги товукхонани томоша қилишди.

— Совхоздан бу ерларни қайтариб олиб нима қилмоқчисиз?— деб сўради ижроком раиси қишлоққа қайтишаётганида.— Жанжал кўтаришга арзийдиган ерлар эмас экан шекилли.

— Боғ қиламиз,— деди Оллоёров ўйлаб ўтирмай.— Сой бўйидаги хонадонларни Чўянлига кўчириш керак. Бўлмаса баҳорда сел олиб кетиши ҳеч гап эмас.

— Бу ерлар боғ бўлганида фойда кўпроқми ёки товукхонаданми?— ўсмоқчилаб сўради ижроком раиси.

Ҳамроҳлари дабдурустан нима дейишларини билмай тараддуланиб қолишди.

— Албатта боғнинг фойдаси катта,— деди Оллоёров.— Узингиз яхши биласиз, илгари Бобошоди, Хоноқ қишлоқларида етиштирилган узумни то қор тушгунча ташиб улгуришолмасди. Беш юз тонналаб ёнғоқ олинарди. Ишчи кучи етишмай мева-чева шундай қолиб кетаверарди. Ҳузурини айиқлар кўрарди. Бу жойлар совхознинг ихтиёрига ўтказилгандан кейин нима бўлди. Боғлар қаровсиз қолиб қуриб битди. Агар Чўянлини ҳам тортиб олишса, билмадим оқибати нима бўлади. Мен-ку бир кичкина одам...

— Кичкина одаммиш... Қаранглар-а,— ижроком раиси кулди.— Хўш, ўртоқ директор, ўрмончининг гапига нима дейсиз? Бу жойларни қайтариб берамизми ёки товукхонагизнинг аҳамияти катталигини исботлаб берасизми?

— Товуқ ҳам тухум, ҳам гўшт дегани... — директор худди бўйида иллоти бор одамдек довдиради.— Умуман бу исбот талаб гап эмас-ку.

— Боғ-чи, боғнинг аҳамияти исбот талаб гапми? Умуман, шунча узоқ тоғ орасида товукхона қуришнинг сабабини тушунолмадим. Мен энгил машинада етиб келгунимча худди пўла бўлгандек ҳаммаёғим зирқираб кетди. Бу нотекис йўлдан район марказига олиб борилгунча биронта соғ тухум қолармикин? Қолмаса керак-а? Демак, бу ерда товукхона бўлиши қони зарар. Нима дедингиз, ўртоқ Эшев?

Ўрмон хўжалиги ходимидан кўра мактаб илмий мудирларига ўхшаб кетадиган Эргаш Эшев маъқул дегандек бош ирғади. Ёши ўтинқираган бўлишига қарамай кўзлари тийрак боқувчи, ҳаракатларида аллақандай назокат, беозорлик сезилиб турган бу одам бутун дунёни боғу бўстонга бурканган ҳолда кўришни орзу қиларди. Унинг ташаббуси билан Қашқадарёда жуда кўп ибратли ишлар қилингани ҳеч кимга сир эмас. То 1964 йилгача Яккабоғ ўрмон хўжалиги фақат манзарали дарахт етиштирарди. Эргаш Эшевнинг ташаббуси билан тоғ ёнбағриларида бодомзорлар, ёнғоқзорлар, пистазорлар, олмазорлар бунёд этилди. Ўрмон хўжалиги колхоз, совхозлар билан шартнома тузиб қир-адирларни боғ қила бошлади. Бундан ташқари Чироқчи, Қамаш, Китоб районларида ихотазорлар бунёд этилди. Пахта ҳосилдорлиги ошди. Эндиликда бу районларда мустақил ўрмон хўжаликлари ишлаб турибди. Ижроком раиси буларнинг ҳаммасини яхши билгани учун ҳам ўрмон хўжалиги ходимларига ён босиб гапирган эди.

— Кўриб турибсиз тоғдаги дарахтлар кўп йиллардан бери тўхтовсиз кесилади. Оқибатда тоғлар нураяпти. Соиларнинг суви тортилди. Мева-чеванинг тури камайиб кетяпти.

— Бу атрофда қанча мевали боғ қилиш мумкин?
— Фақат Чўянли қишлоғи атрофидаги тоғларда юз гектардан ортиқ боғ қилса бўлади.

— Бу жуда ажойиб-ку,— деди ижроком раиси завқ билан.— Эртаданоқ ишга киришинглар. Биз қарор чиқариб бу ерларни сизларнинг ихтиёрларингизга олиб берамиз. Чўянлида замонавий уй-жой қуришга киришиш керак. Нималар зарурлигини айтинг. Ундиришга ёрдам бераман.

Бу гапдан ўрмон хўжалиги директорининг ҳам, Оллоёровнинг ҳам оғзи қулоғига етди. Эртасигаёқ тоғ этагида ҳайдов трактори пайдо бўлди. Аммо тик ёнбағирда юришга тракторчи йигитнинг юраги дов бермади. «Бўлмайти ака, бўлмайти, трактор думалаб кетади. Мениям, ўзингизням балога қўясиз. Қўйинг, уннаманг, бу палакат ишга»,— деди у зорланиб. Оллоёров қизишди. Аммо шайтонга ҳай бериб, ётиги билан тушунтиришга, ҳали бундай қалтис ерларда ер ҳайдамаган йигитга далда беришга уринди.

— Сен чўчима, ука. Кўнгилни очик қилиб, яхши ният билан қўрқмай ҳайдайвер. Мен олдинга тушиб юраман. Тоғнинг ҳаммаёғини ҳайдаймиз, деб ўйлаясанми. Бе-е, қаёқда, супага ўхшатиб ҳар ўн метрга бир сўқа соламин. Қани, бошладик, айланиб кетай сендан, вақт ўтмасин. Ерда нам борида кучат экиб олмасак, меҳнатимиз хайф кетади.

Оллоёров олдинга ўтиб тракторга йўл бошлади. Трактор бир томонга қийшайганича унинг кетидан худди атак-чечак бўлган боланинг эҳтиёткорлиги билан юра бошлади. Шу залда тоғ ёнбағрига ҳайдов трактори чиқди, дастлабки ниҳоллар экилди. Ҳозир Лангар бўлимидаги боғ уч юз гектардан ортиқ.

...Машина ўйдим-чўйдим йўллардан тебраниб, чайқалиб борарди. Нормамат руль чамбарагини абжирлик билан гоҳ ўнга, гоҳ чапга буриб йўл топиб бораркан, яна отасининг ўзига хос феъл-атвори ҳақида ўйлай бошлади. Отаси бир гапни такрорлашни яхши кўрарди: «Менинг умрим тоғ-тошларда ўтди. Вақтида ўйнаб-қулмадим, шаҳарма-шаҳар юриб томоша қилмадим. Ҳузур-ҳаловатимни кўзлаб соялаб ётмадим. Лекин ҳаётимдан нолимайман. Бир одамча меҳнат қилдим. Улсам дунёдан беармон кетаман. Дунёда изим қолади. Қўша-қўша фарзандларим бор. Ҳисор тоғининг этакларида Шамсиддин Оллоёровнинг кўли билан экилган минглаб ниҳоллар кўкка бўй чўзиб турибди. Уларнинг ҳосилини еган одамлар менинг номимни эсламаса ҳам эккан одамга раҳмат айтади. Мен учун энг катта мукофот ана шу».

Бир куни Нормамат ўрмон хўжалигидан кетиш ниятида эканлигини айтди. Отаси унинг гапини индамай эшитди. Чой хўпларкан, одатича шоп мўйловини Ҳимариб ўйнай бошлади. Уғлига зимдан бир-икки қараб қўйди-да, нимадан кўнгли қолганини сўради. Унинг бир одати бор, болаларни ўзига тенг билиб, юракдан гаплашади. Дастурхонга ўтиришганда ҳам ўзи тўрни эгаллаб олмайди. Болаларини юқорига чиқариб қўяди. Уларнинг қаторлашиб ўтирганини кўриб қувонади. Ой Барчиндек сулув кизлари, Алпомишдай алп ўғиллари бор. Келинлари ҳам бир шаҳарнинг мулкига бергусиз. Меҳнаткаш, одобли. Катта ўғли Сайфиддин Яккабоғ ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи. Ишдан тап тортмайди, аммо гапга йўроқ... Отага ўғлининг мана шундайлиги ёқади.

— Сиқилиб кетдим, ота,— деди Нормамат бошини ҳам қилганича.— На ўйин-томошани биламан, на дам олишни. Умрим тоғ-тошлар орасида ўтаяпти... Ҳеч бўлма-са машинамга залпача тополмайман. Бирор жойи бузилиб қолса, ёнимдан пул сарфлаб топиб келаман! Бунақада нима орттираман? Дунёда орзу-ҳавас деган гаплар бор.

— Шунақами!— Оллоёров мўйловини бураганча ўғлига синчков боқди. Йўқ, у ўғлини айбламоқчи эмас. Уғли ҳақ гапни гапиряпти. Инсон дунёга бир марта келади. Шунинг учун ҳам у дунёнинг ҳамма неъматларидан бахраманд бўлиб яшаши керак. Лекин меҳнат ҳам, қийинчиликлар ҳам, унинг орқасидан келадиган хузур-ҳаловат ҳам дунёнинг неъматидир-ку. Қолаверса, бу тоғ-тошларда ҳам кимдир ишлаши керак-ку! Агар биров хузур-ҳаловатдан воз кечиб мана шу гунг тоғларда пешона тери тўкмаса бу тоғ-тошлар ғариб, бенаво бўлиб қолмайдими? Наҳотки, ўғли бу нарсани унутган бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Тўғри, шон-шараф инсон умрини бежайди. Лекин киши ҳеч қачон унинг орқасидан қувмаслиги, гадодек шуҳрат тиламаслиги керак. Ота мана шу гапларнинг ҳаммасини ўғлига айтмоқчи эди, бироқ ҳозир мавриди эмаслигини англади.— Мен кимдан камман, ўғлим?

Нормамат пешонасини тириштириб отасига қаради. Ажабланиб елкасини қисди. Яна бошини ҳам қилганича ер чизиб ўтираверди.

— Сизларга яхши едираман, яхши кийдираман, деб ўғирлик қилдимми? Йўқ. Тоғда бозорга олиб бориб сотадиган нарса кўп-а? Тўлиб тошиб ётибди. Ёнғоқ дейсанми, pista дейсанми, бодом дейсанми. Ҳар бирининг килоси фалон пул. Мен қачон қоп орқалаб бозорга борганимни кўргансан. Йўқ, сен ерга қарама. Бошингни кўтар, ўғлим! Кўзимга тик қараб ўтир. Мен ҳеч қачон бировнинг олдида ер чизиб музтар бўлган эмасман.— Оллоёров жуда ҳам босиқлик билан гапирар, ҳар бир сўзи ўғлининг нақ юрагига қўйилаётганини ҳис этарди.— Ҳукумат берган маошга қаноат қилдим. Лекин билганининг кучини аямадим. Шуҳрат топишга, бойлик тўплашга интилмадим. Мана кўриб турибсан, ҳеч кимдан камлик жойим йўқ.

— Мен сизни айблаяпманми?..

— Мен ҳам маломат қилаётганим йўқ, ўғлим.— Оллоёров ҳамон босиқлик билан ўғлининг гапини бўлди.— Дунёдаги мутлоқ бир ҳақиқатни айтиб қўймоқчиман. Ер одамга: «Сен менинг юзимни очсанг, мен сенинг юзингни ёруғ қиламан», деркан. Сен ҳам мана шу савоб ишдан қочма. Кам бўлмайсан. Мана, Чўянлининг атрофидаги тоғларга қара. Тоғ ёнбағрида неча минг туп бодом, ёнғоқ, зардоли, олма,

писта кўкариб турибди. Шу дарахтлар танасида менинг қўлларимни тафти бор, ўғлим. Шуларни ташлаб кетаверасанми?

Нормамат даст ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. У отасига бирор нарса дегудай аҳволда эмасди. Упкаси тўлиб, негадир хўрлиги келарди. Ҳолатини бировга фош қилиб қўймаслик учун тоғ томонга — отасининг юрак қўри билан вояга етган боғларга қараб юрди. Дов-дарахтлар бўлакча бир кўрк, салобат касб этиб яшнаб турарди. Нилий осмон билан ранг талашган бу чиройни боғлар отасидан унинг ҳамкор дўстлари — Жўра Умаров, Тўра Оллоёров, Нормурод Бўронов, Бобоҳўжа Ботиров, Ражаб Шокиров, Мамат Умаров, Эшонхўжа Назаров, Шобон Шокировлардан олган. Оламга кўрк бағишлаётган мана шундай одамларнинг бири бўлиш ёмонми? Мана шу тоғларнинг тошларида, дов-дарахтларда, майса-ғиёҳларда одамларнинг тафти, меҳри бор. Улар елга соврилиб кетмаслиги керак. Бу меҳр албатта одамларга мерос қолиши шарт.

...Машина чироқлари тун бағрини тилкалаб ўзига йўл очиб илгарилайди. Руль чамбарагини абжирлик билан бошқараётган шофёр йигитнинг кўриниши тунд. Бироқ, бу ҳаётдан норозилик ифодаси эмас. У ўйлаяпти. Тоғларга чирой бағишлаб яшнатаётган отаси, амакилари, акасининг меҳнатини ифтихор билан эслаяпти. Улар ерга чирой бағишлагани сайин она замин қадрини, кўркини оширмоқда. Шунинг учун ҳам отаси ўз ҳаётидан мамнун. Ҳаётда ўз меҳнатининг натижасини кўриб қувонмайдиган, нега яшаётганини, нега пешона тери тўкаётганини, одамни, оламни нега кўз қорачуғидек асраш кераклигини тузукроқ англаб етмайдиганлар ҳам оз эмас. Отаси Шамсиддин Оллоёров ўз қўли билан ўтқазган ниҳолнинг барг ёзганини кўриб терисига сиғмай кетади. Биринчи чечак, нишона ҳосилни кўрганда яна бир карра ҳаётига шукрона айтади. Нормамат шундай отанинг ўғли бўлганидан ич-ичидан қувонади, фахрланади.

Уйдим-чуйдим йўл пастга қараб энди. Машина шошқалоқлик билан олдинга интилди.





Ботир Норбоев

ИККИ ШОИР ҚАҲРАМОНИ

Лирик қаҳрамоннинг шоир шахсиятига қанчалик яқин ва узоқ бўлиши адиб ижод қилган даврга, адабий муҳитдаги тенденцияларга, шоирларнинг эътиқоди ва услубларига боғлиқ. Мазкур мақолада, лирик қаҳрамоннинг шаклланиши, йиллар оша унинг характерида юз берган ўзгаришлар, шу ўзгаришларга таъсир этган объектив ва субъектив сабаблар хусусида таниқли шоирлар Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовларнинг ижоди мисолида фикр юритамиз.

Ҳар бир истеъдодли шоирнинг лирик қаҳрамони каби Абдулла Орипов қаҳрамони ҳам йиллар оша ўзгариб, турли-туман хислат ва фазилатларни намоён қилиб келмоқда. Унинг дастлабки шеърларини ўқисангиз ҳаётга чанқоқ, турмушни ўзига хос кўз билан кўришга интилаётган, бировни севса бор вужуди билан севиб, хафа бўлса астойдил хафа бўлаётган, ҳақиқат излаётган ёш йигит кўз олдингизда гавдаланади. Шоирнинг ҳар бир шеъри ўша йигитнинг характеридаги бирор хусусиятни ёритишга хизмат қилади. Жумладан, ижоди «ҳосилга кирган» дастлабки йилларда пайдо бўлган «Куз хаёллари» шеърида унинг хаёлчанлиги, табиат ва инсон ўртасида алоқадорлик ахтараётганлиги кўринган бўлса, «Пушкин»да умуман шеъриятни, хусусан бу даҳо санъаткор ижодини ниҳоятда теран ҳис этиши англашиниб туради. «Онамга хат»да ниҳоят даражада соф кўнгиллиги, тўғри сўзлиги кўринса («Шодмон дамим менинг эсимга тушмагайсан ростдан, онажон»), «Сен баҳорни соғинмадингми»да муяссар бўлмаган севгининг азоблари билан яшаса-да, ниҳоятда кучли муҳаббат эгаси эканлиги сезилади.

Абдулла Орипов табиатидаги барча хусусиятлар унинг лирик қаҳрамони характерида ўтмаган бўлса ҳам, улар ўртасида анча яқинлик бор. Ижодкордан шоир ва лирик қаҳрамон ҳақидаги фикрини сўраганимизда, «Улар бир-бирига ўхшайдиган эгизаклардай гап», деганининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Шоир лирик қаҳрамонининг табиатида ярқ этиб кўзга ташланадиган хусусиятлар-

дан бири ватанпарварликдир. У юртимизнинг ўтмишига, улуғ одамларига ниҳоятда катта ҳурмат ва муҳаббат билан қарайди.

Бу хусусият шоирнинг «Алишер», «Аллома», «Ўзбекистон» асарларида айниқса равшан ифода этилган. Лирик қаҳрамон Ватан тарихи ҳақида гап кетганда, ўзини юксакда, буюк туйғулар оғушида сезади. Чунки у тарихга боқиб, қанча жангу жадаллардан омон қолган заҳматкаш халқимизни ва унинг буюк фарзандларини, «беш асрдан бери назм саройини титратиб келаётган Навоийни, жаҳон фанига мислсиз янгиликлар кўшган Беруний ва Улуғбекни кўради. Улар билан фахрланади. Улуғбек ҳақида сўз юритиб:

Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор сўз аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор,
Кўрагоний жадвалларида —

деса, иккинчиси тўғрисида:
Америка — сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали —

дейди. Уларни тарихий ҳақиқатга асосланган ҳолда шарофлайди. Бу ватанпарвар қаҳрамон ўтмишдангина эмас, совет замонидан ҳам халқни ўзлигини сақлашда бошқош бўлган шундай мўътабар зотларни «топади». Бу буюк асарлар соҳиби Ойбек! Бу немис-фашистларнинг додини берган генерал Раҳимов, саҳроларда кон очган Ҳабиб Абдуллаев... Лирик қаҳрамон табиатида юзага келган фахр туйғусининг моҳиятида Ватан ва унинг ўғлонлари билан фахрланиш ҳисси ётади.

«Ўзбекистон»дан аввалроқ дунёга келган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни»да лирик қаҳрамон табиатидаги бир хусусият — халқ ва Ватанни яқин ҳис этиш сезилиб туради. Шоирнинг кейинги йилларда битилган «Она сайёра», «Арманистон», «Баҳор», «Болалик йилларим», «Қасоскор ҳақида баллада», «Ҳамза монологи» каби шеърларида лирик қаҳрамон характеридаги ватанпарварликнинг янги томонлари очилади. Уларда лирик қаҳрамоннинг ўта жўмардлиги Ватан тақдирига алоқадор ҳар қандай юмушга бутун вужуди билан киришишга тайёрлиги («Энди сен чорласанг токи танда жон, лаббай деяжакман, Ватан — онажон») сезилиб туради.

Мақола мунозара тарзида ёълон
қилинмоқда. (Ред.)

Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони характеридаги ватанпарварлик туйғусигина эмас курашчанлик хусусияти ҳам ҳаёт воқеаларига, шоир таланти ва эътиқодига боғлиқ равишда йиллар оша ўзгариб боради. Шоир ижодининг дастлабки йилларида ёзган «Шундай яшар одатда одам», «Асримиз одами» каби шеърларида лирик қаҳрамон руҳидаги курашчанлик романтик маъно касб этган. Бу шеърлардан сезилишича, ёш лирик қаҳрамон оламни ва одамини ҳар жиҳатдан камолга эришган етук ва пок бўлишни истади: «Қур, ярат денг, ҳайқир денг, жўш денг, шундай яшар одатда одам» дейди. Худди ана шу кураш, яратиш, одами ва оламни янада баркамолроқ кўриш истаги лирик қаҳрамонни курашга ундайди. У яратиш, кураш, қуриш эътиқоди билан яшаматган, мақсадсиз кимсаларни («Бургут») ўз қобигига ўралашиб қолган «тилла балиқча»ларни нишонга олади. Уларни ҳар жиҳатдан мукамал инсон бўлишга ундайди.

Йиллар ўтиб, шоир ҳаётдаги мураккабликларни, инсон табиатидаги фазилатлар ва иллатларни яққолроқ кўрган сайин лирик қаҳрамони характеридаги курашчанлик туйғуси ҳам кучая борди, унинг овози шиддатлироқ эшитила бошлади. Ҳаётни бор мураккаблиги, гўзаллиги ва хунук томонлари билан кўрсатмовчиларни («Уйларим», «Авлодларга мактуб») қаттиқ қоралайди. «Темир одам» шеърида ҳиссиз, қалбсиз одамларга шафқатсиз ўт очиб:

Шундайлар бўлмаса бу она тупроқ.
Бўларди яна ҳам гўзал ва мумтоз.
«Темир одам» ясаб юргунча кўпроқ.
Жонли темирларни ўйлангиз, устоз.—

дея ҳайқиради. Унингча барча одамлар маънавий юксак бўлишлари, оламни янада гўзал ва пок қилиш ишқи билан яшашлари лозим. Ҳақиқат ва гўзаллик, маънан етуклик, олам ва одамнинг баркамоллиги, унинг наздида, «коммунизм» сўзида мужассам: «Коммунизм энг сўздирикм зотан, унинг замирида энг порлоқ инсон, унинг замирида синмас ҳақиқат». Шоир шунинг учун ҳам бу сўзга шубҳа билдирувчиларга кучли нафрат билан қарайди: «Ғар шу асрда ҳам коммуна ишин ўз ишимдир, дея қабул этмасанг, Тан олмасанг агар миллионлар дардин, уни альбомингга ёзмасанг агар, майлига кўзларинг кўр бўла қолсин, майли қулоқларинг бўлиб қолсин кар».

Бу фикрлар курашчанлик туйғуси лирик қаҳрамоннинг қалбида қанчалик кучли жанглаганини исбот этади.

Албатта, бу қаҳрамон ҳам ҳар бир тирик жон каби ҳамиша бир хил ҳиссиёт билан яшамайди. Ҳаётдаги мураккабликлар, чигалликларни кўрган пайтларда унинг узоқ ухлаб, дунёдаги ноҳақликлар барҳам еган «қутлуғ бир кунда» кўз очгиси келади. Гоҳ бу дунё кўзига қоп-қоронги, туйнуксиз қасрга ўхшаб кўринади («Дунё ўзи шундайин, англаб бўлмас сир экан, гоҳ кенг экан, гоҳида, туйнуксиз қаср экан»). Булар ҳаммаси табиий ва қонунийдир.

Ижодининг дастлабки пайтларида ёзилган шеърларда лирик қаҳрамон руҳидаги кураш туйғусининг шиддатли ва кескин туюлишининг, романтик маъно касб этишининг ҳам шоир ҳаёти, эстетик қараш-

лари, эътиқоди билан боғлиқ сабаблари бўлган. Бу пайтлар шу шеърлар ижодкори университет партасидан эндигина ҳаётга қадам қўйган ёш йигит эди. Китобларнинг кучли таъсирида бўлган, ҳали ҳаёт тажрибаси кам бу йигитнинг бир ҳамла билан ҳаётни ўзгартириш, инсонларни тезда тарбиялаш, ҳаётдаги зиддиятларни бартараф этиш мумкин деб ўйлаш табиий эди. Балки бора-бора ҳаёт чигалликларига, инсон ниҳоятда мураккаб мавжудот эканлигига ишонгани сари Абдулла Орипов руҳида ҳам маълум иккиланишлар юзага келгандир. Шоирдаги бу ўзгаришларнинг бир қисми эса лирик қаҳрамонига ўтиши ҳам табиий ҳол. Шу тариқа ижодкорнинг лирик қаҳрамони руҳиятида бу жиҳатдан ҳам ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. У олам ва одамнинг яхши томонга ўзгариши осон бўлмаслигини англаб этади, баъзан эса ҳатто инсоннинг маънавий камолоти учун курашишдан тузукроқ маъно топа олмаган пайтлари ҳам бўлади. Хусусан, шоирнинг «Номаълум одам» шеърда лирик қаҳрамон дунёнинг паст-баландини тушунган, сир-асрорлардан хабардор бўлган зот сифатида гавдаланади. Аммо, у ҳаётда бирон-бир хизмат кўрсатмай, аксинча жимгина яшаб ўтади. Шеърда эса бу зот «менинг назаримда, энг буюк одам», деб баҳоланади. Бу инсон камолоти ҳақида туну кун ўйлаб, бу ўйларнинг тагига етолмаган пайтларда туғилган хулосалардир.

Шоирнинг лирик қаҳрамони табиатидаги ўзгаришлар бора-бора янада ёрқинроқ намоён бўла бошлаганини «Генетика», «Тафаккур монологи» шеърлари ҳам тасдиқлайди. Тўғри, «Генетика» ёзилгунга қадар шоирнинг лирик қаҳрамони ҳали инсоннинг тузалишига бир қадар ишонарди. Бир пайтлар асримиз кишисини «энг буюк одам» деб ўйлаган лирик қаҳрамон бу пайтга келиб, «биз ҳам буюкликка бўлмадик тимсол» дейди. Энди у ҳар жиҳатдан баркамол инсон келажакдагина туғилиши мумкин, деган тўхтамга келади. Набираларга қарата айтилган: «Лекин сен бўларсан бокира мутлақ, лекин сен бўларсан фаришта мисол» каби мисраларда шунга ишора бордек туюлади. «Тафаккур монологи»да эса лирик қаҳрамоннинг руҳий оламида янги ўзгаришлар пайдо бўлганини кўрамай. Шеърдаги «тафаккур» ўзини заминда мутлақ ҳоким деб ҳис этади. Унинг учун сонсиз сайёраларнинг чарақлаб туриши — шунчаки оддий ҳол! Баҳри муҳит: «шунчаки сувлардир, рангсиз ва нурсиз», тоғлар: «шунчаки сангзор». Хуллас, у ўзича ҳамма нарсани тушунган, ҳис этган, ҳал қилган. Бироқ:

Фақат идрокимга занжирдир шу ғам,
Сени эпполмадим, жувонмарг одам.—

дейди у. Шу билан гўё инсонни тушуниш, тарбиялаш қийин, ҳатто мумкин бўлмаган ҳолдир, дегандай бўлади. Лирик «мен» бир пайтлар инсоннинг тузалиб кетишига қаттиқ ишонган, бу ният йўлида тинимсиз курашган, бироқ баъзи пайтларда ўзининг бу ниятларидан қайтган одамга ўхшайди. Албатта, лирик қаҳрамоннинг шундай хулосага келишида муаллифнинг ҳеч бир алоқаси йўқ, деб бўлмайди. Бизнингча, «мен»нинг бу хил кайфиятлари шоир руҳий

оламидаги айрим ўзгаришларга қайсидир даражада боғлиқ бўлиши мумкин.

Хўш, қандай ўзгаришлар ҳақида гап кетмоқда? Маълумки, бу вақтга келиб у Данте-нинг «Илоҳий комедия» асарини таржима этаётганди. Таржима этиш жараёнида Данте бундан минг йиллар олдин буюк бир куюниш билан шош эган иллатлар моҳияти ҳақида теран ўйларга толади. Шу иллатлардан баъзилари ҳозир ҳам мавжудлигини ҳис этиб қайғуради. Натижада шу ҳиссиёт таъсирида бир зум юқоридаги хулосага хайрихоҳ бўлади. Лирик қаҳрамоннинг бир лаҳзалик ўйи ҳам бизга ижобий таъсир қилади, у инсонни янада атрофлича, янада чуқур ўрганишга ундайди.

Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг меҳнаткаш оммага муносабатини кузатиш ҳам қизиқарли ва ибратлидир. Шоирнинг лирик қаҳрамони дастлабки пайтларда, меҳнаткаш халққа хайрихоҳ, унинг ҳаёти, маънавий ва моддий камолоти ҳақида қайғурувчи ёш йигит каби намоён бўлади. 1965 йили ёзилган «Ўзбекистонда куз» шеъридаги қуйидаги сатрлар юқоридаги фикрни қувватлайди:

Менинг она халқим, о қадим, ҳалол.
Риёзи она ерга тўкилган халқим,
Увоқ чигитни ҳам этмай деб увол,
Миллиард эгатларга эгилган халқим.

Сатрлардан биз лирик қаҳрамоннинг меҳнаткаш халққа қайишувчи, унинг орзу-умидлари ва дардлари билан яшовчи киши эканлигини ҳис этамиз. Бироқ у нима учун халқимизга ҳамдарду ҳамкор бўляпти? Нима учун у ҳақда гап кетганда, сўзларини улуг бир ҳамдардлик ва ачиниш туйғуларига кўмиб ташлайди?

Келинг, яхшиси, бошқа бир шеър — «Ўзбекистондаги меҳнаткаш халқимизга бағишланган сатрларни ўқиб кўра қолайлик:

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
Бу сен эдинг, о деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, ёв.
— Ташқарида изиллар эмир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз,
Дединг; пахтам қолдину ахир,
Йигиштирай келмасдан аёз,
Кетдинг, умри маҳзаним, маним
Ўзбекистон — Ватаним маним.

Бу рамзий маъно касб этган лавҳада ўзбек деҳқонининг, қолаверса, бутун ўзбек халқининг фидойилиги ва меҳнаткашлиги акс этган. Ундан иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, саратоннинг офтоби, қаҳратоннинг қорларини писанд қилмай туну кун меҳнат қилаётган халқнинг аҳвол-руҳияси англашиниб турибди.

Халқимизнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини билиш учун баъзан узоқ тадқиқотлар олиб бориш шарт эмас, балки меҳнаткашнинг офтобда қорайган чеҳраларига гоҳ қувонч, гоҳ мунг туйғулари акс этган кўзларига боқилинган ўзи ҳам кифоя қилади. Бу чеҳралар ва кўзлар одамга кўп нарсаларни: деҳқонларимиз қанчалик улкан машаққатлар билан ҳосил етиштириб, териб олаётганини ўзининг бор руҳий-жисмоний кучини меҳнатга сарф этиб, ҳаётнинг хузур-ҳаловатли ва завқли

онларига кам вақт ажратаётганини англатади. Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг меҳнаткаш халққа бунчалик қайишиб, унга меҳр-муҳаббат билан қарашининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Демак, Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг куюнишларида катта маъно бор.

Етмишинчи йилларда ёзилган айрим шеърларида ҳам лирик қаҳрамонга хос буюхусият сезилади. Жумладан, «Саодат» шеърида меҳнаткаш халққа куюниш туйғулари бир оз совуғандай кўринса-да, айрим мисралардан («Ўзбекнинг минг йиллик одати эрур, она деб, сингил деб чекмаклик малол») ҳали лирик қаҳрамоннинг ўз эътиқодларидан қайтмагани сезилади. У механизатор қизнинг меҳнатини ҳис этиб, унинг «кўзларига қўнган чанг-ғуборлар»ни кўради: «Айтгил, Муборакка ошга ўт ёқсин, айтгил, Софияга келтирсин ўсма», дея уларни бир оз ором олишга ундагандай бўлади. Аммо бу куюниш ҳислари аввалги шеърларидагидай жўшқин, ёниқ кайфиятда ифодаланмайди.

Кўрамизки, ҳар бир лирик қаҳрамон характерининг бирон-бир қирраси баъзан шоир эътиқоди ва истеъдодига, баъзан ҳаёт ҳақиқатига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Аввал лоқайдроқ бўлган «мен» йиллар оша курашчан ва жасур киши сифатида намоён бўлиши ёки дастлаб ўтли муҳаббат билан ошно қаҳрамон бора-бора муҳаббатни рад этиши, ҳатто бу туйғудан безиб қолиши ҳам мумкин.

Юқорида Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг ватанпарварлик, граждонлик ҳисларидаги эътиқоди ва истеъдодига боғлиқ равишда юз берган қонуний ўзгаришлардан айримларини таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Бу гаплар шоир лирик қаҳрамонининг ҳозиргача босиб ўтган «йўл»ига қараб айтилди. Балки келгусида бу лирик қаҳрамон руҳида аввалгидан ҳам теранроқ, етук ақл билан йўғрилган жўшқинлик кучаяр?! Шоирнинг кейинги йилларда ёзаётган шеърларида янада равшан тортиб бораётган бу ҳолат фикримизга далилдир.

Лирик қаҳрамон табиятидаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан Эркин Воҳидов шеърятини кузатиш ҳам мароқлидир.

Эркин Воҳидовнинг олтмишинчи йилларда яратилган шеърларининг ёш қаҳрамони майин табиятли, тарихда ўтган шахслар ҳаётининг («Зоя ҳайкали қошида»), атрофдаги воқеа-ҳодисалардан («Кичик ой сўзи», «Пўлат») илҳомланиб, туйғуларини мухтасар шаклда, нозик лиризмга йўғириб ифода этувчи, қалбан ором билмовчи («Йўқ ҳаловат истамайман», «Вокзалда») киши сифатида намоён бўлади. У ҳаётдаги иллат ва қусурлардан айримларини кўрса-да, уларни жон-жаҳди билан шош этмайди, ғам-алам ва ҳижронга алоқадор факт ва воқеалар ҳақида фикр юритганда ҳам уларнинг нурли қирраларини кўрсатади ёки улардан оптимистик хулоса чиқаради. Йиллар ўтиб бу лирик қаҳрамон сиймосида ҳам қатор ўзгаришлар юзага кела бошлади.

Лирик «мен» характеридаги айрим қирралар қандай ўзгариб борганининг давр кишисига муносабатида ҳам кўринади. У шоир ижодининг дастлабки йилларида замон кишисидаги ёруғ сифатларни бўрттириб кўрсатарди, дунёни «шодлик учун яралган» деб биларди. Замондошимиз

ҳақида ўйлаганда эса, кўнгли ифтихор туйғуларига тўлиб тошарди:

Мен инсонман қалбимда оташ,
Қуёшдан тож, ойдан тахт қўрдим.
Мен инсонман, кўҳна, жафокаш
Тупроғимда мангу бахт қўрдим.

Йиллар ўта борган сари шоирнинг эътиқоди ва дунёқароши билан боғлиқ равишда лирик қаҳрамоннинг инсон ҳақидаги ўйлари ҳам ўзгара борди. Тўғри, бу ўзгаришлар яшин тезлигида юз бергани йўқ. Ҳатто етмишинчи йилларда ёзилган «Инсон» шеърда ҳам одамзодни ўта кўтаринки ва маъхум ташбеҳлар билан улуғловчи баъзи мисралар бор. Аммо шу билан бирга, бу шеърда инсон ҳаётидаги эйдиятлар, мураккабликлар ҳам қайд этилади:

Сен бало, ҳам мубтало хайр ила
кин, росту риё,
Фитнагар олам аро, фаттон ўзинг,
қурбон ўзинг.
Гоҳ адолат боғида, пири адоват
гоҳида
Ўз дилинг даргоҳида шайтон ўзинг
ғилмон ўзинг.

Етмишинчи йилларнинг охирида ёзилган «Тирик сайёралар» шеърда эса лирик қаҳрамон инсонга янада теранроқ назар ташлай бошлагани сезилади. Бу ўринда у инсоннинг фазилат ёки қусурларини шунчаки санаш билан шуғулланмайди, муштарак поэтик ҳукмлар қилармайди. Унинг айтаётган фикрлари конкрет, образли, оҳангдор. У кескинроқ тарзда, «инсон юлдузларга кемалар йўллаб» ўз бахтини кўкдан ахтарайди, ҳолбуки, табиатни ва ўз қалбини чуқурроқ ўрганиши керак дегандай бўлади. Йўқ, лирик қаҳрамон коинотни ўрганишга қарши эмас, у атрофмуҳит, шу жумладан инсоннинг ўзи ҳам ўрганилаётганини билади. Аммо у космосни ўзлаштириш билан бир қаторда, балки ундан ҳам олдинроқ, табиатни ва инсонни янада чуқурроқ ўрганиш, унга меҳр-муҳаббат билан қараш тарафдори:

Ҳожат эмас кўкдан изламоқ,
Кемаларни қилмоқ оворо.
Одамзоднинг ўз қалбидаёқ,
Яшаётир ўзга сайёра.
Фазоларнинг қай бурчагига,
Фикри билан етадир инсон.
Аммо не бор ўз юрагида,
Билмай ўтиб кетадир инсон.

Лирик қаҳрамоннинг меҳнатга, хусусан, ижодкор меҳнатига муносабати ҳам ўзгариб борди. Тўғри, у авваллари ҳам ижодкор меҳнатининг оғирлигини ҳозиргидан камроқ тасаввур этмасди. Жумладан, бир ўринда («Шоир қалби» шеърда) ижодкор қалбини анорга, унинг шарбатини шеърга қиёс қилади. Бу қиёс ижод ишининг нақадар машаққатли эканлигини аңглатади. Аммо йиллар оша шоирнинг лирик қаҳрамони янада ҳаёт ҳақиқатига яқинлашиб, ифодалари, ташбеҳ ва деталлари ҳаётийлик, ҳаққонийлик касб этди. У шоир зотининг иши эзгулик учун курашиш эканлигини ҳис қилгани ҳолда унинг машаққатларини теран аңглай бошлади. Бу хусусият «Еш шоирларга» номли шеърда аниқ сезилади. Лирик қаҳрамон ижодкор

ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни теран ҳис қилади. Унинг фикрича, баъзи ижодкорлар маълум бир обрўга эга бўлгач, баъзан ноижодий ишларга ўралашиб қоладилар. Натижада, энг асосий нарса — яратиш, кашф этиш завқи ва машаққатини туйиш, етук асарлар битиш иккинчи планга тушиб қолади:

Бир марта тушгансиз элнинг кўзига,
Энди кўздан нари кетмайсиз бир

дам.

Фахрий аъзо қилар сизни ўзига
Каламуштутарлар жамияти ҳам.
Веором қушлардек сиз учиб — қўниб,
Ҳайъатдан ҳайъатга парвос этасиз.
Тунлар шеър қаламин оҳиста қўйиб,
Эртанги мажлисга нутқлар битасиз.

Албатта, шоирнинг лирик қаҳрамони ижод аҳли ижтимоий меҳнат билан шуғулланмасин демоқчи эмас. Бу ишда маълум меъёр бўлишини, шоир зоти ижод жараёнида ўз-ўзи билан ёлғиз қолиб, яхши маънодаги кўнгли дардлари билан яшаши ҳам лозим, деб таъкидлаяпти лирик қаҳрамон. У бир оз кескинроқ йўсинда сўзлаётган бўлса-да, охир-оқибат унинг фикрига қўшилмасдан бўлмайди.

Бу пайтга келиб, Эркин Воҳидов лирик қаҳрамонининг меҳнаткашларга, хусусан ўзбек деҳқонига муносабатида ҳам маълум ўзгаришлар юзага келди. Шоирнинг дастлабки шеърларининг ёш қаҳрамони меҳнаткаш деҳқонларга офаринлар айтиб, уларнинг муваффақиятларидан ўзининг қувонганини изҳор этган бўлса, бу мавзуда кейинги йилларда яратилган шеърларида бошқа манзара намоён бўлади. Бу хусусият деҳқон тилидан ифодаланган «Биз ишляяпмиз» шеърда аниқласа яққолроқ кўринади. Мазкур шеърнинг лирик қаҳрамони бўлмиш деҳқон, содда, танти, жўмард киши. У ўзининг меҳнатини оғиз кўпиртириб, ялтироқ сўзлар билан мақташларга қарши. У пахта меҳнатининг қийинчиликларини ҳис этади:

«Пахта ишқи» дединг, бу ишқмас,
ишон,

Пахта жононамас, гул ҳам эмас ул.
У пешона тери, машаққат, озор.
Елкадаги юк у — бизларга мерос.

Лирик қаҳрамон — деҳқон пахта ишини ўзига мерос деб билади, «Асалари учун балли не даркор» дея ўзини бол тўпловчи жониворга қиёслайди. Аслида шоирнинг лирик қаҳрамони пахтанинг «машаққат, озор»лар билан етиштирилишини жуда яхши билади. Бунининг ой ёруғида пахтага сув тараш ҳам, ғўзани чопиқдан чиқариш ҳам осон эмаслигини эътироф этган фикрларидан ҳамда шеърнинг умумий руҳидан сезиш қийинмас.

Булардан маълум бўладикки, Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони характер қирралари асос эътибори билан Абдулла Ориповникидан фарқ қилади. Айни замонда уларнинг фикр-туйғуларида маълум яқинликлар бор. Жумладан, ҳар иккала шоир қаҳрамони, бири у, бири бу даражада бўлса-да, дастлабки пайтларда инсонга, унинг бахти ва камолоти масаласига романтикроқ муносабатда бўлишган, аммо бора-бора одамзод ҳаётидаги ва руҳиятидаги мураккабликларни анча теран ҳис этишган. Аммо уларнинг қишлоқ ки-

шисининг меҳнатига муносабатида маълум фарқлар ҳам борлиги сезилади.

«Шоирлар ҳамиша кўшалок келадилар. Кўпинча бир шоирга иккинчи бир шоир антитеза — тазод янглиғ қарама-қарши туради», деб ёзади рус совет шоири Евгений Винокуров. Худди талантлар каби лирик қаҳрамонлар ҳам жуфт-жуфт бўлиб юзага келадилар. Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов лирик қаҳрамонлари ана шу хил жуфтлардандир. Бу икки шоирнинг лирик қаҳрамонлари ўз фазилат ва қусурлари билан бир-бирини тўлдирадилар. «Мабодо бир шоир ўзининг аввалги ижодий принциpidан озгина чекинса, иккинчи шоирда ўзига қарама-қарши турган шоирнинг худди ўша принципларида ижод қилиш иштиёқи уйғонади». Евгений Винокуровнинг бу гаплари қайсидир даражада биз фикр юритган иккала шоирнинг лирик қаҳрамонларига ҳам алоқадордай туюлади. Чунончи, Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони ҳаётнинг долзарб масалалари, иллат ва дардлари ҳақида изтироб билан сўйлаган бир пайтларда (1965—1975 йилларда) Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони унга қарама-қарши ўлароқ, гўё «ҳаётда шодлик ва бахт ҳам бор, бу

ёғини нутмаслик керак», дегандай гарчи айрим масал ва ҳазил шеърларда қусурларни енгилроқ тилга олиб ўтса-да, қувончли воқеалар, ижобий фактлар ҳақида кўпроқ фикр юритади. Эндиликда маълум объектив ва субъектив сабаблар туфайли Абдулла Орипов «мен»и пахтакор меҳнатининг мураккаб жиҳатлари ҳақида гапирмай, ижобийроқ фактларга кўпроқ эътибор бера бошлагач (бу ҳам табиий ҳол) Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони унинг меҳнатидаги мураккабликлар ҳақида кескин мулоҳаза билдиради. Бу лирик қаҳрамоннинг табиатида пайдо бўлган янги хусусиятлар янада ёрқинлашишига катта ишонч туғдиради...

Хуллас, лирикада объект ва субъект муносабатлари, хусусан, шоир ва лирик қаҳрамон масаласи ниҳоятда мураккаб масала бўлиб биз икки шоир ижодида намоён бўлган айрим қирраларига диққатингизни жалб қилдик. Бу масаланинг ҳар бир миллий адабиётда, шу халқнинг шоирлари ижоди мисолида кенг ва чуқур тадқиқ этилиши адабиётшунослик ривожига, ёш шоирлар ижодининг, шеърхонлар дидининг ўсишига ёрдам бериши шубҳасиздир.

Маҳкам Маҳмудов

ШАФФОФ НИЛУФАРНИНГ СИРИ

Шарқ халқларининг мўъжизавий санъати ҳақида кўп ривоятлар бор. Қадим замонда қудратли бир подшо ўтган экан. У маърифатли одам бўлиб, гул ўстиришга ишқибоз, айниқса, нилуфар гулларини кўпайтиришга ҳунарманд экан. У куч-қудратини, бой-бадавлатлигини нилуфарларга боғлиқ, деб тушунаркан. Подшонинг боғида нилуфарнинг жуда кўп турлари ўсаркан. Бир хилларининг япроғи ботаётган қуёшнинг шафағидай, бошқалариники тонги осмондай зангори, баъзилари сал пушти, яна баъзилари қирмизи ва алвон ранг экан. Фақат бир туп нилуфарнинггине япроқлари зилол сувдай тиниқ, тоза ҳаводай шаффоф экан. Бошқа ҳеч бир подшонинг боғида бунақа тиниқ нилуфар ўсмас экан. Бу гулларни томоша қилиш учун етти иқлимдан меҳмонлар келишаркан. Айниқса, тиниқ, шаффоф баргли нилуфар ҳаммани ҳайратга соларкан. Аммо бир куни қаттиқ бўрон туриб, подшонинг боғидаги шу нилуфар япроқларини синдириб, пайҳон қилиб кетибди. Гул сўлиб, қуриб қолибди. Подшо узоқ вақт мотамсара бўлиб юрибди. Юртидаги барча олим-фузиларни чақириб, сўлиган гулни қайта яшнатишга кимнинг кучи етишини

сўрагач бир олим бу қийин ишни ўз зиммасига олибди. У тўқсон кеча-кундуз нилуфар япроғининг шаффофлиги сирини билиш учун тажриба ўтказибди. Тўқсон биринчи кунда у подшога худди бўрон пайҳон қилганидан аввалги нилуфарлардай тиниқ, шаффоф нилуфар гулини олиб келибди. Аммо бу гул олмосдай қаттиқ бўлиб, ҳар бир япроғида қуёш нурлари жилваланар экан. Олим бу гўзал гулнинг энди сира сўлмай, минг йилларча тураверишини айтибди. Подшонинг чиройи очилбди. Ана шу олим дунёдаги биринчи шишасоз кулол экан (М. Аминжонова, Э. Сайко. «Ўрта Осиё кулолчилиги, шишасозлиги ва чинносизлиги»). Маълумки Ўрта Осиё ҳунармандларининг беназир санъати илдизлари жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Бадий адабиёт асарлари, айниқса, бадий-тарихий асарлар ҳаёридаги ҳаёт гулларини сеҳрли илм ёрдамида қайта жонлантиришга хизмат қилади.

Ўзбек адабиёти тарихий проза соҳасида, айниқса романчиликда катта адабий анъанага эга. Устоз Абдула Қодирий, Садриддин Айний, Ойбеклар бу соҳада бошлаб берган самарали йўлни Мирмуҳсин, Одил

Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари забардаст адибларимиз шараф билан давом эттирдилар ва китобхонлар олқишига сазовор бўлган асарлар яратдилар. Истеъдодли адиб Миркарим Осимнинг тарихий мавзудаги қатор қисса ва ҳикоялари ҳам ўзбек насри ривожига ўзига хос ўрин эгаллайди.

Атоқли тарихнавис адибларнинг ижодий анъаналарини давом эттираётган Анвар Эшонов, Хайриддин Султонов, Исфандиёр Маткаримов, Алишер Ибодинов, Мирзапўлат Тошпўлатов каби ёш ижодкорларнинг тарихий ҳикояларида «ўстирилган» қадимги ҳаёт гуллари ҳам юқорида айтилган ана шу шаффоф нулуфарни эслатади.

Анвар Эшоновнинг тарихий мавзудаги «Оқ гуллар» ҳикоясида сеvgи мавзун буюк мутафаккир шоир Бобир шахсини, характерини кўрсатиш учун ҳаракат қилади. Ёзувчи шоҳ ва шоир характерини, фуқаро орасидан чиққан ўзбек йигити билан ҳинд гўзалининг муҳаббатига муносабати орқали кўрсатди. Анвар Эшонов XVI аср ҳаёти манзараларини тасвирлар экан ўша замонга мос поэтик бўёқларни топади. «Ун бир йилдан буён нотинчликлар сабабли рўзани бир ерда тутат олмаган, гоҳ темурий-шаҳзодалар, гоҳ ўзбек султонларнинг отлари ҳамласидан, филлари ҳужумидан шатранж тахтасидаги шоҳдек у катакдан-бу катакка сурилган Бобир, бугун — сўнгги жангда ғолиб чиқиб, Ҳиндистондай буюк бир салтанатда номи хутбага қўшилди», деб ёзади автор. Ёзувчи Аграда, Жамна дарёси бўйида қурилган Тоссарой ичкарисидаги ғолиблар шодиёнасини тасвирлаб ёзади: «Бир томонда жони ҳиндча, танаси ўзбекча рақслар, қўшиқлар. Бир томонда кўчқорлар шохи сингунча уришади, мушти ўладай, тўши пўлатдай полвонлар бел синашади. Тахтнинг ўнг ва чап томонида ўтирган, саройга яқин хонимлар олтин ва кумушдан қилинган писталарни авайлаб чақадилар...» (Бу ерда халқимиз ўтмишидаги фаровонликдан, юксак дастурхон маданиятидан хабарсиз одамлар олтин ва кумуш «пўчоқли» писталардан ҳайрон қолиши мумкин).

Илмий асарларда олимнинг шахсий қиёфаси унчалик кўринмайди, аммо бадиий адабиёт ва санъат асарларида бўёқлар орқали ижодкор шахси жуда равшан тортади. Анвар Эшонов халқимизнинг юксак маданияти тарихидан яхши хабардор бўлгани, ўзи ҳам ўтмишда даҳо шоирларни яратган халқнинг фарзанди бўлгани учун тарихдаги шодиёна ва фожиаларни, улкан шахсларни жуда катта ҳурмат-эҳтиром, нозиктаъблик, кўтаринки нафосат туйғуси билан романтик бўёқларда ёритади. У Бобир ҳақидаги ҳикояда ошиқ шоир йигит Боқи Тошкандий тақдирини кўрсатар экан, ўзи ҳам жўшиб, унинг номидан ошиқона қўшиқлар тўқийди. Воқеа Ҳиндистонга боғлангани учун ҳикояда қанотли ҳинд қўшиқлари, сеҳрсоз кўйлари шундоққина қулоғингиз тағида жаранглай бошлайди. У сўз санъати ёрдамида мусиқа яратади, мусиқа ёрдамида эса шоир йигит Боқи Тошкандий билан раққоса қиз Радҳанинг дилидаги ҳаяжонли кечинмаларни ифодалайди. Радҳанинг ноз-ишвали, тугёнли рақси «Ҳиндистон азаматини, даҳшатли моҳир саркарда Рано Санго Сингхга қар-

ши кураш олдидан аскарларнинг тушқунлигини, Бобир нутқидан сўнг уларнинг қасам ичишини, хуллас, заминга зилзила солган жанг майдонини кўз олдига келтиради».

Ёзувчи ўзбек йигити билан ҳинд қизининг дарё бўйидаги висол чоғлари тасвирига, уларнинг қалбидаги изтиробларига ўзига хос ранг беради. Уларнинг сеvgиси умидсиз. Ҳинд муслулмонга теголмайди. Бунинг устига, омонсиз жангда қизнинг отаси муслулмонлар томонидан ўлдирилган. Ота олдидаги бурқ қизни муслулмонлардан нафратланишга дэъват этади. Аммо сеvgи ҳам қудратли куч. Йигит ҳинд қизи қалбида муслулмонларнинг подшоҳига, йўқ, буюк шоирга ҳурмат ҳисларини уйғотишга интилади. Лекин бу мушкул иш.

— Бобир ҳукмрон, — дейди Радха. — У ҳиндунинг танасига ҳоким. Аммо ҳинду фикрининг ҳоқони йўқ. Чегараси ҳам...

Йигит Бобирнинг «ўз юртига сифмаганига» хафа. Бобирдай адолатли ҳукмдор «ўзбекнинг пешонасига битмади. Аммо ҳиндунинг бахтига Ҳинд мулкининг султони бўлди», дейди. Чиндан ҳам Бобир ва бобирийлар ҳукмронлик қилган йиллар, даврлар Ҳиндистоннинг ҳар соҳада юксалиш йиллари бўлди. Буни бир неча бор Тошкентга келган Жавоҳарлал Неру ҳам эслатган эди.

Анвар Эшоновнинг Мирзо Бобир ҳақидаги яна бир ҳикояси «Кийиклар сув ичмади» буюк шоир умрининг сўнгги вақтлари ҳақида. Асарда кексайиб қолган Бобир жуда катта машаққатлар билан бунёд этган давлатини, тахту тожини ўғли Ҳумоюнга топшириш манзаралари тасвирланган. Мутафаккир шоир сеvimли фарзанди, машҳур лашкарбоши Ҳумоюнга тожни топширар экан, бундай дейди: «Мирзо, мен сизга тахт ато қилдим, аммо бахт беролмайман. Толеингизга тангри таоло иноят қилғай, коинот сарварининг шафоати, чаҳорёрлар ҳимматидан бенаиб бўлмағайсиз. Омин, раббил оламин». Ёзувчи Бобирнинг чин муслулмон, дину имонда эътиқоди мустаҳкам эканлигини нутқий деталь орқали кўрсатаркан, бу тарихий ҳақиқатга зид эмас. Тарихда муслулмон подшоларининг ҳаммаси ислом байроғи остида курашган. Шунга қарамай, Шайбонийхон ўзини дини исломнинг устунлиги санаб, Бобирни ва бошқа темурийларни диндан чекинишда айблаган эди. Бу тарихий вазият Пиримқул Қодировнинг «Олдузли тунлар» романида яхши кўрсатилган. Анвар Эшонов эса ҳикоя имконияти даражасида Бобир ҳаётидан бир лавҳа орқали буюк шоир характерининг айрим қирраларини кўрсатади. Бобир ҳузурида «қўл қовуштириб, бош эгиб турганларга ғолибона қараб, уламолари билан бирга саркардаларга хос мағрур чиқиб кетар экан, илоннинг чинни пиёладан шароб ичиши тасвирланган филсуяк устун олдида тўхтаб», аъёнлар олдида ўғлига қиличи ва қаламини тақдим қилар экан, ўзининг лашкарбошилик ва шоирлик, олимлик истеъдодини ҳам мерос қилиб қолдирмоқчи бўлади. Анвар Эшонов шоҳ ва шоир орзуларини бундай шархлайди:

— Салтанат қилич билан сақланади. — дейди Бобир. — Қалам билан арқони давлатда маърифатнинг сермашаққат йўли

очилади... Қиличдан кўра қаламга кўпроқ эътибор қилинган, токи вилоят олмоқ ва вилоят сақламоқ ниятида бўлиб ўтган урушлар туфайли туркий, эроний, ҳиндистоний улуслар ўртасида узилган дўстлик ва илм ришталари қайта улансин.

Ҳумоюн Мирзо Бобирнинг бу васиятларига қанчалик амал қилганлиги тарихдан озми-кўпми бизга маълум. Бобир авлодлари ҳукмронлиги йиллари ҳинд халқининг буюк маданияти, санъати гуллаб-яшнаган, халқ учун нисбий тинчлик, фаровонлик йиллари бўлди. Тўғри, Ҳумоюн ва ундан кейинги темурийлар қаламдан кўра қиличга кўпроқ эътибор бердилар. Чунки тарихий вазият, феодал тарқоқлик бирлашган давлатни қилич билан сақлаш ва мустаҳкамлашни тақозо қиларди.

Ёзувчи ҳикоянинг сўнггида шоир абадияти, шеърият тақдири, келажаги мавзунини қаламга олади. Бобир кексаёганида давлатни ишончли қўлга топширгач, шеърият оламида нималарга эришганлигини хулосалашга жазм қилади. Авлодларга, минг йилларга татигувлик буюк, дохиёна шеърият мулкини бунёд этиб қўйганлигини, бу мулк халқнинг бебаҳо, боқий, мўъжизавий, маънавий хазинасига айлана бошлаганлигини шоир ҳали ўзи билмайди. Ёзувчи Бобир ижодий, маънавий меросининг тақдирини ҳикояда бахтсиз ҳинд раққосаси тақдири орқали кўрсатишга интилади. Олисдан Радҳанинг қўшиғи эшитилади. Қиз Бобирнинг фоживий руҳдаги бир ғазалини куйлайди. «Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимиз?» матлаъли бу ғазални ҳозир билмаган одам топилмайди. Аммо Бобир тириклигида шеърларининг халқ оғзига тушиб, қўшиққа айланиши, жафокаш инсонларнинг қалбидаги гўзаллик оламини ифодалаш шоир иқболидан, ижодининг келгусида абадиятга йўл олишдан нишона эди.

Хуллас, ҳикоя драматизмга, ҳаётий, миллий бўёқларга бой. Анвар Эшонов тарихий мавзуга, ўтмиш воқеаларнинг бадий талқинига анча йиллар аввал қўл урган бўлса, кейинчалик бу ишга етарли эътибор бермаётганини ҳам адалат юзасидан айтиб ўтиш керак. Адабиётга кейинги йилларда кириб келган ёшлар ҳам бу қутлуғ мавзуга қўл урмоқдалар. Тоҳир Малик «Фалак» қиссасида Улуғбек давридаги зиёлилар ва истеъодли хунармандлар ҳаётини анча равшан тасвирлаб берди. Хайриддин Султонов эса «Ой бутган паллада» ҳикоясида Бобирнинг улуғ мақсадлари йўлида кечган оғир, машаққатли кунларидан бирини шоирона бўёқлар билан, тиниқ манзараларда кўрсатиб берди.

Ўзбек тарихий ҳикоятчилигида Миркарим Осим ижоди салмоқли ўрин тутишини айтиб ўтдик. Шуниси қувонарлики, бугунги кунда унинг истеъодли ёш издошлари бор. Уларни Миркарим аканинг «Аждодларимиз қиссаси», айниқса, «Уртор» сингари асарлари руҳлантирган, албатта. Бу ёш ижодкорлар ўз йўлларини қидирмоқдалар. Агар Миркарим Осим халқ йўлбошчилари Тўмарис ва Спитаминлар курашини ёрқин, қаҳрамонона бўёқларда тасвирласа, Мирзапўлат «Ҳожиқайлик», «Ёвқонди», «Содиқ» ҳикояларида оддий халқ вакиллари ҳаётининг ҳам қаҳрамонона, ҳам фожий қирраларини ёритишга ҳаракат қилади. Мирка-

рим Осим ҳикоялари ўқувчиларни мардонлиги билан руҳлантиради, уларда кўтаринки кайфият вужудга келтиради. Исфандиёр билан Мирзапўлат ҳикоялари эса ўқувчиларни маъюслантиради, аммо бари бир — бундай ҳолат ишонарли ва ўқувчига қадрдон. Чунки ҳаёт ҳақиқати маъюслантирса ҳам онг, шуур беради. Уйлашга даъват этади. Тарихидан фарқли ўларок, ёзувчи қаламининг эътиборли томони шундаки, у воқеаларни изоҳламайди, қалб кечинмаларини холисона беришга интилади. Исфандиёрнинг «Триптих» («Учлик») туркумига кирган «Тонг юлдузи» («Чўлпон») ҳикояси қадимият халқларининг фикр, виждон, эътиқод эркинлиги учун курашган Маздакнинг курашига бағишланади. Византия, Эрон ва Турон подшоликлари ўзаро қирғин урушлари қилаётган бир даврда авлиё Маздак тонг юлдузидай балқиб, жаҳолат қоронғилигида қолган одамларнинг ақлу шуурини ёритади, у, қуёш ҳаммага тенг нур сочгандай, олам ноз-неъматларини ҳамма халқлар тенг баҳам кўриши зарурлигини тушунтиради. Маздак ҳақида маълумот берувчи энг биринчи бадий асарлардан Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини кўрсатиш мумкин. «Фирдавсий таърифида маздакийлар ўз меҳнати самарасидан маҳрум, оч-яланғоч қолган ва ҳақли равишда исён кўтарган кишилар. Маздак образини эса шоир... оч халққа нон топиш йўлини кўрсатиб берган донишманд йўлбошич сифатида чизиб беради» (Муҳаммад Нури Осмонов, Шоислом Шомухамедов. «Шоҳ китоб». Ўзбекча «Шоҳнома»га сўзбоши). Морис Симашконинг «Маздак» романи ҳам минг йиллар аввал халқлар озодлиги учун курашга йўлбошлик қилган қаҳрамон ҳақида энг яхши асарлардан биридир. Романга қисқа сўзбоши ёзган тарих фанлари доктори В. Луконин асарни юқори баҳолайди. «М. Симашко романи, — дейди у, — совет адабиётида сосонийлар даврига бағишланган биринчи бадий асардир. Романда асосий нарса бор — унда Эрон ва Урта Осиё тарихидаги энг фоживий воқеа колоритли — рангин тасвирланган, автор воқеалар моҳиятини тўғри тушуниб, одамларнинг ёрқин характерини яратган». Роман бадий-фалсафий қуввати жиҳатиден ҳам ўқувчига кўп нарса беради. Ёзувчи қадимги Эрон ва Турон халқларининг юксак маънавий ҳаёти манзараларини тасвирлайди. Ёш ёзувчи Исфандиёрнинг бу тарихий улуғ сиймо ҳақидаги «Тонг юлдузи» («Чўлпон») ҳикояси ҳам поэтик бўёқларга бойлиги фоживий мусиқийлиги билан одам қалбини ларазага солади. Асар ўлимига бир неча лаҳзалар қолган қаҳрамон — Маздак тилидан ёзилган. Унинг шафқатсиз қийноқларга мардона чидаш бериши, теран ўйлари, кечинмалари ҳикояда таъсирли лавҳаларда чизилган.

«Триптих»нинг учинчи асари — «Оллонинг бандаси» ҳикояси улуғ хатот ибн-Мауд жасоратига бағишланган. Подшо жаллодлари нақшан хатлар ёзишда дунёда тенг йўқ наққош-хатотнинг қўлини чопиб ташлашади. Қийноқ ва ҳўрликлардан кейин ҳам наққош санъатидан воз кечмайди. Ўз даврида австралиялик буюк адиб, Горькийнинг яқин дўсти Стефан Цвейг «Инсониятнинг юлдузли онлари» туркумидаги ҳикоя-

ларида Бальзак, Диккенс, Колумб, Америго Веспуччи сингари кашфиётчилар ҳаёти тўғрисида ғурур билан ёзган эди. Шарқнинг буюк кашфиётчилари, алломаларининг жасоратларини, қаҳрамонликларини кўрсатиб берувчи асарларни адабларимиз нега кам ёзади, деган савол туғилиши табиийдир.

Мирзапўлат Тошпўлатовнинг «Юракдаги сир» китоби қаҳрамонлари ҳам халқимизнинг фахри, ғурури бўлган мард, жасур, матонатли одамлар. Шулардан бири — Содик полвон ота-боболарининг муқаддас анъаналарига доғ туширмагани, санъатини пулга сотмагани учун жоҳил одамлар қаҳрига учраб, ёш ўлиб кетади. Ёш ёзувчи бир неча саҳфада ўтмишдаги полвонлар ҳаётининг манзараларини ишонарли, реалистик тасвирлайди. Бу адолатли қоидаларга ҳамма сўзсиз риоя қилиши керак. Аммо ижтимоий тенгсизлик туфайли ёлиб курашчининг фожиага учрашини ёзувчи табиий бўёқларда кўрсата олган. Содик полвон рақибини йиқитса ҳам одамлар уни олқишламайди, кўпчилик мағлубни, бойвачани юпатиш билан овора...

Мирзапўлат ҳикояларида Қашқадарё воқасининг табиати яхши очилган дея олмаймиз, аммо ёзувчи халқ урф-одатларини, қаҳрамонларнинг руҳий оламини анча яхши билади. «Беором тўлқинлар» ҳикоясида ёш ёзувчи қийин, масъулиятли ишга қўл урган; у Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна»сидай нодир асардан кейин, бу улғу тарихий сиймо қиёфасини кўрсатишга журъат қилган. У ҳикояда Муқанна қўзғолонининг энгилиш даврини тасвирлайди. Ҳар босқинчиларига қарши курашаётган турк лашкарбошларидан бири Зардуқнинг фиғони фалакка кўтарилган. У Муқанна кўшинларининг ёрдамига кўз тикади, аммо ёрдам келмайди. Ёзувчининг тасвирлашича, бу вақтда Муқанна ҳам энгилиш азобида қоврилиб, заҳар ичиб ўзини ҳалок қилади. У ўлими олдида сафдоши Зардуқдан вужудини гулханда ёқиб юборишини илтимос қилади. Дўсти Муқанна васиятини адо этади. Ҳикояда жанглар тасвири ҳам, воқеа юз бераётган жойларнинг аниқ манзаралари ҳам йўқ. Ҳикоя асосан икки лашкарбошининг учрашуви, кичик диалоглардан иборат. Ёш ёзувчи тарихий вазиятни ана шу диалогларда очиб беришга интилади. Ҳикоя бошидаги кичик тасвирда воқеа кўрсатилмай, баён этилади. Зардуқнинг хотини билан суҳбатда воқеа бирмунча равшанлашади.

Тасвир ўрнига диалог бериш вазифани осонлаштириши мумкин. Аммо бунинг мушкул томони ҳам бор. Диалогда тарихий бўёқни сақлаш, нутқни хослаштириш — индивидуаллаш осон иш эмас. Автор сақкизинчи аср ҳаётини тасвирлапти. Ҳали араб тили маҳаллий халққа ўрлаб ўргатилмаган. Лекин Мирзапўлатнинг қаҳрамонлари тилида арабча сўзлар кўп учрайди. Тўғриси, қаҳрамонлар, асосан, форс-араб сўзларига бой ҳозирги ўзбек тилида гаплашади.

Мирзапўлат Тошпўлатов илмий-тарихий манбаларни кўп ўрганмаганлиги асарларидан сезилиб турибди. Кўҳна тарихдан ҳикоя қилувчи «Беором тўлқинлар»да иккита тарихий номни учратамиз. Нахшаб ва

Ал-Хараший. Араб лашкарбошиси Ал-Хараший номи Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида тилга олинган. Ҳикояда бошқа тарихий маълумотларни кўрмаймиз. Ёзувчи Муқанна ҳаракатини бадий тўқима асосида тасвирлайди. Ҳолбуки, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида Муқанна воқеаси ҳақида жуда қимматли маълумотлар бор. Наршахий, анъанага кўра, бу ҳаракатни исломга қарши салбий ҳодиса деб тасвирлайди. Наршахийнинг китобида Аҳмад ибн Наสร, Иброҳим Табарий ва Муҳаммад Табарийларнинг қуйидаги маълумотлари келтирилади: «Муқанна Марв атрофи аҳолисидан... номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунгарлик қиларди, кейин эса ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганди. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайғамбарлик даввосини ҳам қилди ва уни Маҳдий ибн Мансур хижратнинг бир юз олтимиш еттинчи йилида (784) ўлдирди... Ҳошим ибн Ҳакимнинг Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шу Муқанна аббосийлар дэвватчиси Абу Муслим замонида Хуросон лашкарбошларидан бири бўлиб... пайғамбарлик даввосини қилди. Абу Жаъфар Давонавий одам юбориб, уни Марадан Бағдодга олдириб келди ва бир неча йил давомида зиндонда тутди». Наршахийнинг китобида Муқанна зиндондан қандай қочганлиги айтилмаган. Аммо тасавурумизча, у сеҳр-жоду — гипноз ёрдамида қутилган бўлса керак. Ҳошим ибн Ҳаким Кеш ва Нахшаб вилоятларида энг кўп тарафдорлар тўплаган. Наршахийнинг айтишича, Ҳошим ибн Ҳаким сўнгги марта хотинлари билан базм қилган, уларнинг шароб қадахларига заҳар солиб, ҳаммасини ўлдирган (бари бир аёллардан бири тирик қолиб, воқеани айтиб берган), сўнг ўзини ёниб турган тандирга отган. Мирзапўлат қаҳрамон ўлимини ишонарли кўрсатишга уриниб, кичик ўзгариш қилади. Ёзувчи унинг даввосиз қорасон касалига учраганлигини, бари бир ўлими яқинлигини тушунгач, халқ дилида умид уйғотиш учун ўзини ёндиришга қарор қилганлигини тасвирлайди. Муқанна (бад-башара) деган ном душманлар тилидан айтилади. Мирзапўлат ҳикоясида эса қаҳрамонни сафдошлари ҳам Муқанна деб аташади. Ҳар ҳолда минг-минглаб одамларни ўз таълимотига ишонтириб, босқинчиларга қарши олантирган буюк шахс қиёфаси Мирзапўлат ҳикоясида эпизодик тарзда тасвирланади. Ёш ёзувчи эзмалик ёлғирдан қочаман, деб «дўлга» учрайди. У тарих фалсафасининг теран мазмунини четлаб ўтиб, фақат миллий-озодлик қўзғолонининг воқеий қисминигина қаламга олади. Кичикинтой ўқувчилар учун балки бу керакдир, аммо ҳали ёш ёзувчида қаҳрамоннинг ички оламига кириш, теран манзараларни кўриш учун билим, шуур этишмайди.

Тарихий ҳикоячиликда Исфандиёрнинг қаҳрамон ички дунёсини чуқур кўрсата олиш истеъдоди борлигини юқорида айтган эдик. Ёш ёзувчи Хайридин Султонов ҳам Бобир ҳақидаги «Ой ботган паллада» ҳикоясида она тарихнинг фожиавий ва гўзал

манзараларини рангин бўёқларда тасвирлаган эди. Шу жиҳатдан қараганимизда Мирзапўлатнинг «Ҳожиқайлиқ» ҳикояси ҳам эътиборга лойиқ. Ҳикоя «Беором тўлқинлар»нинг мантикий давомига ўхшайди. Араблар истилосининг илк даври. Босқинчиларга қарши қўзғолонлар бостирилган. Шахристон ва қишлоқларда ҳамма маъжусийликдан воз кечиб, ислом динига ўтган. Муслмон руҳонийлари тангри-таоло билан гаплаша оладиган, тангри ҳукмини ҳалойиққа еткази оладиган муқаддас авлиёлар сифатида шуҳрат қозонган. Ҳожимурод пир қишлоққа келган кун и одамлар бева-бечоранинг тўйини ташлаб, пирдан «савоб» олишга ошиқадилар. Шундай бир тарихий шароитда Хут ползоннинг беваеси Жумагул ўғлини уйлантиряпти. Маъжусийларнинг одатлари бекор қилиниб, шариат никоҳи муқаддас санала бошлаган. Еш ёзувчи кичик деталлар, бўёқларда шароит тасвирини беради. «Ҳожимурод пир ўзларини худо йўлига бағишлаган юзга яқин муридлари билан юради. Улар номигагина мурид, аслида оқ яктаги ичидан ўткир шамшир билан қуролланган сарбозлар эди». Мирзапўлат яна бир ўринда айтади: «Беклар ўзларининг эллика яқин сарбозларини боқишга қийналишса, пир бу ҳақда бошини ҳам қотирмасди. Пир қаерга кўнса, ўша ерлик авом халқлардан, муридлардан тушган назру ниёз оламни тутиб кетарди... У ҳар замон, ҳар замонда амир ҳузурига бориб, бениҳоя улкан совға-саломлар қиларди. Шунинг учун амир Кешдан Нахшабгача унинг ихтиёрига ташлаб қўйганди». Шундай бир шароитда ёш келин-куёвнинг тўйи бошланади. Тўйда ҳам маъжусийлик, ҳам муслмонлик расм-русумлари адо этилади. «Келин билан куёв пирнинг қаршида тиз чўкишиб, қуръонни ўпишди. Пир қироат билан никоҳ ўқиб туриб, кўзлари келинлик либосидаги Ойгулнинг гўзал рухсорига тушди-ю, ҳаловатини йўқотди-қўйди...» Хуллас, воқеа шу билан тугайдики, Ҳотамнинг қайлиғи Ойгул билан никоҳи гўё «олло ҳузурида қабул бўлмабди». Оллоҳ Ойгулни пирга «танмахрам қилиб беришни буюрбди». Аслида, ислом динида бировнинг жуфти ҳалолига кўз олайтириш катта гуноҳ саналади. Мунофиқ руҳонийлар эса ўзларининг тубан қилмишлари билан одамларнинг динга бўлган ихлосини қайтаришади. Тарихий манбаларга қараганда, вилоятлардан аббосий халифаларга мунофиқ руҳонийлар устидан кўп шикоят хатлари юборилган, халифалар тубан иш қилган дин пешволарини қаттиқ жазолаган. Аммо «Ҳожиқайлиқ» ҳикоясида Мирзапўлат эркидан, озодлигидан, ҳақ-ҳуқуқидан айрилган халқнинг ор-номуси қандай хўрланишини кўрсатмоқчи. У асарда мана шу ижодий ниятга эришган. У фожеий воқеаларни шошмасдан, жонли манзаралар орқали кўрсатган. Хўрланган Ҳотам қароқчилар тўдасига бош бўлиб, вақтини топиб, Ҳожимурод пирни қилич билан чопиб ташлайди. Еш ёзувчи мана шу ечимгача анча воқеаларни тасвирлайди. Пир қишлоқ аҳолисини янада ўзига қарам қилиш учун шакарқамиш экинзорларини пайхон қилиб кетади ва ҳоказо. Ҳикояда пирнинг ўлими анча ҳаётий, ишонарли тасвирланган. Араб босқинчилари ғолиб таълимотни маҳаллий

халқ орасида ёйишда улкан хизматлар қилган раҳбарнинг ўлими учун қишлоқнинг кулини кўкка совиришганини ҳам ёзувчи яширмайди. Хуллас, «Ҳожиқайлиқ» ёзувчининг анча пишиқ ҳикояларидан.

Кейинги вақтларда ёш ёзувчиларнинг тарихий ҳикоячилигида кўзга ташланган асар Алишер Ибодиновнинг «Гулистон» журналида босилган «Қуёш ҳам олов» ҳикояси бўлди. Алишер жуда қийин вазифани зиммасига олишга журъат этган. У неча минг йиллик тарихимизнинг шу вақтгача яхши ўрганилмаган, энг қоронғи саҳифаларидан бирини — янги эранинг VIII асри ярмидан ватанимизга бостириб келган араб истилочиларининг қандай қарши олинганлигини тасвирлашга интилади. Араб босқинчиларига қарши курашга уюшган қаҳрамонлар қиёфасини кўрсатиш учун, албатта ёзувчи ватанимиз халқларининг ўша даврдаги тарихини яхши билиши керак эди. Аммо бу осон иш эмас. Шунинг учун осон иш эмаски, ота-боболаримизнинг милоддан аввалги VI—V асрлардаги тарихи (Доро, Кайхусравларга қарши шаклар ва массагетларнинг кураши. Широк, Тўмарис, Исфара) муайян даражада биз учун равшанлашган. Аммо янги эранинг I асрдан араблар истилосига қадар ўтган аждодларимизнинг тарихи ҳали мунтазам ўрганиб чиқилмаган. Бу даврга оид манбалар йўқлиги (ёки ниҳоятда сийраклиги) туйфайли Геродот, Ктесий асарларига мурожаат қиламиз. Бу улғу тарихчилар эса аждодларимиз ҳаёти ҳақида гапирганда асосан ривоятларга суянишган. Фақат буюк бобоимз Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида қадимги аждодларимиз ҳаёти батафсил бўлмаса-да, акс этган.

3. Бикерманнинг Лондонда босилган ва дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган «Қадимги дунё хронологияси» китобида («Наука», 1975) барча маданий халқларнинг энг қадимги давлат раҳбарлари шажараси бор. Айниқса Рим империясининг беш асрли тарихида юз берган энг асосий воқеалар ҳатто кунма-кун мукаммал баён этилган. Аммо, афсуски, бизнинг халқларимиз ҳаётининг неча минг йиллик қадимги тарихи тўғрисида бу китобда бирор жумла учрамайди. Гарвард университети-нинг профессори, Шероз университети қошидаги Осий институтининг директори Ричард Фрайнинг инглиз, немис, итальян, испан, дания, форс ва рус тилларига таржима қилинган «Эрон мероси» китобида («Наука», 1972) араб истилосининг бошланиши давридаги туркий халқлар тарихига оид қимматли маълумотлар бор. Лекин бу асарда ҳам туркий халқларнинг VIII асрдан аввалги тарихи, уларнинг этногенези — келиб чиқиши анча чалкаш кўрсатилган. Чунончи, эрон-турк урушлари даврида (милоддан аввал, VI аср) эрон истилосига қарши курашган шаклар (саклар)ни ва сўғдларни Ричард Фрай эроний халқлар тоифасига киритади. Аммо олимнинг қадимий Хоразм ҳақидаги фикрлари ҳақиқатга яқин туради. Шу жиҳатдан олганда В. В. Радлов ва С. Е. Малов тўплаган манбалар асосида Азиз Қаюмов тузган «Қадимият обидалари» китоби ҳамда машҳур

туркологлар Т. А. Боровкова, Л. В. Дмитриева, А. А. Зарин, И. В. Кормушин, Н. И. Петягина, В. М. Неделеев, Д. М. Насилов, Э. Р. Тенишев, Л. Г. Тугушева, А. М. Шчербаклар томонидан Ленинградда нашр этилган «Древнетуркский словарь» китоблари муболағасиз айтганда, тоғ-тоғ олтиндан ҳам қимматлидир. Луғатдаги ҳар бир изоҳ буюк бир обида ҳақида дарак беради. Жумладан қуйидаги изоҳ билан танишайлик: «КТ—Кўшо—Сайдам ясситоғлигида, Урхун дарёсининг ирмоғи Кўкиш—Урхун дарёси водийсида Култегин шарафига ўрнатилган ёдгорлик. Муъуллстон халқ республикасида, топилган жойида сақланади. Янги эра—милоднинг 732 йилида, мрамар лавҳага турк-хитой тилларида битилган. Туркчаси Урхун-Енисей хатида ёзилган». Алишер Ибодинов ҳикоясига Култегин ёдгорлигидаги битикдан абадиятга кўчган қуйидаги сўзларни эпиграф қилиб олган. «Устдан тангри босмаса, остдан ер тилинмаса, турк будун, элининг тўрини ким буза олади?» Аввало шунга айтиш керакки, Алишер бу ҳикояни она ватанга, халқига ниҳоятда қизғин, оташ муҳаббат билан ёзган. Иккинчидан, у ҳикоянинг асосий воқеасини тасвирлаш учун ҳам, айрим деталлари учун ҳам кўплаб манбаларни имкони етганча ўрганганлиги сезилиб турибди. Бу давр ҳақида манбалар йўқ ҳисоби эканлигини юқорида айтган эдик. Шунга қарамай, ёзувчи «Қадимият обидалари» ва бошқа китобларда учрайдиган жуда узук-юлуқ парчаларга жон ато қилиб, ўқувчи кўз олдида равшан манзаралар яратишга интилади. Айниқса асар тили устида қаттиқ ишлайди. Ахир, қаҳрамонларни минг йиллар аввалги тилда гапиртириш осонми?

Ҳар қандай халқ ва унинг раҳбарлари эл-юрт бирлигини сақлашни ўйламай; ўзаро низоларга йўл қўйса, бир тилда гапирувчи турли элатлар ўзаро аҳил бўлмаса ҳаммиша ёвга ем бўлиши турган гап. Бу оддий ҳақиқат бўлса ҳам эл оғалари кўпинча жаҳолат устида, манманликка берилиб, буни унутиб қўйишади. Алишер ҳикояда худди шундай ўзаро низо фожиавий оқибатга олиб келганлигини тасвирлайди. «Милоднинг етти юз тўққизинчи йили. Баҳорда Фарғона хоқони Арслон Тархон Талас хоқони Туғасиён устига черик тортиб борди... Бироқ бу турк қабилаларининг ўзаро тўқнашуви ҳар икки тарафга ҳам наф келтирмади, беаёв қирғин натижасида Усрушона этакларида қўр тўкиб ётган арабларга ҳам, Қашқарда довоннинг серҳосил тупроғи таъмида қилич қайраётган Хитой черикларига ҳам сўз бермай юрган турк давлати кучсизланди, холос». Наршахий манбаларига қараганда, йирик турк қабилаларининг ўзаро низолари бошланишидан аввалроқ Турк хоқонлигининг иқтисодий ва ҳарбий қудрати кучли бўлиб, араб қўшинлари бу ерларга келишга журъат ҳам қилмаган. Аксинча, турклар Бухоро давлатининг арабларга қарши курашига ёрдам бериб, неча бор душманни тор-мор келтирган.

Наршахий китобида айтишича, турк подшоши Биёғу (аслида Ёбғу бўлса керак—М. М.) бухороликларга ўз ўғли Шери Кишварни ёрдамга юборади. С. П. Толстов бу исми эл—Арслон деб тўғри аниқла-

ган (Наршахийда бу ном форсча таржимадан олинган бўлса керак). Назаримизда, Наршахийнинг ўзбекча таржимони арабларга қарши курашда бухороликларга ёрдамга келган подшонинг номини ҳам Торхун деб олиб, янглишганга ўхшайди (бу исм бир неча жойда тилга олинган). Аслида, бу турдош сўз «тархон» ёки «таргин» бўлиши мумкин (Эр—Тарғон—юрт подшоши ёки Эр—Таргин, қирқинчи йиллардаги «Эр—Таргин» операсини эслайлик). Алишер ҳикоясида эса Арслон Тархон образи ватанпарвар лашкарбоши сифатида эмас, балки арабларга сотилган хоин қиёфасида бериладики, бу тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Наршахийда Шери Кишвар—эл—Арслон халқпарвар баҳодир деб тасвирланади. Алишер ўз қаҳрамони Алп Арслонни бошқа шахс деб, эътироз билдириши ҳам мумкин. Иккинчи томондан, Алишер VIII аср, араблар босқини тарихидан хабардор. Ҳикояда Фарғонага ультиматум—битик юборган тарихий шахс Наср ибн Сайёр номи тилга олинган. Бу ном Наршахий китобида учрайди.

Умуман олганда Алишер воқеаларнинг тарихий ўзагига унчалик эътибор бермайди, у бошқача йўлдан боради. Алишер туркий қабила бошлиқларидан бири Алп Тегин билан жангчи қиз—Чибилға ўртасидаги муҳаббат тақдирини асар марказига қўяди. Катта қўшин бошлиқларининг хоинлиги, босқинлар олдида бosh эгиши Алп Тегинни изтиробга солади. У лашкарбошилар кенгашида эҳтирос билан ҳамма-ни Ватан ҳикоясига қақиради. «Энди биримиз ўтқинчи от, биримиз йиққан олтунимиз ташвишида ўзганинг динига кириб, тилимизни унутсак, бу ота-боболаримизнинг юзига оёқ босганимиз, энди уларни ўзимиз мангуга ўлдирганимиз бўлмасми, беклар? Ахир ёруғ оғунида бундан ҳам чиркинроқ қотиллик борму? Бор бўлса қани, айтинг, беклар!» Унинг оташин чақирғига халқ қаҳрамонлари Алп Эртонг билан Алп Туронлар лаббай деб жавоб беришади. Аммо бошқа элбошиларнинг хиёлати туфайли қаҳрамон ёлғизланиб қолади. Алп Тегин Ватан тақдирини ўйлаб, қон ютиб турганида, севгилиси ҳам дини ва тилидан воз кечганлигини билиб, охи кўкка етади. Қаҳрамоннинг севгилиси хоин эмас, аммо у дунёдаги барча халқларни бир динга эътиқод қўйишлари оламга тинчлик олиб келади, деб ишонади. Шунинг учун у ислом динини муқаддас деб билиб, маъжусийлигидан кечади. Беруний «Осорул боқия»да, айниқса «Ҳиндистон» китобида зардушт ва будда таълимотларининг мазмуни, моҳиятини кенг тушунтириб берган. Ҳикояда Чибилғанинг зардуштийликдан исломга ўтиш жараёни фақат баъний тарзда бўлиб қолган. Шунга қарамай, Алп Тегин билан Чибилғанинг дин ва тил ҳақидаги баҳсларини асарнинг энг яхши сатрлари дейиш мумкин. Олис истиқболни ўйлаб, яқиндаги бахтидан кечган, ширин жонларини ватанга фидо этган, ҳали тўй кунига етишолмаган кувё—қайлиқнинг тунги суҳбатидан: Қиз: «Бумин, Тумин хоқонлар даврида турк эли бир динда эди, энди бўлса ким оташпараст, ким моний, ким буддага топинади, ҳамма бало шунда!» Йигит: «Ахир, биз тангрини бегона

тилда қандай ёд этамиз, Чибилға? Ота-боларимиз фиръавнлардек бизга эҳромлар қўриб қолдирмадилар, улар бизга ёлғиз ўз тилларини ташлаб кетдилар. Биз бу тилни унутиб юборсак, улар қумга сингиб, сувдек қуриб батадилар-ку! Йўқ, оташга сизгиниш — тангрига топинишнинг энг тўғри йўлидир. Ахир, бутун очуннинг эниси — Қуёш ҳам олов-ку!» Севишганлардан бири бегона дин халқни ўзлигидан жудо қилади, деб ўйлайди, бошқаси худди ислом дини тарқоқ халқларимизни бирлаштиришга ёрдам беради, деб ишонади. Иккала ошиқ ўз эътиқодлари учун муқаддас олов, ватанга муҳаббат оловида куйиб кул бўлишади. Ҳикоянинг ечими айниқса гўзал. Ватандан кечмаган қаҳрамонлар оловга, руҳга айланиб кетишади. Бу олов ҳозиргача қалбларни ёндиради.

Яқинда адабиётимизда тарихий фантастика жанрида ёзилган айрим ҳикоялар пайдо бўлди. Турғунбой Ғойибов, Тоҳир Малик ва баъзи ёшлар ижодида шундай ҳикоялар учрайди. Шулардан бири, Тоҳир Маликнинг «Тириклик суви» ҳикояси («Фан ва турмуш», 1980 йил, 8-сон) Гиппократ (Букрот), Гален (Жолинуслар қатори жаҳон медицина фанининг пирларидан бири бўлмиш буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ҳаётига бағишланган. Коинот улуғвор сирларга бой бўлганидай, фантастик ҳикояда ҳам сирли ҳодисалар кўп учрайди. Табиатнинг ғаройиб муаммоларини инсониятнинг энг заковатли алломалари неча минг йиллардан бери ҳал этишга интилиб келишяпти. Чунончи, сув ва нурнинг тўлқинсимон, корпускуляр ҳаракатлари, электрмагнит майдонлари, квант энергияси, оптик электроника янгилликлари, лазерлар ва квазарлар, шарсимон чақмоқлар кейинги асрларда кашф этилган бўлса-да, аммо қадимият олимлари шу ва шунга ўхшаш ҳодисалар тўғрисида бош қотирган бўлиши мумкин. Тоҳир Малик «Тириклик суви»да ана шундай табиат ҳодисаларидан бирини тасвирлайди. Белоеён сахро. Атрофда жон зоти йўқ. Илон оловчилар бўронда қолиб, ҳалокатга учраётганда мўъжиза юз беради. «Гуруҳбоши дам олишга чодир тикиш учун текисроқ жой излашни маслаҳат қилди. Илон оловчилар шу ният билан иккинчи бархан устига чиқишди-ю, ҳайратдан донг қотиб қолишди. Уларнинг кўз олдига ям-яшил майсага бурканган каттагина яланглик ястаниб ётар, унинг ўртасида қудуқ ҳам кўриниб турарди. Илон оловчилар бу тагин сароб бўлмасин, деган хавотирда аста тушиб боришди, енгил шамолда чайқалаётган майсаларни кўзларига ишонмай сийпаб ҳам кўришди. Йўқ, бу сароб эмасди. Энг қизиги, атрофда шунақанги бўрон турганда ялангликка ҳатто битта хас тушмабди...» Ёзувчи ҳозирги замонда юз берган бу воқеани минг йил аввалги ҳаёт билан боғлайди. Худди шу сахро ўртасидаги майсазорда Ибн Сино ҳам ҳайратга тушиб, ўлган одамни тирилтирувчи дори ясайди. Аммо ўзи ҳам бу мўъжизанинг сирини билмай ўлиб кетади. Сахродаги мўъжиза ҳар уч юз йилда бир кўринар экан. Тоҳир Малик ҳикояни охирига етказмаган. Сахродаги сир ҳам очилмаган. Бу сирни ҳозиргача ҳеч бир олим очолмаган. Оламда

бундай сирлар кўп. Уларни одамларнинг минг йиллардан кейинги авлодлари тушуниб етишлари мумкин. Ҳикоя шундай ўйларга фарқ қилади одамни...

Тоҳир Малик ҳикоясида Ибн Сино умрида бир марта кўрган табиат мўъжизаси — сахро ўртасида яшнаган жойнинг ҳам қадимги вақтларда реал замини бўлган экан. Чех шарқшуноси Йозеф Клима у дунёдаги жаннатнинг бу дунёда реал, тарихий асоси — модели борлиги ҳақида ёзади: «Юқори Бобил ўша вақтда Аккад деб, қуйиси — Шумер деб аталар эди. Тавротда тасвирланган Одам ва Ҳаво яшаган жаннат худди шу ўртага жойлаштирилган. Чунки, худди шу жойда атрофдаги чўлу биёбонлардан, хувиллаган тоғлардан кескин фарқлиниб турувчи ям-яшил хурмозор, анорзор боғлар, чаманлар, шарқираб оқувчи анҳорлар бор эди»¹.

«Тириклик суви» ҳикоясининг қиммати мана шу табиат мўъжизаси тасвиридагина эмас, албатта. Тоҳир Малик бу ерда инсон ҳаётининг ҳам даҳшатли сирларга тўлиқлигини икки чўрининг қисмати орқали кўрсатади. Ибн Сино бояғи мўъжизавий яшил «королда тириклик сувини кашф этиб, фалокатга учраган гўзал жувонни ва кампирни ўлим чангалидан қутқариб қолади. Иккала аёлнинг даҳшатли ўтмиши ҳамма учун сир. Аммо Ибн Сино башоратли туш кўрмоқда. Унинг кўз олдига кампирнинг гўзал қизлик чоғлари гадаланади. Чўри қизнинг болаларини бирин-кетин қандайдир жодугар қумга кўмиб ўлдиради. Қиз кампирга айланади, энди кампир бошқа бир гўзал қизнинг ҳомилисини қумга кўмиши керак. Аммо кампир қотилликдан воз кечади... Ибн Сино чўчиб уйғонади, энди жувон билан кампирнинг сиридан огоҳ. Кампир алломанинг авлиёлигига тан беради. Ҳикояда гўзал чўриларнинг фожиали қисмати фақат йўл-йўлакай эслатиб ўтилади, улар фожиасининг сабаблари очилмайди. Аслида бу асар қиссадан парчага ўхшайди ва у Тоҳирнинг ижодий услубига янги, ғалати ранглар кириб келаятганлигидан далolat беради.

Кўриниб турибдики, Миркарим Осим ижодини ҳисобга олмаганда, ҳозирги ўзбек тарихий ҳикоячилиги ҳақида қизиқарли умумлашма фикрлар айтиш учун афсуски, ҳозирча етарли асарларимиз йўқ. Тарихий бадий асар яратиш учун фақат ғайрат-шижоатнинг ўзи, она тарихга меҳр-муҳаббатнинг ўзи етмайди. Бунинг учун ўтмиш кўзгусидан минг йиллар чангини артиб, унутилиб, йўқолиб, зарраларигина қолган биринчи манбаларни топиб, сабр-тоқат билан ўрганиш керак. Ана шу топилмаларнинг замиридаги сирлар зулматини бадий заковат нури билан ёрита олиш керак.

Бу соҳадаги маънавий дастурхонимиз шунчалик камбағал экан, тарихий прозанинг машаққатли, масъулиятли жанрларидан бири — ҳикояга қўл урган озми-кўпми истеъдодли, виждонли ёшлар ижодига эътибор ва ғамхўрлик билан қараш керак деган мантиқий хулосага келамиз.

¹ Йозеф Клима. Общество и культура древнего Двуречья. Академия, Артия, 1967 год, стр. 5.

МАТНШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Адабиётшуносликнинг узвий қисмларидан бири текстология бўлиб, Шарқ халқлари адабиётшунослигида бунини матншунослик деб номланади. «Матн» текст деган маънони билдирса, матншунослик фан ва адабиётнинг турли соҳаларига оид асарларнинг тексти билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Филология ва бошқа бир қанча соҳаларда илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан текстологиянинг, яъни матншуносликнинг ривожланганига боғлиқ. Текстология Шарқда ҳам, Фарбда ҳам узоқ тарихга эга. Хусусан, бадий асарларнинг автор тексти — матнига эга бўлиш ёки автор текстига яқин ишончли қадим ва тўғри қўлёзма нусхасини қўлга киритиш ҳар қандай олим ва фозил кишининг орзуси, идеали бўлган.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай асарнинг, шу жумладан, бадий асар текстларининг турли ўзгаришларга, бузилишларга, оқибатда автор текстидан узоқлашувга дучор бўлиши ўтмишда одатдаги ҳодисалардан бўлиб, унинг сабаблари ҳар хил. Текстларнинг бузилиши гоҳо асарни кўчирувчи котиблар айби билан юз берган бўлса, гоҳо асар қўлёзмасини тайёрлашга буюрувчилар ихтиёри, дунёқараши, диди билан содир бўлган. XV асрга келиб, масалан, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»си текстлари ўртасидаги фарқлар шунчалик кўзга ташланиб қолганки, бу масала билан Ҳиротда маданият ва санъат ишларига бош-қош, шахсан Бойсунгур Мирзонинг ўзи (ҳукмдор Шоҳруҳ Мирзонинг учинчи ўғли) шуғулланган. Унинг раҳбарлигида «Шоҳнома»нинг тўла ва қадим нусхалари йиғилиб, бир-бирига қиёслаб ўрганилиб, бу шох асарнинг нисбатан мукаммал янги тексти тузилган. «Шоҳнома»нинг бизнинг тушунчамиздаги илмий текстлари юзага келгунга қадар шу текст мўтабар ҳисобланган.

«Мақоримул — ахлоқ» китобининг муаллифи Ғийёсиддин бинни Ҳумомидин Ҳондамир хабар беришича, Алишер Навоий ҳам давлат ва ўз ижодий ишлари билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай, ўзининг бутун бўш вақтини «китоб иборатларини тузатиш, маъноларини текшириш, далиллар билан исбот этиш»га сарф этган. Китоб кўчирувчи котиблардан у автор текстларини бузмасдан, ўзича ўзгартирмасдан, камолидиқат ва балимдонлик билан кўчиришни талаб қилган. У бир қитъасига «Ғалат битир котиб бобида қалам сурмак ва қаросининг ғалатин юзига келтурмак» деб сарлавҳа қўйиб, хатни бузиб ёзувчи котибни шундай фош қилади:

Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар.
Бу мансабдин они қўпармоқ керак.
Юзин номасидек қаро айлабон,
Қаламдек бошин доғи ёрмоқ керак.
Қародин қарога берибон улоқ,
Қаламдек бошин доғи ёрмоқ керак.

Ўтмишда матн масалалари билан катта-катта олимлар шуғулланган бўлсалар ҳам, лекин бу соҳанинг илмий принциплари ишланмаган эди. Шунинг учун биз уларни ушбу соҳада кўзга кўринарли ва жиддий ютуқларни қўлга киритдилар деб айта олмаيمиз.

Маълумки, текстология ўз ичига уч соҳани қамраб олади ва шу йўналишлар бўйича иш олиб боради: а) асарларнинг илмий-танқидий текстларини тузиш; б) асарларнинг академик характердаги текстларини яратиш; в) асарларнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган оммабоп текстларини тузиш.

Ўтмиш ўзбек адабиётига оид асарларнинг илмий-танқидий текстлари араб графикасида автор текстига яқин қилиб, асарнинг кўп қўлёзма нусхаларига таяниб, уларни бир-бирига қиёслаб тузилиши керак. Бунга бизда Порсо Шамсиев томонидан тузилган ва эълон қилинган «Фарҳод ва Ширин» (1963 йил), «Ҳайратул-аббор» (1970 йил) дostonларининг, А. Н. Кононов томонидан тузилган ва эълон қилинган «Шажараи тарокима» (1958 йил), С. Ғаниева томонидан тузилган ва эълон қилинган «Мажолисун — нафоис» (1961 йил) асарларининг илмий-танқидий текстлари яхши мисол бўла олади. Бундай илмий-танқидий текстлар асосида эса мазкур асарларнинг академик ва оммавий текстлари яратилади. Академик нашр изоҳли нашр бўлиб, асардаги ҳозирги замон китобхонига тушунилиши қийин бўлган барча атамалар, географик номлар, тарихий шахсларнинг исмлари, айрим мураккаб ибора ва образлар, текстда юзага келган фарқлар, тасвирдаги тарихий шароит ва ёзувчи ҳаёти билан боғлиқ моментлар изоҳланади. Оммавий текстлар деб биз кўп тиражда босиладиган, изоҳланган, баъзи ҳолларда ҳатто соддалаштирилган, маълум мулоҳазалар билан қисқартирилган текстларга айтаимиз.

Ўзбекистонда совет давридагина текстология фаннинг муҳим ва махсус бир тармоғи сифатида юзага келиб ривожлана бошлади. Ўзбек текстологиясининг шаклланишида рус шарқшунос олимларидан А. Н. Самойлович, Е. Э. Бертельс, А. К. Боровков, А. Н. Кононов ва бошқаларнинг роли катта бўлди. Улуғ Ватан уруши арафасида латин алфавитида нашр этилган Алишер Навоий асарларини, хусусан «Хамса»

достонларини сўзма-сўз насрий баёни билан кўздан кечирадиган бўлсақ шу нарса аён бўладики, у даврда ўзбек текстолог олимлари ўтмиш ижодкорлар асарларининг ишончли текстларини яратилишининг кўпгина принципларидан беҳабар бўлганлар. Жумладан, Навоий достонлари тексти, бинобарин, уларнинг насрий баёни ҳам асос-этибори билан хатоларга тўла литографик нашрлар асосида амалга оширилган. Бу ҳақда кейинчалик Е. Э. Бертельс «Навоий» китобида: «...бу текстлар, гарчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлса ҳам ёмон манбаларга асослангани, баёнларда кўп ҳарфий хато ва ноаниқликларга йўл қўйилгани учун илмий талабларга жавоб бера олмас эди»¹, — деб ёзганида тўла ҳақли эди.

Улуғ Ватан уруши даврида Тошкентга вақтинча кўчиб келган Е. Э. Бертельс, А. К. Боровков каби катта шарқшунослар билан ўзбек текстологлари орасида яқин ҳам-корлик юзага келди.

Бу ҳамкорлик ўзбек совет матншунослиги тарихида чуқур из қолдирдигина эмас, балки бу соҳанинг кейинги давр ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. 50—60-йиллардаёқ ўзбек классик адабиётининг Маҳмуд Қошғарий қаламига мансуб «Девону луғотит турк» (Солиҳ Муталлибов нашрга тайёрлаган), Юсуф Хос Ҳожиб ижод этган «Қутадғу билиг» (Қаюм Каримов нашрга тайёрлаган), Алишер Навоий даҳоси билан яратилган «Хамса», «Хазойинул-маоний» (Ҳамид Сулаймонов нашрга тайёрлаган), Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг шоҳ асари «Бобирнома» (Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаев нашрга тайёрлаган) каби монументал ёзма обидаларининг илмий текстлари юзага келди. Булар ёш ўзбек совет матншунослигининг улкан ютуқлари бўлиб, Иттифоқ миқёсида ижобий баҳоланди. Чунки бу асарларнинг илмий текстларини нашрга тайёрловчилар чиндан ҳам мураккаб вазифаларни амалга оширдилар, ўз фаолиятларида совет текстология фанининг илғор илмий принципларига амал қилдилар. Бу нашрларнинг бош фазилати текстларнинг энг қадимги қўлёзма нусхалар асосида, уларни бир-бирига қийслаб тузилганидадир. Жумладан, «Қутадғу билиг»нинг 1971 йилги тўлиқ нашри асарнинг қадимги ва тўлиқ Наманган қўлёзма нусхасига асосланган бўлса ҳам, лекин бу асарнинг тексти устида иш олиб борилганда, Вена, Қоҳира нусхалари ҳам ҳисобга олинган. Худди шунингдек, «Бобирнома»нинг 1960 йил нашри ҳам асарнинг қадимги тўлиқ ва мўътабар Лондон, Анқара қўлёзма нусхаларига суянилган ҳолда амалга оширилди.

Бизда текстологиянинг тараққиёти матншунос олимлар номи билангина боғлиқ эмас. Биринчи манбалар устида илмий тадқиқот олиб борувчи кўпгина адабиётшунослар ҳам, асосий касбига қўра матншунос бўлмаса ҳам текстологик текшириш ишлари олиб боришга мажбур бўлган ва бу соҳада муҳим вазифаларни амалга ошириб, текстология ривожига ўз ҳисса-

ларини қўшганлар. Чунки бир асар ёки бир ижодкорнинг фаолияти устида илмий тадқиқот олиб бориш, бу борада бирон илмий хулосага келиш учун олдин текстологик ишларни бажариш керак. Масалан М. Қодированинг текстологик тадқиқотлари натижасидагина биз севикли шоирамиз Нодиранинг «Юмонида» ва «Макнуна» тахаллуслари билан ҳам шеър ёзганини билиб олдик. А. Мадаминонов эса шоир Узлатнинг Нодир, Шариф, Маҳжур каби тахаллуслари ҳам бўлганини аниқлади. Шарқ адабиётлари тарихида бундай ҳоллар бўлиши мумкин. Ҳ. Сулаймоновнинг «Хазойинул-маоний», айниқса «Фоний девони» устида олиб борган текстологик ишлари, бу девонлар таркибидаги шеърлар миқдорини аниқ белгилаши эса шу вақтга қадар Навоийга нисбат бериб келинган ўнларча ўзбекча ва форсча шеърларнинг Навоий — Фонийники эмаслигини кўрсатди. Бунинг натижасида «Яли-яли» номи билан машҳур бўлган кўшиқ, «Ба турки сўзласам...» деб бошланган ғазал Навоий асарларидан чиқарилди.

Ҳодӣ Зарифов Бурҳониддин Рабғузийнинг асари «Қиссасул анбиё» эмас, балки «Қиссаи Рабғузӣ» деб аталиши шартлигини исботлади. Чунки бу асарда гап фақат пайғамбарлар ҳақида бормайди. Бобораҳим Машрабга нисбат бериб келинган «Мабдаи нур» асари Машраби Сонийники бўлиб чиқди. Амирий (XIV—XV аср), Машраб, Муқимий, Фурқат каби бир қанча шоирларимизга нисбат бериб келинган қатор шеърлар бошқа авторларга тегишли экани аниқланди. Булар ҳаммаси текстологларимизнинг, текстология фанимизнинг кейинги йиллардаги ютуқларидир.

Кейинги чорак асрлик ўзбек матншунослиги тарихига назар ташласак, бунда марҳум текстолог олимларимиздан Парсо Шамсиев ҳамда Ҳамид Сулаймонов амалга оширган ишларнинг салмоғи яққол кўзга ташланиб туради. Парсо Шамсиевнинг кўп йиллик муттасил хизматлари тўфайли. Навоий достонларининг илмий ва илмий-оммабоп текстлари тузилди. Олим «Хамса» достонлари текстларини бу достонлар мажмуасининг энг қадим ва энг яхши қўлёзма нусхалари — Абдуҷамил котиб нусхаси (Тошкент), Султонали Машҳадий нусхаси (Ленинград), Қозон нусхаси асосида яратган бўлиб, уларнинг илмий қиммати бешак ва бешубҳадир. Бундан ташқари Парсо Шамсиев Навоийнинг «Маҳбулбул-қулуб», «Муҳокаматул — луғатайн», «Хамсатул — мутаҳаййирин», «Муншаот», «Вақфия», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби асарларининг илмий ва илмий-оммабоп текстларини ҳам биринчи бўлиб ҳозирги замон китобхонларига етказди.

Ҳамид Сулаймонов Навоий асарлари ичида текстологик нуқтаи назардан энг мураккаб бўлган «Хазойинул — маоний»га қўл уриб, унинг тўла нашрини амалга оширди. Илмий текстини яратиш учун бу асарнинг Совет Иттифоқидаги ноёб қўлёзма нусхаларидан фойдаланди. Текстология тараққиёти манбашунослик билан чамбарчас боғланган бўлиб, Ҳ. Сулаймонов чет эл қўлёзма фондларидаги ўзбек адабиётига оид бир қанча асарларнинг қўлёзмаларини аниқлагани ҳам унинг муҳим хизматлари-

¹ Е. Э. Бертельс. Навоий, Изд-во АН СССР, М.-Л., 1948, стр. 85.

дандир. Улар орасида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридан Ҳофиз Хоразмий девонининг микрофильми олиб келингани ва унинг асосида шоир девони тўла ҳолда эълон қилингани катта аҳамиятга эга.

Текстолог — олимлар зиммасига бой адабий меросимизга тегишли бўлган энг яхши асарларнинг оммавий текстларини тузиш, шу тарзда меросимизни халқ орасида яхши тарғиб қилиш вазифаси ҳам туради. Биз бу масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Оммавий текстлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, илмий-танқидий текстлар асосида тузилиши керак. Аммо ўтмиш адабиёт асарларининг аксариятининг илмий текстлари яратилмаган. Айни вақтда ҳамма асарларнинг илмий текстини тузиш қийин. Илмий текст яратиш учун аввало қадимги яхши қўлёзма нусхалар бўлиши керак. Бу имкониятга биз доим ҳам эга эмасмиз. Шу билан бирга бу ишнинг уддасидан чиқадиган илмий кадрлар ва уларга имкониятлар яратилиши зарур.

Адабий меросга бўлган қизиқиш эса бизнинг мамлакатимизда тобора ортиб бормоқда. Бу вазиятда илмий-танқидий текст тузилишини зарур деб топган асарларнинг текстлари бевосита бирон қўлёзма манбадан ҳозирги замон ўзбек алфавитига кўчирилади. Буни транслитерация дейилади. Биз кўпчилик ҳолларда шундай текстларга эгамиз. Бундай текстлар илмий мукамалликдан узоқ бўлса ҳам, омманинг биринчи эҳтиёжини қондириш жиҳатидан керак. Шу йўсинда биз ҳозирги кунда кўп классиклар ва уларга замондош авторлар асарларининг нашр этилган нусхаларига эгамиз. Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Отойи, Гадоий, Саккокий, Муҳаммад Солих, Мажлисий, Машраб, Турди, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Нодира, Махмур, Муқимий, Фурқат, Завқий, Мирий ва бошқаларнинг асарлари шу хил нашрларда бизга маълум.

Шубҳа йўқки, бу хил нашрлар ҳам нуқсонсиз, пишиқ бўлиши, ёзувчи (ёки шоир) ижодининг, яратилган даврининг хусусиятларини ўзида тўла акс эттириши лозим. Ҳар қандай текстнинг, шу жумладан оммавий текстнинг ҳам бош фазилати тарихийлик принципига изчил амал қилиниб тузилишида. Шу билан бирга текстологиянинг, умуман ҳар қандай нашрнинг, хоҳ академик нашр бўлсин, хоҳ оммавий, яна бир фазилати ундаги текстнинг тўғри ўқилиши ва ёзилишида. Бу эса текст тайёрловчининг умумий билим савиясига, тажрибасига, асарнинг, қўлёзманинг умумий ва специфик хусусиятларини конкрет тушуниб олишига боғлиқ. Баъзи ҳолларда транслитерация иши илмий текст тузишдан осон эмас. Илмий текстда қўлёзмадаги сўз ва иборалар ёзуви қандай бўлса айнан ўшундай кўчирилаверади. Транслитерацияда эса сўз ва иборалар маъноси ғоят конкрет ва аниқ, китобхонга тушунарли бўлиши керак. Масалан, «Лисонут — тайр» дostonининг илмий-танқидий текстида шундай байт бор:

بزمی گری شهر اولسا گری یازی یابان
بیز قیلیب باشیغه پردین سایه بان

Бу байт транслитерацияда қуйидагича берилган:

Базме гар шаҳр ўлса, гар ёзйабон,
Биз қилиб бошига пардин соябон.¹

Қушлар Ҳудҳудни мақтаб шундай дейдилар. Шу байтни ҳозирги алфавитга кўчиришда бир неча ноаниқликларга йўл кўйилган. «Базме» эмас, «базми», чунки Сулаймон пайғамбарнинг базми кўзда тутилмоқда. «Ёзйабон» сўзи «ёзиёбон» шаклида бўлиши керак эди. Айниқса, «биз қилиб» эмас, «без қилиб» деб ёзиш шарт эди. Чунки иккинчи сатрда «Сен-Ҳудҳуд ўз патларингдан соябон қилиб, барча қушларга ҳам ҳукмон бўлган Сулаймон пайғамбарнинг бошини безагансан!»— деган фикр баён этилмоқда. Яъни «без қилмоқ» «безамоқ» деган маънода қўлланган. Демак, транслитерация автори бунда сўзларнинг, Навоий байтининг тарихий маъносига ҳам, сўзнинг тарихий-луғавий маъносига ҳам тушунмаган ёки аҳамият бермаган.

Транслитерация омма ўқийдиган текст. Шунинг учун уни тузишга ҳам максимум диққат ва эътибор берилиши, бирон сўз ва жумланинг нотўғри ёзилишига йўл қўйилмаслиги, ҳатто тиниш белгилари ҳам ўз ўрнига тўғри қўйилиши талаб қилинади. Масалан, шу «Лисонут — тайр»нинг Ҳудҳуд мадҳиясига оид қисмида:

Ҳарне ўлса айлаган дамсозлиқ,
Айшида қилгон аён ҳамрозлиқ —

деган байт бўлиб, бу ўринда «ҳарне» сўзи «ҳузне» деб ёзилиши керак. «Хузн» ҳафчилик, ғамгинлик деган маъноларга эга. Шоир бу байтда Ҳудҳуд Сулаймонга ҳафчилигида ҳамрозлик қилган!— демоқчи. Иккинчи мисра биринчи мисранинг маъноси ни очишга ёрдан бермоқда. Илмий-танқидий текстда ҳам «ҳузне» деб ёзилган. Транслитерация вақтида бу сўз хато ўқилган ва маълум даражада текст маъносига путур етган. Бундан сал олдинги бобда эса «Бўлдилар муҳтож охирул гуруҳ» мисрасини «Бўлдилар муҳтож охир ул гуруҳ» деб ёзгандагина маъно чиқади.

Бу хил камчилик ва нуқсонларни биз бошқа классикларнинг асарлари нашрида ҳам мўл-кўл учратамиз. Масалан, Отойи шеърларининг 1958 йил нашрида 141-бетда:

Пари руҳсорларнинг Хисрави сен...

деган мисра бор. Мисранинг бу шаклда ёзилишидан шоир ёрга мурожаат этиб, «Сен пари руҳсорларнинг Хисрави сен!»— дейиш билан у ёрни қадим Эрон подшоҳи Хисрав Парвезга ўхшатаётгандай. Аслида эса «Хисрав» сўзи «шоҳ», «подшоҳ» деган маънони ҳам билдириб, шоир бунда ёрни: «Сен пари руҳсорлар яъни гўзаллар подшоҳисен!» — демоқчи. Бинобарин, ушбу сўз кичик ҳарф билан «хисрав» деб ёзилиши мақсадга мувофиқ кўринади. Китобнинг 43-бетидаги:

Кўзларингдур, эй санам, куффори
ҳайбардин мурод...

мисрасида эса «ҳайбар» катта ҳарф билан «Ҳайбар» деб ёзилиши мақсадга мувофиқ эди. Чунки бу Афғонистон билан Покистон

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 18-бет.

орасидаги машур довоннинг номи. Шу нашрдаги бир ғазалда:

Кетурса хандан ширинга лаъли
майгунун,
Юз аялғи шайх, валини шароб хора
қилур —

деган байт бор. Бунда ҳам ғоят кўпол хатога йўл қўйилган. Аслида «юз аялғи шайх» ибораси «юз йилғи шайх» деб ўқилиши ва ёзилиши керак эди. Чунки «юз йилғи шайх» «юз яшар кекса» деган маънони билдиради:

Кетурса хандан ширинга лаъли
майгунун,
Юз йилғи шайхи валини шаробхора
қилур.

яъни: «Агар у гўзал майгун лаблари билан чиройли бир кулса, ҳаққа етишган юз яшар кексалар ҳам ўзини шаробга уриши ҳеч гап эмас».

Мавлоно Лутфий асарларининг 1965 йил нашри ҳам бундай нуқсонлардан холи эмас. Масалан,

Улус ичинда дурур ўз бегим қиё
кўзлук;
Хаёли тўқтамиш ондин кўнгул
саройинда —

деган байтда (34-бет) «ўз бегим» сўзлари «ўзбегим» деб ўқилиши ва ёзилиши зарур. Чунки Лутфий бу ўринда ўзбек гўзалларининг қиё кўзлари ҳақида сўзламоқда. Бу ўринда эҳом санъати қўлланган бўлиб, «Тўқтамиш», «Саройинда» сўзлари бош ҳарфлар билан ёзилса ҳам бўлади. 234-бетдаги:

Ул тани сиймин уза ел текса титрар
кўнглаки,
Титрагай андоқки мудҳал ганж ила
мос устина —

байтида «мудҳал» (?) сўзи «мудхил» формасида ёзилсагина шеър мазмунига тўғри келади:

Шабадада у кумуш тан гўзалнинг
кўйлаги
қилпираб титрагани титраган;
Бу эса олтин — кумуш хазина ва
бошқа бойликлар устида
қалтираб ўтирган хасисни эслатади.

Бу билан Лутфийнинг байти аъъанавийликдан қутулиб маълум даражада ижтимоий мазмун касб этади.

Лутфийнинг 258-бетдаги:

Тор оғзингу лабингни кўруб танг
қолмишам;
Ким кўрди руҳи жавҳари, Ҳотам
нигинаси —

байтида ҳам «Ҳотам нигинаси» «хотам нигинаси» деб ўқилиши ва ёзилиши керак. Чунки бу ерда гап Ҳотамнинг узуги ҳақида эмас, балки узук (хотам)нинг кўзи ҳақида бормоқда. Яъни, маъшук оғзининг торлиги узукнинг кўзига қиёсланмоқда.

Бу хил камчиликларни ҳамма ўтмиш шоирларимиз асарлари нашрида у ё бу миқдорда учратиш мумкин. Улар китобхонни, албатта, ранжиртади.

Бу тип нуқсонларнинг аксарияти текст тузувчиларнинг бепарволиги, текстларни ўқишга ижодий тарзда эмас, балки меха-

ник тарзда ёндашувчи, текстнинг ички мазмунига чуқур кирмагани ёки кира олмагани, образларини тушунмагани, шошма-шошарлик оқибатида содир бўлган. Акс ҳолда, Отойи «Танланган асарлар»ида:

Эй кўзи жайран, қаро кирпуклари
сайёдлар,
Кофири зулфунг неча қилғай манга
бедодлар...—

матлаи билан бошланган ғазал икки марта босилганини (47 ва 55-бетлар) қандай изоҳлаш мумкин?!

Текстологлар биринчи навбатда ўзларига талабчан бўлишлари керак. Марҳум олимимиз Порсо Шамсиев шундай текстологлардан эди. У киши «Бобирнома»даги маълум жой номи «Ургут»ни олдинлари «Иркит» деб нотўғри ўқиганларини таассуф билан гапириб берардилар. Чунки эски ёзувда бир сўзини бир неча хил ўқиш мумкин-да! Эсимда, устоз «Хамса» дostonларидан биридаги **توبه** сўзини бир неча дақиқагача тўғри ўқий олмадилар, сўнг бирдан ҳаяжон билан: «Ҳа, бу ўзимизнинг «тепа» маъносидаги «тўба-ку!» — деб юбордилар. Чиндан ҳам туркий халқларда, масалан, қозоқларда бу сўзнинг қадим варианты ҳозир ҳам қўлланади. Шу маънода биздаги «Оқтепа» қозоқчада «Оқтўба» деб талаффуз этилади.

Текстологияда битта сўзнинг тўғри ўқилиши ҳам воқеа ҳисобланади. Бир сўзнинг нотўғри ўқилиши баъзан жуда катта хатоларга, асарнинг ғоявий моҳиятини бузишга, чалкаш хулосалар чиқаришга олиб келиши мумкин. Масалан, Навойининг «Мажолисун—нафоис» асаридаги шоир Мавлоно Қабулийга оид қисмда шундай жумлалар бор: «Мавлоно Қабулий фақир киши эрди. Бозорчаи Маликча ғазлфурушлуғ дўкони бор эрди...». Бунда «ғазлфурушлуғ дўкони бор эрди» дегани «ипфурушлик дўкони бор эрди» деган маънони билдиради. Бу тушунарлик. Чунки у даврда Ҳирот ва бошқа шаҳарларда бундай дўконлар ва ипфурушлар кўп бўлган. Лекин Шарқ адабиётининг Е. Э. Бертельсдек катта билимдони шу бир сўз — «ғазлфурушлуғ» сўзини «ғазалфурушлуғ» деб ўқиб, «Навойи» монографиясида бундан асоссиз равишда куйдаги фикрларга келган эди:

«Ғазал билан савдо қиладиган махсус савдогарлар бўлиб, уларга бирон лирик шеърдан нусха кўчириб беришни буюриш ва кейинчалик бундай ҳар хил шеърлардан яхши кўриб қолинган шеърларнинг антологиясини тузиш мумкин эди».¹

Демак, равшанки, текстни нотўғри ўқиш аввало тадқиқотчиларнинг ўзларини адаштиради, уларни нотўғри фикрларга йўллайди.

Яхши текст тузиш учун классикларимиз ижодини, Шарқ адабиёти тарихини, оғзаки ижод тарихини, турли диний ва афсонавий ривоятларни, услуб йўналишларини, шеърый санъат қоидаларини мумкин қадар мукамал билиш, ёзувларнинг хилларини бириридан фарқ қилиш, индивидуал хат хусусиятларини пухта эгаллаш мақсадга мувофиқдир. Яшаган даври бизга қоронғи бўлган ижодкорларнинг услубига, сўз қўллаш йўлига, асарларидаги тил ва лексика-

¹ Е. Э. Бертельс. Навои, стр. 28.

қатлам хусусиятларига қараб баъзан бу асарларнинг ёзилган даврини белгилаш мумкин. Масалан, Ҳофиз Хоразмий шеърларидаги тил ва услуб унинг ҳар ҳолда Лутфий, Гадоийдан кеч ўтмаганини кўрсатади. Текстолог шу фикрга қўшилса, у шу давр руҳидан келиб чиқиб шоир девонининг текстини тайёрлаши керак.

Ёш олимларимиздан бири Навойнинг форсча ғазалларидан бирида Умар Хайём шеърдан тазмин санъати асосида келтирилган бир сатр шеър бор! — деб даъво қилади. У қуйидаги байтнинг иккинчи сўзидир:

Фоний агарат даъвийи ойини фано
ҳаст,
«Аз рафта таассуф маҳўр, аз номада
махуруш».

«Девони Фоний»нинг 1965 йил нашрида бу ғазал бор, ammo Хайёмдан олинган мисра қўштирноқ билан ажратиб ёзилмаган. Натижада у Навой шеърининг бир мисраси сифатида ўқилиб, қабул қилиниб келинган. Навой асарларида Умар Хайём номи ҳеч зикр этилмайди. Биз икки буюк шоир асарларининг баъзиларидаги ғоявий ва бадиий яқинликдан келиб чиқиб, Навой Хайём шеърятидан яхши хабардор бўлганини айтиб келар эдик. Навойнинг бу ғазалида тазмин санъати борлиги ва бу тазмин Умар Хайёмдан экани исбот этилса, адабиётшунослигимиздаги муҳим бир саволга конкрет ва ишончли жавоб берилган бўлади. Демак, классикларимиз асарларининг пухта текстларини тузиш матншунослардан кенг ва чуқур билимдонликни, меҳнатни, синчковликни талаб қилади.

Аmmo бу камчиликларга қараб биз текстология соҳасида қилинган ва қилинаётган ишларнинг кўламини, аҳамиятини камситмаслигимиз зарур. Ҳозирги вақтга келиб адабий меросимизнинг катта қисми халқ оммасига етиб борди. Навой, Машраб, Муқимий, Фурқат, Аваз каби классикларимизнинг асарлари қайта-қайта нашр этилиши натижасида улардаги текстологик нуқсонлар тобора камайиб бормоқда. Лекин баъзи классикларимиз асарлари кўп йиллар давомида қайта нашр этилмаслиги натижасида улар устидаги текстологик тадқиқотлар ҳам тўхтаб қолмоқда. Классиклар асарларини вақти-вақти билан системали нашр этиб туришни одат ҳолига кiritиш ҳар томонлама фойдалидир.

Текстология соҳасидаги бизнинг ҳозирги катта камчилигимиз классикларимиз асарларининг илмий-танқидий текстларини тузиш бўйича ишларнинг сусайиб бораётгани, бу ишларга оид кадрлар ниҳоятда оз тайёрланаётганидир. Бу эса ўзбек текстология фанининг назарий проблемаларини ўрганишни, текстологиямиз эришган тажрибаларни назарий умумлаштиришни, рус ва бошқа қардош республикаларда бу борада йиғилган тажрибаларни ўзбек текстологияси ривожига хизмат қилдиришни кениктирмоқда. Машҳур рус совет текстолог олими академик Д. С. Лихачев 1962 йили ўзининг «Текстология» деб аталган монографиясини эълон қилди. Бу китобда муаллиф ўзининг X—XVII асрлар рус адабиёти текстлари устидаги ишларини чуқур илмий асосларда ёритади.

Унинг тажрибаларининг кўп қисми ўзбек ва бошқа халқлар адабий меросини ўрганишга ҳам бемалол татбиқ этилса бўлади. Шу автор ўзининг «Текстология» деб аталган қисқача очеркида (1964 йил) эса текстология принципларини катта маҳорат билан баён қилади. Бу хил илмий тадқиқотлар ўзбек матншунослиги учун ҳам сувадай зарурлигини ортиқча изоҳлаб ўтиришга ўрин йўқ.

Ёш матншунос олим Ваҳоб Раҳмонов профессор Фулом Каримов ва Субутой Долимовларнинг Муҳаммадризо Гаҳий асарларининг олти томлигига ёзган тақризида ушбу нашр камчиликларини умуман тўғри кўрсатган. Манба сифатида хизмат қилаётган қўлёзмаларни тўғри ўқий билиш — бу текстологнинг асосий бурчи. Бироқ ҳеч бир текстолог узоқ ўтмиш асарлари текстларини хатосиз ўқишга олдиндан сўз бера олмайди. Адабиётимиз тарихига доир асарларнинг илмий текстлари бирданга эмас, секин-аста такомиллашиб боради. А. С. Пушкин асарлари текстлари устида бир неча авлодлар иш олиб бормоқда. Бундаги ҳар бир мавҳум, ноаниқ сўзнинг тўғри ўқилиши пушкиншуносликда бир байрам бўлган. Бари бир бу иш ҳали ҳам охирига етган деб ҳисобланмайди. Текстология бизда фаннинг ёш соҳаси. Шунинг учун текстологик ишларга баҳо берганда уларда юз берган камчиликларни кимдир атайлаб қилган! — деган таассурот туғдириш тўғри бўлмайди. Шу билан бирга текстология деганда транслитерациянигина тушуниш ҳам бирёқламалик бўлур эди.

Бизнинг эътибор берилиши лозим бўлган соҳаларимиздан яна бири адабиётимиз классиклари асарларининг академик нашрларини тайёрлашдир. Бу соҳада ўзбек совет адабиётининг йирик вақиллари — Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон ижодлари бўйича тузилаётган кўп томлик нашрларда маълум ишлар қилинди ва қилинмоқда. Лекин бу типдаги ишлар ўзбек классиклари ижодига нисбатан бошлангани ҳам йўқ. Бу борадаги энг зарур вазифалардан биринчиси — Алишер Навой асарларининг академик нашрини яқин йилларда амалга оширишдир.

Матншунослигимиз диққат қилиши керак бўлган масалалардан яна бири ўтмиш авторлари асарларининг оммавий нашрларига ҳам изоҳлар илова қилишдир. Ўтмиш асарларнинг кўпгина сўзлари, улардаги исмлар, географик номлар, грамматик иборалар, атамалар ҳозирги замон ўқувчисига қоронғи. Вақт ўтиб бориши билан бу жараён чуқурлаша боруви ҳам ҳаммага аён. Бинобарин уларни изоҳламасак текст китобхонга етиб бормади, текстолог меҳнати бекор кетди, деган гапдир. Оммавий текстлар академик характерда бўлмаса ҳам лекин яхши сўзбоши ва изоҳлар билан таъминланган бўлиши шарт. Текстология фанимиз савиясининг баланд ё саёзлиги шу билан ҳам белгиланади.

Биз бу ўринда адабий меросимиз билан боғлиқ матншуносликнинг баъзи муҳим масалаларига тўхталдик. Ўзбек текстологияси олдида ҳал этилмаган масалалар анчагина. Унинг тараққиётига комплекс муносабатда бўлиб, текстологиянинг барча соҳалари баравар ривожланишини таъмин этиш лозим.




ҒАБИТ МУСРЕПОВ

ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Ғабит Мусрепов қозоқ совет ёзувчиларининг тўнғич авлодига мансуб. У Сакен Сайфуллин, Беимбет Майлин, Илс Жонсуғуров, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов каби атоқли адиблар билан бирга Октябрь революциясини шодиёна кутиб олган ва Қозоғистонда янги социалистик ҳаёт куриш учун курашда актив иштирок этиб, бугунги қозоқ адабиётининг пойдеворига фишт қўйган адиблардан. Унинг самарали ижод қилаётганига ярим асрдан ошди. Унинг асарлари қардош қозоқ халқи босиб ўтган тарихий йўлнинг, халқ эришган беқиёс маънавий-ижтимоий ютуқларнинг бадий инъикосидир. Айни чоқда, бу асарлар социалистик курилишни тезлаштиришда муҳим роль ўйнаган омиллар ҳамдир — улар халқ оммасини улғу ишларга отлантиришда, одамларда коммунистик жамият киҳиси учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга. Юксак ғоявийлик, халқ ва партия ман-

фаатларига садоқат билан қалам тебратиш, ўз маҳоратини ошириш устида тинимсиз изланиш, жаҳон классиклари, буюк рус ёзувчиларининг тажрибасини ижодий ўзлаштириш туфайли Ғабит Мусрепов кўпмиллатли совет адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб қолди. Унинг асарлари кўпгина ажнабий тилларга, СССР халқлари тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Ғабит Маҳмудович Мусрепов 1902 йил 22 март куни Шимолий Қозоғистонда — ҳозирги Қўстанай областига қарашли Пресногорький районидаги чекка овуллардан бирида туғилган. Волюсть бошлиқлари турли-туман амалдорлар бу овулга тез-тез келиб, қашшоқ аҳолининг бору йўғини шилиб, солиқ ундириб туришар эди. Мусреповлар оиласи ўн олти кишидан иборат бўлишига қарамай, муҳтожлик ичда фақирона ҳаёт кечирар эди. Бундай катта рўзгорни тебратиш учун ҳамма оила аъзолари ишламоғи керак эди. Ғабит болалик йилларидаёқ акалари Ғамид ва Собитлар билан бирга чўпонлик қилади. Албатта, ҳар қандай оғир кечган болаликда ҳам ёруғ кунлар, умрбод эсда қоладиган нурли дақиқалар бўлади. Ғабитнинг болалиги ҳам бундан мустасно эмас. Ғабит оға болалик йилларини эслар экан, она табиат гўзаллигига шайдолик қалбида худди ўша кезларда туғилганини, поёнсиз қозоқ чўлини, ям-яшил ўрмонларни, тиниқ ва беғубор чўл ҳавосини шу вақтлардаёқ севиб қолганини айтади. Худди шу йилларда унинг қалбида халқ оғзаки ижодига, қўшиқлар ва куйларга муҳаббат куртак ёза бошлайди. Бунда, айниқса, амакиси Ботпай ва унинг қизи Фотиманинг роли катта. Қўшни овулга узатилган Фотима отасиникига тез-тез келиб турар экан. Соҳибжамол бўлмаса-да, истараси иссиқ, қувноқ табиатли бу жувон қўбиз ва дўмбирани яхши чалар, жарангдор овозда қўшиқлар айтарди. Фотима келганида Ботпайнинг ўтовига теварак-атрофдаги овуллардан қўшиқчилар, дўмбирачилар йиғилишар ва улар ўртасида ўзига хос мушоира бошланиб кетарди. Бундай йиғинларда Охансара, Биржон каби машҳур оқинларнинг қўшиқлари, Абай шеърлари, Қўрмонғозининг жон олғувчи куй-



лари ҳам янграрди. Хуллас, Ботпай ва унинг серзавқ қизи Фотима овул ёшларида, шу жумладан, Ғабитнинг мурғак қалбида ҳам халқ санъатига қизиқиш ва иштиёқ уйғотган.

Октябрь революцияси ғалаба қилгач, қозоқ чўллари ҳам асрий уйқудан уйғонади, камбағал халқ қалбида умид туйғуларини алангалатиб, эркинлик шамоли эса бошлайди. Ғабит Мусрепов ўқитувчиси Бекетнинг тавсияси билан Пресногорьский олий-бошланғич ўқув юртига ўқишга киради. Бу мактабда ўқиш рус тилида олиб бориларди — бу ҳол Мусреповнинг улғайишида, рус тилини муқаммал билиб олишида катта ёрдам беради. Ўқиш тугаши арафасида оқ бандитлар исён кўтаришади ва ўқув юртининг саккиз талабаси билан бирга Ғабит партизанлар сафида туриб, исённи бостиришда иштирок этади. Шундан сўнг Ғабит Мусрепов ўз волостига кетади ва у ерда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш учун актив кураш олиб боради.

Шу йилларда унинг ҳаётида катта воқеа содир бўлади — у қозоқ адабиётининг асосчиларидан бири Собит Муқонов билан танишиб, дўстлашади. Бу дўстликнинг тарихини Собит Муқонов «Ҳаёт мактаби» деб аталган эсдаликларида батафсил баён қилган. 1923 йилда Мусрепов Собит Муқоновнинг даъвати билан Оренбургда бориб, рабфакка ўқишга киради. Ўқиш давомида у Сакен Сайфуллиннинг уйида Собит Муқонов билан бирга бир хонада туради. Бу факт Мусрепов биографиясидаги энг муҳим фактлардан биридир, чунки Сакен Сайфуллин ўша вақтдаёқ йирик шоир ва революционер сифатида шуҳрат қозонган эди. У республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимида ишлар ва хизмат тақозоси билан кўпинча сафарда бўларди. Аммо у Оренбургда — уйда бўлган кезларда унинг уйи ёш шоирлар, композиторлар, қўшиқчиларга тўлиб кетарди. Сайфуллин ёш ижодкорларни севар, уларнинг орасидан ҳақиқий истеъдод эгаларини қидириб топишга уринар, улар билан суҳбатлашиб, ҳол-аҳволларидан, ижодий ишларидан хабар топиб, қимматли маслаҳатлар берар, лозим бўлганда ҳеч қандай ёрдамини аямас эди. Бундай муҳит Ғабит Мусреповнинг ғоявий улғайишида катта роль ўйнади. Рабфак ҳам унга кўп нарса берди.

«Оренбург мени адабиётга ошно қилди. Мени, айниқса, Гоголь, Горький ва Жек Лондон маҳлиё этганди. Оренбургда мен биринчи марта ўлароқ бадиий ижод нималигини чинакамига тушуна бошладим».

Ғабит ижоддаги биринчи қадами 1926 йилда кўяди. Бу воқеа қозоқ совет адабиётининг яна бир бошқа атоқли вакили Беимбет Майлин номи билан боғлиқ. 1926 йилда Мусрепов рабфакни тугатиб, Оренбургда чиқадиган «Енбекши қозоқ» газетасида корректор бўлиб ишлаш бошлаган эди. Газетага эса Беимбет Майлин муҳаррирлик қиларди. Кунлардан бирида Майлин газетاداги бир материалдан қаноатланмасдан, уни қайта ишлашни ёш корректорга топширади. Корректор материални тубдан қайта ишлайди ва меҳнати-

нинг натижасини муҳаррирга кўрсатади. Иш Майлинга маъқул бўлади ва Мусреповга ёзишга уриниб кўришни маслаҳат беради. Мусрепов бу маслаҳатга амал қилади-ю, лекин ёзганларини Майлинга кўрсатишга, газетага таклиф қилишга тортинади. Мусрепов ҳикояларидан бирини рабфакнинг деворий газетасида эълон қилади. Тасодифан рабфакка келиб қолган Майлин ҳикояни ўқиб чиқади. Ҳикоя унга маъқул бўлади. Шундан кейин у Ғабитни тортинчоқлиги учун койиб, ижод билан жиддий шуғулланишга ундайди.

Ғабит Мусреповнинг матбуотда эълон қилинган биринчи асари «Тўфон ичида» деб аталган қиссадир. 1928 йилда босилган бу қисса Қозоғистондаги граждандар уруши ҳақида, революцион ўзгаришлар даврида оғир синовларни бошидан кечирган одамлар тўғрисида ҳикоя қилади. Унда меҳнаткаш халқнинг озодлик ва бахт учун олиб борган кураш йўли акс этган.

Ғабит Мусрепов ижодининг илк даврида яна кўпгина очерклар, ҳикоялар, қиссалар яратган. Булар орасида «Тинимсиз ўсиш», «Қўш чолқор», «Туннель», «Енгилган Исрофил», «Кўк уйдаги қўшилар», «Ҳаёт эртақлари», «Халқа тумшук» каби ҳикоя ва очерклар, «Илк қадамлар» деген қисса алоҳида ажралиб туради. Уларнинг ҳаммаси ҳам Қозоғистон ҳаётида содир бўлаётган муҳим ижтимоий-тарихий ҳодисаларга бағишланган. Изчил партиявий позицияда турган ёзувчи қишлоқни социалистик қайта қуриш жараёнини, овуллардаги синфий курашни, мураккаб, оғир курашларда янги ҳаёт ғалабасини тасвирлар экан биринчи навбатда, битта мақсадни — ўз ижоди билан меҳнаткаш халқнинг курашига ёрдам беришни кўзда тутди. Шунинг учун у янгилик курашчиларининг ёрқин образларини чизади, кураш жараёнида йўл қўйилган хатолар ва адашишларни хаспўшламайди, янги социалистик тузумнинг гўзаллиги ва афзаллигини тасдиқлайди. Масалан, «Қўш Чолқор» ҳикоясида ёзувчи қозоқ чўлларидаги тарихий ўзгаришларни жонли одамларнинг тақдири орқали очиб берган.

«Илк қадамлар» қиссасида эса қишлоқдаги синфий кураш кескин бўёқларда, бир-бирига зид турувчи кучлар орқали ифодаланган.

Ғабит Мусрепов 30-йилларнинг биринчи ярмида М. Горькийнинг «Италия ҳақида эртақлар» таъсирида «Она ҳақида ҳикоялар» туркумини яратади. Унга кирган «Онанинг ғазаб», «Онанинг мардлиги», «Она», «Ақлима» каби ҳикоялар майин лирик услубда ёзилган бўлиб, онанинг гўзаллигини ёрқин ифодалайди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам Ғабит Мусрепов бир қатор бақувват асарлар яратди. Бу йилларда, у, биринчи навбатда, драматург сифатида қалам теб-ратади. Ғабит Мусреповнинг «Қиз Жибек» (1934), «Омонгелди» (1936), «Қўзи Кўрпеш ва Баян сулу» (1939), «Охан-сери — Оқ-тўкти» ёхуд «Шоир фожиаси» (1941) каби асарлари қозоқ адабиётида катта воқеа бўлди. Уларнинг баъзилари ҳозирга қадар ҳам саҳнадан тўшмай келяпти.

Бу асарларнинг иккитаси халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган

бўлиб, ишқий-романтик характердаги драмалардир. Маълумки, қозоқ халқи жуда бой ва ранг-баранг фольклорга эга. Улар асрлар давомида ажойиб қаҳрамонлик эпоси, лиро-эпик дostonлар яратганлар. Бу асарларда қозоқ халқининг идеаллари, орзу-истаклари, эзгулик, олижаноблик, мардлик ҳақидаги тасавурлари акс этган. Айни чоқда, улар миллий рангларга бой, бадий жиҳатдан юксак асарлардир. Революциядан кейин кўпгина қозоқ ёзувчилари халқ ижодини қайта ишлаб, оригинал асарлар яратиш йўлидан бордилар. Бу жиҳатдан Мухтор Аvezов, Собит Муқонов ва яна бошқа кўпгина ёзувчиларнинг тажрибаси ибратлидир. Фабит Мусрепов ҳам шу санъаткорлар низдан бориб, «Қиз Жибек» музикали драмасыни яратди. Бу асар саҳнада минг мартадан ортиқ намоиш қилинди, кейинчалик унинг асосида опера, кинофильм яратилди. 1936 йилдаёқ— Москвада қозоқ адабиёти ва санъатининг биринчи декадаси ўтган кезларда «Қиз Жибек» пойтахт томошабинларига намоиш этилди ва кўпчиликнинг муҳаббатини қозонди. Уша пайтларда босилган айрим тақризларда бу асар ҳатто «Князь Игорь» операси билан таққосланди. Фабит Мусрепов бу асарида халқ ижодига тақлид қилиш йўлидан бормай, халқ дostonидаги айрим мотивларни чуқурлаштиришга интилди. Натижада Мусрепов асарида инсон эркини улуғлаш, эркин севгини мадҳ этиш мотивлари биринчи ўринга чиқди.

«Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув» асари ҳам халқ дostonлари асосида туғилган. Бу асар мазмуни, ғоявий йўналиши жиҳатидан ўзбекларнинг машҳур «Тоҳир ва Зухра»сини эслатади. Бу асарда ҳам Кўзи Кўрпеш билан Баян Сулув ўртасидаги соф ва гўзал муҳаббатни тасвирлаш орқали ёзувчи инсон шахсининг муқаддаслиги, эрки ҳақидаги ғояни тасдиқлайди. Бироқ тенгсизлик ҳукмрон бўлган шароитда инсон эркин бўлолмайдди. Ёзувчи Қорабой, Қодир, Жонтик кабиларнинг характери орқали патриархал урф-одатларни сақлаш учун курашган ва бу йўлда икки ёшнинг фожиали ўлимига сабабчи бўлган реакцион кучларни фош этади.

«Охан—сери ва Оқтўхти» трагедияси бу икки асардан фарқ қилароқ реал ҳаётий материаллар асосида ёзилган. Охан XIX асрнинг ўрталарида туғилган ва 70 йил умр кўриб, 1913 йилда вафот этган истъоддли қозоқ оқинидир. Ўтган асрларда унинг ажойиб шеърлари, оташнафас кўшиқлари қозоқ чўлларида жуда машҳур бўлган. Халқни ўйлаган, халқ дардини куйлаган бу оқин, албатта, ҳукмдор синф вакилларига ёқмаган—шунинг учун ҳам унинг ҳаёти фожиали кечган. Бу ажойиб инсон тақдири қозоқ ёзувчиларини ҳамма вақт қизиқтириб келган. Мухтор Аvezов «Абай» эпопеясида унинг тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Бизнинг кунларимизда эса истъоддли қозоқ прозаиги Сакен Жунусов «Охан-сери» романини яратиш, унда халқ оқинининг қиёфасини психологик жиҳатдан чуқур ва мукамал чизиб берди. Фабит Мусрепов 30-йиллардаёқ Охан-сери образига муржоат қилган ва Охан-сери билан Оқтўхти ўртасидаги муҳаббат воқеасини кўрсатиш орқали қозоқ халқининг ўтмишдаги эрк учун кура-

шини ифодалаган эди. Асарда XIX асрнинг 70-йиллардаги қозоқ воқелиги ўзининг жаммики ижтимоий-маънавий мураккаблиги билан ифодаланган. Биз бунда ҳам жамиятнинг илгор, тараққийпарвар кучлари билан жаҳолат тарафдорлари, кўҳна патриархал урф-офатларнинг ҳимоячилари, икки юзлама разил одамлар ўртасидаги ҳаёт-мамот жангини кўрамыз. Пьесада Охан-сери, Оқтўхти, Болта, Марзия, Желкелди каби ёшлар халқнинг энг яхши сифатларини эгаллаган одамлар тарзида кўринади. Улар зулмга, эрксизликка қарши кураш олиб борадилар. Бу образлар ичида, айниқса, Охан ажралиб туради. Охан жамиятдаги зиддиятларнинг синфий характерини тушуниб етмайди, у ҳали сиёсий курашчи даражасига кўтарилмаган, лекин шундай бўлса-да, феодалларнинг, бойларнинг, дин аҳллариининг реакцион моҳиятини англайди. «Халқнинг бўғиздан бўғиб ётган қонли тирноқлар парчаланмаса, мен бунда одамларга ёрдам беролмасам, бундай ҳаётдан нима фойда?» деб хитоб қилади Охан. У севгилиси Оқтўхти учун кураш олиб борар экан, бу курашни ҳам тор шахсий мақсадлар билан чекламайди, балки шахс эркинлиги учун кураш билан боғлайди. Охан курашда енгилди—унинг севгилиси Оқтўхти қурбон бўлади. Лекин асар пессимистик кайфиятдан маҳрум. Фабит Мусрепов курашда ғолиб чиққан қора кучларни шундай тасвирлайдики, биз уларнинг истиқболи йўқлигига, тарих майдонидан сулуриб ташланишига ишонамыз.

Фабит Мусреповнинг яна бир драмасы «Омонгелди» бўлиб, унинг ўзига хос ижодий тарихи бор. Бу асар, даставвал, 1936 йилда атоқли драматург Беимбет Майлин билан ҳамкорликда ёзилган эди. Асар Қозғистондаги граждaнлар уруши тарихига бағишланган бўлиб, айрим воқеаларни баҳолашда, воқеликнинг баъзи томонларини ёритишда хатолардан ҳам холи эмас эди. Автор драма устидаги ишни давом эттиради ва 20 йилдан кейин, яъни 1956 йилда унинг янги вариантини яратади. Бу вариантда қозоқ чўлларида совет ҳокимиятини ўрнатиш ва ҳимоя қилиш учун кураш билан боғлиқ бўлган воқеалар анча тўла ёритилади. Драма марказида—халқ қаҳрамони Омонгелди Имоновнинг образи туради. Автор унда меҳнаткаш халқнинг энг яхши сифатларини, озодлик учун фидокорона курашчанлигини, жасурлигини кўрсатган. Омонгелди кўп сифатлари билан русларнинг машҳур афсонавий қаҳрамони Чапаевга ўхшаб кетади. Драмада революцион кучларнинг фазилатлари ҳам, рус халқи билан қозоқ меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик ҳам яхши очилган.

«Омонгелди» драмасы Урта Осие ва Қозғистон халқлари адабиётидаги энг яхши тарихий-революцион асарлардан биридир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Фабит Мусрепов ҳам бошқа совет ёзувчилари каби бутун куч-қувватини, илҳомини фашизм устидан ғалабани тезлаштириш мақсадига бўйсундиради. У очерклар ва ҳикоялар ёзади, драматик асарлар ва сценарийлар яратади, публицист ва танқидчи сифатида қалам тебратади. Уруш йилларида ҳам Фабит Мусрепов аввалгидай ёркин, кучли шахслар характерини тадиққ этишда давом қилади. Бунинг натижасида у Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қайирғали Смагуловнинг

ҳаёт йўлини ва жанговар фаолиятини ўрганади ва уни прототип қилиб олиб, «Қозоқ ботири» деган қисса яратади. Кейинчалик бу қиссани тубдан қайта ишлайди ва «Қозоқ солдати» романи майдонга келади. «Қозоқ солдати» — қозоқ адабиётида Улуғ Ватан уруши темасида ёзилган биринчи йирик эпик асардир. Юксак ғоявий-бадий фазилатларга эга бўлган бу роман ўша йилларда бутун совет адабиётида сезиларли ҳодиса бўлди ва қисқа муддатда кўпгина қардош халқлар тиллариغا таржима қилинди, чет элларда босилди.

Романнинг марказида оддий қозоқ йигити Қайрош Сарталиев образи туради. Ёзувчи унда қозоқ миллий характерининг ўзига хос сифатларини тасвирлаш билан чекланмайди, балки бу образни совет ёшларининг типик вакили даражасига кўшаради. Романда қаҳрамоннинг болалик йиллари, ўсиш-ўлғайиш йўллари батафсил кўрсатилган, янги социалистик меҳнатда тарбия топган, юрти, Ватани билан бирга ўлғайган Қайрош ҳаётда ўз ўрнини топишга, халққа, Ватанга фойда келтириб яшашига интилади. Унинг коммунистик эътиқоди қандай шаклланигани кўрсатар экан, ёзувчи совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши фронтларида намоиш этган мислсиз қаҳрамонликларининг маънавий-ижтимоий илдиэларини очиб беради.

Романдаги асосий ғоявий йўналишлардан биринчи халқлар дўстлигини улуғлаш ташкил қилади. Асарда турли миллат вакиллари ҳаракат қилади. Булар орасида рус майори Русанов, лейтенант Мирошник, оддий жангчи Василий Гришин кабилар бор.

Ғабит Мусрепов романда қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлигини тасвирлашга ҳам алоҳида эътибор берган ва шу мақсадда асарга ўзбек жангчиси Самад Абдуллаев образини киритган. Бу образ ҳақида таниқли қозоқ ёзувчиси Тахави Ахтанов шундай ёзади: «Ёш жангчи Самад асар воқеаларига романнинг сўнги — учинчи қисмида келиб қўшилса-да, унда катта ўрин тутади. Ёзувчи уни қиронли жанглар ичида тасвирлар экан, унинг қайноқ ғайратини, юксак қаҳрамонлигини, дўстларига садоқатини, ҳаётни севishiни, самимиятини очиб беради. Ўзида ўзбек халқининг миллий ўзига хос хислатларини мужассам этган Самад образи романга алоҳида энгиллик бахш этади, унинг рангларини бойитади».

Ғабит Мусреповнинг навбатдаги романи — «Уйғонган ўлка» ҳам кўп миллатли совет адабиётида катта ҳодиса бўлди. Роман биринчи марта 1953 йилда босилиб чиқди ва ўша вақтдаёқ атоқли совет ёзувчиси А. Фадеевнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Роман ҳақида ёзган рус ва қозоқ мунаққидларининг ҳаммаси яқдиллик билан «Уйғонган ўлка»ни қозоқ адабиётининг олтин фондидан ўрин олувчи асар деб атади. Дарҳақиқат, роман эпик кўламининг кенглиги, ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятига чуқур кириб бориши, психологизмнинг теранлиги, жозибador миллий колорити билан ажралиб туради. Бу асар Урта Осиё халқлари адабиётида реалистик методни ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган асардир.

Роман марказида Қозоғистонда саноат-

нинг пайдо бўлиши, Қарағанда кўмир конларининг очилиши билан боғлиқ бўлган реал воқеалар туради. Аммо у тарихий фактларни қуруқ баён қилиш йўлидан бормаган. Романда автор кўпгина тарихий шахсларнинг номини сақлаб қолган, лекин уларнинг ҳам умумлашган бадий портретларини яратади. Натижада, «Уйғонган ўлка» қозоқ халқи тарихининг энг муҳим саҳифалари ҳақида атрофлича тасаввур берувчи фалсафий-ижтимоий психологик роман даражасига кўтарилган.

Романда турли ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг вакиллари, улар ўртасидаги зиддиятлар, ҳаёт-мамот жанглари мукамал тасвирланган. Биз рус капиталининг вакиллари Рязанов, Ушаков, мис эритувчи корхона бошлиғи Сикорский, пристав Соколов, ўн бошилар Акула, Зубков кабиларни кўралиш. Улар ҳаммаси ўзига хос характерга эга, индивидуаллашган образдир. Масалан, кўринишдан мулойим, хушбичим Рязанов Ушаковдан кескин фарқ қилади. Лекин гап пул устида, бойлик устида кетганда, уларнинг иккови ҳам бири-биридан қолишмайди. Улар ўта шафқатсизлик билан халқни талашади. Айни чоқда, ёвузлик, шафқатсизлик, очкўзлик бобида маҳаллий бойлар ҳам рус капиталистларидан қолишмайди. Романда маҳаллий эксплуататорларнинг вакиллари сифатида Жуманбой, Игилик каби образлар берилган. Уларнинг иккови ҳам халқ қонини зулукдай сўришади. Лекин шундай бўлса-да, бир-бирларидан кескин фарқ қилишади. Жуманбой — йилқичи бой. У ўн етти минг йилқининг хўжайини. Бироқ бу худудсиз бойликка қаноат қилмайди, унинг янада кўпроқ бўлишини истайди. У тиштирноғи билан эски патриархал тартибларга ёпишиб олган, ҳаётдаги катта ўзгаришларни тан олмайди. Ёзувчи уни бефаросат, дағал одам сифатида кўрсатади. Игилик — янгича бой — унинг характери капиталистик муносабатлар таъсирида шаклланган. У бойлик орттиришининг нозик йўлларини қидиради, камбағал қашшоқ одамларни ҳам минг хил ҳийла-найранглар билан тузоққа илинтиради. Жуман билан Игилик иккови ҳам бир синфнинг вакили бўлсаларда, улар бир-бирларига ашаддий душман — бойлик орттириш йўлида манфаатлари тўқнаш келса, бир-бирларини сира аямайди. Ёзувчи Жуманбой образида, унинг тақдирида — феодал-патриархал тартибларнинг истиқболи йўқлигини, ўлимга маҳкумлигини кўрсатади, Игилик образида энди туғилиб келаётган маҳаллий буржуазиянинг қиёфасини очиб беради. Жуманбой ва Игилик образлари Рязанов ва Ушаков образлари билан қўшилиб, эксплуататорлар синфларининг ҳақиқий башараси ҳақида тугал тасаввур беради.

Ғабит Мусрепов ўз романида рус ва қозоқ меҳнаткашларининг ҳам бир қатор ёрқин образларини яратган. Масалан, қозоқ чўлларига илғор қарашларни, революцион ғояларни олиб келган рус ишчиларининг типик белгилари Биков, Елизавета Сергеевна, Михайло Неволя каби характерларда мужассамланган. Улар адолат ва тенглик учун курашадилар, шафқатсиз зулмни, эксплуатацияни йўқ қилиш йўлида ҳар қандай қийинчиликлардан чўчимай, дадил кураш олиб борадилар. Ғабит Мусрепов уларни теран бир муҳаббат билан

гўзал, эзгу олижаноб одамлар сифатида тасвирлайди. Бу революционерлар қозоқ меҳнаткашларининг кўзини очишда, хўрланган қашшоқ халқни ҳақиқат ва адолат учун онгли кураш йўлига олиб чиқишда катта роль ўйнайдилар. Буни атрофлича кўрсатар экан, ёзувчи яна бир улкан тарихий ҳақиқатни — илғор рус ишчилари, зиёлилари билан қозоқ меҳнаткашлари ўртасидаги дўстликнинг тарихий илдизларини ҳам бадиий тадиқ қилади.

Ғабит Мусрепов кейинги йилларда ҳам турли жанрларда баракали ижод қилмоқда. Унинг янги асарлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, «Кунлардан бирида» қиссасини ва «Унинг исми Ўлпон» романини тилга олиш керак. Бу асарларнинг иккови ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қозоқ прозасини бойитди.

«Кунлардан бирида» қиссаси лирик-фалсафий характердаги асар бўлиб, том маънодаги фожиавий мазмун билан суғорилган. Юскал фазилатлари учун бу асар 1970 йилда Қозоғистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Қиссанинг бош қаҳрамони Еркебулан. Қозоқ китобхонлари бу қаҳрамон сиймосида осонлик билан атоқли шоир, оташин революционер Сакен Сайфуллиннинг белгиларини кўришлари мумкин. Ғабит Мусрепов Сакен ҳақида биографик қисса ёзишни мақсад қилиб олган эмас. Лекин Еркебуланнинг ҳаёт йўли Сакенниқига ўхшаб кетади, у ҳам оташин шоир, инқилобчи, граждандар урушининг қатнашчиси. У ҳам Сакен каби оқларнинг ўлим вагонларидан қочади. Қиссада ёзувчининг диққат марказида Еркебулан билан гўзал Ақлима ўртасидаги фожиона муҳаббат тасвири туради. Ақлима қора чечакдан ҳалок бўлган эди. Қисса воқеаси ана шундай фожиона тамом бўлса-да, у бутунлай пессимистик кайфиятдан маҳрум. Бу қисса пок ва гўзал инсоний муҳаббатни улугловчи ажойиб настрий дostonдир.

«Унинг исми — Ўлпон» романида Ғ. Мусрепов яна ижодининг бош принципига содиқ қолади — асар қаҳрамони қилиб фавқулодда ёрқин кучли шахсни танлайди. Романдаги баъзи ишораларга қараганда ёзувчи реал ҳаётда бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилади: ўзига хос характерга эга бўлган, бениҳоя мағрур, истеводдли, тутган жойидан кесадиған Ўлпон деган гўзал қиз ўз хоҳиши билан ўзидан уч баравар катта одамга — Есенеи деган бийга турмушга чиқади ва халқни бошқариш ишини ўз қўлига олади. Бу ишда у адолатли бўлишга, камбағал фақир халққа яхшилик қилишга, оғирини енгиллаштиришга интилади. Унинг таъсирида эри Есенеи ҳам эски хурофотлардан қутулиб, одамийроқ бўла боради. Қисқа муддатда Ўлпон халқ ўртасида адолатпарвар ботир аёл сифатида донг қозонади. Бироқ ўтмишда Ўлпонлар ўз орзусига етиши учун шароит йўқ эди. Есенеи вафот этгандан кейин ҳукмрон синфларнинг турли вакиллари Ўлпон йўлида оғир ғовлар қўя бошлайдилар. Ўлпон дадиллик билан бу кучларга

қарши курашади, бироқ уларни енголмайди. Орзу-умидлари синган Ўлпон ўзини ўлдиради.

Романининг энг қимматли томони шундаки, ёзувчи ўз қаҳрамонлари характерини тасвирлашда кенг тарқалган қолиплардан, схемалардан қочган ва ҳақиқий реалистик асар ярата олган.

Ғабит Мусрепов фақат драма, қисса ёхуд роман каби йирик жанрларда эмас, ҳикоя каби кичик эпик шаклларда ҳам маҳорат билан қалам тебратади. Унинг ҳикоялари ҳар хил мавзуларга бағишланган, турли услубларда ёзилган бўлиб, авторнинг ижодий имкониятлари анча кенг эканидан далолат беради ва унинг ҳаётга муносабатидаги ўзига хосликларни мужассам этади. Унинг ҳикоялари ичида «Ола қовун» каби юмор билан суғорилганлари, «Чўпон Ойгулнинг бир кунини» каби очерк характеридаги, «Ҳа, бу унинг излари» каби публицистик ҳикоялар ҳам бор. Мусреповнинг бир қатор ҳикоялари уруш даҳшатларига қарши йўналтирилган. «Йигирма йилдан сўнг» деган туркумга кирган «Орқанинг ҳикояси», «Кўзнинг ҳикояси», «Тошнинг ҳикояси» каби асарларида ёзувчи Американинг атом бомбасидан вайрон бўлган Хиросима одамларининг фожиасини жуда кучли эмоционал бўёқларда кўрсатади.

«Ҳаёт чақириғи», «Бургутлар афсонаси» каби ҳикоялар яна бошқача характерга эга — улар балиқлар ва бургутлар ҳаётига бағишланган бўлиб, рамзий-фалсафий характердаги асарлардир. Уларда ёзувчининг инсон ва табиат, яшаш қонуниятлари ҳақидаги ўйлари акс этган. Қўлга ўргатилган бургут тутқунликда яшайди. Кунлардан бирида овчи уни чўлга олиб бориб, бошидан қалпоқни олади. Бироқ бургут қуёнга ташланиш ўрнига осмонга парвоз қилади ва у ерда кекса бургут билан жанг қилиб, унинг модасини тортиб олади. Ҳикоянинг мазмуни шу. Унинг мазмуни замирида бақувват рамзий маъно бор.

Бундай ҳикоялар рангларга бойлиги, мазмунининг теранлиги, характерларнинг тўлақонлиги, ҳаққонийлиги билан адабиётда реалистик принципларнинг чуқурлашишига йўл очади.

Ғабит Мусрепов ярим асрлик ҳаётини адабиётга бағишлади. Бироқ адабиёт ярим аср давомида бу коммунист ёзувчи учун ўзлигини тасдиқлаш, ўз шахсиятини намоён этиш воситаси эмас, биринчи навбатда ўз халқига, совет халқига, Коммунистик партияга хизмат қилиш воситаси бўлди. У адабий ижод билан коммунистик идеалларни тасдиқлаш ишига, ҳаётимизда яхшилик, эзгулик, олижаноблик, гўзаллик уруғларини кўпайтириш ишига улкан ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик ёзувчи Ғабит Мусрепов бутун юртимизда ардоқли адиб ҳисобланади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ.



БОЛАЛАРНИ СЕВАМАН

КОРНЕЙ ЧУКОВСКИЙ ТУФИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТУЛДИ

Корней Чуковский архиви сақланаётган хонада ўйинчоқ бир шер турипти. Бу шер инглизча ўн бир жумла айтади:

Мен — меҳрибон шерман,
Мен — ҳақиқий шерман,
Мен болаларни яхши кўраман,
Мен жунгли қиролиман.

Баъзан унинг механизмида нимадир ишламай қолиб, у «мен болаларни яхши кўраман» жумласини бир неча бор қайта-қайта такрорлайди. Бу оддий бир деталь холос.

Улкан совет болалар шоири, ёзувчи, танқидчи, таржимон Чуковский, архивида сақланаётган шерга ўхшаб, мен болаларни севаман, деган жумлани бирор марта айтмаган бўлса ҳам, лекин ўзининг деярли бутун фаолиятини болалар адабиётининг равнақи учун сарфлаган, ўзининг адабий, илмий, таржимачилик хизматларини болалар ҳаёти, тақдири билан чамбарчас болаганди. Шунинг учун ҳам уни ҳақли равишда совет болалар адабиётининг асосчиларидан бири деб айтиш мумкин.

Чуковский адабиётга қадам қўйган даврда рус болалар поэзиясида қор парчалари, шабнам каби табиатнинг энг майда бўлақларини тасвирлаш билан чекланиб, кичкинтойларнинг ҳақиқий ҳаётини кўрсатиш эса четда қолар эди.

Кўпинча ўша қор парчаларининг тарихи ҳақида сўз юритилиб, улар билан безанган арчалар тасвирланарди-ю, болаларнинг қувноқ турмуши шеърларда реал акс эттирилмасди. У даврда болалар фантастикаси ҳали у қадар ривож топмаганди. Шу жиҳатдан олганда Чуковскийнинг илк асарларидан ҳисобланган «Тимсоҳ» эртаги болалар шеъриятида сезиларли ўзгариш юзага келишига сабаб бўлди. Эртақнинг оҳанги у давр болалар шеъриятдан фарқ қиларди.


Корней Чуковскийнинг деярли барча асарлари болалар билан мулоқот натижасида ёзилган дейиш мумкин. Агарда у биринчи эртаги «Тимсоҳ»ни поездда йиғлаётган касал ўғлини овутиш учун туққан бўлса, «Суварак», «Жонсарак пашша», «Мойдодир»ларни Петрограддаги болалар уйида тарбияланувчилар учун, «Қуёш-

ли»ни болалар суяк сили санаториясининг даволанувчилари учун, «Бармалейни енгамиз»ни эса тошкентлик болалар учун ёзган.

У болалар учун фақат эртақлар, шеърлар ёзибгина қолмай, балки болалар адабиёти бўйича қатор муҳим илмий тадқиқотлар ҳам яратади.

Унинг бундан етмиш йил муқаддам ёзилган «Болалар тили ҳақида» номли мақоласи бир неча бор қайта ишланиб, тўлдирилиб, кенгайтирилиб, китоб ҳолида кўп марта қайта-қайта нашр этилди. Бу китоб икки ёшдан беш ёшгача бўлган болалар нутқини илмий тадқиқ қилувчи муҳим қўлланмадир.

Унда Чуковский фақат болалар нутқида оид мисоллар билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг айни шу ёшлари гениал лингвист даври эканлигини ҳам исботлайди. Кичик инсон мана шу даврда буюк жасорат кўрсатади — у ўзининг сеvimли она тилини ўрганади. Корней Чуковский ҳақиқатдан болаларни севади. Чунки у, қаерда ва қачон бўлмасин, болалар учун



қайғуради, уларнинг ўқиши, яшаши, ўйинлари учун яхши шароит яратиш йўлида тиним билмайди.

Москва атрофидаги кичик шаҳар Переделкинода болалар учун кутубхона очиш бунга ёрқин далилдир. У ҳамма танишларидан бу кутубхонага китоблар олиб келишини илтимос қилади.

У теварак-атрофдаги ҳамма болаларни номма-ном билган, улар билан доимо бирга юрган, турган, қувлашмачоқ ўйнаган. Кўпинча у болалар учун гулханлар ташкил қилишга бошчилик қилган. Бундай гулханларга иштирок этиш учун болалар шоирлари, ёзувчилари таклиф этилган.

Шоир уруш йиллари Тошкентда эвакуация қилинган болаларга ёрдам бериш комиссиясининг ишида актив иштирок этади. Бу комиссия болаларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашдан ташқари, уларга ота-оналарини излаб топишда ёрдам бериши керак эди. Комиссиянинг бу фаолияти Корней Чуковскийнинг ўша вақтда ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр қилинган «Уруш ва болалар» китобида жуда яхши акс эттирилган. Унда уруш ҳаракатлари бориб етмаган жойнинг ҳаёти кўрсатилган. Ўқитувчиларнинг фронтга келиши, мактабларнинг госпиталларга берилиши, очарчилик, мактабдаги ўзлаштириш ва интизомни жуда пасайтириб юбориши керакдай туюлса-да, бунинг акси бўлиб чиқади, болалар янада яхшироқ ўқий бошлайдилар. «Педагогиканинг бу парадоксини нима билан тушунтириш мумкин, — деб ёзади Корней Чуковский ўз асарига.— Балки бу болалар катталарнинг бор куч-ғайратини сарфлаб ишлаётганларини кўриши натижасидир».

Чуковский таржимон сифатида ҳам анча ишларни амалга оширади. У таржима санъатининг сеҳрли сирини очиб, бу соҳанинг кўзга кўринган устасига айланади. У асримизнинг бошларида биринчи бўлиб рус китобхонларини Уолт Уитмен, Марк Твен, Киплинг, Дефо ва бошқаларнинг асарлари билан таништиради. У кўп атоқ-

ли кишилар билан учрашади. Уз мемуарларида Чехов, Горький, Маяковский, Макаренко, Короленко, Луначарский, Житков, Квитколар ҳақида фикр юритади.

Буюк рус шоири Некрасовнинг маҳоратига бағишланган улкан тадқиқоти унинг ижодида алоҳида аҳамият касб этади. Бунда Чуковский Некрасовнинг маҳоратинигина кўрсатиб қолмай, унинг ажойиб инсоний хусусиятини ҳам намойиш этади. Мазкур иш устида у узоқ изланиш олиб борган. Натижада унгача Некрасовнинг тўла асарлар тўплами 32214 мисрани ўз ичига қамраб олган бўлса, Чуковский улар қаторига яна 15000 мисра қўшади. Тадқиқотчи Некрасовнинг ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ўттиз беш босма табоқдан иборат насрий асарларини топиб, шарҳлаб беради. Мана шу улкан иши учун у Ленин мукофоти лауреатлигига сазовор бўлади.

У илмий изланишларининг самараси сифатида филология фанлари доктори даражасини олади. Оксфорд университети унга шу университетнинг фахрий докторлик номзодини беради (Бундай номзодликка унгача Тургенев ва Анна Ахматовалар муяссар бўлишган эди).

Корней Чуковский кўп миллионли совет китобхонлари каби ўзбек ўқувчиларига ҳам аллақачондан бери таниш. Унинг «Мойдодир», «Доктор вой жоним» каби бир қатор асарлари қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Корней Чуковскийнинг юбилейларидан бирида ёш китобхонлар унга шундай табрик йўллашган эди: «Ўзга кириб, қариманг. Бунинг учун ёрдамимиз керак бўлса, аямаймиз». Ҳақиқатан ҳам бу гапларнинг тагида маълум асос бор.

Гарчи Корней Иванович Чуковский анча ёшга кириб вафот этган бўлса ҳам, у ҳамиша ёш эди. Унинг шундай ёш ва қувноқ бўлишига ўзи равнақиға ҳисса қўшган совет болалар адабиёти, болалар давраси сабабчидир.

Кавсар ТУРДИЕВА.

ЭЛ НАЗАРИГА ТУШГАН АДИБ

САНЖАР СИДДИҚ ТУФИЛГАН КУНГА 80 ЙИЛ ТЎЛДИ

Узбек маданиятининг ривожидан Санжар Сиддиқнинг муносиб ҳиссаси бор. У етук таржимон ва моҳир журналист, ташкилотчи, билимдон таржимашунос ва театршунос олим ҳисобланади. У рус, инглиз, немис, форс-тожик тилларини пухта эгаллаган, таржима учун танлаган асарларини бевосита ўша асар яратилган тилдан ўгирган эди. Буни қўлимизда бор ҳужжатлар ва у билан бирга ишлаган, уни кўрган замондошларининг хотиралари исботлайди. Ўзбек халқи Лев Толстойнинг «Кавказ асири», Гоголнинг «Ревизор», испан драматурги Лопе де Веганинг «Кўзибулоқ қишлоғи», ҳинд ёзувчиси Ас-Ҳабиб Вафонинг «Бомбай», Ленгстон Хьюзнинг шеърлар тўплами сингари бир қатор асарларни Санжар Сиддиқ таржимасида ўқиди.

Бу таржималарнинг айримлари 1934—1937 йилларда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Айримлари эса (саҳна асарлари) бир неча йиллар давомида ўзбек театрлари саҳнасида қўйилиб келган.

Шунингдек, мавжуд тарихий ҳужжатлар Санжар Сиддиқнинг Шота Руставели, Лермонтов асарлари ва Павленконинг «Шарқда» романини таржима қилганлигидан ҳамда Назир Сафаров ва Зиё Саиднинг «Тарих тилга кирди» пьесасини русчага ўгирганидан хабар беради.

Шуни ҳам эслатиш керакки, асримизнинг ўттизинчи йилларида ўзбек таржимачилиги ривожланган, самарали, ўзига хос бир даврга кирган эди. Шекспир, Лермонтов, Некрасов каби улуғ ижодкорларнинг асарлари ана шу даврда ўзбек тилига ағдарила бошлаган.

Санжар Сиддиқ ўзбек совет таржимачилиги шаклланиш, ривожланиш жараёнининг баракали даврини ўтаётган ана шундай бир пайда ўзининг бутун куч-ғайратини, билимини, истеъдодини шу ишга бағишлайди.

Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима асослари» (1932), «Саҳнада тил» (1935), «Одам тушунмайдиган сўзлар ва осон тилда ёзиш тўғрисида» (1935) каби мақолаларида кўтарилган фикрлар кейинчалик унинг «Адабий таржима санъати» китобида умумлаштирилади ва таржима назарияси бўйича жиддий бир тадқиқотнинг вужудга келишига ёрдам беради.

Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима асослари» китобига қисқача сўзбоши ёзган Аъзам Аюб бу китобнинг зарурлигини, афзаллигини шундай қайд этганди: «Уртоқ Санжар Сиддиқнинг таржима тўғрисидаги бу китоби шубҳасиз ҳозир энг зарур китоблардан бири. Айниқса, таржимачиликнинг кенгайиши ва унинг баланд сифати учун қаттиқ кураш бошланган бир вақтда таржимонларга иш дастури бўларлик китобнинг берилиши қўлларлик ҳол».

Китобнинг «Сўзбоши ўрнида» сарлавҳали қисмининг ўзи «Таржимачилик тўғрисида», «Бадиий таржима тўғрисида», «Таржима—асосий иш» деб номланган бўлимларни ташкил этган.

«Адабий таржима асослари»нинг асосий қисми «Тилнинг софлиги ва таржимачи», «Таржиманинг соҳалари ва таржимачилик шартлари», «Услуг масалалари», «Янглишлар» деб номланган боблардан иборат. Китобнинг характерли жиҳати шундаки, у одатдагидек «Хулоса» билан тугаб қўя



қолмаган. Асарнинг хулоса қисмидан кейин «Қўшимча» сарлавҳали алоҳида бўлими ҳам берилганки, унинг ўзи ҳам «Матбуотимизнинг тилини тозалайлик», «Таржимадаги чатоқлар ва жўғрофия терминлари», «Бир таржима ҳақида» қисмларидан иборат. Уларда газета ва журналларда юз бераётган ғализликлар, «одам тушунмайдиган жумлалар», мавҳум таржималар тўғрисида мисоллар билан далилланган муфассал фикр юритилган.

Бу китобнинг ёзилишидан асосий мақсад муаллифнинг ўз сўзида ҳам ифодасини топган: «Бизнинг бу асаримиз таржима проблемасига бағишланган бўлса-да, дарслик эмас. Бунда биз таржимачиликни ўргатадиган бир рецелт бермоқчи эмасмиз. Бу мумкин ҳам эмас, чунки таржима иши белгили даражада ҳозирлик, малака ва билим талаб қилиш билан бирга аниқ ижодий туйғу бўлишини ҳам тақозо қилади. Бу тўғрида биз ўрни билан тўхталиб ўтамиз. Лекин шундай бўлса-да, ҳар бир таржимачига зарур бўлган бир қанча шартлар ва амалга қўйилиши лозим бўлган умумий қоидалар борким, биз уларни баён қилиб берамиз...» (14-бет).

Санжар Сиддиқ таржима қилишда сўзлардан ташқари жумла, мақол, луғат, атама ва номлар билан ҳам эҳтиёт бўлиб иш кўришни уқтиради. Чунки ҳар бир тил ўзига хос жумла тузилишига, луғатига, атама ва номларига, мақол ва идиомаларига эга.

Санжар Сиддиқ фикрича, мақоллар таржимасида баъзи бир мақолларнинг ўзбек тилига айнан таржима қилиниши (муайян мақол ёки идиома ўзбек тилида ҳам асл маъносини йўқотмаса) ижобий бир ҳолдир. Масалан: русларнинг «Услужливый медведь опаснее врага» мақолини «Меҳрибон айиқ душмандан хавфлироқ» деб ўзбек тилида беравериш мумкин. Чунки бу ўзбек китобхонлари томонидан «енгил» қабул қилинаверади. Аксинча, кўпчилик мақолларнинг ўзбек тилида ўша мақолларга жуда мос келадиган муқобиллари борким, уларни топиб ўз ўрнида ишлата билиш лозим. Бир мисол: «Не суди журавля в небе, а дай чиницу в руки» мақолини айнан таржима қилиш нотўғри, негаки, ўзбекчада унинг «Ўзоқдаги кўйруқдан яқиндаги ўпка яхши» деган муқобили бор ва ҳоказо.

Санжар Сиддиқ шеърий асарлар таржимаси тўғрисида ҳам алоҳида тўхталади: «Шеър таржима қилишда маъно ва мазмунни тўла бериш билан бирга шеърнинг шаклий сифатини ҳам ўтказиш назарда тутилади. Шеърнинг мисралари оҳанги, вазни, қофияларининг қайси хилда келиши, шоирнинг услуб, яъни бадий хусусияти таржимада акс этиши лозим.

Шеър вазн ва қофия билан кўпроқ боғланганидан таржимачи ҳам, албатта, вазн ва қофия ишлатади, бунинг натижасида, табиий сўзлар кўпайиб ёки озайиб қолиши, борларининг ҳам ўзгариши, шеърий зарурат юзасидан бир қанча ибораларнинг бутунлай тушиб қолиши, ёнги таржимада ўша зарурат юзасидан пайдо бўлиб қолиши мумкин. Шеър таржимачилиги айрим малака талаб қилади, шеърни таржима қилиш учун шоир бўлиш — шарт бўлмаганда ҳам — зарур.

Шеърий бўлмаган асарларни, чуноччи мақола ва китобларни таржима қилиш вазифасини ўз тилида мақола ёзиб ўрганмаган кишига топириш бир даражада мумкин, лекин ўз тилида шеър машқ қилмаган кишига шеър таржимасини бериб бўлмайди...» (47—48-бетлар).

«Таржимонлик — касб эмас, дейди муаллиф. — Таржимон том маънодаги ижодкор, эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Нега у ижодкор бўлмасин. Ахир у ҳар қадамда изланишга, янги-янги проблемаларга, мақол ва жумлаларга дуч келади, ўз тилида уларнинг қаддини тиклайди. Таржимонликнинг ижодий иш эканлигини ҳатто ҳис қила билмаган таржимон эса адабиёт учун фақат кони зиён келтиради, холос». Шу ўринда Санжар Сиддиқ машҳур ҳинд адиби Рабиндранат Тагорнинг сўзларини мисол тариқасида жуда ўринли келтиради: «Ўз асарларимни бошқа тилларда кўрганимда юрагим бир орзиқиб кўяди. Чунки менинг асарларимнинг қиммати ундаги сўзларнинг оҳангдорлигидир. Сўзлар гавда бўлса, оҳанг жондир. Таржимада сўзлар ўтади-ю, мусиқийлик ўтмайди. Жон бу ёқда қолиб, куруқ жисмнинг ўтганидан нима фойда?» (48-бет).

Таржимада рўй берадиган янглишларни Санжар Сиддиқ учга бўлади.

Биринчи хил хатолар — билимсизликдан, тилни яхши билмаслик ҳамда сўзларнинг ўрнига қараб турли маънода келишини англаб етмаслик натижасида.

Иккинчи хил хатолар — тилдаги синонимлардан, тилнинг луғат бойлигидан хабарсизлик, яъни ҳар тилнинг ўзига хос ибораларининг ички мазмунидан бегоналик натижасида.

Учинчи хил хатолар — жумла ва таркибларни ўгиришдаги лоқайдликдан келиб чиқади.

Таржимоннинг ҳамиша ёдида туриши шарт бўлган, бурчи ҳисобланган яна бир масала — бу таржима қилинаётган асарда муаллиф услубини сақлаш масаласидир. Бу тўғрида Санжар Сиддиқ алоҳида бобда тўхталиб, уни «Услуб масалалари» деб номлайди.

Биринчи галда шуни айтиш керакки, ҳар бир одамнинг ўзига хос айрим ҳулқи, мизожини, табиати, башараси бўлгани каби... ҳар бир ижодкор асарининг ҳам ўзига кўра қиёфаси, кўриниши мавжуд бўлади.

Бир хил ёзувчилар борким, энг оддий, энг жўн ва содда фикрларни чўзиб, чувалтириб, оғирлаштириб қўядилар. Аксинча, баъзи ёзувчилар энг оғир ва қийин фикрларни ихчамгина, жимжималарсиз ўқувчига «етказ» оладилар.

Кишиларга хос бўлгани каби асарларнинг ҳам кўнгили тортар, гўзал ва дилкаш ёнги кўнгили айнитар, дағал ва хафага-заклари бўлиши табиий. Бу хилдаги гўзаллик ва совуқлик хусусиятлари ҳам услубга боғлиқдир.

Услуб — маъноларни кўрсатишнинг йўли ва фикрларни ифода қилишнинг усулидир. Услуб — асарнинг сифати, характери, юзи демакдир.

Лекин шуни қатъий эслатиб ўтиш лозимки, услубни таржимада сақлаш ҳар тилнинг ўзига хос қоида ва ўзига хос алоҳида хусусиятларини ҳам кўчириш деган гап

эмас. Шунингдек, таржимоннинг таржима-ларга ўз тилининг хусусиятларини «ёпиштириши», таржима қилинаётган асардаги тасвир ва таърифларни миллийлаштириши ҳам услубни кўчириш дегани эмас, мутлақо! Бироқ «...мутаржимларнинг вазифаси, таржима қилаётган асарларининг мавзуини яхши билишлари билан бирга ўша асар қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилнинг миллий хусусиятларини ҳам ўзлаштиришдир».

Хуллас, Санжар Сиддиқ асл тил билан таржима тили орасидаги жиддий ва катта фарқни йўқотишни, таржима асарларнинг кўп ҳолда дағал, англишишсиз бўлиб қолаётганига муросасиз бўлишни «асосий иш» деб билган.

Санжар Сиддиқнинг таржима муаммолари атрофида билдирган фикрларини, таржимонлар олдига қўйган асосий вазифаларини қуйидаги тартибда ифодалаш мумкин:

Таржимон, авваламбор, тажриба ва ма-лака ҳосил қилган бўлиши, ҳар бир тилнинг ўзига хос алоҳида қондаларига, хусусиятларига эга эканлиги, шунингдек, таржимачиликнинг аниқ қоида ва қонунлари борлигини билиши лозим.

Таржимон ўзи таржима қилаётган асар муаллифи услубини сақлаши шарт. Асардаги образ ва персонажларнинг нутқ услуби билан ёзувчининг ўз бадий услубини фарқлай билиши ва ўзи «ҳазм» эта олмаган мавзуларни таржима қилишга уринмаслиги керак.

Таржимон ўзи таржима қилаётган асар муаллифининг ижодий ёрдамчиси, иш шериги бўлиб, у айтмоқчи бўлган ғоявий мақсадни тўла ва пухта ишлаш орқали ўз тилида яратиши... ўзини муаллиф билан бир қаторда асар учун масъул санаши, таржима — асарнинг бошқа тилдаги тўлиқ нусхаси эканлигини унутмаслиги зарур.

Таржимон сўзга бой бўлиши, ҳар қайси сўзни ўз ўрнида тўғри ва тушуниб ишлата билиши, сўз ва маъно фарқига жиддий эътибор бермоғи, сўзлардан кўра кўпроқ

жумлалар билан иш тутмоғи керак. Гапда сўз тартиби, яъни сўзларнинг терилиши тартибига ва сўз тартибининг ҳар тилда ўзига хослик касб этишини яхши билиши лозим.

Таржимон тилларнинг қоида-қонунларидан, сўз бойлигидан, фазилатлари, яхши томонларидан, камчилиги ва нуқсонларидан тўлиқ хабардор бўлиши билан бирга у қайси соҳада (хоҳ адабиёт, хоҳ медицина, хоҳ қишлоқ хўжалиги, хоҳ кимё, хоҳ техника соҳасида бўлсин...) таржима қилишидан қатъий назар, ўша соҳа хусусиятларини, ўша соҳага оид асарларнинг мавзуини, умумий маъно ва мазмунини, ғоясини ҳам англай билмоғи шарт.

Таржимон ҳар бир тилчи, адабиётчи, луғатчи билан бир қаторда.. омма ўртасида истеъмолда бўлган, халқ орасида ишлатилиб юрган айрим луғатлар, жонли таъбирлар, тасвирий иборалар, образли сўз ва таркибларни, мақол ва ҳикматларни тўпламоғи ҳамда уларнинг маъноларини, бундан ташқари эквивалент (муқобил)ларини русча ва бошқа тиллардан топиб, қайд этиб бормоғи керак.

Кўриниб турибдики, Санжар Сиддиқнинг таржимашунослик борасидаги ишлари анча диққатга сазовор бўлган. «Адабий таржима асослари» китоби ўша даврда «таржимонлар учун муҳим иш дастури» бўлгани ҳолда, ҳозирги кунда ҳам таржимонлар учун муҳим қўлланмадир.

«Ишни яхши бошлаб, ёмон қилиб тугатмайлик». Бу — Санжар Сиддиқнинг ўз олдига, ҳамкасблари олдига ва ҳар бир ижодкор олдига қўйган талаби эди. Санжар Сиддиқ қолдирган адабий мерос, мазмунли ва самарали ижодий фаолияти унинг 30-йиллар ўзбек совет матбуотида, адабий жараёнда жон кўйдирган, пешқаддам, ўз услубига эга, жўшқин ижодкор бўлганлигидан далолат беради. Бу эса унинг ҳаёти ва фаолияти кенг ўрганилишини тақозо этади.

Файбулла САЛОМОВ,
Отаёр НАҲАНОВ.



ЗАМОНАГА ҲАМОҲАНГ ИЖОД

Иброҳим РАҲИМ. Асарлар. Уч жилдлик. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1978, 1979, 1980 йиллар.

Бизнинг социалистик тузумимиз шароитида ижодкор аҳли ва унинг меҳнати ҳаммиша партия ва халқ эътибори ҳамда ҳурматига сазовор бўлиб келади. Негаки, ижодкор ўзи яратган ғоявий-бадий юксак асарлари билан янги инсоннинг камол топишига, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига таъсир ўтказиш асосида партия ва халқ мақсадлари, манфаатлари йўлида хизмат қилади. Бинобарин, ана шу мақсад ва манфаатлар бирлиги адабиётимизнинг халқ ва партия билан яқинлигини, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг чуқурлигини таъминлайди. Шу сабабли кейинги йилларда адабиётимиз тараққиётига, ижодкорга партия раҳбарлиги ва ғамхўрлиги янада ошиб, эътибори кучайиб бормоқда. Ижодкорларнинг кўп жилдлик «Танланган асарлар», «Асарлар», «Сайланма»ларининг чоп этилиши ана шундай эътиборнинг ёрқин бир кўринишидир. Шу жиҳатдан характерли бўлган таниқли адиб Иброҳим Раҳимнинг уч жилдлик «Асарлар»и профессор Лазиз Қаюмовнинг сўзбошиси билан очилади. Ундан ёзувчининг «Чин муҳаббат», «Фидойилар» каби ҳарбий романлари, «Ихлос», «Тақдир» ва «Тинимсиз шаҳар» сингари замонавий мавзудаги эпик полотнолари билан бирга «Ҳилола», «Оловкор», «Зангори кема капитани», «Сен туғилган кун» номли қиссалари ўрин олган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ижодкорнинг мазкур асарлари ўқувчилар ва адабий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланиб, уларнинг диққатини тортиб келмоқда. Айни чоғда мазкур асарлар Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет прозасининг тараққиётига сезиларли таъсир ўтказиб келди. Адабиётимизнинг мавзу ва жанрлар, қаҳрамон ва услублар жиҳатдан бойишига хизмат этди. Энг муҳими, ижодкор мазкур замонавий мавзудаги асарлари билан замонавийликнинг чуқурлашувига, партия, халқ ва адабиёт алоқаларининг мустаҳкамланишига,

замондошларимизнинг сиёсий-ижтимоий, бадий-эстетик тарбиясига хизмат этмоқда. Шу маънода адибнинг «Чин муҳаббат» ва «Фидойилар» каби ҳарбий романларини кўздан кечириш жараёнида биз халқимизга хос юксак ватанпарварлик ва бузилмас дўстлик, метин ирода-ю, буюк қаҳрамонлик каби улуғ сифатлар билан яна бир бор танишамиз.

Маълумки, адиб Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Адҳам Раҳмат, Адҳам Ҳамдам, Назармат каби Улуғ Ватан уруши жангарида қатнашган ижодкорлар сирасига кирди. Унинг ижоди ҳам худди шу фронтда жангу-жадал майдонида туғилиб, шаклланди. У дастлаб шоир сифатида қалам гебратиб, бу даврда бир қатор шеърӣ асарлар ва «Баҳодир» каби (асар республика бўйича ўтказилган конкурсда иккинчи мукофотга сазовор бўлган эди) ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳидаги поэмалар ҳам яратади. Аммо фронт воқелиги, унинг ғоявий-сиёсий салмоғи ва материали ижодкорни катта ҳажмдаги асарлар яратишга ундади. Шу тарзда унинг очерк ва ҳикоялари, айрим қиссалари юзага келди. Ниҳоят уларнинг ҳаммаси «Чин муҳаббат» номли роман учун замин ҳозирлади. «Чин муҳаббат» романининг биринчи варианты, — деб ёзади автор, — чекиниш ва маневр жанглари даврида йўл-йўлакай ёзилган эди. Афсуски, асл ҳужжат шаклидаги бу вариант чамадоним билан сапёрлар машинасида немис бомбасидан ёниб кетди.

Улуғ Ватан урушининг энг заҳматкаш иштирокчилари бўлган сапёрлар ҳаётидан олиб ёзилган бу китобнинг иккинчи варианты қўлёзмасини фронтдан Тошкентга юборган эдим. Нашриёт ходимларининг айтишича, у «нашриёт бинодан бинога кўчаётганида йўқолган». Ниҳоят, асарнинг ҳозир нашр қилиниб турган вариантини урушдан кейин Олий партия мактабида ўқиб турган чоғларимда, куйган ва йўқолган вариантини хотирлаш йўли билан қайтадан тикладим» (Ўзбек жангномаси, тўплам. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1977, 4—5-бетлар). «Чин муҳаббат» романининг ана

шундай анча қийинчиликлардан сўнг, вақт ўтиб юзага келган сўнгги вариантнинг ўзи ўзбек совет ҳарбий романларининг туғилишини бошлаб берганлиги билан характерланади. Сўнгра Ойбекнинг «Қуёш қораймас», Шуҳратнинг «Шинелли йиллар» каби асарлари пайдо бўла бошлади. Шу жиҳатдан ҳам «Чин муҳаббат»нинг ўзбек ҳарбий романлари тарихида ўйнаган роли муҳимдир. Унда автор оддий деҳқон Нормат ва унинг севгилиси Адолат характерларини чизиш орқали бутун ўзбек халқига хос энг яхши хислатларни умумлаштиришга интилган. Нормат гарчи «кифтлири дуркун, кўкраги кенг, билаклари йўғон» барваста қоматли бақувват йигит бўлса-да, урушга кирган дастлабки пайтларда тушкунлик ва ҳадиксираб кайфиятларига берилади. Аммо ёзувчи воқеалар ривожига характер динамикасида ўз қаҳрамонининг оддийликдан мураккабликка, пассивлик ҳолатидан актив жангчи даражасигага ўсиб боришини ишонарли кўрсата олган.

Асарнинг муҳим қиммати шундаки, унда Москва учун бўлган жангларда ўзбек халқи фарзандлари — жангчилари иштирокини кўрсатиш орқали автор совет халқлари ўртасидаги яқдиллиқни, қон-қариндошлик қудратини бадий бўёқларда ифода этади. Шу орқали урушда ғалабани таъминлаган етакчи манба — факторни кўрсатади. Асарнинг яна бир фазилати фронт билан фронт ичкариси ўртасидаги бирликни улуғлашдан иборатдир. Эътибор берилса, чиндан ҳам буюк ғалабада фронт орқасининг мустақамлиги алоҳида роль ўйнаган эди. Бу жиҳатдан Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Ҳамид Фуломнинг «Тошкентликлар» каби романлари ҳам жуда характерли ва қимматлидир.

Ёзувчининг «Фидойилар» романи эса, маълум маънода «Чин муҳаббат»нинг давоми сифатида майдонга келган. Бу асарда ҳам автор ўзи кўрган ва билган воқеалар, ҳодисалар ва одамлар ҳақида ҳикоя қилади. «Фидойилар» романи ҳам, — деб ёзади автор, — ўша қайноқ ҳаёт вақтидаги фронтдошларимнинг, таниш-билишларимнинг жанговар ҳаёти аксидир. Ўзимдан жуда кам қўшганман, қўшган бўлсам ҳам, бадий бўёққа хос нарсалар, холос» (Юқоридаги мақола, 6-бет). Албатта, бу ҳол адибнинг ўзбек йирик ҳужжатли прозаси ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшаётганидан далолатдир. Ҳужжатлилик эса, ҳозирги давр адабиётининг муҳим хусусияти бўлиб, бу орқали ҳар бир ижодкор ўз асарининг яна ҳам ишонарли бўлишига, китобхонга яна ҳам эмоционал таъсир кўрсатишга эришаётир. Қисқаси, «Фидойилар» романи ана шундай хусусияти билан бир қаторда бош қаҳрамон аёл образи бўлганлиги билан ҳам эътиборни тортади. Маълумки, Адолат «Чин муҳаббат» романи сўнггида буюк ғалабани тезлатиш мақсадида фронтга жўнаб кетади. «Фидойилар»да эса, ана ўша Адолатнинг фронт майдонидаги жонбозлиги умумлаштирилади. Лекин Адолат фавқулодда қаҳрамонликлар кўрсатмаса ҳам, ундаги она-Ватанга бўлган катта муҳаббат ва фашизмга чексиз нафрат ҳис-туйғулари ҳаммиша китобхон қалбини ёри-

тиб туради. Шунингдек, романдаги Бегимхон ва Қорақошлар тақдири ҳам қизиқарли ва мураккаб. Уларнинг бири шаҳардан, бири қишлоқдан. Аммо ҳар иккисининг ҳам суюкли ёридан «қорахат» келган. Албатта, бу фожиали хабар уларни қийнамай, юракларини ўртамай иложи йўқ эди. Шундай ҳам бўлади. Начора? Бу кўпчилик бошига тушган ташвиш, ғам, жудолик! Бироқ, Бегимхон ҳам, Қорақош ҳам умидсизлик, руҳий тушкунлик тоши остида қолишни истамайдилар. Улар иттиёрий равишда фронтга отланадилар. Ўз ёрлари улгурмаган ғалабада иштирок этишни буюк бурч деб билидилар. Пировардида улар снайпер сифатида қанчадан-қанча душманни яқсон этиб, ғолиблик камарини маҳкам боғлайдилар, бу йўлда фидойилик қиладилар. Шунинг учун ҳам Адолатхон, Бегимхон ва Қорақош каби аёллар образи фақат ёзувчи муваффақиятигина бўлиб қолмай, балки китобхоннинг ҳам суҳбатдошига айланади. Бинобарин, адиб бу билан ҳарбий романиликка фақат янги материал, янги образ олиб кирибгина қолмади. Балки, энг муҳими, ўтмишда одам саналмаган ожизларнинг социалистик воқелик туфайли жанговар жангчига айланганини, она-Ватан ҳимоячиси даражасига кўтарилганини асослаб беради. Шу жиҳатдан ҳам ҳар икки ҳарбий романнинг «Асарлар»дан ўрин олиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Иброҳим Раҳим қайси мавзу, қайси жанрда қалам тебратмасин, ҳаммиша замондошларимизнинг қайноқ ва сурурли ҳаётидан, унинг буюк яратувчилиги ва бунёдкорлик ишларидан ҳикоя қилишга интилиб келади. Борди-ю, гап адибнинг «Тақдир» романига келиб тақалар экан, аввало унинг номланиш маъноси эътиборни тортмай иложи йўқ.

Бинобарин, инсон тақдири, аниқроғи, совет кишилари тақдири, замон тақдири ҳаммиша социалистик реализм адабиётимизнинг бош мавзуи ва мезони бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши ҳам ўз-ўзидан аён. Чунки, социалистик тузумимизнинг табиати шуни тақозо этади. Аммо кейинги ўн-ийгирма йил орасида инсон ва замон тақдири тушунчасининг ўзи асарлар сарлавҳаси даражасига кўтарилиши ҳам бежиз эмас. Эътибор берилса, чиндан ҳам бу даврда уруш жароҳатларини тугатиш, тинчлик учун кураш порлоқ келажакни яратишнинг асоси бўлиб қолмоқда. Даврнинг ўткир кўзи бўлган санъаткор эса ана шу жараёндан четда туролмайди. Иброҳим Раҳимнинг «Тақдир» романи ҳам маълум маънода шу мақсадда яратилган. Гарчи асарда республикамызда янги газ конларини қидириб топиш ва шу орқали она-Ватан қудратини ошириш, коммунизм моддий-техника базасини яратиш ғояси илгари сурилган бўлса ҳам, пироварди натижа социализм тақдири учун, совет кишилари тақдири учун кураш ғояси қизил ип бўлиб ўтиб туради. Шу жиҳатдан ҳам адибнинг «Тақдир» романи адабиётимизнинг ютуғи сифатида эътироф этилди. Айниқса, асардаги Бардош Дадашев, Ягона ва Нодиров каби ижобий қаҳрамонлар характери ўзининг жонлилиги ва жозибадорлиги билан ажралиб ту-

ради. Шунингдек, романдаги Ҳазратов, Сурхонбой каби салбий персонажлар тасвири ҳам ишонарли ва ҳаётий бўлиб чиққан. Улар ёзувчи мақсадини — асар ғоясини очишда бош ролни ижро этадилар.

Бинобарин, ёзувчи «Асарлар»ни кўздан кечириб эканми, адабнинг ҳаммиша давр билан ҳамнафас, ҳозиржавоб санъаткор бўлганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Биз билан бирга яшаб, бирга нафас олаётган замондошимиз унинг асарларининг қаҳрамони сифатида намоён бўлади. «Ихлос» романи ҳам бундан мустасно эмас. Маълумки, асар КПССнинг тарихий XX съезидан кейин юзага келган. Унда асосан қишлоқ ҳўжалигини интенсификация ривожлантириш орқали коммунистик мўлкўчликни бунёд этиш ғояси илгаридан суртилди. Асарнинг бош қаҳрамони Саодат фаолияти, меҳнати ва кураши замирига ана шу буюк ғоя сингдирилган. У тиниб-тинчимас коммунист раҳбар сифатида элга — юртга бош бўлиб эътиборга тушади. Бу асарда ҳам ёзувчи кўп асарларидагидек ўз тасвир принциплари содиқ қолади. Асар бош қаҳрамонини аёллардан белгилайди. Белгилайди эмас, ҳаёт шунини тақозо этади. Негаки, адаб Саодат каби пухтапишқ раёком секретарларини, партия раҳбарларини кўп курган, учрашган. Улар адабга илҳом бағишлаган. «Ихлос» романи яратилган туртки берган. Тўғри, роман авторнинг «Ҳаёт булоқлари» номли асари замирида яратилган. Мазкур асар эса, ўз вақтида жиддий камчиликларини учун танқидга учраган эди. Автор билдирган танқидий фикрлардан тўғри хулосалар чиқариб «Ихлос» романида муҳим муваффақиятларга эришади. Асар адабий жамоатчилик ва китобхон диққатини тортади. Лекин шундай бўлса ҳам ҳали романда, хусусан Саодат образини яратишда баъзан ноаниқликларга йўл қўйган. Жумладан Саодат образини яратишда бирёқламалик ҳоллари оз бўлса-да характерга соя солаётгандек туюлади. Бу деган гап романининг қимматига асло путур етказмайди, аксинча авторнинг яна ҳам маҳорат сари интилишини тақозо этади.

«Ҳилола» қиссасидаги Ҳилола образида бундай нуқсонлар бартараф этилиб, адаб жиддий ютуқларга эришди. Адабий жамоатчилик ва китобхон мазкур асарни ёзувчининг катта муваффақияти сифатида эътироф этди. Чиндан ҳам, қисса жуда ҳаётий масалага бағишланган бўлиб, унда автор коллектив ҳўжалиги ва экономикаси соҳасида ленинча демократик нормаларнинг тикланишини умумлаштириш йўлидан боради. Колхоз бош бухгалтерини Ҳилола ўзининг жонбозлиги, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги билан ҳаммага намуна бўлади. Бу йўлда ҳатто аввалига тан олмаган колхоз раиси Замон Омоновлар ҳам пировардида уни қўллаб-қувватлашга мажбур бўладилар.

Қисқаси, адаб яратган Адолатхон, Саодатхон, Ягона, Ҳилола каби образларнинг ҳар бири кўп жиҳатдан муҳим сиёсий ва тарбиявий бадий-эстетик роль ўйнайдилар.

Адабнинг замонага ҳамнафаслиги ва ҳозиржавоблиги унинг «Тинимсиз шаҳар» романи ҳамда «Сен туғилган кун» номли қиссаларида ҳам кўзга ташланади. Ҳар

икки асар ҳам Тошкент зилзиласига бағишланган бўлиб, унда совет халқлари ўртасидаги қон-қардошлик ва ягона оила туйғусининг қамол топиши масаласи жиддий тарзда ҳал этилади. «Тинимсиз шаҳар» романи Тошкент зилзиласининг қайноқ излари совумасдан, ҳали тўла-тўқис у ярлар битмасдан зудлик билан ёзилганлиги учун унда айрим композицион тарқоқлик, сюжет линиясида нотекистиклик, конфликтда баъзан яхлитлик етишмаслиги каби нуқсонлар учрайди. Аммо, роман бутунча китобхонада яхши таассурот қолдиради. Хусусан, асардаги Малоҳат, Саври хола ва Отабий оталар образи кўп жиҳатдан жонли, ҳаётий ва ишонарли чиққан. Лекин характерлиси шундаки, романдаги кўпчилик образлар китобхон кўзига қайси тахлитда кўринмасин, китобхон қалбидан гоҳ эртароқ, гоҳ кечроқ, ўрич ишғол этмасин, пировардида эл-юрт иши учун, Тошкентни қайта тиклаш учун фидойи даражасига ўсиб чиқади. Романдаги Акрам образи худди шу жиҳатдан характерлидир. У аввал пассив, янгилликларга бефарқ ва баъзан қарши ҳам туради. Пировардида ҳаётнинг тезкор руҳи, шароит ва атрофдаги одамлар таъсирида ўзгариб, характерини шакллана боради.

Қисқаси, «Тинимсиз шаҳар» романи кўпгина яхши сифатлари ва тарбиявий қиммати билан ҳам ўз китобхони эътиборини тортади.

Шу мавзудаги «Сен туғилган кун» қиссасида адаб тасвирда ўзгача услубдан фойдаланади. Унда кўпроқ баён услуби ва мактуб формаси етакчилик қилади. Ғоявий жиҳатдан эса, айниқса ёшларнинг иродасини шакллантиришга, чидамли, саботли бўлишга, энг муҳими ҳаётдан ўз ўрнини топишга кўмаклашади. Адабнинг «Асарларидан ўрин олган «Зангори кема капитани» қиссаси ҳам китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборини тортган асарлар сирасига киради. Қиссанинг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши аввало унда қўйилган масаланинг актуал ва замонавийлиги билан белгиланади. Негаки, яқин-яқинларгача ҳам пахтачиликни ривожлантириш борасида механизациянинг тугган ўрни илм-фан ютуқларидан фойдаланиш масаласига четдан қаровчи раҳбарлар топилиб турарди. Айниқса, пахта машинада теришга қарши турган шахслар турли баҳоналар излашга интилдилар. Пахта навининг бузилиши, толаси сифатининг пасайиши, исроф бўлиши, ғўзанинг жароҳатланишигача рўқач қилиб чиқдилар. Ана шундай шароитда ёзувчи Иброҳим Раҳим бу соҳадаги янгилликни ёқлайди. Ёқлабгина қолмай, унинг истиқболини кўрсата билди.

Ёзувчининг хизмати ва маҳорати шундаки, у оддий кишилар характери мисолида умум аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишга даъват қилади.

Хуллас, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг уч жилдлик «Асарлар»нинг чоп этилиши ҳар жиҳатдан эътиборга ва ҳурматга лойиқ бўлиб, у китобхон билан адаб муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат этиши шубҳасиздир. Лекин, забардаст адабнинг ижоди фақат ана шу уч жилдга кирган асарлардангина иборат эмас. У драматург, очеркист, ҳикоянавис ва моҳир киносценарист сифатида ҳам э

ва адабий жамоатчилик диққатига тушган. Жумладан, унинг Улуғ Ваган уруши маззуидаги «Чақмоқ», «Жоним фидо» каби пьесалари Ҳамза ва Муқимий театрларида кўйилиб, кўпчилик томошабинлар томонидан илиқ қарши олинган эди. Худди шунингдек адиб, «Қалбимда қуёш», «Фарҳоднинг жасорати», «Зангори олов кишилари», «Ҳаво пиёдалари», «Ленин ва Ўзбекистон» каби ажойиб фильмлар автори сифатида ҳам маълум. Шу билан бирга у ижодининг дастлабки пайтида жанчи шоир сифатида

ҳам фаолият кўрсатган эди. Негадир унинг бу борадаги ижод намуналари уч хилдликдан ўрин олмаган. Истардикки, ҳозиржавоб ва ҳамиша ҳаёт билан ҳамнафас адибнинг ана шу кўп қиррали ижоди келгуси «Асарлар»идан муносиб ўрин олган. Бу китобхон учун ҳам, адиб учун ҳам, энг муҳими адабиётимизни ўрганувчилар учун ёзувчи индивидуаллигини белгилашда муҳим манба бўлиб хизмат этарди.

Собир МИРВАЛИЕВ.

СЎЗЛАР ХАЗИНАСИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ.
Икки томлик. З. М. Маъруфов таҳрири остида. М., «Рус тили» нашриёти, 1981.

Тилдаги сўзлар хазинасини ўзида жамулжам этган турли хилдаги энциклопедик луғатлар ҳамда икки ёки кўп тилли таржима луғатларини, терминологик, орфографик, орфоэпик, этимологик, диалектологик, тарихий ҳамда ёзувчилар тилига оид луғатларни ўз ичига оладиган филологик луғатлар ҳар бир миллатнинг маданий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Шу нарса диққатга сазоворки, бу луғатлар орасида зиммасига бир қанча филологик луғатлар вазифасини бажариш юклатилган изоҳли луғатлар алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Луғат бўлимининг илмий ходимлари томонидан тузилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилганлиги, ҳеч шубҳасиз, Ўзбек халқи маданий ҳаётида эришилган зўр муваффақиятдир. Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий сингари бобокалон тилшунос — луғатшунос олимимиз томонидан XI асрадаёқ яратилган «Девону луғатит турк» ва ундан кейинги асрларда вужудга келган ўнлаб луғатлар қаторига қўшилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» юксак баҳога лойиқ бўлган муҳим «сўзлар хазинаси»дир.

Мазкур «сўзлар хазинаси»нинг энг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, унда айрим ҳорижий мамлакатларни мустасно этганда, фақат Совет Иттифоқининг ўзидагина (асосан Ўзбекистон, шунингдек Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ССРларида ва бошқа жойларда) яшаётган 12. 456 минг (1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якунига кўра) кишининг муҳим алоқа қуроли бўлмиш ўзбек тилида ишлатилаётган 60 минг сўз ва сўз бирикмалари тўпланган ва муфассал изоҳлаб берилган.

Ҳўш, сўзларни изоҳлаб бериш вазифасининг ўзи нимадан иборат? Изоҳли луғатнинг вазифаси унга киритилган бош

сўзларнинг маъносини (ёки кўпинча маъноларини) ҳамда қўлланишини бошқа бир тилга таржима қилмасдан, ўша тилининг ўз воситалари билан батафсил тушунтиришдан, турли хил лингвистик воситалар орқали тавсифий ифодалашдан, умуман луғатдаги бош сўзларга тўла ва мукамал характеристика беришдан иборат.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тили қадимдан ўзининг ёзув аънанасига эга бўлган, асрлар давомида ўз грамматик ва синтактик ҳамда лексик-семантик ва стилистик қурилишини силлиқлаштириб, такомиллаштирган, сўз бойлигини эса турли хил манбалар асосида тўлдириб келган тиллардан биридир. Шу нарса аниқки, ўзбек тили сўз бойлигининг асосини асли туркийча сўзлар қатлами ташкил этади. Замонлар ўтиш билан ўзбек тили ўз ички имкониятлари (янги сўзлар яратиш, турли хил шевалардан, хилма-хил касб-ҳунар соҳаларидан сўзлар олиш) ҳамда ташқи имкониятлар (араб, тожик-форс, рус ва бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштириш) ҳисобига бойиб келди. Бундай бой лексик қатламларга оид сўзларнинг аксарияти ҳозирги кунда ҳам актив қўлланаётган бўлса, бошқа бир қисми эскириб, тилимиз тарихидан жой олди. Шу туфайли ўзбек тилининг ушбу изоҳли луғати хронологик доирада ўзбек тилининг барча сўз бойлигини эмас, балки Луғ Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги даврда чинакам ривож топган ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини...» (Сўзбоши, 7-бет) бу сўзларнинг ишлатилиши нормаларини биринчи марта кенг изоҳлаб, тавсифлаб беради.

Ҳақиқатан ҳам совет даврида ўзбек тили лексикаси мисли кўрилмаган даражада бойиди. Масалан, Изоҳли луғатга назар ташлар эканмиз, она тилимизга коммунист, социалист, совет, партия (партактив, партбилет, партбюро, партвзнос, партком), большевик, революционер, райком, повесть, прозаик, сатирик, юмо-

рист, совхоз, трамвай, телевизор каби янги сўзларнинг рус тилидан ўзлаштириб олинганлигининг; ленинчи, ленинчи, колхозчи, журналхон, тракторсозлик, авто-сўғорғич, механизациялаштириш, механик ҳайдовчилар, райжироком каби янги ясама сўзлар ҳосил бўлганлигини; унғ, сўл қанот, йўл, майдон, аслаҳахона сингари сўзларнинг янги маънолар касб этганлигининг; оқ олтин, зангори экран, дала маликаси, спорт қироличаси, қизил ип бўлиб ўтиш, инсон номи мағрур жаранглайди каби юзлаб янги барқарор бирикмалар, фразеологик иборалар кенг суръатда қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бугина эмас, айни замонда мана шу босқичда ўзбек тили лексикаси таркибидаги кўпгина сўзларнинг маъноси ўзгарди, баъзи сўзларнинг маънолари конкретлашди, стилистик ва семантик жиҳатдан фарқланадиган бўлди, қатор сўзларнинг, имлоси ва талаффузи барқарор тус олди.

Ўзбек тили лексикасида рўй берган бу каби ўзгаришларни изоҳли луғатда акс эттиришда қатор қийинчиликларга дуч келиниши табиий бир ҳол эди. Бироқ, 40 мингдан ортиқ сўзни қамраб олган «Ўзбекча-русча луғат» (бош муҳаррир А. К. Боровков, М., 1959) тузиш пайтида эришилган тажрибаларни умумлаштириш асосида иш кўрган луғатчиларимиз бундай қийинчиликларни енга олишди ва бир ярим миллиондан ортиқ картотека базасига суяниб, ушбу Изоҳли луғатни — барқарорлашиб, норма ҳолига келган сўзларнинг ноёб хазинасини — кенг ўқувчилар оммасига, хусусан ўрта ҳамда олий мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига, ёзувчи ва шоирларга, журналистлар ва нашриёт ходимларига, умуман ўзбек тилига қизиқувчи барча китобхонларга тақдим этишди.

Хўш, ушбу Изоҳли луғатда тилимизнинг сўз бойлиги, халқ тилининг аниқлиги, образлилиги, жозибadorлиги, куч-қудрати қандай манбалар асосида намоён этилган? Изоҳли луғат учун материаллар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан бошлаб то шу кунгача бўлган ўзбек ёзувчи ва шоирларининг (Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ҳамда Уйғун, Зулфия, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари юзлаб шоир ва ёзувчиларнинг) асарларидан; Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоирлар куйлаган халқ достонлари, ўзбек халқ эртаклари, мақоллари, қўшиқларидан ҳамда Октябрь революциясидан кейин нашр этилган ижтимоий-сиёсий, илмий ва илмий-оммабop асарлар, дарсликлардан, вақтли матбуот саҳифаларидан тўп-ланган. Улуғ В. И. Ленин асарларининг, КПСС ва Совет давлати ҳужжатларининг ўзбекча таржималаридан олинган фактлар луғатнинг ғоявий-сиёсий савиясини яна ҳам юқори кўтарган, унга интернационалистик руҳ бахш этган. Умуман, Изоҳли луғатда саноат ва қишлоқ хўжалигида янгидан вужудга келган жараёнларга, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқларга оид сўзлар; савдо-сотик, соғлиқни сақлаш саноати, маориф, спорт сингари тур-

ли соҳаларга хос сўз-терминлар ўз ифодасини топган. Луғатшуносларимиз мана шу сўзларнинг барчасини бирма-бир изоҳлаганлар, уларнинг маъно нозикликларини очиб берганлар, тегишли грамматик белгилар билан таъминлаганлар, иллюстратив мисоллар билан ҳужжатлаштирганлар.

А. С. Пушкин франциялик машҳур энциклопедист олим Рене Декартнинг фикрига таяниб: «Сўзларнинг маъносини аниқланг, шу билан Сиз оламни унинг ярим адашувлардан халос этган бўласиз»,— деган эди. Ҳа, ўзбек халқи тарихида биринчи марта чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» сўзларнинг маъноларини аниқлашдек қийин, сермеҳнат, машаққатли иш, айрим камчиликлардан қатъи назар, талабга жавоб берарли даражада пухта бажарилган. Одатда биз бир-бири билан сўзлашганимизда у ёки бу сўзнинг нечта маънога эга эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Изоҳли луғатни арақлар эканмиз, тилимизда вақт сўзи 5 хил, асл — 9, баланд — 7, нозик — 8, куч—9, олмоқ, қолмоқ феъллари 16 хил, қўймоқ феълнинг эса 30 хил маъноси берилганлигини, бундан ташқари мазкур феълнинг бир ёстиққа бош қўймоқ, юзига оёқ қўймоқ, бўйнига қўймоқ, гапни (ёки маслаҳатни) бир жойга қўймоқ, отимни бошқа қўяман, тишини тишига қўймоқ, ўзини қаерга қўйишни билмай, ўзини қўйишга жой тополмай, ўзини қўймоқ каби ўнлаб иборалар таркибда изоҳланганлиги ёки ўша хилдаги ибораларга қараш зарурлигига ҳавола этилганлигини билиб оламиз.

Бу фактлар она тилимизнинг имконияти чегаралари беихолат кенг эканлигини, сўз маъноларининг хилма-хил ва ранг-баранг жилоланишини яққол кўрсатади.

Луғатни тузувчилар «Сўз контекст билан тирикдир» деган қоидага тўла амал қилиб, бу шарафли ишни бажариш учун озмунча меҳнат сарф қилишмаган. Мисол тариқасида қора сўзини олиб кўрайлик. Табиийки, қора сўзини ишлатганимизда ҳар биримизнинг тасаввуримизда энг аввало унинг асл маъноси, яъни ранги ҳақида тушунча туғилади. Тилнинг ижодкори халқ, халқ тилига жило берувчи ёзувчи ва шоирларимиз эса бу сўзни 17 хил маънода ишлатдилар! Бугина эмас, ранг маъносининг ўзида ҳам яна бир қанча маъно нозикликлари фарқланади.

Қуйидаги мисоллар фикримизни қувватлайди.

Қора. Ранг-туси мавжуд ранглارнинг барчасидан тўқ; қозон куя, кўмир тусидаги; қора қозон, қора соч, қора кўз, қора сиёҳ. Оқ ит, қора ит — бари бир ит (мақол).

Шу тусга мойил тўқ рангли; қорамтир, қора нон, қора гилос, қора тупроқ, қора булут, қора танлилар. . .

Қоронғи, тим қоронғи. Қора тун. Кечанинг тим қорасида юлдузлар ёркин ёнади. (Ойбек, Кутлуғ қон).

Ис, қурум босган, қорайган ёки оқланмаган, пардозланмаган. Қора уй. Даланинг ўнг тарафидаги кичик қора хужрада Полвоннинг ота-онаси ва боболари умр кечирган (Ж. Шарипов, Хоразм).

Булардан ташқари қора сўзи иштирок

этган кўз қораси, кўзининг оқу қораси, қора курси, қора металл, қора совуқ, қора экинлар, қора қилиб (ёки тортиб) сингари ўнга яқин иборалар изоҳланган.

Бугина эмас, ўзбек тилида қора сўзи негизда қорандиз, қорабайир, қорабалиқ, қорабовш, қораймоқ; қоракуя, қоралиқ; қораловчи каби 72 та сўз ишлатилаётганлиги ва яна келиб чиқиши жаҳатидан қора сўзи билан бевосита алоқадор бўлган қоронғи, қоровул, қоротқи каби 16 та сўз қўлланилаётганлиги каби фактларга дуч келамизки, бу биринчидан, она тилимизнинг ниҳоятда бой эканлигини, иккинчидан луғат тузувчилар бу бойликка жуда масъулият билан ёндашганликларини яққол кўрсатувчи далилдир.

Тақриз қилинаётган типдаги луғатларни тузишнинг энг қийин томонларидан бири юқориде айтиб ўтганимиздек, сўзни ва унинг маъноларини изоҳлаб беришдир. Чунки изоҳ лўнда, аниқ, мухтасар ва тушунча ҳақда тўғри тасаввур ҳосил қилиши керак. Луғат тузувчилар бу вазифани ҳамма талабга жавоб берадиган даражада уйдасидан чиққанлар. Бунга эришиш учун лексикографларимиз сўзни ва унинг маъноларини изоҳлашнинг турли-туман усулларидан фойдаланганлар. Чунончи, бирор тушунча ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун асосан сўзнинг таърифини келтириш усулидан фойдаланилади.

Изоҳли луғатда ҳам шу усул асосан мезон деб қабул қилинган. Фикримизнинг далили учун икки-учтагина мисол келтирайлик:

Ўзбеклар. Ўзбекистон ССРнинг туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; ўзбек халқи.

Қимиз. От сутидан тайёрланадиган енгил кайф берувчи ичимлик...

Қази. Отнинг тўш ва пешноп гўшти. Шундай гўшдан отнинг йўғон ичагига тиқиб тайёрланган маҳсулот. Янги қази. Бир йиллик сур қази.

Игна. 1. Тешигидан ип ўтказилиб, нарса тикиладиган, учи найза, ингичка металл асбоб. Машина игна. Тепчик игна. Қавиқ игна. Игнага ип ўтказмоқ...

2. Турли асбобларнинг учи ўткир ингичка қисми. Патефон игнаси. Примус игнаси.

3. Баъзи ўсимлик ва жониворларнинг игнасмон аъзоси, найзаси, тикани. Дарахт игнаси. Кирпи игнаси...

Луғатга кетворган (1,382) сўзи киритилмаса ҳам бўларди, бироқ мазкур сўз алоҳида маъно касб этганлиги сабабли луғатчиларимиз бу сўзни луғатга киритиб хайрли иш қилганлар: кетворган (сўзлашув тилида — оғзаки нутқда). Ҳар томонлама келишган, жуда чиройли; жуда яхши. Кетворган қиз. Кетворган йигит... Шунингдек, луғатга равишдош, сифатдошлар киритилмаган, лекин муқтақил маъно касб этган бўлса, луғат мақоласи сифатида берилган. Бу фактлар луғат тузувчиларнинг ўз ишларига синчковлик билан ижодий ёндашганликларидан далолат беради.

Шу билан бирга, луғатни тузишда машҳур луғатчи В. Даль қўллаган усулдан фойдаланиб, сўзларнинг маъноларини очиб беришда ўша сўзларнинг кўплаб синонимлари келтирилган. Бу усул, бирин-

чидан, бош сўзлар ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилса, иккинчидан, луғатдан фойдаланувчиларнинг сўз бойлигини кўпайтиришга, сўзлар тўғрисида мушоҳада юргизишга катта ёрдам беради. Мисоллар келтирайлик:

Башара. Юз, бет, афт, дийдор, кўриниш...

Душвор. Қийин, мушкул, оғир...

Озгина. 1. Миқдор жиҳатидан жуда ҳам оз, қиттак... 2. Сал, андак, жиндай...

Роҳат. 1. Эстетик завқ ёки ором берадиган нарсалардан олинадиган лаззат, ҳузур, гашт... 2. Ҳузур-ҳаловат, фароғат, тинч ва фаровон ҳаёт...

Чидам. 1. Оғирлик, дард, алам, қийинчиликка тоқат қила олиш қобилияти; тўзим, сабр, бардош... 2. Узоқ хизмат қилиш, чидаш хусусияти, пишиқлик, пухталиқ, мустаҳкамлик...

Маълумки, қатор сўзлар ўз антонимларига эга. Шунинг учун ҳам сўзни изоҳлашда антонимлардан ҳам фойдаланиш усули қўлланилади. Кўпинча, сўз изоҳидан кейин келтириладиган антонимлар маънони тўлароқ очиб беришга, изоҳни тўлдиришга хизмат қилади. Изоҳли луғатни тузувчилар бу усулдан ҳам уноумли фойдаланганлар. Масалан: Негатив... акси позитив.

Луғат тузувчилар олдида сўзларнинг қайси соҳаларда ишлатилишини аниқлаш, аниқроғи, уларнинг қўлланиш доирасини белгилашдан иборат душвор вазифа туради. Маълумки, тил эгаси бўлмиш халқнинг барча вакиллари ҳам баббараварига шу тилга оид сўзларнинг ҳаммасини қўллавермайди. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Шунга кўра, маълум бир сўзлар китобий услубга, бошқалари эса жонли-сўзлашув тилига, учинчи бир гуруҳи эса фақат шеъриятга, яна бир гуруҳи муайян терминологик системаларга мансуб бўлиб қолади. Бир қанча сўзлар эса ҳозирги муомалада ишлатилмасдан, эскирган сўзлар қаторидан жой олади. Буларнинг ҳаммасини аниқлаш ва маълум белгилар қўйиш луғатнинг нормативлигини таъминлайдиган энг муҳим воситалардан биридирки, бу луғатдан фойдаланувчиларга жуда катта амалий ёрдам кўрсатади. Масалан, жўшмоқ сўзи изоҳидан олдин поэт, деган белги бор. Шу биргина белги мазкур сўзнинг шеърият оламига мансублигини билдиради. Бунинг изоҳдан кейин келтирилган қуйидаги мисол ҳам тўла тасдиқлайди: Ҳаммасини биласан эй, сирли дарё, Оқсан узоққа жўшиб перавро (Ғайратий). Кузан сўзидан кейин қўйилган с. т. белгиси эса шу сўзнинг юқоридиган фарқли ўлароқ, жонли сўзлашув тилида ишлайётганлиги тўғрисида информация беради. Ақилламоқ сўзининг асл маъноси изоҳидан олдин кўчма, дағал белгилари қўйилган. Булар мазкур сўз тўғрисида иккита информация беради, яъни ақилламоқ кўчма маънода ҳам ишлатилишини (бўлар-бўлмас гаплар гапирмоқ, вайсамоқ, валдирамоқ) шу билан бирга, у дағал — кўпинча кишини жеркиб ташлаш маҳалида қўлланиладиган сўз эканлигини билдиради.

«Биз сўзлар билан эмас, балки фразалар билан фикрлаймиз»,— деб ёзади машҳур француз тилшуноси Ш. Балли. Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» таркибига киритилган минглаб фразалар, яъни фразеологик иборалар ҳамда

мақол ва маталлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки уларнинг бари — ўхшатишга бой, юморга йўғрилган, ширин орзу-умидларга тўла, она Ватанга, ёру дўстга, еру заминга муҳаббати, меҳнатга иштиёқи синган, дushmanу рақибларига, ғаниму нокасларга, ялқову дангасаларга нафрати акс этган, топқирлик, ҳозиржавоблик намуналари ўз ифодасини топган ибораю идиома-лар, мақолу маталлар она тилимизнинг чаманидир, жилонаниб турувчи гавҳарларидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун изоҳли луғатни олиб, биргина кўнгил сўзи ичида берилган ана шу гавҳарларнинг маъноларини чақиб кўриш мумкин. Мана уларнинг айримлари кўнгил очиқ, кўнгил оқ, кўнгил кенг, кўнгил шуши, кўнгил бермоқ, кўнгил кўтарилди, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, кўнгилни топмоқ, кўнгил учун, кўнгилни эритмоқ; кўнгил тош, кўнгил кўтармайди, кўнгил тор, кўнгил узмоқ. Ёки бола сўзи билан боғлиқ бўлган ибораларни олиб кўрайлик: бола йиғламаса она сут бермайди; туғилмаган болага бешик; болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра; отасининг боласи; одамнинг меваси бола; она билан бола гул билач лола; бол ширин, болдан бола ширин; кўнгиз боласини оппоғим дер, қирпи боласини юшпоғим дер.

Қайд этиш керакки, бу тил безакларининг аксарияти содда, мухтасар, ихчам изоҳлар билан таъминланган бўлса, қолган қисми у ёки бу сўзнинг маъносини очиб берувчи иллюстратив материал сифатида фойдаланилган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тилимизда ишлатилаётган сўзлар ҳақида барча зарур маълумотларни берувчи муҳим қўлланма ролини ўйнайди, чунки унда фақат сўз маъноларининг изоҳигина эмас, балки ўша сўз ҳақида кўппина бошқа маълумотлар ҳам берилган. Чунончи бош сўзнинг қайси сўз туркумига оидлиги, унинг яна қандай грамматик хусусиятлари (масалан, бирлиги, кўплиги, даражаси, нисбати, формаси) бор эканлиги, қайси тилдан кириб келганлиги, нусхалари, талаффуз этилиши, имлоси, ўша сўзни ишлатишдаги ва бошқа қатор «икир-чикир» хусусиятлар мавжудлиги батафсил кўрсатилганки, буну луғатхонларга етказиш учун лексикографларимиз озмунча меҳнат сарф қилишмаган. Бу ўринда тақрир ҳажми тақозоси билан мисоллар келтириб ўтирмаймиз. Луғатдан фойдаланувчиларнинг ўзлари луғатни варақлаганларида мазкур ишларни бажариш учун қанча кўп меҳнат сарфлаганлигини билиб оларлар деган умиддамиз.

Ҳеч шубҳасиз, мазкур капитал асар ўзбек халқи тарихида муҳим воқеа бўлиб қолади. Чунки бу луғат ўзбек тилининг хусусан ўзбек лексикасининг кўзгуси бўлибгина қолмай, балки халқимизнинг, ўзбек тилида муомала қилувчиларнинг саводхонлигини янада оширади, уларнинг сўз бойлини, нутқ маданиятини такомиллаштиради. Ўзбек тилининг бойлиги ҳақида кенг тасаввур ҳосил этади.

Изоҳли луғатнинг ижобий фазилатлари, аҳамияти ҳақида қанча кўп гапирсак, шунча озлик қилади. Бу нодир асарнинг келгусида қайта нашр этилиши зарурлигини эътиборга олиб, айрим мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Тақрир қилинаётган ишнинг «Сўз боши»-сида шундай дейилган: «Ўзбек тилининг норматив изоҳли луғатини тузишга киришишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Биринчи навбатда, бадий адабиёт намуналарига таяниб, луғатнинг лексик асоси — луғат картотекаси яратилди, чунки тилнинг бойлиги ва нормалари, аввало, сўз усталарининг асарларида акс этади, сайқал топади» (1-том, 7-бет). Бу фикр жуда тўғри ва асосли. Ҳақиқатан ҳам тилни маълум бир нормага келтиришда бадий асар муаллифларининг роли бениҳоят катта. Лекин ҳозирги босқичда «тилнинг бойлиги ва нормалари» вақтли матбуот — газета ва журналларда ҳам «акс этади, сайқал топади». Тўғри, Изоҳли луғатда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида «Совет Ўзбекистони» газетаси, «Муштум» ҳамда «Фан ва турмуш» журналларигина бор. Бироқ ўзбек тили вақтли матбуоти шулар билан чегараланиб қолмайди. Бу ҳол луғат сўзлигини танлашга ҳам, сўзларнинг маъно нозикликларини аниқлаш ва иллюстратив материаллар билан таъминлашга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатган. Демокчимизки, ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини тузишдан олдин юқоридагилардан ташқари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» каби газеталардан, «Саодат», «Гулистон», «Совет Ўзбекистони санъати», «Шарқ юлдузи», «Гулхан» каби журналлардан сўз гавҳарини биттама-битта териб олиш лозим бўлади. Бундай ишга рус ва бошқа тиллардан қилинган таржима асарлар ҳам жалб этилса ёмон бўлмасди.

Изоҳли луғат ўзбек тилининг лексик бойлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади деб айтиб ўтган эдик. Бироқ у ўзбек тилининг сўз ясалиши тўғрисида маълумот бера олмади. Шундай экан, луғатнинг янги вариантини яратганда ўзбекча сўз ясовчи кўшимчалар ҳақида ҳам тегишли маълумотлар бериб кетилса (масалан, илова тарзида) айти мудио бўлади.

Фикримизча, Изоҳли луғатнинг «Сўз боши»си бирмунча бўш ёзилган. Унда ўзбек тили лексикасида рўй берган жараёнлар ўзининг тўлиқ ифодасини топтоғи лозим эди. Сўнгра, мазкур «Сўз боши» ва «Луғатнинг тузилиши ва фойдаланиш тартиби» рус тилида ҳам берилмоғи керак эди. Чунки бу ноёб асар фақат ўзбекларнинг мулки бўлиб қолмай, балки бошқа туркий тилларнинг ҳам, шунингдек, ўзбек тили билан қизиқувчи, ўзбек тилини ўрганувчи бошқа миллат вакилларининг ҳам мулки бўлиб қолишига ишончимиз ксмил.

Изоҳли луғатда айрим лексикографик ва бошқа хил камчиликлар, ноаниқликлар ҳам мавжуд. Масалан, кўк, оқ, сариқ сўзларини изоҳлашда шу рангларга эга бўлган предметга ўхшаш асос қилиб олинган, қора, яшил сўзларини тасвирлашда эса ўша рангларнинг спектрдаги ўрнини кўрсатиш билан изоҳлаш принципига амал қилинган. Ваҳоланки, бир тилдаги сўзлар изоҳи бир тилда бўлиши керак деган қоидда аллақачонлар амалда тасдиқланган. Сўнгра мазкур сўзларнинг фақат биттаси, яъни оқ сўзига сфг. (сифат туркумига оид) белгиси қўйилган, бошқа сўзларга эса бундай белги қўйилмаган, натижада ҳар хиллик вужудга

келган. Шунингдек ман (мен) сўзининг шеваларга хослиги кўрсатилган, лекин сан (сен) сўзининг шеваларда қўлланиши қайд этилмаган.

Луғатда кели сўзи ҳам, келисоп сўзи ҳам ўғир деб қайд этилган, ҳолбуки келисоп ўзбек шеваларининг бирортасида ўғир маъносини билдирмайди.

Қўнғирот сўзи ўғиз (аслида ўғуз ёзилиши керак) уруғларидан бирининг номи ва шу уруққа мансуб бўлган кишилар... деб таърифланган. Қўнғирот ўғиз уруғларидан бири эмас, балки қипчоқларнинг йирик қабилаларидан биридир. Келтирилган мисолнинг ўзиёқ буни яққол кўрсатиб турибди.

Тилшуносни жазоламоқчи бўлсанг, унга луғат туздир, деган экан дошизмандлардан бири. Ҳақиқатан ҳам луғат тузишдек инжиқ, сермашаққат иш бўлмаса керак. Изоҳли луғатни тузувчилар шу даражадаги қийинчиликни енгишга қанчалик ҳаракат қилишмаган бўлсин, бари бир, айрим нуқсонлар ўтиб кетиб қолар экан. Мана, шундай нуқсонларнинг айримлари: Антифашист сўзига қўйидаги изоҳ берилган: фашизм душмани, фашизмга қарши кураш қатнашчиси. Келтирилган мисолда эса антифашист сўзи шахс эмас, балки сифат ролини ўйновчи сўзга айланиб қолган: антифашист ҳаракат. Душман сўзининг таърифида, аксинча, унинг сифат эканлиги ўқтирилади; келтирилган мисол эса от бўлиб қолган: дунёқараш, манфаатлари, ғоялари бири-бирига қарама-қарши бўлган, зид. Ғоявий душман (?). Синфий душман (?)..

Бундай «майда-чуйда» камчиликлар, табиийки, изоҳли луғатнинг янги нашрида эътиборга олинмиши керак.

Маълумки, луғатлар тузиш тажрибасида изоҳларни ихчамлаштирувчи, қисқартирувчи воситалар борки, улар жуда иқтисодий тежамкорликка олиб келади. Шундай воситалардан бири сўз таърифида келтириладиган изоҳлар ичидаги синоним сўзларни қавс ичига олиб беришдир. Бу ҳол айна бир хил сўзларнинг ҳадеб такрорланаверишига чек қўяди. Масалан, изоҳли луғатдаги буюрмоқ сўзининг таърифини олиб кўрайлик; буйруқ бермоқ, амр фармон қилмоқ, ҳукм қилмоқ... Мазкур таърифда қавсни ишга солсан у шундай кўринишга эга бўлади: буйруқ бермоқ, амр (фармон, ҳукм) қилмоқ... Натижада қилмоқ сўзини такрор ишлатишга ҳожат қолмайди. Демокчимизки, луғатни қайта тузишда мана шу каби прогрессив усуллардан кенг фойдаланиш лозим.

Яна бир таклиф:

Такриз этилаётган ушбу изоҳли луғат ўр. тача ҳажмдаги луғат эканлигини назарга олиб, авваламбор, «Алишер Навоийдан митти Абдуллагача... (Н. Тихонов) бўлган даврдаги сўз ва терминларни ўз ичига камраб олган ўзбек тилининг кўп томли,

120—150 минг сўздан иборат катта изоҳли луғатини тузишга ҳозирданоқ киришмоқ керак.

Бундан ташқари кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган, озроқ вақт ҳамда камроқ меҳнат сарфлаб ўзлари учун зарур бўлган сўзлар ҳақида маълумот олишни таъминлайдиган кичик, 30—40 минг сўздан иборат бир томлик изоҳли луғат тузишни ҳам тезлаштирмоқ зарур. Бу тадбирларни амалга оширмоқ учун УзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида алоҳида «Изоҳли луғат бўлими» ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кўрсатиб ўтилган айрим нуқс ва камчиликлар, шунингдек истак ва таклифлар «Ўзбек тили изоҳли луғатининг юқорида таърифланган аҳамиятига путур етказмайди.

Ҳўш, мана шундай «Сўзлар хазинаси»ни яратиш борасида пешона тери тўккан мўтабар олим у ходимлар кимлар?

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» билимдон олим ва моҳир ташкилотчи Зокир Маъруфов таҳрири остида нашр этилган бўлиб, уни тузишда марҳум профессор Собиржон Иброҳимов, профессорлардан Азим Ҳожиёв, Алибек Рустамовлар; филология фанлари кандидатлари Саидфозил Ақобиров, Тешабой Алиқулов, Сафо Зуфаров, Насим Маматов, Мирозиз Миртожиев, Гель Михайлов ҳамда марҳум Абдулла Ҳўжахонов, шунингдек Нусрат Икромова, Шарофат Нуъмонова ва бошқалар иштирок этганлар. Луғат қўлёзмасини тайёрлаш ва унга алоқадор техник ишларни бажаришда эса луғат секторининг барча кичик илмий ходимлари ва лаборантлари қатнашганлар.

Бундай улкан ишнинг сифатли бўлиб юзага чиқишида Москвадаги «Русский язык» нашриёти ходимларининг, айниқса, СССР халқлари редакцияси мудирини О. В. Головкина, кейинчалик Н. М. Семеноваларнинг катта редакторлардан Д. Н. Лукашевич, Л. А. Богданова, редакторлардан Н. Г. Денисова, Г. А. Матвеевко сингариларнинг, шунингдек кўплаб москвалик ва ленинградлик нашриёт ходимларининг аъло даражадаги хизматлари ҳам алоҳида диққатга сазовор.

Файласуфлардан бири «Давлат байроғи ҳар бир миллатнинг рамзидир, мен шу рамз қаторига изоҳли луғатни ҳам қўшган бўлар эдим», — деган экан. Бу фикр бевоқиф ўзбек тилининг биринчи Изоҳли луғатига ҳам тааллуқлидир, шу сабабли бу ноёб хазина — сўз гавҳарлари мажмуаси — ўзбек социалистик миллати эришган улкан ютуқларнинг рамази бўлиб қолади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Аҳмад ИШАЕВ,
Ренат ДОНИЕРОВ,
филология фанлари кандидатлари.

ОРЗУ, ҲАЁТ, КУРАШ ТЕРАН ТАЛҚИН ТОПСА

ОЙДИН ҲОЖИЕВА. ДОСТОНЛАР.
Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980.

Лирик шеърляти билан китобхонларга манзур Ойдин Ҳожиева поэзиянинг йирик турларида ҳам тиришқоклик билан қалам тебратаётир. Унинг «Достонлар» китоби ана шу изланишлар самараси сифатида майдонга келди. Достонларда шоира эзгу орзулар ва орзуманд кишилар ҳаётини қаламга олади. Орзулар ва ҳаёт зиддиятлари орасидаги кураш жараёнида инсон иродаси ҳамда характери тақомилини тасвирлашга интилади.

Унинг тўнғич достони «Келинчак» жамиятимиздаги илғор аёл — Орзихон тақдирини куйлашга бағишланган. Асар Орзихоннинг партия сафига қабул қилинаётганини акс эттирувчи драматик лавҳа билан бошланади. Ана шу ҳаётини лавҳадан фойдаланиб, муаллиф қаҳрамоннинг қалб оламига, ўтмишига ҳаёлан саёҳат қилади. Орзихоннинг ижтимоий фаолияти, инсоний фазилатлари унинг руҳиятини поэтик тадқиқ этиш жараёнида гавдаланади.

Ҳаёт бўронларида чиниққан Орзихон партия мажлисида барча саволларга ёруғ юз билан бекаму кўст жавоб беради. Аммо «оила ҳақоли» деган савол уни изтиробга солади...

Турмуш лаззатини татиб улгурмай, оталик бахтидан бебахра бўлиб Пўлатжон Ватан мудофасига отланади. Келинчак Орзихон эса соғинч мактублари ўрнига қоракат олади. Дунё, Ватан, она-юрт нотинчлиги, халқ талофатлари, ниҳоят, Пўлатжоннинг қурбон бўлиши... Устма-уст ёпирилиб келган бу фожиалардан гангиб қолган Орзихон ҳаётдан кетмоқчи ҳам бўлади. Аммо, ҳаётнинг қайноқ тафти, боқий ва ёқимли қўшиғи уни сақлаб қолади. Унинг характерида маънавий янги-ланиш, ўсиш, ўзгариш юз беради. Уз бахти, орзуларини эл-юрт хизматида, коллектив турмушида, меҳнат кучоғида, мамлакат тикланишида кўради. Меҳнатдаги муваффақиятлари туфайли ҳурмат ва обрў қозонади, колхозга раҳбарлик қила бошлайди.

Достоннинг бош ғояси — меҳнатни улуғлаш, инсоннинг маънавий камолотини кўрсатишдан иборат. Тақдир Орзихонга нисбатан аёвсизлик қилди, лекин унинг орзуларини батамом емира олмади. Орзихон яшашнинг моҳияти фақат шахсий бахтда эмаслигини англаб етди, саботли иродаси ва меҳнатга муҳаббати туфайли орзуларига эришди. Орзихоннинг оилавий фожиасини кўрсатиш орқали эса шоира фашизмга, урушга нафрат, тинчликка тарафдорлик туйғуларини ифода этади.

Шоиранинг «Она ер соғинчи» достони она ер гўзаллигини, инсоннинг заминга садоқатини кўрсатиш ниятида яратилган. Муаллиф бу муддаосига ўзбек ўғлини Акбарнинг фазога парвозини тасвирлаш воситасида эришган. У маъқул йўл танла-

ган. Чунки, биринчидан, она-Ватан соғинчи, ер гўзаллиги ва унга мафтунлик туйғулари, айниқса, Ватан — ердан йироқ тушган кишининг қалбида кучли сезилади. Бу эса ижодкорга ўз қаҳрамон қалб кечинмаларини тасвирлашда имкон туғдиради. Иккинчидан, XX аср одамининг она ерга нисбатан меҳр-оқибатини, фан ва техника қудрати билан еру осмонни забт этган инсоннинг ҳиссиэлиниб маънан қашшоқлашиб қолмаганини кўрсатиш муаллиф олдидаги муҳим муаммолардан. Буни даврнинг илғор, интеллектуал вакилларида бири ҳисобланган космонавт тим-солида ечиш қулайроқ.

Шоира таъкидлаганидек «Буюк ер ва чексиз само йўлида инсоннинг зақоси бир пиллапоя». Шундай зақоватли инсоннинг руҳий маънавий оламини очиб бериш учун тасвир ер ва осмон алоқадорлигида олиб борилади. Яъни парвоздаги фазогир ердан буткул узилиб қолмайди, унинг онгида осмон идрокни бўлса, қалбида замин муҳаббати. Муаллиф асардаги ҳар бир деталё орқали Акбарнинг ер билан ҳамнафаслигини таъкидлаб туришга ҳаракат қилади.

Акбарнинг космосдаги фаолияти унинг қалб кечинмалари билан уйғун ҳолда акс этади. Ҳаёл кўзгусида беғубор болалик лавҳалари, улғайиш, камолот йиллари жонлантирилади. Ердаги ҳаётнинг кенг кўламли манзараси гавдаланади. Бу манзаралар силсиласида Акбарнинг воқеликка муносабати, ўй-фикрлари равшанлаша боради. Ана шундай психологик таҳлил синтезида қаҳрамоннинг силага муҳаббат, Ватанга садоқат, табиатга мафтунлик, жасоратга иштиёқмандалик, фашизмга нафрат, тинчликсеварлик каби умуминсоний туйғулари ва граждандлик хислатлари балқиб чиқади.

«Она ер соғинчи»да шоира кенг қамровли тасвир услубини қўллаган. У бир пайтнинг ўзида Акбар ва она руҳияти тасвирини параллел равишда олиб боришга интилган. Психологик таҳлил жараёнида Акбарнинг қарийб бутун таржимаи ҳолини (ёшликдаги шўхликларидан тортиб, фазога парвоз қилганига қадар), унинггина эмас, ер ва инсониятнинг таржимаи ҳоли, балки географиясини ҳам тиклашга ҳаракат қилади. Бу эса асар бадииятига таъсир этади. Турли мавзудаги, кенг қамровли бундай воқеаларнинг тафсилоти асэрни кенгайтириб юборган. Достон «Муқаддима» ва «Хотима»дан ташқари, «Ассалом, парвоз», «Биринчи тонг», «Акбарнинг туши», «Юлдузлар сўзлайди», «Онанинг туши», «Осмону фалакда», «Мактуб», «Соғинч», «Биринчи хитоб», «Иккинчи хитоб», «Заминнинг туши», «Қайтиш», «Дийдорлашув» каби ўн уч бўлимдан ташкил топган. Бу бўлимларнинг ҳар қайсиси ана ички бўлинишларга эга. Шу бўлим ва бўлимларнинг бари теран маънавий изчилликда, мустаҳкам композицион аҳлитликда тажассум топган деб

бўлмайд. Масалан, асардаги «Онанинг туши», «Биринчи хитоб», «Иккинчи хитоб» каби айрим қисмларнинг дostonга киритилишида сунъийлик сезилади. «Онанинг туши» ортиқчага ўхшайди. «Биринчи хитоб» ва «Иккинчи хитоб» эса мазмун ва характериға кўра «Она ер соғинчи» таркибига унчалик сингиб кетмагандек таассурот қолдиради.

Китобдаги қолган асарлар асосан, оилавий-маиший мазмунда бўлиб, уларда меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат ғоялари илгари сурилади. «Ҳаётга таъзим» дostonида Улуғ Ватан уруши туфайли отадан, бевақт ўлим сабабли ягона таянчи — онадан етим қолган Зиёда исмли қиз ҳаёти мисолида одамларнинг меҳрибонлиги улуғланади. Қизнинг қайтадан бахтли бўлишиға тоғаси Уктам, суюкли ёри Усмон ва бошқа кишиларнинг одамгарчилиги сабаб бўлади. Шоира Зиёдаға бахт ато этган ҳаётга таъзим қилар экан, бу ўз навбатида, инсонийликка, муҳаббатға миннатдорчилик ҳам демакдир.

«Нозик» асари эса ўтмиш ҳаётнинг бир лавҳасини акс эттирувчи ривоят асосида яратилган. Ривоят зеб-зийнатға ҳирс қўйган Нозик исмли қизнинг аянчли тақдирдан ҳикоя қилади.

Шу ўринда дostonнависнинг услубида айрим ҳолларда баёнчилик сезилишини, тасвирда ҳаётийлик етишмайдиган ҳоллар ҳам учрашини айтиш керак. Масалан «Келинчақ»да Орзихоннинг фаолияти ҳақида кўпинча шоира сўзлайди. Қаҳрамон нутқи кучирма гап тарзида келтирилган ўринларда баъзан китобийлик сезилади. Пўлатжондан қорахат келгач, Орзихон «Тулликни ихтиёр этиб», ўз уйига қайтади. Қайнона эса куёвининг қайтиб келишидан умидвор. Шунинг учун кизига Пўлатжонларникиға бориб, уни садоқат билан кутишни айтади. Шунда Орзихон дунёдан бева ўтиш ҳақидаги қарори қатъий эканлиги ва энди қайнонасиникиға қайта ол-

маслигини куюнби сўзлайди. Бунинг ифодаси қуйидагича:

«Энди қай юз билан бораман, онам,
Менда ҳам лафз бор, бордир номус,
оп!»

Бу ерда қаҳрамоннинг ўз онасига «онам» дея, расмий мурожаат қилиши бадийликни бузган. Иккинчидан, қаҳрамонлар нутқини қўштирноқлар исқанжасидан ҳам батамом халос этиш лозим эди, токи улар яйраб сўзласинлар, қалблари, онгларидаги шуур тўсқинларға учрамай, табиий ва баралла янграсин. Негаки, асардаги драматизм шу билан тирик, дoston эса драматизми туфайли ҳаётийдир.

Асарлар композициясига ҳам ҳийла ишлов бериш керакка ўхшайди. Дostonларнинг ички тартиби, изчиллиги, мантиқий боғлиқлиги заифроқдек таассурот қолдиради.

Шеърятнинг кўркамлиги шоирнинг поэтик лексикасига боғлиқ. Лексик состави нафис сўзлардан ташкил топган шеърятгана гўзал бўлади. Сўзнинг нафислиги деганда ялтироқлик, жимжимадорлик эмас, албатта, маънодорлик, ёқимли оҳанг тушунилади. Сўзнинг нафосати ўринли, мазмунға мос равишда қўлланиши билан белгиланади. Биз шоиранинг сўзға ҳассослик, топқирлик билан ёндашишини истардик.

Дostonлар Ойдин Ҳожиеванинг эзгуликка орзуманд шоира эканлигидан далолат беради. Олижаноб орзулар сари интилаётган ижодкорнинг келгусида бундай айрим камчиликлардан холи баркамол асарлар яратишиға ишончимиз комил. Шоиранинг юксак орзуларни теран талқин эта оладиган нафис асарлар яратиш йўлидаги изланишлариға муваффақиятлар тилаймиз.

Нусратилла ЖУМАЕВ.

ҲАЁТБАХШ МОМАҚАЛДИРОҚ

Назир САФАРОВ. МОМАҚАЛДИРОҚ.
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981

Даврнинг ижтимоий-маънавий тараққиётига таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлиш бадий адабиётнинг асосий хусусиятларидан биридир. Узоқ ва яқин тарихимиздан ҳикоя қилувчи асарлар бунға ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг «Момақалдироқ» романининг шу жиҳатдан аҳамияти каттадир.

Озодлик учун курашда меҳнаткаш халқ онгининг ўсишини кўрсатиш асарнинг асосий ғоясини ташкил қилади. Ҳаёт ҳақиқатига содиқ равишда ёзувчи халқимиз оғир ўтмишининг бутун мураккаб ва зиддиятли томонларини четлаб ўтмасликка интилади. Ёзувчи ўз мақсадини ифодалаш учун муносиб қаҳрамонлар танлаб, улар тақдирини асар марказига қўяди. Роман

воқеаларининг ривожига бир томондан одамларға яхшилик қилувчи, ожизларға кўмак берувчи Ҳотам бошлиқ Оймат бо-бо, Жаббор лайлак, Турсунтош, Ҳожи сартарош, Карим тоштарош каби меҳнаткашға мадакдор кишилар фэолият кўрсатса, иккинчи томондан Додхудо, Маматбой, Саркор сингари бойлик тўплаш йўлида халқ қонини зулукдек сўрувчи эксплуататорлар вакиллари ҳаракат қилади. Бу кучлар ярамас феодал жамияти келтириб чиқарган эзгулик ва ёвузлик тўқнашувида бир-бириға дуч келади.

Романда соддадил Ҳотамнинг жабр-си-там ва тирикчилик жараёнида ҳаётда тобланиб кўзи очила боришини, ўз тақдир учун кураш йўлиға ўтганлигини бадий акс эттиришға алоҳида эътибор берилган.

Классикларнинг таъкидлашича, ҳақиқий санъат асарининг бадий тақомили қуйидаги учта ижодий босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичнинг характерли

хусусияти турмуш воқеаларининг бадий асарда ўзининг реал бўёқлари билан берилишидир. Иккинчи босқичда ана шу турмуш воқеаларининг ҳаётий образлар фаолияти воситасида асл моҳияти очиб берилиши, тўғри тасвир орқали тушунтирилиши талаб қилинади. Мана шу икки хусусият санъат асарининг бадий парвозини таъминловчи омиллардир.

Учинчи босқичда эса, реал тасвирланган ва асл моҳияти очиб берилган ҳаёт воқеалари устидан қатъий ҳукм чиқарилади. Бундай асарлар, Н. Г. Чернишевский таъбири билан айтганда, ўзларининг бадий қиммати устига яна бадийликнинг олий фазилати бўлган илмий қимматни ҳам қўшиб оладилар.

Биз «Момақалдироқ» романига худди шу фазилатлар нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилдик.

Асар воқеаси Деҳибаланд қишлоғининг табиати ва ундаги Имом Ҳасан, Имом Ҳусан номидаги масжид, қишлоқ сўфиси Оймат бобо юмушлари тасвири билан бошланади. Ёзувчи бу диний қароргоҳни, ношаръий ишга юрмаган, ёлгон сўзламаган, бир умр ҳалол яшаган ор-номусли Оймат сўфининг жон бериш онларини бекорга тасвирга киритмаган. Оймат сўфи ҳам, унинг кампири ҳам тирикчилик заҳматлари, фарзандсизлик дарди ҳажрида адо бўлганлар тоифасидан. Давр чиқитга чиқариб ташлаган бу мажруҳлар ҳаётидан ёзувчи шундай бир нур топадики, бу нур кейинчалик зур машала бўлиб, турмушда севишганлар йўлини ёритиши мумкин. Ҳар иккаласининг ҳам ўлиш олдидан ўйлаган ўйлари тасвир этилган ўринларни ўқиш жараёнида уларнинг покиза қалбли зотлар эканига ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун ҳам уларни бутун қишлоқ эъзоэлайди, ошиқ-маъшуқлар сингари бир қабрга қўяди.

Ёзувчи воқеалар тасвирини реал беришнинг ажралмас ҳамроҳи қилиб унинг таъсир қуввати саҳифама-саҳифа орта бориши заруратини кўзда тутади. Бу ўринда сир сақлаш усулидан моҳирона фойдаланган. Китобхон Оймат сўфини ваҳимага солган, Деҳибаландда тўсатдан пайдо бўлиб қолган номаълум шахс ким эканига қизиқиб қолади. Жабборқул лайлак воқеаси берилгач тасвирга романнинг бош қаҳрамони Ҳотам киритилади.

Энди роман бадий такомилнинг иккинчи босқичи кўзга ташланади. Унда тасвирланаётган тарихий воқеаларнинг асл моҳияти очила боради. Бош қаҳрамон Ҳотам фаолияти асардаги образлар характерларининг кенгроқ очилишига, уларга боғлиқ равишда меҳнаткаш халқ ҳаётининг турли-туман қирраларини тадқиқ этилишига имкон беради.

Романда бош қаҳрамон тақдирига алоқадор Ҳожи сартарош образи диққатни тортади. Агар Оймат сўфи тақдирга тан бериб, ҳеч нарсага шак келтирмай яшовчиларнинг вакили сифатида кўзга ташланса, Ҳожи сартарош унинг тамоман тескариси. Унинг фикрича, «кўникиб яшашнинг ўзи бир офат! Инсон бошига битган бир белло, бир фалокат!»

Ёзувчи Ҳожи сартарошга ғоятда улкан ижтимоий юк юклаган. У ҳам худди Оймат сўфи сингари ҳаётнинг барча аччиқ-аламларини татиган, кимсасиз етим бўлиб

ўсган, муҳаббат насиб қилгану, аммо камбағаллиги туфайли севгилиси висолидан бенасиб бўлган сарсон-саргардон шахсдир. У оқ-қорани таниган бўлса ҳам эзувчи билан эзилувчини бир-бирдан ажрата олмайдиган даражада соддадил. У учун ҳамма бир, Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқаган қариндошлардир. Ана шу этиқоди туфайли у Карим тоштарош билан тўқнашиб қолади ва унинг зарбасига учрайди. Ҳотамни жисмоний ногирон, бадавлат, лекин қабиҳ шахс Додхудога боғлаб қўйгани учун дашном ейди. Ҳожи сартарош Ҳотамга қанчалик меҳрибонлик қилса, унинг хўжайини зolim Додхудога ҳам шунча меҳрибончилик қилади. Бироқ, у мол-дунёни назар-писанд қилмаслик, пулдан инсон қадрини устун қўйиш жиҳатлари билан кўпчиликка танилган, эл суйган кишидир. У ўзининг ана шу фазилатлари билан романдаги ижобий образлар силсиласида ёрқин ҳалқани ташкил этади.

Ёзувчи санъаткорлик билан китобхонни миллий урф-одатлар оламига олиб киради. Дафн, намоз, тўй маросимлари тасвирлари халқдаги аҳилликни, эзувчилар синфига хос шўҳратбозликни, пулпарастликни, уларнинг азалий илдиэларини очиб, тушунтириб беради. Ана шу маросимларга боғлиқ йўналишда очилган Карим тоштарош образи ўзининг тарбиявий жиҳатидан китобхонларнинг меҳрини қозонади. Карим тоштарош ўз дунёкараши жиҳатидан романдаги Ҳожи сартарош, Жаббор лайлак, Камол жинни каби ижобий образлардан устун туради. У турмуш воқеаларини тўғри таҳлил этиб, унинг мағзини чақа олади. Амир билан Додхудонинг одам қиёфасидаги йиртқиқлар эканини фош қилиб ташлаш даражасига бориб етади.

Романнинг «Таваллуд», «Найранг», «Кўпқари», «Исқот», «Меросхўрлар» деб номланувчи боблари воқеаларни тарихан изчил асослаш, эзувчилар синфининг ҳақиқий башараларини реал чизиб бериш жиҳатлари билан ёзувчининг ютуғи ҳисобланади.

Романда меҳнаткаш халқнинг турмуш тарзи, тирикчилик фожиялари, Жабборқул лайлак оиласи тимсолида индивидуаллаштирилиб берилган.

Адиб турмуш воқеаларини реал тасвирлаш ва шу воқеалар моҳиятини моҳирона умумлаштириш билан бирга улар устидан ҳукм ҳам чиқара боради. Бу эса ёзувчидан ўлтиш тарихидаги фактларни илмий таҳлил қила олиш қувватини талаб қилади. Шу жиҳатдан характерли бўлган «Кўпқари» бобида ёзувчи бадий тасвирни илмий таҳлил билан қўшиб юборганига ишонч ҳосил қиламиз.

Ёзувчи қаҳрамонлар характерини ташқи томонидангина тасвирлаб қолмай, уларнинг ички оламини, руҳиятини очишга алоҳида эътибор беради. Романда бундай хусусиятлар айниқса Ҳотам образи тасвирда яққол намоён бўлади. Хусусан бу ҳол унинг Шаҳрисабз, Нурота вилоятларидаги халқнинг ҳаёти ҳақидаги ўйларида, Додхудони опиқлаб масжидга олиб бориш ва қайтиш кезларида инсоф-диёнати, одамгарчиликни оёқости қилаётган, камбағал-бечораларни эзаётган йиртқиқлар тўғрисидаги мулоҳазаларида кўзга ташланади.

«Момақалди роқ» романи эълон қилин-
гач, қисқа вақт ичида унинг таҳлилига
бағишланган мақолалар пайдо бўла бош-
лади. Бу табиий ҳол. Танқидчилик асарни
объектив тарзда таҳлил этишга интилиб,
унинг ютуқ ва камчиликлари хусусида
баҳс этиб, китобхонларнинг роман тўғ-
рисида одилона ҳукм чиқаришларига
ёрдамлашаётир. Шу нуқтаи-назардан фи-
лология фанлари доктори Норбой Худой-
берганов ва танқидчи Ёқуб Яқвалхўжаев-
ларнинг билдирган мулоҳазалари аҳамият-
лидир. Норбой Худойберганов «Ўтмиш
сабоқлари» номли мақоласида («Ўзбекист-
тон маданияти» газетаси, 1981 йил 10 март)
асарнинг ҳаётийлигини таъминловчи замо-
навий руҳни тўғри илғаб ололган. У ёза-
ди: «Додхудолар аллақачонлар таг-томи-
ри билан йўқотилиб, Ҳотамлар ижтимоий
озодликка, эркинликка чиққанига олти
йилдан ошиб кетган бўлса-да, айни чоғда
ҳаётдаги маразларнинг асл башарасини
кўра-била туриб, уларни фош қилиш учун
жон-жаҳди билан курашмайдиган Ҳотам-
ларни учратиш қоламиз-ку! Бинобарин
«Момақалди роқ» тарихий-инқилобий мав-
зуда ёзилиб, замонавий рух, замонавий
мазмун касб этади дейишга ҳақлимиз».

Бизнингча, Норбой Худойберганов ро-
маннинг ютуқларини таҳлил қилаётган
пайтда объектив позицияда туриб, ориги-
нал ва салмоқли мулоҳазалар баён этса,
асар камчиликлари хусусида танқидий
мулоҳазалар билдирмоқчи бўлган ўрин-
ларда субъектив позицияга ўтиб кетиб,
таҳлил ўрнига ўз шахсий орзу-истаклари
майлига берилиб кетади. Баъзи ўринларда
танқидчининг фикрлари оидин эмас

Мунаққиднинг ака-сингил Ҳотам ва Ху-
мор муносабатларини севишганлар ҳаёти-
нинг тасвири деб таҳлил қилиши ва ёзувчинини
«қаҳрамоннинг ички дунёсида қандай ўз-
гаришлар рўй бераётганини етарли дара-
жада» очмаганликда айблаши китобхонда
иккиланиш уйғотади. Ахир, ёзувчи Ҳотам
ва Хумор муносабатлари тасвирини шун-
доққина тушунарли қилиб «Ака-сингиллар»
деб номлаган-ку. Энг ажабланирли томо-
ни шундаки, Норбой Худойберганов ро-
ман нашрида тақризчи сифатида иштирок
этган. Шундай экан, наҳотки у романдаги
«Ака-сингиллар» сарлавҳали бобни диқ-
қат билан кўздан кечирмаган бўлса?

«Норбой Худойбергановнинг кўп муло-
ҳазалари мунозаралидир. — деб ёзади
Ёқуб Яқвалхўжаев ўзининг «Момақалди-
роқ садолари» номли мақоласида («Ўзбе-
кистон адабиёти ва санъати» газетаси,
1981 йил 7 август). Додхудо ҳақида гапи-
риб, «...Унинг бу дунёда бирор нарсадан
лаззатланиши, хурсанд бўлишини билмай
доғда қоламиз. Ахир қаҳрамон қанчалик
салбий бўлмасин, у ҳам табиат ва жами-
ят фарзанди бўлгани учун нимадандир

роҳатланиши керак-ку!» Ёзувчига бундай
рецепт бериш мумкинми? Ахир, автор-
нинг нияти бошқа, у Додхудони дунёда-
ги ҳеч нарсадан лаззатлана олмайдиган,
хурсанд бўлишни ҳам билмайдиган, ҳаёт
завқидан баҳраманд бўлишга, завқланишга
ноқобил шахс қилиб тасвирляпти. Шун-
дай экан, бунинг нимасига доғда қолиш
керак!... Биз Қори Ишқамбадан ҳам,
Гобсекдан ҳам, Плюшкиндан ҳам яхши
фазилат қидирмаймиз. Назир Сафаров-
нинг ўзига хос тип яратишга интилишини
тушуниш керак эди».

Бу ўринда Ёқуб Яқвалхўжаев ҳақ. Ҳа-
қиқатан ҳам Назир Сафаров ҳаётни ях-
ши биладиган, уни ўзига хос тарзда иж-
тимоий типлар орқали бадий ифода эта-
диган ёзувчи.

Биз юқорида тилга олган ҳар иккала
мақолада ҳам романнинг бадий тақоми-
ли тўғрисида фикрларда баҳсли ўрин-
лар мавжуд. Норбой Худойберганов Дод-
худо тўғрисидаги ўйлар мулоҳазаларга
улашиб кетиб, тасвир орқали очиб берил-
магани, бунинг эса асар бадий тақоми-
лида салбий из қолдиргани ҳақида фикр
юртса, Ёқуб Яқвалхўжаев «Асарнинг ба-
дий тақомили билан боғлиқ фикрласак,
асарда, айниқса, муаллифнинг ўз баёнида
айрим қаҳрамонларнинг диалогларида
ортиқчалик сезилиб туради» деб ёзади,
бунинг исботи сифатида «халқ мақолла-
рининг ўринли-ўринсиз, керагидан ортиқ-
ча», такрор ишлатилгани ва Ҳотамнинг
Додхудони опичлаб юриши тасвирининг
меъёридан ортиқча чўзилиб кетганини
кўрсатади. Тўғри, романда ана шу хилда-
ги жузъий камчиликлар кўзга ташланади.
Бироқ бу каби камчиликлар асарнинг
бадий тақомилини белгиловчи асосий
мезон ҳисобланмайди. Бизнингча, асарнинг
бадий тақомилини белгилаганда юқорида
тилга олинган уч босқичли хусусиятни
кўзда тутмоқ даркор. «Момақалди роқ»
романида эса ана шуларнинг барчаси
мавжудлиги яққол сезилиб туради.

Асарда тасвирланган воқеаларнинг асо-
сий ўрни диний ақидалар уя қўйган
масжидда бўлиб ўтади. Ана шундай
ўринда диний ақидаларга, ёзувчи золим-
ларга қарши фикрларнинг уйғонишини
бадий жиҳатдан ишонарли қилиб тас-
вирлашнинг ўзи эса катта санъаткорлик-
ни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий-инқило-
бий воқеалар, фактлар, халқимиз ҳаёти
тарихидаги деталларнинг танланиши,
уларни индивидуаллаштирилган ва типик-
лаштирилган образлар орқали талқин эти-
лиши нуқтаи назардан «Момақалди роқ»
романи адиб ижодида ва ўзбек совет ада-
биётида алоҳида ўрин тутаети.

Дамин ТУРАЕВ,
филология фанлари кандидати.

Муҳсин ОЛИМОВ. Лазиз Қаюмов. Адабий портрет. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1980.

Химияда валентлик деган тушунча бор. У бир элемент атомининг иккинчи бир элемент атоми билан аралаша олиш қобилиятини англатади. Кўпвалентлик бирор модданинг активлигини аниқлашда асосий мезонлардан саналади. Истеъдоднинг хилма-хил ранг ва қирраларга эга бўлишини, мутахассиснинг турли фанлардан ёхуд бир фаннинг турли соҳаларидан хабардорлигини химиядаги ўша кўпвалентликка ўхшатиш мумкин. Адабиётшунос олим ва танқидчи Лазиз Қаюмовнинг ижодий оламини шундай нисбат билан изоҳласа бўлади. Унинг Ҳамза ҳақидаги фундаментал тадқиқотлари адабиётшунослик фанимизнинг ютуғи сифатида эътироф этилди. Адабиётнинг назарий масалаларига, бадий ижоднинг ленинча принципларига бағишланган китоблари эстетик тафаккуримиз ривожини йўлида хизмат қилиб келапти. Ўзбек совет адабиётининг классикларига айланиб қолган устоз адиблар — Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ижодига оид тадқиқий-тарғибий ишлари адабиётимизнинг тараққиёти йўлларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиб турибди. У бугунги адабий жараён, бадий ва илмий тафаккуримиздаги йўллар, оҳанглар билан мунтазам қизиқиб боради. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигини иттифоқ миқёсига олиб чиқишда, ўзбек адабиётининг ютуқларини кенг совет китобхоналарига етказишда фаол ва самарали хизмат қилмоқда.

Лазиз Қаюмов кейинги йилларда бадий ижод билан ҳам шуғулланмоқда. Унинг қатор ҳикоя ва кино сценарийлари, «Қалдирғоч» драмаси муаллиф истеъдодининг янги қирраларини намойиш этмоқда.

Муҳсин Олимовнинг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Лазиз Қаюмов» номли адабий портретида мана шу серқирра ижод соҳибининг жўшқин ва самарали фаолияти ҳақида гап кетади.

Ҳар бир олимнинг ҳам кўнглига яқин бўлган «ўз» соҳаси бор. Лазиз Қаюмов, биринчи навбатда, ҳамзашунос олим. У ўзбек совет маданиятининг тамал тошини қўйган бу улуғ санъаткор ҳақида тўртта йирик асар ёзди. Биринчи маротаба унинг кенг ва асосли илмий таржимани ҳолини яратди. Ижодий меросининг умумий қўламини аниқлади. Хусусан, публицистик меросини топиб, илмий муомалага киритди. 1905—1917 йиллардаги ўзбек адабиётида тутган етакчи ўрнини белгилади. Ҳамза ва совет адабиёти, Ҳамза ва социалистик реализм каби масалаларни дадил кўтариб чиқиб, ҳал қилди. «Ҳамза Лазиз Қаюмовга қадар ҳам кўпгина олимларимизнинг диққат-эътиборини жалб этган эди. Сотти Ҳусайн, Шокир Сулаймон, Воҳид Зоҳидов, Юсуф Султон, Иззат Султон Ҳамза ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишига

салмоқли ҳисса қўшган эдилар. Бироқ бу олимларимизнинг хизматларини камситмаган ҳолда шуни айтиш керакки, Ҳамза ҳақидаги тасаввурларимиз Лазиз Қаюмов туфайли фундаментал билимга айланди,— деб ёзади Комил Яшин. Ҳамзанинг шоғирди, унинг ҳаёти ва ижодининг улкан билимдони, бугунги адабиётимизнинг мураббийи ва муқаввий устозларидан бирининг бу эътирофи ва эътибори изоҳга ўрин қолдирмайди.

Рисолада ҳақли равишда адабиётшунос олимнинг Ҳамза ижодини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этишдаги қизғин фаолиятига кенг ўрин ажратилган. «Ҳамза ҳаёти ва ижодини ўрганиш истаги оддий профессионал майл эмас, балки энг азиз ниёт, ота мерос муҳаббат эди» деб қайд этади рисола муаллифи. Дарҳақиқат, шу маънода, Лазиз Қаюмов омади келган олимларимиздан. Унинг отаси Пўлатхон домла буюк Ҳамзанинг дўсти, сафдоши, маслакдоши бўлган. Бу хонадон шоир ва фозилларнинг меҳмонхонаси эди. Бўлажак олимнинг ёшлиги адабиёт ичиде кечди. Дастлабки сабоқни шеърдан олди. Саводини шеър билан чиқарди.

Лазиз Қаюмовдаги Ҳамзага бўлган меҳр ҳақиқатан ҳам ота мерос. Лекин ҳар қандай ижодий ишдагидек, илмда ҳам биргина муҳаббатнинг ўзи кифоя қилмайди. Унинг «игна билан қудуқ қазिश»га тенглаштирилиши бежиз эмас. Бунинг учун талант ва ундан ҳам муҳими меҳнат керак. Юзлаб адабий факт ва ҳужжатларни излаб топиш, таҳлил ва талқин қилиш, улардан муҳим хулосалар чиқариб Ҳамзанинг ўзбек маданияти ривожидеги хизматларини тайин этиш муҳаббатга талант ва меҳнат қўшилгандагина мумкин бўлади. Шу ерда битта фактни келтириб ўтамиз. «Инқилоб ва ижод»да XX аср бошида яшаб ижод этган Ҳамзанинг замондошларидан қирққа яқин шоирнинг рўйхати келтирилган. Бундан 17 йил бурун, китоб босилиб чиққан 1964 йилда адабиётшунослик фанимиз 1905—1917 йилларда яшаб ўтган шоирлардан шунинг ярминини ҳам тузук санаб беролмасди. У ерда тилга олинган адиблардан кўпчилигининг энди «усти очилмоқда».

1973 йилда Лазиз Қаюмов «Ҳамза» ва «Замондошлар» китоблари учун Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. 1974 йилда эса адабий-танқидий, публицистик мақолалари учун Урта Осие танқидчилари орасида биринчи бўлиб СССР ёзувчилари ва журналистлари союзларининг мукофотларини олди. Бу китоблар ва мақолаларда ижодкор истеъдодининг яна бир қирраси намён бўлганди. У ҳам бўлса таҳлилда илмий тафаккур билан бадий идрокнинг қўшилиб кетишидир. Муҳсин Олимов мунаққиднинг бу хил асарларини таҳлил этар экан, «Лазиз Қаюмов ҳиссий-образли услубда фикрлайдиган танқидчи. У трафарет баёндан, тайёр илмий хулосалардан қочади» дея ўринли кўрсатади. Дарҳақиқат, машҳур адабиётшунос В. Перцов Лазиз Қаюмовни «оташин публицист» деганида, Виталий Озеров «Замондошлар» китобига «ўзбек ада-

биётининг шахсларда ифодаланган панорамасидир» деб баҳо берганида мунаққид қаламига хос жўшқин эҳтирос ва бадий идрокни ҳам кўзда тутган эдилар.

Лазиз Қаюмов истеъдодининг муҳим қирраларидан яна бири унинг моҳир нотиқлигидир. У нотиқликни санъат даражасига кўтарган ижодкор. Шу ўринда унинг «Меридианлардаги учрашувлар» китобига кирган «Белград суҳбатлари»даги хотираларида қайд этилган бир иқдорини келтириб ўтишни истардим: «Нотиқлик санъатининг ўз қонун-қоидалари бор. Шулардан бири зал билан алоқа масаласи. Айтганимдек, минбарга чиққанимда эътирофдан кўра эҳтиёт кўпроқ кўринди менга. Аммо Белград байрами билан табрикланганда биринчи қарсак эшитилди. Шунда сездимки, зал

меники. Етимлар ҳақида гапирётганимда зал бир бутун сомеъга айланган, кўпларининг кўзида ёш эди. Шу фикрнинг якунида қарсак янгради. Ундан кейин ҳар фикрни чапак билан маъқуллаб туришди. Кейин ўша пайтларни хаёлимдан ўтказганимда машҳур рус мақоли тилимга келди: «Киймига қараб кутиб оладилару, ақлига қараб кузатиб кўядилар».

Хуллас, рисоладан забардаст адабиётшунос олимнинг ҳаёти ва жўшқин фаолияти ҳақида анчагина маълумот олиш мумкин. Айрим такрорлар (13, 59, 65, 78-бетлар), кўп ва узун кўчирмалар, баъзан баёнчиликка мойилликини ҳисобга олмаганда, китоб яхши таассурот қолдиради.

Бегали ҚОСИМОВ.

ҚАРДОШЛИК РИСОЛАСИ

НАСИМ НАМОЗОВ, ҲАМИД ОЛИМЖОН ВА АДАБИЁТЛАР ҚАРДОШЛИГИ. ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ. ТОШКЕНТ — 1980.

Ҳамид Олимжон янги социалистик жамият қурилаётган, унинг маънавий олами яратилаётган қайноқ бир даврда яшади. Шиддаткорлик, оптимистик туйғу, яратувчанлик, ҳамма нарсага чуқур бир ишчанлик билан қараш — бу давр илғор зиёлилари учун хос муҳим белгилардир. Мана шу жараёнда социализмнинг толмас тарғиботчиси Ҳамид Олимжоннинг фаолияти алоҳида бир мазмун билан ажралиб туради. У, аввало ижодкор эди. Шу билан бирга ижодий жараённи социализм яратиб берган имкониятлардан унумли фойдаланиб тезлаштириш, мазмундорлигини ошириш борасида катта ташкилотчи ҳам эди.

Насим Назофовнинг «Ҳамид Олимжон ва адабиётлар қардошлиги» номли китоби Ҳамид Олимжоннинг адабиётлар қардошлигини мустаҳкамлаш, ўзбек адабиёти ривожини умумсовет адабиёти, биринчи навбатда рус адабиёти ютуқлари даражасига олиб чиқиш; айниқса уруш йилларида рус ва бошқа қардош халқлар адиблари, шоирлари ижоди учун шароит яратиб бериш, уларнинг ижодий тажрибаларидан ёш ўзбек зиёлиларини баҳраманд этишга қаратилган жўшқин фаолиятини ёритган.

Рисола уч бўлимдан иборат бўлиб, уларда Ҳамид Олимжоннинг ушбу мавзу юзасидан қилган кўп қиррали фаолияти тўла қамраб олинган.

Ҳамид Олимжон — халқлар дўстлигининг илҳомчиси, бу дўстликни адабиётлар дўстлиги орқали кўрадиган тафаккур эгаси эди. У ўзбек адабиётининг тараққиёти ва ҳар томонлама камолоти учун, энг аввало рус адабиёти ютуқларидан чуқур баҳраманд бўлиш лозимлигини теран тушуниб олган санъаткор эди. Бадий таржима мана шундай ўрганиш мактабларидан энг ишончлиси эди.

Уттизинчи йиллардаёқ у А. С. Пушкин, А. М. Горький, Н. А. Островский, В. Ин-

бер асарларини чуқур нафосат билан ўзбекчалаштирди. Бу эса ўзбек ўқувчисини рус адабиёти даҳолари ижоди билан таништиришдан ташқари шоирнинг ўз ижодий, маънавий ўсишида ҳам муҳим ҳодиса бўлди. Ҳамид Олимжон шеърини ўйноқи ритмикага, ҳиссий жозибага бойдир. Бу эса ўз навбатида халқ оҳангларидан фойдаланиш билан бирга рус адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлиш самарасидир.

Насим Назофов Ҳамид Олимжоннинг адабиётлар дўстлиги илҳомчиси эканлиги тўғрисидаги фикрни асослашга киришар экан, ҳақли равишда шоирнинг улуғ Алишер Навоий юбилейини ўтказиш, унинг асарлари малоҳати, мазмуни билан кўп миллатли совет халқларини таништириш, таржима қилдириш борасидаги тинимсиз меҳнатига катта ўрин ажратади. Адибнинг ёзишмаларидан кўчирмалар келтиради. М. Ю. Лермонтов, У. Лермоний Ганжавий юбилей комитетлари аъзоси сифатида олиб борган самарали ишлари, қилган маърузалари мазмунини очиб бериш орқали унинг улкан арбоб сифатидаги фаолиятига хос кенг кўламини кўрсатади.

Улуғ Ватан уруши халқимиз учун катта синов бўлди. Оғир йилларда совет ёзувчилари чексиз матонат намуналарини кўрсатдилар. Ялли ижодий сафарбарликнинг авж олишида Ҳамид Олимжоннинг серқирра фаолияти салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг раҳбарлигида чоп этилган альманахларда юксак ватанпарварлик, оптимистик туйғуларнинг ифодаланиши, жангчи шоирлар асарларини чоп этиш, уруш майдонларида бевосита бўлиш, жангчилар билан учрашувлар ва шунга ўхшаш қатор тадбирлар совет ёзувчилари томонидан амалга оширилган ғоявий-тарбиявий ишларнинг умумий кўламини кўз олдимишга келтиришга имкон беради.

Эвакуация қилинган ёзувчилар томонидан ўзбек классик адабиёти ва фольклорига доир нодир асарларнинг рус тилига таржима қилиниши ҳамда рус ёзувчилари ижодига Ўзбекистон мавзусининг чуқур ишланишида ҳам Ҳамид Олимжоннинг катта ҳиссаси бор.

Уруш йилларида Тошкентда яшаб ижод этган немис, австриялик, венгриялик, чехославакиялик ва бошқа антифашист ёзувчилар ижодининг ғоявий ўсишида Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи ўйнаган ролни, шахсан Ҳ. Олимжоннинг жонқуярлигини кўрсатувчи янги маълумотларнинг берилиши мазкур китобнинг энг мазмундор саҳифаларини ташкил этади.

Гарчи, уруш Ўзбекистон тупроғидан анча йироқда бўлса-да, бироқ ўзбек халқи, унинг шоир ва ёзувчилари рус, украин, белорус биродарларнинг тақдирига тўла шерик эдилар. Ҳамид Олимжон «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл юртиларидан мактуб»нинг асосий муаллифлари ва ташкилотчиларидан бири эди.

У халқ кайфияти, урф-одатларининг чуқур билимдони бўлгани ва ўзбек тилининг публицистик — ташвиқотчилик имкониятларидан моҳирона фойдалана олганлиги учун ҳам бу мактуб оташин агитаторлик кучига эга бўлди. «Сенинг халқинг СССР оиласининг бир фарзанди эмасми? Рус, украин, белорус, озарбайжон, грузин, арман,

тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз 25 йил ўзбек халқи билан ака-укадек бўлиб бир иморат, бир мамлакат, бир маданият қуриб келди. Тўйларда ва базмларда, кураш ва машаққатларда ҳамроҳ бўлди! Энди сенинг аканг бўлган, руснинг уйига қардош бўлган белорус ва украиннинг уйига герман каллакесарлари босиб кирдики, у сариқ вабонинг келтиргани: дор ва қилич, очлик ва ўлим, ҳақорат ва қирғиндир. Лекин руснинг уйи сенинг уйинг, украин ва белоруснинг уйи сенинг уйингдир».

Худди мана шундай интернационалистик — ватанпарварлик туйғулари шоир шеърлари ва балладаларининг ҳам жанговар руҳини, мазмунини ташкил қилади.

Умуман, Насим Намозовнинг ушбу рисоласи ҳассос шоир ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжоннинг адабиётлар қардошлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги улкан фаолиятини кенг очиб беришга қаратилган фойдали асар ҳисобланади.

Муҳаммади ЖУМАНОВ.

ИНҚИЛОБ ТАРОНАЛАРИ

|| «УЛКАМ БАҲОРИ», «Юлдуз»
нашриёти, Қобул, 1980 йил.

1978 йилнинг 27 апрель куни Афғонистонда Апрель инқилоби ғалаба қилди. Реакцион тузум ағдариб ташланди. Асрлар давомида афғон халқини эзиб келган истибдод ва зулм занжирлари узилди.

Апрель революцияси туфайли турли тилларда ижод қилувчи афғон шоирлари ва адиблари, жумладан ўзбек шоирлари ва адиблари Афғонистон тарихида биринчи марта ўз миллий тилларида ижод этишга, ўз халқи, ватанининг равнақ топиши учун хизмат қилишга муяссар бўлишди. Ҳозирги вақтда Афғонистон Демократик Республикаси Халқ маорифи министрлиги ҳузурида Ўзбек тили ва адабиёти департаменти, Афғонистон Фанлар академияси системасида Ўзбек бўлими, «Юлдуз» газетаси ташкил қилинди. Бундан ташқари, Афғонистон телевидение ва радиоси ўзбек тилида эшиттиришлар олиб бормоқда.

1980 йил апрель ойида Қобулда Афғонистон ўзбек шоирларининг ilk бор мушоира кечаси бўлиб ўтди. Мушоира кечасида паштун, тожик, белуж, туркман шоирлари ҳам иштирок этишди.

Ўзбек шоирларининг бу мушоира кечаси АДР Фанлар академиясининг президенти, таниқли афғон шоири Сулаймон Лоикнинг табрик нутқи билан очилди.

Афғонистон ўзбек шоирларининг бу мушоирасини ва уларнинг инқилоб туфайли қўлга қиритган ютуқларини ЎзФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати, афғоншунос олим Ориф Усмонов Ўзбекистон адиби ва шоирлари номидан қизғин табриклади. Шундан сўнг мушоира кечаси бошланиб кетди. Мушоирада ўнлаб ўзбек

шоирлари қатнашди. Улар Апрель инқилоби, гўзал баҳор, янги ҳаёт, дўстлик, инсонпарварлиқни ва заҳматкаш халқни мадҳ этувчи шеърлари билан иштирок этишди.

Ўзбек шоирларининг мушоира кечасида ўқилган шеърлари Афғонистон ўзбеклари Маданияти Комитети томонидан яқинда «Улкам баҳори» номи билан нашр этилди.

Қуйида биз «Улкам баҳори» тўпламига кирган шеърлардан намуналар келтирамиз.

Қори Ашрафиддин Ашраф «Қизил юзлик» шеърда Апрель инқилоби натижасида ўз элида бошланган янги ҳаёт, озодлик баҳорини куйлайди.

Баҳор айёмидур соғи қадаҳ тут ким
кам ўлсун ғам,
Кўнгул ойинаси равшан бўлиб кетсун
кудурат ҳам.

Езиб ер узра фаррош табиат сабзадни
фаршин,

Муҳайё қилди асбоб тараб бизлар
учун шул дам.

Шугуфа кўз билан имо қилур
фурсат ғанимат деб,

Тамошо айлангиз аҳбоблар улфат
бўлиб бо ҳам.

Бугун гулзораро эй боғбон ғарс!
ниҳол этгил,

Кетиб қайғу кўнгилдин ўтди дур
ғусса ва мотам,

Ҳаёт янги топди еру кўк, халқий
қудумидан.

Ғулум Аҳмади «Навбаҳор» шеърда:
Маст этиб гул никҳатидин

навбаҳорим келдилар.

¹ Утқазिश, экиш.

Сайр боғ гул дашт этарга гул
 узорим келдилар.
 Уйқидин оч кўзни булбул сайрағил
 тинмай мудом,
 Гунчалар айлаб табассум гул
 баҳорим келдилар.
 Инқилоб-савр ҳумоси қўнди миҳан¹
 боғига,
 Бол² очиб ҳарён хиромон ғам
 гузорим келдилар.
 Бил ғанимат эй «Ғуломий» ушбу
 наврўз қадрини,
 Бир йиллик умринг олиб фасл
 баҳорим келдилар.

деб мамлакатда апрель революцияси ға-
 лабаси натижасида янги ҳаёт бошланган-
 лигини сўзлайди.

Муҳаммад Амин Метин эса, «Очилди
 сунбулу гул» шеърида, Афғонистондаги
 янги тузум халққа, элга тинчлик, осойиш-
 талик, бахт, саодат ато этганлигидан тўл-
 қинланади:

Келди бу улуг тузумдин элга
 Инжу каби ҳосил ўлди элга
 Жумҳури тузум фараҳ фазодур,
 Халқ ўғлига мазҳар сафодур.
 Жумҳурият элга хизмат этди,
 Тинчлик келтириб зафар яратди.

Шоир Ашраф Азимий ўзининг «Инти-
 зор» шеърида озодлик ва эркинлик кел-
 тирган баҳорни орзиқиб кутганлигини
 куйлайди.

Эй, гўзал мастона ёрим, кел, баҳор
 келди яна.
 Ҳаддан ошди интизорим, кел, баҳор
 келди яна.
 Ноз этиб ним очди нарғиз кўзларини
 боғ аро,
 Эй, менинг кўзи хуморим, кел, баҳор
 келди яна.

Шоир Исҳоқ Сано бўлса «Буюк бир ифти-
 хор» шеърида меҳнаткаш халқни ватан и-
 стиқболи, келажак порлоқ ҳаёт учун ку-
 рашга даъват этади.

Ишчилар, экинчилар бу кун ҳамма
 масруфи кор,
 Чин кўнгилдан бу фаслда иш қилинг,
 ўртоқлар.
 Улкамиз бўлғай шукуфон тупроғи
 ҳам зар нисор,
 Янги ойдинлик фаруғинда яшаймиз
 энди шод.
 Келди қонуний ҳукумат топди
 маҳрум иқтидор,
 Халқимиз энди инонмаслар ёмонлар
 сўзига,
 Ўзга қомат чиқса этгайлар ани эл
 тору мор.
 Қон билан ҳардам бўялиб ҳақ учун
 ўлсам «Сано»,
 Бул эрур менга тирикликда буюк бир
 ифтихор.

Апрель революциясининг ҳаётбахш нур-
 ларидан таъсирланган Сайфиддин Нури
 «Баҳор ўлди» шеърида инқилоб тонги кел-
 тирган бахтиёр ҳаёт, дўстлик, тенглик ва
 озодликни мадҳ этади.

Туринглар ўрнингиздан, дўстлар.
 фасли баҳор ўлди,
 Талошу, заҳмату, кушеш эгинглар
 вақти кор ўлди.
 Очилди адлу инсоф ва мурувват
 гуллари чақнаб.
 Етиб дўстлик шамоли барча ерлар
 хушгувор ўлди.
 Саодат бахтиёрликлар ҳаммамизга
 насиб ўлғай,
 Ҳақиқат йўлини кезмоқда янги йил
 аёр ўлди.
 Бу йил келган баҳорни фарқи бор
 ўтган баҳорлардан,
 Қувониб барчамиз масрурмиз хуш
 рўзгор ўлди.
 Йўқ энди ишлара бе назмлик ҳам
 но баробарлик,
 Топиб таназим ишлар соғ омонлик
 барқарор ўлди.

Муҳаммад Карим «Улкамиз баҳори»
 шеърида халқни бир тан, бир жон бўлиб
 она ватанни ҳимоя қилишга, унга хизмат
 қилишга чорлайди.

Улкамиз баҳорида бирлашиб
 ватандошлар.
 Она юртин асрашга боғлаб аҳду
 паймонлар.
 Оталар сўзидур, бу, сиз учун аталган
 бу,
 «Тупроқ олса зар бўлсин барча
 ишчи-деҳқонлар».

«Улкам баҳори» тўпламида Сайид Муҳид-
 дин Гавҳарийнинг «Баҳор элчиси», Раҳ-
 матулло Манибнинг «Янги баҳор», Сайид
 Ёқуб Толенинг «Фасли баҳордан сўранг»,
 Муҳаммад Авазининг «Васфи баҳор», Аб-
 дул Раҳим Уразининг «Амин зулмининг
 шаҳидларига», Ғулум Носир Нодим Зода-
 нинг «Иши ва деҳқон», Абдусалом Осим-
 нинг «Баҳор эъжози», инқилобий шоир
 Ажмалхан Хатак ва бошқаларнинг ажойиб,
 пурмазмун, юксак ғоявий туйғуларга бой
 бўлган шеърлари ҳам муносиб ўрин олган.
 «Улкам баҳори» тўпламига кирган
 шеърлар ўзининг моҳияти билан афгон
 адабиётининг ҳозирги вақтдаги ижтимоий
 мазмуни, мақсади, тематик мавзулари, ва
 ғоявий жиҳатдан тамомила ўзгариб, ватан-
 га, халққа, янги жаҳмият қуриш учун хиз-
 мат қилишга қаратилганлиги яққол кўриниб
 турибди.

Ҳозирги афгон адабиёти олдида заҳ-
 маткаш инсонни — ишчилар ва деҳқон-
 ларни қадрлаш, улуғлаш, инқилоб ютуқла-
 рини мадҳ этиш, озодлик, тенглик, халқ-
 лар дўстлиги, янги ҳаётни тараннум этиш,
 меҳнаткаш афгон халқининг қалбидаги
 орзу-умидлари, эзгу ниятлари, инқилобий
 руҳий кечинмаларини ифода этувчи юксак
 бадий ва ғоявий асарлар яратиш каби
 улуғвор вазифалар турибди.

Бу шарафли вазифаларни адо этишда
 Афғонистон шоирлари ва адибларига ул-
 кан муваффақиятлар тилаймиз.

Маъмур НИШОНОВ,

¹ Ватан.
² Қанот.



МУҚИМИЙНИНГ НАСРИЙ МАКТУБЛАРИ

Ўзбек демократик адабиётида наср суи тараққий этди. Унинг асосчиларидан бири Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳам асосан кўп асрлик адабиёти-мизда анъанавий етакчи жанр — шеър-иятда қалам тебратди. Шоирнинг чуқур ижтимоий руҳ билан суғорилган ҳаётий лирикаси, тузум иллатларини, ҳукмрон синфлар зўравонлиги ва руҳонийларнинг фирибгарлигини аёвсиз фош этуви актуал сатираси ўзбек шеър-иятининг ғоявий-тематик ҳамда бадий-шаклий тақомилига жиддий ҳисса бўлиб қўшилди. Муқимий ижодий фаолиятида ҳам, шеър-ий шакл замонанинг энг муҳим масалаларини халқчиллик ва прогресс манфаатлари позициясидан ёритилишига, даврнинг илғор ғояларининг бадий юксак ва таъсирчан ифодаланишига ҳалал етказмади. Аввалги асрлар адабиётида бўлганидек, демократик адабиётда, жумладан, Муқимий ижодида шеър-ий шаклнинг устунилик ўрни шу даражада бўлдики, ҳатто ёру дўстларига йўлланган мактубларнинг кўпчилиги, айрим ҳолларда эса, қариндош-уруғларга ёзилган мактублар ҳам назмда битилди. Шоирнинг ҳаммаслак дўстлари Фурқат ва Нодимларга, шунингдек, Тошкентда эканлигида Қўқондаги ва аксинча, Қўқонда турғун бўлганида Тошкент ва Андижондаги шоирлар ва шеър-иятни кадрловчи «ёру ошноларга» аталган назмий мактублар бунга яхши далил бўла олади. Қисқаси, Муқимий меросида (умуман, бу давр демократик адабиёт намояндалари фаолиятида) шеър-ий мактублар анчамунча учрайди.

Ана шу етакчи ҳолат назарда тутилса Муқимийнинг бизгача сақланиб қолган насрий мактублари қатор жиҳатлари билан маълум қизиқиш уйғотади.

Аввало шуни айтишлики, Муқимийнинг насрий мактублари назмий мактубларидан айрим хусусиятларига кўра сезиларли фарқланади. Жумладан, Муқимий ўз шеър-ий мактубларига, бизнингча, бадий асар сифатида ҳам қараган. Уларда шахсийликдан кўра ижтимоийлик кўпроқ юзага чиқади, икки конкрет шахс

ўртасидаги одатий муносабатлар, тор маънодаги ҳасби ҳол баёнидан кўра даврга ва умумга алоқадор масалаларни кўтаришга мойиллик равшан сезилади. Бунинг ёрқин намунаси сифатида унинг Тошкентдан Нодим Намангонийга йўлланган мактубини кўрсатиш мумкин. Рўза ва унинг шахс бошига келтираётган азоб-уқубатларини ҳаётий далилларда реал ифодалаш, бу диний маросимга аниқ салбий муносабат билдириш шеър-ий мактубнинг бош мақсади даражасига кўтарилган. Бундай конкрет мисолларда шахсий мактуб шакли шоир томонидан онгли равишда атайлаб кашф этилган адабий приёми эслатади: у демократ ижодкорнинг жиддий ижтимоий ва таъқидий фикрларини ифодалаш воситасига айланади.

Муқимийнинг бизга ҳозирча маълум насрий мактублари эса ўз мазмунига кўра асосан шахсий характердадир. Уларнинг кўпчилигини шоир Москвада ўқишда бўлган ўз жиёни Рўзимуҳаммадга йўллаган. Бу мактублар ва уларнинг аҳамияти ҳақидаги илк маълумот ва биринчи фикрлар Муқимий ҳаёти ва ижодининг зўр билимдони устоз Ғафур Ғулом қаламига мансуб. Унинг 1941 йилда эълон қилинган мақоласида Рўзимуҳаммад ҳамда унга йўлланган мактубларнинг ёзилиш тарихи ҳақида сўз боради. «Улуғ шоиримизнинг ижоди, шахсий ҳаёти ва ҳаётий жафолари тўғрисида бу мактублар кўп материал беради», деб таъкидланади. Кейинчалик профессор Ҳоди Зариф Рўзимуҳаммадга ёзилган мактубларнинг 12 тасини айрим қисқартишлар ва тегишли изоҳлар билан ўз китобчасида эълон этган, уларнинг ёзилиш саналарини белгилашга ҳаракат қилган. 1960 йилда эса профессор Ғулом Каримов бу мактубларни тошкентлик адабиёт мухлиси Маҳмудхўжа ва шоир Камийга ёзилган икки хат билан биргаликда Муқимий асарларининг икки томлик нашрига бироз тўлдирилган шаклда киритди.

Ҳоди Зариф, Ғулом Каримовларнинг баъзи тадқиқотларида айрим парча ва маълумотлар жалб этилган бўлса-да, Му-

қийиннинг насрий мактублари шу кунга қадар махсус ўрганилмаган. Ҳолбуки улар, худди шеърий мактублар каби, Муқимий меросининг ажралмас қисмини ташкил этади ҳамда шоирнинг шахсияти, характери, қизиқиш доираси ва айниқса, умрининг сўнги йилларидаги кундалик турмушини мукамалроқ ўрганишда, дунёқараши ва ижодий фаолиятининг айрим нуқталарига аниқликлар киритишда кўплаб фактик далиллар беради. Агарда биз муқимийшуносликда шоирнинг биографияси ва шахсиятига тегишли материаллар ниҳоятда кам эканлигини назарга олсак, насрий мактублардаги бу каби маълумотларнинг аҳамияти янада бўртиброқ юзага чиқади.

Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган иккинчи томони шундаки, аслида эпистоляр адабиётнинг намунаси бўлган бу мактублар айрим хусусиятлари билан ўша давр бадий прозасига ҳам яқинлашиб кетади. Ва ниҳоят, насрий мактублар давр ўзбек тили лексикасини ўрганиш, рус ва интернационал сўзларининг ундан ўрин ола боришини белгилаш, давр адабий тили нормаларини текшириш жиҳатидан ҳам жиддий диққатга сазовор.

Ҳозирча маълум насрий мактублардан хронология бўйича биринчиси Маҳмудхўжа номига ёзилган. Маҳмудхўжа замонасининг очиқ фикрли пешқадам намояндаларидан бири бўлиб, адабиёт, санъат ва илм аҳлига муҳлис эди, шеъриятни севар, ижодкорларни баланд қадрларди¹. Уйлаш мумкинки, 1887—1888 йилларда Муқимий биринчи бор Тошкентга келганида бу шахс билан бевосита танишиб, дўстлик алоқаларини ўрнатган. Кейинчалик Маҳмудхўжа номига ёзилган шеърий мактубдаги баъзи имо-ишоралардан англашиладики, Муқимий Қўқонга қайтар экан, Маҳмудхўжани ўз шахрига таклиф этган ва шунга кўра у Қўқонда шоирнинг меҳмони бўлган. Маҳмудхўжа шаҳарнинг фозиллари, адабиёт ва санъат аҳли билан танишган, адабий йиғин-суҳбатларда қатнашган, аммо машҳур хонанда ва созанда Макайлихон билан учрашиш ниятини амалга ошира олмаган. Муқимийнинг бир шеърий мактубидаги қатор байтларда ҳам шулар ҳақида сўз боради.

Уртадаги ана шундай яқинлик ва дўстона муносабатлар руҳи назарда тутилсагина ана шу шеърий мактубдан кейин кўп ўтмай (1889 йилнинг ёзида) битилган насрий мактубнинг мазмуни, ундаги айрим илтимос ва хабарларнинг маъноси тўлароқ очилади.

Уйлаш мумкинки, Маҳмудхўжа ҳам, ўз навбатида Муқимийга мактублар йўллаб турган ва уларда жумладан, шаҳар воқеалари, адабий ҳаёт янгиликлари билан шоирни таништира борган. Масалан, Маҳмудхўжанинг ана шу мактублари во-

ситасида Муқимий Тошкентга биринчи сафари вақтида шахсан учраша олмаган шоир Каримжон Камий тўғрисида бирмунча маълумотларга эга бўлган, у билан ғойибона (хатлар орқали) дўст тутиниб, ёзишмада бўлган. Сўз юритилаётган насрий мактубнинг Маҳмудхўжа билан бирга «ғойибона ошна Муллакаримжонга» ҳам аталганлиги ана шундан дарак беради.

Мактуб ниҳоятда ихчам тузилган. Унинг аввалида Маҳмудхўжа юборган «марҳаматнома» билан (шеърий мактубда сўз борган) кафш ва маҳсининг Муқимийга етиб келганлиги, бундан шоирнинг «шод бўлганлиги» баён қилинади. Охири жумлаларида эса олдин йўлланган шеърий мактубдаги Макайлик билан боғлиқ маълумотлар деярли айнан қайтарилади: «Севум бора пинҳон қолмағайким, Макайхон Марғилонда эрдилар, — келдилар. Арзи ихлосларин кумочқа еткуруб сизлардан кўп хурсанд қилдим. Ажаб эрмас Тошканд борсалар, кўрсалар...»

Лекин мактуб ёзилишидан кузатилган асосий мақсад бу хабарларни етказиш эмас, деб ўйлаймиз. Унда шоирнинг шу йиллар ҳаётини, руҳий кайфиятини, қуршаган ҳукмрон доира билан таранг муносабатини «биринчи манбадан» аниқ ифодаловчи муҳим бир парча мавжуд. Муқимий унда энг яқин ва сирдош дўстларигагина айтиш мумкин бўлган сўзларни битади, юрак дарду изтиробларидан, бўғиқ ҳаёт азоблари ва турмуш ташвишларидан дўстларини воқиф этади, қулай шароит туғилиши ҳаманоқ, Қўқонни тарк этиш ниятида эканлигини билдиради ва бу масалада улардан хайрихоҳлик ва кўмак илтимос қилади:

«...Дубора махфий қолмасунким, Хўқандда ниҳоятда дилгир ва халқидин озурда, чунончи, фард:

Маро зи рўзи қиёмат ғамеки,

ҳақст — инаст

ки, рўйи мардуми Хўқанд боз

мебинам.

Бир каримона шева билан олдируб кетсалар — халқ орасида гуфту-гў бўлсамки, «Хўқандда ҳеч ким харидор бўлмади, алар бечораларвар кишилар эркан, Муқимийни олдируб кетибдур», десалар менга бас. Бўлак ҳеч ишим бўлмаса ҳам хизматларингда юрсам.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу парчада гап иқтисодий қийинчиликлар, моддий етишмовчиликлар ҳақида эмас, балки аввало маънавий ёзилиш, ўзини ўша шароитда ёлғиз ва таҳқирланган ҳис этиш тўғрисида бормоқда, бўғиқ муҳитда асл қадрқимматини топа олмаган халқчил шоирнинг маънавий изтироблари баён этилмоқда.

«Бўлажак қиёмат кунидан мен бир ғам-ташвиш кутаман, у ҳам бўлса шуки, ўша кун қўқон одамларининг юзларини яна кўришга мажбур бўламан» мазмунидаги тожикча фард ана шу оғир руҳий кайфиятини равшанроқ ва янада кескин ифодалашга хизмат қилади. «Мардуми Хўқанд» иборасига шоир конкрет мазмуни жойлаган ва бунда у, шубҳасиз, ўзини «дилгир» (ранжиган, бўғилган) ҳолатга келтирган, тинимсиз озор — азоб

¹ Зокиржон Фурқат Тошкентда эканлигида Маҳмудхўжанинг Шайхонтоҳурдаги ҳовлисида маълум муддат яшаган. Кейинчалик чет элдан унинг номига шеърий мактублар йўллаган.

еқказётган («озурда») мансабдор расмий кишиларни, тескарича шахсларни, бой-мулкдорларни назарда тутган.

Муқимийнинг Маҳмудхўжа ва Камийлар номига йўллаган бу мактубидан кейин, Камий билан ёзишмалар йўлга қўйилган. Тошкентга уюштирилган кейинги саёхатлари вақтида эса у билан шахсан учрашиб, дўстлик муносабатлари ўрнатилган бўлиши керак. Аммо, қандайдир сабаблар билан кейинчалик бу алоқа бирмунча муддат узилиб қолган. Бизгача сақланиб қолган яна бир мактубнинг айрим жумлалари худди шундан дарак беради. «Биродари кироми мавлавий Камий»га йўлланган бу мактубда, масалан, қуйидаги жумлани ўқиймиз:

«...аммо йиллардурким, ҳеч бир-бирга хату хабар қилишолмай йироқ туштук, — йўқ эрса кўнгуллар ниҳоятда якин эрди». Кейинги мактубнинг ёзилган вақтини профессор Ғулом Каримов 1898—99 йиллар деб кўрсатади. Бунга қўшилиш мумкин. Худди шу йилларда шоирга 80-йиллар охирида юзланган қўл оғриғи касали қайта азоб бера бошлайдики, бу ҳақда ўз жиянига ёзган мактубларида бир неча бор хабар берилган. Сўз бораётган мактубда ҳам бунга ишоралар учрайди.

Бу мактубнинг аҳамиятини нуқталаридан яна бири шундаки, у Муқимийнинг Тошкентда ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, ўзининг бир неча саёхатлари вақтида бу марказий шаҳарда кўплаб дўсту мухлислар орттирганидан аниқ дарак беради. Халқ манфаатларини қуйловчи демократ шоир доимо моддий қийинчиликда кун кечиради, аср охирларига келиб эса ҳукмрон синфлар, дин арбоблари ва тескарича қалам-кашларнинг таъқиб-таъзиқи янада кучая боради. Бунинг худди шу даврда — 1898—1900 йиллар давомида Москвада ўқиётган жияни Рўзимухаммадга йўлланган қатор мактублари мазмунидан ҳам уқиб олиш қийин эмас.

Ҳозирги кунга қадар бу мактублардан ўн тўрттаси айрим жузъий қисқартишлар билан эълон қилинган. Уларнинг деярли ҳар бирида биз аввало адолатсизлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган бўғиқ шароитда ҳам моддий, ҳам маънавий ёзилган, феодал турмуши азоб-уқубатларини ўзида доимо ҳис этаётган шоирнинг реал қиёфаси билан тўқнашамиз. Масалан, илк мактубларидан бирида арзигулик совғасалом юборишга ожизлигини, «бу оламда бир фақир бечора кишиман, мандин ҳар нимарса борса, — муни ҳам айбга қўшманг!» жумлаларида ифода этса, бошқа мактубда ўзининг моддий жиҳатдан қўли калталигини қуйидагича баён қилади: «Бечора камбағал одамларни совғаси шундоғ ночиз нимарса ва шумордин ташқари бўлур экан. Шундоғ нимарсаларни юборурга номус ҳам қилур экан киши — айбга буюрманг, жон жияним».

Самимийлик руҳи билан суғорилган бу жумлаларда, айна замонда, шоирнинг етуқ инсоний фазилатлари ҳам ўз ифодасини топган. Бошқа мактубларидан олинган қуйидаги парчаларда ҳам ўзининг иложсизлик, муҳтожлик ҳолатидан қийналган олижаноб шахснинг узру андишаси аниқ эшитилади. Шоир «бечоралиғ» ва ғариб бекаслиғ» билан, «ўшал ўзингиз кўрган мадраса ва ўшал ҳужраи тангу торикда

бекаслик ва ғариблик чароғини ёқиб» яшаётганини қайта-қайта тақрорлайдики, булар унинг оғир иқтисодий ҳаётини реал ифодалайди. Шоир таржимаи ҳолидан маълумки, 80-йилларга келиб, унинг оиласи бузилади, молпараст хотини бошқа турмуш қуриб кетади. Таққирланган шоир Бегвачча маҳалласидаги мадрасадан бир ҳужра олиб ўли Акбархўжа билан вақф ерларидан тушган даромаддан келувчи арзимас улуш эвазига ғарибона кун кечира бошлайди. Кейинчалик бу имконият ҳам барҳам топади — чор маъмурияти мадрасаларга тегишли вақф ерларини давлат фойдасига мусодара этади. Жиянига ёзилган мактубидаги қуйидаги жумлалар шоир ҳаётининг фожеъ даражасини жуда равшан кўрсатади.

«Ҳар дафъа хат берамиз савғосиз. Сизга муносиб юборгудек бир нимарса юборолмай — хатларимиз қуруқдин-қуруқ бориб, — ниҳоятда ёзган хатларимиздин ҳижолат ва шарманда бўламиз. Бечорачилик. Подшолик мадрасаларни вақфини олиб қўйган — ҳеч бир тарафдин даромад — дахл йўқ. Қашшоғлиғ. Шу сабабли ҳижолат бирлан хатларимиз шундоғ қуруқдин-қуруқ борадир, — айбга қўшманг! Олло тоғангизни шундоғ камбағал бечора халқ қилмиш...»

Ана шундай турмуш шоирнинг соғлиғига ҳам, равшанки, кучли салбий таъсир кўрсатади. У айниқса, асрнинг сўнги йилларида тез-тез касал бўлиб туради, бир неча ойлаб ётиб қолади. Шоирнинг шеърий мактубларида бўлганидек, жиянига йўлланган насрий хатларида ҳам бу тўғрида айрим таъкидлар, баъзи имо-ишоралар мавжуд. Масалан, 1899 йил 6 июнда ёзилган мактубда қуйидагиларни ўқиймиз: «...Аммо, уч-тўрт хатлари келди, фақир ҳеч бир хат қилолмадим. Сабаб шулким, беш-олти ой, бўладирким, бетоб эрдим... Ва ҳануз ҳам дуруст беморлиғ асари баданлардин тоза дафъ бўлғони йўқ».

Кейинроқ йўлланган мактублардан бирида эса бир неча ой давомида қулоғ оғриғи дарди билан касал бўлганлигини билдиради. Шоирнинг соғлиғи тобора ёмонлашиб борганлигидан дарак берувчи бундай таъкидлар бошқа мактубларда ҳам учрайди. Ҳатто 1900 йил бошларига келиб, маълум муддат қўлга қалам олмас даражада касалланиб қолади. Муқимийнинг илтимоси билан мулла Азимжон томонидан шоир жиянига ёзилган мактуб мазмуни худди шундан дарак беради.

Муқимийнинг ўз мактубларида ҳам бу фикрларни тасдиқловчи маълумотлар учрайди. Масалан, 1899 йил 6 июнь санаси қўйилган мактубида шоир касаллиғи туфайли ҳақимлар тавсияси билан Исфарада маълум муддат яшаганлигини ёзади:

«Ҳукамолар саёхат қилмоққа буюриб эрдилар, «Тоғлар ичинда, ҳушҳаво сойларда бир андак вақт юрсангиз» дегонларини боисидин Исфара деган тоғ ичинда бир мавзеъ бўлур эрди,— наҳоятда хушфайз, баҳово жой,— ул музофотларда беш-олти ҳафта туруб келдим».

Шоирнинг муттасил касаллиғи ҳам, руҳий азобланиши ҳам, равшанки, унинг ижодий активлиғига маълум маънода салбий таъсир кўрсатган. У 1899 йил бошларида Камийга ёзган мактубида ўзи

битган ҳусни хат намунаси муносабати билан шундай иқрор бўлади: «...неча замонлардин бери бемашқ, камхафсалик. Қўллар қалтираб бэзур ёздука, — айбга буюрманг».

Худди шу пайтларда Москвага йўллаган мактубида ҳам ижодий иш билан қам шугулланилаётганини маълум қилади: «...Ваяна назм ёзуварингиздин юборинг!» деб экансиз. Фақир неча муддат бўладурким, назм айтурга табиат лоҳази эрдим...».

Шубҳасиз, аслида сермахсул бўлган Муқимий турли касалликлар дардини тортаётган сўнги йилларида илгариги суръат билан ижод қила олмаган. Аммо бу — шоир талантининг сўнганлигини, ижоддан батамом қўл тортганлигини асло билдирмайди. Унинг 1900 йиллар атрофида бир неча муҳим асарлар ёзилганлиги маълум. Шоирнинг бир ўтиришда — қисқа муддат ичида бутун-бутун ғазаллар ёзиш қобилияти аслида бу йилларда ҳам тўла сақланиб қолган. Бунга очиқ ишора этувчи қуйидаги жумлалар катта қизиқиш уйғотади: «Бовужуди бир ёзув — назм, пашшаларнинг шаънига айтиб эрдик. Бешарифда кўп бўлур экан. Бир кеча анда машқ бўлуб эрди, қуруқ хат бормасун, деб, кираси қилмаса ҳам, бир омади гап деб ёздук, — айбга қўшманг». Булардан маълум бўладикки, мактубга илова қилиб жиянига юборилган юмористик мазмундаги ғазални шоир Бешарифда бир кечада ёзган.

Насрий мактублар Муқимий қолдирган меросининг ажралмас бир қисми сифатида шоир шахсиятини, дунёқарашини, ўзлигини тушунишда қизиқарли маълумотларни ўзида жамлайди, унинг дунёқарашидеги прогрессив моҳиятини белгилашда текширувчига анча-мунча фактик материаллар беради. Гап шундаки, мактубларда шоирнинг шахсий инсоний хислатларини, табиатини ёритувчи парча, ишора ва далиллардан ташқари, унинг ҳаёт ва воқеалик ҳақидаги тушунчалари ҳам, айрим муҳим воқеаларга муносабати ҳам маълум маънода ўз ифодасини топган.

Насрий мактублардаги мавжуд материаллар шоирнинг Россияга, руслар, уларнинг маорифи, илму — фанига хайрихоҳ ва ижобий муносабатини яққол тасдиқлайди. Биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, Муқимий ўша давр, тарихий шароитининг бош ижтимоий-сиёсий масаласини, яъни ўлканинг Россияга қўшиб олиниши масаласини баҳолаш ва муносабат билдиришда принципиал ижобий позицияда турди. Бу жуда муҳим момент шоирнинг умуман ижодида бўлганидек, жиянига йўллаган шахсий мактубларида ҳам кўзга ташланади. Тўғри, мактубларда бу яхлит ва мукаммал концепция даражасида баён этилган эмас. Аммо кўплаб қайдлар, таъкидлар, у ёки бу воқеа, ҳодиса муносабати билан билдирилган фикрлар ҳамда амалий қадамлар шоирнинг Россияга нисбатан ижобий позицияда турганлигини исботлайди. Ҳоди Зарифовнинг зикр этилган китобчасида мактублардаги бундай парчаларнинг кўплари келтирилиб, шоир дунёқарашининг прогрессив моҳиятини кўрсатувчи фактлар сифатида таҳлил этилган. «Муҳаммад Аминхўжанинг сақланиб қолган мактублари, — деб ёзади муаллиф, — гарчи

хусусий, асосан тоға-жиян ўртасидаги муносабатларга доир бўлса ҳам у ердаги кичик-кичик деталлар ёрдами билан Муқимийнинг ижтимоий тараққиётда улуғ рус халқига суянганини пайқаб олиш мумкин».

Масалан, шоир рус докторларидан шифо топанлигини маъмуният билан ёзади. У деярли ҳар бир мактубида жиянига европача таълим бераётган москвалик олимларга чин қалбдан саломлар йўллайди, уларни зўр ҳурмат билан тилга олади: «Ва домлаларингизга ва мактабхонада бирла ўқиб юргувчи ўртоқларингизга — ҳам-маларига мандин ғойибона салом еткуруб кўйинг». «Ва мактабхонада ҳам, мактаб ўртоғлар била, мумкин бўлса, устозу муаллимларингизга саломлар айтинг».

Бундай илиқ ва самимий муносабат тасодифий эмас. Гап шундаки 1899 йил ёзида Москвадан Қўқонга таътилга келган Рўзимухаммад тоғасининг қистовига кўра, Москва ва Петербург тўғрисида, шунингдек рус олимлари, маориф системаси, ўқиш программаси, рус маданияти ҳақида кўп сўзлаб берган, унда Россияга нисбатан ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини уйғотган эди.

1899 йил охирларида ёзилган мактубидаги мана бу жумлалар шоирнинг Россия ҳақида бирмунча маълумотларга эга бўлганлигини кўрсатиш билан бирга ундаги қизиқиш тобора кучайиб бораётганидан дарак беради. «Ул мамлакатларда ажойиб ва ғаройиб ишлар кўпи!» Муқимий ана шу мамлакат ҳақида чуқурроқ ва ишончлироқ билим олишга интилади, ўзида қандайдир маънавий талаб-эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам шу ўриндаёқ жиянига қуйидагиларни таъкидлайди: «Ёзиб, хатингизни кўпроқ қилинғизким, филжумла ўқуб, қонгудек бўлайлик».

Қисқаси, насрий мактублардаги кўплаб сочма далиллар Муқимийнинг Россия ва руслар ҳақида ижобий позицияда турганлигини, у юртдаги «ажойиб ва ғаройиб ишларга» катта қизиқиш билан қараганлигини кўрсатади. Бундай илғор дунёқараш аслида, жиянининг Москвада яшаб европача таълим-тарбия олишига унинг розилик берганидаёқ яққол юзага чиққан эди.

Насрий мактублардаги айрим парчалар бўйича Муқимийнинг ўша конкрет давр маданий ҳаётимиздаги ўзгаришларга, рус фани ва техникаси янгиликларига муносабати масаласига ҳам аниқликлар киритади. Шу муносабат билан мактублардаги фотосурат ҳақидаги жумлаларни эслаш ўринли. Улар Муқимийнинг юқори тушунчали ва тўла маънодаги замонавий илғор шахс сифатида характерловчи ишончли деталлар жумласига киратилади. Мактублар ёзилган йилларда Муқимий рус фани-техникаси, маорифи, маданияти ҳақида шубҳасиз, анча-мунча маълумотларга эга бўлган. Рус фотография санъати тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. (Унинг яқин дўсти, ғовий ҳаммаслаги Зокиржон Фурқат 1891 йилдаёқ «Назаров номли тасвиркашнинг сувратхонаси», яъни фотолaborаторияси тўғрисида газетада батафсил ёзиб чиққан эди).

Шоирнинг 1898 йил баҳорида ёзган мактубида жиянидан фотосуратини сўрайди. «Ва илло суврат тўғрисида илтимос қилиб эрдим, ёдингиздан фаромуш қилдингиз» деб такрорланади кейинги хатларидан би-

рида. Рўзимухаммад тоғасининг қистови илтимосини ўринлатиб ўз фотосуратини юборган. Бу ҳақда мактублардан бирида қуйидагиларни ўқиймиз: «Ушбу ой ичи Хўқанд келиб, хатларини йўлуқиб олиб, ичинда... бир суврат бор экан, кўпдан-кўп хурсанд ва сарафроз бўлиб, гўёки ўзингизни кўрдим».

Қисқаси, мактублардаги бу каби деталлар шоирнинг илғор дунёқарашидан, Россияга ижобий муносабатидан дарак беради ва айни замонда унинг қолақ феодализм, диний тушунчалар ва урф-одатлар доирасидан юқори кўтарила олганлигини кўрсатади.

Айтилганидек, насрий мактублар Муқимийнинг шахс сифатидаги ҳислат — фазилятлари ва характерининг қатор нуқталарини белгилаш юзасидан ҳам етарли маълумотлар беради. Мактублар асосида айтиш мумкинки, табиятан одил ва ширин сўз шоир, меҳрибон, раҳмдил, одамшаванда ва очик кўнгил шахс бўлиб, камтаринлик ва сермулоҳазалик, самимийлик ва чуқур андишалик унинг характерининг асосий белгилари даражасига кўтарилган. Унинг беғубор кўнглигина ва кек сақлашни билмаган.

Мактублар демократ шоирнинг насри намунаси сифатида ҳам текширувчи учун қимматлидир. Улардаги кўпгина парчалар қатор хусусиятлари билан бадий прозага жуда яқинлашиб келади. Чиндан ҳам, уларда воқеа ва ҳодисалар, фикр-мулоҳазалар, хабар ва орзулар шунчалик қуруқ ва совуқина баён этилмайди. Аксинча, мактубларнинг жуда кўп ўринларида ташқи борлиқни образли тафаккур этувчи ижодкор дили ва дидини, шоир қаламини кўрамай, жонли тасвир ва бадий лавҳалар билан учрашамиз, мазмун равшанлиги ва баён равшанлигига эришиш ҳамда таъсирчанликни ошириш мақсадида бадий тасвир воситаларидан, шунингдек, халқ ибораларидан, мақол-маталларидан онгли фойдаланишни кузатамиз, ниҳоят, ора-ораларига жойлаб юборилган шеърли парчаларни ўқиймиз. Бундай пайтларда биз беҳис, бепарво хабарчи — роқим билан эмас, балки ҳис-туйғуларни ҳаяжонли ва таъсирчан ифодаловчи ижодкор образи билан тўқнашамиз. Уларда Шарқ эпистоляр жанрига хос бўлган ортиқча жимжимадорликлар, мавҳум ўхшатишлар ва таққослар, баландпарвоз қуруқ иборалар, узундан-узоқ чигал жумлалар учрамайди. Аксинча, Муқимий жумлаларининг аксарияти фикр равшанлиги ва мантқ изчиллиги, шакл соддалиги ва муносабат самимийлиги билан, ҳаётий мазмунни конкрет ва айни замонда ихчам ҳамда бадий ифодаланishi билан характерланади. Масалан, қуйидаги парчада ортиқча иборагина эмас, балки ўринсиз ишлатилган ҳатто бирор сўз ҳам учрамайди: «Ва аммо ушбу вақтларда Хўқандда мевалар пишган. Ҳайфким, юборур (эрдим), бормайдур экан ва айўлда борғунча чириб қоладур», дейдилар. Доғ бўлдимки, шафтолу, ё анжир ва чилги узум — шундоғ жинс мевалардин саватчага жойлаб юборуб

бўлмас экан, кўп афсус қилдим».

Муқимий насрий мактубларининг кўп ўринларида инсоний меҳр-муҳаббат, ҳис-туйғулар, руҳий ҳолат, ички кайфият образли ифодасини топган. Соғинч азоблари, кутиш ва интизорлик ҳаяжони шоир томонидан ниҳоятда конкрет ва бадий баён этилади. Мактубларнинг бу каби ўринларида, аввало лирик шоир Муқимий қаламини кўрамай, борлиқни бадий тафаккур этувчи санъаткор билан учрашгандек бўлаемиз.

Қуйидаги каби жумлаларда эса, аксинча, машҳур сатирик-юморист бўлган роқим характерига хос закийлик ва кинояни кўриш қийин эмас: «Ушбу хат рамозони шариф йирмалончисида саҳарда ёзилди. Сўзларда саҳву хато кетган бўлса, рўзани гаранглиғига ҳамл қиласиз» (147-бет). Бу мазмун Нодим Намангонийга илгари ёзилган шеърли мактубда рўза муносабати билан битилган:

Халқ ақлидин адашгану гаранг,
Бошларида хуш йўқ, маҳзу хубоб.
Рўзаман, диққатчилик, кам ҳавсалам,
Қолмади қўлга қалам олмоққа тоб

каби кучли мисраларни эслатади.


Муқимий мактублари бўйича XIX асрнинг сўнги йилларига келиб мавжуд рус ва интернационал сўзлар қаторига «пўшта» (почта), «белат» (паспорт), «дўхтур» (доктор), «час» (часть), «добирнас хат» (доверенность), «беноват» (виновать) каби сўзларнинг кириб келганлиги, халқ жонли тилида ва расмий ёзувларда қўлланилганлигини қайд этиш мумкин. Шу ҳам эътиборга лойиқки, Муқимий деярли ҳар бир ўринда, жонли талаффуз асосида бўлса-да, оиларнинг европача номларини (Февраль, март, май, июнь, июль ва ҳоказо) ёзди. Биргина характерли мисол келтирармиз: «Яна мой ойини ўн иккинчисида бохабар бўлуб, иккинчи пўштага солдук».

Муқимийнинг насрий мактублари у қолдирган салмоқли адабий-ижодий мероснинг узвий бир қисмидир.

Мактублар, айни замонда, воқеа-ҳодисаларга санъаткор диди ва шоирона назар билан боқувчи туғма талант соҳибининг насри ҳамдир. Шунинг учун ҳам улар қатор жиҳатлари билан бадий прозага жуда яқинлашиб кетади. Муқимийнинг ҳаёти мазмунини реалистик услубда баён этувчи мактублари, Зокиржон Фурқат, шунингдек, Сетторхон каби маърифатпарварлар насри қаторида XIX аср охири ва XX аср бошлари ўзбек адабиётида бадий прозанинг ўзига хос йўللари ва хусусиятлари билан ривожланганини кўрсатади ва бу насрий меросни ўрганишда қимматли материал бўлиб хизмат қилади.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори.

Тўн қайчи



Конвертларни қайчилаганда

□

«Иккаласи Навбаҳорнинг энди-энди башараси аниқланаётган кўчаларини айланиб юрарди.»

□

«Уч яшар новвос ҳам бошини чангаллаб, чапак чалиб кетди.»

□

«Қизнинг ёш елкаларига калта сочлари ёйилиб тушиб турар эди.»

□

«Соқоллари 60 ёшлардан ўтган бўлсада бирмунча оқ сийрак оралаган.»

□

«Бу сўз домланинг ўнг қулоғига сариқ ёғдай бўлиб томилди.»

□

«Шамол кўтарган денгиз тўлқинидай бўлиб турган хона ичига бирдан жимлик сукунати тушиб қолди.»

□

«— Сең мени бошимни оғритма, ҳозир мен сени тилингни суғираман,— деб ота қизига ўрнидан туриб шапалоқ беришга тутинди. Қиз қочди. Ота қизга яқинлашдим деганда, оёғи тўнкага илиниб, қўл-оёқларини ёйганича осмондан келгандай бир тушдики, ақл-ҳуши косасидан отилиб чиқди!..»

□


«Тракторчилик — шарафли, қаримайдиган касб.»

Ўртоқлик ҳазиллари

МАҲКАМОЙ ҲАЗРАТҚУЛОВА

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Нишон районидаги К. Маркс номли совхознинг бригада бошлиғи

Толим-толим толаларда элнинг толеи,
Осмонўпар пахта тоғи бойликдан нишон.
Яшнаиберсин ризқ даласи, қирлари, сойи,
Маҳкамойлар ҳимматига қуллук, шараф-шон!



**ГУЛЧЕҲРА ЖУРАЕВА,
ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВА**

Шоирлар

Ўзбекистон — оромижон;
Булбул чамани,
Нур ўлкаси, чиройидан ой юзи хира.
У — қўшиқдир, лол қолдириб бугун ҳаммани
Куйламоқда жўр овоз-ла Гулу Гулчеҳра.



ДИЛБАР ҚУЛМАТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси

Жажжи-жажжи қизчалар ўйнасину кулсин-эй,
Йўлларига нурлару турфа гуллар тўлсин-эй.
Иzzат-икром уларга, даври дастгоҳ уларга,
Шоирда хоҳиш-истак: ўссин, Дилбар бўлсин-эй!





Жўр овозлар.

- «Кавказ асирини ўқиганмисиз?
- «Капказ асираси»ними, Пушкин-
никими, Лермонтовникими?



- Уғлим, мактуб ёзиб бергин.
- Гонорарни ким тўлайди?

Расмларни Алижон Холиқов чизган.





ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ СОЮЗИДА

Январнинг охири-февралнинг бошларида Ўзбекистон Ёзувчилари Союзи қошидаги Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйида 1981 йил адабиётига бағишланган қизғин муҳокамалар бўлди.

Проза муҳокамасида адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов ва ёзувчи Ўткир Ҳошимов, поэзия муҳокамасида адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров билан шоир Омон Матчон, драматургия муҳокамасида профессор Бердиали Имомов, адабиётшунослик асарлари муҳокамасида эса филология фанлари докторлари Азиз Қаюмов билан Собир Мирвалиев, болалар адабиёти муҳокамасида филология фанлари доктори Салоҳиддин Мамажонов докладлари тингланди. Маърузачилар ва муҳокамаларда сўзга чиққан ўртоқлар ўтган йилда яратилган проза, поэзия, драматургия асарларини халис баҳоладилар, ютуқ ва камчиликларини рўйроқ кўрсатдилар. Адабий жараёнда кўндаланг бўлиб турган кўпгина муаммолар, муносабатлар мустақам партиявий нуқтаи назар билан баҳоланди, келажакда қилинажак ишлар, чоратдбирлар хусусида келишиб олинди.

ЗИЛОЛИЙ ЮБИЛЕЙГА АТАБ

Ашхободда Туркменистон Компартияси Марказий Комитети секретари М. М. Муллаева раислигида туркман классик шоири Зилолий таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш юзасидан ташкилий комитетнинг мажлиси бўлди. Шоирнинг юбилейи тантаналари шу йилнинг куз ойлари республикада ва ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилади. Туркменистон Ёзувчилари Союзи правлениеси раиси Т. Қурбонов, Е. Хўжаев, ТССР маданият министри Мамилев ва бошқа масъул ўртоқлар шоир юбилейига қандай тайёргарлик кўрилайётгани ҳақида сўзладилар.

Жумладан, Зилолийнинг ҳаёти ва ижодига оид янги манбалар йиғиш учун ташкил қилинган илмий экспедиция яхши натижаларга эришди. Шунингдек, Зилолийнинг суратини яратиш учун конкурс эълон қилинди. Улкан классик шоирнинг Н. Гребнев таржимасидаги янги китоби тайёрланди. Адабиётшунос С. Муродов шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида монография ёзди. Туркман бастакорлари эса Зилолий шеърларига янги-янги куйлар басталамоқда.

ПАВЛО ТИЧИНА ЧЎҚҚИСИ

Украин альпинистлари жуда кўп марта юксак тоғ чўққиларини забт этганлар, уларни ижодкорлар номи билан атаганлар: масалан, Иван Франко, Лесьа Украинка, Николай Островский, Александр Бойченко.

Яқинда украин альпинистлари экспедицияси Помир тоғидаги ҳозиргача хариталарда қора учбурчак билан белгилаб келинган 5214 метр баландликдаги чўққига чиқди. Бу сарбаланд чўққи атоқли украин шоири Павло Тичина номи билан аталди; у ерга ёдгорлик тоши ҳам қўйилди.

ЯНГИ НАШР

Прагада шу йилнинг январидан чех Ёзувчилари Союзининг органи «Кмен»— 12 саҳифали адабий ҳафталик нашр этила бошланди. «Кмен» «Творба»га илова тарзида пайдо бўлди.

Сўнгги йилларда чех ёзувчиларининг биргина «Литерарни месичник» журнали бор эди. Албатта, бу журналда ҳозир адабиётга кириб келаётган янги-янги ижодкорларнинг ва самарали ишлаётган тажрибали ёзувчиларнинг асарларини босиб улгуриб бўлмасди, шунинг учун ҳам бу нашр ташкил этилди.

Чех журналистикаси тарихида худди шу «Кмен» номидаги ҳафталиклар машҳур адиблар— Ф. Шальд, К. Нейман, Ю. Фучиклар раҳбарлигида чоп этилган. Бўғунги «Кмен» ўтмишдаги тажриба ва анъаналар давомчиси бўлибгина қолмай, балки, чех адабиётининг замонавий талабларига жавоб берадиган, унинг бугунги овози бўлиб янграйдиган нашрга айланиши кўзда тутилмоқда. Ҳафталикнинг биринчи сонида атоқли шоир Иржи Тауфернинг мақоласи босилди, унда шундай дейилади: «Ҳозирча «Кмен» ҳафталик нашр сифатида иш олиб боради, аммо, пайти келиб, у алоҳида ойлик адабий журналга айланади».

КОЛХОЗЧИ-ДРАМАТУРГ

«Известия» газетасида ёзилишича, тоғли Олтой автоном области тузилганининг 60 йиллигига Белоануй халқ драматик театри «Ясовулнинг мамоти» номли пьесасини тайёрламоқда. Бу пьеса «Ленин йўли» колхозининг партком секретари В. Константиновнинг режиссёр В. Третьяков билан ҳамкорликда ёзган «Совет ҳоқимияти учун» трилогия-пьесасининг сўнгги қисми-дир.

АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

Китоб мухлисларига Москвада нашр этиладиган «Литературные памятники» сериясидаги китоблар яхши таниш. Бу нашр 1948 йили ўша пайтдаги СССР ФАнинг президенти С. И. Вавилов ва вице-президент В. П. Волгиннинг ташаббуси билан бошланган эди. Кейинроқ бу сериядаги китоблар нашрига академик Н. И. Конрад раҳбарлик қилди; ҳозир эса «Литературные памятники» академик Д. С. Лихачёв бошчилигида нашр этилмоқда. Ҳозиргача адабий ёдгорликлардан 300 дан ортиғи чоп бўлди.

ПУШКИН ПОВЕСТИ АСОСИДА

«Ленфильм» киностудияси ижодкорлари Александр Сергеевич Пушкиннинг «Пиковая дама» повести асосида рангли телевизион бадий фильм яратишга киришдилар.

— Биз бу фильм учун махсус сценарий ёзганимиз йўқ,— дейди режиссёр Игорь Масленников.— Пушкин повести тўлик

ҳолда сценарий вазифасини ўтамоқда: биз муаллиф текстидаги бирор жумла, бирор сўзни қисқартирмасдан янги кино асари яратиш фикридамиз.

Асардаги тасвирий саҳифаларни Алла Демидова ўқийди, диалоглар эса актёрлар томонидан ижро этилади. Германн ролида В. Проскурин, Чекалинский ролида И. Смоктуновский, Томский ролида В. Соломин суратга тушмоқда.

Томошабин бу фильмда қадимги Петербург шаҳрининг жуда кўп гўзал манзараларини кўришга муваффақ бўлади.

ЖАЖЖИ КИТОБЛАР

Яқинда Украинанинг «Днипро» нашриёти Павло Тичинанинг икки асари — «Партия раҳнамо» ва «Қон-қардошлик ҳисси» асарларидан иборат икки жилдлик миниатюр-китобини нашр этди. В. Сосюранинг «Қизил қиш» поэмасини ҳам нашриёт ана

шундай жажжи китоб шаклида чоп қилди. Уни график-рассом В. Перевальский безаган.

СССР Давлат мукофоти лауреати Б. Олейникнинг «Нуқтаи назар» миниатюр-китобига эса шоирнинг «Анкета», «Ленин мавзолейи», «Ҳақиқат», «Коммунист» деган тўртта шеъри кирган.

«Днипро»нинг бу хилдаги жажжи нашрлари ичида Лев Толстойнинг «Базмдан сўнг» ҳикояси кирган китобча алоҳида ажралиб туради. У беш тилда — рус, украин, инглиз, немис, француз тилларида нашрдан чиқарилди.

Шунингдек, нашриёт украин классик шоири Тарас Шевченконинг «Наймичка» ва «Ўйларим» асарларини ҳам миниатюр китоб ҳолида нашр этди. «Ўйларим» китобчаси Т. Шевченконинг ўзи чизган 16 та расм билан безатилган. Шоирнинг Репин мўйқаламига мансуб портрети дастлабки саҳифада берилган.

ЗВЕЗДА ВОСТОКА

МАРТ СОНИДА

Журналнинг бу сони «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги» рубрикаси остида чоп этилган Л. Грунцнинг «Шинам уйлар»

мақоласи билан очилади. «11-беш йиллик амалда» рубрикаси остида эса Р. Сафаровнинг «Ўзбекистон китоблари парвози» мақоласи эълон қилинган.

Проза мухлислари О. Авлиёқуловнинг «Ҳаёт сўқмоғи», Ж. Илёсовнинг «Анахита қасоси» романлари давоми ҳамда Р. Мирҳайдаровнинг «Тўғон» асари билан танишадилар.

Журналда Р. Фарҳодий, Сайёр, О. Ҳожиева, Ш. Орифий ва бошқа бир неча ёш шоирлар ўз шеърлари билан қатнашганлар.

Шунингдек, «Танқид», «Санъат», «Саргузашт — фантастика» бўлимларида ҳам қизиқарли материаллар берилган.

Бош редактор **Ҳ. АБДУСАМАТОВ.**

Редколлегия: **С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАББОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК** (масъул секретарь), **МИРМУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ** (бош редактор ўринбосари), **У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.**

Техредактор **М. Мирражабов.**
Корректор **А. Билолов.**

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 3

Орган Союза писателей Узбекистана
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1982.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 7.01.82 й. Босишга рухсат этилди 15.03.82 й. Р-02844. Қоғоз формати 70×108^{1/16}. Қабариқ босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 215.000. Заказ № 2330.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи» 1982.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 330918.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.